

АЛИШЕР НАВОИЙ

# XAMSA



АЛИШЕР НАВОИЙ

# ХАМСА



Тошкент  
«Янги аср авлоди»  
2013

**УДК: 821.512.133**

**КБК: 84(5Ў)1**

**Н-14**

**Навоий, Алишер**

**Хамса / Алишер Навоий; қисқартириб нашрға тайёрловчи  
А.Хожиахмедов; масъул мухаррир В.Рахмонов. – Т.: Янги аср  
авлоди, 2013. – 428 б.**

**ISBN 978-9943-27-082-4**

Мазкур китобда Алишер Навоий «Хамса»сидаги барча достонларнинг мазмуни баён килинган. Уларда шоир томонидан тасвирланган турли воқеа-ҳодисалар акс эттирилган, фақат кириш қисмлари, меъеридан чўзилиб кетган манзаралар, монологлар бир оз қисқартирилган. Ушбу Навоий достонларининг насрый талқинини ўқиб чиқиб аллома шоиримизнинг туркii шеъриятning гултожи ҳисобланмиш «Хамса» шеърий достонларини англаб олишингизга ёрдам беради, деб ўйлаймиз.

**УДК: 821.512.133**

**КБК: 84(5Ў)1**

**Қисқартириб нашрға тайёрловчи:**

**Анвар ҲОЖИАҲМЕДОВ**

**Масъул мұхаррир:**

**Бахоб РАҲМОНОВ**

---

ISBN 978-9943-27-082-4

© Алишер Навоий. «Хамса», «Янги аср авлоди», 2013 йил.

## БҮЮК БАДИЙ ОБИДА

Үрта асрлар Шарқ адабиёти, хусусан, форсий ва туркий шеърият ривожида «Хамса»чилик анъанаси алоҳида аҳамиятга эга бўлди. Бу анъананинг бошланишига буюк озарбайжон шоири Низомий Ганжавийнинг XII асрнинг иккинчи ярми ва XIII аср бошида яратган «Махзан ул-асрор» (1174 — 1177), «Хисрав ва Ширин» (1181), «Лайли ва Мажнун» (1188), «Ҳафт пайкар» («Етти гўзал», 1197) ҳамда «Искандарнома» (1199 — 1201) достонлари асос бўлиб, улар кеинчалик ижодкор вафотидан сўнг «Хамса» (арабча «бешлик» дегани) ёки «Панж ганж» (форсий тилда «Беш хазина» маъносида) номлари билан яхлит китоб ҳолида жуда кенг тарқалган, турли тилларга таржима қилиниб, шуҳрат топган эди. Мазкур китобдан ўрин олган алоҳида достонлар бир неча шоирни шу мавзудаги йирик поэтик асарлар ёзишга илҳомлантирганди.

1253-1325 йилларда яшаб ижод қилган Хисрав Дехлавий ўзининг форс-тоҷик тилидаги «Матла ул-анвор» («Нурларнинг бошланиши»), «Ширин ва Хисрав», «Мажнун ва Лайли», «Ҳашт биҳишт» («Саккиз жаннат») ва «Оинаи Искандарий» («Искандар ойнаси») номли бешта достонини яратиб, Низомий «Хамса»сига тўла жавоб яратди ва бу анъананинг бошловчиси бўлиб майдонга чиқди.

XV асрда яшаган аксарият шоирлар «Хамса»га ўҳшатма битишга ҳаракат қилган бўлсалар ҳам, кўплари бир ёки бир неча асар яратишга эришдилар. Чунончи, Мавлоно Ашраф, Мавлоно Абдулло, Котибий Низомийнинг бир қатор достонларига жавоб битган бўлсалар, Мавлоно Фасех Румий унинг «Махзан ул-асрор»ига, Ҳожа Ҳасан Хизршоҳ «Лайли ва Мажнун» достонига ўҳшатма достонлар ёзишган. Ле-

кин икки буюк ижодкор: Абдураҳмон Жомий ва Алишер Навоийгина тўлиқ «Ҳамса» яратишга эришдилар.

Жомий асари бешта эмас, етти достонни ўз ичига олиб, «Денгизлар сири», «Лужжатул асрор» (875 — 876 ҳ.), «Тухфатул аҳрор», «Сабҳат ул-абброр» (887 ҳ.), «Юсуф ва Зулайҳо» (888 ҳ.), «Лайли ва Мажнун» (889 ҳ.), «Хирадноман Искандарий» («Искандар ҳикматномаси») (890 ҳ.) достонларидан иборат бўлиб, «Ҳафт авранг» («Етти таҳт») деб ҳам аталади.

Юқорида номи келтирилган асарларнинг барчаси ўша давр анъанасига мувофиқ форс-тожик тилида битилган эди. Натижада уларни шу тилни биладиган китобхонларгина ўқиб, бошқа ҳалқлар вакиллари улардан бебаҳра қолар, баъзан таржима орқалигина бу гўзал обидалардан баҳраманд бўла олардилар.

Алишер Навоий 1483 йилда бу мураккаб ишга киришиб, икки ярим йил ичида «Ҳайрат ул-абброр», «Фарҳод ва Ширин», «Лайли ва Мажнун», «Сабъаи сайёр», «Садди Искандарий» достонларидан ташкил топган «Ҳамса» китобини эски ўзбек тилида яратиб, жаҳон адабиётини безавол ва бетакрор буюк асар билан бойитди.

Низомий «Ҳамса»сига жавоблар ёзиш, ҳеч бўлмаганда, ундаги айрим асарларга ўхшатма татаббуълар битиш анъанаси кейинги даврларда ҳам давом этди. Таниқли адабиётшунос Е.Э.Бертельснинг берган маълумотларига қаранганд, «Лайли ва Мажнун» Хусрав Дехлавийдан бошлаб жами 24 шоир яратган форс, ўзбек ва озарбайжон тилларидаги достонлар учун асосий манба бўлиб хизмат қилган.

Мазкур асарларда Низомий достони айнан ўзича тақрорланавермай, ҳар қайси даврга хос ижтимоий-сиёсий ва маънавий-ахлоқий масалалар ўз аксини топган, асар воқеалари, тимсолларга баъзи ўзгаришлар киритилган, тасвирий-услубий тамойиллар ҳам бир қатор янгиликлар билан бойитилган, бадиийлик ғоят ривожлантирилган, ҳар қайси миллий тил бойликлари ва гўзалликларидан янада унумлироқ фойдаланилган.

Алишер Навоий қаламига мансуб беш достон, шоирнинг таъкидига қараганда, жами 30 ой — 2 ярим йил ичида яратилган бўлса-да, бу асарларнинг ҳар бирини кўп йиллик ижодий меҳнатнинг натижаси деб қараш керак. Зоро, ёшликтан шу улуғ мақсадни ўз олдига қўйган шоир «Хамса» яратиш ишига аввалдан киришган, шу мақсадда юзлаб тарихий, илмий ва адабий китобларни ўрганиб чиқсан ва уларни тадқиқ этган, бир-бири билан қиёслаб, ўз хуносаларини кўплаб устозлари ва фикрдошлари синовидан ҳам ўтказган эди. Шунинг учун унинг беш достони бутун ҳалқ манфаатларини акс эттирган, омма учун асрлар давомида севикли бўлиб қоладиган ўлмас қаҳрамонлар қиёфалари билан лиммо-лимдир.

Навоий ўз «Хамса»сини яратар экан, Низомий ва Дехлавийлар яратган айрим ижобий қаҳрамонлар қиёфасини кескин ўзгариши, аниқроғи қарама-қарши хосиятлар соҳиби сифатида гавдалантириш усулини ҳам қўллайдики, буни жаҳон адабиёти учун ҳам янгилик деб қабул қилиш мумкин. Чунки тарихий шахсларни шу хилда талқин қилиш Farb адабиётида, масалан, Шекспир ижодида ҳам учрамайди. Биз бу ўринда, аввало. «Фарҳод ва Ширин» достонидағи Хусрав қиёфасини назарда тутяпмиз. Навоий ўз устозлари «Хамса»ларида ижобий фазилатлар эгаси тарзида гавдалантирилган шоҳ Хусравни золим, босқинчи, маккор, но-мард ҳукмдор сифатида тасвирлаб, тарих ҳақиқатига зид борадиган қиёфада акс эттириб, ўқувчилар оммасида унга нисбатан кучли нафрат ҳиссини уйғотади.

Салафлар тасвиридаги тошкесар Фарҳодни чинакам маънодаги ҳалқ қаҳрамонига, садоқатли ошиқ, инсонпарвар, мард ва қаҳрамон йигит сифатида тасвирланиши ҳам адабиётимиз учун янги бадиий усул ифодаси эди. Асарда тасвирланган барча воқеаларнинг янгича мазмун касб этиши ҳам достон фоявий-бадиий қимматини foятда ошириб юборган.

Навоий «Хамса»си қаҳрамонлари асрлар давомида нечача авлодлар учун маънавият ва одобда, одамийлик ва жасоратда, ҳалқпарварлик ва саховатда ўрнак бўлиб хизмат қиласидиган ёрқин бадиий сиймолар бўлди. Фарҳод ва

Қайс, Сұхайл ва Саъд, Ахий ва Фаррух, Муқбил ва Жұна каби бетакрор қиёфалар, Ширин ва Лайлі, Мехр ва Мехинбону, Дилором ва бошқа маңнавий баркамол аёллар тимсоллари Навоий аеридан бошлаб ҳанузгача ёшларимизни олийжаноб фазилатлар руҳида тарбиялаб келмоқда. Даҳо ижодкоримизнинг Навоий ва асар қаҳрамонлари номидан айтилган:

*Одами эрсанг, демагил одами,  
Оники йүқ халқ ғамидин ғами.  
...Бошни фидо айла ато қошиға,  
Жисмни қыл садқа ано бошиға.  
...Жаҳонда неки қилмиш одамизод,  
Тафаккур бирла билмиш одамизод.  
...Бирорким, жаҳонда сўзи ростстур,  
Эрур дол ангаким ўзи ростстур.  
...Ки ҳар ким аён этса яхши қилиғ,  
Еттар яхшилиқдан анга яхшилиғ*

каби доно фикрлари мустақиллик даврида ҳам ҳаёт дарслиги бўлиб хизмат қилиб, ёшларимизни баркамол инсонлар сифатида тарбиялашимизга ёрдам бермоқда.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, Алишер Навоий ўз салафлари достонларига юқори баҳо берар экан, ҳар бир асар муқаддимасида улардаги жиддий нуқсонларни ҳам алоҳида таъкидлаб ўтиб, ушбу камчиликларни кескин тузатиш йўлини қўллади. Масалан, Низомий ва Дехлавийлар Баҳром, Хусрав каби шоҳларни тасвирлагандан, уларнинг дабдабали ҳаётлари, молу дунёсию қўшини, тож-тахтию ҳашамати, қудратиу иморатларини роса мақтаб, одамларга, масалан, Баҳром ўз маликаларига номуносиб ишлар буюргани ҳакида тўхталиб, чинакам мухаббат тасвиридан холи бу асарда ҳар икки ижодкор хатоларини шундай дея алоҳида таъкидлаган эди:

*«Бўйла нодон учун ёзиб авсоғ,  
Анга қилгайлар ўзларин вассоғ.*

*Мадҳини беҳисоб ёзгайлар,  
Балки мавзун китоб ёзгайлар.  
Ҳар бир ўз ганжида кўруб кўп ранж,  
Қилғай ўз «Панж ганжи»дин бир ганж.  
Аллоҳ, Аллоҳ! Не ганж бўлғай бу!  
Сарбасар элга ранж бўлғай бу!»*

Алишер Навоий «Хамса»си достонлари эса пухта тузилиши, воқеа-ҳодисаларнинг изчил ривожланиши билан ажралиб туради. Шоир ўз асарлари қаҳрамонларининг ҳар бир хатти-ҳаракатини, ички оламини ижтимой ва руҳий жихатдан асослашга алоҳида диққат қиласди. Ҳар қайси асарнинг бошланиш қисмида қаҳрамонларнинг келажакдаги воқеаларга, қаҳрамонликларга, севги-садоқатга, сабр-қаноатга, илмий-муҳандислик муаммоларини ҳал қилишга, хунар соҳасига тайёрлайди, шунинг учун уларнинг фаолиятлари ўқувчида ишонч ҳосил қиласди. Фарҳод, Қайс, Искандар, Суҳайл, Саъд, Ахий қаби қаҳрамонлар шундай фазилатлари билан ўқувчи муҳаббатини қозонади.

Навоий, айниқса ўзи яратган қаҳрамонларнинг ички дунёсини, руҳиятини тўлақонли акс эттиради. Фарҳоднинг Салосил қалъасидаги кечинмалари, Мажнуннинг дашт ва саҳрордаги чеккан изтироблари, Каъба ҳузуридаги нолишлари, Лайлининг аламли дил сўзлари, Искандарнинг онасига мактуби каби ўнлаб тасвиirlарда қалб кечинмаларининг дардли ифодалари ғоят таъсирчан ифодалангани кўзга яққол ташланиб туради.

Шоир «Хамса»да табиат ва инсон муносабатларини энг жозибадор, энг нафис, энг таъсирчан акс эттиради. Табиатдаги ҳар бир мавжудот, буржлару фасллар, ою юлдузлар, ҳар қайси ўсимлик, самовот Навоий қаҳрамонлари тарафдори, улар учун фам чекади, иложи борича мадад қўлларини чўзади, қийинчиликларни енгигб ўтишга ҳамдамлашади. Мажнун борға бехуш ётар экан, гулзордаги барча ўсимликларнинг унинг ҳолига муносабатлари манзарасини эслайлик: Ёридан айрилиб гулзорда танҳо ётган Қайс кўзини очиб қараса:

*Кўрди ўзини чаман ичинда,  
Сарву гулу ёсуман ичинда.  
Булбул боши узра нағма пардоз,  
Аҳволиға навҳа айлаб оғоз.  
Гул ҳолиға чун назора айлаб,  
Гулгун ёқасини пора айлаб.  
Наргис шабнамдин ашқ этиб фош,  
Аҳволиға юммайин тўкуб ёш.  
Чун кўксидა ҳажрдин кўруб доғ,  
Кўкси уза лола қуидуруб доғ.  
Захми кўқидин бинафшада ғам,  
Сўзига кийиб либоси мотам.  
Сунбул қилибон қаро узорин,  
Очиб қора зулфи мушкборин.  
Сўгига оқар су зор йиғлаб,  
Ун тортиб сўгвор йиғлаб.  
Сарв ўлмай меҳнатидин озод,  
Қолмай шамшод дардидин шод.*

Бу хил самимий ва таъсирчан тасвиридан табиатнинг инсон зотига ҳамдардлиги, унга чексиз меҳрибонлиги мөхирона чизилгани кўзга ташланиб туради. Шоир инсоннинг ҳам табиатга меҳру шафқатини кўп ўринда санъаткорлик билан таъкидлайди. Жумладан, Фарҳод ўз ўлими олдида жабрдийда тоққа мурожаат қилиб дейдики:

*...Санга мандин етибдур онча ётлиқ,  
Ки юзунгдин уётлиғман, уётлиғ.  
Гаҳи бағринг бўлуб тешам ғилоғи,  
Гаҳи жисмингда метиним шикоғи.  
Юзунг ёшимга хунолуд ғоҳи,  
Дамимдин бошинг узра дуд ғоҳи.  
Бори журмумға тифи авғ сурғил,  
Борур ҷоғимда авғ айлаб кечурғил».*

Табиат билан Инсон орасидаги бу хил дўстона муносабат, садоқат, шафқат Навоийнинг барча ижобий қаҳрамонларига хосдир.

Алишер Навоий мұмтоз шеъриятимизда кенг құлланиб келган түрли хил услублардан үрни билан унумли фойдаланаверади. Шунинг учун «Хамса» достонларида соф реалистик ҳәетий ҳодисалар, манзараларни ҳам, романтик күтариинки, кучайтирилған тасвирларни ҳам, халқ оғзаки ижодига хос ҳаёлий фантастик лавҳаларни ҳам аралаш ҳолда учратаверамиз. Масалан, Фарҳоднинг ариқ қурилишидаги фаолиятида режалаштириш, ариқни тайёрлаш лавҳалари ҳаққоний тасвирланса, баъзан Фарҳод кучи қудратини да-лиллаш учун романтик манзараларга мурожаат қиласи. Унинг дев ва аждаҳо билан жанг кўринишлари эса ғоят бўрттириб тасвирланади. Бошқа достонларда ҳам шу тўрт усул биргаликда қўлланаверади. Бу хил синкетик аралашлик реалистик ҳәетий тасвирни ёрқинроқ акс эттириш мақсадини кўзлади.

«Садди Искандарий» достонидаги қўшинларнинг тўқнашуви, айниқса, яккама-якка олишувлар, шоҳлар аро мунозаралар, Искандар деворининг қурилиши ўқувчини ҳәетий тасвирга ишонтиради.

«Сабъай сайёр» достонидаги кўплаб ҳикоялар ҳам воқеаларнинг ростлигига шубҳа уйғотмайди. Биринчи ҳикояда Ахийнинг ўз хотинини Фаррухга бериб юбориши ҳар қанча ғайритабиий туюлмасин, Ахийга хос юксак инсонпарварлик, уни ўлимдан қутқариб қолиш учун шундай ишга қўл уриши ҳам ақл билан фикр юритган кишига ўта ғайритабиий туюлмайди. «Суҳайл ва Мехр» ҳикояси ҳам ҳаққонийлиги билан кўзга ташланиб туради.

Навоий «Хамса»сида яққол кўзга ташланиб турадиган кашфиётлардан яна бири достонларда илмий-ҳәетий тимсолларга кенг үрин берилишидир. Илм ва фан билан болалиқдан қизиқиб келган шоир «Фарҳод ва Ширин» достонида роботлар системасини ёвуз кучлар қуроли сифатида тасвирлаб, инсон тафаккурининг, Фарҳоднинг бу илмий-ҳаёлий жисмлар устидан ғалабасини тасвирлаган эди. «Сабъай сайёр» достонида Навоий соатига 35-45 километр юрадиган «Саррюс сайр» номли улов ҳақида фикр юритади. Бу асбоблар одамларга тез ҳаракат қилишга имкон беради.

«Садди Искандарий» достонида эса жаҳонни ёритувчи Жамшид жоми, Чин олимлари ишлаган икки ажойиб кўзгу, Рум донишмандлари яратмиш ажойиб жом ва устурлоб асбоблари тасвирланади. Маллу қўшинларига қарши Искандар олимлари томонидан ишланган сирли курол атом бомбасини эслатади.

Бундай тасвирларни биз бошқа шоирлар ижодида учратмаймиз. Тўғри, шоир салафлари Искандарнинг шиша идиш ясатиб, унга арқон улаб, сув остида юз кун балиқлар ҳаётини ўрганганини таъкидлашган эди, лекин Навоий бу хил тасвир илмий-хаёлий тимсолга нисбат берилса, ўқувчини ишонтирумаслигини ҳис этиб, шоҳнинг бу хил фаолиятини унинг пайғамбарлик қуввати ифодаси сифатида кўрсатишни маъқулроқ кўради.

Алишер Навоий «Хамса»сини ташкил қилувчи достонларнинг ҳар бири катта ҳажмга эга бўлган, юксак маънавият ва бадиият қонунларига тўла амал қилинган ҳолда ёзилган ҳамда бой ва гўзал ўзбек тилининг бор нафосатини ўзида ифода қилган мукаммал бадиий асардир. XV аср адабий тилида яратилган ва ҳозирги замон ўқувчилари учун анчагина тушунилмайдиган, аниқроғи эскирган сўзлари бўлган, хилма-хил тил санъатлари ва услублари қўлланган бу обидаларни Навоий тилида тушуниш анча меҳнатни, луғатлар устида тинимсиз ишлашни талаб қиласди. Китоб ёзиб тугалланган XV асрда ва ундан кейин ҳам достонларни ўқиб англаш осон бўлмагандирки, кенг ҳалқ оммаси қўйналмаслиги учун «Хамса»нинг ихчамлаштирилган ва соддалаштирилган ҳалқона насрий нусхалари яратилган. Адабиётшунос Махзун, Умар Бокийнинг китоблари шундай асарлардан эди.

Навоий «Хамса»си достонларини осонроқ тушуниш учун ўтган асрда ҳам бир неча ҳаракатлар қилинди. Олим Шарифиддинов, Е.Э.Бертельс, В.Зоҳидов, А.Қаюмов, П.Шамсиев, Ў.Каримов, С.Муталлибов, А.Рустамов, С.Эркинов, Н.Маллаев ва бошқалар томонидан Навоий «Хамса»си достонларининг мукаммал насрий матнлари тузилиб кенг тиражда нашр қилинди. Аммо ўқувчилар, лицей ва колледж

талабалари ҳамда улуг шоирнинг кўп сонли мухлислари учун бу мукаммал насрый нашрлар ҳам оғирлик қиляпти, шекилли. Ҳар ҳолда ёшларимизнинг кўплари «Хамса» достонлари мазмунидан яхши хабардор эмаслар. Мактаблар, лицей, колледжларда бунга имконият топилмайди — китоблар етишмайди.

Шуларни ҳисобга олган ҳолда биз Навоий «Хамса»си достонларининг асосий мазмунларинигина ихчам тарзда баён қилинган китобчалар ва уларнинг барчасини тўплаб битта китоб ҳолида тажриба сифатида тақдим этишни маъкул кўрдик. Нашр этилган асарларнинг кириш ва хуроса қисмлари тушириб қолдирилган, асаддаги чўзилиб кетган баъзи ўринлар: манзаралар, монологлар ихчамлаштирилган. Бу хил ёндашиб достонларнинг тўлиқ тушунилишига имкон бермайди. Улар ҳақида кенг маълумот ҳосил қилиш учун достонларнинг тўлиқ насрый баёни, қолаверса, албатта Навоий достонларининг ўзи билан мукаммал тарзда танишиш лозим. Қўлингиздаги китобчалар эса достонлар мазмунини осонроқ тушуниб олишингизга ёрдам беради, холос.

Китоб тажриба ҳолида нашр этилаётгани учун унда айрим камчиликлар бўлиши ҳам мумкин. Олимларимиз, навоийшуносларимизнинг ўринли маслаҳатлари, Навоий «Хамса»сининг шу хил нашрини янада мукаммалроқ нашр этишимизга ёрдам беради, деб ишонамиз.

*Анвар ҲОЖИАҲМЕДОВ*

## НАВОИЙ ЎЗ «ХАМСА» СИНИНГ ЯРАТИЛИШ ТАРИХИ ҲАҚИДА

Гўзал сўзловчиларнинг бошидаги тожи, ҳақиқат ганжи тожининг гавҳари, фазилат кони жавҳарининг сақловчиси, етуклик денгизининг қимматбаҳо дури бўлган ганжалик маъноли сўзлар ижодкори<sup>1</sup> ўй-фикри мезони бўлган «Хамса», «Бешлик» эмас, «Панж ганж» («Беш хазина») деб аташга арзирлидир. Сўз дурларининг бу ажойиб нозимини фалак «Низомий» деб атаган эди. Бу номдаги беш ҳарфни кўшиб ҳисоблаганда, Аллоҳнинг минг бир номига teng сон пайдо бўлади. Унинг асари дурларидан ер юзи лим-лим бўлиб, балки фалакнинг қимматбаҳо буюмлар солинадиган кутичалари ҳам тўлиб тошгандир.

Ҳинд чавандози<sup>2</sup> шеъриятида яратилган достонларнинг ҳар бири гўё Ҳиндистоннинг бир вилоятига ўхшайди. У, хазина сочувчи Ганжа шоҳига пайров бўлди, Низомий сўз иқлимининг шоҳи бўлса, бу Хусрави бўлди. Ганжа куёши ўз байроғини кўтаргач, сўз мамлакатини яккақалам қилиб, қайси мамлакатни забт этган бўлса, ўша ўлкаларга Хисрав ҳам сипоҳ тортиди.

*Қайси шабистонғаки ул қилди азм,  
Базми ерида бу доғи тузди базм.  
Ул безабон «Махзани асрори»дин,  
Бу ёрутуб «Матлаи анвор»идан.  
Кўп киши ҳам қилди татаббуъ ҳавас,  
Сарву гул ўтрусиға келтурди хас.  
Бир кишидин ўзгаки, андоқ киши,  
Бермади ёд эски фалак гардиши.*

---

<sup>1</sup>Низомий Ганжавий назарда тутиляпти.

<sup>2</sup>Хусрав Дехлавий демоқчи.

У бугун сўфийлар пешвоси, ҳақиқат сирларининг очувчисидир, кўкси нозик маънолар ҳазинасининг дури, кўнгли маънолар юзининг ойнаси, назмлари жаҳон иқлиmlаридан машхур, насрый асарлари жон мамлакатларини эгаллаган. Лутф-карами, инъому эҳсони шоҳу гадолар ўртасида шухрат топган, унинг хизматини адо этганлар бир умр фахрланиб юрадилар. Лекин ул зот менга алоҳида эътибор билан қарайди, ёзган ҳар бир асари мен кўрганимдан сўнггина элга етиб боради.

Баҳорнинг файзёб кунларидан бирида шоирлару алломалар, хонандаю созандалар даврасида ўтган буюк зотлар шеърияти ҳақида, жумладан, пайров хусусида баҳс борар экан, гап Низомий билан Хусравга тақалди. Иккала ижодкор асарларининг жаҳондаги шону шуҳрати, улар яратган «Хамса»ларнинг олам ахлига манзурлиги ҳақида эътиборли фикрлар билдирилди. Айниқса, жами ўнта достон ичидан дастлабки икки дурдонанинг ўзгача ўрни борлиги, уларнинг маънавий юксаклиги, бадиий баркамоллиги тўғрисида бир-биридан пурмазмун гаплар айтилди.

Орадан бир-икки ой ўтгач, ул табаррук зот уйимга меҳмон бўлдилар. Қўлларida бир неча китоб бор эди. Улардан бирини қўлларига олиб, кулиб туриб, менга тутдилар.

Ким: «Олибон боштин аёғига боқ,  
Кил назар авроқига боштин-оёқ.  
Олиға жон нақдини сочтим равон,  
Олдиму ўптум, доғи очтим равон.  
Боштин-аёқ гавҳари шаҳвор<sup>3</sup> эди,  
Қайси гўҳар «Тухфатул аҳрор»<sup>4</sup> эди.  
Чун ўқимоқ замзамаси<sup>5</sup> бўлди бас,  
Кўнглум аро дағдага солди ҳавас.  
Ким бу йўл ичраки алар солди гом,  
Бир неча гом ўлса манга ҳам хиром.

<sup>3</sup> Шаҳвор — шохона.

<sup>4</sup> «Тухфатул аҳрор» — «Дўстлар совфаси».

<sup>5</sup> Замзама — хиргойи.

13

*Форси ўлди чу аларға адo,  
Турки ила қилсам ани ибтидо.  
Форси эл топти чу хурсандлик,  
Түрк дөгi топса барумандлик.  
Йўлдаса бу йўлда Низомий йўлум,  
Кўлдаса Хусрав била Жомий қўлум.*

Дилни шодлантирувчи боғларнинг деворлари ҳам тўрт пахсали бўлади. Уларнинг ўту суву ҳавоси ёқимли бўлганидек, туфроғи ҳам муаттар бўлиши муқаррап. Сарву гул ва лоланинг харидори борлиги аниқ, лекин ўтиннинг ҳам бозори бўлади-ку. Атлас билан қора рангли ипак кийим ёқимли бўлса, ит юнги ҳам палос қилишга ярайди-ку. Лаъл билан ёқут ва дур қимматли ҳисобланса, нега қаҳрабо сомонни ўзига тортади? Шоҳ уч хил май билан курсандлик топса, қолган лойидан ҳеч бўлмаса май қуйқасини ичувчи майхўр ичиб шодланади-ку. Мен ҳам ўзимнинг ит каби ластлигими ни англаб етдим-у, ўзимни улуғлар ипига боғладим. Улар йўқлик даشتни томон йўл олсалар, мен ҳам соя каби уларга ҳамқадам бўлғумдир.



# ХАЙРАТ УЛ-АБРОР



## Биринчи мақолат

### ИМОН ҲАҚИДА

Кимки бу жаҳонга инсон бўлиб келган экан, унинг асосий нишони – белгиси имондир.

Демак, сабр, шукр ва ҳаёдан иборат бўлган одамларгина Инсон деган шарафли номга муносибдирлар, имондан узоқ бўлган кишиларни эса бу ном билан атаб бўлмайди.

Инсон кимлигини билдик, энди имон нималигини кенгроқ шарҳлайлик. Имон олти қисмдан иборат. Ким бу олти тўсиққа эга бўлса, улар ҳар бир кишини олти жиҳатдан ҳимоя қиладилар.

**Олтидан биринчиси** – мақсуд, яъни Ҳақнинг мавжудлигини билмакдур. Ҳамма нарса қойим – мавжуд, фақат Аллоҳгина абадийдир. Барча жаҳон аҳлига унинг зоти, исмларнинг пайдо бўлиши, жаҳон сифати ниҳондур.

Барчани нобуд қилувчи ҳам, барча ўтиб кетиб мавжуд бўлғувчи ҳам Ўзидир. Икки жаҳон мулки унга бўйсунади, ўзга жаҳон ҳам уникидир.

**Олтидан иккинчиси** – фаришталар. Яхши билиб олгинки, улар барча фалак зиёратчилариридир, улар нафснинг барча чиркинликларидан покдирлар. Барчасининг жавҳарлари поку озод, тупроғу суву елу ўтдин холи. Барчалари яратилганларидан бери дам олишни билмай хизмат қилишади. Жаннат қушларидек шавқнок, қилаётган ишларидан завққа тўладилар.

Фақат бир қулгина улар ичида бу завқни тополмайди, унинг бўйнида занжир. У ҳалқада учта ҳарф ошкор ёзиб қўйилган, ҳар бирининг домонаси ҳалқавор, ҳар бирининг ҳалқаси ўзаро туташиб лаъндаги ёзувда булфузул ўқйлади.

**Учинчиси** – осмон китоблари, барчасини ҳеч шубҳасиз тангри сўзлари деб билгайсан. Китоб эмас, ҳар бири чуқур бир дарё, ҳар сўзи эса шу баҳрнинг гўзал дурданасидир. Денгиз эмас, балки ҳар бири ажойиб бир кон, бошдан-оёқ лаъл ила гавҳарга макондир. Агар учтаси уч нурли шамъ бўлса, лекин бири Шарқ қуёшидир. Учови ҳам туғилган бўлса-да, буниси етти ота-бобонинг ишини қилғувчиидир. Балки бўлса ҳам, сабки масоний, яъни фотиха сураси шу китобда янграйди. Унинг бошидаги ҳар бир сураси зарҳалланган, тартиб коший билан пиширилган, ҳар бир саҳифаси гулшанга, жадвали атрофидаги чизиқлар равшан зулолларга ўхшайди. Бое дема, балки фалак, шундай бир фалакки, сатрлари ҳар тарафга саф-саф бўлиб тизилган. Унинг саҳифалари атрофидағи ўнта доирacha мартабада ҳар қайсиси бир ложувард фалакка ўхшайди. Ҳар жузви варақларидағи сўзлар асли ҳақиқат, балким барчаси ҳақдир.

**Тўртинчи** – пайғамбаримиз маъшари, ҳар бири бир сафо баҳрининг гавҳари.

Бу сўзларнинг бариси Ҳақ амри ва унинг томонидан манъ қилинган ҳақиқатларни бари элга кўргузуб берди. Ҳар бир билимсиз одам ҳужжат истаса, ҳар қайсисига мўъжизот кўрсатилди. Барча ҳақиқий ҳолат аён бўлди, нуқсонларга, иллат, ёлғонларга эҳтиёж қолмади.

Пайғамбарлар уч қисм бўлиб, аввало, авлиё анбиё гурҳи келди, сўнг Ҳақ расуллари. Улар Оллоҳнинг барча сўзларини халқларга етказадилар.

Сўнг ҳақ расулига росих бўлиб, дини расул динига носих бўлиб, куфр қаршисида ҳар мурсал дили билан машъал ёритди. Унинг шаръи қуёши зухур топгач, бошқа машъалалар ичida нур қолмади. Унга етганда пайғамбарлар келиши тугалланди. Дин унинг исломи бўлиб қолди, бас вассалам.

**Бешинчиси** – қиёмат. Ҳисоб куни, ҳисоб куни дема, азоб куни деявер. У куни бўлиши учун қиёмат бўлади,

элга қылганидан надомат ёзилади, ёзиш учун қоғоз сахи-  
фалари етишмай қолади.

Шимол аҳли ичида жанжал күтарилиб, номалари юз-  
ларидек қорайиб кетади. Түғри тарозунинг икки боши  
бўлиб, бирига гавҳар, бирига тош солинади.

Кўприк устида халқ ташвишда бўлиб, бирига қаттиқ,  
бирига осон бўлади. Дўзах ўти чексиз ёниб, халқни ўлди-  
ришда аждаҳо қатнашади. Унинг етти боши айлана гум-  
баздек бўлиб, етти оғзининг ҳар бири фордек келади.  
Гўё етти дўзах эшигини очиб, етти оғзидан ўтлар сочи-  
либ, фирдавс гулшанида озуқа мўл бўлса ҳам, оловлар  
орасида насим эсаётган бўлса ҳам ўтиш қийин бўлади.  
Унинг ҳури рухи мусаввар каби бўлиб, қадду, лаби тўбию  
қавсар каби бўлади.

Олтинчиси қадар ҳақида бўлиб, олдин ёзилган бар-  
ча яхшиликлару ёмонликлар: май ичиб маст бўлишлар,  
ҳаммани маст-бехуш қилиш, йигинларда бўлган барча  
яхши-ёмон воқеалар, мастнинг нохуш садо тортиши-ю  
мутрибининг қилган дилкаш навоси, баъзилар Каъбага  
қараб йўл олган бўлса-ю, баъзилар майхона ичида базм  
тузган бўлса, бири саҳрода ярим-яланғоч ухлаб, яна бири  
вайронада яшаётган бўлса, маст мугбача – май қуювчи  
бала салоҳ аҳлини бевакт уйғотган бўлса, зоҳид агар  
эрталабдан дарднуш бўлиб олиб, фосиқ ўзини хирқа кийиб  
масхарабозлик қилса,

*Барчаси ҳақ илмида маълум эди,  
Лавҳаи маҳфузда марқум эди.*

Яхши амал қилганлар омонликдан беҳиштга тушиши  
ҳам, ёмон феъли туфайли дўзахдан ўрин олиши ҳам но-  
маълум. Тангрига минг йил сужуд қилган одам ҳам жан-  
натдан ўрин ола олмаса – фойдаси йўқ. Муғбачалар дайрда  
ҳалок қилган саиди абадий бўлса, не ажаб?

Кимдаки мана шу олти нарсага эътиқод бор экан, мен  
ҳам шундай одамлардан таълим олдим. У ҳар қанча но-

масияҳ бўлсин, ғарқаи дарёи гуноҳ бўлса ҳам, Оллоҳим авфига муюссар бўлса, не ажаб?

Лекин бу дард ўти жонни изтиробга солади, унинг ичидаганча аҳли роз кутиб адо бўлган. Биттаси ўз ҳолига мотам тутса, иккинчиси олам тарк айлаган. Мен тасвирлаган зиналарга ким етади-ю, ким етмайди – у ҳеч кимга маълум эмас. Етмаги ҳам ноаниқ, етиши ҳам мумкин.

Бу хил ташвиш кофиру мўмин учун ҳам баробар, ҳар иккисининг ҳам кўнгли шу дард билан банд, ким тўқу ким оч бўлсин, шу ғавғодан холи эмас. Барча бир ниятда, Аллоҳ шафқат-маърифатини топмоқда. Топмоқ лекин машаққатдадир, истакда, хоҳишда, иродададир.

### Шайх Боязид ҳақида ҳикоя

Шайх Боязид бир куни ғамгин бўлиб ўтирган эди, муридларидан бири унинг бу нохуш кайфияти сабабини сўради: «Эй, осмоннинг энг юқори қисмларида юрадиган, қадамларинг эса фалакнинг энг юксак манзилларида – Арш фазосига тўғри келадиган улуғ зот! Кўнглинг нимадан бу хил ташвишга мубтало бўлди, чекаётган машаққатларингнинг боиси недур?» Шунда пир ўтли кўз ёшлиарини тўқидида, оҳ-фифон чекди: «Чекаётган изтиробларимнинг боиси шуки, одамлар ўз дарди билан тўс-тўполон, шикояту норозилик кўтаришади-ю, ҳар бирига ўзи қилаётган иши мақбул кўринади. Улардан биронтасини ҳам чинакам инсон деб бўлмайди. Бўлса ҳам ўтиб кетганлар ичидаги мумкинтир». Савол берган мурид изтироб билан дедики: «Бу оламда ҳақиқий инсон қолмаган, дединг, ахир сен ўзингни бу эл ичига қўшмадинг-ку?!» Шайх жавоб бердики: «Эй иши гумроҳлик, нодонлик бўлган киши, мен айттаётган сирдан огоҳ бўлмаган одам! Мен каби юз минг саргашта, кўз ёши жигар қонига белангандар, имон билан кетишни билмаса, бундай гапларни айтадиган одам бўлмаса, оламдаги сену менга ўхшаган кичигу катта одам-

лар – ҳаммамиз бу ғам тифидан абормиз, барчамиз бу ғамга гирифтормиз. Бу алам-ташвиш билан кимнинг ичи қон бўлмади, кимга бу нуқта аён бўлмади?

*Ким чу видоъ айлагуси жон анга,  
Ҳамроҳ ўлур йўқса йўқ имон анга.*

Агар жаҳон аҳлиниң барчаси шу дард билан изтироб чекса, менинг сўзларим хатоми, ахир?!»

Шу сўзларни айтиб тугатгач, пирнинг оғзи хомуш бўлди.

### Иккинчи мақолат ИСЛОМ БОБИДА

Аллоҳ таоло бу олам халқларини нажот – қутулиш аҳли ва ҳалок аҳли – ҳалок бўлувчилар қилиб яратди, пирларини бутларга ибодат қилувчилар, бошқаларини ислом жамоати қилиб яратди. Кофирлар маломат-обрўсизликка йўл топди, ислом гуруҳи эса саломатликомонлик, тинчлик, соғломлик сари йўл топди. Бирига дўзах уйи – оҳ-воҳ чекиш манзили тайинланиб, ислом гуруҳига беҳишт насиб этди.

Кишвари ислом чегараланган бўлиб, бир неча дин аҳли аралаш яшайдилар. Бошдан-оёқ барча мусулмон эмас, мусулмон бўлганлар буни ёлғон демаслар.

Исломнинг ўз шартлари бўлиб, оддий одамларнинг қўпчилиги уларни билавермайдилар. «Ман салимул муслимин – мен солим мусулмонман» деган кишиларгина юзи, қўл-оёғи, тили билан ожизлик кўрсатган кишилар шулар жумласидандир.

Мусулмонлик шартларини тангри таборак беш турли қилмишдир. Уларнинг барчаси муборакдир.

Аввало, «Ла илаҳа иллоллоҳ» калимаси моҳиятини англа, сўнг Муҳаммадни бил, уни танишингни айтиб қабул қилиғил.

Иккинчиси намозни адо этмоқдир. Лекин уни бажарында баъзи қийинчиликлар ҳам бор. Аввало, таҳорат қилмоқ, таҳорат қандай қилинишини билмакдир. Ўйламаким, сувга кириб ул сув билан бир аъзонгни ювгайсан. Бу хил таҳоратни ҳар бир очкўз, тамаъгир ҳам қила олади. Яна бошқача бир нафис таҳорат ҳам бўлиб, уни бажарганда, аввало сафо чашмасидан хурсандлик билан хотиринг тахтасини поклайсан. Танни эътибор билан ювиб, шу тарзда жонни тоза қиласан. Жонни шундай таҳорат ичига солиб, тан юзида нуқтacha қаро қолдирмай, кўздан ёшингни ариқдек оқизиб, балки кўнгилдан бошқа барча ўй-фикрларни чиқариб ташлаб, ўзлик уйини ўзингга ҳаром қилиб, тангри сари йўл олгандек ўнг оёқни олдин ташлаб уй ичига қадам ташлайсан. Уй эгаси билан икки киши бўлиб намоз ўқимоқ – яхшироқ. Саждада титраб ерга бош қўйиб, қуёш каби юзни сарғайтириб, вожиби фарзини бажо қиласан, суннат адосини адо қиласан.

Шу хил намоз қилсанг пок юз билан қуёш каби ерга кирасан, тонг чоғи бошдан-оёқ нурга тўлиб уйғонасан.

Учинчиси ўзингга берилган ҳамма нарсадан закотни адо қилишдир. Бу ерда ҳам икки турли фарқли томон бор. Бири кўплашиб, бири якка ҳолда беришдир. Алоҳидалиги шуки, расул шаръини қабул қилсанг, закот бе-рувчи эса соҳиб нисоб, яъни закотни адо эта оловчи бўлса, кирк дирамдан бирини ҳисоблаб беради. Ихтиёридаги олтинларию дўконлари, хизматкорлар (ходимлар), туёқли ҳайвонлар, матоу молларидан шариат бўйича тўла-нади. Дон-дунлар миқдори ҳам белгилаб қўйилган.

Тўртингчиси рўзадир. Уни тутгил, лекин фойдаси хақида оғиз очмай қўя қол. Рўза ҳақида баъзи мунозаралар ҳам бор. Чунки Ҳақ рўзани «Ас-савму ли!» деб таъкидлаган. Аллоҳ тутиладиган рўза миқдорини ҳам белгилаб қўйган. Худо таоло «12 ойнинг ҳар бирида рўза тутсан» деб амр қилса, нима қиласардинг. Шунча кун тутсанг ҳам сазовор бўларди, лекин жафосини сен тортардинг.

Рўзада ҳам уч эътиборли жиҳат бордир. Саҳаргача Аллоҳ ўз рухсорини Гарбга бургунга қадар кўрсатади. Ақлинни ишлатмаган рўзадор лекин иккинчисига эътибор беради: аъзоларингга халал етмаслиги ва шаръ хилофига йўл қўйилмаслиги зарур. Ҳар бир аъзо ўз вазифасини бажармаги, яъни бормаслиги, кўрмаслиги, тутмаслиги, айтмаслиги, эшитмаслиги зарур.

**Бешинчиси** қиблага қадам ташлаб, Каъба томон йўлга тушмоқдир. Бундай саодатга етган одам сахрони икки сафар кесиб ўтиб, соғлиғи имкон берса, йўллар тинч бўлса, ёнига бир дўстини олиб, фарзлигини ҳис қилгани ҳолда фарз адоси учун йўл олади.

Иккинчи бир нарса ҳам борки, камбағал халқ ҳам дўсти хотирига тушиб, дўст ёди хотирига шавқу талаб ўтини солса-ю, фоил каби йўлга тушса, ишқ ўтидан телбаланганд эл каби эҳромини белига боғлаб, минг ёғоч йўл юрса, не анга марқаб керак бўлади-ю, не дўст, не карвон керак бўлади.

*Дашт унга гулшан-у, насрин – тикан,  
Йўлики ёнида муғилон чаман.*

Самум эсгандаги қизил ранг шамол гулу лола учирган шамол рангини эслатади. Ҳақ унга раҳматини далил қилиб, шуълада Халилни эслатиб, барча шартини яратиб беради. Борган одам дўсти уйига меҳмон бўлгандек роҳатланади. Мезбон ҳамма нарсани тайёрлаб қўйган. Балки бу меҳмонни ўзи ҳамроҳ бўлиб уйигача етказиб қўяди.

Хуллас, саҳро халқи қанча-қанча мол сарфласа, камбағалларнинг боришида ўзгача бир ҳолат бордур. Бой одамнинг топган нозу ниёзини озгина ниёзи билан ғарип ҳам топа олади.

## Иброҳим Адҳам ҳақида ҳикоя

у

Иброҳим Адҳам шаҳзодаликни тарк этгач, илоҳ унинг бошига фано тожини қўйди. У ўз мамлакату салтанатини фано елига берди-ю, саҳро томон жойнамоз билан йўлга тушди ва ҳар қадамда икки ракъат намозга бош қўйиб, ўзи ёқтирган Маккани мадҳ этиб, ўн тўрт йил йўл босди. Маккага этиб келгач, уни ўз ўрнида кўрмай ҳайрон бўлди-да: «Ё Аллоҳ, бу қанақаси бўлди?» деб фифон чекди. Масжид ичидан овоз эшитилди: «Бир ожиза шу саҳрова яёв юриб келаётуб, шавқ-муҳаббат юкидан буқчайиб нотавон бўлиб қолган экан, Каъба уни зиёрат қилиш учун кетди».

Бу воқеага ҳайрон қолган Иброҳим Адҳам орқасига қараса, Робиянинг келаётганини кўрибди. Дедиким: «Сенинг зиёрат маконинг Арш, осмоннинг юқориси бўлса, Каъба томонга азм этиб кўрки, жаҳонни не ҳолатга қўйибсан?» деб сўради. Робия дедики: «Дагаллик қилма. Саҳрова ўн тўрт йил йўл юриб, сенинг ўзинг оламга фавво солибсан». Иброҳим деди: «Эй покиза, балки фаришталар аҳлидек фалакда кезувчи аёл, нега мен минг ранж чекиб, ганж сенга тегяпти?» Робия унга: «Огоҳ бўл, неча йил сен саҳрова намоз ўқиш билан банд бўлган эсанг, мен ёлбориш, ўтиниш, умид билан ўтказдим. Сен намози риё мевасидан баҳраманд бўлган эсанг, бизни ниёзу фано умидимизга етказди».

*Боқма, Навоий, яна ноз аҳлиға,  
Арзи ниёз айла ниёз аҳлиға.*

## Учинчи мақолат САЛОТИН БОБИДА

Аллоҳ сенга меҳрибонлик соясини солиб, Хилофат тахтини сенга рўзи қилди – насиб этди. Олдингда буюкларни паст айлаб, олам забардастларини сенга мағлуб

қилди. Халқни олдингда ожиз этиб, қадларини олдингда ғ букирди.

Лекин шуни билгилким, сен ҳам бир бандасан, ҳатто күпроғидан ожизроқ ҳамсан. Улар тупроғ бўлиб, сен нури, пок эмассан, сен ҳам, улар ҳам тупроғдан яратилгансиз. Барча тана аъзоларида ҳамма билан тенгсан. Лекин ҳунарда ҳам, камолотда ҳам, яхши хулқ-у яхши сўзлашда ҳам, юриш-туришинг-у адл ва инсофда ҳам, шариат қонунларига амал қилишда, Аллоҳ йўлида тақво ва тоатда ҳам сен тўғри йўлдан юрмай, кўпроғи бу йўлдан яхшироқ юради.

Сенга тангри имтиёз бериб, салтанатнинг энг юксак чўқисига чиқариб қўйди, шахсинг таҳтни макон қилиб, мамлакатда ҳукмингни юргизиб қўйди. Раият гўёки гала-ю, сен чўпон бўлдинг. Бўлди раият гала-ву, сен шубон, ул шажару мусмиру – ўсиб турган дарахту гўё сен бир боғон бўлдинг. Кўйни чўпон ою йил асрараса, у оч бўриларнинг емишига айланади. Дехқон боғини тун-кун парвариш қилмаса, боғнинг қуриган ўтиндан фарқи қолмайди. Бўрини галадан узоқ тутиб, боғингга эса сув бериб, маъмур (сероб) қил. Фам есанг, у гала фойда беради, боғгулу мевадан фойдали ҳосил етказиб беради. Гала бўриларга ем бўлиб тугаб, дарахтлар эса қуриб тамом бўлса, сенга ҳам фойдаю ҳосили қолмайди.

Аллоҳ топширган неъматларининг жавобини сўраса, у куни нима деб жавоб берасан? Ақлинг бўлса, ҳозирдан кўзингни очиб, ҳар бир ишингни ўйлаб қил!

Неча-неча кишилар сенинг ҳукмингга бўйсунади. Зулм қилсанг ҳам, бечора мазлум бўлиб тураверади, чидайди, гарчи мартабаю пул-дунёси бўлмаса ҳам унинг пояси сендан ҳам ортикроқ. Қиёмат куни Яратган золимни ҳам, мазлумни ҳам сўроқ қиласди. У қоматини рост тутиб турса, сен шарманда ҳолатда бўлсанг, у тик турса, сен қомати эгилган бир даражада турасан, мазлум Ҳақнинг саволларига пўлат ханжардек очик, дадил жавоб қиласа, сен уятдан бош кўтаролмай қоласан-ку! Ҳар бир қилган хатонг ҳисоб қилингач, ҳар бирига юз азоб белгиланади-ку!

Мазлумлар, сендан зулм күрганлар гунохларингни ке-  
чиришмаса, ватанинг муттасил дўзах бўлиб қолади-ку!

Эй подшоҳ! Аллоҳ қўлингни қувватли қилди-ю, лекин  
сен зулм йўлини танладинг. Зулминг халойикқа кам эмас  
эди, энди сен уни ўзингга ҳам қилаётирсан. Эй хушёр,  
зулм ўзингга фисқ (гуноҳдир), агар сенга ҳуш ёр бўлса,  
улардан воз кеч, чунки шодлик, хурсандликга берилиб,  
айшу ишрат йўлига киришиб кетдинг. Базминг бўлаёт-  
ган қасрда жаннат зийнатлари билан ол-яшил пардала-  
рининг иплари эл жонидан, лаълию шингарфи – олтин-  
ранг безаклари халқ қонидан. У ердаги ғиштларни ма-  
читларни бузиб келтирилган, тошини халқ қабрларидан  
етказилган, шифт ўртасидаги қуёшсимон ялтироқ кун-  
гира элнинг дуру лаъли билан олтинранг қилиб безатил-  
ган. Шундай манзилда шоҳларга хос олий зиёфат уюш-  
тирилади, айшу ишрат учун бор нарса муҳайё қилинади.  
Базмда май қуючилар табассум билан хилма-хил май-  
лар тутадилар, ашулачи – ҳофизлар ҳар соҳадан достон  
тўқийдилар. Тиллар дейилиши мумкин бўлмаган сўзлар-  
ни сўзлаб, қўзлар кўриши мумкин бўлмаган нарсаларни  
кўрадилар.

Базмдаги ҳар бир қарию ҳар бир йигит майдан ҳар  
бири қутурган ит бўлиб кечаси билан шу хил шарманда-  
лик давом этиб, тонг отиши билан яна ҳар бири бир  
зулмга машғул бўлади. Ҳар куни шу хилдаги ярамаслик  
тунгача давом этади, ҳар кеча шу ғафлат кун бўйи давом  
этади.

Қоида мундоғму бўлур, де, ахи,  
Бир ўз ишингни ғами ҳам е, ахи.

Неча бу бехудлик ила йилу ой,  
Вой, агар келмасанг, ўзунггавой!

Зулмни тарк айла-ву, дод айлагил,  
Марг кунидин доғи ёд айлагил.

*Зулмунг эрур кечаю фискинг неча,  
Зулм или фискинг неча, бүлгай неча?*

Май жисм уйини вайрон қилиш учун отилган ўқдан бошқа нарса эмас. Балки жисм уйига бало селидир. Қандай қилиб энди у жисм уйи, жон уйи бўлсин, жисм уйи, демаки, имон уйи ҳам бўлолмайди-ку!

Сел қайси томонга қараб ўзини уриб туғён солса, шоҳ билан дарвеш уйи ҳам яксон бўлади.

*Бодаға кўргузса киши хиралиқ,  
Ақл чарогига берур тиралиқ.*

Агар чироғ ўтига бир томчи сув томса, унда ёруғликдан қўлингни ювиб қўя бер. Алоҳида бир чироққа бир одам тонгдан кечгача май сувидан кетма-кет жом қўйиб туар экан, машъал ўтига бир қадаҳ сув қўйса ўчади-ю, бу хил чироғнинг ҳоли не кечади? Сув билан машъал ўти, машъал ўтигина эмас, манқал ўти. Манқал ўтими, қўра ўтими, тандир ўтими – сув етиб боргач, унда тобу нур қолмайди. Ёнаётган сув ичра мажусий динидаги одамнинг ҳоли не кечарди, сандал дарахти бир дамда обнус дарахтига ўхшаб қоп-қорайиб кетади-да! Ҳар кишиким бу сувдан бир идиш тановул қиласа, хонанинг сиёҳга айланishi ажаб эмас.

*Сув дема оники, бир ўт эрур,  
Ким ети кўк хирманини куйдурур.*

У шуъла тушса, хасу хашак нима эмиш, осмонни ўртаса, уни куйдириб кул қиласи. Вужудинг уйи бир хашак бўлса, зор танинг худди бир ҳовуч кулнинг ўзи-ку! Бу хашакка неча ўт ураверасан? Бу туфроғни неча совураверасан? Май суви дард ўтининг ўзидир, йўқ, у дўзах ўтию тўфон сувидир. У ўтни хасу хашакингга ураверма, қўйма, бу сувни бир ҳовуч хокингга қуяверма!

## Шоҳи Фозий ҳақида ҳикоя

Шоҳи Фозий мамлакат тож-тахтини эгаллаш мақсадида юз-икки юз киши билан гоҳ Хоразм, гоҳ Адоқ ерларида душман билан қаттиқ урушлар олиб бориб, охири ўз муродига эришди ва тахт устида ўтириб, халқнинг арзу додларини эшитишга киришди. Вайроналарни обод қилди, зулмни адолат билан дафъ этди, ўғри ва ифлос одамлар йўқолиб, шариат адолатининг қўлини узун қилди.

Бир куни мамлакатни кезиб юрганида, бир паришон-хол кампир этагини маҳкам тутиб, оҳу фарёд қилиб, «Эй шариат ҳимоячиси бўлган подшоҳ, адолат билан иш туладиган бўлсанг, бугун сен билан шаръян даъволашаман. Шартим шуки, шу ерда жавобини бермай, шаръий маҳкама – қози олдида жавоб бергайсан», деди. Шоҳ унга «Қонимга даъвогарлик қилсанг ҳам, шаръян жавоб беришга ҳозирман», деб жавоб қилди. Шу фикрга келишиб, ислом қозиси хузурига йўл олдилар. Икковлари ёнма-ён ўтирас эканлар, барча одамлар ҳайрат билан томоша қилишарди. Зол билан Рустам тепасига гўё бутун олам йигилгандек эди.

Кампир дедики: «Шоҳ ҳокимиятни эгаллаш учун қон тўкиб, жанг қиларкан, яккагина фарзандим, боғимдаги сарви равоним, қуриган дарахтимнинг ёлғиз меваси шу жангларнинг бирида ҳалок бўлди. Жигаримни тиф билан ёриб, қонини ерга оқиздилар». Қози: «Иккита гувоҳ топиб келиб, сўзларингни исбот қил», дегач, кампир: «Икки гувоҳ келтиришни истасам, подшонинг адолатию инсофи етарли бўлади», деди. Шоҳ бу фикрга рози бўлди. Қози: «Адолат қонунига мувофиқ айбдор, яъни шоҳ ўлганнинг хунини тўласин ёки ўзи қатл этилсин!» деб ҳукм чиқарди. Шоҳ: «Шариат шундай ҳукм чиқарар экан, бу ҳукм учун жоним фидо бўлсин», деб, бир рўмол билан ўз бўйинни боғлаб, яна юзта олтин тангалар тўлдирилган халтачаларнинг бўйини боғлаб, қўрқинч билмай кампир қўлига ханжар тутқазди-да, унинг бир томонига

юз ҳамённи тўкиб, деди: «Қасос оламан десанг, бошим олдингда турибди, мол-дунёни танласанг, олтину кумушларни олгин. Ўша пайтларда мен қасдан ўлимга буюрмаган бўлсам ҳам, ихтиёр сенда».

Кампир тифни қошларини чимирганча дикқат билан кўздан кечирди-да, чириган ўтмас тишларини кўрсатиб, шоҳ оёғига бошини эгди ва «Эй, лашкари юлдузлардан ҳам сероб бўлган шаҳаншоҳим! Болам сенга жонини фидо қилган бўлса, мен кексанинг жони ҳам қурбон бўла қолсин. Мен алам билан ғазабли сўзлар айтган бўлсам, сен менинг аҳволимни хароб қилмай афв эта қол», деди. Мана хижолат изҳорию лутфу адолат сўраш!

Кампир ўз даъвосидан, ўғлининггина эмас, ўз қонидан ҳам кечди. Қизиги шуки, одил шоҳ уни ўша даврда адолат билан бадавлат қилди. Кампирни юлдузлардек кумушлар билан безаб, фалак золи – қуёшдек яшартирди. «Тилла кампир» деб лақаб қўйди.

*Золи фалакдин неча кўрсанг алам,  
Шах чу қилур адл, Навоий, не ғам.*

## Тўртинчи мақолат РИЁЙИ ХИРҚАПЎШЛАР ҲАҚИДА

Эй, устамонлик билан дарвешлар кийимини кийиб олиб, шому саҳарда бўкириб, фарёд ураётган, хирқанинг ҳар чеккасига шайхлик ва тақводорлик макрлари ямоқларини тикиб олиб, унга яна юмалоқ шаклли қофозларни қадаб, уларни ҳар бирига мўлжаллаб, иплари макрришталари бўлиб, игнаси эса иблиснинг мўйлабидек.

Бошидаги эски салласи бурам-бурам бўлиб кетган, эгри ҳассаси, ҳийла уйининг устуни, кошки у синиб, бу уй йикилганида эди. Кўлидаги тасбиҳ доналарини бутпаст йўнган.

Беўхшов соқолини кулгу учун осилгандек, кўриниши ҳам эгри ёғоч устига чиқиб ўтирган эчкидек туюлади.

Ишида эчкичалик ҳам түғрилик йўқ, у ўғрини тутса, бунинг ўзи ўғрилик қилади. Эчки аҳлига яшил ўт, яхшилик тиласа, мингта эчкига ҳам пешволик қила олади. Тоғда ҳам, даштда ҳам тўдани бошқариб, йўл қийинчиликларидан омон олиб ўтади. Қоп-қоронғи водийда ҳам йўл топиб, тўғри йўлдан адаштирмай галасини бошқарди. Бу тўдасига тўғри йўл кўрсатиб борса, буниси тўғри жаҳаннам ўти томон бошлайди.

Ул ажойиб тўда зулмат водийси томон йўл олиб, хонақоҳга етиб боришади-да, у ерга бўйра тўшаб, риёкор шайхни ўзларига шайх деб атайдилар. Ўзини ориф деб, Хизр деб билган бу «пир» «муридлар»ни ўз усулларига ўйнатади. Шайхга муносиб риё аҳли гоҳи баланд овоз билан бақиришиб, гоҳида пирпиракдек чарх уришиб, ўрнидан туролмайдиган даражада беҳол бўлиб тиқилишади. Кейин шайхни ўз сultonлари деб дуо қиладиларда, унга ҳадялар, мол-дунёлар тортиқ қиладилар. Бундай эл ёмонларнинг ёмонидурларким, улардан ёмонроқ кишиларни топиб бўлмайди. Буларга, ҳатто дўзах ҳам хайф. Улар ўтга ҳам азоб берадилар.

Эй кўнгул, икки жаҳонданғина эмас, ҳатто жонларидан ҳам кечадиган, жонига жонини фидо қилишга тайёр турувчи элга жаҳонлар фидо бўлсин. Улар қай томон назар ташласалар, Ҳақни кўрадилар, набий суннатига амал қилиб, жаннат умидини ҳам, дўзах ваҳимасини ҳам назар-писанд қилмайдилар. Борлиқни фоний билиб, ўзларини йўқлик ўти ичидагу кул айлайдилар. Уларга муҳаббат лофи нораво.

*Эйки бу гавҳарға тиларсан макон,  
Билки, анинг кони эрур тобакон.*

## Хожа Абдуллоҳ Ансорий ҳақида ҳикоя

Ул зоти бобаракотни Ҳирот аҳли, уларгина эмас, балки барча коинот аҳли солик қибласи деб атаган. Абдуллоҳ Ансорий бир куни дедиларки: «Менинг ишим тоатдир, тангрининг амрига итоатдир. Бундан мақсадим дўзах ўтининг қўрқинчи ҳам, жаннат ҳам эмасдир. Инсон қўрқув билан Ҳаққа сифинса, ўзининг нафсини қутқариш учун енгилган бўлади. Ким ҳорғинлик чекар экан, равзадан ўрин олишдан умидворлик қилган бўлади.

Ҳақдан ҳар икковини яширин бажар, иш ҳақи учун эса иккаласини мардикорлик деб бил.

Менинг ишим доимо топиниш бўлди, қўрқуву умид иккаласи ҳам бўлди. Бандалик ишимга жавобгарман, туну кун ишим бундай бўлса узриман, тоатим унга лойик бўлмаса ҳам бирон соатим усиз бўлмасин. Қил деди, ҳар ишини қилмоқдир. Рад қилиши ёки қабули билан ишим йўқ».

*Учмогу зоҳид, томуғу булҳавас,  
Бўлса ҳавас ёр Навоийға бас.*

*Ёр юзи ёди била шод ўлай,  
Дўзах ила равзадан озод ўлай.*

### Бешинчи мақолат

#### КАРАМ, ОЛИЖАНОБЛИК, САХОВАТ ҲАҚИДА

Устингга саховат кийими насиб этган, қўлингда сўмнинг қиймати қолмаган инсон! Панжанг мағрибу машриқда кумуш сочиш учун очилди. Кумуш билан қўлинг келишолмайди. Унда фано, мунда эса саховат – бир-бири билан талашади. Кафтинг чақмоқдан ҳам тезроқ олтин сочиб турганида, чақмоқ уялганидан терга гарқ бўлади. Бошинг устида саховат жиғаси, унинг устида эса жўмардик гавҳари ярқирайди. Буки санга тангри ато айлади,

карам қисми билан сахо айлади. Жисмингдаги ҳар бир тук тилга айланганида ҳам бунинг шукрини айтиб адo этиб бўлмайди.

Энди саҳоват жўш урган чоғингда шукр қилиш керак бўлганда, баҳилликка юз тутмагил. Баҳиллик барча сифатларнинг энг хасисидир, саҳоват ҳаёт жавҳаридир. Бу порлоқ дурни хор айлама. Бухл ҳисобида ҳаддан ташқари сарфлайверма. Саҳоват ҳар қанча мақташга арзирли бўлса ҳам, ақл исроф тарзида кўп сарфлама, ақл бекорга исроф этишни баҳиллик билан тенг тутади.

Эй, сен тангри молу давлат насиб этган экан, кимларга яхшилик қилиш ҳақида таълим ҳам бериб қўйган. Билиб ол: саҳоват қилиш учун кимлар ҳақли, кимларга олтину кумуш ҳадя қилиш мумкин?

От чиқариш, ном қолдириш, исмини улуғлаш учун ҳатто қўл билан етаклаб гавҳар сочиш ақллиларга муносиб эмас. Маст ёки жинни киши бундай бемаъни ишга қўл уриши мумкин.

Қўлида жом тутган киши тўхтовсиз сочаверса, ҳар қанча сочқини тугатиши ҳеч нарса эмас. Бу хил бемаънигарчиликларни аҳоли саҳоват деб атамайди.

Шундай одамларни ҳам сахий деб бўлмайдики, исроф қилмайди, лекин муҳтоҷ бўлмаган кишиларга ўз молмулкини бекорга сарфлайди: оч бўлмаган кишиларга дастурхон ёяди, яланғоч бўлмаган кишиларга тўн кийдиради. Юзта йилқиси бўлган бойга от тортади, юз йилқиси бор кишига кумуш тортиқ қиласди. Бадахшонга лаъл юборса, Кирмонга зира олиб келиб улашади. Хизрни кўриб қолса, унга ҳаёт сувини тухфа қиласди, Мисрдаги шакарпазга доналаб наввот совға қиласди. Шамъни кундуз беҳисоб ёритиб қўйиб, қуёш зиёсига ёрдам кўрсатмоқчи бўлади. Ҳар кечаси қоронғилиқ кучайсин деб, тўхтовсиз мушк сочиб чиқади. Муҳтоҷ эл юзлаб нон тилаб турса ҳам, биронтасига луқма ҳам тоттирмайди. Бундай одамлар қуриётган боғ устига ёғмай ўтиб, сувини қуруқ чўлга тўккан булатнинг худди ўзгинаси.

Яна бир хил кишилар борки, уларни ҳам саҳоват аҳли тоифасига киритиб бўлмайди. Бундайларнинг кўзи ҳамиша халқнинг молида бўлиб, уларни тортиб олиш – муддаоси. Зулм, турли фирибгарликлар, ваъдаю алдашлар, гувоҳликлар воситасида бир мусулмондан истаганини тортиб олади-ю, бошқа бировга бериб, олиш ҳам, бериш ҳам унинг мақсади. Олишдан ҳам фойда йўқ, беришдан ҳам.

### Ҳотами Тойи ҳақида ҳикоя

Бир пок табиатли одам Ҳотами Тойидан сўради: «Кафтаринг иши саҳоват бўлганидан бери ўзингга ўхшаган, бирон кишини кўрдингми?» У жавоб бериб айтдики: «Бир куни катта бир базм қуриб, шу чўлда яшаётган барча одамларни меҳмон қилдим. Зиёфат учун юзта тую, сонсаноқсиз кўзи сўйилган эди. Бир вақт меҳмонлар олдидан бироз дам олиш учун очиққа, саҳрора чиқдим. Шу пайт кўз олдимда машаққат чекиб, орқасига тиканили шоҳ-шаббаларни ортиб, юк остида жисми уйи эгилиб, унга ҳассадан сутун тиркаб олган, ҳар қадам юрганида тўхтаб, ҳар нафас олгунча дамини ростлаб бораётган бир кекса намоён бўлди. Унинг чекаётган изтиробари менинг кўнглимга ўт солгандек бўлди-ю, унга бокиб, лутфу раҳмдиллик билан шундай хитоб қилдим: «Эй, қаддини машаққат юки паст айлаган, жисмида ғам тиканини азоб бераётган инсон! Бугун Ҳотам уйида чақириқ бўлаётганлигидан хабар топмадингми, унинг даргоҳига зиёфатга бормадингми? Ҳотам ҳаммани меҳмонга чорлаб, барча яхши-ёмоннинг кўнглини оляпти-ку! Тиканинги ташлагин-да, иззат гулшанига ет, кўп машаққат чекмай, ўрнингдан туриб, чақирилган манзил томон йўл олгин», дедим.

Менинг у ҳақида ташвиш чекаётганимни англаған киши бошини кўтариб кулди-ю, шундай жавоб қилди: «Эй, оёғини ҳирс-очкўзлик занжирбанд этган, бўйини эса тамаюн-

тиланчилик арқони маҳкам боғлаган, ғайрат водийсига қадам урмаган ва ҳиммат панжарасини кезиб чиқмаган инсон! Сен ҳам бу тикан азобини тотиб кўр, шунда Хотам Тойи миннатини эшитмайсан!»

Унинг бу сўзлари асосли бўлиб, мендан унинг ҳиммати юксак эди». Эй Навоий, сенинг ҳам ҳимматинг бўлса, Хотами Тойи сенга банда бўлар эди.

## Олтинчи мақолат ОДОБ ҲАҚИДА

Элга молу дунё, шараф-шон обрў бўлмай, ҳаё билан одобгина шараф хисобланади. Чунки ёғиннинг бошланиши ҳаё бўлганидек, ёғиннинг ҳар қатраси тупроғни кимёга айлантиради.

Одабсиз кишилар иззатли бўлмайдилар. Баланд осмон бу хил кишиларни пасайтириб қўяди.

Одабсизликнинг бирни кулгу бўлиб, кулгу одобнинг йўқлигидан белги, холос. Қаҳқаҳаси туфайли каклик қаттиқ сайраб, бу хил кулгу унинг бошига хилма-хил балолар келтиради. Фунча эса овозсиз очилиб, очилиши сўнгига сочилиб кетади.

Яшин ўз қаҳқаҳаси туфайли тоғ ичидаги йиқилиб, ер билан яксон бўлади. Субҳ эса овозсиз ўз жамолини аён қиласи экан, қуёш нурлари ўз дурларини унинг устидан исирик қилиб сочади.

Кулгу ўз ҳаддидан ошгач, йиғлаш ундан кўп яхшироқ бўлиб қолади, шамъ ҳар туни йиғлаб, ўзини аён этар экан, унинг устидан кулаётган фунчаларни ел учирив кетади. Булут паст овоз билан кўз ёшларини тўкар экан, яшин кулгусидан хоксор ҳолатига тушади.

Одабли инсонлар кулгуга кўп ҳам оғиз очавермайдилар. Лекин ҳаё булути қатрасиз ҳам бўлмайди. Қаҳқаҳа ҳазил билан ёр бўлса, икковининг қиёфаси қурбақанинг куйи билан сакрашини эслатади. Юзига соқол боғлаб

элни кулдиришга интилган одам ўз соқолига ўзи кулгу келтиради.

Масхарабоз кулгу уйғотиш учун бир дирам деб нақ икки шапалоқ ейди. Бойүғли ҳам ўз күриниши жиҳатидан масхарабозга үхшаб кетгани учун, қушлар уни урмоқ учун хужум қиласылар. Бу масхарабозликларнинг бар-часи ҳаё ва одоб келса, дархол дафъ бўлади.

Қуёш рухсори жилва қилгач, кеча зулмати ер тубига киришга мажбур бўлади.

Ҳар бир ақл-хушли инсон ўз сўзини ақл билан сўзлайди. Маст одамгина шовқин-сурон солиб гапиради. Тулки билан ит кулгу эшигини очишича, шер кўрингач, бор улус уйидан қочиб чиқади.

Тавозуъ ёки адаб деб аталган нарса ҳақида ақл фақат уларни мақтаса ҳам, улус фикрига мувофиқ бирдек бўлмайди. Масалан, уларни ҳар кишининг таврига – ҳолатига қараб кўриниши ва ҳолатига мувофиқ бажариши зарур. Масалан, бек қулга узоқ ҳурмат кўрсатса, ўзини яхши, уни яхши ҳурмат қилмайдиган бўладилар, гадойнинг олдида сажда қилиш эҳсон эмас, балки эҳсон унга дирам бермакдур. Бола учун ўриндан туриш ҳам адаб ҳисобланмайди. Кексалар бундай ишни адабга нисбат бермайдилар. Бундай ҳолда у мутакаббир-у, сен енгил табиатли инсон бўлиб қоласан. Шунинг учун ҳам эл бу икки хил ишни қилишни қоралайди.

**Одобда унинг муайян шартларига амал қилмоқ** муҳимдир. Ҳар кишига муомала қилинганда, унинг сенга нисбатан ёши, обрў-эътибори қандайлиги ҳисобга олиниши керак. Бошқаларнинг обрўйи сенга нисбатан пастроқ бўлса ҳам, баланд бўлса ҳам, уларга яхши муомалада бўлиш керак. Улар бошқача иш тутсалар ҳам, сен ҳисоб билан иш кўришинг даркор. Бу хил ишингни жавобини қиёмат куни кўрасан. Умуман, барча билан яхши муомалана қилмоқ вожибдур.

Бирон киши мартабада сендан паст бўлиб, сенинг хукминг остида бўлса ҳам, унинг сўзи, шикоятлари сенга

хуш келмаётган бўлса ҳам, пайғамбаримиз ҳадисларига кўра ёқимли муомалада бўлиш, унга сўз одоби ҳақида ўғит беришдан йироқ бўлмоқ лозим. Бундай одамларга ҳамиша яхшилик қилиш, айни чоғда уларнинг аҳволларидан хабардор бўлиб туриш зарурдир. Бу уларга кўрсатилган эҳтиром, таъзим бўлишидан умидвор бўлиш керак.

Агар аҳли аёлинг бўлса, уларга ҳам худди шундай меҳрибонлик кўрсатиш лозим. Болаларни кичикликдан парвариш қилишда ҳикмат кўп. Қатрани садаф тарбия қилиб келгани учун у бошга чиқиш шарафига эга бўлди.

Яна бири фарзандга яхши от қўймокдир. Шундай исм қўйиш зарурки, одамлар атаганларида уялиб қолмасин. Исмларда ҳам фарқ кўп учрайди. Бири Ҳусайн бўлса, яна бири Язиддир.

Яна бири болага таълим бериш ва илму адаб ўргатиш учун муаллим топишдир. Ит таълим ўрганиб шундай камол топадики, ҳатто оғзида келтирган ови ҳалол бўлади, олим ҳаромни ҳалол қилишга ўргатувчи ит бўлса, ўғлинг билимсиз бўлса, уни билимли қиласди.

Болани тарбиялашда унга шафқат кўрсатиш, уни тақдирлаб бориш ҳам даркор, лекин бу хил ишлар: мақташ, мукофотлаш ҳаддидан ошиб кетса, фақат зиён бўлади. Болага меҳрни ҳам, жазо беришни ҳам меъёридан оширмаслик унинг яхши одоби учун хизмат қиласди.

Одобнинг энг муҳим шартларидан бири **ота билан она эҳтиромини** бажо қилмоқдир. Бу икки зотнинг хизматларини бир хил бажариш, бу хизматларни имкон борича кўпроқ адо қилсанг ҳам шунча оз. Бошингни ота қошифа фидо айлаб, жисмингни ано бошиға садқа қилгил. Икки жаҳонингга роҳат истасанг, ушбу икки зотнинг ризолигини олгил. Туну кунингни ёритмоқ учун бирини ой, бирини қуёш деб англагил. Сўзларидан салгина ҳам четга чиқмай, васиятномаларидан бир қадам бўлсин ташқари қадам қўймагин. Барча хизматларинг одоб доирасида бўлсин, қоматингни эса «адаб» сўзидағи «дол» ҳарфи каби тутгил.

Сўнгра силаи раҳм – қариндошларга садоқат, уларга меҳрибонлик, доимий алоқада бўлишни, ўша доира одамларига меҳр-шафқатни ўзинг учун фарз бил. Қариндошларингнинг барчаси билан доимо муносабатни узмай, улуғроғига хизмат қил, кичикроқларига шафқат кўрсатгил. Ўзинг билан тенгқур деб ҳисоблаганларингга ҳам эҳтиром кўрсатгил. Қилган меҳнатингни ҳеч қачон юзига солмагил, ҳурматсизлик қилиб зинхор дилига озор бермагил.

### Нуширавоннинг уялгани ҳақида ҳикоя

Нуширавон шаҳзода эканлигида, бир қизнинг ишқи билан нотавон бўлди, ғунча каби кўнгли тўла қон эди. Ўз ёрига етишиш йўлида оғир меҳнатлар қилиб, охири унинг висолига мұяссар бўлди, бир чаман ичига хилват жой тайёрлатиб, гулруҳ билан очиқ сухбат қилмоқчи бўлди. У гулузор ҳам бунга қаршилик қилмади. Шоҳ дилбари томон қўлини узатган эди, кўзи бир бута нарғизга тушди, бундан уялиб кетиб, дарров қўлини тортиб олди. Суманбар ҳайрон бўлиб деди: «Бу хилда қўл чўзмоқнинг ва дарров тортиб олмоқнинг сабаби недур?»

Сабабини шоҳ шундай тушунтириди: «Менинг бундай ҳаракат қилишимга нарғизнинг шаҳло кўзи сабабчидур», – айни ҳаё билан футуват бу ишда уни қувватдан қолдирди. Кўзларини ёшга тўлдириб ўриндан туриб кетди, чунки унинг бу пок нияти Нуширавонга хос бўлган ҳаё хосияти эдики, жумлай оламга уни шоҳ айлади, аддини оламга паноҳ айлади.

*Айш, Навоий неча дилкаш дурур,  
Лек адаб бирла ҳаё хушдуур.*

## Еттинчи мақолат ҚАНОАТ БОБИДА

Ким учун қаноат бир фан, одат бўлиб хизмат қилган экан, билингки, бой қилган ҳам ана шу қаноат бўлган. Олтин-кумушлару турли безакларни бойлик деб ҳисобламагин, чинакам бойлик қаноат ганжидир. Агар қўлингда қаноат нақди йўқ экан, ҳаракат қилгин-у, нақди қаноат билан бойлик топишга интилгин. Чунки тамаъ – гадолар иши, тамаъгири эса гадонинг ўзидир. Шоҳ тамаъ қилса, жигилдонга айланса, қаноатли дарвеш подшоҳ бўлғусидир.

*Шоҳ ул эмаским, бошиға қўйди тож,  
Шоҳ ани билким, йўқ анга эҳтиёж.  
Шоҳ агар ул бўлсаки, муҳтождур,  
Ҳарф ила муҳтоҷда ҳам тождур.*

Ким қаноатни ҳужжат деб билса, яхши-ёмонга муҳтоҗлиги бўлмайди. Кимки қаноат сари йўл топа олса, бу йўл билан шоҳ ҳам бўла олади. Молу дунё билан ўзингни бошқалардан юқори қўйма, қаноат мулки билан ўзингни мағрур тут.

Саҳрода сув истаган бир ташна инсон учун қўлидаги олтун қадаҳдан не фойда? Қуруқ сувга қаттиқ нонни тўғраб еса, сувни оби ҳаёту, нонни қуёш деб билсин.

Бирор зийнат учун ошига шолғому сабзи ўрнига олтину кумуш солган бўлса, сузганда олтину кумушлар ярақлаб турса, ўзинг айт-чи, оч бир одам уни тановул қила оладими? Уни ейиш тишлигарга қанча озор берса, ҳазм қилиш ҳам ошқозонга осон бўлармикан? Ҳазм бўлса ҳам инсоф юзасидан қарасанг, бекорчи сарф билан исрофдан бошқа нарса эмас-ку?

Инсоф эшигини очиб, бу фойдасиз дуру гавҳарларни очу яланғочлар устидан сочиб очга емак, яланғочга тўн бериб, юз тилаганга – минг, бир тилаганга ўн берса, ўзини

ҳақиқий қонеъ (қаноатли) инсон деб билса, тангрию халқ олдида ҳам узрли бўлади-ку!

Баъзи бадавлат кишилар бўладики, ўзининг шундай эҳсонларидан кўнгли тўлмайди. Кийими учун эгнида палос йўғ-у, элга чиройли, безакли либослар ҳадя қилишни ўйлайди. Бу ниятни амалга ошириш учун аввал ўша ҳалол пулни меҳнат чекиб топиши керак.

Икки қаро пулки, чекиб даст ранж,  
Яхшироқ андинки, шоҳ инъоми ганж.  
Тинч кўнгул бирла қатиқсиз умоч,  
Беҳки бирор миннати бирла кулоч.

Баъзилар хаёлда фаровон ҳаётни, баланд иморатлару кўркам гулистонларни орзу қиласидилар. Унинг ўрнига жаҳонни бир ҳовуч кулча кўриб, тўби ва сидра дараҳтларини хашакча кўриш, кўк қасридан ўзининг қийшайган айвонини афзал билиш, кулбаси ой шамидан ёруқ бўлиши, эшиги ел кўлидан очиқ бўлишини ёқтириши, эгнидаги ямоқли кўйлагини фалак атласидан афзал билаб яшаш қаноатни шиор қилиб, тамаъ билан хор бўлишдан аълодир.

### Икки дўст ҳақида ҳикоя

Форс мамлакатида икки дўст Чин сари юриш қилишни истаб қолдилар. Бири азалдан қаноатли киши бўлиб, иккинчиси унинг акси эди. Йўлда борар эканлар, бир катта тошни кўрдилар. Унинг ярми ерда-ю, ярми юқорида эди. Унга «Ким меҳнат қилса, тошни айлантириб ўз жойига қўйса, ёзилган бир ёзувни кўради ва бу водийдаги бир остона остида катта бойлик яширинганидан хабардор бўлиб, унга эга бўлади. Кимки меҳнат қилиб, алам тортишни истамаса, унинг учун сабру қаноат баридан яхшироқ», деб ёзиб кўйилган экан. Қаноатсиз одам бу хабарни ўқигач, бойликка эга бўлиш учун тош ости-

ни қазишга тушди, қаноатли бепарво бўлиб ўтиради. У ўша атрофни томоша қилиш билан банд бўлди, «Менинг қаноат бойлигидек бойлигим бор, бу меҳнатдан қандай нафъ тегарди? Тангри эҳсон бераман деса, тош ёрилиб ҳам бойлик чиқаверади», деб хаёл сурди-да, эрта туриб шаҳар томон йўналди, шаҳарга кирадиган бир неча дарвоза бўлиб, шаҳарга биринчи бўлиб кирди. Ҳамма ўша дарвоза – у биринчи бўлиб кирган дарвоза томон интиларди. Бу элда шундай бир одат бор эканки, мамлакат подшоси нариги дунёга риҳлат қилган бўлса, аъёнлар бу гапни шаҳар халқидан яширин тутишар экан-да, кимки саҳарда шаҳарга ҳаммадан бурун кирса, уни подшоҳ сайлаб, бошига тож қўйдиришиб, бармоғига олтин узук тақишар экан. Бу сафар ҳам худди шундай ҳол юз бериб, ҳалиги мусофири шоҳ кўтардилар.

Унинг тош остини қазиётган дўсти эса оғир меҳнатни бажариб бўлгач, тошни ёнига ағдариб қараса, ундаги хатда «Хом тамаъ бу дунёда алам чекади», деб ёзиб қўйилган экан. Хуллас, қаноат қилгани подшоҳ бўлди, бунисини эса тамаъ ранжи хоксор қилди.

*Қилма, Навоий, тамаъ элдин дирам,  
Бор эса, берсанг худ эрур ул карам.*

## Саккизинчи мақолат

### ВАФО ҲАҚИДА

Бас, кишига ҳаётнинг лаззати ёр экан, умр деган ёри вафодор экан. Вафо одатидан узоқ одам зиёси йўқ шамънинг ўзгинасиdir. Зиёдан озуқаси бўлмаган шамъ эса гўёки ўтсиз зиё, нури бўлмаган бир муз парчасидир.

Вафоси бўлган кишинигина ёр деса бўлади. У худди умр каби вафодордур. Ҳар киши оламда ёрсиз бўлса, дури шаҳворсиз бир садафгинадир, холос.

Ёлғиз одам ўз кишининг бўлса ҳам, қўлидан бирор иш, бирор хунар келмайди. Ёлғиз киши қачон кишилар со-

нига ўтади? Якка-ёлғиз инсон даврада ҳам ҳар қанча қарсак чалсин, садо яратолмайди. Чунки ёлғиз, бир ҳовучдан садо эшитиш мумкинми?

Ёрсиз элнинг оҳи ғам-андуҳ бўлади, холос. Ёнса ёлғиз – ёғоч туташдан нарига бормайди. Тоқ кишининг уйи ҳам паст бўлади. Қачон уйни битта устун кўтариб турарди? Бургутнинг бир қаноти синса, тез учгани билан дарҳол чарчаб қолади.

Агар нард тахтасида биттагина рақамли куб (каъбатай) бўлса, бу ўйинни ўйнаб бўлармиди? Тошки чақмоқдан узокроқ тутилса, иккаласи ҳам узоқдан тутаб тураверади-да! Бир-бирларига яқин етишсаларгина уларнинг ўтларидан олам ёришади.

Учи иккига айрилган қаламнинг учларидан бири синса, ёзаётган киши ўз хатини битиролмай қолади.

Жумла жаҳон шоҳлиғидин ори бор,  
Кимки гадодур, доги бир ёри бор.

Шоҳнинг ёнида ҳамдамлару ёрлари бўлмаса, кўнглида ташвишлару армонлари ҳам кўп бўлади. Ёр шундайин бир бебаҳо гавҳарки, ундай ёрга шоҳ ҳам, гадо ҳам муҳтоҷ бўлади. Мен айтиб ўтганимдек, содик ёр бу даврда мутлақо қолмаган. Топмоқ агар гарчики мушкил бўлса ҳам, одамзод орасида топилади. Бу хил дўстлар васлидан баҳраманд бўлган кишининг бошига жоним исириқ бўлсин. Ким вафо қўриб, жафо қилмаган бўлса, кўрган вафосига вафосизлик қайтармаган бўлса, эй сабо, жонимни унга топширайин, ҳеч уялмай унга етказгил. Мендин унга арзи дуо айлагин, йўлида жонимни фидо қилгин. Чаманининг атиргулларидан олиб кел демайман, кўзимга йўлининг чангларини етказсанг бўлгани. Унинг билан суҳбатлашишга имконинг етса, олдида менинг ҳолимдан сўзлаб берарсан.

Аввал оёғига тушиб паст бўл – оёқларини ўпгил, тупроғ билан тенг бўл. Субҳ насими каби хомуш турмасдан,

шом шамоли каби фифон айла. Айтким, висолингни ти-  
лаб яна қанча зор бўлай, фироқингга неча гирифтор  
бўлай?

Сени истаб шунчалик кўп изладимки, ҳар қайси қада-  
мим сенинг талабингда бир алам бўлди. Сени тилаб ҳар  
қанча шиканж кўрган бўлсам, ранж дардидан бошқа би-  
рон ганж талаб этмадим. Ҳар кишинингким оёғига бош  
кўйсам, менинг бошимга жала каби тош ёғидирди.

*Ҳам бу нафас бошима ет раҳм этиб,  
Сўнгра не осиғ келурунг мен кетиб.*

*Турмаву зинҳор етишгил менга,  
Хизр ҳаёти бу хабар бил менга.*

*То чиқибон ўтру, юз ағфон қилай,  
Қайси фифон, балки фидо жон қилай.*

*Тушса кўзум йиглаю жононаға,  
Жон берайн олида шукронага.*

*Жондин олиб дард бу дармон била,  
Бормайин охир дами армон тила.*

*Гар манга бу ком қариб ўлмаса,  
Давлати дийдор насиб ўлмаса.*

*Дашти фано сори хиром айласам,  
Мулки адам ичра мақом айласам.*

*Айласалар икки томондин вафо,  
Етгай улар жонига онча сафо.*

*Ким сифати сиғмагай авроқ аро,  
Демайин авроқки, оғоқ аро.*

## Икки вафолик ёр хусусида

Эшишишмча, шоҳи комрон, тўрт улус хони Амир Темур Кўрагон иқлиmlарни бирин-кетин босиб олар экан, Ҳиндистон ўлкасида қаттиқ жанглар бўлди. Соҳибқирон ғолиб келиб бир неча ҳудудларни фатҳ этди ва душманлар кўнглига кучли даҳшат солди. Ёвлар кофир бўлиб, шаҳаншоҳ уларнинг барчасини қириб ташлашга буйруқ берди. Хар бир аскар ўз хоҳишича бош кесишига киришиди. Бошлар селлардаги тошлар каби ҳамма ёқни тўлдиради. Ўткир ханжарлар ҳамма ёқда бош кесишдан бўшамасди. Шу маҳал икки бечора ёр қотилларга дуч келишиди. Бир сипоҳ улардан бирининг калласини танасидан жудо қилмоқчи бўлди. Шоҳнинг буйругини бажармаса, ўзининг ўлдирилиши аниқ-ку! Ёнидан ханжарини чиқариб, ҳалиги ҳинднинг бошини чопмоқчи бўлган эди, дўсти бошининг ёв тифи остида турганини кўрган йўлдоши ўз бошини очдида, душман аскарига тутиб, «Сенга бош керак бўлса, унинг бошига тегмай, менинг бошимни кесақол», деб илтижо қила бошлади. Сипоҳ олдинги ҳиндини қолдириб, кейингисини ўлдирай деб тиф кўтарган эди, ўртоғи қотил оёғига бош қўйиб ўзини ўлдиришини тиларди. Жаҳли чиқсан сипоҳ «Майли, иккалангизнинг каллангизни оламан» деб, қай бирига ханжар кўтарса, иккинчиси изтироб чекиб фарёд уради. Икки дўст ўз бошларини олдин кестириш учун бир-бирлари билан талашишарди. Шу ҳол давом этар экан, эл орасига «ал-омон», яъни «ўлдиришни тўхтатиб, қолганларни омон қолдиринглар», деган эълон-буйруқ эшишилди. Икки дўст бир-бирлари учун жонларидан кечишиган эди, шоҳ ҳам ҳалқ қонидан кечишига фармон берди. Икки жонажон дўст ўзларининг чинакам садоқатларини намоён қилишиб, ўзлари ҳам омон қолдилар, элнинг ҳаётини ҳам сақлаб қолдилар.

Эй Навоий, худо сенга шундай ёр берса,

Сен ҳам унга бошинг билан жонингни фидо қилгин.

Тұққизинчи мақолат  
ИШҚ ҮТИ ТАЪРИФИДА

ам  
ни.  
ш

Тупроқдан ясатилған одамни тонг саҳарлаб рух майи билан маст қилдилар – танига рух киргиздилар. Тупроғини ҳикмат қўли билан Эрам боғидек яшнатдилар. Жаннат боғига ўхшаган бу гулшан ҳурлар жилвагоҳининг ўзи эди. Күшлари ҳар лаҳзада юз афсона сўзлар, эшиг-ганлар яна янги афсона сўзлаб беришини қайта-қайта сўрашарди. Фалак боғидек покиза ва саришта бу боғнинг ҳар бир гули янги чиққан ойга ўхшарди. Юзи энг тоза гулдек бўлиб, чеҳраси устидаги қизиллик унинг фозаси эди. Қомати савсандек тик, балки сарв ила шамшод каби эди. Зулфи мушкин бўлиб, юз ва энг лолаю насрин каби эди. Юзида қуёш булоғидан томаётгандек суву ўт тобланиб тураг, қўзлари наргиси фаттондек, лаблари очилган фунчадек эди. Майнин хат-туклари жуда чиройли кўринар, ул сабза устидаги шабнам терга ўхшарди. Хуллас, ҳусни жамолда тенгсиз эди.

Ишқ булбули достон куйлар экан, бу бўстонни томоша қилишга кирди. Назари гулга тушиб, шавқ ўтидан жони хабардор бўлди. Жонига ишқ ўтидан ҳарорат тушиб, қўнглида фам шуъласидан изтироб пайдо бўлди. Гул унга қараб изҳори ноз, жилва-табассум қила бошлагач, булбулнинг бағри куюб, шундай фарёд чекдики, ўтидан чаманга ғулғула тушди-ю, ошиғу маъшуклик аён бўлди. Ишқ туғёни тобора кучайиб, ошиқнинг шайдолиги оша борди, шундан сўнг жаҳон мулкига ишқ ғавғоси тушиб, замон аҳлини талон-тарож қила бошлади.

Рух бу гул тиканига гирифтор бўлиб, жон ҳам бу бўй исидан маст эди. Ишқ қайси қўнгилни макон этган бўлса, уни ишқ ўтдан лаълга кон айлади.

Бўлмаса ишқ, икки жаҳон бўлмасун,  
Икки жаҳон демаки, жон бўлмасун.

*Ишқисиз ул танки, аннинг жони йўқ,  
Хуснни нетсун кишиким, они йўқ.*

Ишқ бир дур бўлса, кўнгил унинг сақланадиган кутичасидир, балки қуёш, ишқу кўнгил унинг буржидир. Ишқ ҳусн ишидир, киши шамъ билан ўт ёққанидек, ҳусн ҳам ишқ равшан аён қиласди, лутфу тароват гулда қанчалик кўп бўлса, ҳасратидан булбулда гулгула ҳам шунчалик кўп бўлади.

*Ошиқ ўзин ким деса ошиқ эмас,  
Барча киши ишқда содик эмас.*

Ҳаммаёқни кезиб, ҳуснли бирон гўзални топиб, кеийин унга кўнглини бойлаган инсон кўнглини бир пора тош, шамъ ўтидан қизиган бир қоя тош деб билди. Ёлғондан ўзини дардли қилиб кўрсатиб, мотами бўлмаган ҳолда ёқасини чок этиб, ташқарисидан ҳийлагар, ёлғончи, маккор, ичкарисидан иблиснинг ўзгинаси; ташқарисидан садоқат зийнат, ичкарисидан бузуқлик, безбетлиги бўлган ошиқ чин севги шайдосими?

Ёридан не-не нарсаларни истаб, одобсизликдан торгинмай, гоҳ лаби лаълидан жон тамаъ қилиб, жонгина эмас, истаган нарсани тамаъ қилиб, гул танини васф этиб, ҳар бир аъзосини таърифлаб, сўзлари фахшу макрга тўла бўлган ошиқни ўлтурса, жисмини бошдан-оёқ қуйдурса арзийди.

*Ошиқ ани билки, эрур дарднок,  
Ҳам тили, ҳам кўзию ҳам кўнгли пок.*

Ишқ ошиқни ўзлигидан поклаган бўлиб, балки фано ўтига хашак этган бўлса, дардини яширганидан юзи сарғайиб, кўз ёшини оқизаверганидан кўзи ариф бўлса, дард юкидан қадди эгилиб, қадди «дол» ҳарфига ўхшаб қолган бўлса, хаёлидан бошқалар хаёлинини чиқариб, жонини фақат жонони хаёли билан тўлдирган бўлса, ёр номидан

бошқа сўзи бўлмаса, жонида жонон ғамидан ўзга ғам бўлмаса, ҳар тарафга қараганда, фақат ёри жамолинигина кўрса, ана шундай ошиқнигина ҳақиқий ошиқ санаш мумкин. Ҳатто ўзлиги ҳам бартараф бўлиб, кўз ташлаганда фақат ёрни кўрса, севгида шу тарзда мағлуб бўлган ошиқнина муҳаббатда содик бўла олади. Шундай муҳаббатгина унга ўзлигини унуттира олади.

Бундай ошиқ ўзлигини унудиб, уйдан ташқари чиққиси келмай қолади. Шунда унинг дўстлари уйдан ташқари чиқмаётгани учун маломат қилсалар, жаннат ваъдаси билан овутиб, ишқ ўтидан кўнглини совутсалар, у ғузару хиёбон сари йўл олиб, даштда тўп-тўп одамларни кўриб, ўша одамлар ичидаги гўзал чеҳрали соҳибжамол ўзининг париваш ҳусни билан уни ўзига ром қиласди. Май ўти рухсоридан юз гул очилиб, бирини дасторига қистириб олган, ҳусни ўти шуъласи гулзорга ўхшайди. Гулзорининг ҳар томонида гулнор кўринади. Қошлари ҳилолни эслатади, ул ҳилоллар ошиқ аҳлини девона қиласди. Ҳалиги қошлар улусни қатл қилмоқ учун бошларини яқинлаштириб маслаҳат сўрадилар.

Зулфининг сунбуллари устма-уст тушган. Ўти кўзлари ноз билан ҳар ёнга боқади. Лабларида ҳаёт қатраси қотиб қолгандек, йўқ, бало чашмасидан жон томиб тургандек кўринади.

Бу қандай жамол намойиши, эй кўнгил? Балки гулистони Халил, эй кўнгил. Шундай жамол билан жавлон қилиб ошиқ бошига етиб келса, тупроқ бўлишдан бошқа чораси қолмайди ошиқнинг. Ул чоғ Шиблию Зуннун бўлса ҳам, кўпларни мажнун қиласди. Дин уларнинг мотамига ҳой-ҳой чекиб, ақл пири болалардек бармоғини тишлаб қолади.

Руҳул-амин, яъни Жаброил ҳам унга боқиб, оғзидан сўлакайи оқади. Кўрмаган эл бу ўтдан омон қолади-ю, кўриб кул бўлмоқ ҳам ёмон эмас. Кимки кирланган, нопок бўлса, бу тозаловчи ўт орасига кирса, покроқ бўлиб чиқади. Кимга бу хил куйиш одат бўлса, дунёда саодат топади.

## Ўнинчи мақолат

### РОСТЛИК ТАЪРИФИДА

Ҳар кишиниким одати тўғрилик бўлса, фалак унга ҳар қанча тескарилик, қайсарлик қилганида ҳам қўрқадиган жойи бўлмайди. Ўқнинг таянч парлари тўғри бўлса, ернинг эгрилиги унга бирон зиён етказармиди? Йўл қанча тўғри бўлса, йўлчи мақсадидаги манзилига тезроқ етиб боради. Шундай вактларда қинфир-қийшиклиги туфайли йўлнинг узайиб кетиши аниқ-ку!

Най тўғри бўлгани учун ҳам одамлар уни тинглашни ёқтирадилар. Чанг эгри бўлгани учун қулогини бураб жазо берадилар.

Айвонда ёнаётган шамъ ўти тўғри кўтарилиши туфайли кечки базм шоҳиди бўлади, кўп айланиб учавергани билан парвонанинг етиб бориш жойи маълум.

Сарв қомати ўқ каби тўғри, шу туфайли шамол ҳам унга зиён етказолмайди. Боғда чирмашибдан бошқа ишни билмайдиган сунбул эгрилигидан юzlари қорайиб кетган.

Чанг асбоби қили тўғри экан, нафис овозлар чиқараверади, салгина эгри бўлса, соз чиқмайди.

Назари тўғри одам тўғри, покиза киши бўлади. Кимнинг қўли эгри бўлса, у – ўғридир. Қўл эгриликка мойил бўлса, уни кесибгина тузатиш мумкин. Ҳар кимиким тўғриликни истаса, у икки хусусиятни англаб олсин. Биринчидан, кишининг сўзи тўғри бўлса, сўзигина эмас, балки ҳам сўзию ҳам ўзи тўғри бўлса, ҳалол бўлса. Бири буки, ёлғон гапириб қўйганида ачинса, тўғри сўзни чиройли гапирса. Аввалгиси яхши, лекин иккинчиси ҳам ёмон эмас.

Ёлғонни камроқ гапирадиган кишилар кошки бизнинг давронда ҳам бўлса эди. Кимки бу давронда ростгўй бўлса, иши доимо каму қўстлиқдан бошқа нарса бўлмайди. Давр эгриликни талаб қиласди, сен ростликни тиласанг", розилик билдирамайди. Тўғриликни шон-шараф деб

билган кишиларга даврон гардиши душманлик қилади. Қалам тұғрилиkenни талаб қылгани учун боши кесилади. «Алиф» ҳарфи тұғрилиkenни яхши күргани учун «бало» сүзи уни оёқлари остига олиб мажақлады. Янги ой әгрилиги туфайли ҳамманинг дикқатини үзиге тортади. Салла чирмалиб-чирмалиб бөш устига чиқишига сазовор бўлади. Йўқ-йўқ, бундай эмас, бу ёзганларим хато. Балки барчаси қаламнинг битган хатолари, эгри билан тұғрининг таърифи айни ҳақиқатдир. Шамъ тұғрилигидан хурсанд бўлиб куяди-ю, лекин бошдан-оёғи нур бўлади. Ҷақмоқнинг иши эгрилик бўлгани туфайли ҳам, гарчи у ҳам ёриса-да, ер ичига кириб йўқ бўлади. Дехқон режа чекмас экан, боғ ўрнига чангаль унади. Дехқон моласиз, уруғ сочса, сувни teng ичмай қанчаси яксон бўлади. Кўзгу юзи қанча текис бўлса, соҳибжамоллар юзи тұғри бўлиб кўринади. Унинг юзи сайқалланмаган бўлса, атрофидаги безаклар уни мутаввал – турли хилда: чўзиқ, йўғон ва ҳ.к. кўрсатади. Қуёш жим турган сувда тұғри акс кўрсатса, сув қўзғалса, эгри кўрсатади.

Хато қилиб билмасдан ёлғон гапириб қўйиш ёлғончи деб аташга асос бўлолмайди, чунки бу хил одамлар хато қылганини анлагач, үzlари ундан воз кечишади. Ёлғон гапиришни шиор қилиб олган, доим ёлғон сўзлашга одатланган одамларни эркагу мусулмон деб бўлмайди.

Ёлғончиликни касб қылган киши ҳар қанча ҳаракат қилса ҳам, бир-икки иши юришади-ю, унинг ёлғончилигини халқ билмай қолса ҳам, Аллоҳ огоҳ бўлиб, кўриб туради-ку! Ушбу сифатини элдан ҳар қанча яширмасин, ёлғон охир ўзини бир куни ошкор этади.

Одамларни ҳар соҳада алдаб юришдан кўра ўғрилик ундан яхшироқдир. Ҳар киши ёмон, ёвуз ният билан онт ичган бўлса ҳам, нияти ўғирилик бўлса, кафорат билан дафъ қилиш мумкин. Кимки ўзи ўз сўзини ёлғонга айлантирган бўлса, у, қолган барча сўзларини ҳар қанча рост демасин, эл унинг сўзлари ростлигига ҳеч қачон ишонмайди. Уни азобга солган бу зиён, зарар шу дара-

жадаки, ҳатто кафорат билан ҳам ундан озод бўлиш иложсиз.

*Кимсага ёлғончи дебон қолса от,  
Бу от ила чорласалар ўзу ёт.  
Сидқ хитоби яна ёнмас анга,  
Чин деса ҳам, ҳалқ инонмас анга.  
Кимки чини эл аро ёлғондуур,  
Ёлғони чинлиққа не имкондуур?  
Неча зарурат аро қолғон чофи,  
Чин демас эрсанг, дема ёлғон доги.*

### **Ёлғончи Дуррож ҳақида ҳикоя**

Бир ўрмонда ёвуз бир она шер яшарди. У ваҳшатда осмон йўлбарсидан қўрқмас эди. Бола кўрганида завққа тўлиб хурсанд бўлар, аммо кўпинча уларни чумолилар талаб ташлашар, шу туфайли шер ўз фарзандини оғзида кўтариб олиб юрарди.

Ўша ўрмонда бир қирғовул ҳам яшаб, ҳамиша ғазабкор шердан қўрқиб ҳаёт кечирарди. Шер дам-бадам боласини тишлаганича ўрмонда ҳар ёнга қадам қўяр экан, ногаҳон дуррож ётган ерга бориб қолса, у парр этиб учиб шерни сескантириб юборар, шунда у тишини қаттиқроқ сиқиб боласига азоб берарди. Ўз жигарига мотам тутгандек бўларди. Кўнгли бу ишдан озор чекиб, дуррож билан дўстлик чорасини излай бошлади. Унга дедики: «Сенда менинг заррача қасдим ийӯқ, бу сўзларимга ишонч билан қара. Мендан ваҳм қилмай, дўстиму сирдошим бўлгин. Хурсандчилик чоғларимда эса шодлигимга шерик бўлгин. Мен ҳам сенинг овозингни эшишиб хурсанд бўлай. Шарт шуки, сенга бирон ҳайвондан зарар етса, овчининг тўрига тушиб қолсанг, ёрдам учун дарҳол қўлимни чўзай, душманни бир панжам билан ийӯқ қиласай. Ваъдамга содик бўлиб сени душман тузогидан халос қиласай!»

Шер кўп тушунтириб, ўз муддаосини баён қилгач, дуррож ҳам у билан юракдан аҳдлашди. Шундан кейин

икковларининг ўрталарида меҳр-муҳаббат пайдо бўлиб, кўрганларнинг ҳаваси келадиган даражага етишди. Шер қаерда ором олиб ётган бўлса, атрофида дуррож қўрқмай парвоз этар, худди султон бошида ҳумой айланиб учиб тургандек, шер боши атрофида парвозда бўларди. Шер унинг сайрашини эшитар экан, баъзан ёлғондан ёрдам сўраганини эшитиб қолиб, унга: «Ёлғондан мени ёрдамга чақирма, яхши бўлмайди, тўғри сўз олдида ёлғон ёмон қилиқ саналади», деб насиҳат қиласарди. Аммо ҳеч қайси ҳайвондан қўрқмайдиган бўлиб қолган дуррож ёлғончилигини йўқ этмай, ҳазиллашгани-ҳазиллашган эди.

Бир куни бир овчи уни ушлаш мақсадида ўз тўрини ёйди. Дуррож доналарни еб, сув томон юрган ҳам эдики, овчи тўрини тортди. Қуш овози борича ўзининг тузоққа тушиб қолганидан шерни «Дод! Мени тутиб олишди!» деб огоҳлантирса ҳам, шер унинг сўзларини ҳар доимгидек алдамчилиги, ҳазили деб ўйлади. У дуррожнинг бундай ҳазилларини, ёлғончилигини кўп эшитиб алданган эди. Шунинг учун бу сафарги чин сўзларини ҳам олдинги қилиқларидан бири деб билди-да, ёрдамга келмади. Оқибатда ёлғончи қуш овчи қўлида ҳалок бўлди.

Ҳар кишиким бирон сўзни бехосдан ёлғон сўзлаб юборса ҳам, ҳалқ уни рост деб билади.

МНТ

Сўзда, Навоий, не десанг, чин дегил,  
Рост наво, нағмага таҳсин дегил.

МНД

СИ

ИЛМ

ДВ

ЧД

НД

Ж

## Ўн биринчи мақолат ИЛМ ВА ОЛИМЛАР ҲАҚИДА

Оlamнинг иши ҳалқ билан душманлик экан, олим хор-у, жоҳил (билимсиз, нодон) азиз бўлаверади. Токи жаҳон зулмдан воз кечмас экан, дарахт баланд бўлиб, мева ерга тушаверади. Нокасларга баланд мартабалар-у, билим аҳлига – азоб-уқубат, тошлар тоғ устида-ю, бойлик, конлар унинг остида бўлаверади. Феъли ёмонлар юксак мав-

қеъларни эгаллаб, оламни ҳукмига бўйсундираверади. Худди бахтсизлик манбай бўлган Кайвон (Зухал) юлдузи осмоннинг юқори қисмида ўрнашиб олгандек, «Саъди Акбар» бўлган Муштарий ундан қуида, олтинчи осмонда жойлашибди. Фалак ҳамиша яхшини ёмондан қуига қўяди, бўлмаса яхши ёмондан ғаму озор тортиб, боғда гулнинг ҳамнафаси тикан бўлармиди? Қанчадан-қанча соғ, пок дурларни яширган садафнинг қорнини олмос билан ёриб, бағрини чок қилишармиди?

Бағир ёрмоқ мақсади бўлган қуш шоҳ билаги устида ором олади, чиройли, дилкаш наволар чекувчи қуш – булбул эса кул ичидаги хор бўлиб яшайди.

Бир нотавон йигит шаҳридан илм истаб йўлга тушади, қашшоқлигидан оёғида ковуши ҳам йўқ, тўни ҳам йўқлигидан танаси яланг. Оёқларини тиканлар илма-тешик қилиб юборган, бошида икки-уч ўралган салла. Ҳайвонлар териси каби кийимининг бошидан оёғи тилик-тилик. Мақсади қушини қидириб кўзда ёши билан шаҳар кезади. Эгнида китобу дафтар, илм олишга шошилади.

Қорни муҳтоҷлик туфайли ҳамиша оч. Жисми шунчалик заифлашганки, савол беришга ҳам мадори қолмаган.

Халқ кўп бўлгани билан бирон киши унга дўстлик кўрсатиб, мадад қилишни истамайди. Бечора йигит ўз шахру диёрини ёдига олиб, бу ерда қаерга боришни билмайди. Кўча, уй, бозор кўп, лекин бу йигит қаерга бориш, қаёққа қадам уришдан ожиз. Оқшомгача шутарзда тентираб қоронғи тушгач, бирон бурчакни топиб ухлаб қолади, лекин тонггача уйқу келмай беҳол ётаверади.

Тонг отиши билан мадрасама-мадраса юриб, ўз ҳолини айтиб неча кунини бекорга ўтказади. Унинг истагини эшигтан баъзилар уни ҳазил-мазах қиласидилар. Кундуз маскан, кечаси ётадиган бир жой тополмай, фурбатда изтироб чекиб, шунча алам кўрадики, тил билан ҳам баён қилиб бўлмайди.

Хуллас, мадрасалар бурчагида ўн-ўн беш йил алам чекиб, ҳам ишлаб, ҳам билим олишга тиришиб, охири ўзига бир-икки соҳиб камол дўст топиб, турли билимларни, ибрий, юонон, сурёни тилларини, ҳинд тилини ҳам пухта эгаллади. Унинг кўнгил уйи бир дарё бўлдики, унинг ҳар қатрасида бир дард ниҳон эди. Фалак илмларини шунчалик кенг ва чуқур эгалладики, Абу Али фикрларини осонгина ечиб берарди.

Лекин унинг душманлари, ҳасадгўйлари ҳам йўқ эмасди. Айрим жоҳил, илмсиз золимлар унинг тўғри кўрган нарсасини эгри деб, айтганларини нотўғри, ёқимсиз деб кўрсатишарди. Уни дину диёнатсиз қилиб кўрсатувчилар ҳам топиларди.

Ҳисобсиз бойликка эга бўлган, кийimu асбоблари заркаш, ёмонликдан итдан ҳам баттар бир жоҳил унга ёмонликни раво кўриб, олимнинг фазлу фасоҳатли сўз ва ишларига қабоҳат ва разолат билан жавоб берарди.

Амир деган номга эга бўлган бу жоҳил халқа ўз айтганларини қилдира оларди. Унга ҳалиги билимли олимнинг хизмати керак бўлиб, уни хизматга олмоқчи бўлди.

Олим эса илтимос қила-қила, зўрға бир маротабагина руҳсат олиб, амир қабулига кира олди...

*Илмни ким воситай жоҳ этар,  
Ўзинию халқни гумроҳ этар.  
Олим агар жоҳ учун ўлса залил,  
Илми унинг жаҳлиға бўлграй далил.*

Олим илмга садоқат билан хизмат қилиши керак.

*Олим агар қатъи амал айласа,  
Илмига шойиста амал айласа.  
Солмаса кўз жифаи дунйи сари,  
Боқмаса туз дунийий фоний сари.  
Они шараф гавҳарининг кони бил,  
Гавҳару кон, ҳар не десанг – они бил.*

450  
451

Бундай олим атрофини чексиз гавҳарлар ўраб олган, ўзи осмон бўлса, ҳар тараф унинг юлдузлари бўлган; конидаги гавҳарларининг барчаси ҳам пок бўлган, юлдузлари ҳам ҳароратли, ялтироқ бўлади.

Кимга бундай баҳт насиб бўлиб, дунёга кўз солмаса, эгнидаги кийимлари юз ямоқ бўлса ҳам, асал солингтан идишдан яхшироқ, мушкию нофаси йўқ бўлса ҳам дурустроқ бўлади.

*Эр кишига хилъат ила не шараф,  
Дурга не нуқсон йироқ ўлса садаф.  
Қайси чибин кисвати заркордур,  
Ери дуур қайдаки мурдордур.*

### **Имом Фахр Розий ва Хоразм шоҳи хақида ҳикоя**

Тасаввуф оламининг энг забардаст алломаларидан бири бўлган олам имомларининг имоми Фахри дин бир маҳал Хоразмга меҳмон бўлиб келди. Шунда Хоразм шоҳи уни кўришга келмади. Илм шукуҳи бунга ҳам йўл бермади. Шоҳ ўзининг ушбу қилган ишидан уятда эди, лекин имом бунга парво қилмади. Воқеанинг сабаби ҳам очилмаганича қолди.

Бир куни имом ҳаммомда эди, шоҳ ҳам ногаҳон юви ниш учун келиб қолди. Бир-бирларига дуч келишганда шоҳ хижолат чеккан ҳолда унга савол берди: «Эй илминг билан элни баҳравор қилган зот! Қиёмат ишидан бир саволимга жавоб берсанг. Ул куни одамлар не ҳолда бўладилар, кишиларнинг аҳволи не кечади?» Соҳиб камол аллома шундай жавоб қайтарди: «Сенинг мақсадинг ҳашр сўзини эшитишдир. Бу сўзга шу ҳаммом жуда мос келади. Маҳшар куни гадо билан шоҳ бир хил, бир кўринишда, иккови ҳам яланғоч бўлиб, давлату мол эгалари сенинг каби бору йўғи ташқарида қолади. Менга ўхшаган илм аҳли эса йиққанлари ўзи билан ҳаммом ичида

ҳам бирга ҳамроҳ бўлади. Сен султон бўлсанг ҳам, ёнингда фойдали бирор нарсанг бўлмайди, лекин менда илм билан фойда, нажот жуда кўп бўлади», деди.

*Илм, Навоий, санга мақсуд бил,  
Эмдики илм ўлди, амал айлагил.*

### Ўн иккинчи мақолат

## ҚАЛАМ ВА ҚАЛАМ АҲЛЛАРИ ҲАҚИДА

Бу қандай ёқимли суратки, уни чиройли қилиб, диккат билан ким яратган экан? Учлиги – нозик маъноларни безатувчиси, тирноғи – чизгичнинг қон томири. Кушдек енгил тузилган бўлиб, тумшуғидан ҳар томонга маъно сочилади. Овқати – зулмат, ватани эса нур устида. Оқ саҳифалар устига мушк сочади. Ҳаракатлари тезу чақон, ўлчамли, лекин учун қаноти йўқ.

Куш дема, айтгил, хуш исми қора илон, де, илон эмас, афсунгар, найрангбоз илон, де. Ялтироқлиги, учқурлиги, қўл-оёқларининг яширинлиги бу фикрга шоҳид. Тилини чиқарса, ундан афсунлар фош бўлади. Бу жаҳонда ким илоннинг афсунгарлигини кўрибди? Илон дема, пулларни асрорчи дегин. Унинг идишларида, косаларида юз хил дуру жавоҳир яширин. Аждар каби оғзидан турутун чиқариб, тунни гавҳар каби ёритади.

Аждар эмас, соғлом аждар, балки Мусонинг ҳассаси дегил. Бўлмаса қандай қилиб жаҳон сеҳрини, маънолар мулкинию баён сеҳрини ютди? Унинг мавжудлигига мунча шараф мавжуд экан, котиби мақбул ёки мардуд бўлади. Қанча-қанча яхшию ёмон котиблар китоб битишга майл қиласидилар.

Аввал қозихона котибини кузатайлик. Шаръий бўлмаган ишларга ризолик бериш унинг иши. Адолатли шоҳид унга ёлғончи гувоҳ, тухмат қилиш учун пул олган гувоҳ. Ноҳақ нарсани узундан-узоқ қилиб ёзиб, қофоз

юзини ҳам ўз юзидек қора қилиб, барча хиёнатни диёнат билиб, барча диёнатда хиёнат қилиб, Исо ҳам бўйдоқлик учун пул тўламаса, унинг номига тўққиз хотинни ёзиб, маҳр тўламагани ҳақида ҳужжат тилаб, ўз дафтарига бу ҳақда ёзиб ҳам қўяди. Ким унинг ёзганларига қалам урса, ўз юзидек номасини ҳам қорайтиради.

Кейингиси ҳийлакор муфтий бўлиб, ҳийла, макр ва алдовдан бошқа иши йўқ. Кўнглига келган ҳар бир бўлмағур гапни тўғри деб китобига ёзаверади. Чўрига қуёш кийимини кийдириб, хашанга Ҳасан кийимини кийдиришга уста. Беҳуда наволар ичига заҳр қўшиб, шамъ тубига қуёшни яшириб ташлай олади.

Хоҳласа Амр ва Зайд ҳақида ўзаро мактуб ёзиб, йўқ нарсаларни ёзиб ташлайди-ю, «Валлоҳу аълам» деб Ҳақ номини ҳам киритишдан қўрқмай мактуб «яратади». Сафҳаси шабистон каби ораста, муҳрлари бетартиб. Диққат қилган киши ҳар гул ичида юз тикан топади. Ҳар бир сўзида қатор-қатор хатолар топади. Бундай мактубларни ёзадиган котиблар бўйини қаламдек узиш керак.

Яна бири олимни девон – девон амалдори бўлган котибdir. Дев анинг ишларини кўриб ҳайратда қолади. Фалак унга амалдор номини берган, шу дордан баҳра олсин дегандек. У бу амал била жоми май ичиб, ҳоким каби мулкни форат этиб юради.

Косибу дехқонга ҳам зулм қилади, косибу дехқон нима бўлиди, сultonга ҳам. Қайси вилоятга борса, одамларнинг ҳарам-у боғида базм айлаб, уй эгасидан, аввал тоза май талаб қилади. Уй эгасининг ахволини бузгач, шоҳид учун унинг хотинини ҳам чиқариб юборади.

Омборидаги экишга мўлжаллаб қўйилган арпасини оти еб, товуқларини сурук тоти еб, ўша уйга бало киргандек бўлади, бало эмас, худди вабо тушгандек бўлади.

Кентнинг бир-икки ёрдамчилари, зулмда бу хожа-ю, улар паҳлавон бўлишиб, дўстига шоҳ молини олтини-бир олtingа сотиб, сарҳат – рўйхат тузишиб, товоң солишиб, бир рақамга беш-ўн рақамни қўшишиб, ситам

қилувчи обод-у, ситам чеккан барбод бўлиб, ўз хатидаги варақдек осилсин.

Юқоридагиларни рад қилсак, яхшилари ҳам бор. Аввало, мунший бўлиб, гоҳ руқъа, гоҳ нишон ёзиш билан шуғулланишади. Мактубидан фироқ асири шод бўлади, номаси руқъасидан ҳам яхшироқ.

Номасидан булбул гул саҳифасидан роҳат олгандек ҳузур қиласан. Ҳажр қаро шомида субҳи нажот бўлиб, фурқат зулматида оби ҳаёт – ҳаёт суви бўлиб туюлади бу мактублар. Бу хатларнинг нишони ўзи яхши хабардек бўлади, ёзилган ичидаги хатлари эса завқдан нишон беради.

Зулм ҳақида мазлумга хатти омон, яъни озодлик хатидан зомин кўрган замон ваҳмга тушади. Фойда беришда порлоқ нурли қуёш шаклини эслатади.

Агар бундай муншийлар китоб битсалар, назм билан наср дурри хушоб, яъни ҳидли дур бўлиб, сафҳалари ҳар бири гулзордек, жадвали атрофидаги девордек чиқадики, сатрлар унда гулу сарви суман, ҳар икки сатр ўртаси эса дилкаш чаманга ўхшайди. Байтлари худди байтулҳарамдек, чиройи эса саводи Эрамдек туюлади. Бундай муншийларни – хат битувчиларни хато қилишдан Ҳақнинг ўзи арасин.

### Ёқут ҳақида ҳикоя

Ҳаёт боғининг гулшанида ўтириб шуҳрат қозонган кишиларнинг гули машҳур мутасаввуф Шайх Сұҳравардий эди. Бир куни у Бағдодда хукмронлик қилган халифа Мұтасим саройига ташриф буюрди. Ҳижоз аҳолиси Каъбага эътиқод қилгани сингари халифа унга кўп хурмат кўрсатди. Уни тахтга чиқариб, кейин ўзи чиқди. Шайх одамларга ваъз сўзлай бошлади, халифа эса ерга кўз тикиб жим турарди. Шу пайт Шайх хурматли одамлар, шаҳзодалар ва амирлар орасида турган Ёқут номли кишини кўриб қолди-да, ҳаяжонланиб ўрнидан туриб кет-

ди, ҳайратдан қотиб қолди. Унинг бу ҳолатини кўрган халифа Шайхга мулойимлик билан мурожаат қилиб, «Эй не-не оқил одамлар оёғинг чанги бўлган одам, шоҳлар ҳам сенга қуллук қилиб, у билан фахрланадилар. Бундай олий мартаба унга қаердан келганки, сен унга бу хилда эҳтиром кўрсатмоқдасан?» деб сўради. Шайх деди: «Қайси бир ҳурмат ва мартаба худо унга берган ҳурмат ва мартабадан юксак бўлиши мумкин? Унинг иши доим Қуръон қўчириш бўлиб, ҳеч ким у сингари кўчиролмайди. У Худонинг сўзларига зийнат бергани учун уни ҳурмат қилиш бизга вожибдур».

Тушунган одамларнинг бошлиғидан Ёқутни билгач, шоҳ унга ўз мажлисига келиб ўтиришни буюрди. У қўли пок одам хатининг яхшилиги туфайли мамлакат подшоҳи билан ҳамсуҳбатликка мусассар бўлди.

### Ўн учинчи мақолат

### ЖУВОНМАРДЛИК ҲАҚИДА

Тонг каби кумуш сочувчи бўлган инсон, меҳринг қуёш мисоли эл бошига сочилади. Субҳ каби халқнинг юзига кулиб боқиб, фалак-чарх каби эл бошидан ўргуласан.

Қилган яхши ишларинг учун халқдан дуо оласан. Сен одамларга нафъ етказмакни шиор айладинг, у наъфни ўзингга ёр айладинг.

*Нафъинг агар халққа бешакдуур,  
Билки бу нафъ ўзунга кўпракдуур.*

Чунки булут денгизга ўз қатраларини сочса, баҳр ҳам бу қатраларни покиза дурга айлантиради. Деҳқон ниҳолни парвариш қилса, у гул ва мева беради.

Кимки зарар келтиришга одатланса, элгагина эмас, ўзига ҳам жавр этади. Чунки шишани босиб синдирган инсон ўз оёғи яра бўлишини ўйлайвермайди. Хас-хашак-

ка шуъла тушиб алнга олса, уни куйдиргач, ўзи ҳам ўчади. Капалакни тутмоқчи бўлган бола дўпписини ерга уради-да, ўз бошини очик қолдиради.

*Эксағани тухм қилиб элга зўр,  
Тухмини торож қилур хайли мўр.*

Яъни, бирон бадавлат киши зўрлик билан ҳалқнинг уруғини тортиб олиб, уни ўз ерига экса, бу уруғни чумолилар талаб кетиши муқаррар. Кимки фалакка қараб тош отса, ўз тоши ўз бошини яралайди. Пасткашлик белгиси ёмонликдир, Шуъланинг табиати ҳароратdir.

Лекин ёмон одам ҳам ўзини яхши қилиб кўрсатса, нима ҳам дейиш мумкин. Аммо мушкни ҳар қанча яшириб қўйилса ҳам, атри уни элга ошкор қилганидек, унинг ёмонлиги ҳам яширин қолмайди. Аслида яхши одам ҳам бою камбағал бўлса ҳам сезилиб туради.

Худо бироннинг табиатини пок қилиб яратган бўлса, нопок одамлар уни севмаса, ҳечқиси йўқ. Мева остида данак ҳам, мағиз ҳам бўлганидек, ҳар кимсанинг дўсти ҳам, душмани ҳам бўлади.

*Яхши-ямондин бари эрмас жаҳон,  
Лек ямон зоҳир-у, яхши ниҳон.*

*Чунки ямон кўпрак эмиш, яхши оз,  
Жазмки, оз ўлғусидур яхши роз.*

Чунки бошқаларни писанд қилмайдиган одамлар яхшиларни асло писанд қилмайдилар. Ёмон қилиқларни ёқтирадиган пасткашлар элнинг яхшиларини ёқтирамайдилар. Хаёли ёмон фикрларга тўла инсонлар барча яхши фикрли кишиларга ҳасад қиладилар, улар тошларни лаъл ҳисобида билиб, барча садаф пораларни инжу ҳисоблайдилар.

Бироннинг дастурхонида патир кўрсалар, осмондаги тўлин ойдек бўлиб кўринади. Бироннинг зарҳал айвони-

ни кўриб қолса, ўз айвонини кўраётгандек тасавур қила-ди. Ҳар киши гул исласа, унинг қўлига тикон ботгандек бўлади; эл шод бўлса, у бундан алам чекади, дард уни итиробга солади.

Наби сўзи билан шод бўлиб, элга зарар етказиш хав-фидан озод инсон! Ҳақ фалак тоқини бино айлар экан, унинг ичида ушбу фонийлик дунёсини ҳам яратди. Дав-рон гулшанига нақшу нур бериб, ҳар гулини тобланувчи офтобга айлантирди.

Худо бу чаманни яратар экан, унга инсон гули мақсад бўлган эди. Инсонлар гурӯҳи аро ҳам комили пайғамбар-лар шоҳи Аҳмади мурсалдир.

Пайғамбарлар қўёшини шундай юксак ва улуғлиги билан сенинг шомингни ёритувчи машъал, сенинг шо-нингни айтувчи маддөҳ қилди, нафъ етказиш ўлчовини тузиб, шу ўлчовга кўра сени одамларнинг яхшиси қилди.

Сен ушбу улуғ мартабанинг қадрини бил ва унинг шукрини қил. Шукрни мумкин қадар кўпроқ қилмоқлик – кўпроқ яхши сўз сўзламоқликдир.

*Ҳайр муяссар гар эмас эл била,  
Нафъ тегурмак ҳам ўлур тил била.  
Ганж бериб бўлмас экин тутса кўз,  
Улча қилур вақтида бир яхши сўз.  
Ҳам сўз ила элга ўлумдин нажот,  
Ҳам сўз ила топиб ўлук тан ҳаёт.  
Маъданни инсон гужари сўздурур,  
Гулшани одам самари сўздурур.  
Сўз била нафъ ўлмаса эл пешаси,  
Яхши керак кўнглида андишаси.*

Ҳар бир инсон бошқа бир одамнинг хурсандлигидан шодланиши, нохуш бўлса – ташвишли бўлиш керак.

*Одамий эрсанг, демагил одами,  
Оники йўқ халқ ғамидин ғами.*

Бир кишининг ўлганини эшитиб хурсанд бўлган инсон гўркову фассолу жаллоддир. Учовининг қайси бирини тасаввур этсак, таъбимизни жирканиш, нафратланиш қоплаб олади. Бу сифатлардан ҳам ёқимлироқ яна бир иш бор, бу ҳам бўлса элнинг берганини олмоққа интилмок. Берган нарсани эсдан чиқариб юбормоқ, берганни олмоқни хаёл этмаслик яхшидир. Булут топганини эл устига сочгани учун ҳам Ҳақ уни қудратли, даргоҳи кенг ҳукмдорга айлантириди. Одамлар сочган нарсаларни териб ўз маконига ташувчи чумолининг иши тириклайн гўрга кирмоқ бўлди. Эл бошига сочилган ҳамма нарсани йиғиб юрадиган шамол шу иши туфайли ҳамиша дарбадару хоксор.

Шиша юзларга гулоб сепгани учун уни орзулаб тоқ устида асрайдилар. Супурги ҳар учраган нарсани йиғиб юргани учун эшик олдида хор-зор бўлиб ётади.

Санамларнинг зулфлари мушк тарқатиб ётади. Шунинг учун ҳам қуёш юзлилар уларни рухсори устида асрайди.

Яна бир муҳим жиҳат чучук сўзларни очиқ юз билан айтишдирки, буни аччиқ бодани чучук сўз билан тутмоққа ўхшатиш мумкин. Инъом беришда бу яхшиликни эсдан чиқармаган инсон бир йўла яна икки гўзалликка эришади. Олтин лаган дилтортар мева билан тўлдирилган бўлса ҳам, унинг устига гуллар қўйилса, ортиқча зеб бўлади. Олтин тожга зийнат берса ҳам, устида дур бўлса, янада чиройлироқ кўринади.

Безалган дастурхон ҳар қанча ҳурматга лойик бўлмасин, устидан қанд сепсалар яхшироқ бўлади. Ундей инсон шу хил ахлоқ била юриб, жазога қўл урмай, жафо қилмаса, дилхираликни шодликка айлантирса, ҳар қанча жафо етганда ҳам вафо айласа:

Они башар хайлининг инсони бил,  
Одамилар одамиси они бил.  
Англа кишиликни мусаллам анга,  
Юз кишиликча иш эса ҳам анга.

## Ҳазрати Аюб ва ўғри ҳақида ҳикоя

Бир кеча Аюб халаф шамъдек ниёз кўз ёшларини тўкарди. Кўз ёши дурлари денгизга тенг эди. Куйишда у шамъга шерик эди. Хилватда, бир бурчакда худди бебаҳо дур бир пана жойда тургандай ўтиради. Шу кечаси бир кисавур ер остидан яширин йўл – нақб қазиб, унинг уйига ўғирликка тушди. Кечаси билан ер остини текислаб чиқди. Аюб уни сезиб турса ҳам индамади. Ўғри шу нақб ичидан чиқиб, уйдан ўғирлаган нарсаларни орқасига боғлаб олган ҳолда нақбга кирмоқчи бўлувди, у ердаги тешик торлик қилди, чунки юки жуда катта эди. Тор ини сичқонга ҳам кичиклик қиласади, қуйруғига ғалвир ҳам боғлади.

Аюб кўрдики, унинг (ўғрининг) кучи етмаялти. Шунда у ўрнидан турди-да, эшикни очиб йўл кўрсатди. «Юкинг катталик қиляпти, нақб тешиги эса кичик экан. Эшикдан чиқиб кетавер», деди.

Шайх шундай бир йўл кўрсатди, ким ҳам бундай йўлдан чиқа оларди? Ўғри бу ҳолатни кўриб ҳайрон бўлди, оғир юк эса елкасидан босиб турарди. Шунда бир дард, аланга жонига ўт солди-ю, ундан осмони ҳам куйиб кетди. Эгнидаги юкни ҳам бу ўтга урди, ўзлигини ҳам юкини куйдириб, ранжу уят-маломат уни шарманда қилиб, бу хижолат уни хас-ҳашак каби ёндиради.

У наъра чекиб, сел каби кўз ёшларини тўқди, шайх оёғига бошини қўйди. Унинг караму лутфи тилини лол этди, шайх лутфи жисмини беҳол этди. Шайх карам қилиб, кўз ёшини артди, бошини тупроғдан кўтарди. Унинг дарду аҳволини англаб етган шайх ўйлаб кўриши маслаҳат берди. Сулук ўтига жони куйиб, нишони маҳв бўлди. Ўзлиги хас-ҳашақдек куйиб, ўт билан ёруғлик пайдо бўлди. Комил имон уни парваришлади. Бир афв билан шунча иш юз берди.

Нетти Навоий, кўюбон телбалик,  
Сен дағи урсанг бир этакка илик.

## Ўн тўртинчи мақолат

### ФАЛАК ҲАЙЪАТИ ШИКОЯТИДА

Олам бир найрангбоздир, эй кўнгил, унинг макрлари, алдовлари билан ранжийверма. Балки бир қўғирчоқбоз каби ҳийлагар, томоша пардаси – чодиридан минг хил ўйинчоқларни намойиш этади. Бир-биридан чиройли қўғирчоқларни элга кўрсатишдан мақсади эса элни алдашдан, азоблашдан иборат.

*Ҳам тўкиб эл қонини тадбир ила,  
Ҳам олиб эл жонини тазвир ила.*

У, олам келинини томоша қилас экан, маккоралик қилиб, уни турли безаклар билан янада гўзалроқ қилишга интилади. У гўзал келинни эрта тонгданок хушбўй гуллар билан безайди, гул билан юзига ғоза суриб, зулф ҳамда эгнини сунбул билан ораста қиласди-ю, лола билан чеҳрасини қизил қилиб, лола доғидан ул чеҳрага хол ясайди. Сабза билан қошига ўсма қўйиб, шабнам билан юзига ёпинчиқ – меъжар тутади. Сарвдан панжаларига нигор сурма суртиб, сувни унга ойинадор қиласди. Оғзи-ни фунчалар билан пинҳон қилиб, сўзлаш чоғида у ғунчани очиладиган қиласди. Шаҳло нарғисдан унга кўз ясаб, савсану раънолар тилидан сўз ўргатади. Кўзларига ғамза билан ноз ўргатиб, ғамзасига фирибгарлик таълимени беради.

Шунча гўзалликлар билан у олам келинини безаб, халқни унга мафтун этишга интилади. Энди ҳар ким у гўзални кўриб шайдо бўлгач, ўзи даллолалик қилиб, икки тоқдан жуфтлар ясайди-ю, маҳрга жон давлатини белгилайди. Йигит ва қиз бир-бирига ошиқ бўлгач, энди уларнинг жон билан имонига ҳужум қилиб, даҳр уйидан қувлайди. Олам шундай давом этаверади.

Инсонлар тинмасдан базмга келган одамлардек бу дунёга келиб-кетаверадилар. Юз минг фалак одамларни шу

тарзда вайрон қилган, унинг жафосидан ох, юз минг ох! Жаҳондаги барча жонли ва жонсиз нарсалар ундан шикоят қиласидар. Фалакнинг тўхтовсиз айланаверишидан тун билан кун ҳаёти остин-устун бўлиб кетган. Чеккан азобларидан қуёш юзи сарғайиб, янги ой ҳам беҳол. Тонг тўнини чок этиб, унинг ғами билан шом либоси мотамий ранг. Фалакнинг азоб-уқубатларидан ўтни ўз иситмаси бекарор қилса, елни югурмоқдан чарчатади. Денгиз унга алами борлиги туфайли ичидан заҳар сақлайди, кон фалак зулмидан баҳти қаро, гўё ичини лахта-лахта қон боғлаган. У беихтиёр дурга жафо қилиб, озор берганидан бу ҳолатга чидай олмай кўз ёш тўкади. Булут ҳолининг азоби унинг дардига бир қора ох бўлиб атрофида юради.

Чашма ҳам ўзи қўрган балолар туфайли бир кўзини йўқотган ҳолда кўз ёш тўкади. Булбул унинг аламидан диққат, шу туфайли гул тўни парчалари ҳам ери қоплаб ётади.

Аммо фалак эл жонига ҳар қанча ўт солса ҳам, берганларини барча одамдан қайтариб олади. Фалак ҳам ўзини элга яқин тутиб, меҳрибонлик қилиб, бир неча кун нашъу намо ҳам кўрсатида-да, бир неча кун элни ўз мақсадига эриштиргандек бўлади. Бирорни молу давлат соҳасида Қорун каби бойликларга эга қилса, бошқасини Фаридун каби таҳтга миндиради.

Фалак эл ҳолини синовдан ўтказиб, покни нопокдан жудо қиласиди. Яхши билан ёмон маълум бўлгач, фалвирини айлантириб, кўпроқ яхшилик қилганларга лутф этиб, янада бойроқ қиласиди.

Баъзан саховатга нолойиқ кишиларга, билимсиз, одобиз кишиларга олтин лаганларда қумушлар ҳадя қиласиди. Покиза деб билган гулни жаннат гулзорининг зевари деб англайди-ю, тиканга мубтало этиб, узиб-совуриб юборади. Риндлар ичкилик қадаҳи терисини Хўтан мушки сақлайдиган қилди. Қилични золим подшоҳ ёнига осиб қўйиб, кўплаб бегуноҳ кишилар қонининг асоссиз тўки-

лишига сабаб бўлди. Ўқдек тўғри яхши одамлар адолатни билмаган подшоҳнинг саройида энг тубан ишларни, бажаришга тайинланганлари учун бошқа мамлакатларга қочиб кетардилар.

Қизиги шуки, яхши ёки ёмон одамлар ўз муҳлати бўйича яшаб, тахт узра яшаганлар каби тахта устида бу дунёни ташлаб кетардилар.

Фалак тахт устида подшолик қилган не-не улуғ шоҳларнинг биронтасини ҳам омон қолдирмади. Фаридуну Жамшид, Эражу Хушанг, Заҳҳоку Салм, Манучехру Навзар, Баҳману Скандар қани? Жаҳонгир Чингизхон, жаҳон хони Темур Кўрагон қани? Бу ҷархи дун – пасткаш олам биттасига ҳам вафо айлагани йўқ. Кимни юксакка кўтарган бўлса, яна пастга улоқтириди.

Давлату иқболи ила бўлма шод,  
Мехрига ҳам айламагил эътимод.  
Хечдуур ҳосил-у, боқийси ҳеч,  
Кеч боридин бот, валие қўйма кеч.  
Сени ул этгунча забун, сен бурун  
Айла ани фақр ила хору забун.

Қўлингда бор нарсангни сочиб, ўз қўлинг билан фалакни шарманда қил.

Панжай хуршиддек илгинги оч,  
Анда неким сийм эса, оламга соч.

### Искандар ҳақида ҳикоя

Барча иқлиmlарни эгаллаган Искандар бутун жаҳон мулкига султон бўлди. У юриб олмаган бирон ери қолмади. Ҳатто денгизлару уммонларгача унинг амрига кирди. Қуллиғини шоҳлар ихтиёр қилиб, қуллуқ қилиш уларга ифтихор бўлиб қолди. Ҳам шоҳ, ҳам валий, ҳам пайғамбар, билимлар соҳасида тенгсиз олим бўлди. Жамшид ишини давом эттириб, жаҳонни кўрсатадиган жом-

лар ижод қилдирди. Етти күк ҳукми мұяссар бўлиб, ҳам етти иқлім унга бўйсунди. Шунчалик давлат, шону шавкат баҳт бўлса ҳам бу дунёни тарқ этар экан, кўп ожизлигу бечоралик кўрди, кўплаб овораликлар унга дуч келди, кетар чоғи олдида амирлари ҳам, хизматчилари ҳам бўлмади. Уларнинг барчалари яшил боғда қолиб, ўзи қаро тупроқ ичига кирди. Нариги оламга жўнаш чоғида ичини бу хил сўзлар билан бўшатди: «Ким бу нафас бежон ҳолда жўнар эканман, шундай васият қиласман: «Менинг жоним узилгач, оҳ билан оламни қаро айлаб қабр томон олиб борар экансизлар, тобутим ёнидан бир қўлимни чиқариб қўйинглар, то бу қўлга кимнинг назари тушса, унга ибрат кўзи билан боқсин. Билсинким, етти кишвар шоҳи, етти фалак мушкилларини ҳал қила олган шоҳ бу макондан жисмида жон йўқ ҳолича бўш қўли билан кетяпти. Жаҳон мулкини ҳавас қилган кишига шу тажриба, кўргани етарлидир».

*Торт, Навоий, бу жаҳондин илик,  
Қайси жаҳон, жавҳари жондин илик.*

## Ўн бешинчи мақолат ЖАҲЛ МАЙИ ҲАҚИДА

Хурсандчилигинг жомга ҳамроҳлик, жаҳл хумори туфайли ишинг доимо мастилик бўлган одам! Сенинг доимий айшинг камайишни билмайди. Сенинг муродинг доимо жаҳолат жоми. Май идиши сенинг ичингга бода лаззатини қуиши билан ўша лаззат кўнглингга ғавғо солади. Бода жонингга ғуур хиссиётини уриб, ўзингдан бошқа ҳар қандай фикрни йўқ қилиб ташлайди. Ўлмак ғами мотами ҳам, паймонанг тўлишининг ғами ҳам қолмайди. Ажал назоратчиси етиб келса, нима қиласан, ундан кутулиш учун не чора топасан?

Муҳтасиб – назоратчи жафо тошини бу кунга қараб урса, ҳар бир порасини парча-парча қилиб ташласа, жис-

мингни бошдан-оёғинггача доғ устига доғ ўртаб, майингни қаро тупроққа түкиб ташласа, нима қила оласан?

Сафолинг зарфи – идишингни ушатгандек, майинг лаълини ер қонидек қылса, буки билимсизлик майини беҳисоб ичасан, бу сенга бир куни **эҳтисоб** қилинса-чи?

Сенинг мастилигинг неча ою неча йилдан бери давом этяпти, ой билан йил мастилигингдин **айил!**

Мастнинг бори муҳмал – тутуриқсиз бўлади, кўчанинг болаларига масхара, кулги бўлади. Маст одам кўчанинг бошидан жиннинамо юриб келаркан, болалар ҳар тарафдан уни тошбўрон қиласилар.

У тўйганича ичиб олиб, майхонадан кўчага маст бўлиб чиқар экан, манглайи деворларга урилиб қон бўлиб, бошидаги салласичувалиб, ҳар ёққа ёйилиб, элга қутурган итга ўхшаб ҳамла қилиб, қайси ёмон ит, қопагон итдек ҳар одамга ташланиб, жисмини мастилик ҳолати, ҳар сари қадам қўйса, ўша томонга яна бир қадам ташласа, селнинг ердаги кўлмак сувини ичиб, шароб хаёл қилиб шимирса, сой тошини кўриб қолиб қизил гулдек хидлаб роҳатланса, олам гулу тоши қўзига учраганда эса уларни бир ён отиб юбормоққа мадори ҳам қолмаган бўлса, унинг бесўнақай отган тошларидан болалар гоҳ тарқаб қочишиб, гоҳ унга ўхшаш маст-маст ўйнашиб йиқилишса, йиқилиб, гоҳ туриб, май унинг ҳолини беҳол қилиб, соқолини ифлос қилиб, қусқи соқолини неча бор нопок этиб, ит ялаб-ялаб тозалаб қўяди. Мастилик уйқуси кучайиб кўчада ухлаб қолади-да, бошидаги салласини ҳам, белидаги пулинини ҳам тополмай, тўнини яна бир бор қароқчи олиб кетиб, худди ўлиқдан кафани суғуриб олгандай қилишади. Қин қолибди-ю, қўлидаги пичогини олиб кетишибди. Ковушнинг ҳам бири қолиб, бирини йўқ қилишибди. Тўн этаги балчик бўлиб, олди ҳўл, олди ҳўл-у, аммо унинг олдида кўл.

Уйини топишга ҳар қанча ҳаракат қылса ҳам, узун кўчадан уни ҳар қанча изламасин – тополмасди. Бутун аъзойи бадани титроққа зўрға чидар, оғзи эса ажаб бе-

маза таъм берарди. Ҳар қанча қидириб ўз уйини излаб тополмади. Тўнини фақат ўгри ечиб олган бўлмай, қолганини асас – тунги соқчи олган эди.

Бу бечора мастнинг аҳволи ярасини тузатиш учун ўқ захмини ўзи ёриб очаётган одамнинг ҳолини эслатарди. Боши айланиб гандираклар, ҳуши озиб бехузурликдан азобланар, қулогининг ости – баногўши ҳам яшиниб эгни ичига кириб кетганди. Ҳар сари шу хилдаги ҳолат, шу шакл унинг андомини ташкил қилганди.

Ўзининг ҳолатидан хижолатлик устига мастлик беҳоллиги ҳамда махмурлик, яна ичкиликка ташналик қийнарди уни. Хумор дема, уни юз бало дегил. Бу балолар ёғилиб, жонига юз бедод солганди. Кўрки, билиб туриб шу аҳволга тушди бу одам, кўрки, қанча алам соляпти ўз жонига. Кўрки, ўз қонига ҳам кириш, қонини ҳам бузиш билан бирга ўз жонига зулм қилмоқда.

Буни ҳам қўяверинг-у, борган сари ўз обрўсидан ажралиб, эътиборсизликда қолиб, ялқов, дайдилик касалига ҳам мубтало бўляпти. Бу маломатларга заррача парвоси йўқ, ўзининг бетаъсир қилмишларидан асло хижолат чекмайди. Шунча қабохатлари, бир-биридан хунук, ярамас ишларидан уялиш, ор қилиш кераклигини англамайди.

Қариган кампир қанчалар хунук бўлмасин, унинг кўзида жаннат хури бўлиб кўринади. Ўжар бир шоир қаерда нима деса, бунинг олдида, қандай бемаъни бир сўзни вайсаётган бўлса ҳам, бунинг учун сеҳрли бир асар. Итки қозон ошига тил текиздими, юзи қаролик билан ҳар ерда юзи қизил-да!

Эл-улус қатлига жаллод бўлган инсон ўғлини ўлдирса ҳам хурсанд бўлаверади. Кўмир сочишни ҳунар қилиб олган кимса юзининг қора бўлишидан уядадими? Бойкӯш обод ерда ҳар қанча наҳсли кўрингани билан вайронна ичидা товусдек гўзал кўриниши шубҳасиз.

Май танни вайрон айласа ажабланарли жойи борми? Сел уйни ҳароб айлаши аён-ку. Сел уйни итқитиб, элни

сэлгэ гирифтөр қилади, бало сели эса ҳар қандай уйни вайрон қилмай иложи йүқ.

## Үн олтинчи мақолат

### МАҚТАНЧОҚ КИШИЛАР ҲАҚИДА

Эй, мардлик күзгусида отини шижоат майдони аро суриб юрган, отини чақмоқдан кам санамай, күзига Рустамни ҳам илмай, ҳаммасидан ўзини юқори тутиб, осмонгача «бошимдан түрт илик, холос» деб керилувчи инсон! Юриш чоги оти катталашиб, устида ўзини қоплон каби паҳлавон сановчи, эл олдида мақтаниб, ўзингни зулмат ғори ичидаги қора қоплон каби сезасан. Кибр билан қошларингни чимириб, атрофга зимдан гердайиб боқасан. Хаёлида ўзгача кибр – мақтаниш. Гердайиши ҳар қоши учидаги гириҳ – тугунлардан ҳам кўриниб туради. Қулоқларига темир қалпоқчалар кийиб олган. Буларнинг мақсади – одамларда ўзига эҳтиром кўзғатиш, зулмда Заҳҳоклигини – золимлигини билдириш учун икки елкасидан икки илон чиқариб қўйган. Икки мўйлаби икки ёнга даҳшат солаётгандек кўринади, улар гўё нафсу ҳаво қушларига ҳалқа – юмaloқ ов сиртмоғини эслатади. Бошида ўтағаси – жиғаси парпираб туради. Ўзи уни рухуламиннинг – Жаброилнинг шоҳпари деб мақтанса ҳам, аслида у иблиси лаъиннинг ташлаб юборган жунидан. Бошига тақиб олган парларини бойқушдан узиб олган бўлса ҳам, товус тожи деб даъво қилади. Салласи охирини елкасига тушириб қўйганидан тебранганида гарданига урилиб туради. Бўрки учини ичкари қилиб тикдиргани ҳирсу ҳаво қушларига ошён қилмоқчи бўлганидан – мақтанчоқлигидан.

Тўни ипакдан тикилган бўлмаса кўнгли тўлмайди, энг нозик ипаклардан кўйлак тикдиради.

Белига заррин камар, унинг остидан заррин белбоғ боғланган, тўни бошдан-оёқ олтин билан тикилган, ҳатто

этигининг тақаси зарга бўялган, отидаги эгарни ҳам зарқоплаган.

Дев жамолини париникидек ясатиб, тиканни янги гулбаргидан ясаб, шоҳиди раънодек жилва қилиб, боғда ичиб гулрухи зебо каби майдонда намоён бўлади. Атрофида бир неча ялқовлар, бирида бўлсин ақлу идрокдан заррача йўқ ножинслар гулхан атрофига текинхўрлардек, ўлимлик атрофида тўпланган мурдорлардек «баҳодир»ни бегиму мирзам деб, ўзини чиройлию зебо деб эртадан кечгача хушомад қилишиб, аслида ўзи ўртада деву атрофида шайтонлар тўдаси кўринади. Ичкилик ича бошлаганича бу ифлослик даражасига етмаган эди, чоғирни мўл-кўл ичиб, еб-ичари ҳарому ҳарис, ичкиликни қадаҳ-қадаҳ ичиб олгач, гурзи билан Баҳром бошини янчидан ташлагандек бўлади хаёлида. Филни пашшача, аждаҳони чивиндек кўради-да, одамларига зўрлик – зулм қилиб, шоҳга таъна қиласди: «Менга юз минг беради, юз минг-икки юз минг менга лойиқми? Ҳолим бу ҳолда кечадиган бўлса, бошқа мамлакат, бошқа шоҳ топилмайдими?» деб хафа бўлади.

*Арзи хунар бўлса йигитлар иши.  
Қилса аён ўз хунарин ҳар киши.*

Эйки, такаббур сени хароб этди. Бир киши ул сафдаги юз мингдан бири. Икки Рустам ишини бир Рустам бажаролмайди. Бу хил тасаввурлардан қутулиб, барини фано ўтига куйдириб ташлагил!

### Ўн еттинчи мақолат

#### БАҲОР ЙИГИТЛИГИ ҲАҚИДА

Куёш ҳамал буржига киргач, фалак оламга ўз меҳри-бонлигини зоҳир айлади. Тонг пайтлари саҳарнинг мушк таратувчи насими – майнин шамоли эсиб, боғда фаррош-

лик қила бошлади. Булут ҳам сувни саққо – сув сепувчидек сепишга киришди. Бое супурилиб, сув сепилгач, райхонлар хурсандчилик билан бошларини күтара бошладилар. Кейин улар ер юзига ҳужум бошлаган бўлиб, ҳар бири бир юлдуз каби ер осмонини тўлдириб юбордилар. Чиройли болаларни эслатувчи райхонлар кулиб яйрашар, атиrlарини ҳар ёққа таратиб, боғдаги гуллар билан мусобақа қилишарди. Ранг-баранг гуллар гўзал ҳуснларини кўз-кўз қилишаркан, шабнам уларнинг юзларини гулоб билан янада нафисроқ безарди. Фунчалар бекинмачоқ ўйнаш билан банд. Улар икки томонда терилишиб «Гулҳоча гул» ўйинини ўйнашарди.

Баҳор болалари ёғоч деразалардан гул ва райхонлар ўйинини завқ билан кузатишарди. Бир неча кун шу тарзда ўтгач, шоҳлардаги гуллар ўрнини япроқлар эгаллай бошлади, боғ ўзининг оқу қизилини яшилга алмаштириди. Шоҳлардаги дурлар ўрнини зумрадлар, лаъллар ўрнини забаржадлар эгаллай бошлади. Кейин дараҳт тугмалари меваларга айланиб, боғ меваларга тўлиб кетди.

Боғбон бу меваларни йиғиб олгач, боғ юлдузи йўқ осмондек бўлиб қолди. У гўё мевасиз бир гулистон эди, гавҳарсиз бир садафдек бўлиб қолганди. Мевалар ўз тожларига қадаш учун дур топиша олмас, мевалардан айрилган шоҳлар беморлардек заиф бўлиб қолишган, уларнинг шоҳлари ғамгин ошиқлардек, юзлари сарғайган дардли мажнунларга ўхшаб қолганди. Боғдаги сариф рангли япроғларни кўрган одам боғни ғам ўти куйдираётгандек ҳис этарди. Ахир япроғдан боққа ўт тушмаган бўлса, нега шоҳлар ўтингдек қорайиб кетди?

Боғларда бу хил оҳу фифон тугаганича ҳам йўқ эдики, барг кесувчи совуқ шамол эса бошлади-да, шоҳлардаги баргларни узиб ташлашга кириши-ю, уларни барглардан жудо қилиб, ҳар томонга ота бошлади. Япроғларнинг рангу сафоси ҳам қолмай, ўликлардек бўлиб тупроғлар устига туша бошлади. Ел аскарлари боғни талаб, мева дараҳтларигина саф тортгандек яланғоч, бош-оёқ

қора бўлиб, ариқлардаги сувлар занжири билан бир-бираiga боғланган фифон тортаётган яланғоч асирлардек туришарди. Уларни барг деб эмас, ошхона ўтини, шоҳ эмас, дўзах кундаси деб аташ тўғрирок бўларди. Гўё дўзах жаннат гулистонига айланган-у, дўзах унинг олдида беҳишт боғига айланганди.

Умр гулшанининг кузу баҳори ҳам шу гулистонга ўхшаб кетади. Инсоннинг шараф уйи вақти етгач умр қуёши пайдо бўлади. Кўпдан-кўп фунчалар кулиб, ҳадсиз-ҳисобсиз гуллар очила бошлайди. Фунчалар ўйномоқ ва емак билан ором оладилар. Билим шами уларнинг миясига ақл нурини солмагунича, кўнгилларини идрок салоҳияти билан ёритмагунча, ёшлар ўзининг етилгани, юзи гулранг бўлганини англагач, жафо билан жонларини сайд этиб, базмларда лабларни май билан хурсанд қиласидилар.

Боғ гул ва чечакларни тарқ этгач, навбат барг билан мевага етади. Ҳар бир дарахт гулшан кийимини кийиб илму адаб мевасидан баҳраманд бўлади, илм-касб эгалайди. Бири тафсирлар илмини ўрганса, бошқасини ҳадислар қизиктиради. Ёшлар мадрасаларни ўзларига оромгоҳ қиласидилар, бошқалари хонақоҳларни хилватхона қилиб танлайдилар.

Ёшлик мевалари тўкилгач, бақо гулшанини гўзалликлар тарқ айлагач, ёшлик айёмининг мевалари тўкилиб, жаҳоннинг нафосату гўзаллиги тугаллана боргач, қадду қомат дарахти ғам елидан эгила бошлагач, гулдек юзлар хазон бўлиб сарғая бошлайди. Тан дарахтида ҳавас барги қолмай, кузнинг совуқ шамоли уларни учирив кетади. Кўзлар уйлар бурчагини талаша бошлайди, болалар кулгуси янграб, юзларни заъфарон қиласиди.

Икки букилган қад ҳассага таяниб аста одимлайди. Оғиз ичидаги дурлар тўкилиб, бир дона ҳам тиши қолмайди. Юздаги оқ туклар кафан ипларини хотирга солади. Ўлимни ўйлайверганидан боши қуий эгилган, хайрлашиб учун қадди ҳам икки букилган.

Бир неча кун шу ахволдаги изтироб билан қонъютиш, ох-фарёд ичиди кечади. Ажал хабарчиси фармон бўлганида етиб келиб, унинг кўнглини ҳаёт азоблари, кексалик аламларидан қутқаради. Бу базмга етибис, келган ҳар бир одам навбат билан бу қадаҳ – ўлим қадаҳини ичади. Бу аччиқ қадаҳни тотган инсоний ўқлик кўчаси томон мост ҳолда йўл олади. Мастам экан, ўзини ҳам билмайди, борганидан сўнг хабарики ҳам келмайди.

еб

Элни бу май айлади бир-бир адам,  
Навбат эрур бизга доғи дам-бадам.

ас

т

Оҳки, умрим билимсизлик билан ўтди. Ўлим вақти етганда хижолатликда қолдим. Керак вақтда – умр куни тамом уйқуда қолдим, энди уйғонсам, шом вақти бўлибди. Шу вақтгача қиласиган ишимни билмадим. Иш қилиш куни етганида иш қила олмас куним келишини билмадим. Тириклик чоғим бўлур-бўлмасга нобуд бўлди, ўзими ўлдирсан ҳам энди нима фойдаси бор?

Вақт кам-у, йўл узуну май ачиқ,  
Асрү қатиғ ҳол етибдур қатиқ.

Агар Аллоҳнинг ўзи раҳм қилиб кечирмаса, менинг ҳолимга минг қатлавой! Қазо умр кунларини бўлакларга бўлиб беради, ҳар бири бир нарсага мўлжалланган: ўн ёшгача – ғафлат, эркин ҳаёт кечиришга, йигирмагача – билимсизлигу мастилик билан банд бўлиш мумкин. Ўттиз билан қирқ ичиди айш қилиш, вахки, у ҳам менга насиб этмади. Инсон эллик ёшга боргандага тараққий қилиши мумкин эмас, олтмиш ёшида эса иши таназзулга – пастга тушиш бўлиб қолади. Етмиш ёшда туришинг, саксонда ўтиришинг фарздир. Тўқсон ёшда йиқилмоқ, юз ёшда жон таркини қилиш керак.

Умри табиинй кишига бўлса ком,  
Истар ўлуб, хар сари қилгай хиром.  
Умри табиинй дема, гар умри Нуҳ,  
Бор эса, тавфиқдин ўлмай футух.  
Яхширок ул умрдин ўлмоқ йироқ,  
Умр неким, андин ўлум яхшироқ.

## Ўн саккизинчи мақолат

### ФАЛАК ФАМХОНАСИ ҲАҚИДА

Ақлли кишилар учун олам бир зиндандир, унга мағфутун бўлган киши эса нодондир. Ўз қобилиятингни бу номаълумлик билан банд этма. Бу юмалоқ дунё ҳаммани охири тупроқ остига жо қиласди. Шундай экан ўша ғамдан изтиробга тушиб, ўзингни ўлимдан бурун ҳалок этишингнинг зарурияти борми? Ўлимни ўйлаб мунча мотам тутишинг нимаси? Мотамни сенга амакию тоғаларинг тутаверишади. Шундай экан, жонингга алам солиб, бир ғамнинг ўрнига икки ғам емагил. Ўй-фикрларинг билан жисмингни азобга ташлама, бир ранжингни икки ранж айлама. Кўксингдаги доғ изтиробини камайтириш ўрнига доғ устига доғ қўйиб нима қиласан?

Фалакдан етган жафоларни унут, нимаки мушкул, оғир бўлса – осон тут. Бу оламда ғам емай яшайдиганларни шод деб бил, чунки бу даҳр иши ғам ейишга арзимайди. Чунки жаҳон боғи вафосиз, ундаги умр гули бақосиз, вақтинча. Ўзининг атиргулига вафо бўлмаган боғда атиргул ҳам бундай бокқа вафодор бўлармиди? Шундай боғ ором олишга лойикми? Бундай гулдан димоғ муаттар бўлармиди? Бу умрнинг ўтган ишлари мақтанарли эмас, ўтган нарса учун ғам чекиш ҳам ортиқча.

Оқил одам бу дунёга келиш сабабини айта олмайди, чунки маълум бўлмаган нарса ҳақида гапиришнинг иложи йўқ. Келишингу кетмагингни билиш иложсиз экан, ҳолингга раҳм айлагин-у, азоб чекаверма. Хурсанд бўлиш

учун қачон бир пайтни топсанг, ғанимат билиб ундан фойдаланабер.

Ҳар нафасинг чиройли бир жавҳардир. Ўша бир нафас сенинг яқин бир дўстинг. У ҳаёт нафасигина эмас, инсон жавҳари, жавҳар эмас, ҳаёт суви ушбудир.

Шу бир нафас бўлмаса, эл қаёқдан тирик бўларди? Барча зот унинг билан тирикдир, уни ҳаёт суви десам хато бўлмайди. Демак, уни муқаддас нафас дегил, балки муқаддасгина эмас, ақдас, яъни энг муқаддас нарса деб бил.

Шундай ғанимат нарса сенга ҳамнафас, бирон нафас ҳам сен усиз бўлолмайсан. Сенинг саботинг – барқарорлигинг, юриш-туришинг-у сенинг хаёлинг шу бир нафас туфайлидир. Сен уни ранжу ғам билан ўтказиб, юз ала-му мотам ила ўтказиб, эътиборсизлик билан уни хор қилиб, ҳар хил сўзларга сарф этиб юрдинг. Кел, энди бу жоҳилликдан воз кечиб, ақлинг билан иш кўр. Нафасингга бошқа зулм берма! Шундай улуғ неъматни Аллоҳ сенга яхшилик қилиб бериб қўйган экан, бир нафас насиҳатларига қулоқ тутувчи бўл.

Кўргин, Ҳақ сенга қандай ажойиб неъматлар баҳш этди, қанчалик эҳсону армуғонлар берди? Бири буки, олам соҳиби сени ҳайвон ё ўсимлик, ё бирон жонсиз табиат парчаси қилиб яратмади. Ўсенга яхшиликнираво кўриб, инсон қилиб, дин йўлида мусулмон қилиб яратди. Кўрап кўз, эшитур қулоқ, айтур тил, атирни англаш учун димоғ берди; овқат ушлаш учун қўл, юриш учун оёқ берди. Емоқ-ичмогинг учун юз хил неъмат бериб, уларнинг ҳар бирисига таъму шакл баҳш этди. Сен учун шунча ранго-ранг либослар бердики, уларнинг саноғига ҳам этиб бўлмайди. Шунингдек, дала-қирлар, тоғу чўққиларда миниб юриш учун турли уловлар яратди. Оқар сувларга сероб бўлган жаннат мисол боғларни ҳам сенга армуғон этди.

Бу инъом ва атолар бир бўлди-ю, ақл жавҳари яна бир тараф бўлди.

*Барча жаҳондин қилиб ашраф сени,  
Айлади розига мушарраф сени.*

Ҳар қайси неъмат дастурхони очиларкан, барчасига шукур айтиш сенга вожибдир. Оллоҳнинг сенга берган барча неъматлари учун шукрини адо айламоқликтининг имкони йўқ. Ҳамма нарсани қўя турайлик-да, нафас хақида ўйлаб кўрайлик. Кириши-чиқиши ҳам улуғ неъмат.

*Бирни эрур қути ҳаётинг сенинг,  
Яна бири қуввати зотинг сенинг.*

Иккаласи учун ҳаётинг ва қувватинг учун ҳар қанча шукур қилсанг арзийди. Жонингни фидо қилганда ҳам бу икки нафас шукрини адо этолмайсан. Ҳақ нафасингни азиз этган экан, сен уни хор айлама, қадрини билгинки, нафасча не бор?

*Ҳар нафасинг ҳолидин огоҳ бўл,  
Балки анга ҳуш ила ҳамроҳ бўл.*

*Бошдин аёғигача қил сарфи ҳақ,  
Тенгри сенга ёр, ўқусанг бу сабақ.*

*Яҳшилиғи айламасанг иш чорги,  
Айламагил бори ямонлик доғи.*

*Анда қаю амрки, дилкашдуур,  
Барчадин аҳбоб юзи хушдуур.*

*Асрса ўзунгни бирор озоридин,  
Кимсага озурдалиқ изҳоридин.*

Эл поклиги, аёлига қасд қилма, унинг жонию молира қасд айлама. Бир нафас қайғудин озод бўлиб, ёру мусоҳиблар билан ширин суҳбат қургин. Яхши дўстларни чорлаб, жонни уларнинг қадамидан гулшан эт, кўзни

алар чеҳрасидан равшан эт. Саховат русумларини шиор айлаб, ҳар неки борингни уларнинг бошидан сочгил.

*Ким бу чаман ичра хиромон эрур,  
Барчаси бир-бирига меҳмон эрур.*

*Ҳар кишиким, бор эса ёре анга,  
Ҳар кишиким, ёр эса боре анга.*

*Ком била васлини айлаб ҳавас,  
Топса бу комига даме дастрас.*

*Бўйнига қоним мени ёд этмаса,  
Руҳум ўшул ёд ила шод этмаса.*

Васл аро унинг мақсади амалга ошиб, шу баҳтини яна давом қилдиришни истаса, Яратганга шукрини янада кўпроқ айтсин.

*Комини қилсун ҳақ анинг бардавом,  
Жонига берсун бу давом ичра ком.*

### **Чин гўзали ҳақида ҳикоя**

Чин мамлакатида бир нозанин гўзал бўлиб, унинг расмини ҳар қандай наққош чизишда ожиз эди. Юзлари Хўтан гулзорига ўхшар, кўзи бу гулзордаги мушкин кийикни эслатарди. Чеҳраси худди Чиннинг нурли қуёши бўлиб, қоп-қора Хутан мушкини унинг зулфи муанбарича бор эди. Унинг қўрқув билмас ғамзалари жонларни асир қиласар, ҳатто Хитой мулкидаги хонлар ҳам унинг асирига айланышганини сезмай қолишарди. Унинг ғамзаси талончила-ри дастидан Чин хатар остида қолган, турмакланган сочи-дан динга халал берарди. Жаҳоннинг бутун аҳолиси унинг ҳусни ҳайронаси, замон шохи эса зулфининг ошуфтаси эди. Уни кўрмай қолган инсон бир нафас ҳам нафас ололмасди, нафас олмагандан сўнг жон қолармиди?

Шундай гўзал гулрух майдонда гўй ва чавгон ўйнаб юрар, ҳеч ким унга яқин келмаслиги учун хон маҳсус одамлар белгилаган эди. Агар бирон киши унинг томон назар ташласа ё унинг ҳақида бирон сўз айтса, ундан одамнинг айби айтилгач ҳукм бўйича жазога тортиларди. Ҳар куни қанчаканча йигитлар шу хил айб билан ҳалок бўларди.

Шу қизга кўп йиллардан бери ошиқ бўлиб юрган бир ишқ-муҳаббат шайдоси бир панада яшириниб, ўз дилдорини томоша қилиб ўтиаркан, қиз маст ҳолида унинг устидан чиқиб қолди. Бода ичиб заифлашган ошиқ ўзига ҳужум қилган душманига бас келолмади. Шунда бир неча бошқа айборлар олдига уни ҳам солиб олиб келдилар. Бу асиirlарни кўрган дарғазаб хон барчасини шаҳар деворига қўйиб лойи билан чаплаб ташлашга буйруқ берди, токи юзлари лойдан чиқиб турсин, ҳалқ улардан ибрат олиб, жазолангандар ҳам кўп азоб чекиб ўлсинлар. Ҳукм тезлик билан ижро этилди. Қиз тоғ ичига яширинди, хон даштда сайр қилиб юрган бўлса ҳам, отланиб шаҳар томон йўл олди. Ичиб олган хон ишқ ўтида ўртаниб, шаҳар девори томон юрди-да, жазолангандар аҳволини кўриш учун ўша девор остига келди. Ҳали деворга сувалмагандар оҳ-нола қилиб йиғлашаркан, жазолангандар томон юрди. Улар ўлим билан жон талашишарди. Маликага ошиқ бўлган йигит эса девор орасидаги сомондек азобланавётган, сариф юз билан изтироб чекаётган бўлса ҳам тангрига ҳар лаҳзада сано айтиб, шукр изҳор қилиб турарди. Ким: “Бу нафас жоним чиқялти-ю, ёр ғами бу ишни осонлаштирялти”. Умрига иккимич нафас қолганда ёр сўзларини зикр этаркан, тилида ёр эди-ю, сўзида ёр, оғзида ёр эрди-ю, кўзида ёр.

Золим ҳоким бу ҳолатни кўргач, кўнглига ишқ ўти таъсир қилди-ю, ўлимдан уни ҳалос қилиб, ёри турган томонга йўллади. Ишқ балоси аро шукр қилган йигит шундай мартабага етди.

Асра, Навоий, бу нафас муғтанам,  
Лек дегил, ҳар нафасе шукр ҳам.

## Үн түққизинчи мақолат, ХУРОСОН БАЁНИДА

Аллоҳ жаҳон ашёсини вужудга келтиргач, чарх – олами пайдою ниҳон айлади. Етти фалакни юмалоқ қилиб ясади-ю, ҳар бирини бир шамъ билан ёритди. Олтитаси гар шамъ порлаб турувчи бўлса, лекин бири нурли машъалдир. Учтасини қўйига, учтасини юқорига жойлаштириди. Машъала эмас, порлоқ дур, дургина эмас, ялтироқ қуёш дегил. Кўкнинг етти иқлимида султон ҳам ул, бошқалари тан бўлса, жон ҳам улдир.

Худди юлдузлар етти тақсим қилингандек, жаҳон ҳам етти иқлимга бўлинган. Улар бир-бирларидан қувват оладилар, бир-бирларини тарбия ҳам қиласидилар. Қуёш бу олти дурахшандага раҳбар ҳисобланиб, иқлими ҳам ўзига хосдир. Қуёш ўз нурин ором айласа, юлдуз қўзга кўринадими? Тўртинчи фалак унинг масканидир. Ерда бу иқлим ёқимли бўлиб, кўкда қуёш гумбазидек тенгсиздир. Ер ўлчашни ҳам алоҳида бир фан – масоҳат фани деб атайдилар, шунинг учун тўртинчи иқлим дейишади уни.

Гўзалликда жаннат боғидир у, жаннат боғини ҳам қўябер, мулки Хуросондир у: майдони тўртинчи фалакдан кенгроқ, даражаси еттинчи осмондан юксакроқ. Худудида шаҳар сон-саноқсиз, ҳар бирининг безаклари ҳаддан ташқари кўп. Шаҳарлари гўзалликда жаннатнинг ўзгинаси. Яхши одамлари у жаннат боғидаги ҳурларнинг ўзгинаси.

Тоғлари олдида фалак содда бир даштга ўхшайди, бар-часининг кўксидаги юз хил кон, у конларни ранг-баранг жавоҳирлар ўзига макон қилиб олганди, чашмасидаги сувни кўриб ҳам бўлмайди, бу сувлар кондан оқиб чиққани учун ҳам жавоҳирга айлангандир.

Сабзасига кўкимтир осмон рашк қилса, тупроғидан тоза анбар рашк қиласиди. Етти фалаги бойликларининг

хазинаси у, етти иқлим тана бўлса, сийна – ул! Унга жаҳон кўкси сифат бўлиб келган, унда кўнгил хиттаи поки-пойтахти – Ҳирот.

Кимки бу шаҳарни кўнглидан севса, далил истаса, уни кўнгил мулкига сulton деб атайди. Улуғлар буни жаҳон кишварига шоҳ деб тилга оладилар. Уни шоҳ десалар ажаб эмас, чунки шоҳ ери қалбда эмасми? Ҳирот кўнгил ўрнида экан, ундан аҳли ҳеч кўнгил узолмайди ҳам.

*Зийнати андокқи, бадан пайкари,  
Вусъати андокқи, кўнгул кишвари.*

*Айтма кишвар, деки боғи Эрам,  
Дема Эрам, айтки Байтулҳарам.*

Ҳиротнинг даврини хаёлан юз йилда ҳам кезиб чиқиш маҳол. Қўргонининг кўриниши шунчалик баландки, осмон ҳам унинг олдида уялади. Арки тўққиз осмондан буюкроқ. Девори кунгуридаги меҳр каби думалоқ тешиклар гўё барча фаришта аҳлига меҳроблар. Фалак фили киргучча дарвозаси. Чукур хандақлари уни ернинг остки пардасидан ажратиб турагада.

Тўрт тарафida бозор жадвали, кирган барча одамлар унга харидор. Кирса чикар йўлини тополмай барчанинг ақли шошади.

Масжиди Жомеъ – яна бир олам, шаҳар бир жаҳон бўлса, масжид билан шаҳар бир-бирининг ичида ниҳон. Масжидининг минбари Муштарийгача етади. Ой бу ажойиб шаҳарни қавси найкамалак шакли каби ёритиб туради.

Шаҳар ичида бинолар беҳисоб, қалъасининг ташқа-рисида эса сонсиз-саноксиз уйлар кўплигидан уларни маҳаллаларга ажратиб, уларнинг отини ҳам Ҳирот деб қўйганлар. Бундай шаҳарчалар ҳам юз шаҳр келади.

*Оллоҳ-оллоҳ, не Ҳири, бу Ҳири,  
Бир-биридан турфа анинг ҳар бири.*

Иккита турғун юлдози фалакидан нишон бўлса, икки хиёбони – икки сомон йўли.

Мадрасалари бири бирисидан улуғвор. Мударрислари ажойиботлар яратишга моҳир. Гунбази кошисида кун акси гўё кўк гумбази ичидаги қуёшдек кўринади.

Боғларининг ҳар бири жаннат мисол, ҳар манзил шодлигу хурсандчилик манзилидир. Барча чаманлар гулугулзорлик, ҳар чаманинг йўли гириҳлидир. Ҳар гириҳида гулу гулшан доғи бўлиб, мусаддас эмас, мусамман тарзидадир.

Гулларининг навини санаш ҳам қийин, уларнинг турларини санай олганча санаш мумкин-да! Даражтини деҳқонлар доим парвариш қилишади, бир шохининг ўзига юз мевани пайванд этишади. Ҳар дараҳт юз хил гул очади, меваси ҳам юз турли бўлади. Ҳар бир дараҳт, юз хил гул чиқариб, ҳар гулининг атри бир ёғоч масофага боради.

Қушлари юз навъ-у, барчаси хуш сайроқи, барчаси сабзау гуллар устини қоплаб олади. Сув шодиёна бир овоз чиқариб шундай куй чалиб оқадики, худди булбул овозига ўхшайди.

Қасрлари барчаси юксак ва мустаҳкам. Жануб томонида бир ажойиб ҳовуз бўлиб, ҳовуз эмас, яшил чархнинг бир қисмига ўхшайди. Шимол томонидан эса икки дарё оқиб ўтади, улардан шаҳар сувга сероб бўлади. Иккала дарёда ҳам ҳаёт зулолининг таъми бўлиб, жаннат боғидаги тўрт нарса ундан уятли. Ариқларида Хизр сувидек зилол сувлар оқиб турса, сувдан эсиб турадиган майин шамол **Масих** нутқини эслатади.

Миср билан Самарқанд унга гўзалликда тенг келиши амри маҳол, Ҳирот зимнида юзта Мисру Самарқанд бордесак хато бўлмайди. Уни Ҳақ барча оғатлардан асрасин, балолардан ўзи ҳимоя қилсин.

Бу айтилганлар Хуросон таърифининг ўндан бири, холос. Мамлакат шоҳ инсофи туфайли шундай шараф топди, унинг сифатларидан ақллар лол қолади. Ҳеч

сўзсиз, Хисрави Фози – Ҳусайн Бойқаро адолатига ҳамма лол. Унинг адолатини Ануширвон ўрганса, шогирдликни ҳавас қилиб, юз ишидан бир ишинигина – адолатнигина ўрганаради, лекин исломни ўрганмасди.

Одамзод аро номи қолиб, оти юзларча шоҳлар отидек қолса ажаб эмас. Оlam бани Одам билан, бани одам олам ичидан экан, адл билан олам юзини обод қил:

*Адл ила олам юзин обод қил,  
Хулқ ила олам элинни шод қил.*

*Хўкмунг аро оламу одам доғи,  
Йўқки бу ики яна олам доғи.*

## **Ӣигирманчи мақолат** **СУЛТОН БАДИУЗЗАМОНГА НАСИҲАТ**

Оламда зоҳир бўлган ҳар бир нарсанинг пайдо бўлиш сири бўлади. Моҳияти нимада кўринса, хосияти унинг ичига яширинган бўлади. Қуёшнинг хосияти нур ва ҳарорат эканлиги туфайли булут нутфаси дурри хушоб бўлмиш. Якка ҳалаф, яъни оиланинг давомчиси пок бўлган ягона фарзанд ҳам конга ўхшайди, анбар сифатида денгизга ҳам ўхшаб кетади.

Бу ҳалаф инсонга ҳам инсондир, шоҳга – шоҳ-у, хонга хон эрур. Шаҳи озодани кондек кўрган бўлсак, шахзодани унинг гавҳари сифатида кўрдик.

*Билки эрур мояи амну амон,  
Хисрави Жамқадр Бадиуззамон.  
Улки вали гавҳари яктудуур,  
Барчасидин пояда аълодуур.*

Унинг покликда зоти парилар сингари, бундай пок сифатли бирон зотни фариштадан, балки сифати билан зоти фариштадан топиб бўлмайди. Софликда, мулоийим-

ликда яратилган зот у, жаҳон ҳалқи аҳлига Ҳақнинг раҳмати у. Нутқ ила васфингни айтиш осон эмас, ҳар қандай сўзамол ҳам сифатларингни санашда гунгу лол бўлиб қолади. Қуёшни ҳалқ мақтагани-мақтаган, лекин бу унинг учун қанчалик таъриф бўла олади? Ойни ёруғ, осмонни баланд деб таърифласанг, бу хил мақтовни эл писанд қилмайди.

Сени ҳар қанча мақтасам ҳам мадҳингни айтиб тугаллашим қийин, шунинг учун сенга бошқа жиҳатдан хизмат қилай.

Ўзинг воқифсанки, шаҳи комкорга кўп махфий сирлар ошкор. Бугун бир нарса хаёлига келса, эртага ҳам маси рӯёбга чиқади, эрта эмас, индин бўладиган ишлар ҳам унга бугундан аён. Мунча камолот билан, кўнглингга неки яхши нарса келса айт деб ҳукм қилибди. Шоҳга менинг сўзим ҳам эътиборлидир. Сенга бир неча насиҳат айтсам жоиздир.

*Бил муниким, умр вафосиздуур,  
Давлат ила жоҳ бақосиз дурур.*

Бу оламда ҳамма нарса кўз юмиб очгунча ўтиб кетади. Давр биносини хароб деб бил, кўринган нарсаларни сароб деб билгил. Бутун дунё фоний – алдамчидир, боқийни тиласанг, у фақат ҳақ эрур. Жисмимиз уйини тарҳини солувчи ҳам, унга руҳ бериб олгувчи ҳам Ўзи!

*Олам аро токи тириқдур киши,  
Ҳақ била бўлмоқ эрур ансаб иши.*

Ҳақ ёдидан огоҳ бўлмаган ҳар бир одам учун огоҳлик ҳам гадоликча бўлмайди. Гадо бўлса ҳам тангридан огоҳ бўлса, икки жаҳон шоҳига teng бўла олади!

*Олдинга келса тиламас иш басе,  
Ҳақдин эрур, айлама нолиш басе.*

*Етса зафар, билма илик кучидин,  
Бил зафару фатҳни бергучидин.*

*Шоҳлиғинга айламагил эътибор,  
Ҳақ ғазабу лутфиға қил эътибор.*

Филлар ва уларнинг эгаларини бир лаҳзада ҳалок этилганини ёдингда тут. Биргина қуш донаси ҳар бирининг манзилини йўқлик оламига айлантиргани эсингдами? Заҳхокнинг азоб-уқубат билан топган хазинаси Фаридунга қандай насиб этганини ҳам биларсан? Қаҳридан шер енгилган бўлса ҳам, оддий сигир сутини ичган бир етим бошини узди-я!

Бу ажойиб ишни кўрки, Ҳақ ўз неъматларини халққа беришда сени сабаб қилди. Сен бу қисматни қандай ўзгартира олардинг? Шу ҳолатда бир неча нодон сенинг фармонларингга бўйсунмаётган бўлса, барчасига амалдаги қонунларга кўра сиёsat қилиш зарур бўлади.

Сенга Ҳақ лутф қилиб, тоҷу тахтни инъом қилди, сенга каромат, иқбол, баҳт берди. Ҳукмингга оламни забун айлади, эл қаддини амрингга буқди – таъзим қилдирди.

Мунча яҳшиликлар шукрини билмасанг, неки амр этган бўлса, адо қилмасанг, ғафлатла қолиб ё мағрурлик қилиб амрига бўйсунмасанг, қаҳри келадими, йўқми, айт, мен уни айтгунимча ўзинг айтиқол! Ғазабнинг қаттиқ шамоли етса, нима қила оласан? Мулк унинг мулки бўлса, қаёққа кетасан? Үнга қарши душманлик қилиб исён, уруш бошласанг, енгилиб бирон жойга яширинган ҳолингда ҳам Холиқ буни кўриб турса, қандай ҳолатта тушасан? Сенинг эл олдида уятли бўлганинг Тангрига аён бўлса, не ҳол юз беради?

Адолатли бўлай десанг Мұҳаммаднинг шаръий низомини туз. Қайси шоҳ најот уйига паноҳ истаса, шу йўл ўша уйга олиб борувчи катта кўча вазифасини бажаради. Шариат қонунларига амал қилиб, адолат билан мамлакатингга мадор қилгил.

*Шоҳки иш адл ила бунёд этар,  
Адл бузуқ мулкни обод этар.*

Яъни, шоҳ адолат билан иш юритса, адолат унинг вайрон бўлган мамлакатини обод этади. Адолат билан мамлакатни бошқарган подшонинг сирот кўпригидан ўтиши ҳам осон бўлади.

*Коминг учун туз бўл-у, адл айла иш,  
Ўқда агар адл йўқ этмас равиш.*

Яъни, мақсадингга етиш учун ҳамиша адолат билан иш қил, ёй ўқи текис, тўғри бўлмаса учолмайди. Адлки, уч ҳарфдан иборат бўлиб, ҳар бирида ўзгача мазмун бор: «айн»и унинг меҳри эрур тобнок, яъни «айн» ҳарфи қуёшга ўхшаш порлоқдир, у зулмнинг қаро шомини ёруғликка айлантиради. «Дол»и давлату дин тожидур, дин била давлат эл муҳтожидир. Тожни кийиб, меҳр билан кўзни ёрит, сўнгги мустаҳкам ишни қўлингга тут.

Сенинг олдингда орзу билан келган мазлумнинг сўзи ҳар қанча узун бўлса ҳам, узок умр кўрай дессанг, гапини тўхтатма. Арз қилувчи зулм ўтидан фарёд қилаётган экан, адлинг сояси унга паноҳ бўлсин. Уни ўша сояда ҳам қайфуда қолдирмай, унга шамъ тубини қоронғи қилма.

Мазлум сўзини тугатгач, унинг гаплари тўғри эканлиги аниқлангач, золим нафсинг бўлса ҳам, юзига қарама, нафски, доимо ошён истайди, сенга гуноҳ, ўзига мақсад тилайди. Ганж устидаги илон баҳр топсам дейди, унинг айтганини қилиб, азоб истама, тавба билан унга лойиқ жазосини бергил. Гуноҳ қанча улуғ бўлса ҳам, оҳу надомат уни учирив юборади. Журм ўтининг шуъласи маромида бўлса, узр ёшларининг сувидан паст бўлади.

*Лутфу карам гарчи эрур дилпазир,  
Қаҳру сиёсат ҳам эрур ногузир.*

Оlamдаги кишиларнинг барчаси яхши бўлавермайди, ҳар кишининг ҳамма иши ҳам маъқул бўлавермайди. Агар яхшиликни барчага баравар қилинса, яхшилик ёмонга кўп-у, яхшига оз бўлади.

Яхшиликни тез-тез қилиб турсанг ҳам, сиёsat тифии ҳам баъзан ўtkир қилиб тур. Неча касалга қанд фойдали бўлса ҳам, шундай касаллар борки, уларга заҳар фойда беради. Танадаги модда марҳам ёрдам бермаса, у фасодни ништарнинг учи билан чиқариб бўлмаса, бадан ундан игна билан кутула олади. Замон шоҳи ақл билан иш қилар экан, яхшига – яхши-ю, ёмонга – ёмон бўлмоғи керак. Иккисига бир хил муносабатда бўлса, мамлакатда инқилоб юз беради.

*Кимсани бот айламагил аржуманд,  
Ҳам яна оз иш била қилма нажанд.*

Одамларни тезда мансабда кўтартмагил, ҳам озгина айби учун пастга туширмагин – мансабини пасайтирганин. Устунга чиқмоқ – истак, тилакдир, чиқмоқ ва тушмоқ учун поядир. Поядан тез тушиб кетган одам йиқилиши, ранжу алам тортмоғи мумкин.

*Кимники инсон десанг – инсон эмас,  
Шаклда бир, феълда яксон эмас.*

Яъни, ҳар қайси инсон ўз феълу атвори, руҳияти билан бир-биридан фарқ қиласди. Мукофотлаш ё жазолашда уларнинг бу хусусиятларини ҳам ҳисобга олиш керак. Шамъ ила муз шўшаси ниҳолга ўхшаса-да, мунинг – ўт, онинг сув эрур хўшаси, яъни муз шишаси билан шамъ ўзаро ўхшаса ҳам, иккисининг табиати икки хил.

*Кимники айлай десанг маҳраминг,  
Кўп синамай, айламагил ҳамдаминг.*

Яъни, бирони синамай туриб яқин олма, унга ишонма.

Фафлатда биронга баҳо берма, яхши кўринса, яхши дема. Айбини билгач, сўнг пушаймон еб юрма. Тушда хур бўлиб кўринган қиз уйғоқликда шайтон бўлса, ажаб эмас.

Оз иш учун тунд итоб айлама,  
Катлу сиёсатда шитоб айлама.

Бок йўқ ар кечрак ўлур қатл иши,  
Ўлса, сўзинг бирла тирилмас киши.

Сувда ҳубоб ўлса дамингдин ҳароб,  
Мумкин эрурму ясамоғлик ҳубоб?

Яъни, ўлим жазосини беришда шошилма, бундай ҳукмни кечроқ чиқарса, ҳеч зиёни йўқ, аммо ўлгандан кейин уни тирилтириб бўлмайди. Сувда ҳубобни ясагач, учиреб, яна ясад бўладими? Яхиси сиёсат чоғи, яъни ҳукм чиқараётганда, кечириш керак, аммо бу ўринда фаросат билан иш кўриш керак, албатта. Агар гувоҳ қилинган гуноҳни тасдиқлаган бўлса ҳам, шариатда ёлғон гувоҳликнинг ўтгани вақти кам бўлганми? Ҳар кишининг сўзи ёлғон бўлса, кейин ҳар қанча рост гапирса ҳам ишонма! Рост сўзловчи одам қасдан ёлғон сўзламайди, айни вақтда ёлғончи ҳар қанча ҳаракат қилса ҳам, рост сўзлай олмайди. Тонготарнинг аввало ёлғондаками, кейин рости бошланади.

Тутма тузиб кину адоват фани,  
Ўзга киши журми била ўзгани.

Яъни, бироннинг айби учун бошқа бирони айблама. Қўйчивон бўлсанг, ҳар қўйни ўз оёғи билан ос. Хаёлинга не келса, савобга ўхшаса ҳам, маслаҳатсиз иш тутишга шошилма.

Ўз ихтиёрингга кўп эътиқод қилаверма, ишончли кишиларнинг истагини ҳам ҳисобга олгин.

Шоҳ аъёнларини кўпроқ писанд этса, аъёнлар кўрадики, бу билан эл тилига банд солди.

*Бўлма малул ўлса кенгашда талош,  
Асру узун доғи керакмас кенгаш.*

Яъни, кенгашда баҳс кетса, дикқат бўлма, лекин кенгаш жуда ҳам узайиб кетиши яхши эмас.

Қиласиган (белгилаган) ишингни чўзмай, вақтидан бир нафас ҳам ўтказмай бошла.

Ўз ишингни ҳар қанча истаб турган бўлсанг ҳам, тангри иши олдида ундан воз кечиб тур. Дўстинг хато қилса, у билан яхшилаб келишиб ол, чунки фақат тангригина бехато.

Уруш куни душман томонга қарши юриш бошлаганингда, тезда тўра билан ясолингни туз (уруш яроғлари ни ҳозирла).

Урушда ҳужумга ўтиб, бехато зарба бер. Ўлимдан кўрқма, чунки тақдирсиз ҳеч ким ўлмайди.

Алам етганда, икки қадам чекингунча харакат қилиб, бир қадам илгари қўй.

Зафар Ҳақ лутфидан бўлади, хатти-ҳаракат, жасоратга ҳам аҳамият бер.

Шундай юриш қилгинки, сипоҳ чексанг, лашкар тўпласанг, халқнинг дуоси сенга паноҳ бўлсин.

*Фолиб эсанг размда бегонага,  
Қатлига саъй этма бу шукронага.*

Яъни, урушда фолиб чиқсанг, бу шукронга учун мағлубларни ўлдиришга қасд этма.

*Ҳар неки бу номада мастур эрур,  
Барчага шоҳ ишлари дастур эрур.*

Ҳар ишда отангга ўхшайдиган бўлсанг «Ал валаду сирри абиҳ» бўласен. Отангнинг ҳар бир қадамига қадам қўйсанг, шунда ранжу қийинчилик кўрмагайсан.

*Зода муриду отани пир бил,  
Ҳар ишида ҳукмига таъсир бил*

Яъни: ўғилни мурид-у, отани пир бил, ҳар ишида айтган ҳукмини бажаришни одат қил. Давлат ва пирлик истасанг, бу пир олдида айбдор бўлиб қолма.

### **Хожа Абу Наср ҳақида ҳикоя**

Унга Порсо лақаб бўлиб келган, ўзи эса аср нодири бўлса, унинг ўғли Хожа Абу Наср эди. Отаси дунёни севмасликда энг покиза шоҳлардан бўлса, ўғли худди шундай покиза шаҳзода эди.

Хожа Макка томон йўл олгач, Хожа Абу Наср ҳам у билан бирга боришга жазм қилди. Ота солики атвон – тасаввуф пешволаридан шайхлик билан шуғулланса, ўғли унга сирдошлиқ қиласарди. Ота саҳрода қайси томонга қараб бир қадам ташласа, ўғил ҳам шундай бир қадам ташлаб борарди.

Бир неча кун саҳрода кезишгач, қўзлаган мақсадларига етдилар. Ҳалқ ҳажар конларини тамомлагач, яхшию ёмон, муршиду солик бир улуғ кишининг ҳалқ истакларини адо этиб, барча ҳалойиқ номидан дуо қилишини истадилар. Тўпланганларнинг барчаси Хожага кўз тикдилар. Бу иш Хожа зиммасига юклатилгач, Хожа Абу Насрга ишора қилиб айтдики: «У менга илмда teng, лекин бу хил баланд иш унга лойиқdir. Йўлда раҳбари бўлмаган ҳар киши адашиши мумкин. Мен ҳамроҳсиз эдим, Тангри менга уни йўлдош айлади. У йўл бўйи мени парваришлаб келди. Қийин йўлларимни осонлаштириб, бехатар айлади. Мен ҳаётимдан хавотир олсан, у мен ҳақимда ташвиш чекиб, ўзида Ҳақни ҳам, мени ҳам фикр-

лар эди». Шундай деди-да, у элига ишорат қилди, узр учун йўл қолдирмади. Шамъ каби кўз ёши тўкиб, ичи куйган чинордек бўлиб, раҳмату афв истагини баён қилиб, Хожа ўрнидан туриб омин қилиб турарди. Сўнгги дуо бу бўлдиким: «Ё Аллоҳ, сенга уялганимдан паноҳ сўраб илтижо қиляпман, мен тилак тилаш илмини билмасам, менинг оминимни зоеъ айлама. Бунда отамдек киши зиммамга бу ишни юклади».

*Ё раб, ул омину дуо ҳурмати,  
Ё ул ўғул бирла ато ҳурмати.  
Ким бу ато бирла ўғулни мудом,  
Давлату дин тахтида тут мустадом.  
Ўзга ўғилларни ҳам эт муҳтарам,  
Унга ўғул, мунга иниларни ҳам,  
Жумлай оламға алар ихтиёр.  
Оlam эли ичра шаҳу шаҳриёр.  
Шоҳ дуосида туганди қалом,  
Эмди Навонийға эрур бода ком.*

### Бир қул ҳикояти

Халқи яхшиликлардан баҳраманд бўлган бир саҳоватли подшоҳ бўлиб, унинг бир хизматчи қули бор эди. У кўп йиллардан бери подшо ошпази бўлиб ишларди. Бир куни подшо шилон базми – умумий зиёфат уюштирганда шоҳ иштаҳаси жўш уриб турган чоғ, баҳтсизлик юз бериб, ошпаз шоҳ учун олиб келаётган иссиқ ошни унинг бошига тўкиб юборди. Одамлар «Подшо ҳозир уни ўлимга буюради, чунки унинг бу гуноҳига шундайин жазо муносиб», дедилар.

Шоҳ хизматкорга боқиб, уни ғоят ғамгин ҳолда кўрдида, унга лутф кўрсатиб – яхшилик қилиб озод этиб юборди. Вазир дедики: «Сенинг марҳаматинг чексиз, хизматкор ўз иши учун ўлимгагина маҳкум эди». Шоҳ хурсандлик билан табассум қилиб, «Бирорни хижолат ҳалак қилгани бўлса, уни яна бир ўлдириш яхши эмас-ку! Шунинг

учун уни яна бир жазолашга зарурат йүк эди», деди.

Халқ вакилларидан бири гунохкорроқ экан, у аввало афву мөхрибонликка муносиброқдир.

Ё раб, унингдек карам этувчи шоҳ хузурида бошқа юз минг эшикда хизматда бўлишдан афзалроқдир. Менинг гуноҳим ҳар неча кўп бўлса ҳам, шукрки, сендеқ илоҳим бор. Хижолат ичидаги менга жой қолмади, менга ўз эҳсонингдан эҳсон қилишинг мумкин. Лутфу караминг қобили бўлмасам ҳам, улардан бирйўла ноумид ҳам эмасман. Мен ким-у, яхшилик денгизини бағишлишни ҳавас қиласам? Менга баҳо қилинган бир қатранинг ўзи етарли.

*Шукрки, эҳсонинг бўлиб ёварим,  
Топти ниҳоят варакин дафтарим.*

*Ҳайрати аброр кўриб зотини,  
«Ҳайрат ул-аброр» дедим отини.*

*Ким ўқуса ё қилур эрса завод,  
Рухум агар қиласа дуо бирла шод...*



# ФАРҲОД ВА ШИРИН



**Ч**ин мамлакати ғоятда гүзал бўлиб, уни қудратли бир подшоҳ бошқарарди. Шоҳнинг осмондаги юлдузлардек беҳисоб лашкари бўлиб, юз мингта Қорун хазинасига тенг келадиган бойликка эга эди. Кўпгина мамлакатларнинг хонлари унга бўйсунардилар. Шоҳнинг ўзи ниҳоятда саховатли, фуқароларига ғамхўр ҳукмдор эди. Унинг фарзанди йўқ бўлиб, «Мен бу дунёдан кўз юмсан, тахту тожим кимга қолади?», – деб афсусланарди. Бир ўғил кўриш орзусида етимларнинг бошини силарди, бефарзанд фуқароларга ҳам меҳрибонлик кўрсатарди. Ниҳоят орзулари ушалиб, ўғил кўриш баҳтига муюссар бўлди. Хурсандлигидан кўпдан-кўп жавоҳири олтинларни халқа эҳсон қилди, бутун мамлакат безатилиб, бир неча кун байрам қилинди. Чин аҳли уч йил давомида солик тўлашдан озод қилинди.

Шодлиги ичига сифмаган подшо фарзандига яхши бир исм қўймоқчи бўлди. Чақалоқнинг юзида «фарри шоҳий», яъни шоҳлик нури порлаб турарди. Бу нур сояси остида эса ҳиммат, иқбол ҳамда давлат ўрин олган эди. Шоҳ «фар» сўзига ҳиммат, иқбол<sup>1</sup> ва давлат сўзларининг бош ҳарфларини қўшган эди, Фарҳод исми ҳосил бўлди. Болани ана шу исм билан атадилар-да, ипак матоларга ўраб бешикка беладилар. Лекин бу исмни отасигина қўйган эмасди. Чақалоқнинг покиза зотини кўрган ишқ ҳам унга Фарҳод исмини қўйган ва уни фироқ, рашк, ҳажр, оҳ ва дард сўзларининг бош ҳарфларидан танлаган эди.<sup>2</sup>

---

<sup>1</sup> «Иқбол» сўзи араб ёзувида «о» ҳарфи билан бошланади

<sup>2</sup> «Фарҳод» сўзи арабча ҳарф билан ёзилганида, қисқа «а» унлиси тушиб-қолади

Фарҳод ўз тенгдошларидан бошқачароқ бўлиб, кечалари яхши ухлай олмасди, доя унга ичирган ҳар қатра сут маъно дури бўлиб сингарди. Бир ёшга етганида, у бешикни тарк этиб юра бошлади. Уч ёшида аниқ, равон сўзлайдиган бўлди. Лекин унинг сўзлари асосан ишқ афсоналаридан иборат эди. Уч яшарлик чоғидаёқ ўзини ўн ёшли болалардек тутар, бундан барча ҳайрон бўларди.

Отаси ўғлининг бу сифатларини кўргач, унга илм бериш вақти етганини англади. Билимли, донишманд бир устозни топиб келиб, Фарҳодни ўқитишга киришди. Уч ой деганда боланинг саводи чиқди. Шундан кейинги бир йил ичиде аввало, Қуръонни ёд олди. Барча ўқиганлари унинг хотирасида қолар, бир варақни иккинчи бор очмасди. Мұхаббат ҳақидаги асарларни ўқиганида, қаттиқ таъсирланиб, ошиқ чеккан дард унинг қалбига аламизтироб соларди. Бу китоблардан таъсирланган Фарҳод бирон кишининг кўзида ёш кўриб қолса, зор йиғлар, устоз унинг бу ишларидан лол қоларди. Отаси билан онаси унинг бу ҳолатини кўриб, қандай чора топишни билишмас, халқ ҳам шаҳзоданинг аҳволидан хабар топиб ташвишланарди.

Шу тарзда унинг ёши ўнга етди. Жаҳонда у ўрганмаган, маъносини англаб ўзлаштиргаган бирон илм қолмади. Ўн ёшли Фарҳодда йигирма яшар йигит кучи-қудрати бор эди. Энди у илм олишни тугаллаб, ҳарбий ҳунарларни касб этишга киришди. Оз фурсатда жангвор санъатларни ҳам эгаллаб, ўқ отиш, найза санчиш, қиличбозлик, қалқон билан жанг қилиш маҳоратларини эгаллаб, эл орасида танилди.

Фарҳод илм ва ҳарбий соҳада эришган ютуқларига қарамай, ўзини барчадан камтар тутар, унинг учун подшолик билан гадоликнинг фарқи йўқ, ҳатто гадоликни подшоликдан юқорироқ қўярди. Йигитчанинг кўнгли билан кўзигина эмас, балки тили ҳам, сўзи ҳам, ўзи ҳам пок эди. Ана шу хислатлари учун фуқаролар ҳам уни доим дуо қилишар, у томонга ногоҳ бир совуқ шамол

эсса, Чин мамлакатининг барча халқи совуқ оҳ чекишарди. Ниҳоят, Фарҳод ўн тўрт ёшга етди.

Шоҳ фарзанди камолини кўриб, ҳар куни хурсандчиллик қиласади, аммо Фарҳод ишқий достонларни ўқир экан, ошиқлар чеккан дардлардан кўнгли ғамга тўлар, ишқий ашулаларни эшитса, икки кўзидан ёш аримасди.

Хоқон ўғлининг ҳолини кўриб, ўйлаб ўйига етолмас, «Нега у ҳамиша ғамгин, нега доимо оҳу афғон чекади, кўз ёшларига сабаб нима экан?», деб фикр қиласади. Хитой мамлакатидаги бор гўзаллару санъаткорлар, найрангбозлару сеҳргарларни чақиритириб уни хурсанд қилишга интилар, аммо Фарҳод уларнинг ишлари сирини тезда англаб етиб, қизиқмай қоларди. Буларни кузатиб турган отаси ўйлаб-ўйлаб, тўртта ажойиб қаср қуришга аҳд қилди, токи ўғли ҳар фаслда бир қасрда яшаб, айш-ишрат билан шуғуллансан.

Баҳорий қаср гулранг, ёзгиси – яшил, кузги қаср заъфароний, қишикиси эса оқ, кофур рангидаги бўлиши керак эди. Хоқон ушбу қасрлар битгач, уларни Чин мамлакатининг энг гўзал қизлари билан тўлдиришни, ўғлининг ана шу жаннатмисол саройларда лаззатланишини орзу қиласади. Курилишга таклиф этиладиган ҳунарманд усталар: сангтарошу наққошлар қанча тошларни йўниб, ҳовузу гиламлар билан безатар, хилмажил нақшу расмлар чизар эканлар, Фарҳод ҳам уларнинг ҳунарлари билан қизиқиб, ҳар бир санъат билан машғул бўлса, қаср битгач эса, улардан лаззатланса, дилидаги ғаму андуҳлардан кутулса, айни муддао бўларди, деб ўйлар экан, хоқон дили ёришиб кетди-ю, ичи шодликка тўлди.

Унинг Мулкоро деган бир доно вазири бўлиб, хоқон ҳар бир ишни у билан маслаҳатлашиб бажааради. Мулкоро ўғлининг мураббийси бўлиб, Фарҳод ҳам уни ўз отасидек кўради. Шоҳ элдан яширинча уни ҳузурига чақирирди-да, ўз фикрлари билан таништиргач, шу ишларни унинг зиммасига юклади.

Мулкоро хоқон фармойишини бажо қилиш учун күплаб муҳандислару меъморларни чақиртириб, мамлакатдаги энг кўнгилочар вилоятлардан тўртта мавзеъни танлади. Ҳар қайси жой суви ва ҳавоси билан бир фаслга мос бўлиб, шаҳзоданинг ором олиши учун мақбул эди. Шундан сўнг ҳар бир қасрнинг режаси чизилди, унда экиладиган дараҳтларнинг ҳам ўрни белгилаб қўйилган эди.

Хитой мамлакатида эгизак икки уста бўлиб, бирининг лақаби Боний, иккинчисиники эса Моний эди. Боний меъморлик билан, Моний эса наққошлиқ билан шуғулланарди. Боний қурган бинолар ғоят мустаҳкам бўлар, Моний чизган расмлар эса худди жонли сиймолардек кўринарди.

Яна бир устоднинг лақаби Коран бўлиб, тошкесарликда унга ҳеч ким тенг келолмасди. Мулкоро шуларга ўхшаш яна кўплаб усталарни тўплади-да, хоқон бу қасрларни шаҳзода Фарҳоднинг ором олиши учун қурдираётганини таъкидлаб, ҳар бир қасрнинг ҳажми-ю ранги қандай бўлиши лозимлигини тушунтириди. Сўзи тугагач, сон-саноқсиз олтинларни уларнинг олдига тўқди. Усталар кўлларини шимариб ишга киришдилар. Мулкоро уларни хурсанд қилгач, керакли нарсаларни тўплашга киришди. Бу ишга тўрт саркорни тайин қилиб, юзта ишбилармон устанинг ҳар бирiga мингтадан мардикорни бириктириб қўйди. Ҳар бир тоғ устида юз киши тош қўпорар, пастда эса мингта тош пардозловчи иш билан банд эди. Араваларда қурилиш жойига тинмай оқу қизил тошлар ташилар, ҳамма ёқда иш қайнарди.

Ишлар жадал борар экан, осмонўпар тўрт қасрнинг қад кўтараётгани ҳақида шаҳзодага хабар етказиб турардилар. Бажарилаётган улкан ишларнинг ҳаддан зиёда таърифини эшитган Фарҳод отига минди-да, қурилишларни қўриш учун жўнади. У билан юзта келишган йигитлар бирга борардилар. Курилаётган қасрлар олдинга етиб борган шаҳзода бир олам одамларнинг жўшқин-

лик билан ишлаётганлари, түрт улкан бино осмонга тегай деб турганини, ҳавозаларнинг булатларга қадар кўтарилигини кўриб ҳайратдан бармоғини тишлаб қолди. Фарҳод усталарнинг маҳорат билан тош йўнишларини қизиқиши билан кўздан кечирар, ўтириш тешалари билан қаттиқ тошларни сарёғдек кесишаётганини кўриб уларга таҳсин ўқирди.

Коран бажараётган ажойиб ишларга кўзи тушган шаҳзода унинг санъаткорлигини томоша қилмоқчи бўлди. Отдан тушгач, унинг ўтириши учун тошдан бир таҳт тайёрлашди. Фарҳод унга ўтириди-да, устозга мурожаат қилди:

– Эй моҳир ва билимдон устоз! Яратаётган санъатинг хақида бир оз сўзлаб бергил, токи унинг моҳияти ва яширин сирлари аён бўлсин. Исмингни айт ҳамда қандай қилиб сенинг тешанг тошларни мумдек енгил йўнаётганидан хабардор қилгил. Негаки, биз бундай ишни шу вақтгача кўрмаганимиз учун ушбу санъат олдидা ақлимиз ожиз бўлиб турибди. Ахир ёғоч қаттиқроқ бўлса, унга пичоқ урсанг, ўтмаслашиб аррадек бўлиб қоладику! Тешангга қандай тарзда сув бергансанки, тошни йўнаётган бўлса ҳам, зарар топмаялти. Сен тошга қайта-қайта ураётган бўлсанг ҳам ўтирилигини йўқотмаётган темир метининг сирларини ҳам айтиб бергин!

Тошга нақш чизувчи уста ер ўтиб, сўзини duo билан бошлиди: «Қоф тоғи яралибдики, чақмоқлар тошидан озор чекади. Фалак тошларидан бошинг омон бўлиб, тошларинг дарду ғам бошларини майдалаб ташласин. Душманларинг насибаси тош бўлсину улар мاشаққат тоғида овра бўлсин.

Отим Қоран, ишим ҳам аён: қўлимда тешаю, олдимда тошлар. Метин билан теша нега доимо тошни йўнса ҳам синмаялти, деб сўрадинг. Бунинг сири шу асбобларга сув беришда, биз бу сирни элга ошкор қилавермаймиз. Уста ўз асбобига шу тарзда сув берса, юз йил тош йўнса ҳам улар зарар кўрмайди. Хитой халқи бу санъатни эгал-

лаб, олам аҳлига танилди. Лекин ҳамма усталар ҳам менинг билганларимни билмайди, бу сўзга далилим шуки, улар мен қилган ишларни қилишолмайди».

Донишманд уста сўзини тугатгач, шаҳзода ундан: «Олдимда ўз ишларинг билан шуғуллангин, зеро бу санъат менга ёқиб қолди. Гоҳида тош йўнгил, гоҳ тошга нақш чизгин, мен ишларингни кўриб ўтирай», – деб илтимос қилди. Уста шаҳзода кўнглини хурсанд этиш учун ишга киришиб, тош кесиш ва нақш чизиш билан шуғулланди. Унинг ишларини кўриб турган шаҳзода таҳсин айтишдан чарчамасди. Қуёш ўз нурларини тошлар орасига яширгач, яъни оқшом тушгач, шаҳзода тош тахтидан туриб, шаҳар томон йўл олди.

Уйга қайтиб келган шаҳзода оромини йўқотди. Санги тарош уста санъати унинг кўнглига бу ҳунарни ўрганиш ҳавасини солган эди. Шунинг учун тонг отиши биланоқ отига минди-ю, яна томоша қилиш учун курилиш жойига томон шошилди. Етиб боргач, хилма-хил ҳунарлар билан шуғулланаётган усталарнинг маҳоратини кузатаркан, ҳар бир санъат сири билан қизиқар, ширин сўзлар билан уларнинг кўнглини оларди. Бундан қувонган ҳунармандларнинг ғайратига ғайрат қўшилиб, янада яхшироқ ишлашга ҳаракат қилишарди.

Шаҳзода Қоран сари йўл олиб, унинг олдига келдида, пўлатдан теша билан метин ясашини илтимос қилди. Уста ишга киришиб, турили асбоблар ясар экан, уларга сув бериши биланоқ тош йўниб кўрарди. Фарҳод уста қилаётган ишларни кузатаркан, сув беришнинг ва тош йўнишнинг нозик сирларини дикқат билан ўрганаарди. Шундан сўнг шаҳзоданинг ўзи ҳам тош кесиш ва йўниш, тошга нақш чизиш билан шуғулланишга интилиб, тез орада моҳир уста даражасига етишди. У баъзан одамлардан андиша қилиб, яширинча қўлига теша олар ва бошқалар бир ойда бажариши мумкин бўлган ишни бир кунда қилиб қўярди. Ҳар куни шу тарзда шуғулланиш туфайли унинг ҳунари ўз камолига эришди.

Тўрт йилдан сўнг тўрт ҳашаматли қаср қуриб битка-зилгач, уларни безашга киришилди. Биноларнинг ташқи томонига чирой беришда Қоран ўз санъатини намойиш қилган бўлса, ичкарида Моний наққошлик қилди. Уста ҳар бир уйга нақшлар ва суратлар чизар экан, унинг ёнида ҳозир турган Фарҳод мададкорлик қилар, суратларга ранг берар, зарур бўлганда тош кесиш ва наққошлик ишларини бажаарарди. Ана шу ишлар давомида шаҳзода моҳир устоз бўлиб етишди.

Буюк қасрлар битгач, уларнинг атрофида жаннатмисол боғлар яратилди. Ҳар қайси қасрга ўз рангида мос чиройли гиламлар солиниб, шу рангдаги буюмлар билан жиҳозланди. Уларнинг ҳар бирида хизмат қилувчилар ҳам қаср рангида мос кийимлар кийиб олишган эди. Баҳорий қасрдаги ҳамма нарса: эшиклару деразалар, ҳатто остоналар ҳам гул рангидаги бўлиб, ҳовуз атрофига лаълу ёқутлар қадалган, ичи эса гулранг май билан лиммо-лим тўлдирсанда бўлиб, ариқларда ҳам шундай май оқиб турар, чор атрофда ранг-баранг гуллар очилиб ётар, ҳар тарафда қимматбаҳо гулранг кийимлардаги гўзал қизлар кезиб юришарди. Ёзги қаср ва боғда ҳамма нарса яшил рангга беланган бўлса, кузги сарой ва гулистон сариф, заъфарон рангида қишки қаср оппоқ рангга мосланган эди.

Мулкоро қасрларнинг, боғларнинг қурилиши тугаллангани ҳақида хоқонга хабар етказгач, шоҳ уни томоша қилиш учун отланди. Унинг чап ёнида сарой аъёнлари, ўнг томонида эса шаҳзода Фарҳод бораарди. Барчалири аввал баҳорий қаср билан танишиб, ундаги ажойиботлар, боғдаги юз турлик гўзалликлардан баҳра олишди. Иккинчи қаср янада ҳайротомуз бўлиб, учинчиси ундан ҳам гўзалроқ, тўртинчи қасрдаги чирой олдинги учала сарой ва боғлардан ҳам ўз нафосати билан ажраклиб турарди. Бир-биридан латофатли ушбу қасрлар ҳаммани лол қолдирди.

Шоҳ усталарга уларнинг ўзлари кутганларига қарангандар юз марта кўпроқ инъомлар берди, Мулкорога ало-

ҳида ҳурмат кўрсатиб, мартабасини янада юқори кўтарди, сўнг ана шу қасрлару боғлар, гўзал қизларнинг барчасини шаҳзодага совға қилди. Кейин Мулкорога ҳар қайси қасрда уч ойга мўлжалланган зиёфат учун барча керакли нарсаларни ҳозирлашни, йилнинг фаслларига кўра ҳар қасрда уч ойлик хурсандчилик қилишга тайёрлик кўришни буюрди. Донишманд вазир ишга киришиб тез орада бир йилга мўлжалланган шодиёналарга ҳозирликни тутатди. Ҳар куни юзта от ва мингта қўй сўйилиши мўлжалланди, ҳисобсиз мева-ю ширинликлар, ичимликлар тайёрлаб қўйилди.

Гўзал баҳор келиб, бутун табиат хилма-хил гулларнинг ранги-ю бўйидан, булбуллару тонг қушларининг ҳузурбахш куйларидан латофату ором касб этган кунларнинг бирида шоҳ Фарҳод ва ўз аъёнлари билан гулгун қаср томон йўл олди. Гул рангидаги қимматбаҳо матолар билан безатилган қаср ичидаги ажойиб бир таҳт қурилган эди, хоқон унга бориб ўтириди, ёнидан Фарҳод жой олди. Таҳт олдидаги гулранг курсида Мулкоро ором топди. Гул юзли соқий барчага гулгун май тутар экан, муғанийлар булбулдек куйлашарди. Фарҳоднинг ҳам гулранг май ичаётганини кўрган хоқон ўғлининг гулдек юзига боқиб, беҳад шодлангани туфайли қўзларидан хурсандлик ёши аримасди.

Шу тарзда уч ойлик баҳор фасли ўтди-ю, ёз келиб хоқон, шаҳзода ва барча аъёнлар ёзги қасрга йўл олишиди. Ҳамма нарса яшилликка бурканган саройда ҳам учой айш-ишрат қилишди. Ҳамма ёқни каҳрабо рангига бўяган куз фасли етишгач, базмлар кузги қасрга кўчди. Зальфароний кийимлар кийиб олган шоҳ, шаҳзода ва барча аъёнлар бу ерда ҳам уч ойни ҳузур қилиб ўтказишиди. Совуқ кунлар бошланиб, қишиш барча оламни оқ ранг билан безаган айёмда айшу ишрат тўртинчи қасрда давом эттирилди.

Тўрттала қасрда уюштирилган базмлардан кўзда тутилган асосий мақсад Фарҳодни хурсанд қилиб, унинг

күнглига ўрнашиб олган ғаму қайғулардан қутултириш эди. Лекин шаҳзода ҳануз ғамғинлик гирдобида яшар, ҳамон бирон кишининг йигисини кўрса, унга қўшилиб йиғлар, эл чеккан ғам-алам унга ҳам озор етказарди. Халқ бошига тушган ҳар қандай изтироб унинг күнглини ғамнок қилар, ёқаси чок, яъни алам-қайғуга мубтало бўлган кишини кўрганда, ўз ёқасини йиртиб унга ҳамдардлик билдирарди. Бирор ишқ ҳақида гап очса, унинг ҳикояси ни қайта-қайта тинглар, ошиқлик белгилари-ю ҳолатини англаб, ёдида сақлар, ошиқ висол ҳақида сўзласа, севинчларга тўлар, ҳижрон дамларини баён қилса, икки кўзидан тинмай ёш тўкарди. Бу ҳолатларни кўрган хоқон ўзининг қилган ишлари хато эканини англаб, нима қилишини билмай қолди.

Хоқон шу хусусда фикр юритар экан, ниҳоят яна бир ишни мувофиқ деб билди: ўзининг қариб бораётгани, Фарҳод эса ақлли, мард ва паҳлавон йигит бўлиб, фақат Чин мамлакатида хоқонлик қилишгагина эмас, балки бутун оламга султон бўлишга ҳам лойиқ эканлиги, шоҳларга хос барча фазилатлар унда жамулжамлиги, бир неча хунарларни билиши, барча айблардан холи эканлиги, йифи ва фифон чекишдан ўзга бирон камчилиги йўқлигини ўйлади-да, «Тахтимни унга берсам, давлатни бошқариш ишлари билан машғул бўлиб, ўз дард-у аламларини унутади», – деган қарорга келди. Сўнг давлат аъёнларини йигиб, ёнига Фарҳодни ўтқазди-да, ўз мақсадини баён қилди:

...Қариллик дарди бедармондур охир,  
Бу иш кўнглимда кўп армондур охир.  
Ки ўлмасдин бурун очиб кўзумни,  
Сарир<sup>3</sup> узра йигит кўрсам ўзумни.  
Ки яъни тожу тахту салтанат ҳам,

---

<sup>3</sup> Сарир – тахт

*Сипоҳу мулқу молу мамлакат ҳам,  
Бори бўлса сенинг бирла музайян,<sup>4</sup>  
Сени ўз ўрнума қилсам муайян.  
Санга тутсам мусаллам подшолик,  
Халойик устида кишвархудолик<sup>5</sup>  
Манга шаҳликда қуллуқ ҳам қил эмди,  
Атолик ҳам, ўғуллуқ ҳам қил эмди.*

Бу сўзларни эшитиб турган шаҳзода фарёд уриб ўзини ерга отди-да, зор-зор йиғлади. Сўнг отасига узоқ умр тилаб, шоҳлик иши оғирлигини, бундай масъулиятни ўз зиммасига олиш учун тайёр эмаслигини, шоҳ рухсат берса, бир-икки йил хоқон ёнида бўлиб, давлатни бошқариш сирларини ўрганиши зарурлигини, олдин кичикроқ бир ишни бошқариб, кейин ҳукмдорлик билан шуғуллашишга ўтса, маъқулроқ бўлишини одоб билан сўзлади.

Фарҳоднинг бу сўзларидан шодлиқка тўлган хоқон ўғлининг бошидан зару жавоҳирлар сочиш мақсадида унинг қўлларидан тутиб, ҳар хил ажойиботлар билан тўлиб тошган хазина ичига олиб кирди. Хазина жуда катта бўлиб, қирқта уйнинг ҳар бирида қирқтадан улкан хум бор эди. Яна қирқта уй бир-биридан чиройли матолару қимматбаҳо буюмлар: хитойи чиннилару ипакларга чизилган гўзал суратлар, кимхоб тўнлар, беҳисоб жавоҳирлару қимматбаҳо тошлар билан лим тўла эди.

Шоҳ билан шаҳзода хазина бойликларини тамошо қилишиб қайтишмоқчи бўлиб туришганда, Фарҳоднинг кўзи ажойиб бир сандиқ тушди. Тоза биллурдан ясалган ушбу сандиқ ичиди нимадир кўриниб турар, лекин қулфлоглиги туфайли у сандиқни очиб бўлмасди. Шаҳзода сандиқ ичидаги нарсани кўрмоқчи бўлди-да, калитини топиб очишни буюрди. Хоқон бундан огоҳ бўлиб, бу сандиқни калити йўқлиги туфайли очиб бўлмаслиги-

<sup>4</sup> Музайян – безатилган, зийнатланган

<sup>5</sup> Кишвархудолик – ҳукмдорлик

ни айтди-да, ўғлини фикридан қайтармоқчи бўлди. Сандиқ ичидаги нарсани кўришга фоятда қизиқиб қолган Фарҳод:

*Деди: «Ҳар ишки қилмиш одамизод,  
Тафаккур бирла билмиш одамизод.  
Улум ичра манга то бўлди мадхал,  
Топилмас мушкиле мен қилмағон ҳал.  
Муннинг ҳам билмагунча аслу будин,  
Муайян қилмоғунча тору пудин,  
Не имконким, қарор ўлғай кўнгулга,  
Тасалли ошкор ўлғай кўнгулга»*

— деб ўз сўзида туриб олди. Шоҳ қанча ҳаракат қиласа, шаҳзода шунчалик ўжарлик қиласарди. Хоқон иложсиз қолиб, сандиқни очиш ҳақида буйруқ берди. Сандиқ ичидан ялтироқ бир кўзгу чиқди, Шарқ қуёшигагина эмас, балки Искандар ойнасига ўхшарди у. Кўзгуни безаган уста орқасига уни кўриш сири ҳақида шундай деб ёзib қўйганди: «Бу кўзгу жаҳоннамо бўлиб, Искандари Румийнинг жаҳон ахлига қолдириб кетган ёдгорлигидир. Ҳар бири Афлотунга тенг тўрт юзта олим бир неча йил меҳнат қилиб бундай жаҳон ҳикматини ясашган. Унга тилсим яширилган бўлиб, кўзгуни кўрмоқчи бўлган кимса бу тилсимни ечиб кўзгуни қўлига олса-ю, унга кўз ташласа, Тангри унга белгилаб қўйган тақдирдан огоҳ бўлади. Лекин кўзгудаги тилсим сирини очиш жуда қийин. Бунга эришмоқчи бўлган инсон Юнон мамлакатига бориши, ўша манзилда учта офатни енгиб ўтиб баланд тоғ олдига етиб бориши керак. Бу уч офатнинг бири аждаҳо, иккинчиси Аҳраман деган дев, учинчиси олдинги иккала офатдан ҳам мушкилроқ тилсимдир. Ана шу уч манзилдан ўтиб олган киши тўртинчи манзил бўлган тоғ ичига кириб, форда маскан тутган Суқрот деган донишманд олимни топиши керак. У доно мўйсафид агар тирик бўлса, борган кишини муродига етказади. Агар у ҳаёт

бўлмаса, унинг руҳига илтижо қилинса, кўзланган мақсадга эришилади.»

Бу ёзувни ўқиган шахзода кўзгу сирини очишга қизини қиб қолди. Ўз мақсадига етиш йўлида ўғли чекаётган изтироблардан хабар топган хоқон уни бу муддаосидан қайтаришга ҳар қанча уринса ҳам, Фарҳод ўз орзусидан воз кечмасди. Ота ҳам, ўғил ҳам қийин бир аҳволда қолган эдилар.

Фарҳод кўзгуда ўз тақдирини кўриш орзусида ҳатто эс-хушини йўқотиш даражасига етиб қолганди. Охири Мулкорони яширинча чақиритириб, ўз кўнглидаги гапларни унга ошкор қилди:

— Шоҳ ҳам, гадо ҳам ўз тақдиридан қочиб қутуломмайди. Ҳар ким пешонасига ёзилганни кўрмай иложи йўқ. Менинг аҳволим элни хавотирга солаётган бўлса ҳам, тақдиримни билиш орзусидан кеча олмасман. Шунинг учун отамга аҳволимни тушунтириб, Юнон мамлакатига боришимга ижозат олиб берсанг, менга оқ йўл тилаб, дуо қилиб турса, мақсадимга етишишим шубҳасиздир. Отам рухсат бермаса, бошимни олиб, мақсадимни рўёбга чиқариш учун сафарга йўл олишим тайин. Бинобарин, отам менинг жўнашимга рухсат берса яхшироқ бўларди.

Мулкоро шахзоданинг ушбу сўзларини эшитгач, қайфуга ботди. Насиҳат қиласай деса, Фарҳодга таъсир қиласлиги аниқ. Кўзларидан оқаётган ёшни арта-арта хоқон ҳузурига йўл олди-да, ҳеч ким йўқлигида унинг қошига кириб эшитганларини сўзлаб берди. Шоҳ бу можародан ёқасини йиртиб кўксига уради. Икковлари роса йифлашди. Хоқон аҳволини кўрган Мулкоро аста насиҳат қилишга тушди-да, уни тақдирга рози бўлишга даъват этди. Шоҳ ўғлига яна насиҳат қилиб кўриш, бунинг ҳам фойдаси бўлмаса, сафарга рози бўлишни мақбул деб билди. Лекин шоҳ билан Мулкоро қилган насиҳатлар шахзоданинг орзусини янада кучайтирди холос. Хоқон ўғлини қамаб қўймоқчи ҳам бўлди, яна бу фикридан воз кечиб,

шахзода кўнглига озор етказмаслик учун Хито ва Чин мамлакатларидан лашкар тўплаб, Юнонистонга юриш қилиш, ўша ергача унга ҳамроҳлик қилиб, ўғлиниг аҳволидан хабардор бўлиб туришни мақбул деб билди. «Юнон мулкига етиб боргунча шахзода балки ўз орзусини унтар, бунинг иложи бўлмаса, бошига тушганни кўрадида», – деб ўйлаган хоқон Мулкорони шахзода хузурига йўллаб, ўз қарорини унга айтишни буюрди. Шахзода отасининг розилик берганидан хурсанд бўлиб, вазирга сафар тайёргарлигини кўришни топширди. Ҳар томонга жар солиниб, лашкар тўплашга киришилди.

Тез орада мамлакатнинг ҳар тарафидан беҳисоб лашкар йифилди. Хоқон Юнон мулки сари юришни бошлиди. Шоҳ йўл-йўлакай бир неча ўлкаларни, денгизларни эгаллаб бораркан, у ёрдаги аҳоли хоқонни кўришга турли-туман совғалар билан келиб туришар, ҳукмдор ҳам уларни мўл-кўл совғалар билан сийларди. Шоҳ ўз хузурига йифилган олимларга мурожаат қилиб: «Бу сафаримиздан мақсад мамлакатларни фатҳ этиш эмас, балки Юнонистондаги машҳур тоғдаги форда яшаётган Суқрот исмли донишманд билан кўришишdir. У тоғ қайси томонда эканини, масофанинг қанчалигини, қайси йўлдан бориш лозимлигини билсангиз, айтинглар», – деди. Олимлар ер ўпид, ўринларидан турдилар-да, шоҳга қараб: «Олампаноҳ ўзлари тилаган мақсадларига етсинлар. Мамлакатимизда ёши беш юздан ошган Суҳайло ҳаким деган кекса донишманд яшайди, барчамиз унинг шогирдимиз. Шоҳ сўраган нарсалардан бизлар ҳам хабардормиз, олампаноҳ ниманики сўрасалар, жавоб бера оламиз. Лекин бу масалалар ҳақидаги пухта жавобни унинг ўзидан эшиганингиз маъқул. Бу қийин жумбоқни унинг ўзи ҳал қилиб бера олади. Агар у билан кўришишни истасангиз, биз олдига бошлаб боришимиз мумкин», – дедилар. Шоҳ билан шахзода бу сўзлардан шодликка тўлиб Юнон олимлари билан биргаликда донишманд Суҳайло хузурига қараб йўлга тушдилар. Анча йўл юришгач, дашт ўртаси-

да бир тепалик кўринди. Суҳайло ҳаким шу ердаги ғорда яшар экан. Ҳаммалари отларидан тушиб ғор томон юрдилар. Олимлардан бири ғор ичига кириб, донишмандни шоҳ билан шаҳзода унинг ҳузурига қадам ранжида қилишганидан огоҳлантириди. Суҳайло бу сўзларни эшигтгач, уларнинг киришларига ишора қилди.

Шоҳ билан шаҳзода киришгач, Суҳайло ўрнидан туриб иккови билан кулиб кўришди, улар ҳам хурсанд бўлиб, донишманднинг қўлини ўпишди. Сўнг аллома ота билан болани ўтқазиб, ўзи ҳам ўтириди-да, улар билан сұхбатни бошлади. Йўлдаги қийинчиликлар ҳақида сўрагач, шунча масофани босиб келишдан мақсадлари нима эканини билмоқчи бўлди. Хоқон шаҳзоданинг кўзгуни кўргандан кейинги ҳолати ҳақида муфассал гапириб берди. Билимдон аллома аҳволни англагач, шод бўлди-ю, айни вақтда унга ғамгинлик ҳам юзланди. Қучоқлаб шаҳзодани хурсанд қилган Суҳайло: «Сенинг отинг Фарҳод!» деди, бу исмнинг маъносини айтиб бергач, бир неча савол берган эди, Фарҳод барига жавоб берди. Донишманд уни пешонасидан ўпди-да, сажда қилиб: «Алҳамдуиллоҳ, ўз муродимга эришдим. Неча юз йилдан бери шу ғор ичидя яшадим, қанча-қанча ранжу аламлар чекдим. Жомосб ўз китобида: «Мендан сўнг минг йил ўтгач, Чин мамлакатидан Фарҳод исмли бир шаҳзода келиб Искандари Румий тилсимини очади. Лекин у икки манзилда қаҳрамонлик кўрсатиши, аввал аждарни ўлдириши, сўнгра эса Аҳраманни енгиши керак. Менинг сўнгги фарзандим бўладиган Суҳайло дуо билан саломимни қабул этиб, Фарҳод бу диёрга этиб келганида, унга ёрдам кўрсатсан. Фарҳод аждарни ўлдирганида, катта бойликни қўлга киритади, девни енгганида эса Сулаймон пайғамбарнинг узугига эга бўлади. Тилсим очган куни эса Жамшид жомини кўради. Буларни қўлга киритгач, барчасини хоқонга ҳадя қилсин. Унга эса доно Суқрот билан кўришиш ҳамда Искандар ойнаси етарли. Суқрот билан сұхбатлашгач, дарҳол кўзгуни кўриш учун Чин томон жўна-

син. Кўзгуда ниманики кўрса, бу воқеалар унинг ҳаётида юз беради», деб ёзилган экан. Мен бу хабардан фахрга тўлиб, неча юз йилдан бери сенга мунтазир эдим. Сенни бошингга тушадиган барча мушкилотларнинг чорасини топиб қўйганман», деди-да, Суҳайло фор олдига бориб, бир идишни олиб чиқди ва «Бу идиш самандар<sup>6</sup> ёғи билан тўла. Мен уни кўпгина оташгоҳлардан йиғиб тўплаганман. Аждар билан олишиш чоғида бу ёғдан баданингга ва қўлларингга суриб олсанг, у сени аждар оғзидан отиладиган ўтдан ҳимоя қиласди. Аҳраманни ўлдирганингда, девнинг бурнига осиғлиқ бир тахтачани кўрасан. У тилсим очища сенга ёрдам беради, тилсим ичида эса Жамшид жомини топасан. Унинг атрофига ёзилганларни ўқисанг, Суқротни топиш йўлидан хабардор бўласан. Суқротни кўргач, кўзгу сирини биласан-у, Ватанинг сари йўл оласан», деб қўлидаги идишни Фарҳодга топширди. У дуч келадиган манзиллар ҳақида яна маслаҳатларни бергач: «Энди йўлга тушгил, ҳамма мушкулларинг ҳал бўлади, деб умид қиласман», деди-да, бу ҳаётдан кўз юмди. Донишмандни ювиб, ўша ғорга дафн этдилар-да, барчалари йўлга тушдилар. Анчагина йўлни босиб ўтиб, аждаҳо манзилига етиб келдилар. У ерда дам олиб, оқшом тушгач, айш-у ишрат билан машғул бўлдилар.

Тонг отгач, Фарҳод покланиб, Худодан зафар тилаб, отасининг оёғига бош қўйди-да, ундан дуо тилади. Шоҳ ва барча аёнлар шаҳзодага ғалаба тилаб, дуо қилишгач, барчалари аждар маконига қараб йўл олишди. Аждар макони унинг нафасидан қорайиб кетган дашт бўлиб, унда бадбўй бир шамол эсарди. Лашкарнинг кўпчилиги бу шамолдан эси оғиб, отдан йиқилди.

Фарҳод аждаҳонинг қоронғи фори кўрингач, у томон юрди. Одамларнинг исини сезган аждаҳо ҳайбат билан

---

<sup>6</sup> Ўт, олов ичида яшайдиган афсонавий бир жонивор

чиқиб келди. Унинг танаси бало тоғидек, оғзи эса тоғнинг ғоридек эди. Икки кўзи худди нефть ўтига мўри эди. Ҳар қайси панжаси бешта олмос ўроққа ўхшарди. Оғзидан ўтлар сочиб ғордан чиқиб келган аждаҳо шахзодага кўзи тушгач, оғзини бало дарвозасидек очиб, унинг сари юрди. Аввал ўт сочиб, пишириб, олдин шахзодани, сўнг эса барча лашкарни ютмоқчи бўлди.

Шахзода эса асло қўрқмасди, чунки у Суҳайло айтганидек, бадану қўлларига самандар ёғини, яъни оловдан ҳимоя қилувчи дорини суртиб олганди. Аждаҳо уни ютиш учун оғзини очганида, Фарҳод Худодан зафар тилиб, қўлига ёйини олди-да, унга ханжардек ўқни жойлаб, рақиби оғзига қараб отди. Ўқ аждар танасини тешиб ўтди-ю, уни ҳалок қилди. Фарҳод аждаҳо ғори ичига кирди. У ерда бир тахта осилган бўлиб, унда: «Аждаҳони ўлдирган баҳодир, жасоратингга бу ердаги хазинани мукофот деб билгил. Доира шаклидаги бу ғор марказида минг ботмондан оғирроқ бўлган бир тош бор. Қиличинг учи билан унинг атрофини очиб, ўрнидан қўзғатсанг, Ҳақ таоло қудратини томошо қиласан», деб ёзиб қўйилганди.

Шахзода ёзувда тайинланган ишларни бирин-кетин, бажо қилиб, Фаридун<sup>7</sup> тўплаган бениҳоя бойликларга: олтин-у кумушлар, турли жавоҳирлар тўлдирилган бир неча минг хумга эга бўлди. Ҳазина тўрида безакли бир тахт бўлиб, унинг устида ажойиб бир дудама тиғли қилич ва унинг ёнида қуёшдек юмалоқ шаклдаги қалқон турагар, унга «Кимнингки баҳти ёр бўлиб, ушбу қилич билан қалқон унинг қўлига тушса, бирини белига боғлаб, бирини осиб олса, юзта дев билан жанг қилса ҳам, енгиб чиқади. Чунки Сулаймон пайғамбар қалқон қуббасига «Исми аъзам»<sup>8</sup> ни ёздириган, бунинг хосияти шуки, юз мингта дев макр-ҳийла қилмоқчи бўлганида ҳам, бу исмларни

<sup>7</sup> Фаридун – қадимда ўтган шоҳ

<sup>8</sup> Исми аъзам – Аллоҳ исмлари

күргач, ер билан яксон бўлади. Қиличда ҳам бу исм ёзилган бўлиб, шу исм унга ўткирлик бағишлаган. Бу қилич билан жанг қилган инсонга душман тифи таъсир қилмайди, рақиб лаънати шайтонми, Аҳраманми, ким бўлса ҳам иккига бўлиб ташлайди», деб ёзиб қўйилган экан.

Фарҳод бу икки совғани топгач, яратганга сажда қилиб, шодлиги ичига сифмай кетди. Шаҳзода қилични белига боғлади, қалқонни бўйнига осди-да, лашкарлар турган жой томон йўл олди. Уни кўрган шоҳ билан Мулкоро йиғлаб кўришишди, аъёнлар ҳам уни омон кўрганларидан шодликка тўлиб, дуо қилишди.

Қуёш кўтарилач, води-ю тоғ ёришиб аждаҳо ғори, ундаги аждаҳо танаси ҳам намоён бўлди. Хоқон билан Фарҳод, аъёнлар бутун дашт аждар қони билан бўялганини кўришишди. Шаҳзода хазинадаги барча бойликларни отасига совға қилди, қилич билан қалқон хосиятларини сўзлаб берди, хоқон уларни хазинадан ҳам қимматлироқ, деб билди. Сўнг лашкарларга дам олиш учун рухсат берилди, хоқон ҳаммани зиёфат қилишга буюрди.

Эртаси куни тонг отиши биланоқ Фарҳод жанг кийимларини кийиб, қилич билан қалқонни осиб, Аҳраман дев маконига қараб йўл олди. Хоқон ҳам лашкарлари билан унинг изидан келар экан, қаттиқ хавотирда эди. Шаҳзода қўшиндан ярим ёғочча олдинда илдамлаб борар экан, рўпарасида бир ўрмон кўринди. Бу – Аҳраманнинг бояи бўлиб, беҳад катта эди. Юз минглаб кекса дараҳтларининг боши осмондан ошар, ҳар бир барги васваса кўзгуси бўлиб, ақлдан оздирав, ўрмон ичи турли кўринишдаги девлар билан тўла бўлиб, сойлари шайтонлар овозидек ҳайқирав, ариқлар ичидаги ҳар қайси тош кесилган бошни эслатар, шамоли девлар наърасига ўхшар, чинорлари қўлларини ҳар томонга тебратиб, «Орқангга қайт!» деяётгандек бўларди.

Фарҳод Ҳақ таолога таваккал қилиб, ушбу ўрмон сари от сурди. Кўп ўтмай бир улкан қаср кўринди. У ерда дев истийқомат қиласарди. От туёқлари овозини сезган Аҳра-

ман бошини чиқариб узокда бир отлиқ йигит бепарво ҳолда унинг қасрига қараб келаётганини кўрди. Чавандознинг кўринишидан девларни ҳам ҳалок қиладиган қудратга эга эканлиги сезилиб турарди. Шунда Аҳраман момақалдириқдек қаҳ-қаҳа урди-да, қўлига минордек катта бир устунни кўтариб қасрдан чиқиб келди ва Фарҳодга қараб: «Эй ғафлат босган одамзод, фаришта ўтса, жонидан айриладиган, бургут учиб ўтса, қаноти куядиган бу ваҳимали ўрмонга кириб келишингдан мақсадинг нима, наҳотки ўлмакни истаб қолган бўлсанг!», дея ҳай-қирди-да, Фарҳод бошига гурзиси билан ҳамла қилди. Шаҳзода унинг гурзисини қиличи билан иккига бўлиб ташлади. Дев қасрига қайтиб кириб, олдингисидан ҳам каттароқ гурзини кўтариб чиқиб, Фарҳодга яна хужум қилган эди, шаҳзода унинг бу қуролини ҳам кесиб ташлади. Бу ҳолат бир неча бор такрорлангач, Аҳраман ғазабланиб тоғ томон йўл олди-да, улкан тошларни рақиби томон отишга тушди. Шаҳзода қалқон билан ўзини ҳимоя қилди, шунда исми аъзамга кўзи тушган девнинг дармони кетиб, ерга қуллади. Фарҳод бу ҳолатни кўриб, Аҳраман устига етиб борди-да, қилич билан уни ҳалок қилди.

Шаҳзода девнинг ҳашаматли қасри ичига кириб қараса, ҳамма томонда қатор-қатор эшиклар бўлиб, барчаси қулфлоғлик экан. Уларнинг тепасига уй ичидагандай бойлик борлиги ёзиб қўйилибди. Бу ёзувларни бирмабир ўқиб бораётган Фарҳод олтин-у жавоҳирлар билан безатилган, атрофига турли ёзувлар битилган ажойиб эшикка дуч келди. У ёзувларда эшикнинг қулфи осонликча очилмаслиги, яхшиси бундай орзудан воз кечиш кераклиги айтилган экан. Бу сирни аниқлашга қизиққан Фарҳод эшикни синдириб ичкарига кирди. Хонага кўз югуртириб, осиб қўйилган бир ёқут қандилни кўрди. У нур сочиб, хонани ёритиб турарди. Қандилни тушириб очган эди, унда Сулаймон узуги турганини кўрди. Қандилга: «Бу узук кимга мұяссар бўлса, унга ёзилган исми ўқиб, Искандари Румий тилсимини очади ва бу иш

қийинчиликларини енгиб ўтиш йўлларини билиб олади», – деб ёзилган экан. Фарҳод узукни ўпиб, сажда қилдида, худога шукроналар айтиб отига минди ва ўрмондан чиқиб, лашкар турган жойга йўл олди. Барча сипоҳлар Аҳраман хавфидан қўрқиб туришган экан, шаҳзодани кўриб ўзларига келдилар. Хоқон Фарҳодни шод кўриб хурсанд бўлиб кетди. Шаҳзода лашкарни бошлаб ўрмона галиб кирди. Уларни қаср эшиги олдида отларидан тушириб, хоқон ва Мулкоро билан қаср ичига кирди. Хазинани икковларига тақдим этди ва узук ҳақидаги гапларни уларга сўзлаб берди. Икковларининг кўнгиллари шодликка тўлиб, кечагидек айш-ишрат бошланиб кетди.

Қуёш кўтарилиб, олам мунаввар бўлгач, Фарҳод ҳарбий анжомларини ростлаб, отасининг дуосини олди-да, Искандар тилсимини очиш йўлидаги кейинги ишни бажаришга киришди. Отига миниб йўлда борар экан, бир гўзал майсазор намоён бўлди. У ерда ҳаёт чашмасидек ажойиб бир булоқдан зилол сувлар отилиб турарди. Қирғондаги ям-яшил дараҳт кўкка бўй чўзиб турар, булоқ билан дараҳт ҳаёт суви-ю, Хизр пайғамбарга ўхшарди. Буларни кўриб кўнгли яйраб кетган шаҳзода отини дараҳтга боғлади-да, чашмага тушиб чўмилди, кейин муродига етказишни тилаб, саждага бош қўйди. Ибодатини тугатиб, бошини кўтарган эдики, рўпарасида яшил кийинган нуроний бир мўйсафидга кўзи тушди. Фарҳод ҳайрон бўлиб турганига эътибор берган отахон сўз бошлади: «Эй фарзанд, мурод-мақсадларингга етиб, баҳтиёр бўйгил. Мен – Хизрман, сенга мадад кўрсатиш учун келдим бу ерга. Искандар билан оби ҳаёт – ҳаёт сувини топиш учун зулматга кирганимизда, мен ўша сувдан ичиб абадий ҳаётга эришдим-у, Искандарга насиб бўлмади, у ташналигича қайтиб кетди, кейинчалик мунажжимликка қизиқиб, юлдузларни ўрганди, тилсимлар яратди. У боғлаган тилсимларни мен очишга ўргандим. Ушбу водийда ҳам тилсим мавжуд бўлиб, уни очишда сенга ёрдам бермоқчиман. Тилсимни очиш учун ҳозирдан бошлаб ҳар

бир қадамингни санаб босишиңг керак. Сенинг йўлингда баҳайбат бир тилсим учрайди, унинг деворлари осмонга тулашиб кетган. Ўша жойдан ўн икки минг қадам юрасан. Йўлнинг икки чеккасида кескир қиличга ўхшаш тошлар ўрнатилган бўлиб, йўлдан салгина чиққан одамнинг оёғини кесиб юборади-да, у ўзини яна ушбу чашма олдидা кўради.

Яна ўн бир минг қадам боссанг, йўлда бир дарбанд (дарвоза) кўринади, олдида бир шер темир занжир билан боғлаб қўйилган. Унинг олдидан ўтгач, қўргонгача яна минг қадам йўл қолади. Тўқиз юз қадам босганингда, бир тош тахтага кўзинг тушади. Унинг устига чиқиб тепсанг, қалъа дарвозаси очилади-да, ичида темирдан одамга ўхшатиб ишланган бир жисм кўринади. У қўлига темир ёй ушлаб турган бўлади. Ёйга ўткир бир ўқ қадалган. Ушбу жисм бошдан оёқ темир совутда бўлиб, қўксига бир ойна қадалган, у қуёшдек ярқираб туради. Одам юз қадам ердан унга ўқ отиб, ойнани тешиб юборса, ҳайкал ҳам, девор устида турган юзта шундай жисм ҳам кулаб, ерга йиқилади. Шунда тилсим ҳам очилиб, ичкарига қўрқмай кириш мумкин бўлади. Лекин ўқ хато кетиб, ҳайкал қўксидаги ойнани синдиrolмаса, у билан девор устида турган юзта ҳайкаллар отган ўқлар ўша одамга тегиб, илма-тешик қилиб юборади. Менинг сўзларимни ўқиб олган бўлсанг, уларни эсингдан чиқарма, қадамингни санаб бос, исми аъзамни тилингдан қўйма. Шер оғзини очганида, узукни унинг оғзига от, уни даф қилгач, яна узукни олиб, мен айтган тошгача юриб боргин-да, тош устига чиқиб, уни тепиб, дарвозани очгач, дарҳол қўлингга ўқ-ёйни ол, исми аъзамни айтиб туриб ҳайкалга ўқ от». Бу сўзларни тугатгач, Хизр «Энди ҳеч қўрқмай, йўлга туш», деди. Фарҳод унинг оёғини ўпиб, мўйсафид айтган ишларни бажаришга жўнади. Шер оғзига узукни отиб, нобуд қилди, яна узукни олиб, санаб қадам ташлаб, Хизр айтган тош устига чиқиб, қаттиқ тепган эди, қалъа ичидан қаттиқ садо – кучли овоз эшитилди-ю, дар-

воза очилгач, овоз йўқ бўлди. Ичкаридан темир совут кийган жисм чиқиб келди, шу пайт девор устида унга ўхшаган яна юзта шундай ҳайкал пайдо бўлди. Барчаси ўз ёйларидағи ўқларни Фарҳодга отиш учун тайёрланиб турарди. Шаҳзода эҳтиёткорлик билан ўқ ва ёйни қўлига олди-да, дарвоза олдидағи ҳайкал кўксидаги турган ойнага қараб отди. Темир ҳайкал, у билан бирга девор устидаги юзта ўқчи ҳам ерга йиқилди. Фарҳод яратганга шукронга айтиб, дарвоза томон юрди. Қалъя ичига кирганда, ҳамма томонда ҳадсиз-ҳисобсиз бойликларга кўзи тушди. Искандар етти иқлимини эгаллаганда топган давлатининг барини шу ерга тўплаган экан.

Қалъя марказида бир иморат бўлиб, ундан нур тара-либ турарди. Фарҳод унинг ичига кириб, бутун жаҳонни кўрсатадиган ялтироқ бир жомни кўрди. Ундан шодлиги ичига сифмаган шаҳзода ўз сафдошлари томон жўнади, чашма олдига етиб келиб, отига минди-да, хоқон хузурига қараб йўл олди, отаси билан лашкар аҳлини қайфу-ғамдан озод қилиб, кўнгилларига шодлик бағишилади. Барчаларини чашма олдига бошлаб келиб, аскарларни отлардан туширди-да, хоқон ва Мулкоро билан бирга қалъя томон юришиди. Фарҳод у ердаги барча бойликларни, жумладан, Жамшид жомини ҳам хоқонга тухфа қилди. Оқшом тушгач, яна айшу ишрат бошланди.

Эртаси куни тонг отгач, Фарҳод Суқрот ғори бўлган тоғ томон шошилди. Хоқон ва лашкарнинг бир қисми унинг изидан йўлга тушдилар. Анча масофа босиб ўтила-гач, баҳайбат тоғ олдига етиб келдилар. Унинг бағридан юз мингта тиник чашма отилиб турар, неча минг хил гиёҳ беҳисоб касалликларга даво эди. Тоғ бағридан жуда кўп ғорлар жой олганди. Хоқон билан лашкар бу манзара-дан лол қолиб туришаркан, Фарҳод: «Жоми Жамни келтиринглар, кўнглимиздаги ташвишдан у халос қиласа керак», – деб буюрди. Тезда жомни олиб келишди. Унга боқиб, барча жаҳон яққол кўзга ташланиб турганини, етти иқлимининг барчаси унда намоён эканлигини кўриш-

ди. Жомда Юонон мамлакати кўриниб турарди. Кейин унда фор ичи акс этиб, Суқрот яшаб турган манзил кўзга ташланди.

Шундан сўнг қидириб фор оғзини топишди-да, аввал жаҳоннамо жомни унга олиб киришди. Жом машъалдек нур сочиб, қоронги фор ичини кундуздек ёритди. У ердаги йўлни аниқлаб, Суқрот маконини излай бошладилар. Нихоят, йўл тугаб, форнинг кенгроқ бир ерида ҳамма отдан тушди. Ўша жойда тошдан ясалган бир пиллапоя кўриниб турарди. Шоҳ, вазир ва Фарҳод беш-олти поя кўтарилишган эди, бир айвон намоён бўлди. Шоҳ, Мулкоро ва шаҳзода ўша томонга қараб юришганда, уй тўридан уларни ичкарига даъват қилган овоз эшишилди. Учовлари кирган уйда бир парча нур порлаб турар, нуроний бир мўйсафид ўтиради. Бу зотни кўрган шоҳ билан шаҳзода таъзим қилиб, олдида ер ўпдилар. Мўйсафид улардан: «Йўл азобидан чарчамадингларми, йўлдаги балолардан қийналмадингизларми?» – деб сўради. Учовлари бошларини қуи солганларича лол бўлиб жим туришарди. Шунда Суқрот хоқонга қараб: «Сен кўп азоб чекдинг, бунинг эвазини Тангри бергусидир. Биз томон келишда алам тортиб, беҳисоб бойликларни, Сулаймон узуги-ю, Жамшид жомини қўлга киритдинг. Биз ҳам сенга иккита ҳадя берамиз. Булардан бири яхши хабар, иккинчиси бир жавҳардир. Хабар шуки, умринг узун бўлади, кўп мамлакатларни қўлга киритасан. Иккинчиси бир муҳра – мунҷоқдирки, кўп яшаш даврида бирон касалликка ёки қарилек заифликларига дуч келсанг, муҳрани оғзингга олиб сувини ютасан-да, дарддан халос бўласан, заифлик қувват билан алмашади, қарилекдан қутулиб, яшаргандек бўласан».

Суқрот Мулкорога боқиб, шундай башоратни айтди: «Сен ҳам кўп азоблар тортиб бу томонларга келибсан, шоҳ қанча вақт таҳтда ўтиrsa, ўшанча вақт унинг вазири бўлгайсан. Ҳар қачон сенга бирон дард йўлиқса, шоҳ ҳалиги муҳрани бериб дардларингга шифо багишлайди.

Лекин икки нарсадан: шамол билан сувдан эҳтиёт бўлсанг, улардан сенга бирон касаллик етганда Худо сенга мададкор бўлса, яна беш юз йил яшайсан». Шоҳ билан Мулкорога бу сўзларни айтгач, узр сўраб уларни уйдан чиқариб юборди-да, Фарҳодга яқинроқ келишини буюрди, унинг юзига синчковлик билан тикилиб, баъзи нарсалар ҳақида сўради, сўнгра шахзодага қараб: «Ҳузуримизга хуш келибсан, қоронғи уйимни равшан қилдинг. Мен бу тоғ ичида сени минг йилдан бери кутиб, қадамингга интизор эдим. Алҳамдуиллоҳ, юзингни кўрдим. Вақтимиз оз, чунки абадийлик кўчасига йўл олишим керак. Билгинки, жаҳон азалдан вактинчалик, фонийдур. Ҳаётдан мақсад эса иккитадир, бири ўзликдан қутулиш, иккинчиси эса Аллоҳ висолига етишишдир. Худони топиш учун эса ўзликдан воз кечиш зарур. Бунинг энг яхши чораси эса мажозий ишқдир. Ана шундай ишқ сенинг олдингда турибди. Унга эришсанг, ҳақиқий ишққа ҳам етишасан. Отангга ўҳшаган юз минг хоқон-у подшо унутилиб кетади, лекин сенинг яхши номинг ишқ оламида мангуб қолади», – деди-да, унга турли балолардан асрайдиган бир дуони ўргатди.

«Сени бу томонларга келишинг учун сабаб бўлган кўзгу масаласига келсак, – деди Сукрот, – Искандар тилсимини очиб, темир ҳайкал кўксидаги ойнани синдириган чоғингда ўша кўзгунинг тилсими ҳам очилган эди.

Бу ердан жўнаб Чин мамлакатига етиб борганингдан кейин кўзгуни кўришни истайсан, албатта. Шунда орқасига ёзилган гаплар унинг юзида намоён бўлади. Уни кўрар экансан, ишқ кўнглингдан ўрин олиб, ошиқлик давринг бошланади. Кейин кўзгуга ҳар қанча қарасанг ҳам унда акс этган нарсаларни қайта кўролмайсан. Ишқ ўтидан кўнглинг ўти осмонгача етади, лекин ҳеч ким сенга ёрдам беролмайди, аммо охири ўз муродингта етасан, шунда мени ҳам ёд этишни унутмайсан, деб умид қиласман».

Сукрот шу сўзларни айтиб тугаллагач, ҳаётдан кўз юмдӣ. Фарҳоднинг дили қайғу-изтиробга тўлиб, хоқон

билин Мулкорони чақирди. Улар ҳам алам чекишиб, до-нишманд айтган гаплардан хабардор бўлдилар. Бир неча доно кишини чақириб, Суқротни дафн этдилар. Эртаси-га эрталаб барчалари Чин сари йўлга тушдилар.

Хоқон, Фарҳод, Мулкоро ва лашкарлар кечани кеча, кундузни кундуз демай, тўхтовсиз йўл босиб, ниҳоят Чин диёрига қадам қўйиши. Хоқон ўз тахтини эгалла-ди, Фарҳод эса оромини йўқотиб, хазина калитларини олди-да, эшиклар очилиши биланоқ бекарор бўлиб, сир-ли кўзгу сари югарди. Билур сандиқни калит билан очдирди-ю, ичидаги кўзгуни қўлига олиб, унга назар таш-лади. Кўзгуда ажиг бир дашт намоён бўлди. Хилма-хил гулу лолаларга, сунбулу бинафшаларга, кўм-кўк майса-зорларга тўла бу дашт охирида бир тоғ осмонга бўй чўзиб тураг, унинг ичида сон-саноқсиз одамлар ариқ қазиш билан овора эди. У одамлар орасида Фарҳоднинг ўзига ўхшаган бир йигит ҳам тоғни кесиш билан банд эди. Бир пайт тоғ ичига бир-биридан гўзал бир тўда гўзал қизлар кириб келиши. Уларга гул юзли бир қиз раҳ-барлик қиласарди. Бошқа қизлар ой бўлсалар, бу улар ичидаги қуёшга ўхшарди. От устидаги бу соҳибжамол қиз Фарҳодга ўхшаган йигит олдига қараб юрди. Шаҳзо-да тимсоли қизнинг юзига боқди-ю, яраланган оҳу каби нола қилиб, ерга йиқилди. Бу ҳолатни томоша қилаёт-ган Фарҳод кўзгуни яқинроқ келтириб, унда кўринган қиз жамолига диққат билан боқди-ю, ўз тимсолига ўхшаб ҳушидан кетиб йиқилди. Шаҳзоданинг аҳволини кўрган хизматкорлар дарҳол хоқонга хабар етказиши. У эса ёқасини йиртиб, фарёд уриб хазинага қараб югарди. Она-си ўғлини ўлиб қолган деб ўйлаб соchlарини ёйиб йиғ-лашга тушди. Мулкоро билан унинг ўғли, шаҳзоданинг яқин дўсти Баҳром Фарҳоднинг ҳолига боқиб кўксила-рини пора қилиши. У эса ўчган шам каби ҳушсиз ётар-ди. Бир кечакундуз ўтгач, боғдан эсаётган тонг шамоли исидан ўзига келиб, боши устида йиғлаб турган отаси билан онаси, Мулкоро билан Баҳромларга кўзи тушди.

Бундан уялиб кетган шаҳзоданинг яна ҳушидан кетиб йиқилишига оз қолди. Кўпдан-кўп узр сўраб, ўрнидан турди-да, уларнинг оёқларига юзини суртиб, ер ўпди ва:

Деди: «Билмон, не ҳолат даст бермиш,  
Ки сизга мужиб ушбу мотам эрмиш.  
Бу иш гар хўб, агар зишт эрди бори,  
Манга, биллаҳ йўқ эрди ихтиёри.  
Тутунг маъзурким, расво бўлубмен,  
Демай расво бўлубменким, ўлубмен.  
Бўлинг хуш ботину зохирда мендин,  
Губоре асраманг хотирда мендин»

Фарҳод хижолат чекиб, бу сўзларни айтаётган бўлса ҳам, унинг жони билан кўнгли кўзгуда эди. Барчалари уйларига тарқалгач, Фарҳод яна кўзгу юзига боқди. Лекин энди ҳеч нарса кўринмасди. Чунки кўзгуни ясаган олим ундаги манзара фақат бир марта кўринадиган қилган эди. Бу ҳолатдан маҳзун бўлган шаҳзода: «Бошимга оғир ташвиш туцди. Лекин ўзимни пора-пора қилиб ташласам ҳам, мақсадимга етолмайман. Шундай экан, ақл билан иш кўришим ва отамни хурсанд қилишим зарур. Агар бетоқатлик қилиб бирор томонга бошимни олиб кетсан, хоқон ўша заҳотиёқ мени излаб топиш учун юз мингта лашкарини жўнатади. Улар бутун Чин мамлакатини қидириб, икки-уч кун ўтмай мени топишади. Сипоҳлар билан жанг қилсан, кўп begunoҳ одамлар ҳалок бўлиши аниқ. Ахир Чин ҳалқи менга қандай ёмонлик қилибди, мен шундай йўл тутсам?! У ҳолда қайси кўз билан шоҳ кўзига боқаман-у, эл юзига қарайман? Фам-аламимдан хабар топган хоқон мени асраш учун атрофимга соқчилар қўйса, аҳволим янада оғирлашади. Эс-ҳушини йўқотиб девона бўлибди деб, оёғимга банд солиб, узоқ бир жойга жўнатса, ҳолим не кечади? Шунинг учун ўзимни эҳтиётлаб, ақлни юритиб иш қилганим маъқул», деган қарорга келди. Аммо кунлар ўтар экан, қуввати кетиб, жисми турли

касалликларга чалина бошлади. Таъбида жиннилик аломатлари пайдо бўлиб, савдойиларча сўзлар айта бошлади. Кўнглида сабру қарор тугаб, қилаётган ишларини билмайдиган бўлиб қолди. Бу аҳволни кўриб турган шоҳ билан вазирнинг дарду алами кундан-кунга ортиб бораради. Уларнинг шаҳзодага қилаётган панду насиҳатлари фойда бермас, қандай чора топишни билмай изтироб чекишиарди. Фарҳоднинг ҳолати борган сари оғирлашаётганини кўрган шоҳ табибларни тўплаб, улар билан маслаҳатлашди. Анча тортишувлардан кейин табиблар бир фикрга келишиб, шоҳга шундай дедилар:

— Олампаноҳ, шаҳзоданинг мижозида иссиқлик кўпроқ эди, шунинг учун майни ҳам ёқтиарди. Икки-уч ёшидан ўн бир-ўн икки ёшига қадар ўқиш билан банд бўлди, икки-уч йил касблар билан шуғулланди, бунинг устига узоқ йўлни босиб ўтди. Тилсим очишни орзу қилиб аждару дев билан олишди. Шуларнинг барчаси сабаб бўлиб, мижозини иссиқ ва қуруқ қилиб қўйган. Ҳозирги кунларда ҳаво ниҳоятда исиб кетди. Ҳатто булоқлар қайнаб кетяпти. Бундай айёмда фақат салқин ҳаволи жойларда нафас олиш шаҳзодага даво бўлиши мумкин. Денгиз билан борилса, беш кунлик йўлда бир ажойиб орол бор. Унда баланд бир тоғ мавжуд, унинг устида эса етти-саккизта булоқдан муздек сувлар отилиб туради. Орол атрофидаги денгиздан ёқимли шамол эсса, тоғ чўққисидан совуқлик уфуриб туради. Ҳаттоки совуқдан чашмалар музлайди. Шаҳзода ана шу ерга борса, кўнгли очилиб, муборак жисми қувват топади.

Табибларнинг бу сўзлари шоҳга маъқул бўлди, дарҳол Мулкорога денгиз сафари учун ҳозирлик кўришни буюрди. Вазир тез орада барча тайёргарликларни ниҳоясига етказгач, шоҳ Фарҳодни огоҳлантириш учун одам юборди.

Бўлиб ўтган гаплардан, денгиз сафари бошланаётганидан хабар топган шаҳзоданинг кўнгли шод бўлиб: «Шоҳ олдидা менинг ушбу сўзларимни айтинг: «Шоҳнинг иста-

ги менинг истагимдир. У қаёққа боришини истаса, мен у билан доим биргаман», деб буюрди. Бу сүзларни хоқонга етказғанларида, унинг күзи ёшга тұлиб дуога құл очди. Сүңг кемаларга барча керакли нарсаларни ортишта фармон беріб: «Мен ҳам әртага деңгиз сафарига чиқаман», деди. Бу хабарни әшитған шаҳзода бенихоя шод бўлди. Унинг мақсади ҳам худди шундай эди.

Эрталаб шоҳ билан шаҳзода отларига миниб, деңгиз соҳилига етиб келишди. У ерда ёғочдан ясалған бир шаҳар кўринди. Беҳисоб кемалар сафарга тайёр бўлиб турарди. Уларнинг баланд елканлари кўзни қамаштирарди. Ҳар қайси кеманинг ичи бир уйдек келарди. Катта кемаларнинг сони икки юзта бўлиб, уч юзу әллик кемача ҳам фалак деңгизидаги янги ой-ҳилоллардек кўзга ташланарди. Яна кўплаб тез сузувчи қайиқлар ҳам бўлиб, кемаларнинг умумий сони бир минг беш юзтага етарди.

Хоқон билан Фарҳод ўзларига мўлжалланган кемага чиқишида-да, у ерда қуриб қўйилган шоҳона тахтларга ўтиришди. Неча минг моҳир кемачилар ишга киришиб деңгиз томон йўлга тушишди. Орзулари бўлган оролга қараб икки кечакундуз сузишди. Шамолдан деңгиз мавжланганда, юз турли балиқларга кўзлари тушди. Сув устида ҳар бири тоғдек келадиган улкан балиқлар ўёқдан буёққа сузиб юришар, орқалари умр дарахтини кесиш учун яратилган аррага ўхшарди. Наҳанглар кичик балиқларни ов қилишар, бир-бири билан уришиб кетса, икки тоғ тўқнашгандек кўринарди. Хилма-хил жониворлар беҳисоб эди. Шоҳ билан шаҳзода ҳар тарафга боқишиб бу ажойиботларни тўймай томоша қилишарди.

Тўсатдан деңгиз устида кучли шамол эса бошлади-да, кемадаги кишиларнинг юракларига қўрқув солди. Қари деңгизчилар: «Бундай шамол ҳар юз йилда бир марта юз берарди, у яхшилик келтирмайди», – деб ваҳима қилиб, ёқаларини йиртишарди. Шамол янада кучаймасдан турриб шоҳ билан шаҳзода омон қолишлиари учун кема олдига тез сузадиган бир қайиқни келтиришди, Фарҳод унга

тушиб олган ҳам әдики, катта бир тўлқин келиб урилгач, кема билан қайиқни бир-биридан ажратиб ташлади. Ота кемада оҳ чекканча қолиб, ўғил тушган қайиқ денигиз тўлқинлари узра сузиб борарди. Икковларининг ораларига кўришиш насиб этмайдиган айрилиқ тушди.

Шундан сўнг тўфон янада кучайиб, кетма-кет кўтарилаётган тоғдек тўлқинлар кўпчилик кемаларни бир-бира гура буриб парчалаб ташлади. Коронғу тушгунча тўфон тинмади. Ниҳоят шамол тўхтаб, денигиз тинчланди. Тонг отгач, кемалардан кўпчилигининг сувга чўкиб кетгани, одамларнинг аксар қисми ҳалок бўлиб, анчаси баликларга ем бўлгани, тахта парчаларини ушлаб олиб омон қолган одамларни тўлқинлар ҳар чеккага улоқтириб ташлагани маълум бўлди. Лекин шоҳ билан Мулкоро катта кема ичидаги омон қолишган экан. Ичида одамларнинг баъзиси ўлиб, баъзилари эса беҳуш ётарди. Хоқон кемаси бир қирғоққа етиб боргач, шу атрофдаги одамлар етиб келиб, тўфондан алам чеккан кишиларга ёрдам кўрсашибди, беҳуш ётганлар аста-секин ўзларига келишди.

Шоҳ Фарҳоднинг ғойиб бўлганидан қаттиқ изтиробда қолди, кейин: «Балки тўлқинлар уни бирон қирғоққа олиб бориб ташлагандир», деб тирик топишга умид қилди-да, Суқрот айтган сўзларини эслади. Омон қолганини фанимат билиб, ўз мамлакати томон йўл олди. Денигизда кучли шамол кўтарилиган чоғда Фарҳод тушиб олган қайиқ тўфон юз берган пайтда денигизга ғарқ бўлди-ю, шаҳзода бир тахтага маҳкам ёпишиб олиб омон қолди. Тўлқинлар бу тахтани у ён-бу ён отар экан, Фарҳод жонидан умид узуб қўйган эди.

Денигиз тахтани Яман мамлакати томонга суриб кетди. Шаҳзода тахта устида беҳуш ётаркан, Яманга қараб бораётган тез сузар бир кема устидаги савдогарлар кўриб қолишибди-да, денигизчиларни шаҳзода томонга юборишибди. Йигит тахта устида ўликдек ётарди. Қутқарувчилар нафас олаётганини кўриб, тирик эканига ишонч ҳосил қилишибди-да, кемага олиб чиқишибди. Кема аҳли турли хидли

моддаларни бурнига тутишган эди, Фарҳод кўзини очди. Шарбат ва овқатлар бериб уни ўзига келтиришди. Нихоят шаҳзода туриб ўтирида, ўзи билан нима аҳвол юз берганини сўради. Савдогарлар бўлган воқеаларни сўзлаб бердилар, кейин йигитнинг кимлигини сўрадилар. Фарҳод: «Биз, бир гуруҳ савдогарлар Хўтандан Яман томон келаётган эдик, тўфон кемамизни денгизга чўктириб юборди. Мен мана шу тахта устида омон қолдим. Гоҳ ҳушёр, гоҳ бехуш ётардим. Ҳушимни йўқотган вақтда сизларга дуч келибман. Мен ҳаётдан умидимни узиб қўйгандим. Сизларнинг яхшилигингиз туфайли ўлимдан қутулиб қолдим. То тирик эканман, сизларнинг хизматингиздаман», – деб жавоб қайтарди. Бу сўзларни эшитган кема аҳли уни ёқтириб қолиб, то қувватга киргунича унга меҳрибонлик кўрсатишиди.

Бир куни кемадагилар ўзлари томон сузиб келаётган бир неча қайиқни кўриб қолиши-ю, ҳаммалари оҳ-воҳ қила бошлишди. Фарҳод бунинг сабабини сўраган эди, улар йиғлаб: «Сен денгиз устида кўраётган бу қайиқлардаги одамлар оролларда яшайдиган қароқчилардир. Биттами, иккитами ёки учтами кемани кўриб қолишса, ҳар томондан ўраб олишиб нефтли шиша идишларни ёндириб туриб, кема томон отишади-да, одамларни ўлдириб, молларини эгаллаб олишади. Биз денгиздаги тўғри йўлдан адашиб, тўфон маҳали шу ерга келиб қолибмиз. Уларга дуч келган одамларда қутулиш умиди қолмайди», дедилар. Савдогарларнинг бу сўзларини эшитган Фарҳод уларнинг кўнгилларини шод қилиб: «Сизлар ҳечам қайғурманглар, Худо сизларни ҳар қандай оғатдан омон сақлайди. Сизларда кўпроқ ўқ билан қучли ёй топиладими?» – деб сўради. Унинг гапларига ҳамма ҳайрон бўлди-ю, лекин сўраган нарсаларини тезда топиб келишди. Ёй Фарҳод истаганича бўлмаса ҳам, ўқлар ёйга мос эди. У ё-ю ўқларни ҳозирлагунча, ҳар томондан қароқчилар етиб келишди-да, кемага ўт ёғдириш учун нефтли шишаларни ҳозирлай бошлишди. Кемани уларнинг шишалари ет-

майдиган жойда түхтатиши буюрган Фарход шишадаги нефтни ёкиб, савдогарлар кемасига отмоқчи бўлиб турган қароқчини нишонга олиб, шундай ўқ уздики, нефтлишиша парчаланиб, қайиққа ўт кетди-ю, ундаги барча қароқчилар ёниб кетишиди. Яна бир қайиққа қараб ўқ отган эди, у ҳам ёниб кетди. Иккита қайиқдагилар куйиб кетгач, қароқчилар қочишга киришишиди. Улар ўз кемалари бошини орқага бургунича, Фарход яна ўн-ўн беш қайиқни шу тарзда куйдириб йўқ қилди. Қароқчиларнинг баъзилари ўлиб, баъзилари куйди, қолганлари қочиб қолди. Бу ишларни кўриб турган кема аҳли хурсанд бўлишиб, унга молу жонларини беришга тайёр эдилар. Фарҳод эса ҳамон ўз дард-у аламлари билан банд эди. Бир неча кун ўтгач, улар кўзлаган манзил кўринди. Кема Яман бандаргоҳи томон йўл олди, ҳамма соҳилга чиқди. Денгиздаги минглаб балолардан омон қолган барча савдогарлар ғоятда хушнуд эдилар. Шаҳардаги бир манзилда жойлашиб сафар кийимларини ечдилар. Сўнгра май топиб келиб, ичишга киришдилар.

Майдан боши қизиган Фарҳод таҳти, қасрлари ва сипоҳлари ёдига тушиб, денгизда қолган отаси-ю озор чекаётган онасини эслаб, ўзининг бу тарзда овора бўлиб юргани, кўнглидаги ёрига етиша олмаётганидан хафа бўлиб, кўз ёши тўка бошлади. Савдогарлар унинг бу ҳолатини кўриб бири йиғласа, бошқаси лол-у ҳайрон бўларди.

Бу ерга тўпланган одамлар ичидаги бир ҳунарманд наққош бўлиб, унинг чизган суратлари жаҳон ҳалқлари эътиборини қозонганди. У оламдаги барча мамлакатларни кезиб чиққан, Хитойда ҳам бўлган, Моний билан сухбат қурган инсон бўлиб, номи Шопур эди. Саёҳат қилиб юрар экан, савдогарлар келаётган кемага тушиб қолган Шопур Фарҳод қилаётган ишлардан ҳайратга тушар, лекин бу ҳолатлар сабабини ўйлаб тополмасди. Денгизда кўрсатган жасорати, қуруқликдаги ушбу аҳволи: кўз ёшлари билан чекаётган нола-ю зорларини кузатаркан, ўйлаб ўйлаб унинг кўнглини ишқ тифи яралаганини англаб етди.

Бу ҳақда сўз очилганда эса, Фарҳод бепарводек кўринарди. Йигит дилидаги дардни сўраб билолмаган наққош ишқ дарди ҳақида сўз очди. Унинг ҳикоялари Фарҳодга таъсир килаётганини кўргандан кейин Шопур ишқий афсоналарни кўпроқ сўзлаб берадиган бўлди. Шу тарзда икковлари дўстлашиб қолишиди.

Фарҳод Шопурни бир дам кўрмаса, дарров уни излаб топар ва муҳаббат ҳақидаги афсоналаридан айтиб беришини илтимос қиласади, уларни эшиштар экан, йифидан тинмасди. Ниҳоят Фарҳод Шопурнинг ўз ахволи ҳақида ги саволларига жавоб берадиган бўлди.

Бир куни Шопурнинг: «Ота-онанг, мамлакатинг ҳамда ўз ҳаётинг ҳақида сўзлаб бергин», – деган илтимосига: «Бу гаплардан фойда йўқ, яхшиси сенга бир воқеани айтиб берай. Бир куни бир ажойиб мамлакат тушимга кирди. Унга ўхшаш ўлкани кўрган эмасман», – деди-да, кўз олдида намоён бўлган манзараларни бирма-бир сўзлаб берди. Гап ўзи севиб қолган қизга тақалганида эса оҳ тортиб, хушидан кетиб қолди. Шопур уни зўрға ҳушига келтирди. Атрофдаги одамлар эса тўхтовсиз май ичиш билан банд бўлиб, иккала дўстнинг гапларига парво қилишмасди. Шунда Шопур: «Дўстим, мен сенга ҳамсұбат бўлиб, яширин сирларингдан огоҳлик топдим. Сен энди ғам емагин, чунки сен белгиларини айтиб берган ер жаҳондаги энг гўзал жой бўлиб, мен уни кўрганман. Ҳавоси роҳатбахш, гулларӣ ҳисобсиз, гўзалликда Боғи Эрамдек бу жойнинг номи Армандир. Сен у ерга бормоқчи бўлсанг, мен ҳамроҳлик қилай», – деди.

Бу гапларни эшигтан Фарҳод ўз баҳтига ишонмас эди. Буни кўрган Шопур: «Сўзларимга ишонмаётган бўлсанг, далил келтирай», – деди-да, қофозу қаламини қўлига олиб, ўзи айтган диёрнинг суратини чиза бошлади. Шундай бир тасвир яратдики, Фарҳод кўзгуда кўрган манзарадан биронта ҳам фарқи йўқ эди. Суратни томоша қилган шаҳзода дўстининг сўзлари рост эканига ишонч ҳосил қилди-ю, мастрлардек йиқилди.

Фарҳод уйқудан кўзини очиши биланоқ Шопур айтган сўзлар, у чизган ажойиб сурат ёдига тушиб ўрнидан турди-ю, Шопур олдига югурди. Унинг товушидан уйғониб кетган Шопур бу келишдан унинг мақсади нима эканлигини сўради. Фарҳод унинг оёғига бошини қўйиб: «Берган ваъдангга вафо қилгил!», – деб илтимос қилди. Шопур розилик билдиргач, иккала дўст йўлга тушдилар. Манзилма-манзил дам олмай боришар экан, Шопур билан Фарҳод ширин сухбатлашар, дўстлик, ҳамдардлигу ҳамкорлик ҳақида фикрлашишар, Арман диёри тасвирланган сурат тўғрисида сўз юритишарди.

Шу тарзда анча юриб, Арман мамлакатига қадам қўйдилар. «Сен тушингда кўрган мамлакат мана шу. Атрофни айланиб томоша қилгин-да, ўзинг тилаган жойни топгин», – деди Шопур. Фарҳод шу диёрни икки-уч кун кезгач, ўзи тушида кўрган дашт унинг кўзи олдида намоён бўлди. Ўша майсалар, ўша савсан, ўша гуллар, атрофида ўша булбуллар... Қаёққа қарамасин, ўзига таниш гуллар, тиканлар, гиёҳларни кўрарди. Булардан кўнгли ҳаяжонга тўлиб, безовталанарди. Шунда Шопурга қараб: «Эй ҳамдам дўстим, тушимда кўрган ҳамма нарса бу ерда кўриниб турибди. Энди менга яқинроқ юриб, ҳолимдан хабардор бўлиб тургин. Бу ерда тош қазиётган одамларнинг шовқинлари эшитиляпти, жоним эса ўша томон боришга интиляпти», – деди.

Иккала дўст ўша тарафга йўл олдилар. Кўп ўтмай тоғ ичида ариқ қазиш билан машғул бўлган икки юзга яқин одамларни кўрдилар, ҳаммаларининг қўлларида теша бўлиб, уни тошга уришар, лекин қаттиқ тошларни кесиши шунчалик қийин эдики, юз марта теша урилганда ҳам нўхатча, ҳатто кўкнор уруғича тошни ҳам кесиб олиша олмасди. Икки юзта уста уч йил давомида тўхтовсиз метин урсалар ҳам, фақат икки-уч юз қари<sup>9</sup> ердаги

<sup>9</sup> Қари – 75 см га тенг бўлган узунлик ўлчови

тошнигина қазиб олишган бўлиб, уларнинг ҳам кўпи чала холича ётарди. Тош кесувчилар бу хил азоблардан алам чекишар, лекин ишбошилар уларни тинимсиз жазолашарди. Бу аҳволни кўрган Фарҳод усталар олдига келди-да: «Эй жафо чеккан одамлар, чекаётган азобингизнинг сирини айтинг, нега бунчалик алам чекяпсиз, бу бало сизнинг бошингизга қачон тушди? Сизларни кўриб ичимга ўт туташди», – деди.

Тош кесувчилар унинг бу сўзларидан ҳайрон бўлдилар-да, сўнг юзидан нур томиб турган Фарҳодни дуо қилишгач, жавоб қилдилар: – «Жаннатнинг рашкини келтирувчи бу мамлакатга Афридун наасабидан бўлган, фазилатда эса Жамшиддан ҳам юқорироқ турувчи малика Мехинбону хукмронлик қилади. Унинг гўзал бир жияни бўлиб, хусну жамолини тасвирлаб беришга ожизмиз, чунки биронта одам ҳам унинг юзини кўргани йўқ. Унинг чехраси гулдек, киприклари тикандек дейишади. Мехинбону бу қизни яхши кўрганидан доим ўз ёнида олиб юради.

Биз қазиётган ушбу тоғнинг бир боши шарққа, иккинчи боши эса ғарбга туташади. Шарқ томонида бир чашма бор бўлиб, уни «Айнул – ҳаёт», яъни «Тириклик чашмаси» деб аташади. Унинг сувини ичган ўлик ҳам тирилиб кетади. Маликанинг жияни ҳам баъзида ушбу булоқ олдига келиб, дугоналари билан ўйин-кулги қилишади. Тоғнинг ғарб томонида эса у қиз яшайдиган мамлакат – Армания жойлашган. Ой юзли сохибжамол ўзи яшаётган манзилда муҳташам бир қаср курдиришни хоҳляяпти. У ер жуда чиройли, хуш ҳаво бўлса ҳам, суви йўқ. Шунинг учун муҳандислар ариқ қазиб, чашма сувини қаср томон оқизишини маъқул кўришган. Чашмадан қасргача ўн йифочга яқин масофа бор. Лекин тоғдаги тошларни тешалар, ҳаттоқи метинлар билан ҳам парчалаб бўлмаяпти. Уч йилдан бери азоб тортиб келяпмиз, синмаган метину теша қолмади. Бу оғир меҳнатдан йигитлар чолларга ўхшаб қолишли.

Қазиган еримиз эса

икки-уч юз қаридан ошмайди. Бу аҳволда Нуҳ пайғамбардек узун умр кўрсак ҳам, бу ишни тугаллашимизнинг иложи йўқ».

Бу сўзларни эшитган Фарҳоднинг кўнгли ношод бўлиб:

*Деди: «Бу неча мазлуми ситамкаш,  
Фалак бедодидин бўлғон аламкаш.  
Ки вайронлиғларида юз халалдур,  
Агар қилсан мадад воқеъ маҳаллур.  
Хунарни асрабон неткумдур охир,  
Олиб туфрокқаму кетгумдур охир.»*

Сўнгра темирчидан дам билан кўра сўраб олди-да, белига чарм пешбанд боғлаб, дам учини кўрага маҳкамлади, кўмирни тўқди ва дам бериб, уни чўқقا айлантириди. Шундан кейин бор теша-ю метинларни йиғдирди-да, ҳар ўн-ўн беш метинни ўтга солиб эритиб, улардан битта метин ясади, шунча тешани ҳам битта тешага айлантириди. Яна тоғ қазишда ишлатиладиган гурза, қайроқ каби асбобларни ясаб, уларнинг барчасига халқдан яширин ҳолда Корандан ўрганганидек сув берди. Одамлар унинг ишларини ҳайратланиб кузатишар, савол беришни лозим топмай жим туришарди.

Фарҳод ўзи ҳозирлаган асбоблар билан ариқ қазишга киришиб, тошларни худди сел қумни ўйғандек осонлик билан кўчира бошлади, сўнг баҳайбат тошларни метин билан уриб майдалади. Теша урганда сачраётган тош парчалари бир йиғоч<sup>10</sup> ерга бориб тушаркан, қараб турганлар улардан бошларини олиб қочишга мажбур бўлишар эди.

Фарҳод ўша куниёқ тошларни кесиб, ариқнинг бир қисмини тайёр қилди. Икки юзта тошкесар уста уч йил ичидаги бундай ишни бажара олмаган эдилар. Унинг қил-

<sup>10</sup> Бир йиғоч – 12 км масофа

ган ишлари әлга овоза бўлиб, Мехинбонуга қадар етиб борди.

Арманияга бориб, Мехинбону ҳузурига кирган бир гурӯҳ кишилар: «Ариқ қазилаётган тоғ ичида бир паҳлавон йигит пайдо бўлиб, тош кесишда шундай ишларни қиласяптики, одамзод уларни бажаришга қодир эмас», – дейишиди-да, кўрганларини тўла-тўкис айтиб беришди. Мехинбону уларнинг сўзларини тинглаб, ҳайратланди, аввалига ишонгиси келмади, ўйлаб-ўйлаб гўзал жияни ҳузурига борди-да: «Сенга ажойиб бир хабар келтирдим: сенинг истагингга кўра ариқ қазилаётган тоғ ичида бир йигит пайдо бўлиб, ажойиб ишлар қилаётган эмиш. Уч йилда битган ишни ўзи бир кунда бажарибди», – деди. Мехинбонудан бу сўзларни эшитган Ширин номаълум йигит қилаётган ишларни бориб кўриш истагини билдириди. «Ариқни қазиши учун кўп маблағ сарф қилдим-у, тошкесувчиларнинг меҳнатини эшитиб, унинг битишидан умидимни узган эдим. Энди шундай ажойиб меҳмонни бизга йўллаган Худойимга шукrona айтиб, унинг ишларини кўришга боришимиз керак. У бизга керак одамга ўхшайди, шундай экан, биз ҳам унга меҳрибонлик кўрсатайлик», – деди гўзал қиз.

Мехинбону билан икковлари отларга миниб тоғ томон йўл олишиди. Улар билан бирга тўрт юзта канизлар ҳам боришарди. Гулгун от устида бораётган париваш фоятда соҳибжамол эди:

...Юзи атрофида дурри лаоли,  
Қуёш даврида ахтарлар мисоли.  
Ики қоши ҳилоли фитна ангез,  
Ёзилғон кўп ул ой бошида хунрез.  
Не икки анбар осо зулф, ваҳ-ваҳ,  
Не икки жонфизо лаб, оллаҳ-оллаҳ.  
Оғиз устида бурни турфа тимсол,  
Тутуб ёнида манзил ҳиндуйи хол.  
Қади авзода жаннат савсанидек,  
Юзи гул, лек юз гул хирманидек.

Қаду ораз била шамшоду гулфом,  
Не шамшоду, не гул, сарви гуландом.  
Лабидин жон томиб бисёр-бисёр,  
Сўзидин шаҳд оқиб харвор-харвор...

Мехинбону билан жияни төғ қазиётгандар маконига етишгач, Фарҳод ишлаётган жой яқинига боришди-да, юқорироқ бир тепаликдан туриб томоша қилишди. Уларнинг кўзи олдида тош кавлаётган бир йигит метин билан ариқ қазир, тошларни парча-парча қилар, қоши чимирилган, сultonлик нури балқир, пешонасидан муҳаббат дарди, юзидан эса узоқ юртдан келганлиги аён бўлиб турар эди.

Бу манзарани кўриб турган Ширин ҳайрат, таажжуб билан йигитга қарапди. Унга нисбатан юрагида меҳр пайдо бўлди-ю, юзига парда тутиб Фарҳодга яқинроқ бориб сўз очди: «Эй нодир йигит, биз айтмасимиздан бу ишларни бунёд қилиб, кўнглимизни ғоятда шод этдинг. Сенинг қўлларинг ҳунар эмас, мўъжиза яратди. Ҳар қанча миннатдорлик билдирсак ҳам, бир кунлик меҳнатингга арзимайди. Қилаётган ишларингга биздан қайтмаса, Тангридан қайтсин». Кейин Ширин бир лаганда қимматбаҳо жавоҳирлар келтиришни буюриб, уларни йигитнинг бошидан сочди. Қиз ўзининг бу ишидан мамнун бўлса, Фарҳод ўзини йўқотиб, зўрга оёғида турарди. Шириннинг нафаси унинг кўнглига изтироб солган, тани титраб, оромидан жудо бўлганди. Кейин қизга боқиб: «Нафасингдан ўзимни ўлган ҳисоблаяпман, овозингдан эса ҳаёт азобларидан кутулдим. Кимлигингни қандай қилиб билай? Балки ичимни қонга тўлдирган сендирсан? Мени бегона юртларда овора қилган, диёру мулкимдан айирган ўзингдирсан? Сўзларингни эшитгач, жонимдан айрилдим, оҳ, юз оҳки, юзингни кўрмай ўляпман!» – деди-да, шундай бир оҳ тортдики, Ширин юзидаги парда учиб кетди. Қизнинг оламни бе затувчи жамолини кўргач, ўзини кўзгуда мафтун айла-

ган ва эс-хушидан айирган париваш шу эканлигини билгани Фарход фифон чекиб ерга йиқилди.

Унинг бу ҳолатини кўрган Ширин ўлди деб ўйлаб, қаттиқ оҳ чекди. Дўсти қошига дарҳол етиб келган Шопур Фарҳод бошини кўксига босганча, зор йиғлашга тушди. Унинг ёнида Ширин йиғлаб турарди. Бироздан сўнг Меҳинбону билан Ширин Шопурни олдиларига чақирдилар-да, Фарҳод ҳақида сўрадилар. У ўз дўсти ҳақида билганларини сўзлаб бергач, Меҳинбону билан Ширин зор-зор йиғлашга тушишди. Кейин Фарҳодни подшоҳона тахтиравонга солишиб, сарой томон йўл олишди. Манзилларига етгач, Меҳинбону даргоҳининг бир бурчагида тахт устига шоҳона ўрин солиб, у ерга Фарҳодни ётқизиб қўйишиди. У эса ҳалқ аҳволидан ҳам, ўз ҳолидан ҳам бехабар бўлганича бехуш ётарди. Фарҳод икки кечакида-ю икки кундуз гоҳ-гоҳида нафас олиб, бехуш ётди. Учинчи кечада сарой аҳли уйқуда экан, ўзига келди-да, атрофига боқиб, шоҳона тахт устидаги ўринда шоҳ каби ётганини кўрди. Бу ерга қандай қилиб келиб қолгани ҳақида ўй суриб, гўзал қизнинг юзини кўриб, сўзларини эшитар экан, ўзидан кетиб қолганини эслади. Уялганидан терга ботди-да, уйдан чақмоқдек сакраб чиқди-ю, севинганича тез-тез юриб, биёбондан ўтиб, ариқ қазилаётган манзилга етиб борди, метин билан тешасини топди-ю, ўзига ўзи: «У паричеҳра гўзал мен мажнунга шунча меҳр кўрсатиб, хушимдан кетганимда эъзоз қилибди, унинг яхшилигига қандай жавоб қайтарсан экан? Унинг тилаги шу ариғ бўлиб, тугалланишини бесабрлик билан кутаётган экан, менга муҳлат берса, шу ниятига етказиб, дардига даво қилайин», – деганича, тош чопишга шундай қаттиқ киришдики, тоғ фарёд қилиб юборди. Метинни тошга урганида чақмоқ чаққандек бўлар, қаттиқ тошларни осонлик билан парчаларди. Туну кун тинмай ариқ қазир экан, дам олишни билмас, унинг ишларини томоша қилишга келган тўда-тўда одамларнинг кети узилмасди.

Фарҳод хушига келиб, ўз иш жойига қайтган кеча ўтиб, тонг отгач, сарой аҳли ҳам, Шопур ҳам уни топишолмай ғамга ботишиди. Шопур уни излаб келиб, ишлатётганидан хабардор бўлиб ғамини унугтган бўлса, Ширин айрилик ўтида ёнарди. Охири бир баҳонани ўйлаб топди. Мехинбонуга: «Мен ариқ қазишига буюрганимда, тақдир у йигитни биз томонга юборган экан, агар уни қидириб топмасак, бу иш чала қолиб кетади, чунки усталар ҳар қанча ҳаракат қилмасинлар, юз қари ҳам қазий олмайдилар. Шунинг учун ҳар томонга одамлар юбориб, уни албатта топишимиз зарур», – деди. Мехинбону унинг безовталигини кўриб изтироб чекаётганини, қалбидан Фарҳод муҳаббати жой олганини пайқади-да, насиҳат қилиш бефойда эканига ишонч хосил қилиб, Фарҳодни излаб топишга буйруқ берди. Юборилган одамлар йигитни топиб, у аввалгидек ариқ қазиётгани ҳақидаги хабарни Мехинбону билан Ширинга етказишиди. Ширин ниҳоятда шодланиб, қувончларга тўлди-да, Фарҳодни яна бир бор кўришга чора излай бошлади. Бир пана жойда туриб йигитга бокса, бу кўради-ю, у эса буни кўрмайди. Чунки Фарҳод уни кўриб қолса, яна бетоқатлик қила бошлайди-да, уларнинг сирлари кўпроқ ошкор бўлади.

Мехинбону ҳам Фарҳоднинг олдига бориб, ахволини сўраш, дилидаги яширин ғамлардан огоҳ бўлишни истар, «Қани энди шундай йигит менинг фарзандим бўлса эди», – деб орзу қиласар экан, йигитга бўлган меҳри тобора ортиб борарди. Лекин Ширин айрилик дардидан азобланар, кечадан тонггача ухламай чиқарди. Дардларини айтишга бирон ҳамдард тополмас, севгисини изхор қилишга номуси йўл қўймас, олдига борай деса, Фарҳоднинг безовта бўлишидан чўчириди; бормай деса, жони фироқ ўтида қовриларди.

Фарҳод тошларни ёриб ариқ қазар экан, бу иш тугалланса, Ширин томошага келиши, унинг жамолини яна бир марта кўриб шодликдан жони чиқса, жаҳонда армо-

ни қолмаслигига умид қиласы. Шу орзу билан тонгдан шомгача тош чопишидан чарчамасди.

У, муҳандислар каби аввал ариғнинг икки ёнини чизиб оларди. У четидан бу четигача уч қари бўлиб, чуқурлиги икки қари эди. Ҳар бир чизифи минг қаридан ортиқроқ эди. Минг қари ариқни пардозлаб бўлгач, яна минг қаридаги ишни бошларди. Ҳар минг қари қазилганда чиқитга чиққан тош парчаларини икки юзта тош кўчирувчи ташиб кетар, улар ариқ ичини тозалагунларига қадар тешасини яна қўлига олиб, сайқал берарди. Бирон ерда тош тугаб, тупроқ чиқиб қолса, иш кўпайиб, уни тош билан қоплагунча анча заҳмат чекарди. Ариқ ичини безаб турган тошлар биритирилган жойлардан биронта ҳам ёриқ топилмасди. Йўлида тоғлар учраса, уларнинг тепасига чиқиб олиб, тошларни парчалар, метинидан учган тош бўлаклари тўлин ойга қадар етиб борганида, у ўз шуъласи билан юзини тўсиб олар, майда тошларнинг ўзларига тегишидан ҳайиққан юлдузлар бошларини ҳар томонга олиб қочарди. Фарҳод шу тарзда шижоат кўрсатиб, бир тоғни икки-уч кунда қўпориб ташлар, унинг ўрнини текислаб ариқни давом эттиарди. Оз фурсат ўтиб ариғнинг боши қаср қуриладиган жойга етди. У ерда Фарҳод тошларни кесиб тўрт томони олтмиш қарига тенг бўлган ҳовуз курди.

Қаср қуриладиган майдонда катта бир тош бўлиб, айланаси беш юз қари келарди. Унинг чор атрофини йўниб, кейин ичини кавлай бошлади-да, баланд гумбазли, айвони сув томонга қараган, уч томонида эса тоқу айвони бўлган ажойиб қасрни бунёд этди; деворларига тахтда ўтирган Шириннинг ва унинг хизматида бўлган париваш қизларнинг тасвирини чизди. Минглаб шу хил тимсоллар орасида Ширин рўпарасида беҳол турган Фарҳод ҳам акс эттирилган эди. Қаерда Ширин қиёфаси гавдалантирилган бўлса, унга маҳлиё бўлиб турган Фарҳод тимсоли ҳам тасвирланган эди.

Бу ишларнинг барчасида Шопур унга мададкор бўлди... Ҳовуздан ариғлар тортилиб, улар қаср атрофини айла-

ниб оқадиган қилинди. Ариғлар сарой рўпарасида шалолалар ҳосил қилиб шаҳар томон йўл олар, ҳар бир шалоланинг баландлиги икки минг қари келарди. Шаҳар аҳолиси бу сувлардан фойдаланиб, боғу бўстонлар яратиши мўлжалланган эди.

Ана шу ишларнинг барчаси тугаллангач, Фарҳод сув бошига бориб ариққа сув очиш тайёрлигини кўра бошлади. Бундан хабар топган мамлакату шаҳарга сув очишишини кўриш истаги тушиб, барча одамлар тоғ томон йўл олдилар.

Фарҳод эса: «Шунча ҳалқ ичида Ширин ҳам бормиқан, томоша қилишга ой юзли гўзалим ҳам келармиқан, агар келса, шодликдан ўлиб қолишим аник, келмаса унинг висолига зорлигим туфайли ҳалок бўлишим ҳам муқаррар», – деб хаёл сурарди.

Одамлар унинг безовталигини кўриб, сабабини билишолмай ғам чекардилар. Фарҳод икки қулоғини йўлга тутиб Шириларнинг келишини интизорлик билан кутар экан, ҳалқ унинг ҳолини кўриб кўз ёшларини тўхтатолмасдилар. Фарҳод қайси томонга қараб юрса, эл унга эргашиб борарди. Шу ҳолда барчалари сув бошига етдилар. Шириларнинг етиб келишини кутаётган Фарҳод бир оз дам олмоқчи эканини айтди. Бу бир баҳонагина бўлиб, аслида йигит кўзи тўрт бўлиб, ҳар тарафга боқиб ўз дилдорини изларди.

Фарҳоднинг сув очиш учун тоғ томон йўл олганини эшитган Ширин: «Тезда от келтиринглар!», – деб чопар йўллади. Ширин сўзларини эшитиб хурсанд бўлиб кетган малика Фарҳодга яқинлашди-да: «Бир оз дамингни олиб тур, Ширин бу томонга келаётган экан», – деди. Фарҳод бу сўзларни эшитгач, қалби шодликка тўлди. Мехинбону шу ерда бир тахт қуришни буюрди, унга гиламча ҳам солдирди, ўзи ўша ердан жой олиб, Фарҳодни ҳам ўтиришга таклиф этди. Тошкесар йигит Бону рўпарасига келиб ўлтирди. Малика унга Ширин ҳақида сўзлар айтиб, хурсанд қилишга интиларди. Фарҳод уял-

ганича ерга икки кўзини тикиб ўтиради. Баъзан Мехинбонунинг саволларига одоб билан жавоб қайтарар экан, сўзлари унинг ақли ва зийраклигидан далолат берарди, юзида эса фаҳму фаросати акс этиб туради.

Бир пайт узокда тўтиёранг чанг кўтарили. Кўрганлар бу гард гўзаллар сultonи Шириннинг от чоптириб келаётганидан дарак эканлигини айтишди. Одамларни сув бошидан, малика билан Фарҳод олдидан нари суришди. Фарҳод жисмига титроқ тушиб, безовталана бошлади. Шунда Мехинбону унга яқинроқ келиб: «Эй фарзандим, ўзингни тутиб ол, кўнглинг билан кўзингни эҳтиёт қил. Агар ҳозир ҳушингни йўқотсанг, бир неча йил қилган меҳнатинг зое кетади. Девоналик сени мағлуб қилса, пари пайкар ҳам эл ичидан изза бўлади. Ўзингни асра, яна фойиб бўлиб қолма. Ўзингни ҳам, мени ҳам, у ҳурни ҳам паришон айлама», – деб насиҳат қилди. Фарҳод ўзини тутиб олгунича, унинг олдига Ширин етиб келди. У юзига ниқоб тутиб олган бўлса ҳам, бекиёс гўзаллиги шундоққина кўриниб туради.

Шу пайт Мехинбону Фарҳодга қараб: «Энди ишга кириш, аммо кўзингни Ширин томон боқишдан асра. Бу сўзларим сенга маъкул тушмаса ҳам, шундай қилсанг яхшироқ бўлади», – деди. У малика олдида ер ўпиб, Шопур қўлини тутгач, ўрнидан турди. Метинни қўлига олди-да, сувни очишга тушди. Ширин унинг ёнига бориб, ариқ ичини томоша қилар экан, кулимсираб ҳар лаҳза бошини тебратиб қўярди. Фарҳод бунёд этган ҳар қайси ишдан ҳайратланиб, тўхтовсиз офарин айтарди.

Фарҳод сувнинг эски йўлини тўсиб, янги ариқ томон оқизди. Халойик ичига favfo тушиб, сув билан ёнма-ён югуришарди. Ариқнинг икки томонида чолғучилар соз чалиб боришарди. Мехинбону билан Ширин қаср олдига сувдан олдинроқ етиб бориш учун от суриб кетишди. Лекин сув отлардан ҳам тезроқ оқиб борар, у билан бароварлашишга интилган қанча-қанча одамлар бир-бирларининг устларига йиқилишарди. Халойик орқасидан

бораётган Фарҳоднинг икки кўзи ҳури паризод – Ширинда эди. Гўзал қиз тоғ ва чўлда ўн йифоч йўл босди, кейин яна етти-саккиз йифоч масофани оти чоптириб ўтди. Бир маҳал унинг чарчаган оти юрмай тўхтаб қолди. Ширин уни мажбур қилса, оёқлари чирмашиб, ўзи йиқилиши мумкин эди. Шунда Фарҳод бу хавфни сезиб тезда етиб келди-да, энгашиб от остига кириб, бир қўли билан унинг олдинги икки оёғини, иккинчи қўли билан кейинги икки оёғини маҳкам тутганича, кўтариб олди-да икки уч йифоч йўлни тезлик билан босиб ўтиб қаср ва ҳовуз олдига етиб келиб отни ерга қўйди. Ширин отдан тушгач унга таъзим бажо қилди-да, зор-зор йиғлаганича орқасига қайтди. Тоғ устига чиқиб олиб, баҳор булутидек қўз ёшларини тўка бошлади. Бу пайт ариқдан келган мўл-кўл сув ҳовузни лиммо-лим тўлдирди-да, қасрни айланиб ўтиб шаҳар томон йўл олди. Ариққа «Наҳр улҳаёт», яъни «Ҳаёт дарёси» деб, ҳовузга «Баҳр ун-нажот», яъни «Нажот денгизи» деб исм бердилар.

Сув ҳовузда мавж ура бошлагач, одамлар анча вақт уни томоша қилишди. Меҳинбону билан Ширин бу оғир ишнинг тугалланганидан шодликка тўлишди. Безатилган қасрда шодиёналар давом этарди. Лекин Ширин Фарҳод ҳақида ўй суриб ғам чекарди. Меҳинбону жиянинг бу ҳолатидан хабардор бўлган эса-да, бу ишга қандай чора топишни билмасди. Шириннинг дарду алами тобора кучайиб бораётганини сезган малика: «Бу шайдо йигит жуда кўп азоб чекди, унга ҳар қанча бойлик ҳадя қилсан ҳам оз. Лекин у бойликни хушламаяпти. Шунинг учун унга мурувват кўрсатиб, сўз билан кўнглига кувват берсак, уни меҳмонга чақириб, шоҳона зиёфат уюштиrsак, нимани тиласа, бажо келтиrsак», – деди. Ширин бу сўзлардан хурсанд бўлиб, гулдек очилиб кетди.

Меҳинбону, зиёфат учун керакли ҳамма нарсани ҳозирлашни буюрди-да, икки-учта доно мулозимни Фарҳодни олиб келишга йўллади. У, Меҳинбону таклифидан шодланиб, мулозимлар билан қаср томон йўлга тушди. Фар-

ход етиб келгач, малика унга чексиз ҳурмат күрсатиб, курсига ўтқазди, ёнидан Шопур жой олди.

Меҳинбону Фарҳод билан Ширин суҳбатлашиб ўти-  
пар экан, дастурхон ёзилиб, шоҳона зиёфат бошланди.  
Соқийлар тўхтовсиз май тутишар, ҳофизлар тинмай куй-  
лашарди. Зиёфатда иштирок этаётган ўнта гўзал қиз-  
нинг барчаси бирон соҳада моҳир эди:

Бири ашъор баҳри ичра ғаввос,  
Бири адвор<sup>11</sup> даври ичра раққос.  
Бири мантиқ русумида рақамкаш,  
Бири ҳайъат<sup>12</sup> руқумига қаламкаш.  
Бирининг шеваси илми ҳақойик,<sup>13</sup>  
Балогатда бири айтиб дақойик.<sup>14</sup>  
Бири тарихда сўз айлаб фасона,  
Бири хикмат фани ичра ягона.  
Ҳисоб ичра бирининг зеҳни бориб,  
Муаммода<sup>15</sup> бириси от чиқориб.  
Бу фанларда булар бир-бирдин аҳсан,<sup>16</sup>  
Юз ул фанлиқ аро ҳар қайси яқфан.  
Дилорому Дилорою Дилосо,  
Гуландому Суманбӯю Сумансо.  
Паричехру Паризоду Париваш,  
Парипайкар, зиҳи ўн исми дилкаш.

Меҳинбону уларнинг ҳар бирига саволлар берар экан,  
қизлар ўзлари биладиган фанлар ҳақида сўзлаб берарди-  
лар. Уларнинг ҳикматларини эшишиб турган Фарҳод ўзи  
унутган билимларини ёдига келтирди. У кетма-кет ичи-  
лаётган май таъсирида журъатланиб, ўнта қизга турли  
илмлар бўйича саволлар бера бошлаган эди, қизлар жа-

<sup>11</sup> Адвор – мусиқа илми

<sup>12</sup> Ҳайъат – астрономия илми

<sup>13</sup> Ҳақойик – Аллоҳ ҳакидаги илм

<sup>14</sup> Дақойик – ўтқир фикрлар

<sup>15</sup> Муаммо – шеърда яширилган сўзни топиш илми

<sup>16</sup> Аҳсан – яхшироқ

воб айтишга қийналиб қолишиди. Шунда бу саволларга Фарҳоднинг ўзи жавоб айтиб, ҳаммани лол қолдирди.

Илм аҳлининг шоҳи сарвари бўлган Мехинбону унинг билимдонлигини кўриб, таҳтидан тушди, Фарҳоддан таҳтга чиқиб ўтиришини илтимос қилди. Фарҳод рози бўлмагач, малика таҳт олдига кўрпача солишни буюрди-да, унга Фарҳодни ўтқазиб, ёнидан ўзи жой эгаллади. Бу пайтда парданинг орқасида ўтирган Ширин барча воқеаларни кузатиб туарди. Кўзидан тинмай ёш оқар, баъзан хушидан кетиб қоларди. Буларни бошқа одамлар кўрмасди. Лекин Мехинбону жиянининг ҳолатидан хабардор эди. Кўнглида: «Ширин муҳаббат ўтида куйиб, адо бўлиб боряпти. Агар бу йўлда у ҳалок бўлса, мен гуноҳкор бўламан», – деб ўйлади-да: «Ширинга айтинглар, у мезбонлик айлаб, меҳмонни хурсанд қилсин», – деб буюрди. Ширин парда орқасидан аста чиқиб келар экан, худди қуёш балқигандек қаср ёришиб кетди. Фарҳоднинг кўзи унга тушгач, кучли бир оҳ тортди-да, бехуш бўлиб, йиқилишига оз қолди. Мехинбону Ширинга ўз ёнидан жой кўрсатди. Соқийлар уларга май тутишар экан, Ширин ҳам ичиб, Фарҳод каби сархуш бўлди, юзидаги парда ҳам тушиб кетди. У, Фарҳодга қилган ишлари учун миннатдорчилик билдириди-да, май олиб келиш учун ўрнидан турди. Ҳалиги ўнта гўзал қиз жавоҳирлар солинган лаганларни қўлларида тутиб унинг ёнида юришарди. Ширин бу жавоҳирларни ҳар томонга сочиб бораради. Кейин у Фарҳод олдига келиб ўтириди-да, қўлига қадаҳ тутиб: «Мен буни сенинг ишқингда ичаман», – деди-да, симирди, кейин идишни тўлдириб йигитга тутди ва «Сен ҳам менинг ишқимда бу қадаҳни кўтаргил», – деди. Фарҳод уни қўлига олиб, шундай сипқордикси, пиёла нақшларидан нишона ҳам қолмади. Қадаҳни қайтариб берган Фарҳод ўз севгилиси томонига сажда қилгандек йиқилди. Ширин унинг бошини кўтармоқчи бўлган эди, ўзи ҳам йиқилди. Иккаласининг оғзига ойна тутишганда, нафасдан дарак йўқ эди.

Фарҳод билан Шириннинг бу ҳолатини кўрган одамлар оху нола тортишиб, икковини икки томонга олиб кетишди. Иккита хонада жой тайёрлаб, уларни ётқизиб қўйишиди. Тонг отгунча икковлари беҳуш ётдилар. Саҳарда тонг шамоли эсгач, улар ўзларига келишди. Хижолатдан бошини қуи солган Фарҳод яна тоғ сари йўл олди.

Мехинбону зиёфатда рўй берган ҳодисалардан ташвишга тушди. Ширин аҳволидан хавфсираётган малика уни овутиш учун қандай чора кўришни билмасди. Ўйлаб-ўйлаб бир неча кунда Фарҳодни қасрга чақиртириб, унинг Ширин билан учрашувини ташкил қилишни маъқул кўрди. Бундай пайтларда Фарҳод ўз севгилиси қўлидан май ичар экан, иккovi ҳам беҳуш бўлиб йиқилишар, ўзларига келгач, йигит яна тоғ сари йўл оларди, Ширин эса қалбida дарду ғам билан изтироб чекиб қоларди. Бу хил учрашувлар бир неча бор такрорланди.

Шундай кунларнинг бирида уларнинг бошига бир ташвиш тушди. Ўша айёмда Араб ва Ажам мулкининг Хисрав деган хукмдори бўлиб, Мадойин шаҳри унинг пойтахти эди. Унинг хотини ҳам, ўғли ҳам бор эди-ю, Хисрав бу фарзандини тахтга муносиб кўрмасди. У ўз тахтини яхши бир фарзандга топширишни истаб, бу мақсадга етишиш учун ўзига муносиб қизни қидиртирса ҳам, кўнглига ёқадиган бирон гўзал топилмади. Бу пайтда Шириннинг овозаси, унинг ҳусни, одоби ҳақидаги гаплар Хисравга ҳам етиб борган эди. Бу соҳибжамол қизга тош кесувчи бир йигит шайдо бўлиб, унинг ишқи йўлида ажойиб ишлар қилганидан ҳам у хабардор эди. Шириннинг ишқи Хисравни ҳам маст қилди-ю, Арман мамлакатига одамлар юбориб, бу қиз ҳақида бор ҳақиқатни билиб келишни топшириди. Бу одамлар қайтиб келишгач, Шириннинг тенгсиз чиройи-ю хулқу одоби ҳақида шоҳга гапириб берилди. Буларни эшигтан Хисрав тезлик билан Армания сари йўл олишга аҳд қилди. Лекин мамлакатни қол-

дириб кетишдан хавотирланиб, Бузург Уммид деган доно вазири билан маслаҳатлашди. Вазир унга боришдан аввал Мөхинбонуга хат йўллашни, бу хатга жавоб келгач, қилинадиган ишлар ҳақида ўйлашиб кўришни маслаҳат берди. Бузург Уммиднинг бу сўзларини маъқул кўрган Хисрав донишманд бир кишини топиб, хатни унинг қўлига топширди-да, Мөхинбону ҳузурига юборди.

Хисрав йўллаган элчи Арман мулкига етиб боргач, Мөхинбонуга Кисро мамлакатидан вакил келганини хабар қилишди. Унинг сифатларини эшитган малика мөхмонхонага туширишни буюрди, кейин ўзининг бир қанча доно мулозимларини чақириб, уларга элчининг қандай мақсад билан келганligини аниқлаш вазифасини юклиди. Мөхинбону юборган аъёнлар элчининг мақсадини билиб, маликага хабар қилдилар. Шунда Мөхинбону: «Эртага уни ҳузуримга олиб келинглар, у билан суҳбатлашай, муддаоси маълум бўлди, энди мен жавобимни айтишим зарур», – деди. Мөхинбону ўйлаб ўйига етолмасди. Хисрав таклифига рози бўлай деса, ёдига Фарҳод тушиб, кўнгли ғамга тўлар, рад жавобини берай деса, бунга сабаб тополмас, Ширинни зўрлаб Хисравга узатса, у рози бўлармиди, розилик берганида ҳам, бунинг натижаси нима билан тугаркин?», – деб фикр қилди-да, охири бор гапни жиянига айтиб берди. Ширин ўзини ерга ташлаб фарёд кўтарди:

Бошимга тийғи ғам сурсанг не бўлғай,  
Бу сўз дегунча ўлтурсанг не бўлғай.  
...Манга Фарҳод ишқи тухмати бас,  
Ки чеҳрам кўрмайин ул зору бекас,  
...Тоғ ичра сел янглиғ оқизиб ёш,  
Уруб тош узра ҳар дам селдек бош.  
...Юзумдин дийдаи гирёни маҳрум,  
Висолимдан балокаш жони маҳрум.  
...Манга на ёру на ошиқ ҳавасдур,  
Агар мен одам ўлсам, ушбу басдур.

*Агар Бону иложи бўлса қилсун,  
Ўзимни ўлтуурмен йўқса билсун.*

Бу сўзларни эшитган Мехинбонунинг кўзлари ёшга тўлди, қандай чора кўришни ўйлаб қўйди-да: «Фам ема, кўнглингни хуш тут. Мен элчига узр айтиб жўнатиб юбораман», деди.

Малика ваъдасига мувофиқ элчини қабул қилди, ундан йўл қишинчиликларини сўради, Хисравга дуолар айтди, кейин унинг шарафига базм уюштириди, кетишида кўпдан-кўп совғалар берди-да «Шоҳга менинг дуоларими ни етқизгил», – деб тайинлади. Элчи ўзи турган жой томон йўлга тушгач, Мехинбону бош вазирни чақирдида: «Элчининг олдига бориб айтингки, у Хисравга менинг мана бу сўзларимни етказсин: «Сенинг тилакларинг биз учун шарафлидир. Лекин бизнинг бир узримиз бор: сен тилаган ой юзли гўзалнинг бир айби бўлиб, у ҳам бўлса турмушга чиқишни истамаслигидир. У, йигитларга ўхшаб от чоптириб юришни, ов қилишни ёқтиради. Сенинг уйланмоқчи эканлигинги айта оловчи киши бу мамлакатда топилмайди, чунки бу сўзни эшитса, у ўз жонидан ҳам кечиши мумкин. Бундай сабаб бўлмаганида, у шу кунгача турмушга чиқмай юрармиди? Ана шу айбимиздан шоҳни огоҳ қилдик. Энди нимага ҳукм қилиш шоҳнинг ўзига ҳавола», деди.

Мехинбонунинг бу сўзларини эшитган бош вазир ҳамма гапни элчига айтди. Элчи нима дейишни билмай, ўз ватанига жўнаб кетди-да, Хисрав олдига бориб малика сўзларини унга етказди.

Мехинбону жавобини тинглаган Хисрав унинг узрига ишонмай дарфазаб бўлди. Кейин бошқа бир ўжарроқ элчини Арманияга йўллаган эди, у ҳам шу жавобни келтириди. Шу тарзда шоҳ яна бир неча элчини Мехинбону олдига жўнатган бўлса ҳам, ҳеч қайсиси яхши хабар билан қайтмади. Фазабга тўлиб тошган Хисрав бу гапларнинг барчаси баҳона эканини таъкидлаб:

Агар умр ўлса ул айёralарға,  
Демай айёраким маккораларға  
Ситамдин еткурай андок сазое,  
Солай кишварлари ичра балое.  
Ки қайда бор эса бир ҳийла пайванд,  
Қиёматта декин бўлгай анга панд

— деб хитоб қилди-да, аскарларни тўплаб Арман диёрига қараб йўлга тушди.

Хисрав Арманга йўл олар экан, лашкарининг сон-саноғи йўқ эди. Уларнинг отлари туёғидан кўтарилаётган чанг-тўзон осмон юзини тўсиб қўйган эди. Бир неча кун йўлда юрилгач, Хисрав қўшини Арманияга етиб келди. Бу хабарни дарҳол Мехинбонуга етказдилар. Малика бу сўзни хотиржамлик билан тинглади. Хисравнинг бу ўлкага хужум қилиши эҳтимоллигини олдиндан кўра олган малика шаҳарни ҳимоя қилиш чораларини кўришга ултурганди. Қалъанинг баланд деворлари мустаҳкамланган бўлиб, ҳар қайси кунгира ёнида баҳромсифат бир жангчи туради. Анча вақтга етадиган озиқ-овқат, кийим-кечак ҳозирлаб қўйилган эди. Мехинбону билан Ширин Фарҳодни воқеадан хабардор қилиб, ундан қўргонга киришини илтимос қилишди. Фарҳод уларнинг сўзларини ерда қолдирмай қўргонга кирди-ю, қалъа ташқарисидаги бир катта тош устида жойлашиб, жанг бўладиган бўлса, Хисрав аскарлари бошига тош ёғдиришга тайёр бўлиб туради.

Хисрав ўз қўшини билан келиб қўргондан ярим мил нарида жойлашди. Арман диёрини томоша қилиш учун атрофига минг отлиқни олиб йўлга отланди. У шаҳар деворларига назар ташлаб борар экан, тош устида турган Фарҳодга кўзи тушди-ю, кўксига ханжар урилгандек бўлди. Саркардаларга қараб: «Бу одамни кўриб кўнглим хафа бўлди. Суриштириб билинглар-чи, иши дилларни ҳазин қилиш бўлган бу инсон ким экан?» — деб буюрди. Бир саркарда отини у томон суриб, Хисрав номидан

Фарҳоднинг исмини сўради. Фарҳод ичига ишқ ўти тушгач отидан ҳам маҳрум бўлгани, асли исми эса Фарҳод эканини айтди. Бу сўзни эшигдан Хисравнинг ҳушини йўқотишига оз қолди. Чунки у бу номни кўп эшигдан эди. Шунинг учун: «У менинг рақибим, бинобарин мен ундан қутулишим керак», – деб ўйлади-да, беш-ён жангчини юбориб, уни ўз олдига олиб келишга буюрди. Фарҳод ўзи турган манзилга яқинлашा�ётган душман аскарларини кўриб, уларга қараб хитоб қилди:

«Эй баҳтиёр шоҳ! Агар Хисрав эсанг ҳам, Хисрав бўлмасанг ҳам бу сўзларимни эшитиб ол. Мени ўз олдингга олиб боришларини истаб, ўн-ён беш паҳлавонингни жўнатдинг. Мақсадинг мени ўлдирмоқ бўлса, бундан менга зиён ҳам, сенга фойда ҳам йўқ. Шу одамларнинг қони сенинг бўйнингга тўшади, чунки сен ўз сипоҳларингни ўз қўлинг билан ўлдирдинг. Сўзларимга ишонмасанг, Яратганинг қудратини томоша қил: бош кийиминг чўққисини учириб юборадиган мана бу тошни менинг саломим деб қабул қилгин».

Фарҳод шоҳ турган томонга қараб яна бир тошни отди-да: «Бу эса байроғинг учидаги шаклни учиргусидур», – деб хитоб қилди. У отган икки тош шоҳнинг дубулғаси учини ва байроғи учидаги шаклни учириб юборди. Шундан сўнг Фарҳод сўзини яна давом эттириди: «Эй шоҳ ёки саркарда, ишқ аҳлининг маҳоратини сен ҳам, сипоҳларинг ҳам кўрди. Энди уларни орқага қайтар, бўлмаса бари ўлиб кетади. Мен эс-ҳушини йўқотган мажнун қоядан тош олиб сен томон отсам, бошингни учириб юборишим аниқ. Бошингдан кечганимни ғанимат билиб, йўлингга қайт. Мен, ишқдан алам тортаётган одам сенга нима қилсан ҳам узрли бўламан. Агар Арман тоғида туриб қасос олишга отлансан, унинг ҳар бир тоши бир бошга айланади...

Сен халқ мулкини талаб, тахту тожини тортиб олиш учун бу томон келибсан. Мамлакатини барбод қилиб, нозанин кўнглини хафа қилдинг. Эшигимча ишқдан

лоф ҳам ураётган эмишсан. Дарди ишқ расми шундай бўладими? Вафо-ю меҳр шарти шундай бўладими? Бирорвнинг ишқида зор бўлишми бу? Унинг ғамида беқарор бўлишми бу?!»

Бу сўзларни эшитган Хисрав кўнглига изтироб тушиб, нима деб жавоб қилишни билмай қолди. Аскарлари олдида ҳам, қалъадан қараб турган одамлар олдида ҳам хижолат бўлганича, сайридан кўзлаган мақсадига эришомлай, қўшини турган манзилга қайтди.

Хисрав диққат бўлиб ўз қароргоҳига қайтгач, Бузург Уммидни ҳузурига чақириб, ундан маслаҳат сўради. Вазир унинг кўнглини хурсанд қилиб шундай деди: «Эс-хушидан жудо бўлган бу йигитнинг сўзларидан ташвиш чекишининг кераги йўқ. Бир одамимиз Бону саройига бориб, бу сўзларни айтиб берса, балки ўйланиб қолиб, ниятларимиз амалга ошиши ҳам ажаб эмас. Бу қўрғон ниҳоятда мустаҳкам бўлиб, озиқ-овқат ҳам мўл-кўл тўпланган кўринади. Уни босиб олиш қийин бўлса ҳам, ўйлаб иш қилсак, муддаомизга эришамиз. Ахир афсунгарлар росту ёлғон сўзларни айтиб, афсун билан илонни инидан чиқаради-ку!»

Бузург Уммиднинг бу сўзларини маъқул кўрган Хисрав бир сўзга чечан одамни топиб Мехинбону саройига жўнатди. У киши қўрғон ичига кириб, саройга борди-да, маликага шундай сўзларни айтди: «Шоҳимиз бу ерга фарзанд бўлиш ниятида келганларини айтиб юбордилар. Сизлар ул гўзалнинг турмуш куришдан бош тортаётганини таъкидляйпизлар, лекин бир телба, сўзларидан ақлга заҳмат етадиган йигит ўзини ошиқ деб билиб, у қизни маҳбуба ҳисоблар экан, бундан барча эл хабардор эмиш. Шунда ҳам париваш унинг олдига бориб, меҳрибонлик кўрсатиб тураг экан. Кўриниб турибдики, у турмуш куришни истамаяпти, деган сўзларингиз ёлғон, бу хил баҳонани биз кечирдик! Чунки ҳар бир одам хато қилиши мумкин. Лекин биз юртингизга меҳмон бўлиб келган эдик, сиз мезбонликни адо қилиб, ўртамиздаги

хафагарчиликларни бартараф этсак, айни муддао бўлур эди».

Меҳмон сўзини тугатгач, Меҳинбону шундай жавоб қилди: «Хисрав Фарҳодни кўринишидан одамзодга ўхшамайди, дебди. Шуни билингларки, биздек одамлар унинг мақтовини юз йил давомида айтсан ҳам, фазилатларининг мингдан бирини ҳам таърифлай олмаймиз. Шоҳингиз уни гадо дебди, у шаҳзода, шарафда ундану биздан зиёда. Дунёда у билмаган илм йўқ. У Ширинга шайдо бўлса ҳам, уни икки ё уч мартагина кўрган холос. Харсафар кўрганида хушидан кетиб йиқилади, ўзига келгач, дашту тоғлар сари йўл олади. Шириннинг мақсади ҳам у йигитни кўриб туришдир. Шоҳинг Фарҳоднинг жамолини жирканч дебди, бориб кўр, Хисрав рост ёки ёлғон гапирганини ўз кўзинг билан кўрасан. Унинг юзи гулзоридан гуллар теришинг аниқ». Бу сўзларни эшитган вакил Хисрав олдига бориб, барчасини гапириб берди. Дарғазаб бўлган Хисрав ўз қўшинларига шаҳарни босиб олиш ҳақида буйруқ берди. Сипоҳлар қўрғонни қамаб, унга ҳужумни бошлишди. Шаҳар аҳолиси қўрғонни ҳимоя қилишга киришди. Сипоҳлар кундузи-ю кечаси ҳушёрлик билан жангга ҳозир туришар, тунлари машъалалар билан қалъани ёритишарди.

Фарҳод турган томонга душман қўшинлари яқин кеполмас, минг қари ердан буёғига ўтолмас, паҳлавон йигит отаётган тошлар тегиб ҳалок бўлишдан қўрқишарди. Пащага ҳам озор етказиши истамайдиган Фарҳод ўз жонини асраш учун ёв аскарларини қўрқитарди, чунки бу жонда севимли ёр вафоси бўлгани учун уни душманга фидо қилишни истамас эди. Хисрав эса қандай қилиб бўлмасин уни йўқ қилиш чорасини изларди. Ундан қутулса, қалъани қўлга киритиш осон бўлишини биларди. Бузург Уммид билан маслаҳатлашиб, маккор афсунгарни топишида-да, «Агар сен девона йигитни йўқотиш чорасини топа олсанг, ҳисобсиз олтинга эга бўласан», дейишиди. Афсунгар: «Уни макр билан шундай ал-

дайки, ҳушидан жудо бўлиб, ўлиқдек йиқилсин. Лекин уни бу ерга қандай олиб келиш чорасини топа олмаяпман», – деди. Хисрав: «Сен уни беҳуш қилсанг, юзта совут кийган сипоҳ яширинган жойидан чиқиб, уни бу томон олиб келишади», – деди. Хисравнинг бу сўзларини эшитган у маккор ўзини эс-хушини йўқотган одам қиёфасига киритиб, яшнаб турган хушбўй гуллардан узиб олди-да, унинг барглари орасига беҳуш қиладиган дори сепиб, Фарҳод манзили томон йўл олди. Девоналардек қадам ташлаб, ошиқлардек фарёд қилиб келаётган бу одамнинг овозини эшитган Фарҳод унинг ёйдек эгиљган қоматини кўриб ҳушидан айрилишига оз қолди. Кўнглини изтироб ўртаб унга: «Эй дард билан ўртанган ошиқ, бу ерларда нима қилиб юрибсан, қайси паривашни кўриб, бундай девона бўлдинг? Мен фалакдан зулм кўрган эдим, сен нега фифон чекяпсан?» деди. Ҳийлагар унинг ишонганини кўриб, «Эй ишқ элининг подшоҳи, мен фалон жойданман, бир гўзалнинг ишқи мени девона қилган эди. Севгилимни гоҳ йироқдан, гоҳида ошкора кўриб турардим. Хисрав қўшини шаҳарни қамал қилгач, мен қалъадан ташқарида қолиб кетдим. Шаҳарга кирмоқчи бўлиб дарвозага яқинлашсам, бошимга ўқ билан тош ёғдиришмоқда. Бу хил қийинчиликлардан ўлар ҳолатга етдим. Бир дардкашим ҳам йўқ эди, сени эшитиб, аҳволимни сўзлаб бериш учун қошингга келдим», – деди. Унинг сўзларини эшитган Фарҳод оҳ тортиб кўзларидан селдек ёш тўқди-да, тани заифлашиб йиқилди. Ҳийлагар унинг ҳолини кўриб, дори сепилган гулни димогиға тутди. Кейин қичқириб, ишорат билан сипоҳларни чақирди.

Бу пайтда бир тош устида ётган Шопур ёмон туш кўриб, сесканиб уйғонгач, Фарҳод томонига қараб, дўстининг беҳуш ётганини, шайтонга ўхшаган бир кимса сипоҳларни чақираётганини, улар ҳар тарафдан Фарҳодга яқинлашаётганини кўрди ва иш қўлдан кетганини сезиб, Фарҳоднинг ҳолига кўз ёш тўка бошлади. Тепаликда турган Шопур пастда ҳалиги ҳийлагарни кўриб қолиб,

коядан бир тошни күчириб олди-да, у билан маккорнинг бошига уриб ўлдирди. Сипоҳлар Фарҳодни кўтарганлари, Хисрав қароргоҳи томон йўл олишди. Бу ҳодисадан хабар топган кўрғон аҳли ғам-аламга мубтало бўлдилар, аммо Ширин эшитса, шубҳасиз ўзини ўлдиради, деган хаёл билан унга билдиришмади.

Сипоҳлар Фарҳодни кўтариб, Хисрав даргоҳига олиб келишгач, шоҳ ўзида йўқ хурсанд бўлиб, рақибининг қўл-оёқларини занжирбанд қилишга буюрди. Сўнг табибни чақириб Фарҳодни ҳушига келтиришни топшириди. Ҳушига келган Фарҳод ўзининг жиннилар каби кишиланбанд қилинганини кўрди. Шоҳона ясатилган хонадаги тахт устида бир шоҳ ўтирас, бошидаги тож ярқираб турарди. Атрофда сипоҳлар тизилишган, шоҳ унга таажжуб билан боқарди. Фарҳод ўрнидан туриб, шу ерда ҳозир бўлган кишиларга қараб бошини эгди-да, ерга ўтириб кўзларини қуий солди. Хисрав унинг жамоли-ю одобини кўриб жазолашни ҳам унуди-да, унга қараб сўз очди; Фарҳод унинг саволларига жавоб қайтара бошлади:

Деди: Қайдин сен, эй мажнуни гумроҳ?<sup>17</sup>

Деди: Мажнун ватандин қайда огоҳ?

Деди: Недур санга оламда пеша?<sup>18</sup>

Деди: Ишқ ичра мажнунлик ҳамеша.

Дедиким: Ишқ ўтидин де фасона!<sup>19</sup>

Деди: Куймай киши топмас нишона.

Деди: Қай чоғдин ўлдунг ишқ аро маст?

Деди: Рух эрмас эрди танга пайваст.

Деди: Бу ишқдин инкор қилғил,

Деди: Бу сўздин истиғфор<sup>20</sup> қилғил!

<sup>17</sup> Гумроҳ – йўлдан адашган

<sup>18</sup> Пеша – ҳунар, касб

<sup>19</sup> Фасона – ҳикоя

<sup>20</sup> Истиғфор – тавба

Бу сўзларни эшитган Хисрав унинг ошиқлигини сиҳод намоқчи бўлиб янги-янги саволларни берар экан, Фарҳод муносиб жавоб билан шоҳни ҳайратга соларди.

Деди: Ишқ ахлининг недур ҳаёти?

Деди: Васл ичра жонон илтифоти<sup>21</sup>

Дедиким: Дилбарингнинг де сифотин,

Деди: Тил ғайратидин<sup>22</sup> тутмон отин.

Дедиким: Ишқига кўнглунг ўрундуруп?

Деди: Кўнглумда жондек ёшурундуруп.

Деди: Кўнглунг фидо қилса жафоси?

Деди: Жонимни ҳам айлай фидоси.

Деди: Бу ишқ тарки яхшироқдур?

Деди: Бу шева<sup>23</sup> ошиқдин йироқдир.

Фарҳоднинг бераётган жавоблари Хисравни лол қолдириар экан, рақибининг донолигини кўриб тоқат қилоли маган шоҳ дўқ-пўлиса қилишга ўтди:

Деди: Ол ганжу қўй меҳрин ниҳони!

Деди: Туфрокка бермон кимиёни.

Дедиким: Шоҳга бўлма ширкатандеш<sup>24</sup>

Деди: Ишқ ичра тенгдур шоҳу дарвеш.

Деди: Ишқ ичра қатлинг хукм этгум!

Деди: Ишқида мақсудимга етгум.

Фарҳод шоҳнинг ҳар қандай қийин саволларига осонгина жавоб қайтарар экан, Хисравнинг ичига ўт тушган-дек бўлиб: «Мендек шоҳга бошдан оёғигача занжирбанд бўлиб турган бу девона нимани сўрасам дағаллик билан жавоб қиляпти. Унга шундай бир жазо берайки, султонлар олдида бундай сўзлашга журъят қилолмайдиган

<sup>21</sup> Илтифот – меҳрибонлик

<sup>22</sup> Ғайрат – рашқ, қизғаниш

<sup>23</sup> Шева – одат

<sup>24</sup> Ширкатандеш – ўзини тенг қўймоқ

бўлсин!», – деди-да, қалъа олдида бир дор тикишга, қадоғлиқ қўлларини маҳкам боғлаб дорга осишга, кейин одамларга буюриб, унга ўқ ёғдиришга, ҳалққа ибрат бўлсин учун ўлиги бир неча кун давомида осиғлиқ туришига, сўнг эса жасадини ўт билан куйдиришга ва кулинни кўкка совуришга буюрди. Унинг бу сўзларидан хурсанд бўлиб кетган Фарҳод кулимсираб шундай жавоб қилди: «Эй дарғазаб шоҳ! Душманимдан ўч оляяпман, деб ўйламай қўя қол. Сен буюрган бу жазолар менинг тилагим эди. Ёрим ишқида ўлишни истардим, бугун Тангри шу орзумга етказди. Сен ғазабланганинг сари мен шодланяпман. Ўлимга буюрганингдан хурсандман, чунки жоним азоблардан қутулади. Мени ўққа тутиш ҳақидаги фармонинг ҳам менинг асл муддаом эди, чунки бу жазо мени хижрон аламларидан озод қиласди. Мени куйдириб, кулимни кўкка совуришга амр қилдинг. Сен фироқ ўтида куйиб кул бўлмагансан. Мен эсам ҳажр дўзахидан ҳалос бўламан, лекин шуниси қизиқки, шоҳ ишқ ўтида куйиб, изтироб чекиб юрган бир бечоранинг муҳаббати ҳақидаги гапларни ҳалқдан эшишиб, унга рақиб бўлмоқчи. Ёрни кўрмай туриб ўзига содик ошиқ номини бериб, даҳшатли қўшин тўплаб келиб, унинг мулкини талон-тарож қилиб, қанча одамни ўлдирган бу ҳукмдор ўз рақиби билан юзма-юз жанг қилишга журъат қилолмасдан ҳийла билан занжирбанд этиб, дарғазаб бўлган ҳолда уни саволга тутиб, ошиқнинг берган жавобларига чидамай, жазолашга буйруқ беряпти. Шуми адолат, шуми шижват! Агар ҳушёргигимда Хисрав менга рўпара келса эди, сипоҳлари ҳозиргисидан юз марта кўп бўлса ҳам мен йигитликни уларга кўрсатиб, барчасининг умр ипини узган бўлардим. Шунда ғазабкор шоҳ ичидаги ўтлар сўниб, шижоат илмини ўрганган бўларди. Шоҳ мен томон сипоҳлар йўллаганида мен уларнинг қонидан кечдим, Хисрав бошини ҳам омон қолдирдим. Энди у менинг бөшимгага қасд қиляпти. Лекин Хитой сари эсган шамол аҳволимдан хоқонга хабар етказса, ўғлининг азоб-

лаб ўлдирилгани, ўтда куйдирилганидан огох бўлса, қўшин билан келиб, Мадойин шаҳрида тирик одамни қолдирмай, унинг тупроғини Хитой мамлакатига ташитиши ва Хисрав мулкидан асар ҳам қолдирмаслиги муқаррар. Унда мен бегуноҳ бўлиб, Хисрав гуноҳкор бўлиши ва барча вайроналикларнинг сабабчиси сифатида жазоланиши шубҳасизdir. Мен ҳар қанча азоб чексам ҳам бу сўзларни айтмаган бўлардим. Лекин Хисрав Парвезнинг нодонлиги ана шундай вайронагарчиликларга олиб келиши мумкинлигини ўйлаб гапирияпман. Одамлар бу сўзларим учун мени қўрқоқлик қиляпти, деб ўйламасинлар. Сўзимни қисқа қилдим, бу жаҳондан ёrim ёди билан кетаяпман», – деди-да, қўргон томонга боқиб ер ўпди ва у ерда турган одамлар жонига ўт солди. Кейин Хисравнинг сипоҳларига қараб: «Ана энди осасизми, чопасизми, билганингизни қиласкеринг», – деб хитоб қилди.

Шундан кейин Фарҳодни дор остига қараб судрадилар. У ерда ўт ва ўтин тайёрлаб қўйилган эди. Бу хабарни эшитган қўргон аҳли фарёд чекишар, лекин бўлаётган воқеаларни Мехинбону билан Шириндан сир тутишарди. Фарҳоднинг дор остида бўйнига арқон солинган ҳолда туришини кўрган қўргон аҳлининг диллари вайрон бўлиб, ўлар ҳолатга етишган эдилар.

Душман томонида эса Хисравнинг сипоҳлари йигитнинг донолиги, ўлим олдида бепарво туришини кўриб, унинг бегуноҳ эканлиги, жазога лойик эмаслигини билиб йиғлаб туришарди. Хисрав ўз ишидан афсусланаётган бўлса ҳам, ўз буйругини бекор қилишга номуси йўл бермасди. Барча воқеаларни кузатиб турган Бузург Үммид шоҳни хилват бир жойга чақириб: «Уни ўлдиришимизга асос йўқ. Эс-хушидан айрилган одамни зиндонда ушлаш тўғрироқ бўлади. Фарҳоднинг гуноҳи озроқка ўхшайди, девонага ўхшаб кўринса ҳам, сўзлари ҳақиқатга яқинроқ. Яхиси баланд тоғлар орасидан бир жой топиб ўша ерга қамасак, икки-уч ой зиндонда ётса, икки-уч юз сипоҳ уни назорат қилиб турса маъкул бўлади.

Рост сүзлай бошласа, тирик юрса ҳам унинг зиёни тегмайди. Ёлғон сўзлаётганини сезсак, истаган ишимизни қила олишимиз мумкин», – деди. Бу сўзлар Хисравга ҳам маъқул тушди. Тоғлар ичидаги Салосил деган мустаҳкам бир кўргонни топишиб, Фарҳодни ўша қалъа томон жўнатишида, беш юз сипоҳга уни кўз қорасидай сақлашни буюришди.

Қўриқчилар Фарҳодни Салосил қўргонига олиб бориб, зинданга қамашди. Уни қаттиқ назорат остида сақлашар, ҳатто қочиб кетмаслиги учун йўлига олмос аралаш қум тўшаб қўйишганди. Хисрав Фарҳодни қочириб юборганларни калласини чопиб ташлаш ёки қўргон тепасидан улоқтириб юборишига буйруқ берган эди. Қўриқчилар бундан қўрқиб доим ҳушёр туришарди. Лекин йигит чекаётган оҳу фарёдларни эшитаркан, унга мафтун бўлиб қолгандилар.

Суқрот ўргатган исмлар ичидаги бир исм бўлиб, уни ўқилса, кишанлар қаерга борса ҳам халал беролмай қоларди, йўлида ҳар қандай мустаҳкам дарвоза учраса ҳам очилмай қолмасди. Шу исмни тилга олган Фарҳоднинг бандлари ечилиб, дарвозалар очилиб, ҳар кечаси қалъа ва унинг атрофида, тоғу даштларни айланниб келарди. Соқчилар уйғонмай туриб ўз жойига қайтган Фарҳод кишанларни яна тақиб оларди. Чунки бу сирлар ошкор бўлса, соқчилар Хисрав томонидан турли жазоларга гирифтор этилишидан қўрқарди у. Лекин сипоҳлар бу сирдан аллақачон огоҳ бўлишганди. Фарҳоднинг сайдан қайтгач ўзини яна бандга солаётганидан хабар топган соқчилар бундай ишни қилмай, bemalol сайдан этишига рухсат беришди. Севгилисидан айрилиб изтироб чекаётган Фарҳод тоғу даштларни кезар экан, йиртқич ва хонаки ҳайвонлар унинг атрофини ўраб олишар, қушлар бошига соя солишаркан, барча ҳайвонлару қушлар билан сўзлашиб дардини баён этарди. Улар ҳам ошиқ йигит аҳволини кўриб фарёд чекишарди.

Тонг аста-секин ёришиб бораркан, Фарҳод субҳга му-  
рожаат қилиб: «Сен ҳам менга ўхшайсан, юзингда кўз  
ёшларинг намоён, ичинг ҳам менга ўхшаб ўртанади.

*Чу соҳиб дардсен дардимға раҳм эт,  
Тараҳҳум<sup>25</sup> айлабон фарёдима ет.  
Саҳарким гулшан ичра гул очилғай,  
Гул узра турраи<sup>26</sup> сунбул сочилғай.  
Чу гул термакка ул сарви гуландом  
Кўяр гулшанда гулруҳлар била гом<sup>27</sup>  
Совуғ оҳимни билгуртуб дамингдин,  
Кўзум ёшини англат шабнамингдин»*

— деди. Куёш кўтарилиб келаркан, унинг ўзига ўхша-  
ши, юзларининг ўзиdek сарғайгани, ўзиdek девона бўлиб  
тоғларда кезаётгани ҳақида сўзлаб илтижо қиласарди:

*Чу ўтсанг маҳвашимнинг масканидин,  
Тушуб иқбол янглиғ равзанидин.  
Тарийқи меҳрибонлиғни фан айла,  
Кошида куймакимни равшан айла.*

Кун ёйилиб кетгач, тоғу даштда кезиб, ҳижрон ала-  
мига чидай олмай ғам-андуҳ чекар, девоналардек кўз  
ёшини тўкаркан, фифонидан тоғларни ҳам безовта  
қиласарди.

Фарҳод айрилиқ ўтида изтироб чекиб, олам кўзлари-  
га қоронги кўринар, кундузлари беором бўлиб тоғу дашт-  
ларда кезиб фарёд чекарди. Шом бошлангач, сабру тоқа-  
ти қолмай, осмонга боққанича: «Эй золим фалак! Жафо-ю  
зулминг шунчалик ҳам беҳисоб бўладими? Ҳижрон ала-  
мида қийнаганингдан кўра ўлдириб қўя қолсанг бўлмай-  
дими? Менинг бошимга қора кунларни солиб, ўлимга

<sup>25</sup> Тараҳҳум – шафқат, раҳм қилиш

<sup>26</sup> Турра – жингалак соч

<sup>27</sup> Гом – қадам

ҳам зор қилдинг. Ёки неча минг йил сайр қилиб энди чарчаб қолдингми? Ё менинг бахтимга ўхшаб уйқудамисан? У ой юзли гўзал ҳижронидаги ҳолимга раҳминг келсин», – деб нола қиласди.

Кўкда ой пайдо бўлгач, Фарҳод унга таъзим қилиб, ерни ўпид:

*Деди: «Эй тийра шомим равшан этган,  
Ўлар холатда фарёдимга етган,  
Не бўлғай раҳм этиб жонимни олсанг,  
Ул ойнинг кўйи туфроғига солсанг.  
Бўлурдектур адам сори хиромим,  
Агар еткурсанг охир дам саломим»*

– деб ёлборарди.. Осмонда бирин-кетин Аторуд, Зуҳра, Муштарий каби сайёralар пайдо бўлар экан, уларнинг ҳар бирига боқиб юрак дардларини изҳор этар, мадад сўраб илтижо қиласди. Иши котиблиқдан иборат бўлган Аторудга боқиб: «Эй дўстлар аҳволини фалак варакларига битувчи, менинг кўзларим ёшини сиёҳ қилиб, оғир аҳволимни хатда бирма-бир баён этгин-да, қуёшимдан нур касб этишинг чоғида уни кўрар экансан, ўша мактубимни олдига кўйигин», – деб илтимос қилган бўлса, Зуҳрога назар ташлар экан: «Эй шодлик куйчиси, сенинг овозингу жонбахш куйларинг оламга машҳур. Бир замон созандалик торини узгин-да, менинг ўлимим ҳақида мотам куйини чалиб, ой юзли гўзалим базмида иштирок этадиган бўлсанг, менинг ҳалокатим ҳақидаги бу марсияни ҳам қўшиб куйлагин», – деди. Кейин олтинчи осмонда турган Муштарийга, саодат юлдузига термулиб нола қилди:

«*Ки эй буржи шараф маснаднишини<sup>28</sup>  
Саодат тахту тожининг амини<sup>29</sup>*

иб

<sup>28</sup> Маснаднишин – тахтда ўтирувчи

<sup>29</sup> Амин – сақловчи, посбон

Дуое қилки, Ҳақ берсун муродим,  
Бу меҳнат шомидин бўлсун кушодим.  
Бошимдин ҳажр шоми дуди кетсун,  
Кўзумга васл субҳи нури етсун».

Юлдузлар чарақлай бошлагач, Фарҳод уларга кўзла-  
рини тикиб: «Сизлар менинг кўз ёшларимдан нишона-  
сизлар. Ашким дурлари каби йўлга тушинг. Ҳазин  
кўнглим юз минг пора бўлди, ҳар бир пораси ғам-алам  
гулининг баргидан бир белгидир. Ҳар бирингиз уларни  
йиғиб олингиз-да, ёрим кўчасига етказинг», – деб муро-  
жаат қилди. Фарҳод саҳаргача шу тарзда дарду ғам че-  
киб, фифон қилишлардан қуввати кетди-да, ҳушини йўқо-  
тиб, ўликдек ерга чўзилди. Унинг бу ҳолатига осмон кўк  
кийиб, фалак юлдузлар дуридан кўз ёш тўкар, аста кўта-  
рилиб келаётган қуёш ҳам бу ошиқ йигит дардига мал-  
ҳам бўлишга ожиз эди.

Фарҳод кишанлардан қутулиб истаган томонга бориш  
имкониятига эга бўлса ҳам, ногаҳон Хисрав эшитиб соқ-  
чиларни жазоламасин, деган фикр билан ўз манзилидан  
кўп узоқ кетмасди. Лекин бу ишларнинг бари шоҳ қуло-  
фига бориб етганди. Дарғазаб бўлган Хисрав соқчиларни  
қаттиқ жазолади. Кейин Фарҳоднинг ўша ерда эканли-  
ги, ўз манзилидан йироққа кетмаётганини билди-да:  
«Ўзимни билмасликка олиб, бу воқеаларни эшитмаган-  
дек юришим маъқулга ўхшайди», – деган қарорга келди.  
Фарҳодни кишанда кўргач эса янада хурсанд бўлди.

Шоҳ маккорлик билан Фарҳодни қўлга олган пайтда  
Шопур шаҳарга кирган эди. У ўз дўстининг аҳволини  
ўйлаб нола-ю фарёд қилар, кўкрагига тош уриб изтироб  
чекарди. Фарҳоднинг ҳийла билан бехуш ҳолда банди  
қилингани, шоҳ саволларига ошиқ йигитнинг қандай  
жавоблар қайтаргани, Хисрав гуноҳсиз рақибини қатл  
қилмоқчи бўлгани, бунга парво қилмаган Фарҳоднинг  
аслида Хито-ю Чин элига хон экани ҳалқ орасида кенг  
тарқалиб кетган эди. Шаҳар аҳолиси Хисравдан ғазабла-

ниб, Фарходга мафтун бўлганди. Бу воқеалар ҳақида, ошиқ йигитнинг донолиги-ю жасорати тўғрисида шоирлар кўплаб ғазаллар ёзишар, хонандалар ашулалар қўйлашарди.

Бўлиб ўтган барча ҳодисалар Мөҳинбонуга ҳам эшитилган бўлиб, қандай чора топишни билмай йиғлагани йиғлаган эди, бу сўзлардан Ширин хабар топса шубҳасиз ўзини ўлдиради, деб ташвиш чекарди. Лекин Ширин ўз ёрининг душман қўлига тушганини сезган бўлиб, гоҳ ўзида, гоҳ бехуш эди. Парда орқасида ўтириб чексиз азоб чекар, айрилиқдан ниҳоятда ғамгин эди.

Бир куни у тоза ҳаводан баҳра олиш учун қаср томиға чиқди. Атрофга боқиб, боғдаги гулларни томоша қилиб тураг экан, қулогига ҳазин бир ашула эшитилди. Дардли қўшиқ сўзларига диққат қиласар экан, ҳар бир байт Фарҳод ҳақида, Хисравнинг йигит бошига солган бехад зулми тўғрисида эканини англади-да, бағрига ўткир бир ханжар қадалгандек бўлиб кучли бир оҳ тортди-ю, бошини ерга уриб, қонга бўялди, гулгун ёқасини чок қилиб, соchlарини ёйиб, фарёд чекиб хушини йўқотиб ерга йиқилди. Унинг бошига етиб келган Мөҳинбону тинмай йиғлаб тураг экан, Шопур ҳам келиб, малика олдиди ер ўпди ва шундай деди: «Маликам, ёвуз Хисрав бечора Фарҳодни ҳийла билан банд этганида, уни бехуш айлаган маккорни тош билан уриб ўлдирдиму, кейин дўстим олдига боришни ҳам, сизнинг хузурингизга келишни ҳам билолмай, йиғлаб, изтироб чекиб юрдим, бир вайронада бехуш йиқилганча анча кун ётдим. Ўзимга келгач, қўрғондан ташқари чиқиб, Хисрав лашкари орасида бекиниб юриб, уларнинг сўзларига кулоқ тутдим. Улар Фарҳод ҳақида фақат яхши сўзларни айтишарди. Шуни ҳам эшигдимки, Фарҳод ўзи зиндоғанд этилган қадимги бир қўрғонда соғ-омон экан. Хисравнинг соқчиларга: «Агар бу маҳбус ўзи турган еридан узоқ кетса, ҳаммангни ўлдирман», – деган пўписасини эшигтан Фарҳод соқчиларга озор етмасин деб, ўша тоғдан узоққа кетолмай юрар

экан. Бу сўзлардан хабар топгач, унинг томонига бормай, сизлар томон йўл олдим. Чунки эл орасидаги гаплардан сизларнинг аҳволингизни билар эдим. Шунинг учун икковингизни хурсанд қилишга шошилдим. Сизларни кўриб, кейин дўстим ёнига бормокчиман. Ё сўзларимни тўхтатиб, ҳозироқ у томонга жўнайми?»

Бу сўзларни эшигтан Мехинбону: «Сен айтган сўзлар жароҳатли кўнглимга малҳам бўлди. Сени тополмай жуда ношод эдик. Фарҳоднинг соғ-омонлигини эшитиб жуда хурсанд бўлдик. У ётган қўрғон томон борадиган бўлсанг, бизнинг айтмоқчи бўлган сўзларимиз кўп, Аллоҳга шукурлар бўлсинки, сени кўриб Фарҳодни кўргандек бўлдик», – деди-да, Ширин ахволи, ҳозиргина беҳуш бўлиб йиқилганини айтиб берди. Шириннинг димогига турли хушбўй исли тутатқиларни тутиб ҳушига келтиришди. Кўзини очиб Шопурни кўрган Ширин яна ўз Фарҳодини ёдга олиб фарёд қилди:

Ки «Эй Шопур, қайдин бўйла етting,  
Келибсан фард<sup>30</sup>, ҳамроҳингни нетting,  
Ҳамул ким меҳр кўсинг<sup>31</sup> урмиш эрдим,  
Борур чоғда сенга топшурмиш эрдим.  
Рафиқу ёрлиғ мундок бўлурму,  
Амонатдорлик<sup>32</sup> мундок бўлурму?  
Манга ўз ғойибимдан бир нишон айт,  
Десангким, ҳажрдан ўлмай, равон айт».

Шундан кейин Шопур Мехинбонуга айтганларини бирма-бир такрорлади-да: «Фарҳоднинг олдига кетяпман, бундан сизни хабардор қиласай, агар мактуб ёзиб берса, уни дўстимга етказай, деган мақсад билан бу ерга келган эдим», – деб қўшиб қўйди. Ширин дарҳол ўрнидан туриб

<sup>30</sup> Фард – якка

<sup>31</sup> Кўс – ноғора

<sup>32</sup> Амонатдорлик – топширилган нарсани омон саклаш

холи бир жойда ўз севгилисига хат ёзишга киришди. Шопур у мактубни олиб, Фарҳодни излаб топиш учун жўнади. Одамлардан эшитган яширин йўллардан юриб саҳар пайтида дўсти қошига етиб борди. У беҳуш ҳолда ётар, атрофини бир тўда ваҳший ҳайвонлару қушлар ўраб олганди. Буни кўрган Шопур дўстининг бошини қўйнига олиб, фарёд чекди. Унинг кўз ёшлари Фарҳоднинг юзларига гулобдек ёғилгач, кўзини очиб ўзига келди. Иккала дўст бир-бирларини қучоқлаб роса ийғлашди. Бу ҳолатни кузатиб турган тоғу водий ҳам кўз ёшларини тўка бошлади. Кейин Шопур қўйнидан мактубни чиқариб, дўстининг қўлига тутди. Уни очган Фарҳод мадори кетиб Ширин мактубини ўқий бошлади. Ширин мактубида унинг Фарҳодга бўлган эҳтиросли муҳаббати, чексиз садоқати, чекаётган аламу изтироблари, орзу-ю тилаклари оташин мисраларга жо қилинган эди.

ЗУ

Ха : Недур аҳволинг, эй зори гарибим,  
Висолим давлатидин бенасибим?  
Со : Чекардин ғам торин ҳолинг нечукдур,  
Бу юқдин жисми чун нолинг нечукдур?  
Ки : Катиғ фурбат аро ҳолинг не эркин,  
Ачик фурқатда аҳволинг не эркин?  
Йи : Фироқ ичра нечукдур жисми зоринг,  
Не янглиғ тўлғонур ўт ичра торинг?

каби вафо тўла сўзлар билан бошланганди у. «Яшаётган жойинг тоғми ё саҳромикан, тўшагинг тошданмикан? Юрган йўлларингда кийиклару қулонлар ҳамроҳлик қиласмикан? Йиртқич ҳайвонлар хизматкорларингу қушлар қаноти сенинг соябонинг эмиш. Сен Сулаймон пайғамбар обрўсини топибсан, мен эса Билқис<sup>33</sup> дек ёринг бўлолмасам ҳам, канизинг бўлмоққа тайёрман.

<sup>33</sup> Билқис – Сулаймон пайғамбарнинг севимли рафиқаси

*Не бўлғай эрди чархи зулмпеша<sup>34</sup>,  
Мени сендин жудо қилмай ҳамеша,  
Хироминг чоғи йўлдош бўлсам эрди.  
Сукунунг вақти қўлдош бўлсам эрди.  
Қуёш янглиғ бўлуб кундуз қарининг<sup>35</sup>,  
Бўлуб тун соя янглиғ ҳамнишининг<sup>36</sup>,  
Тикан кирса кафинга кийнасидин<sup>37</sup>,  
Чиқарсан эрди кирпик игнасидин,  
Кўруб хору хас ўрнингда нихони,  
Сочим бирла супурсам эрди они».*

— деб илтижо қиласарди вафодор Ширин.

«Золим фалак бизни бир-бirimizdan айири, кўксимизни ҳар қанча пора қилсак ҳам, бирон чора топишнинг иложи йўқ. Сен балолар кишанига мубтало бўлиб, чексиз азоб чекяпсан, лекин қўлингда қаттиқ тошларнинг мўм каби эригани жаҳон аҳлига маълум. Мендан айрилганингга алам тортаётган бўлсанг ҳам, сен эркаксан ва паҳлавонсан, ҳижрон қийнаганда, оҳ чекиб, кўнглингни бўшатишинг мумкин. Жисмингни машаққат ўти қийнаса, кўз ёшларингни тўкиб таскин топа оласан. Лекин мен зору заифа қиз айрилиқ тифидан жоним юз пора бўлиб, ҳажр ўтидан кўнглум ўртаниб, жисмим кулга айланадиган бўлса ҳам, бу дардларимни айтишга бирон дўст тополмаяпман. Душман менинг мамлакатимни босиб олиб, лашкарларимни қириб ташляяпти. Арман диёрининг шоҳи ҳам, фақири ҳам душманлар асирига айланди. Буларга менинг ишқим сабаб бўлгани аник. Шунинг учун халқнинг қарфишига қолдим. Эл олдида ҳам, Мехинбону олдида ҳам уятлиман. Лекин бу азобла-

<sup>34</sup> Зулмпеша – золимликни одат қилган

<sup>35</sup> Қарин – яқин дўст

<sup>36</sup> Ҳамнишин – ҳамсuxbat

<sup>37</sup> Кийна – душманлик

х рим яна юз марта күпроқ бўлса ҳам, баъзи-баъзида сени  
кўриб турсам, бунчалик ғам чекмасдим.

Хаётим васлинга уммид иландур,  
Умид ул раҳмати жовид<sup>38</sup> иландур.  
Агар ҳажрингда юз йил фуссакашмен<sup>39</sup>,  
Агар васлинг умиди бўлса хушмен.  
Чу бўлсант ҳолима огоҳу аълам<sup>40</sup>,  
Жавобин ҳам юбор, валлоҳу аълам<sup>41</sup>»

Мактубни ўқиб чиққан Фарҳод гоҳ ўзини унудиб фи-  
гон чекар, туриб олиб ўёқдан буёққа сабрсизлик билан  
юриб, гоҳида хушидан кетиб қоларди. Охири у Ширин  
мактубига жавоб ёзишга аҳд қилди, лекин қоғоз, қалами  
йўқ эди. Шопур буни олдиндан ўйлаб қоғоз, сиёҳ ва  
қаламни ўзи билан олиб келган эди. Фарҳод ўзини қўлга  
олиб хатни ёзиб тугатди-да, дўстига топширди. Шопур  
шахар томон йўл олгач, Фарҳод яна дард ўти ичиди қолди.  
Шопур қўрғонга етиб борди ва мактубни Ширинга топ-  
ширди. У эса хатни ўқишга киришди. Бу оддий мактуб  
эмас, балки ғам достони эди. Фарҳод ўз мактубини Аллоҳ  
мадҳи билан бошлаган бўлиб, юрак сўзларини телбалик  
ҳолатида ёзаётганини таъкидлаганидан сўнг Ширинга:

Нигоро, маҳвашо, иффат паноҳо,  
Жаҳон маҳвашларига подшоҳо!  
Санга ҳаддим йўқ, ўлмоқ нукта пардоз,  
Тилармен итларингга айтмоқ роз.  
Недур кўюнг аро итларга ҳолат,  
Фарогат бирладурлар ё малоҳат.  
Кеча ул кўй аро қилғонда фарёд,  
Қилурларми бу итган итни ҳам ёд

<sup>38</sup> Жовид – абадий

<sup>39</sup> Фуссакаш – ғам чекувчи

<sup>40</sup> Аълам – билагон

<sup>41</sup> Валлоҳу аълам – Аллоҳ билгувчидир

сүзлари билан мурожаат қилиб: «Үша итлар йиғилған чоғларда мениң үшларымни әслашармикан, сув ичғанларида, мениң күз ёшларимни әслашармикан, үша останага биш қўйганларида, менга ҳам жой қолдиришармикан, менга қазодан етган азобларни билиб, ҳолимга аза тутиб тунлари улушармикан, бўйинларини боғлашгандা, мениң бўйнимда юзта киshan борлигини билишармикан? Уларнинг ичида менга ўхшаган беҳол, қўтириб ит ҳам бор бўлиб, мен каби жони ўртанса ҳам, сенинг юзингни кўришга кўзлари тўрт бўлиб турарди. У билан мен сенга вафодорликда тортишардик. Ўша ит менга доим меҳрибонлик кўрсатар, кўзим қонини кўрганида, унинг ҳам қони оқар, бир дўст каби мен билан яқин эди. Унинг аҳволи қандайкин, останангда паноҳ топгандা, мениң күз олдига келтирапмикан?

Мактубингда ҳар бири дурдонага тенг яхши сўзларни ёзибсан, уларнинг ҳар бирига жоним садқа бўлсин. «Мениң ҳам ғаму дардим кўп», деган гапингни ўқиб, жоним куйиб кетгандек бўлди. Менга ўхшаган юз минглаб ошиқ ўлганида ҳам, муборак хотирингга ғам етмасин. «Сен нотавон бўлсанг ҳам, паҳлавонсан, тоғ бўлса ҳам тешанг олдида паст, шер бўлса ҳам панжангдан ҳалок бўлади», – дебсан. Үндай зўр шавкату қувватим қолмаган. Ҳозир чумолидек ожизман. Ишқ ҳатто аждаҳони ҳам чумолидек қилиб қўяр экан. «Тахту тожим, мамлакату лашкарим душман қўлига тушди, Меҳинбону билан мен қўрғонда қамалиб, азоб чекмоқдамиз», – деб ёзибсан. Бу гапларингнинг барчаси рост. Лекин бошга келган қазога рози бўлишдан бошқа чора йўқ. Мамлакатинг, сипоҳларинг, халқинг бошига тушган балолардан хабардорман. «Бу азобларга сен сазовор эдингу, фалак уларга зулм қилди», – десанг, бу ожиз жонимни фидо қилишга тайёрман.

Мениң ҳам эркин диёrim, иқтидорли халқим бор эди. Отам неча-неча иқлимга хоқон эди. Бошимда тож, оёғим остида тахт бор эди. Хитой билан Чиндаги ўн икки минг шаҳар ҳукмим остида бўлиб, шунга яраша сипоҳлару

бойликларга эгалик қилардим. Бошимга ишқ можароси тушиб, диёримдан айрилиб бу ерларда девона бўлиб юрибман. Отам билан онам, неча минг шаҳар халқи менинг аҳволимдан изтироб чекмоқда. Бу ишлар учун кимга таъна қиласай? Тақдирга тан беришдан ўзга қандай чора бор? Бу номани ҳушимдан озган ҳолда ёздим. Шунинг учун нима ёзганимни ҳам билолмадим. Мен девона ўзимдан огоҳ эмасман: хато сўзлар деган бўлсам, кечиргин, чунки мажнунларнинг хатосини ҳамма ҳам кечиради».

Ширин ушбу мактубни изтироб чекиб ўқир экан, қалби тирналар, Фарҳодининг тирик эканидан шодланиб ерга бош қўяр, чекаётган азобларини англаб, нола қилиб, кўз ёшларини тўкарди. Хат мазмунини Мехинбонуга сўзлаб берганида, малика ҳам ғамга тўлди. Кейин Шопурга ўз эҳтиромларини билдириб, иззат-икром кўрсатишиди. Ундан Фарҳоднинг аҳволини бирма-бир сўрар эканлар, кўз ёшларини тўхтатиша олишмасди.

Шопур икки севишган қалб соҳибларининг мактубларини бир-бирларига етказиб юрар экан, Хисрав бундан хабардор бўлиб қолди. Фарҳод билан Шириннинг ўзаро келишиб, бирон ёққа қочиб кетишлари мумкинлигини, уларни қидириб топишганда ҳам бу паҳлавон йигитни қўлга олиш осон бўлмаслигини ўйлаган шоҳ ўзига отилган тошни эслади. Фарҳоднинг ҳар бир қадамини кузатиб юриш фойдасизлигига кўзи етган Хисрав шаҳардан Салосил қўргонига қадар бўлган яширин ўйларга жосусларни қўйиб, ҳар бир йўловчини текшириб, кимдан бир мактуб топилса, тезлик билан ўз ҳузурига олиб келишни буюрди. Икки-уч кун ўтиб, Шириннинг мактубини олиб келаётган Шопурни қўлга олиб Хисрав даргоҳига келтирдилар. Хатни ўқиган шоҳ муҳаббат достони билан танишгандек бўлиб, бошидан қора тутун чиқиб кетаётгандек бўлди. Ҳар бир сўз вафо нишони бўлиб, чексиз меҳру муҳаббат, аҳду паймонлар ифодасидан дарак берарди.

Мактубда Хисрав номи ҳам тилга олинган бўлиб, унинг Арман мулкини вайрон қилгани, халққа кўпдан-кўп жа-

фолар юзлангани айтилиб, уни гоҳ золим, гоҳ қон түкүвчи<sup>ж</sup>  
– хунрез каби номлар билан аталганди. Шунингдек, унинг<sup>ж</sup>  
ошиқлик даъвосини қилиб, лоф ураётгани ҳақида ёзар-<sup>ж</sup>  
кан, Ширин:

*Чу ул мақсад билмиш ишқдин ком<sup>42</sup>,  
Менинг васлим хаёлидур анга хом.  
Эрур бу ишда саъю эҳтимоми<sup>43</sup>,  
Тамоми ҳарзау<sup>44</sup> зоеъ тамоми.  
Менинг жиссимида то жондин рамақдур<sup>45</sup>,  
Ишим қўргонда ўзни асрамакдур.  
Қазо қилса мени онинг асири,  
Ўлумдин чун кишининг йўқ гузири<sup>46</sup>.  
Танимни айлабон ханжар била чок,  
Ани қилмай висолимдин тарабнок<sup>47</sup>.*

Бу сўзлардан хабардор бўлган Хисравнинг жонига ўт тушиб, титрай бошлади. Шириннинг барча ёзганлари тўғрилигига тан берса ҳам, салтанат обрўси, ўзининг ҳавоий нафсини устун қўйган шоҳ Шопурни занжирбанд қилишга ва зиндонга ташлашга буюрди-да, ҳузурига Бузург Умидни чақириб, бор гапни унга сўзлаб берди ва: «Бу ишлардан ғам-алам чекиб, кўнглим қонга тўлди. Бирон чора топиб дардимни аритмасанг, ҳалок бўлишим муқаррар<sup>ж</sup> Бу ҳолда эл менинг устимдан кула бошлайди, уларни жа<sup>ж</sup> золасам ҳам, аламидан қутуолмайман. Фарҳоднинг бе<sup>ж</sup> гуноҳлигини ҳам биламан, шунинг учун ҳам уни ўлдиришни тўғри деб ўйламайман. Менга бу ишда бир йўлни кўрсатмасанг бўлмайди», деб илтижо қилди. Икковлари бу хусусда фикрлашиб, баъзида тортишиб охири шундай

<sup>42</sup> Ком – мақсад; баҳра олиш

<sup>43</sup> Саъю эҳтимоми – ҳаракат қилиш

<sup>44</sup> Ҳарза – бефойда

<sup>45</sup> Рамақ – охирги нафас

<sup>46</sup> Гузири – чораси, иложи

<sup>47</sup> Тарабнок – хурсанд

қарорга келишди: одам ўлдиришни ўзи учун савоб деб биладиган бир қотилни топишади-да, унга Фарҳоднинг олдига бориб: «Хисрав Арман шаҳрини босиб олди, мақсадлари рӯёбга чиқиб, ҳозир Ширин билан давр сурияшти. Мехинбону жиянини шоҳга никоҳлаб берди. Севганинг сендан Хисравни афзал кўрган экан, энди ошиқлигингдан нима фойда? Яхшиси уни тарк этиб, ўз юртингга кетганинг афзал», – деб айтишни буюришади. Бу сўзларни эшитгач, бошини олиб бир томонга йўл олса, ташвишлардан қутуламиз. Ширин билан Мехинбону Фарҳоднинг кетганини билишса, ундан умидлари узилиб, айтганимизга кўнишлари аниқ. Агар Ширин ёридан кўнглини узолмаса, яна бошқа бир тадбирни ўйлаб топармиз». Ушбу чорани ўйлаб топишгач, бир хийлакор кампирни топиб келишди. У, қадди икки букилган бир маккора бўлиб, кўп хийлакорлик қилганидан юзини ажин босган, умрида бирон марта ҳам рост гапирмаган, афсуну хийла билан тошни ҳам юмшатиб мўмга айлантирадиган, отага қизини, ўғилга онасини никоҳлай оладиган, бир сўз билан хонадонларни вайрон қиласиган, истаса, юзта Буқротни гум қилишга қодир, зулм тигини уриб, Фарҳодга ўхшаган паҳлавонларнинг ҳам бошига ета оладиган бераҳм бир бадбаҳт эди. Унга бор гапни яширинча баён қилдилар, ҳадсиз-ҳисобсиз мукофотни ваъда қилиб, Фарҳод томон жўнатдилар. «Фарҳод бўладими, пўлат тоғ бўладими, бир афсун билан йўқ қиласман», – деб Хисравни ишонтирган бу маккора бир неча кун мобайнида дашту водийлардан ўтиб Фарҳоднинг манзилгоҳи бўлган тоғ олдига етиб борди. Уни кўрган Фарҳод дарров ўрнидан туриб салом берди-да, бу томонларга келишидан мақсади нима эканини сўради. Кампир: «Мен элу юртимдан воз кечган заиф, хаста жон бир одамман. Ўн-ўн беш йилдан бери бир хилват жойда яшаб, тоатибодат билан машғул эдим. Жаҳондаги бирон киши билан ишим йўқ, тангридан ўзга бир кишим ҳам йўқ эди. Арман мудкида тинчлик-омонлик бўлганидек, менинг ҳолим ҳам хотиржам эди. Парвез отлик бир шоҳ келиб, элнинг тинч-

лигини бузди, сен бу ҳақда эшитган бўлсанг керак. Элнинг аҳволи ҳам, менинг ҳаётим ҳам ўзгариб кетди. У ерда тоат-ибодат қилиш қийин бўлиб қолди. Шунда кечиктиримай элдан йироқроқ бир ерда яшай, умрим ҳам оз қолди, ўлсам ўша макондаги ғор менга гўр бўлади, деб ўйлаб бу томонга йўл олдим. Тоғда кезиб юриб, шу манзилни ёқтириб қолдим. Ўзим тоғ ичида тирик бўлсам ҳам, умрдан қўлимни ювиб қўйганман. Одамзод – вафосиз, уни эслашдан фойда йўқ», деди.

Бу сўзларни эшитган Фарҳод хурсанд бўлиб, унинг олдидаги тупроқни, кейин оёғини ўпди-да, «Вафосизлик жаҳон аҳлининг одати. Бирон иш сени хафа қилган кўринади. Арман диёридаги аҳвол туфайли кўнглунг ғубор топдими?», – деб сўради. Маккора: «Эй ўғлим, гапларинг рост, бу мамлакатдан омонлик кетиб, ўрнини ёмонлик эгаллаган. Меҳинбону билан Хисрав ярашиб, ўзаро яқин бўлиб олишди. Хисрав никоҳ ишини орага согтан эди, малика ҳам рози бўла қолди. Катта тўй бўлиб, мамлакату тахт май сели остида қолди. Солиҳ одамлар шаҳарни тарқ этиб, ҳар ёқда зору саргардон бўлиб юришибди, Ширин эса жуда ғамгин бўлиб, фарёд чекиб ўзини ўлдирди. Баъзилар заҳар ичгандир, дейишияпти. Унинг Фарҳод деган бир дардманд севгилиси бор экан. Ўша йигитдан айрилганига чидай олмай, унинг ишқи билан бу оламдан кўз юмибди. Ўлим олдида ҳам Фарҳод номи унинг тилида экан», – деди. У ушбу сўзларни айтар экан, оғзидан «оҳ», «во дариф» деган иборалар тўхтамай чиқарди.

Бу афсонани эшитган Фарҳоднинг кўксига юз минг тиф урилгандек бўлди. Кампир найранг ишлатиб, оҳ-фарёд қиласар экан,

*Гиреве<sup>48</sup> тортибон Фарҳоди мазлум<sup>49</sup>,  
Деди: «Бас қилки, бўлди қисса маълум.*

<sup>48</sup> Гирев – ҳайқириқ, қичкириқ

<sup>49</sup> Мазлум – зулм чеккан

*Fapaz<sup>50</sup> гар жон эди, олдинг, ано, хой,  
Үлук тандин не истарсен яно, хой.  
Күнгүл қонин ичардин түйфил эмди,  
Мени ўз меҳнатимға<sup>51</sup> қүйфил эмди».*

— деб ўрнидан турди-да, жаҳондан қўл силтаб, кўз ёшидан селлар оқизиб, тоғ ичига югуриб кетди.

Маккора кампирнинг ҳийлакорлик билан айтилган сўзларини эшитиб, бағри пора бўлган Фарҳод тоғ ичидагарёд чекиб борар экан, ҳолсизланиб йиқилди, туришга неча бор ҳаракат қилди-ю, ҳар сафар йиқилаверди. Сўнг қаттиқ тош устида талпинишга тушиб, бошини тошларга ура бошлади. Ажал қўксини пора қилган бу бечора йигитнинг аҳволини кўриб турган води-ю тоғлар зор йифлашарди. Жисмидаги яралар қип-қизил гулларни эслатар, атрофидаги гуллар эса ўтларга ўхшарди.

Фарҳод осмонга боқаркан: «Эй заррин чарх, бошимни янч, у энди менга кераксиз; эй ғам тифи, тилимни кес, энди сўзлашни истамайман. Эй ғам-алам тоши, оёғимни синдир, ажал, қўксимни илма-тешик қилиб ташла, эй оҳ, ёрим сари йўлга тушгин-да, менинг жонимни ҳам ўзинга ҳамроҳ қил!», — деб ёлборди.

Кейин сахрого боқиб: «Сен менинг оёғим зарбидан ранж чекдинг, ёшим сели билан бағрингни ёрдим, югуриб гардингни чиқардим. Энди мен берган азоблардан қутулдинг, берган аламларим учун мени кечиргин», — дея илтижо қилди. Тоққа қараб васият қилар экан: «Сенга мендан анча озор етди, юзунгдан уятликман. Тешам ва метиним билан бағрингу жисмингни ёрдим, юзинг баъзан кўз ёшимдан қизариб, баъзан оҳимдан бошинг устистада тутунлар пайдо бўлди. Барча айбларимни авф этиб, кетар чоғимда мени кечиргин», деб фифон чекди.

<sup>50</sup> Fapaz — мақсад

<sup>51</sup> Меҳнат — мاشаққат чекиши .

Фарҳоднинг кўзи метинга тушгач, у ўзининг дил из-ҳорларини баён қилиб: «Мендан сенга кўп сарзанишлар етган бўлса, сендан мен кўп парваришлар топдим. Сенинг бошингни куч билан тошларга урадим. Сен билан теша икковингиз мендан кўп аламлар чекдингиз. Бугун менинг азобларимдан озод бўласиз. Менинг бор қилмишларимни кечиринглар», – деди. Кейин ўз атрофида ёввойи ҳайвонлару паррандаларни кўргач, Фарҳод уларга қараб: «Сизнинг барчангиз менинг ҳамдамим, сухбатдошларим эдингиз, кеча-ю кундуз мен билан улфатчилик қилдингиз. Қайси томон йўл олсам, менга ҳамроҳлик қилдингиз, бошимга соя солиб, меҳрингизни бағишиладингиз. Фифон чеккан дамларимда менга ҳамдард бўлиб, биронтангиз ҳам маломат изҳорини қилмадингиз. Барчангизнинг олдингизда хижолатдаман, ўз узримни қай тил билан баён этишни билолмасман», – деб нола қилди. Ҳайвонлару паррандалар ўз овозларини баланд кўтаришиб, мотам тутаётгандарини баён қилишарди.

Фарҳод умри тугаб бораётганини сезгач, отаси билан онасини кўз олдига келтириб, қонли кўз ёшларини тўка бошлади-да, сабога хитоб қилиб: «Чину Хито мамлакатига етиб боргин-да, ерини ўпгач, хоқон қошига йўл олиб бундай дегин:

Ким ул овораи бехонумонинг<sup>52</sup>,  
Бағир хунобидин бир қатра қонинг,  
Итиб<sup>53</sup>, оламда ҳирмон бирла ўлди,  
Юзунгни кўрмай армон бирла ўлди.  
Будур комимки, Баҳроми диловар<sup>54</sup>,  
Ки бор эрди манга ул ёру ёвар,  
Чериклар<sup>55</sup> жамъ айлаб бемадоро,

<sup>52</sup> Бехонумон – дарбадар

<sup>53</sup> Итиб – йўқ бўлиб

<sup>54</sup> Диловар – паҳлавон, баҳодир

<sup>55</sup> Черик – қўшин, лашкар

*Буён қилса азимат ошкоро;*

*Қиличи тўйғариб Хисравни жондин,*

*Тиласа бегуноҳ қонимни ондин*

Сўнг онамнинг олдига бор. Менинг ўлимимни эши-тиб, оху фарёд урса, юзларини тирнаб, соchlарини юлса, менинг шу сўзларимни етказ: «Сен бир яхши фарзандга орзуманд эдинг, лекин мени кўргач бир лаҳза ҳам хур-сандлик кўрмадинг. Катта бўлгач, ўз диёримдан узоқ-ларга кетиб овора-ю сарсон бўлганимда, айрилиқдан бе-ҳад ўртандинг. Агар сен дардим туфайли ғамзада бўлсанг, изтиробу алам чеккумдур. Мени розилигингдан ноумид қилиб, жонимга дўзах ўтини раво кўрмагин».

Мулкоро қошига бориб, менинг бошимга тушган барча офату балолар тақдирдан эканини уқдир. Баҳромга аввало саломимни етказиб, сўнг ушбу сўзла-римни айт:

Н<sup>т</sup>  
В<sup>ж</sup>  
*Ки эй жоним топиб жонингга пайванд,  
Кўкалтошу ини, шогирду фарзанд,  
Гар истарсенки теккай ерга ёним,  
Бўлуб хушнуд сендин хаста жоним.  
Бу ён азм айламак жазм айла филҳол,  
Черик жамъ айлабон азм айла филҳол.  
Бу ишдин роҳати жонимни иста,  
Топибон қотилим, қонимни иста.  
Анинг бирла келур хайлимга бир-бир,  
Ҳадисим дафъа-дафъа айла тақрир».*

Сабога мурожаат этаётган Фарҳод Хўтан мулкида ўз иштирокида қурилган тўрт қаср томон йўл олишни, жан-натмакон бу манзилларни томоша қилиб, ҳар бирига ўз саломини етказишни, Монийни кўриб, қасрлар деворига солинган Юнонистондаги қаҳрамонликларини акс этти-рувчи суратларнинг барчасини ювиб, ўчириб ташлашни илтимос қилишини сўради. Сўнгра Қоранни учратгач, тошлар устига ишланган ўзи тасвирланган нақшлар ва

ёзилган исмларини метин билан қириб ташлашни илти-  
мос қилишини тайинлади.

Дўсти Шопурга сўнгги, видолашув сўзларини етка-  
зишни сўраркан, унинг ўзига ҳамиша садоқатли ҳамдам  
бўлганини айтиб,

*Ҳамиша воқиф ўл қабрим тошидин,  
Аёғинг чекма туфроғим бошидин*

— деган васиятини етказишини илтижо қилди. Фар-  
ҳод ўз дилидаги барча сўзларни айтиб бўлгач, жони оғ-  
зига келиб, калима келтирди-да:

*Қилиб жонони отин тилга таълим,  
Тутуб жонон отин жон этти таслим.*

Бу ҳолатни кўрган оламга ғавғо тушиб, ишқ ўз бўйнига  
қора кигиз ташлаб мотам тутар, дарду бало ўз ёрларини  
йўқотишганидан ўртанишар, йиртқич ҳайвонлар маккора  
кампирни пора-пора қилиб, тишу чанглари билан йиртиб  
ташлашди, шугина эмас, ўз танларини ҳам тишлаб фифон  
чекишарди. Уларнинг бу хил мотами вафосиз одамзоддан  
вафодор ҳайвонлар яхшироқ эканини тасдиқлаб турарди.

Фарҳод вафот этгач, атрофини ўраб олган ваҳший ҳай-  
вонлару қушларнинг кўпи алам чекиб ўзларини ўлди-  
ришди, яна кўплари бу дарду ғамдан касал бўлиб қолишли.  
Омон қолганлари унинг азасини тутиб фифон қилишар-  
ди. Барчалари унинг атрофидан нари кетмас, шу туфай-  
ли одамларнинг яқин келишларига имкон йўқ эди.

Фарҳод ўлмасидан бироз илгари ўша ерларда яшай-  
диган бир киши уни кўриш, хизматини қилиб кўнглини  
олиш мақсадида шу маконга қадам қўйганди. Фарҳод-  
нинг ахволини, унинг теграсидаги ҳайвонларнинг изти-  
робини кўргач, узоқдан туриб бўлиб ўтган воқеани ку-  
затди-да, аввалига йигитни қабрга қўйиб, ўша ерда му-  
жовир-мозорга қараб турувчи бўлиб қолишини ўйлади,

лекин шеру йўлбарслар чангалидан қўрқиб, бу ҳодисани тезлик билан шаҳарга етказишга қарор қилди-да, қўрғон сари йўл олди.

Мудхиш хабарни эшигтан шаҳар халқи зор-зор ўифлар экан, Хисрав ҳам, Ширин ҳам эшитиши. Шоҳ ўз рақибидан кутулгани учун шод бўлса ҳам, тақдирнинг ундан ўч олишини ўйлаб ғам чекарди. Кейин «Бўлар иш бўлди, энди сусткашлик қилиш ярамайди», – деган қарорга келиб, Мехинбону қошига совчиларини жўнатди. Улар маликага Хисравни кўкларга кўтариб мақтадилар ва нигоҳга розилик беришини сўрадилар.

Мехинбону саройидаги аъёнлар ҳам Фарҳод вафотидан сўнг душманликни давом эттиришдан кўра, унинг айтганларига кўниш маъқуллигини таъкидлашди. Мазлум Фарҳод ўлимидан хабар топиб, унга оналардек аза очган малика Мехинбону Ширин ахволини ўйларди. Жиянининг неча бор заҳар ичмоқчи бўлгани, унинг атрофидаги одамлар билиб қолиб, бунга имкон беришмагани, ўзини кўйдирмоқчи бўлганида ҳам, одамлар бунга йўл қўйишмагани, малика қўйған мулоғимлару канизаклар доим ҳушёр туриб Ширин ҳаётини асраётганлари унга аён эди.

Бу пайт қўрғондаги бор озиқ-овқат тугаб, халқ Мехинбонудан норози бўла бошлаган, мамлакатнинг улуғ кишилари маликага элнинг силласи қуриб, тоқати тоқ бўлаётганини, ҳатто шаҳар дарвозаларини душман қўшинларига очиб беришга ҳам тайёр эканини айтишган эди. Бу гаплардан сўнг Мехинбону Ширин олдига келди-да, унга халқ ичидаги можароларни сўзлаб берди.

*Деди Ширинки: «Эй қути ҳаётим,  
Дегумдур, гарчи монеъдур уётим.  
Манга жуфт ул, улуснинг фарди эрди,  
Не кўнглум қути, онинг дарди эрди.  
Чу кечти жуфтдин ул тоқи оғоқ,  
Нечук мен жуфт кўзлай, ул бориб тоқ?*

*Вафо аҳли иши мундок бўлурму,  
Вафо айлар киши мундок бўлурму?*

*Менга чун йўқ тирикликнинг фалохи,  
Сиз айланг улча бўлғай эл салоҳи.*

Шириннинг рухсатини олган малика Хисрав элчила-  
рига никоҳ учун розилигини айтди, лекин қамал пайти-  
даги қийинчилликлар, хозирги иссиқ кунлар туфайли Ши-  
риннинг соғлиғи яхши эмаслигини, шунинг учун бирон  
хушҳаво жойда дам олиб, ўзига келиши лозимлигини  
ҳам таъкидлади. Шундан кейин дарвозалар очилиб, Хис-  
рав қўшини шаҳар ичига кирди. Қамал пайтида қийна-  
либ кетган аҳоли қафасдан қутулган қушлардек шодла-  
нишди.

Хисрав буйруғи билан гўзал бир кошона барпо эти-  
либ, у ерда шоҳ билан малика суҳбат қуришди. Ширин  
аҳволидан сўз очилгач, Хисрав «Бу ўлканинг боҳаво ва  
гўзал жойларини сизлар яхши биласизлар, бирон мақ-  
бул манзилни танланглар. Ширин ўша ерда ором олиб,  
соғлигини тузатсин», — деган таклифни билдирган эди,  
Меҳинбону Арман диёрининг шимол томонида бир тоғ  
бўлиб, Ширин истагига кўра қаср ва боғ қурилганини  
эслатди-да, шоҳ фармон берса, Ширин ўша ерда дам олиб,  
соғайиши мақбуллигини изхор қилди. Буни эшитган Хис-  
равнинг кўнгли ношод бўлди, чунки ушбу қасру боғ Фар-  
ҳоднинг меҳнати билан бунёд этилганидан у хабардор  
эди. Шунинг учун ҳам Меҳинбону таклифига зўрга рози  
бўлди. Маликанинг буйруғи билан Ширинни ўша ажо-  
йиб қаср томон олиб кетдилар.

Ширин ўз қальясидан чиқиб тоғдаги қаср сари йўл  
олар экан, Хисрав сипоҳларининг барчаси уни томоша  
қилишга чиққандилар. Уларнинг орасида шаҳзода ҳам  
бўлиб, отасини унча ёқтирмас, Хисрав ўз ўғлининг кўнгли-  
га қарамаганидек, ўғилга ҳам шоҳнинг феъли атвори  
маъқул эмасди. Бошқалар қатори у ҳам Ширин бораёт-

ган гулгун кажавага маҳлиё бўлиб боқар экан, бирдан бошланган шамол пардани кўтариб юборди-ю, париваш қизинг оламни ўртовчи ҳусну жамолини кўрган Шеруянинг ичига ишқ олови тушди-да, оромидан айрилиб уйкусини йўқотди, изтироби кун сари кучайиб ўзи ўлар ҳолатга етди. Қандай тадбир билан Ширин висолига етишиши мумкинлигини ўйлаган шаҳзода отасини ўлдириш билан бу орзусига эришишга бел боғлади. Шундай хаёллар билан ўзига яқин кишиларга яширинча ваъдалар бериб, Хисравнинг қариндошу амалдорларини ҳам ўзига қаратиб олди. Хисравнинг ҳаддан ошган зулмидан безор бўлган сарой аҳли Шеруяга қасамёд қилишиб, Хисравни зинданга ташладилар. Кўп ўтмай Шеруянинг буйруғига кўра золим шоҳ қатл этилди. Тахтга чиқиб бошига тож кийган Шеруя бўлиб ўтган бу воқеани Мехинбонуга сўзлаб бериб, Ширинга ўзи уйланмоқчи эканини изҳор қилди. Малика унинг соғлиги ёмонлигини айтиб, соғайганида ўзи билганича иш қилиши мумкинлигини таъкидлади. Жоҳил Шеруя Ширинга мактуб йўллади. Унда шундай деб ёзилган эди:

«*Ки бир кўрмак била ҳуснунгни, эй ҳур,  
Ул ўтдин кўнглум андоқ бўлди маҳрур.  
Менга андоқки ул ўт солди партав,  
Не Фарход ул сифат куйди, не Хисрав.  
Далил истар эсанг, даъво сурубмен,  
Ки ишқингда отамни ўлтурубмен.  
Вафо қилмоқ била комим раво қил,  
Висолинг ваъдаси айлаб вафо қил.  
Ибо қилмоқлигинг ҳам гар билурмен,  
Яқин бил, не қила олсам қилурмен!*»

Шеруянинг бу дағал сўзларидан ғамга тўлган Ширин: «Уни кўришдан менга ўлим яхшироқдир», – деб фикр қиласар экан, шоҳ сўзларини ўзига етказган сарой аъёнига: «Сўзларингнинг барчаси маъкул. Шоҳга менинг дуом билан илтимосимни етказгиз. Дуодан сўнг мана бу сўзла-

римни унга баён қил. «Қазодан келган ҳар бир ишга рози бўлмай иложимиз йўқ. Хисравни ўлдириш қазо ҳукми бўлса, сен нима ҳам қила олардинг. Тангри берган ақл билан иш тутгандা, сенинг сўзларингга эътироz билдириш хато бўлур эди.

Сен мени севиб қолганинг каби менга ҳам Фарҳоднинг ишқи тушганди. Отангнинг адолатсизлиги билан вафот этган Фарҳод барча ишқ аҳлининг йўлбошчиси эди. У менинг ишқимда жонини қурбон қилди. Ундан айрилиб, ўзимни чала сўйилган қушдек ҳис қиялпман. Менинг бедорлигим унинг ғамидандир. Ишқимда ўшандек олам ягонаси кўз юмди. Унга аза тутмасам, кўнглим хотиржам бўла оладими? Шунинг учун шоҳ рухсат бериб, Шопурни озод этилса, унга бир гурух одамларни қўшиб жўнатиб, Фарҳод жасадини шаҳарга олиб келишса, мен қора кийиб, аза тутсам-да, жонимдаги ишқ балосидан қутулсан, жисмимни унинг азобларидан, кўнглимни фироқидан холи айлаганимдан сўнг сўзини бажаришга тайёрман. Агар шоҳ бу ишга рози бўлмаса, менинг ўлигимнигина топади», – деди. Бу сўзларни эшигтан Шеруя шоду хуррам бўлиб, дарҳол Шопурни озод қилишга буюрди ва: «Шириннинг кўнгли нимани истаса, шуни бажарсин», – деб фармойиш берди. Ширин ҳузурига келган Шопур ерга бош уриб, кўзидан қонли ёшларини тинмай тўкар экан, уни қўрган паризод Фарҳодни ёдига олиб девоналардек фарёд кўтарди.

Шу тарзда бир замон мотам тутишгач, Ширин Шопурга Шеруянинг сўзларини ва ўзи ўйлаган тадбир мазмунини айтиб берди. Кейин Шопурга икки-уч юз мулозимни қўшиб берди-да, уларни Фарҳод ётган тоғ томон йўллади. Шопур билан мулозимлар кўзланган манзилга етиб боришгач, ҳалқа бўлиб Фарҳод жасадини ўраб турган ёввойи ҳайвонлару кушларга кўзлари тушди. Жасадни ипак матоларга ўраб, шоҳона ҳурмат кўрсатиб, Ширин юрадиган кажава ичига солиб елкаларида кўтариб йўлга тушдилар. Бечора Шопур тўхтовсиз фарёд уриб,

жисмини яра қилиб йиғлаб келарди. Фарҳод билан фиғон чекиб хайрлашаётган ҳайвонлару қушлар яна у ётган ер атрофига тўпланишди.

Шопур ва мулозимлар жасадни Арманга олиб келиб, Шириндан яширинча қаср ичига қўйишди. Керакли барча ишларни бажариб бўлишгач, паривашга хабар қилдилар. Ширин ўз қасрига қандай меҳмон келганини эшишиб, гулдек очилиб кетди ва ўз меҳмонига мезбонлик қилишга шошилди. Мехинбонуга: «Одамларга айтинг: мени бир дам холи қолдиришсин. Мен етишолмаган, ғамида жонимдан тўйган ёрим Ширин ўлибди, деган сўзни эшишиб, менинг дардимда ҳаётдан кўз юмибди. Энди навбат менга етди. Вафосини жонимга яшириб, жонимни унинг оёғига нисор қиласман», – деди-да, узр сўраб уйичига кирди ва ичкаридан эшикни маҳкамлаб ёпди.

Сўнгра кажава томон йўл олди. Унинг ичидаги меҳмони ухлаётганини кўрди. Бошига қуёш келганида ҳам уйғонмаётган Фарҳодига боқиб, у билан бирга ухлашни истаган Ширин ёри ёнига ётиб юзини юзига, кўксини кўксига қўйди-да, кўнглидан шуълалик бир оҳ тортиб уйқуга, қиёматга қадар уйғонмайдиган уйқуга кетди.

Ширин уй ичига кириб эшикларни маҳкам бекитиб олганини кўрган Мехинбону билан сарой аъёнлари уни шомгача интизорлик билан кутишса ҳам, қайтиб чиқмасди. Сабрлари тугаб эшикни очишмоқчи бўлишди, очилмагач, уни бузиб, ичкари киришди. Кажава пардасини очиб, Фарҳод билан Шириннинг юзини юзига, кўксини кўксига қўйиб ётишганини кўришиди.

Мехинбону уларга назар ташлади-ю фифони оламни бузиб жон таслим қилди. Чунки Ширин унинг жони эди, унингсиз жонининг кераги йўқ эди маликага. Шу туфайли ҳаёти ниҳоли синди-ю, замонанинг кўнгли ҳам ундан тинчиди. Уч нотавоннинг бундай ўлимига жонларни фидо қиласа арзийди.

Эшитишимча, ўша оқшом бу ерда ҳозир бўлган чилтанлар – қирқ киши бир хил туш кўришибди. Тушлари-

да жаннат ичидаги катта бир боғда улкан бир қаср бўлиб, унинг зийнату безаклари ҳаддан ташқари чиройли эмиш. Шу қаср тўрида нурдан бир тахт қурилган бўлиб, унга ипаку баҳмал кўрпачалар ташлаб қўйилганмиш. У тахтда Фарҳод билан Ширин, ота-оналари ва Меҳинбону ўтиришган эмиш. Ҳар бирининг жамоли бу оламдагига қаранганд минг бора гўзалроқ эмиш. Жаннат хазинасининг соҳиби айтар эмишки, Фарҳод ўз қалбидан жой олган покиза ишқи туфайли хону султонлигидан, диёру хону монидан, сўнгра жаҳонгина эмас, жонидан ҳам кечиб, ўтар чоғи шундай фоний бўлдики, Ҳақ унинг ишқини боқий айлади, мажозий ишқи ҳақиқий ишқ билан алмашди. Бақо шаҳрида султонликка, ҳақиқат мамлакатида хонликка етишди.

Унинг дардига ҳамдард бўлганлар: Ширин, ота-онаси, Меҳинбону – барчасининг гуноҳлари кечирилиб, жаннат боғига сазовор бўлдилар. Туш кўрганлар унинг мазмунини оламга ёйдилар. Фарҳоднинг ошиқлиқда оламга машҳур бўлгани ҳақидаги хабар Хито-ю Чингача етиб борди. Бу пайтда ўғли ҳажрини чеккан хоқон ўлиб, тахтга унинг укаси чиққан эди. Онаси ҳам вафот этганди. Баҳром паҳлавон лашкарбоши бўлиб етишган, жанг қилганда Фарҳоддан кам эмасди. У, сайёҳлардан сўраб, бўлиб ўтган воқеалардан хабар топди-да, хоқон хузурида унга Фарҳод билан юз берган ҳодисаларни маълум қилиб: «Рухсат бўлса Чину Хитодан лашкар тўплаб, Арман мулкига бориб, Фарҳодни топсам-да, унга мададкорлик қилсам, бўлмаса тақдир буюрганини кўрсам», – деб илтимос қилди. Баҳромдан хавфсираб юрган хоқон ҳам: «У ўлибди, бу ҳам йўқолсин, қаерни истаса, ўша ёққа жўнасин», – деб ўйлади-да, ижозат берди. Рухсат бўлганидан шодланган Баҳром ўша заҳотиёқ қўшин тўплаб, Арман диёри сари йўлга тушди. Манзилга етгач, Фарҳод ҳақида одамлардан суриштиришни бошлади. Халқ Фарҳод азасини тугатмай туриб, яна икки кишига мотам тутилаётганини айтиб берди. Баҳром бу воқеалардан яхши ха-

бардор бўлган одамни сўраган эди, ҳузурига Шопур кириб келди. Баҳром унинг Фарҳодга яқин дўст эканини, унинг дардига таскин берганини эшитган эди. Икковла-ри бир-бирлари билан сўрашиб, роса йиғлашди. Баҳром Фарҳод мозори устига қурилган гумбазни кўриб, ичига кирди-да, фифони осмонга етди. Бир кечакундуз ўша ерда бўлди. Тинмай кўз ёшини тўкаётган Баҳром


SM  
Б  
М

*Кўзум чиқсин сени кўргунча мундок,  
Кесилсун тил, сўзунг сўргунча мундок.  
Нелар келмиш бошингға ғурбат ичра,  
Не ғурбатлар чекибсан шиддат ичра.  
Кўзунг очиб, кўтаргил бошинг охир,  
Ки келмиш бир ҳазин қўлдошинг охир.  
Бу ишнинг тоқати мендин йирокдур,  
Муни кўргунча ўлсам яхшироқдур...*

— деб нола қиласди. Таскин топгач, ер ўпид ташқари-га чиқди-да, Шеруяга одам йўллаб: «Олдимга келиб, саволларимга жавоб берсин. Агар гуноҳсиз бўлса, унга яхшилик қиласай, бегуноҳлигидан шубҳаланадиган бўлсан, нима қилишни ўйлаб кўрай», деди. Шеруя бу гапларни эшитгач, Баҳромнинг ўч олишидан ваҳимага тушиб, тавба-тазарру қилишга тушди ва келган одамга: «Фарҳод-нинг ўлимидагуноҳим йўқлигига сен ҳам гувоҳсан. Отамнинг қотиллигини билиб, уни ўлдирганимни ҳам биласан. Буларни Баҳромга айтиб бергин. Мен унинг қошига боришдан қўрқяпман, лекин унинг хизматига тайёрман. Уни мендан қасос олиш ниятидан қайтарсанг, қиёматгача сендан миннатдор бўламан», деди. Шеруянинг бу сўзларини эшитган Шопур ҳам унинг гуноҳсизлигини, келишга эса ожизлигини айтди-да, «Сен айтган барча ишларни бажаришга аҳду паймон қислин», деб қўшиб қўйди. Шопурнинг фикрини эшитган Баҳром унинг келишидан возкечди-да: «Хисрав бу халққа қанча зиён етказган бўлса, шунча пулни тўласин, манзилига қайтиб боргач, яна

шунча маблағ жүннатишига қасам ичсин», деб буюрди. Шеруя бу гапдан хурсанд бўлиб, бор хазинасини халқа топшириди, яна шунча молу дунё юборишга аҳду паймон қилди. Кейин Баҳром Арман элини йигиб: «Ким Хисравдан зарар кўрган бўлса, ўз ҳақини олсин», деб эълон қилди. Бу сўзларни эшитган шаҳар халқи: «Бизнинг ҳар биримиз Фарҳод учун жонимизни фидо қилишга ҳам тайёр эдик. Элнинг хоҳиши билан тақдирни ўзгартириб бўлмас экан, энди уни дуо қилиш билан машғулмиз», деб жавоб қилишди.

Баҳром ҳисобчиларга буюриб, бор пулларни халқа бўлиб беришни тайинлади. Кейин Меҳинбонунинг яқин қариндошларидан бирини тахтга муносиб кўриб, подшоҳликка тайинлади. Унинг адолатидан вайроналар обод бўлди. Хисрав ҳароб қилган барча иморатлар тикланди. Сўнгра Баҳром Чиндан келган сипоҳларга кўпдан-кўп бойликлар бериб, ўз ватанларига қайтишига рухсат берди-да, хоқон ҳузурига бориб: «Фарҳод билан Баҳром бирбири билан топишишди», – деб айтишни тайинлади. Сипоҳларни кузатгач, Баҳром Шопур билан бирга Фарҳод қабрига мужовир бўлиб қолишли.



# ЛАЙЛИ ВА МАЖНУН



**А**раблар диёрида шу ўлканинг бошлиғи бўлган бир улуғ ҳукмдор яшарди. Кўпдан-кўп қабилалар унга бўйсунарди. Ҳамма унинг баҳтини тилашарди. Чунки у барча бечора, муҳтоҷ одамларга меҳрибонлик кўрсатувчи, дастурхони ҳамиша ҳаммага очиқ бўлган меҳмоннавоз киши эди. Қозони остидан олов ҳамиша ўчмасдан саҳрова адашиб қолган инсонларга кечалари юлдуз мисоли доимо йўл кўрсатиб туради. Ҳукмдор илмни эъзозлар, доимо ўз илмини ошириб борарди. Оту туяларининг, қўю қўзиларининг ҳисобига ҳам етиб бўлмасди. Мол-дунёси мўлкўл бўлса ҳам, унинг фарзанди йўқ бўлиб, шундан изтироб чекарди. Агар ҳаёти дараҳти йиқилгудек бўлса, агар унинг ёнида бир ёш новда ўсиб келаётган бўлса, у кексайған дараҳтга соя солган бўларди. Бир вориси бўлганда эди, ҳукмдорнинг мол-дунёси осмонга соврулмасди, умр қуёши сўнса, янги туғилган қуёш ўз нури билан қабилани ёритган бўларди. Шулар ҳақида ўйлар экан, Тангрига тўхтовсиз тавба-тазаррулар қилиб, ўз орзусига етказишини тинмай илтижо қиласарди. Ниҳоят, унинг орзуси ушалди: Тангри унга ажойиб бир ўғил фарзанд берди. Шодликларга тўлиб тошган ота беҳад гавҳарларни сочиб, ўғли билан фахрланиб, фарзандига Қайс деб исм қўйди. Бу унинг отасининг исми эди.

Қанча-қанча доялар уни парвариш қилишга киришишиди, қимматбаҳо матолар, мўйнаю пўстинларга ўраб уни бешикка ётқиздилар. Улар болани кўз қорачиғидек асраршар, бирор совуқ шамолнинг унга тегишига йўл қўйишмасди. Ойлар, йиллар ўтиб, сўзлашни ўргангач, ақлли фикрлари, доно сўзлари билан одамларни лол қила бошлиди. Унинг ҳар бир сўзи элга мақбул бўлиб, дилларига ёқиб тушарди.

Унинг донолиги, дилга ёқувчи сўзлари қабилаларга тарқалиб, одамлар уни кўришга кела бошладилар. Баъзилар унинг юзига ҳайрат билан боқсалар, бошқалари сўзлари мағзини чақишга интилишар, мухтожлар уни жонларидан севиб, тўхтовсиз дуо қилишарди. Отаси билан онаси ҳам икки ошиқ каби уни маъшуқадек кўришар, ёмон кўзлардан асраш учун уни жон пардаси билан тўсиб, кўз қорачиғларини исириқ қилишга интилишарди.

Қайснинг ёши тўрт-беш орасида экан, отаси унга таълим бериш вақти етганини англади. Ўғлини ўқитиш учун қабилалар ичидан доно бир устозни топиб келишга буюрди. Токи унинг фарзанди устоз илмидан баҳраманд бўлиб, бор илмлардан хабардор бўлсин, илму фанларни ўзлаштириб элга танилсин ва оламда баланд обрўга эга бўлсин.

Нихоят Қайсга таълим берувчи донишманд бир муаллимни излаб топдилар. Аммо у бошқа бир қабилада мактабдорлик қилиб, ҳар куни дарс бергани учун ўзга бирон жойга боролмасди. У қабиланинг сардори қабила дошлирага ҳар ишда меҳрибонлик кўрсатувчи, юкори шон-шарафга эга бўлган ҳукмдор бўлиб, очиққўлликда қуёшга монанд эди. Аммо қаҳри келганда сахронинг иссиқ шамоли каби раҳмсиз бўлиб, қўлида тошларни мумдек эритишига ҳам қодир эди.

Сардорнинг беҳисоб дуру гавҳарлари бўлиб, уларнинг биттаси билан алоҳида фаҳранарди. Бўстонида юзлаб чиройли гуллар бўлса ҳам, улардан биттаси билан димоғи хуш эди. Учқуни шарқ қуёшидек бўлган бир машъял билан кўзи нурли, оламни равshan этувчи бир шамъдан хонадони чароғон ва чиройли эди.

Шамъею не шамъ, чашмаи нур,  
Нуреки ямон кўз олидин дур.  
Нахлею не нахл, сарви озод,  
Сарвею, не сарв рашки шамшод.

Ойею не ой, бадри толеъ,  
Бадрею не бадр, меҳри ломеъ.  
Шаҳд икки лаби, vale ратабнўш,  
Бадр икки юзи, vale қасабпўш.  
Зулфи тунида узори хуршед.  
Хуршед уза зулфи шоми уммедин...  
... Йўқ икки сочи тунига ғоят,  
Яъни ики лайли бениҳоят.  
Андин бўлуб оти жилва орой,  
Андоқки бароту қадр аро ой.  
Кимники бўлуб демакка майли,  
Малфуз ўлмай бағайри Лайли.

Отаси бу гўзал ва доно қизи учун бир уйни ясатиб, унга мактаб қилиб берган, ҳали айтиб ўтганимиз донишманд устоз унга таълим берар, гўёки фариштадан ҳур илм касб этарди. Ушбу мактабда қабиланинг кўпгина болалари ҳам таълим олишарди. Осмонни юлдузлар тўлдирганидек, мактаб ҳам болалар билан тўла бўлиб, Лайли шу юлдузлар орасидаги ойга ўхшарди.

Ўғлини ўқитиш орзусида бўлган Қайснинг отаси ҳам ўз қабиласида мактаб ва устод бўлмагани туфайли фарзандини ушбу устозга топширди. Қайс ғайрат билан таълим олишга киришиб кетди. У муаллимнинг барча топшириқларини тўла-тўқис бажо этар, ҳатто баъзи дарсларни аввалдан ўрганиб олиб, дўстларини ҳайратда қолдиради. Баъзи кунларда беш-үн дарс топшириқларини ўзлаштириб оларди. Шу зайлда ғайрат билан ўқиб, барча билимларда ягона бўлиб олди.

Қайс мактабга қатнашни бошлаган вақтда, Лайли бир дардга чалиниб, иситмадан азобланиб касал ётгани учун таълим олишга қелолмаётган эди. Мижози иссиқ бўлган Лайли асал билан хурмони яхши кўрарди. Бунинг устига сахронинг иссиқ ҳавоси ҳам қўшилиб, унинг иситмалашига сабаб бўлганди. Қизни иситма чоғида титраш ҳам қаттиқ безовта қиласарди. Табибларнинг муолажалари ҳам фойда бермаётганди. Анча вақт ўтгач, табиатнинг ўзи

мададкор бўлди-ю, қизнинг жисмидаги дард аста чекина бошлади. Табибларнинг дорулари охири фойда бериб, юзлари, лабларига қизил югурди, парҳезлардан ҳам қутулиб, қуввати ўзига келди. Тамомила соғайгач, бир куни дугоналарини эргаштириб, мактаби томон йўл олди.

Оlam безакчиси унга пардоз бериб, жаҳон чироий бўлган бу ҳусн зебига яна зеб қўшди. Зулфи билан юзи «хад» сўзини ёзгандаги «дол» ҳарфига, «фам» сўзининг нуқтаси эса оғзи устидаги холга ўхшарди. Ўтдан гулистанга гул очиб, у гул билан жаҳонга ўт солган эди. Фарқи олдидаги зулфи анбарга ўхшаган қоп-қора бўлиб, гулранг ўтига анбар мисол қора тутун сочиб турарди. Юзи устидаги нақшли тиллақош бу ўт билан тутуннинг учқунлари бўлиб кўринарди. Пешонаси ҳам ўт мисоли бўлиб, оловранг лаби бу ўтнинг чўфи эди. Ҳиндуларга ўхшаш қоп-қора холи лабининг ўти ичига сув яширган бўлиб, бу, ҳаёт суви эди. Бу лаб ўтидан жаҳон куйгудек, йўқ-йўқ жаҳонгина эмас, жон куйгудек кўринарди. Ўтли икки кўзи сурмаланган бўлиб ўша ўтларга бу сурмадан тутун таралиб турар, бу ўтлар орасида юзи фарқ бўлиб, жаҳонни ўртайдиган чақмоқ мисоли эди. Бу юз оддий чақмоқ эмас, балки офат чақмоғи ёки латофат яшини эди.

Юзи атрофидаги икки гавҳар гўё ой билан юлдуздек ярқираб турар, сочи устидаги рўмоли ноёб иплардан тўқилган бўлиб, худди висол шомидаги ойдиннинг ўзи эди. Ҳуснда оёғидан бошигача гўзал бўлиб, бошдан оёғигача маҳбуб, суюкли эди. Шундай жамоли билан жаҳонга, саккиз осмонга favfo солиб, бир нечта teng қоматли, гул юзли, аргувон яноқли канизлари олдига тушиб мактабга етиб келди. Ҳамдарсларини кўриб қўнглини шодлантириш, уни кўриб хурсанд бўлган устоз болаларни озод қилиб юборса, қизлар билан гулшангча бориб ўйнаб кулиш унинг муддаоси эди. Мактабга кириб келган гўзал Лайлини ҳурмат билан кутиб олган дўстлари ниҳоятда шодланишди. Лекин бу ҳаётбахш баҳор бир ниҳолни

хазон қилди. Йўқ, йўқ, у ниҳолга бошдан-оёқ ўт туташи-ю, у ўтга, алангага айланди. Яъни қизнинг хусни жамолини кўрган Қайснинг чехраси қаҳрабодек сарғайиб жисми заифлашди-ю, ҳушидан кетиш, йиқилиш даражасига етди. У ерга қулаб тушмаслик учун ўзини зўрға тутиб турарди. Соҳибжамол гўзал қиз ҳам бу маҳзун йигитни кўргач, унинг ким эканлигини фаҳмлади-ю, жонига ишқ ўти тушиб, нима қилишини билмай қолди, сўнг ўзини қўлга олди-да, икковларининг сирлари ошкор бўлмаслиги учун: «Юринглар, боқقا борамиз», – деди-ю тез-тез юриб кетди. Болалар унинг бу сўзларидан хурсанд бўлиб, унга эргашишди. Лайли: «Ким мактаб аҳли бўлса, бир кунгина даштни тарк айлаб, боғда гуллар билан гашт қилсан», – деб таклиф қилган эди, мактабдошлар қувончи устига қувонч қўшилди. Бўлган воқеаларни кўриб турган Қайс ҳам уларга шериклик қилишни лозим кўриб, боғ томон ўйл олди.

Гўзал гулшанга етиб келган болалар қувонишиб ранг-баранг гуллардан, майсаюрайхонлардан баҳра олишиб, бир-бирлари билан қувалашиб шодланишарди. Олам худди тўти бўлишни орзу этгандек, бутун ер юзини яшил рангта бўяган, сариг гуллар устидаги тонгти ёмғир мисли олтин лаганлар устидаги дурлардек ялтирас, мевали дараҳтларни безаган оппок гуллар кумуш тангалар ичига кўмилгандек кўринишарди. Даштдаги лолақизғалдоқларнинг барглари тўкилар экан, улар шамол эсган пайт худди учиб юрган бағри қора қушлардек парвоз этар, нарғису насрин, бинафшаю фунчалар боқقا ажиси бир гўзаллик бағишилаганди. Гулшанни кезиб, турли ўйинлар билан банд бўлган болаларнинг қувончлари беҳад бўлиб, шўх овозлари янграшдан тўхтамасди. Улар фунчалар орасида завқланишар экан, Қайс билан Лайлининг фунчадек юраклари безовта эди. Қалбини ишқ ўти банд этган гўзал қизнинг хаёли паришон бўлса, Қайс ақлу ҳушидан айрилгандек беҳол бўлиб, ўртоқларининг берган саволларини тушунмас, англаб етган чоғда эса нима

деб жавоб беришга ожизлик қиласы. Ўз ишқини яшириш учун интилар экан, гоҳ күзидан тинмай ёш оқизар, гоҳ беихтиёр оҳ тортар, севгилисига боқишини истар экан, дилидаги ўт кучлироқ аланталанар, боқишина қуввати, бокмасликка эса тоқати йўқ эди. Баъзида кўз қири билан боқиб қолса, жонидан ўтли оҳ чиқарди.

Лайли ҳам гоҳида Қайс юзига назора қиласы экан, унинг юрагига тушган ўтдан огоҳ бўлиб, жисмидан ўрин олган изтиробларини англаб етар экан, ўз қалбидаги ишқ оловидан ўртанар, болаларга сездирмай, бир фурсат топиб, йигит аҳволини сўраб, унга илтифот қилишни, айни вақтда ўз кўнглидаги ишқ дардини изҳор этишни жуда-жуда истарди.

Болалар ўйин-кулги, гулларни томоша қилиш билан банд экан, Лайли сайр қилиб юриб, бир гул чамани олдидан чиқиб қолди.

У чаманзорнинг тўрт томони гул буталари билан тўсилган бўлиб, ичкаридаги одам кўринмасди. Гўзал қиз ўша буталар орасига кириб қолган эди, бир булбулизорнинг тиканлар орасида маҳзун ўтирганини, ўз аҳволига зор йиғлатадётганини, ёрига етишаолмаслиги ҳақида афсус-надомат чекаётганини кўрди. Лайли хижолат чекса ҳам, Қайсга мурожаат этди:

«К-эй турфа йигит, не ҳолатинг бор,  
Не навъ ғаму малолатинг бор?  
Ким шодлифинг йўқ ўзгалардек,  
Ободлифинг йўқ ўзгалардек.  
Асҳобга майли боягу гулзор,  
Ҳам тан санга решу, ҳам кўнгул зор.  
Сен нола қилиб ғамин недин сен?  
Ашкинг оқизиб ҳазин недин сен?  
Ишрат чоги меҳнатинг не яъни?  
Шўробаву ҳасратинг не яъни?  
Бу ғам сенга қайдин ўлди ҳодис,  
Ким бўлди бу шиддатингга боис?»

Қайс бу гүзәл дилбар ўз ахволи сабабини сўрагач, кучли бир оҳ тортди-ю, унинг шириң сўзларидан лол бўлганича, юзига ўз ҳолатини қон ёшлари билан ёзди. Йўқ, йўқ, тили билан шундай шарҳ айлади:

«Эй жонимга хайрат ўтини солиб, бир кўришдаёқ кўнглимни олган, жамолидан чақмоқ сочиб, вужудимни ўичига фарқ қиласан, зулфини очиш билан қароримни олиб, рўзгоримни қора қиласан, аввал афсона айтиб кўнглимни хароб айлаган париваш! Қиласан ишларингни яшириб, мендан сўрашинг нимаси? Бошқалар сезиб қолмаслиги учун бу хил ўйин қилмоғинг нимаси? Бу азоб-уқубатларни менга етказган ўзингсан-ку! Бу туҳматни кимга қиласай?»

Кўнглимни яширинча олдингу, мен уни сендан қайта-риб ололмаяпман. Сен эса ўзингни соддаликка олиб, лабаринг афсона сўзлаяпти. Жонимни ўтга ёққанинг етмаганидек, бундай сўзлар айтишингга ҳожат йўқ эди. Ўт устига ёғ қуймоғинг, куйган ярамга доғ қўйишинг не эди?» Шу сўзларни айтган Қайс беҳол бўлиб хушидан кетди.

Лайли эса ошиқ йигит бошини қўйнига олиб, унинг юзига кўз ёшларини сочиб, севгилисига ачинганича, Қайс юзига баъзан гулоб сепиб, уни ўлдириб қўйдим, дея йиф-лаб, мотам тутарди.

Лайлини қидириб бу ерга келиб қолган бир-икки дугонаси бу воқеани кўргач, олам кўзларига қоронғу бўлиб, «Бу қандай ҳол бўлди?» – деб кўрқувга тушдилар. Гўзал дилбар ўзига келгач, бўлиб ўтган воқеадан уларни хабардор қилди-да, ўз дардига чора сўради. Канизаклардан бири Лайлига ҳамдардлик билдириб: «Фам емасанг ҳам бўлади, ҳеч ким ишқ ўтидан ҳалок бўлган эмас. Сен бу йигитни бизга топширгин-да, тезлик била қабилага қайт. Токи одамлар бу ишдан огоҳ бўлишмасин. Биз бирон чорани ўйлаб топармиз», – деди. Лайли улар айтганича кўнглини ўша ерда қолдириб, уйи томон йўл олди. Канизаклар Қайснинг дўстларини топишиб, уларнинг меҳрибонлик кўрсатишига ишонч ҳосил қиласан, ўзлари ҳам уй томон йўл олишди.

Бу қоронғу кечани юлдуз гуллари гүё бир гулистанга айлантиргач, баҳор гүзали бўлган Лайли ичи қонга тўлиб тез-тез юриб ўз қабиласига етиб борди, лекин фунчадек қалби ошиқ йигит аҳволидан ташвишда эди. Бу пайт Қайс хушидан жудо бўлганича тупроқ мисоли ерда ётар экан жисмида руҳдан асар ҳам йўқ эди. Ярим кечаси ёқимли шамол чаманзор бўйлаб сайр этар экан, гуллар атри демогига етиб, ғарип йигит кўзини очди-ю, ўзининг чаман ичида, сарву гулу ёсуманлар орасида ётганини кўрди. Булбул унинг аҳволини кўриб боши устида сайраб турар, гул ҳолатига назар ташлаб гулранг ёқасини пора қилган, наргис шабнамдан кўз ёшини тўкиб тинмай йифлар, айрилиқ дарди доғини кўриб турган лола кўксисда қора доғ пайдо бўлганди. Дили яраланган бинафша ғам чекиб устига мотам либоси – кўк кийим кийиб олган, бу азадан хабар топган дараҳтлар осмонга бўйларини чўзиб мотам байроғини тиккан каби ғам чекишар, сув мотам тутиб оқар экан, овоз чиқариб йиғлаб борарди. Сарву шамшодлар ҳам йигит ҳолига чидай олмай изтиробда қолишган, «Ишқ уни бежон қилди» деб билган чирмовук гул ўз-ўзига чирманиб олган, сабза-кўкатлар ўзларини тилга айлантиришиб, Қайс ғами ҳақида афсона тўқишиарди.

Ошиқ йигит буларнинг аҳволига назар ташлар экан, ўлишдан бошқа чора тополмасди. Атрофида бирон дўсти кўринмас, ичидаги ўт уни азоблар, қошида севгили ёрини, дўстларини тополмай дилида дард тўла эди. Қуёш ботиб оқшом тушганда ҳам ҳажр ўтида ўртаниб ғам-алам чекар, лекин дардига даво тополмасди. Шунда кўз ёшларини тинмай тўкиб, кўйлакларини пора қилиб, фарёд урди, охидан осмон қоронғу бўлиб, фалак кўз ёшларини тўка бошлади...

Либослари қизил қонга бўялгач, осмонга унинг охидан қуюқ тутун етишди. Йўқ, йўқ, бу унинг ўртанаётган жисми сомонининг тутуни эди. Бу оҳ етган осмонда гоҳ шульга, гоҳ тутун пайдо бўлар экан, ундан жаҳонни сомон

ўти тутуни қоллаб, фалаккача етиб борар ва осмонлар кўзини ёшга тўлдиради.

Қайс ўз юзларига шунча шапалоқ урдики, заъфарон-мисол чехраси кўкариб кетди. Бундан кўнгли озор то-пиб, кулиш ўрнига йиғлай бошлади. Кўксига фироқдан тош уриб, ёрига муштоқликдан бошини ерга уради. Дарду аламлар унинг кўнглига сипоҳлардек хужум қилар экан, охи ўти уларнинг байроқлариdek кўкка кўтарилади. Бу сипоҳлар Қайс ичига ўт солиб, кўнгли мамлакати-ни пайхон қилиб тепкилар, бу сипоҳлар сал узоқлашгач эса янги бир бало аскарлари етишиб, у мамлакатни ер билан яксон этарди. Ошиқ ҳажрга мубталолик туфайли шундай азоблар чекар экан, тонг қуёш ўтини пуфлади.

*Кўк гулшани гуллари тўкилди,  
Гулларки тўкилди, ғунча кулди.  
Кўк боғида гуллар ўлди нобуд,  
Ер боғида гуллар ўлди мавжуд.  
Ул боғда ҳар неким сочилди,  
Гўёки бу боғ аро очилди.  
Бедил кўрибон ёруғ жаҳонни,  
Чекти яна оҳ ила фифонни.*

Бошида ғам чекиб турган гулга боқиб «Қани у шакар-ханд гул, сенинг юзинг ёrim чехрасига ўхшар экан?» деб хитоб қилди. Фунчага боқиб, уни севгилиси оғзига ўхшатолмади. Сарв оёғига юзини сурниб: «Бу унинг тик қадди бўлмаса ҳам ёrim қадди-қоматидан нишон беряпти», – деб оҳ урди. Гоҳида бинафшага ўз меҳрини кўрсатиб, олдидан бош кўтармай ёри атрини излар, гоҳ сабза-ўтларга юзларини суртиб «гулшанда юрган чоғда гул юзли ёrim оёғи сенга теккандир» деба фифон чекар, нарғис кўзи дилдори кўзларини ёдига туширганда, йиғлаб, озор чекар, беморлардек тани заифлашарди. Тупроқда Лайли оёғи изларини кўрганда, Қайс уларни иккала кўзи билан беркитиб, «Бу ерга ёrim оёғи етган экан, тупроғини сур-

ма этган экан», – деб ох урар, гоҳида сувдан белги сўраб, кўз ёшларини сувдек оқизиб: «Чаманда ёрим кезган чоғда унинг акси шу сувга тушган», – дея фифон қиласди.

Булбул билан сухбатлашиб фифони унинг навосини босиб кетар экан, Қайс унга мурожаат этиб: «Сенинг нола чекишингга сабаб йўқ, ахир сен ёринг висолидан хушнудсан, гўзал гулшан – сенинг масканинг, гул бутаси – маконинг. Гуллар билан доимо сухбатдасан. Ёки ёр висолидан безор бўлдингмики, шомдан саҳаргача элга овозингдан озор бериб, ўз ошиқлигингни ошкор қиласан. Сен висол аҳлисан, шунинг учун ҳажр аҳли қошида беҳуда сўзлар айтишдан тўхта. Мана мен дардли, юраги жароҳатланган, ёр висолини излаб, тополмаётган ошиқман. Жисми зорим фам ўтида ўртамоқда, жон каби сарви гул узорим йўқ, сен нола чекаверма, нола чекиш мен<sup>10</sup> га муносиб. Сенинг олдингда висол боғи бўлса, менинг<sup>11</sup> бағримда эса фироқ доғи; сенинг ёнингда гули баҳори бўлса, менинг кўнглимда фироқ тоши бор».

Шундай деб Қайс яна ҳушидан кетди-да, ох тортиб жони чиққандек ерга йиқилди.

Қизлар Қайсни бир дўстига топшириб кетишганди. Уни<sup>12</sup> бир гул бутаси ортидан дўстининг аҳволини назорат<sup>13</sup> қилиб турад экан, унинг ҳолатини англаб етди-да, қабила томон йўл олди. Тез-тез қадам босиб, қабилага етиб келиб, ҳамма ҳаяжонда эканини кўрди. Чунки Қайс ўша тунда уйига қайтмаганидан огоҳ бўлган ота-онаси уни қидириш учун ҳар томонга одамлар йўллашган эди. Қайснинг дўсти бўлиб ўтган воқеаларни сўзлаб бергач, ҳамма йигит ётган жойга шошилди. Кўйлаклари пора-пора бўлиб, тупроққа беланиб, ишқ азобидан беҳуш ётган Қайсни кўрган қабила аҳли тия устига кажава ясад, уни ўз манзили томон олиб кетдилар.

Қайс ўз бошига тушган савдолардан бехабар, ҳушсиз ётарди. Бир замон ўзига келиб, кўзини очди-ю, фамга тўлган, худди мотам тутишаётгандек изтироб чекишаётган ота-онасини кўрди. Отаси меҳр билан пешонасидан

ўпди, онаси эса бошида парвона бўларди. Бу воқеаларни англаб етган Қайс хижолат ичида қолди. Уялганидан юқори боқа олмасди. Отаси билан онаси ўғилларининг бу ҳолатини кўриб, унга насиҳатнамо сўз дейишдан ҳам ҳайкишарди. «Агар унинг бу аҳволи сабабини сурештиришга тушсак, хижолатдан нобуд бўлиши ҳам мумкин. Яхиси, бўлиб ўтган воқеаларни унутсан», – деган хулосага келдилар. Барча уй-уйига тарқалар экан, бир-бирларига турли фикрларни билдиришар, бири: «Ажойиб ҳолга тушибди», деса, бошқаси «Қизиқ хаёл юз берибди», деб сўзларди.

Қайс уйида якка қолгач, юз берган воқеалар ҳақида ўйга ботди, ўз бошига тушган кулфатга чора излаб тоғларни излаб водиую тоғлар томон йўл олай деса, ота-онасининг яна оғир дард чекишини ўйларди. Оқшом тушгач, ишқ ўти унинг ихтиёрини қўлидан олди-ю, Лайли ғами ота-онаси ҳақидаги ўй-фикрларини ҳам ёдидан чиқарди, ўзини севган кишиларнинг ҳолини ҳам унутиб, маҳбубаси уйини излаб йўлга тушди. Эсхушини унутиб, беихтиёр, маст одамлардек йиқилиб-турриб борар экан, кўз олдида қабила ўти пайдо бўлди, уни кўриши биланоқ изтироби қўзғалиб, оташин бир оҳ урди-ю, тутун мисоли ўт томон йўналди. Аланга олдига етиб борган Қайс унга қараб хитоб қилди: «Эй ҳижрон тунида ишқ юлдузигина эмас, ишқ гавҳари бўлган аланга, сен шодлик машъаласи, гавҳари шабчароғсан... Фам шомида қўлимдан тутиб, ҳижрон тунида кўзимни ёритдинг. Сенинг мақтовингни қандай айта олай, шукрингни қайси тил билан баён қиласай? Ой билан кун сенга икки манқал – оташдон, ўтининг уд билан сандал бўлсин. Ҳамиша шундай меҳрибонлик қилиб, жаҳонни ёритавер!».

Қайс бу сўзларни айтиб тугатган ҳам эдики, қабиладан ит овози эшитилди. Буни эшитган ошиқ йигитнинг жисмига кучли бир алам, кўнглига изтироб тушди. Ўша итдек фифон чекди-ю, карвондан қолиб кетган одам ўз дўстларини бор овози билан чақираётгандек, овоз кел-

ган томон югурди. Унинг тилида эса шу сўзлар янгаради: «Эй ҳазин овозинг жонга хушхабар еткизувчи, руҳим озиги бўлган жонивор, сен ғам туни вафо кўрсатувчи, йўлдан адашганларга раҳнамолик, йўлбошловчилик қилувчисан. Жоним аёғларинг фидоси бўлсин. Мен ўз мақсадимга эришолмай юрган бўлсан, сен ўша жойнинг посбонисан. Сен билан мен икки дўстмиз, лекин мен хор эсам, сен мукаррамсан. Сен ёр эшигига шоду масрур бўлсанг, мен ундан маҳрум бўлган ғарибу маҳжурман. Сен унинг кўчасида истаганингча ҳар томонга сайр қила оласан, менинг кўзларим эса фақат биёбонни кўради, холос. Сен ёrim кўчасида тошга бош қўйиб ётсанг, менинг бошимга маҳбубадан айрилиқ тоши ёғилгани ёғилган. Сен вафода ҳам, садоқату сафода ҳам мендан ортиқроқсан. Шундай бўлмаса, нега фалак мени хор этди-ю, сени ҳурматга сазовор этди? Қонхўр сипеҳр сени муҳтарраму мени хор қилгани шукронаси учун фифонингни мендан яхшироқ созлаб, баъзан мен учун ўша останани ўпид қўй!»

Ит билан шу тарзда суҳбатлашгач, кўзи олдида Лайли қабиласи пайдо бўлди. Қабила қорасини кўрган Қайс ичига заифлик юзланиб, юришга мадори қолмади, қадам ташлашга ҳар қанча ҳаракат қилмасин, оёғи чирмашиб йиқилиб тушди. Бир неча бор йиқилиб, бир неча бор турди, гўё ҳар йиқилиши ер ўпиш учун бир баҳона эди. Шу тарзда йиқилиб, туриб қабилага етиб келди-ю, жони оғзига етиб, хушидан кетди. Гоҳ ҳушида, гоҳ беҳуш бўлиб, қабила атрофида айланар, ҳар лаҳзада жонни куйдирувчи ўтли фифон тортарди.

Юқори мартабали араб қизи Лайли ҳам Қайсга мубтало бўлганди. Кўнглидаги яширин сири дардини тортиб кечаларни уйқусиз ўтказар, туну куни унинг хаёли билан банд бўлиб, муроди Қайс висолига етишиш эди. Ошиқ йигит унинг қабиласига етиб келган кечада унинг ҳам кўзига уйқу келмай ҳижрон аламини тортиб ўтирас экан, қулоғига мунгли, ҳазин бир овоз эшитилди. Бу овоздан

ичига ўт туташиб, кўнглига изтироб тушди. Оромидан айрилиб, ўрнидан турди-да, эшикдан ташқари чиқди. Қабила аҳлининг барчаси ўйкуда эди. Ишқи йўқ одамларнинг мақсади уйқу бўлса, ишқ аҳлига уйқу ҳаромлиги аён-ку!

Лайлининг ҳолатини қузатиб ётган доя, қизнинг муҳаббат ўтида қоврилаётганидан воқиф эди. У Қайсга ҳам меҳрибон бўлиб, жон фидо қилишга ҳам тайёр эди. Қайс мактабда ўқир экан, бу аёл ўзини унинг ҳам дояси каби севар, Қайс ҳам ўзини унга фарзанд каби тутарди.

Лайли уйидан югуриб чиққанида, доя ҳам соядек унинг кетидан эргашди. Ишқ ўтида қоврилаётган Лайли ўз севгилиси турган ерга етиб боргач, бир-бирини кўрган ошиқ билан маъшуқа шундай бир оҳ тортдиларки, ўтларидан жаҳон ёришиб, хирмонларига шуъла тушди. Ҳуш хирмони кул бўлгач, иккала хушсиз беҳуш бўлиб йиқилди.

Доя бу пок ишқни кўриб, дили ўртанди. Уларнинг беҳуш ётишини кузатар экан, Қайс билан Лайли ўз ҳушида бўлганида ҳам бир-бирларига дил сўзларини айта олмасликларига ишонди. Сўнг ҳар иккаласига боқиб, аччиқ-аччиқ йиғлади-да, буларнинг иккаласи ўзига келгунларича бирон кимса кўриб қолса, иккови учун ҳам яхши бўлмаслиги, ҳатто икки ёш ўз муҳаббатлари йўлида ҳалок бўлишлари ҳам мумкинлигини англади. Сўнг уларнинг бирини, Лайлини, қуёшни чарх золи кўтарганидек, елкасига олиб, қаддини эгганича олиб келиб ўрнига ётқизди. Доя яна ортига қайтиб, Қайс ётган ерга келди-да, онаси каби жони куйиб, гоҳ судраб, гоҳ кўтариб қабиладан узоқроқ, элнинг ваҳму гумонидан четроқ жойга олиб бориб, бирон газанда тегмайдиган бир ерга ётқизди-да, Лайлининг олдига шошилди ва унинг ёнига ётиб уйқуга кетди.

Қайс кечаси Лайли қабиласи томон йўл олиб, у ерда айтиб ўтилган воқеалар юз берган чоғда кундузи ўз манзилида ўтирган йигитнинг ногоҳ ғойиб бўлиши унинг қабиласи аҳлини яна ташвишга солди. Отаси билан онаси яна йиғлашга тушишди, ҳар томонга одамлар юбориб, унинг бирон белгисини толишини буюришди. Унинг

Лайли қабиласи томон кетган изларини күришди-да, қаби-  
лага етиб боргач, у ердан иккита оёқ изи чиқиб келгани-  
ни аниқлашди, бу излардан бориб уч киши учрашгач.  
иккитаси ерда ётганини, бир ётган одам судралып биё-  
бон сари йўл олганини, яна бир ётган одам пари каби  
йўқ бўлиб қолгани, яна бир из қабила томон кетганини  
күришди-да, судралган из билан йўл тутиб, Қайснинг  
кумларга кўмилиб ётганини, шамол эсиб, унинг жисми-  
ни қум билан кўмиб юборганини билишди. Қайс бошдан  
оёғигача тупроққа кўмилиб ётар, у билан ўлик орасида  
фарқ қолмаганди. Қабила аҳли бу ҳолни кўриб, ёқалари-  
ни йиртишди, боши устида зор йиғлашар, уни ўлдириб  
кўмиб қўйишган, деб ўйлашиб, тупроқни очиб, ўз бош-  
ларига тупроқ сочардилар. Баъзан-баъзан нафас олаёт-  
ганини сезиб қолишгач, шукр қилишиб шодландилар,  
сўнг уни бировга кўтартириб тезлик билан қабила сари  
йўлга тушдилар. Қайснинг аҳволини кўрган отаси йифи-  
дан беҳол бўлиб қолди. Онаси фифон чекиб, кўзидан  
тўкилган қонли ёшлари юзини юварди.

Қайс ҳушига келгач, барчанинг олдида бошини қуий  
солганича, индамай турарди. Одамлар чор атрофидан уни  
маломат қила бошладилар. Бири: «Санга бу қандай ҳавас  
бўлди?» – деса, бошқаси: «Ҳавас бўлса ҳам етар энди!» –  
деб насиҳат қиларди. Ҳар бир насиҳат унга қон тўкувчи  
бир найзадек, девоналар бошига отиладиган тошлардек  
туюларди. Бирори: «Унинг қулоғига насиҳат керак!» –  
деса, бошқаси: «Унинг оёғини занжирбанд қилиш дар-  
кор», – деб сўз қотарди.

Ўша кун шундай сўзлар билан кеч бўлди. Лекин ошуф-  
та, ошиқ йигит бундай гап-сўзларга заррача эътибор бер-  
мас, улардан хафа ҳам, хурсанд ҳам эмасди. Олам ўзи-  
нинг кун чироғини яширгач, тун Қайснинг димогини яна  
безовта қила бошлади. Эл уйқуга ётар экан, ишқ уни  
уйда дилтанг қила бошлагач, у сакраб туриб қабиладан  
тезлик билан чиқди-да, дилбари манзили томон югуриб  
кетди.

Эртасига эрталаб унинг зору нотавонлари яна ҳар томонга йўл олишиб, фифон қилишиб, уни олдингидан ҳам зору маҳзун ҳолда, дарду ғами эса бурунгидан ҳам кучайган бир ҳолатда топиб келишди. Ҳар тун Қайс шу тарзда қочиб кетар, қабила аҳлининг қилар иши уни қидириб топиш бўлиб қолди. Бу ишлардан элнинг сабру тоқати тугаб, ота-онаси-ю қариндошлари нима чора қилишни билолмай қолишли. Қайснинг аҳволи борган сари оғирлашиб бораркан, унга насиҳат қилувчилар ҳам тобора забунроқ бўла бошладилар. Йигитнинг эс-хуши тобора заифлашиб, девоналик қилиқлари кучайиб борарди. Болалар унинг кетидан тинмай югуриб, «Мажнун» деб бақиришар, у эса бунга парво қилмай, ҳар бир саволларига жавоб берарди. У қаерга борса, эл «Мажнун келди», «Мажнун келди» дея қичқиришарди. Қайс эса от нима эканини ҳам, ўз отини ҳам, қабиласи-ю қардошларининг отини ҳам унугланган бўлиб, «Лайли» деган номнигина англарди. Ҳамиша «Лайли!», «Лайли!» деб чакирап, одамлар эса унинг ўзини «Мажнундир бу, ушбу Мажнун» деб хитоб қилардилар. Шу ҳолатда ҳар тонгда ва ҳар оқшомда Лайли қабиласи томон йўл олар, қабила атрофини бир неча марта айланаб чиқар, аввал қадам қўядиган жойига бош қўйиб, кейин эса кўксига тош урар, қабилани ҳар сафар айланар экан: «Қоним тўкилса, қабиласига жоним садқа», – деб ҳўзлар, кейин қўз ёшларидан сел тўкиб, саҳро томон йўл оларди.

Мажнун ҳақидаги гап-сўзлар эл ичидаги афсонага айланаб, бутун Араб мамлакатида машхур бўлиб кетди. Ҳар кимсанинг тилида Қайс ишқи ҳақидаги ҳикоя эшитиларди. Лайли отасининг бир-икки меҳрибон кишиси унга бу воқеаларни сўзлаб беришди. «Омир қабиласида Қайс деган доно, ақлли бир йигит бор эди. Эшитишимизча, ҳозир эс-хушини йўқотиб ҳамиша даштда оҳ-фарёд уриб кезиб юрганмиш. Паришонлигининг, девоналигининг чегараси ҳам йўқ эмиш. Дейдиларки, унинг бу аҳволига бир хурсифат гўзал ишқи сабаб бўлганмиш.»

Лайлининг отаси бу сўзларни эшитиб ғамгин бўлдида, бармоғини тишлаб: «Бечора! У йигитни кўплар таъриф қилиб гапиришарди. Қобилиятли, доно, покиза йигит деб мақташарди. Ақли комил, гап-сўзлари ёқимли бўлгани учун менга ҳам маъқул эди у. Отасининг ҳоли қандай экан? Бечора онаси ғам-аламда азоб чекаётгандир. Унинг изтиробларига қайси қиз сабаб бўлган экан? Қайси бир гул уни бунчалик ташвишга кўйибди, қайси сарв унинг йифисига боис бўлибди? У гўзал қайси қабиладан экан?» – деди. Сўз бошлаган киши жавоб бериб: «Эй муҳтарам зот! Сўраётганинг учун бор ҳақиқатни айтишим зарур. Одамлар у йигитнинг кўнгли шу қабила-га мансуб гўзалда бўлса керак, дейдилар. Уларнинг бу хил сўзларига анчагина далиллар ҳам бор. Бу даштда қабилалар кўп бўлса ҳам, унинг кўнгли биронтасига мояйил эмас. Лекин ҳар саҳар ва ҳар шом пайти у ушбу қабиладан ором топади. Жонининг қибласи ҳам, жону жаҳони ҳам шу қабила. Унинг ор-номус манзили мана шу уйдир. Ҳамиша одоб билан сўзлайдиган бу йигит яхши шеърлар ҳам ёзди. Назмида биргина исемни тилга олади. Бу исемни аташдан ожизмиз. Биз билганларимизнинг барини айтдик. Бу иш ҳақида қандай фикрга келиш ўзинга ҳавола».

Лайлининг отаси гап нимада эканини англа бетди, алам билан бир тўлғаниб олиб, бошини ушлаганича бир замон ўйланиб қолди, лекин яхши ҳам, ёмон ҳам сўз демади. Анча пайт чуқур ўйланиб, сўзловчига шундай деди: «Тезлик билан бориб Омирийлар сайиди-қабила бошлиғига шу сўзларимни етказ: «Бу хил гап-сўзлар бизга ҳам, сенга ҳам муносиб эмас. Одамларнинг айтишларича, сен бор гапдан хабардор бўла туриб, шу чоққача ўғлингнинг жиннилигини тўхтатиш учун бирон чора кўрмабсан. Ким жинниликка юз тутса, унинг бирдан-бир давоси занжирбанд қилишдир. Сен менинг обрў-эътиборимни, араблар ўртасидаги мол-дунёю шавкатимни билмайсанми? Ўғлингга ҳам, сенга ҳам нимани истасам қила оламан. Лекин

сен бўлаётган ишлардан яхши хабардор бўлмаганинг учун ҳалигача чора кўрмагансан; деб ўйлайман. Энди ҳамма гапдан огоҳ бўлдинг, тезда бирон тадбир билан аҳволни тузат. Бундан кейин фарзандинг ўз ишида давом этадиган бўлса, аввал уни ўлдираман, кейин сенга қаҳрим кудратини кўрсатиб, қабилангни бу даштдан йўқотаман!». Юборилган одам Қайснинг отаси олдига етиб келиб, унга ўз амирининг топшириғини тўла-тўқис етказди. Тингловчи жавоб учун сўз тополмади. Бу хил муомала уни қаттиқ ранжитган бўлса ҳам, бошқа чораси йўқлиги туфайли, барча сўзларни қабул қилди. Хабар етказган одам ўз манзилига жўнаб кетгач, бу қабила ташвиш ичидаги қолди. Барча одамлар сахрога ёйилиб, Қайсни излашга тушиди. Уни қумлар ичидаги, худди қароқчи тунаган кишидек ётган ҳолда топдилар-да, ихтиёрига қарамай уйга олиб келиб, занжирлар билан боғлаб ташладилар.

Кўл-оёқлари кишанланган телба йигит бир неча кун тоҳ баланд, гоҳида паст овоз билан фарёд қилиб, кундузлару кечаларни овқатсизу уйқусиз ўтказди. Кўнгли ғам ханжаридан ярали, яралигини эмас, пора-пора эди. Ишқ изтиробида чексиз жафо чекаётган йигитни даволаш учун отаси турли табибларни чақирав, ишқ балосидан бехабар ҳакимлар тоҳ насиҳатомуз фикрлар айтишар, шарбат ичишни, йиғламасликни маслаҳат беришар, тоҳ ёғоч билан калтаклашар, Қайс эса бу ишлардан кулгиси қистаб, гоҳида ўз кулгусидан хижолат чекиб кўз ёшини тўқар экан, бедард ҳакимлар унинг аҳволини англай олмай, баъзида тиф билан даволашни афзал кўриб, жисими ни ҳар тарафдан кесишар, Қайс эса тоҳ беҳуш, тоҳи ўзига келиб, кўзларидан тоҳ сув, тоҳ қон тўкарди.

Бир неча вақт шу тарзда ўтди. Қайснинг аҳволи тобора оғирлашиб борарди. Бир тун ниҳоят қоронғу, худди кун хазинасини аждаҳо ютгандек бўлди. Шу кеча ҳижрон тунининг асири бўлган Мажнун ўз аҳволи ҳақида ўйланиб қолди, ғам чақмоғи унинг вужудини кул қилиб, фарёд ура бошлади: «Бу дунёга келмасам ёки вужудим

йўқ бўлиб кетса бўлмасми? Мен хастани оламга келтиришдан қазонинг мақсади нима экан? Жисмимга рух йўлдош бўлганда, туғилган заҳотиёқ ўлиб кетсан кошки эди. Ишқдан алам етмай туриб икки кўзим кўр бўлса қани эди? Гадолик қилиб эшикма-эшик юриб бир луқма овқатга зор бўлсан, очликда ўлиб кетсан бу машаққату балоларни кўрмаган бўлардим-ку! Ҳозир эса мен ожиз бир хасман, жисмим эса хасча ҳам эмас. Бу ҳолда умр кўргандан кўра дашту тоғларда сарсон юриб, тоғ устида нола урсам, чўлларда югурсам кошки эди! Қайғу кўнглим уйини зинданга айлантирди. Эшиги ҳам, туйнуғи ҳам очилмайдиган бу зинданда таним маҳбус. Ичкаридаги уйларда эса фурқат ўти янада кучлироқ. Бу ўтлардан ичим изтиробга тўлди.

*Кулбамдаву масканимда бу ўт,  
Жонимда бу ўт, танимда бу ўт.  
Ўт ичра бировниким солурлар,  
Бандини оёғидин олурлар.  
Ўт банд ила бўлди жилвагоҳим,  
Мундоқму азим эмиш гуноҳим?»*

деб нола қиларкан, ҳар томонга талпинаркан, унинг заиф жисми, кучсиз қўлу оёқлари бир-бирига урилиб, жон ипларига шундай куч бағишладики, боғлаб қўйишган ёғоч, оёғидаги темир бандлар синиб кетди. Улардан қутулган Қайснинг кўнгли таскин топди, оёғи, икки қўли ва бўйини занжирлардан халос кўрган йигит юз шукр қилиб, ерга бош қўйди ва кўзларидан шодлик ёшларини тўкканча аста туриб эшикни очди-да, бор кучи билан югуриб кетди. Шу югурганича одамларнинг оёғи етмайдиган бир даштга етиб борди.

Лайли ўша оқшом боғдан қайтар экан, чеҳрасидан оламга гуллар сочилиб, юзидаги терлари ерга гулобдек томарди. У гул билан гулоб ишқ ўти туфайли янада гўзалроқ тус касб этган. Ҳар бир қадам босишида юз латофат

күзга ташланарди. У гүё сарв устида гул барги манзил тутгандек гүзал күринар, юзу жамолини таърифлашга сўз топиш қийин эди. Лекин ишқ ғамидан ташвишланган, паришон бир ҳолда уйи томон борарди.

Шу пайт йўлда уни арабларнинг энг обрўли кишиларидан бири бўлган бир ёш йигит кўриб қолди. Барча айблардан холи бўлган бу кимсанинг номи Ибни Салом бўлиб, оти, қўйлари сон-саноқсиз эди, тоғ билан тенглаша оладиган туялари бутун саҳрони тўлдириб юборганди. Мол-дунёси сонини ҳеч ким билмас, ҳар қандай қийин ишни ҳал қилиш унга осон эди. Париваш гўзал қизни кўриб қолган Ибни Саломнинг жонига ишқ ўти тушди. Ўз муддаосига етишни пайсалга солмайдиган одам бўлгани учун унга уйланишга аҳд қилиб, қабиласига етиб бориши биланоқ имкони борича кўпроқ совға-салом тўплади-да, бир нечта обрўли, донишманд кишиларни йифиб, ўз муддаосини баён қилди. Улар Ибни Салом сўзларини маъқуллашгач, барча совғаю хазиналарни юклаб, Лайли қабиласи томон йўл олдилар.

Лайлининг отаси бу сўзлардан хабар топгач, севиниб кетди. Чунки у Ибни Саломни олдиндан яхши танир, у эс-хушли, молу дунёси сероб одам бўлиб Бани Асад қабиласининг волиси – бошлиғи экани, у қабила аҳлининг барчасида қанча мол бўлса, Ибни Саломники ундан юз карра ортиқлигини ҳам яхши биларди. Шу туфайли меҳмонларни эҳтиром билан кутиб олиб, жон-дили билан мезбонлик қила бошлади. Меҳмонлар бу ҳурматни кўриб ниҳоятда шодланиб кетишиди, олдин олиб келган совға-саломларни топширишиб, кейин асосий муддаога ўтиб, Ибни Салом мақсадини баён қилишиди.

Лайлининг отаси уларнинг сўзларини фикрлаб кўрди-да:

«Ул қилса ўғуллуғум ҳавоси,  
Бўлғаймену мен доғи отоси.  
Дуррум анга зеби торак ўлғай,  
Иншоолләх муборак ўлғай.

Лекин анга сабр ҳам керакдур;  
Ким шохи гулум шикастарақдур.  
Ҳам наврас эрур бу нахли уммид,  
Яъники, ҳилол эрур бу хуршид.  
Ҳам табъида қолмасун малоли,  
Ҳам сарвға етсун эътидоли.  
Андин сўнг бу хужаста фарзанд  
Не комки бўлмиш орзуманд,  
Келсун доги жоми васл этиб нўш,  
Сарв ўлсуну гул била ҳамоғуш»

деб жавоб қилди. Барча меҳмонлар шодланишиб уйла-  
рига равона бўлдилар.

Бу дам Лайли уйда бетоб ётар экан, аҳволи кундан-  
кун заифлашиб борар, лекин юрагидаги ишқ ўтини ҳеч  
кимга ошкор этмай, боққа сайр қилгани борганида чар-  
чаб қолганидан беҳол бўлгани, иситмага чалинганини ўз  
дардига сабаб қилиб кўрсатарди. Кўпчилик қариндошу  
дўстлар бу сўзларга ишонарди. Лекин баъзилар унинг  
беморлиги бошина бир яширин бало эканини билишиб  
фам чекишарди. Қизнинг заифлиги боисидан яхши ха-  
бардор бўлган доя ва баъзи дугоналари Лайли Ибни Са-  
лом ҳақидаги гапларни эшишиб қолса, аҳволи янада ёмон-  
лашиши мумкинлигидан хавотирланишарди. Шунинг учун  
тўй ҳақидаги гапларни ундан яширишар, унга билди-  
раслика ҳаракат қилишарди.

Бир куни бир неча қариндош аёллар уни кўриш учун  
келиб дардини янада оғирлаштириб кетдилар: меҳмон-  
лардан бири, қари, ҳуши кирди-чиқди бир кампир қизни  
хурсанд қилиш мақсадида бўлиб ўтган сўзларни айтиб  
юборди: «Эй гул юзли қизим, асло фам ема, эрта-индин  
сиҳҳат топганингда бахтинг очилиб барча муродларинг  
ҳосил бўлади, сенинг ёринг бўлувчи йигит сенга жуда  
муносиб. Дугоналаринг ҳамма ёқда сенинг бахтингни орзу  
қилиб гапириб юришибди», – деб Лайлини қувонтириш-  
га интилди. Бу сўзларни эшитган бечора қиз кўнгли бу-  
зилиб, аҳволи ёмонлашди-да, ҳушидан кетиб йиқилди.

Бир қанча вақт беҳуш бўлиб ётган Лайли ўзига келди-ю, кампирдан эшитган гапларни хотирлади; аҳволи янада оғирлашиб, ўзини ўлар ҳолатга етишгандек сезди. Шундан кейин доясига юзланиб унга ёлборди: «Сендан яширадиган гапим йўқ. Бир сўзни эшитиб юрагим ёняпти. Бу сўз маъноси сенга ҳам маълум, фақат сен ҳам бу гапларни мендан яширяпсан. Сен бу ишларни тўхтатишга қодир эмаслигингни биламан, шунинг учун сендан хафа эмасман. Фақат бир илтимосим бор: бир дам эшик олдида бўлиб, ҳузуримга ҳеч кимни киритмай турсанг. Кўнглим безовта, гап-сўзларга тоқатим йўқ. Одамлар бир замон ўз ҳолимга қўйишса». Доя қўлини кўзига қўйиди, ташқарига чиқиб эшикни бекитди ва одамларга: «Бу уйдан нарироқ туринглар, Лайли ухляяпти», деб эълон қилди.

Лайли уйни холи кўргач ёқасини йиртиб, кўксига уриб, тирноғи билан баданини юлиб, кўзларидан қонли ёш тўкиб, оҳ-фарёд чека бошлади.

«Эй золим фалак, нега менга бунчалар озор берялсан? Менинг ниҳолим шохларини синдириб, тупроқ билан тенг қилдинг, бунинг устига жафо тешаси билан уни пора-пора қилишинг нимаси? Энди бу ниҳол парчаларини бало ўтхонасига солишдан мақсадинг нима? Мен бир ёш ниҳол бўлиб, шохларимда тикану, атрофимда хашашаклар йўқ эди. Шодиёна шохларим гул очиб, ҳар тонг бошим устида гул сочиларди; баргларимга офат кузи яқинлашмасди. Кимнинг кўксига тикан қадаб, такаббурлик қилдимки, ниҳолимни ишқ шамолига йўлиқтирдинг ва совук ел билан уни синдирединг. Ишқ уни ҳамманинг олдида парчалагач, хижрон қўлига топширдинг-да, бошдан оёғигача яралаб, бўлакларини ҳам пора-пора қилдинг. Бу билан ҳам чекланмай, уларни ғам дўзахига ташладинг. Жонимга бу ўтдан етаётган учқунлар офат чақмогидир. Офат ўтидан менга бир учқун тушса, кул бўлишдан бошқа чорам қолмайди. Бу учқун жаҳонга ҳам тушиб ёндириб юборади-ю, тутуни осмони фалаккача бо-

риб етади. У ўт ичиди бу заиф ғамзада хашак, чумоли каби ожиз жисиминг дўзах келиб тушса, эй воҳ, ҳоли қандай бўлар экан? Кимдан қасд олиш учун бу хил юриш қилиб, минг чақмоқ билан қасос олмоқдасан?

Мен бу тарзда юз азобу мاشаққат асириман, бечора зору заифим, яъни менинг асирим бўлган ёримнинг аҳволи нечук экан?

Менга бўлган муҳаббати шавқи туфайли оҳ тортганида, бу оҳ унинг сомондек ожиз жисмини учирив кетармикан? Сочим ғамида азоб чекса, ҳар лаҳзада қанчалар жунуни, девоналиги кучайиб кетаркин? Қаддим учун нолақилганида, фифони қанчалар юксакликка кўтарилилар экан? Фарёд уриб юзимни кўришга интилганида, кўз ёшлари қанча гулларни сочиб ташлар экан?... Лабларимни соғи-ниб кўзидан сув оқизганида, сувдек ўзидан кетиб қолармикан? Қошим эгиклигиданвой тортганида қадди ёй каби эгилармикан? Киприкларим ҳақида ўй сурар экан, юзлаб тиканлар ичиди қолган кўнгли не ҳолга тушаркин? Кўзларим ҳақида ўйлаганида, оқ билан қорани ажратадолмай қолармикан? Қирғовул каби юришларимни эслаганида, менинг тузоқларимга асир бўлармикан?

Оё, не экин ғамимда ҳоли,  
Чирманмоқ ила тани чу ноли?  
Ишқим ўтида ёнарму эркин,  
Ҳажрим ғамида чидарму эркин?  
...Истарму экин юзумни ҳар кун,  
Йўқларму экин сочимни ҳар тун?  
Бас йўқ анга мунча меҳнату ғам,  
Ким билгусидур бу қиссани ҳам.  
Софингай ул эмгак ошноси,  
Мендин бўлмоқ бу иш ризоси.  
Фарёдки, ўлгудек ғамим бор,  
Тонг йўқ, гар ўзимга мотамим бор.»

Уй ичиди Лайли шундай изтироб чекар экан, бир чеккада унинг нолаю фарёдини эшишиб турган онаси қизи-

нинг дарду аламларини англаб, ғамга чўмди. Туну кун Лайли ҳолати ҳақида ўйлар, унинг қайгуларига қандай чора қилиш мумкинлиги ҳақида фикр юритарди.

Эс-ҳушидан айрилган Қайс қоронғу тунда девона сифат уйидан чиқиб, дашт томон қочганида, қабила аҳли ғам чекиб, отлиғу яёв ҳолда уни излашиб топишолмай қайтишиди. Ота-онасининг ғами янада зиёда бўлиб нима қилиши кераклиги ҳақида фикрлашишиди. Охири Тангрига илтижо қилиб, уни ўз паноҳида асрарни сўраш, муҳтож кишиларга эҳсонлар қилишиб, улардан Қайс ҳақига дуолар қилишни илтимос этишга қарор қилиб, Тангрининг меҳрибонлигига, ўғилларини ўзларига қайтаришига умид изхор этишиди.

Ҳаж мавсуми бошлангач, ота-онаси, қариндошлари Каъбага боришга тайёрлик кўриб, одамларни яна излашга юбориб Мажнунни топиб келишиди-да, унга ҳаж қилиши ҳақидаги ниятларини билдиришиди. Бу иш унга маъқул тушди, чунки бу сафар унинг ҳам орзуси эди. Қайсни түя устига ўрнатилган кажавага ўтқазиб, Каъба томон йўл олишиди. Бир неча кун юриб, ҳарамга етиб боришиди. Қаршиларида ҳарам эмас, арши аъзам – осмоннинг энг юксак чўққиси турарди.

Мажнун бундай салобатли бинони кўргач, кўнглида бир шукуҳ, шавқ ўти пайдо бўлди-да, кўз ёшлари ёмғирдек қўйила бошлади, оҳ урди-ю чақиндек сакраб туриб худди ер атрофида фалак чарх ургандек ҳарам теграсида айланиб юра бошлади. Юзи билан ҳарам эшигини супургач, ҳалқасига қўлини қўйиб, фарёд урди: «Эй доно ҳаким, эй ишқ ўтини жону танимга урган, бугун мен, ишқ ичиди мажруҳ бўлган, оёқлари боғланган асир хузурингга келдим. Ишқ ўтини, унинг ҳалокатли ғамини баён қилар эканман, менга шодлик бағишила ёки ишқ ғамидан қутқаз деб айтмайман. Менга бу ўтни ҳар дам кўпроқ қилу заррача ҳам кам этма. Кўзларимга ишқ тўтиёсини суриб, қалбимга ишқ кимёсини ур! ...Ё Раб, кўнглумни ғам билан тўйғизиб, ишқ ичра мени йўқ қилгин. Менга

ишқни унут, Лайли ғамидан ўзингни четга торт, дейиша-ди. Аллоҳ-Аллоҳ, бу қандай сўз бўлди?! У одамларни Тангрининг ўзи кечирсинг. Ё Раб, бу лаззатли майни ис-тагим жомига тўлдириб қуй, у майдан шунчалик кўп тутгинки, ҳушимни мутлақо унутай.

*Лайли ишқин танимда жон қил,  
Лайли шавқин рагимда қон қил.  
Дардини нажотим эт, илоҳий!  
Ёдини ҳаётим эт, илоҳий!  
...Дардимга хаёлинни табиб эт,  
Жонимға висолини насиб эт.  
Жаннат сари чекса сарнавиштим,  
Васли ҳарамини қил беҳиштим.  
Онсиз мени бир дам этма мавжуд,  
Будумни қил онсиз ўлса нобуд!»*

Қайс атрофида турган ҳожилар бу муножотни эши-тиб, лол бўлиб қолдилар. Юзлаб кишилар ғамгин ҳолда «омин» деб юбордилар. Бечора отаси ҳушини йўқотган, барча яқинлари ҳайрон бўлиб турардилар. Бу нола-ю кўз ёшлирининг гувоҳи бўлгандар унинг ишидан қўлларини ювдилар – бу ишқдан ҳеч қандай куч Қайсни жудо қила олмаслигини англаб етдилар. У эса бу дардли ноласини тугатгач, яна ҳушидан кетиб йиқилди. Қариндошлари-ю дўстлари уни кўтариб, манзилларига равона бўлдилар.

Ҳаж тавоғига бориб қайтган одамлар ўз ватанларига йўл олгач, Мажнуннинг отаси ўғлидан бутунлай умидини узиб ҳар қандай давонинг фойдасизлигига ишонч ҳосил қилиб, кўз ёши жаҳонни тутди, барча қариндош-уруглари ҳам қайғу-алам гирдобида қолдилар. Девона Қайс ҳам тезлик билан тоғу биёбонлардан ўтиб ҳар куни ва ҳар тунда яна ўзи ардоқлайдиган тарафга қараб йўл олди. Унинг юришида ҳам, туришида ҳам қарору ихтиёри йўқ эди. «Лайли»дан бошқа сўзни айтишни ҳам истамас, тилидан ҳам, фикридан ҳам шу сўз жой олганди. Қайси

томонга назар ташласа, Лайли чеҳраси жилваланар, юзи, нқадди, қиёфаси унинг хаёлидан асло кетмас, уларни сарв дустидаги гул деб тасаввур қилиб, ҳам сарв олдида бош Гүйяр, ҳам гул қошида кўз ёшларини тўкарди.

Лайли ғами ҳақида тафаккур қиласр экан, ҳар бирит дур мисоли юзлаб байту ғазаллар ижод қиласр, уларнинг барча қофиялари дилдорининг сифати, барча радифи унинг отига бағишлиланарди. Уларни эшитган одамларнинг завқлари ошибб, тезда ёдлаб олишарди. Бу байтларда алангали маъно, ҳар сўзида шавқ ҳарфи яширилган, ҳар ҳарфида ишқ сири пинҳон эди. Хуши борлигида дури гавҳардек байтлар битиш билан банд бўлса, хушсизлик чоғларида оғзидан тури бехуда сўзлар чиқар, одамларнинг сўзларини англамас, ўз сўзини ҳам тушунмасди. Тоғ ичидаги ваҳший ҳайвонлардек кезиб юрар, болалардек йиглаб фарёд қиласр, ота-онасию дўстларини ҳам эсламас, ҳатто ейиш-ичишни ҳам унугтан эди. Атрофини кийиклар ўраб олар, бу эса худди чўпондек кўринар, гоҳ бирининг пешонасидан ўпар, гоҳ бошқасининг орқасини силарди. Атрофида бўрилар посбон итидек, йўқ-йўқ, чўпон итидек кезиб юришарди.

Бир куни бу даштга араблар диёрининг обрўли сардорларидан бири, жанг қилиш, ўқ отишда танилган баходир Навфалнинг йўли тушиб қолди. У ҳар хил қабилалардан танланган дўст-ёрлари билан саҳрова ов қилиб юрарди. Бу пайт Мажнун овчилар давраси ичидаги қолган бўлиб, атрофи кийиклар билан тўла эди. Навфал одамларини кўрган барча ҳайвонлар ҳар тарафдан Мажнун атрофига югуриб кела бошлашди. Барчаси унга ёлворишар, нажот истаб унга сиғингандек боқишарди.

Бу ҳайратомуз ҳолатни кўрган Навфал одамларидан: «Бу ажойиб ишлар кўнглимга қўрқинч соляпти. Сизлар ҳам кўряпсизларми ёки йўқми, ё фақат менинг кўзимга кўриняптими?» – деб сўради. Овчилардан баъзиси Мажнун ҳақидаги воқеалардан хабардор эди. Улар Навфалга ўзлари билган – эшитганларини сўзлаб бердилар. Нав-

фал ҳам ишқ күрган, ғам даштида юурган одамлардан әди. Мажнун ҳақидағи ҳикояларини әшитиб зор йиғлади-ю, ов қилишни ҳам тұхтатди. «Ишқ қандай кимё, қандайин порлоқ нурки, ҳар бир кишини ғамнок қиласы-ю, қалбини ғамдин поклайди. Қарангки, әлга ром бүлмайдиган ваҳший ҳайвонлар саҳрода усиз ором топишолмаяптилар, ишқ унинг вужудини шундай поклабдикі, одамийликни ҳам унугибыди. Шунинг учун ваҳший ҳайвонлар ундан құрқишимаяпти, чунки бундай инсонда ваҳшат ҳам қолмайди», деди у. Кейин ҳайвонларға жафо қилишни тұхтатди-да, одамларига: «Үқу ёйларни ташлаб, итларингизни маҳкам қилиб боғланглар», деб буюрди-да, ҳайвонлар түпланаётган томонға йўл олди.

Мажнун унинг чеҳрасини қўриб, келишидан хурсанд бўлди. Ёввойи ва хонаки ҳайвонлар Навфалдан чўчиб қочишиган бўлса ҳам, Мажнун уни кутиб турди. Етиб келган Навфал унга салом қилди, Мажнун ҳам унга эҳтиром кўрсатди. Сўнг: «Эй қутлуғ чеҳрали зот, юзингда поклик қуёши намоён, рухсорингда сафо нури порлаяпти. Юзлаб мақсадингга эришганинг аён. Аммо сенинг бир ишинг менга ғалати қўринди. Билимсиз одамлардек ўқ отиб, ҳайвонлар гўшти билан ўзингни тўйдирмоқчисан. Бу бу хил овқатга муҳтоҗлигинг йўқ-у, нега таъбинг уларга озор етказиши истаяпти? Нафсингни хурсанд қилиш учун одамларни тўплаб, кўнглинг қон тўкишни тилаяпти. Шундай зулм қилиб топганинг овқат бўладими, сенга бу иш муносибми? Агар тикан оёғингга ниш урса, кўнглинг оёғинг учун алам чекади. Ўқ отиб жони-ворларни ўлдириш сенга мартаба берадими? Буларга жонни, ҳаётни Худо берган-ку! Бу бечораларнинг жонидан кеч, гуноҳсиз гурухнинг қонидан кечгин!»

Навфал бу оқилона сўзларни әшитгач, ер ўпиб, унинг олдига бош қўйди-да: «Эй фариштасифат йигит, сенинг фазилатларинг оддий одамларникига ўхшамаяпти. Сўзингдан кўзлаган мақсадингни тушундим, барча айтганларингни қабул қилдим. Қиличу ўқни ўз жонимга раво кўрсам

кўраману, лекин бу ҳайвонларга зулм қилмайман. Сен ўз сўзларингни айтдинг, энди менинг ҳам саволларим бор». Мажнун: «Эй муборак чеҳрали зот, гапиравер!» – дея жавоб қилди. Навфал деди: «Бу бечораларга азоб берма», – деб тўғри йўлни кўрсатдинг. Хохишингни иnobатга олиб, уларга душманлик қилишдан воз кечдим. Сен элдан айрилиб улар билан дўстлик қиляпсан. Одамлар билан улфатчилигинг йўқ, ахир бу хил яшаш ҳам одатимизга зид эмасми? Инсон – билим чироғи, ундан чўчиб, ҳайвонлар орасидан ором топиш менга сабабсиз бўлиб кўриняпти, бу ишинг боисини тушуна олмаяпман. Эшишишимча, бир гул юзли гўзал сенинг юрагингга ташвиш солибди. Бу гаплар тўғри бўлса, улардан воз кечиб, бир неча кун мен била бирга кезгил. Бу ерда зору мубтало бўлиб ғам тузоғида изтироб чекяпсан. Мен имкони борича севганинг билан никоҳингни уюштиришга ҳаракат қилай. Агар ишимиз пулу, моллар билан ҳал бўлмаса, уруш қилиб ҳам муродингта етказа олмасам, бошқа чораларни ҳам кўраман. Бу билан ҳам ёринг висолига етказа олмасам, бошқа тадбирга кўл урамиз: сени ўзимга фарзанд қиласман. Лекин ваҳший ва уй ҳайвонлари билан яшашдан воз кечгил, чунки одам билан ҳайвон яқин бўлолмайди, одамнинг ҳамжинси ҳам одам бўлиши керак. Агар муродинг ёр висолига этишиш бўлса, бу ишда гайратли бўлишинг керак».

Мажнун васл сўзини эшлиши билан хурсандлиги аввалгидан ҳам ошибб, шодлик уни беҳол қилиб қўйди, бу эса нутқини лол айлади. Анча ҳаракат қилиб сўз очди-да, кўзида сув, оғзида табассум билан деди: «Менга айтган гапларингнинг ҳар бирига жавобим бор эди. Лекин висол ҳақида сўз очганингдан сўнг уларнинг барчасидан воз кечдим. Агар берган ваъдаларингни бажо қилсанг ёки уларни бажаришнинг иложи бўлмай қолса ҳам, юзим отинг туёғи, бошим эса унинг оёғи остида бўлсин», – деди.

Иккала томон ўртасида меҳрибонлик пайдо бўлгач, бир-бирлари билан қизғин кўришдилар. Мажнунни

васл ваъдаси билан суюнтирган Навфал уни уйига олиб-кетди.

Иккала дўст Навфал уйига етиб келишгач, уй соҳиби бир нечта сўзга чечан, ҳар қандай мушкилни ҳал эта оладиган донишманд олим кишиларни чақиртириб, уларга Қайс ва Лайли ўртасидаги муносабатлар ҳақида ба-тафсил сўзлаб берди-да, Лайли отаси номига хат ёздирив қизнинг қабиласига жўнатди. Унда шундай сўзлар битилган эди:

«Эй бахту толеъи порлоқ хукмдор! Араблар орасида тенги йўқ Қайс ҳақидаги ҳикоятлардан хабардордурсан. Қизинг Лайлини севиб қолган бу йигитнинг ишқи пок бўлиб, унга ниҳоятда орзуманддир. Одобиу ҳаёси ахволини изҳор қилишга йўл бермайди. Мухаббат дардида қабиласию яқинларини унугиб ишқ ўтида куйиб даштда юрган эмиш. Ҳуши паришон бўлган бу ошиқни «Мажнун» деб аташибди, у сенинг қабилангдаги мактабда ўқиб оламда бор бўлган барча илмларни ўрганибди. Сен ҳам бу ишлардан хабардор экансан, уни мақтаб гапириб юрар экансан. Қайс бу ишқка мубтало бўлганида, унинг отаси қандай фикрларга борган экан? У сенга фарзанд бўлмаса ҳам, фарзандинг даражасида эди. Сен бу ишларни ҳал-қилишдан ўзингни четга олиб, ҳолатни яхши тушуниб етмай, уни ғамга қўйибсан, шу туфайли у гоҳ даштда, гоҳ тоғда кезиб юрибди. Муруват, одамгарчилик, олижаноблик шундай бўладими? Майли, ўтган ишлардан шикоят қилиш, ўтган ишларни орқага қайтаришнинг иложи йўқ. Мен уни даштда кўриб, уйимга олиб келдим. Уни ўзимга фарзанд қилиб олдим. У ўз ҳушида, оқил ва доно бир инсон. Энди шундай иш қилсак: иккаламиз уларнинг ни-коҳини ўюштирасак. Барча расм-руsumларни ўрнига қўйиб уларнинг тўйларини ўтказсак. Тож устидаги дур ёнига лаъл қўйилса, янада гўзалроқ кўринади. Агар бу ишлардан бўйин товласанг, кўнглим қолишидан ваҳм қилгин!»

Бу хатга кўпгина совға-саломлар қўшиб Лайли қабиласи томон йўллади. Лайлининг отаси хат олиб келган

кишиларни хурмат билан кутиб олди. Мөхмөнлар ўзлари олиб келган мактубни унинг қўлига топширишгач, уни ўқиб чиққан мезбонга Навфалнинг сўзлари қаттиқ ботиб, бир тўлғаниб олди-да:

«Гап бундай: Лайли бошқа бир кишининг ҳабиби бўлади, тақдир уни ўзга бировга насиб этди. Бундай бўлмаганда ҳам Навфал сўзига итоат этишга заруриятим йўқ. У ўз мактубида ҳам умид билдирибди, ҳам қўрқитибди. Умиди мени хурсанд қилган бўлса, қўрқитишидан кўнглим ранжиди. Талабгорлари сон-саноқсиз бўлган Лайли ҳозир бировга аталгандир. Бу жавобим Навфалга маъқул тушмаса, яхшилигига ҳам, ёмонлигига ҳам тайёрмиз. Унинг ўч олишидан қўрқадиган жойимиз йўқ. Уруш очса, биз қасд оламиз, қасд қилса, биз уруш қиламиз», – деди. Сўзини тугатди-да, барча мөхмөнларга жавоб берди. Мөхмөнлар хижолат бўлиб, ўрниларидан турдилар ва Навфалга Лайли отасининг жавобини етказдилар.

Навфал бу хабардан ғамга чўмиб, ўзи вაъда қилган ишни бажаришга киришди. Ҳар бир қабиладан сипоҳлар тўплаб урушни бошлиди. Мажнунни ёнига олиб, кийимиға хушбўй моддалар сепиб, бошига салла ўратиб, от устига ўтқазди. У бўлса нима қилишни билмай, гоҳ нола қилиб, гоҳ оҳ чекиб, оти қаерга йўл олса ҳам индамай, бир ерда туриб қолган чоғда эса юргизишга эътибор ҳам бермасди. Сипоҳлар жангга ҳозир бўлгач, Лайли қабиласи томон йўл олишиди.

У қабила аъзолари ҳам ёв келаётганидан огоҳ бўлишгач, ўз жасоратларини исботлаш учун ҳар томондан сипоҳ йиғиб, белларини маҳкам боғлашди-да, жангга тайёrlашиди.

Навфал лашкари ҳам саф чекиб, маст туялардек оғизларидан тупик сочишиб туришарди. Шу тарзда ғазабли икки қўшин қон тўкишга бел боғлаб, бир-бирлари билан тўқнашдилар. Баҳорда кучли ёмғир ёққанидек, майдонга ёй ўқлари ёғиларди. Ўткир қиличлар устара каби эл ҳалокини истаб, устарадек тезлик билан соч ўрнига бошлар-

ни кесарди. Ёй ўқлари қушлардек ҳавога учиб, қанотла-ри очилар экан, душман аскарларининг ҳаёти ўчар, най-залар учар юлдузлардек отилиб бориб, ёв кўкрагига ўрна-тилган совутларни игна ипак матога санчилгани каби осон тешиб ўтар, ханжарлар қон тўкаверганидан қип-қизил тилга ўхшаб, одамлар бағрини тил билан ярала-гандек тилка-пора қиласарди. Гурзилар эл бошини янчув-чилик вазифасини бажааради. Қаттиқ жанг оқшомгача давом этди. Навфал лашкарининг сони рақибларидан кўпроқ бўлиб, мардлик билан жанг қилдилар. Душман-лар бу ҳолатни кўриб, қўрқувга тушдилар-да, ҳимояга куч бердилар. Кун кеч бўлган эса-да, бирон томон мағ-луб бўлмади. Навфал жанг натижасидан хурсанд бўлиб, сипоҳни дам олишга буюрди.

Тунда Навфал эртага давом этадиган жангда ғалаба қозониш режасини тузар экан, бу чоғ рақиб томон мағ-луб бўлишдан қўрқувда эди. Лайлиниң отаси ўз лашка-рининг яхши уруша олмаётганини кўриб, нима қилиш ҳақида ўй сурар экан, барча яқинларини тўплаб, жанг натижалари ҳақида фикр юритиши. Қабила бошлиғи сўзни қисқа қилиб шундай деди:

«Агар қўшинимиз қочиб, Навфал урушда ғолиб кела-диган бўлса, Лайлини асира қилиб ўз мақсадига эриш-моқчи бўлса, обрўйимиз ер билан яксон бўлади, араб-лар орасида бош кўтариб юролмайдиган бўлиб қоламиз. Бундай ҳолат юз берадиган бўлса, мен бир фикрни маъ-қул кўряпман: эртага тонгда Лайлини чақиртириб, ўлди-раман, қадди ниҳолини тупроққа кўмиб, ҳилол қошлар-ни ерга топшираман. Гарчи у кўзимнинг нури бўлса ҳам, офат шамолидан чироғим ўчиб, боғимни куз қуритса, душман ўз мақсадига эришиб, номус менга ҳаром бўла-ди». Бу сўзни эшигтанлар Лайлиниң отаси фикрини маъ-қуллаб таҳсин айтдилар, хурсанд бўлдилар.

Эртага бўладиган жангда Навфалниң ғалаба қозони-ши шубҳасиз бўлиб, сипоҳларининг руҳлари баланд эди. Лекин Мажнуннинг аҳволи ўзгача бўлиб, гоҳ завқла-

нар, гоҳида азоб чекарди. Ёри висоли ҳақида ўйлар экан, кўнгли умид билан шодланар, аммо ёрининг қабиладошлари мағлуб бўлаётганларини кўриб ич-ичидан азобланарди. Шундай қайfu чекар экан, унинг кўзи уйқуга кетди-ю, бир туш кўрди.

Гўзал дилдори чиройли кийинган ҳолда гулшанга қадам ранжида қилиб, Мажнун олдига келди ва оёғини ўпди, сўнг қўлларини унинг бўйнига ташлаб деди: «Эй рафиқи жоним, отам эл билан кенгашиб эртага мени ўлдирив, қоним билан ерни бўямоқчи. Ишқинг йўлида ҳалок бўлмоқ менинг орзум эди, даврон бу муродимга етказди. Энди сен яхши қолу омон бўл!» Лайли шу сўзларни айтиб, севгилиси билан видолашди.

Бу тушни кўрган Мажнун «Вой!» деб қичқирганча сесканиб уйғонди. Унинг қичқириғини эшитган барча одамлар кўзидан уйқу қочиб «Нима бу?» деб ҳайрон бўлишди. Мажнун мотамзадалардек ўкириб кўз ёши тўкиб, Навфал томон югурди. Унинг олдига етиб боргач, ер ўпди-да, шундай деди: «Эй рақиблар устидан ғолиб бўлган юксак мартаба соҳиби! Тангри ҳақи, энди тиф чекмагил, урушни тўхтат, чунки сенинг тигинг кўнгулларни чок қиляпти. Эртага жангни давом эттириб, ҳаётим ипини узмагин. Ўч олиш ёйини кўлингдан ташла, токи менинг жонимга ўқ тегмасин!».

Навфал ҳайрон бўлиб, Мажнуннинг безовталик сабабини суриштириди. Ўз тушининг мазмунини айтганида, Навфал маҳзун бўлиб, «Мажнуннинг туши ҳақиқатан ҳам юз бериши мумкин», – деган хаёлга борди. Эрта тонгда бу хабар барча лашкарларга ҳам маъқул бўлиб, улар Навфал чодири олдига келиб, Лайлига офат еткизмасликни илтижо қила бошлишди. Мажнун бўлса яна дашт томон жўнади.

Навфал лашкарини ўз қабиласи томон олиб кетгач, Лайли қабиласи аҳли ўйланиб қолишибди. Чунки душман қўщинининг ғалаба қилиши яқин бўлгани ҳолда жанг майдонини ташлаб кетиши сабабини билолмай таажжуб-

да эдилар. Шунинг учун «Навфал ҳийла қилаётган бўлиши керак. Балки бизни алдаб туриб хужум қилиб қолар», – деб хавфсирадилар-да, карвон ҳаж томон йўл олгани-дек, у даштдан тезлик билан кўчиб кетдилар ва бошқа бир жойни ўзларига манзил қилиб танладилар.

Мажнун ўзига таниш дашт томон борар экан, ногох унга ҳаётдан озор чеккан дардли бир одам йўлиқди. Уғамга мубтало бўлган бу кимсани кўриб юраги эзилиб кетди-да, сўради: «Фалак бошингга не аламлар солди?» Не учун кўнглинг мен каби изтиробда, Тангри учун айт, нима сени шунчалик ранжитди?» У киши оҳ чекиб жавоб берди: «Эй мард йигит, мен араблар ичидаги баҳти қаро, хоксор бир инсонман. Яшаш учун гадолик қилиб юраман. Лайли қабиласи менинг паноҳим, у ернинг тупроғи эса менинг суюнчиғим. Қабила аҳли мени «Зайд» деб чақирадилар. Қабиладаги бир аёл мени ўзига банд этганди. Жафокор Навфал Мажнунга ёрдам бериш учун уруш бошлаганда, ҳеч қайси томон зафар қозонмай туриб, нимагадир ўз диёрига қайтиб кетди. Лайлининг қабиладошлари унинг бу ишини ҳийла деб ўйлаб бир ерга яшириндилар, кеча қоп-қоронғи эди, мен адашиб у қабила турган ердан узоқлашиб кетибман. Қуёш эндиғина кўтарилигтан вақтда тuya минган икки киши йўлимни тўсишиди. Навфал ўз лашкарларини уйларига тарқатиб юборганида, бу икки одам ҳам манзили томон йўл олган экан. Улар менинг ҳамма ёғимни тинтиб, икки-уч дирам пулимни, яна бошқа ашёларимни тортиб олишиб-да, бу билан кифояланмай, «Пулларингни қаерга кўмгансан, айт!» – деб уриб, баданимни илма-тешик қилиб ташлашиди. Улар ҳеч нима тополмай, ўтиб кетишгач, мен фурсатни қўлдан бой бермай, шу томонга қараб югурдим ва кўп ўтмай сенга дуч келдим. Сен ҳам уларнинг шериги бўлсанг, саҳрода одамларни таловчилардан бўлсанг, кис-самда пулим йўқ, керак бўлса, жонимнигина олишинг мумкин», – деди. Мажнун унинг ҳикоясини эшишиб, отидан тушди ва у одамни кучоқлади-да, йиглаб туриб шун-

дай деди: «Эй ярадор дўстим, сенга руҳимни фидо қиласам арзийди. Жоним баданинг шифоси, бошим қадаминг фидоси бўлсин. Навфал сипоҳлари қилган барча ишларга асосий сабабчи Мажнун бўлган бўлса, ўша баҳти қаро Мажнун менман. Қўлингга ханжар олгин-да, кўнглиинг тилаган ишни қил. Хоҳласанг, жисмимни истаганингча тилгин, хоҳласанг, кўнглимни пора-пора қилгин. Агар ўлдиришни истамасанг, йўқотган пулинг ўрнига отимни, бошқа ашёларинг учун эса кийимларимни олгин», – деди ва устидаги кийимларини ечиб унинг олдига қўйди. Шунингдек, отини, қалқону қиличи, ўқи ва ёйини унга тутди. Шундай сахийликлар қилгач, оғенини ўпиб, кечирим сўраб деди:

«Агар Лайли қабиласига етиб борсанг, унга менинг саломимни отказ ва мана бу сўзларимни ҳам унга айтиб қўй: мен унинг олдида кўп хижолатдаман, ҳолатим шу даражадаки, уни сўз билан ифода қилиб бўлмайди. Илтимосим шуки, ёrim қабиласига етиб борсанг, унинг ахлидан айрилма, қаерга борсалар, орқаларидан қолма. Юзингни ўша макондан, бошингни ўша остонаядан олма». Зайд бу сўзларни тинглар экан, унга ҳайрат билан боқиб турарди. Унинг кимлигини билиб, сўзларини эшиггач, ер ўпиб, ҳурматини ифода қилди-да, деди: «Сен севган у гўзал сенинг ғаминг билан яшайди, оғзида ҳамиша сенинг сўзларинг, кўнглида эса сенинг хаёлинг. Агар рухсат берсанг-у, сендан унга хабар етказсам, унга бу жонидан ортиқ хушхабар бўлар эди. Менга нимани муносиб кўрсанг, у икки марта кўпроқ инъом қиласди. Ҳамма сўзларингни мен унга етказаман ва буюрса, жавобини келтираман. Шунда икки вафодор мақсадларига етадилар, ўргада менга ҳам фойдаси тегади».

Мажнун деди: «Эй дўсти ҳамдамим, жонбахш сўзларинг ярамга малҳам бўлди. Ёrim ҳажри тилимни лол этгани учун сўз айтиш менга қийин бўляпти. Сен ҳаммадардимдан огоҳ бўлдинг, аҳволимни кўрдинг, отимни ҳам билиб олдинг. Сен менга дўстлик қиласман десанг, унга

нимадейишиның биласан. Вафо одати шиоринг бўлсин, энди борақол, Тангри ёринг бўлсин».

Зайд отга минди-да, Лайли қабиласи томон йўл олди. Мажнун ҳам тез-тез юриб, Лайли қабиласи кўчиб кетган манзил томон юриб кетди.

Мажнун Лайли қабиласи кўчган ерга етишгач, у ерни такрор-такрор айланиб чиқар экан, ақли ҳам, хуши ҳам ўзида эмасди. Барча бу манзилни тарк этган бўлиб, уйларнинг ўрнигина кўзга ташланиб тураг, ҳар бир уй нишонига назари тушган йигит юзи билан ҳар қайси остановани супуриб бораради. Айланиб юрар экан, кўзи Лайли уйи нишонига тушди-ю, кўнглига ўт туташиб, жони мулкини вайрон қилди. Жисми ўртаниб, кўнглига изтироб тушди. Ташлаб кетилган бу макон ёрининг яшаш жойи экани, бу ернинг тупроғи унинг жонига ватан бўлганини эслар экан, дилбарининг иси димоғига ором бергандек, муҳаббат доғи янгилангандек бўлди.

Бир дам кўксидаги ишқ ўти таскин топгач, у яна ўрнидан туриб манзилни қадамба-қадам кеза бошлади, ҳар бир қадамда юзини ерга қўйиб сажда қиласади.

Оҳ уриб ҳар ёнга югурап экан, ногоҳ бир қўтирип итни кўрди. Унинг этлари суюкларига ёпишиб кетган, аъзосининг у ер, бу еридагина бир неча тук қолган, улар ҳам жисмига оғирлик қилаётгандек эди. Танаси яраларга тўла бўлиб, улар қуртларга сероб эди. Жисмидаги яраларга қўнган кўплаб кушларнинга эмас, пашшаларни қувишга ҳам мадори қолмаганди. Мажнун бу итнинг бир вақтлар мана шу ҳовлида посбонлик қилиб, ҳатто шеру йўлбарслар, қоплону бўрилар юрагига ҳам ваҳима солганини эслаб ҳозирги аҳволига ачиниб кетди. Ожиз бу бечорага ҳужум қилаётган кушларни ўз фарёди билан қўрқитиб учирашиб юборди. Кейин унинг олдига келди-да, яраларини қондан тозалаб, кўйлагини йиртиб боғлади. Сўнг итга қараб: «Ё Раб, ғамларингга фалак саломатлик бағишилаб дарду азобларинг даф бўлсин. Олдингидан ҳам қувватлироқ, соғломроқ бўлгин. Яна баҳт ҳамдам бўлса,

яна ёрим эшигига маҳрамлик қилсанг, мени ўзингга ёт билмай, мен хастани ҳам унутмагайсан. Жонимни ўша томонга олиб боргин-да, кўчасининг тупроғи устидан сочгин.

Агар сенга толеъ ёр бўлиб, жононим ҳовлисини қўриқлашга йўл топсанг, бирон киши сени у ердан «чиқ» деб ҳайдамаса, энгакингни қўлларинг устига, тумшуфингни ўша эшикка қўйсанг, мен учун у эшикни яширинча ўпгин, токи ҳеч киши буни билмасин».

Мажнуннинг ит билан қилаётган бу сухбатини кўрган баъзи ўткинчилар уни танишиб, кўнгиллари бузилиб зор йиғлар, танимаган одамлар хаёл суриси, аҳволига ачинишар эди. Кўнгли бузилган бир киши унга мурожаат қилиб: «Эй ишқ ўти ичра чўф бўлган, чўф эмас, самандар бўлган йигит, сени фаришта деб айтсалар ажаб эмас. Чунки сенинг сифатларинг фариштага ўхшайди, зотинг ҳам малак сифатдир. Ит билан бунчалик улфат бўлибсан, ит билан фаришта ўртасида қандай яқинлик бор? Қайси бир уйда ит бўлса, ўша уйга фаришта тушмайди-ку. Улар ўртасида шундай зиддият бор экан, икковингизнинг бу улфатчилигингизга қандай сабаб бор?» – деб сўради. Мажнун йиғлаб, оҳ уриб шундай жавоб қилди:

«Эй ишқдан огоҳ бўлмаган инсон! Сени ҳам фаришта десам, ажабланурли жойи йўқ, чунки сенга ишқдан насиба тегмаган. Мендек одамни фаришта деб аташ алдоқчилиkdir, чунки мени кўрса, дев ҳам қочиб қолади. Ишқ вужудимни шундай ўртаганки, бутун борлиғим нобуд бўлган. У ўтга диққат билан қарасанг, баданимни бир тўда кулдек кўрасан. Ит шу бир тўда кул устида юрса, ажабланарли жойи йўқ. Чунки ҳар қайси итга бир яра чиқса, шу кул унинг танига роҳат беради. Бу итнинг жароҳати кўп, шунинг учун унга «Кул устидан туриб кет!» – деб бўлмайди. Йўқ, йўқ, итлик унда эмас, итлик жаҳонда мен билан тугалланган. Ит менмен, ҳалқа ор менмен. Бошдан оёғи ярали – менмен. Бу яраларимга шу

ит малҳам бўляпти. Менда юз туман жон бўлса ҳам, уни йўлига сочган бўлардим».

Шу гапларини айтар экан, яна девоналиги қўзғаб, даштдаги ваҳший ҳайвонлар, кийик ва қуёнлар билан қилган хурсандчиликлари ёдига тушди-да, итнинг қўл-оёғини ўпиб, биёбон сайрига, ўз яқинлари бўлган ҳайвонлар томон йўл олди.

Зайд Лайли қабиласига етиб боргач, пайт пойлаб қизга Мажнун ҳақидаги хабарни етказди. Лайли унинг сўзларини эшитгач, жонига ўт тулашиб, бошидан ошди. Зайдга юzlаниб кўзларидан ҳасрат ёшларини оқизиб: «Сўзларинг танимга жон, жисмимга руҳ бағишлади. Сен жоним дардига малҳам бўлдинг. Сен одам эмас, фариштасан!» – деб, ёнида бор пулни унга тутқазди-да: «Бир яхшилик қилсанг, мен ёзган мактубни унга етказсанг ҳам жавобни олиб келсанг». Зайд розилик билдиргач, Лайли сиёҳу қалам олдириб келиб тез-тез мактуб ёзди-ю, қабиладошлари билб қолишидан хавфсираган ҳолда яширинча Зайдга топширди. У дарҳол йўлга тушиб даштга етиб борди-да, бўлган воқеаларни сўзлаб, ўзи олиб келган хатни Мажнунга топширди. Уни ўқиган ошиқ йигитнинг мажоли қолмай, ерга йиқилди. Мактубда шундай деб ёзилган эди:

Ушбу рақамки нақши Чиндор,  
Бир хастага бир шикастадиндир.  
Яъни мени зори мубталодин,  
Сенгаки қутулмадинг балодин.  
Эй ишқ ўтида ҳасим, нечуксен,  
Эй бедили бекасим, нечуксен?  
...Холинг недурур фироким ичра,  
Фикринг недур иштиёқим ичра.  
Сочингға ёпушса хору хошок,  
Ким тортар экин бирин-бирин пок?  
Жисмингки қонаса ғам тошидин,  
Ким юр экин они кўз ёшидин?  
Хорики кафингға борур эркин,  
Кирпик била ким чикорур эркин?

Хижрон ўти танингни куйдирған чоғда, ким у ўтга тупроқ сочар экан? Жисми зоринг құм узра йиқилса, ким сенга меҳрибонлик қиласр экан? Кошки туны кун рафиқинг бўлсам эди, иккимиз висол оғушида бўлсак эди. Не қилайки, фалак мени бу мақсадимга етказмади. Менинг дардим ҳам сеникидам кам эмас. Сен ўтли оҳ чексанг, мен тутун чиқармасдан ўт ёқаман. Сен ғамим туфайли ҳар қанча оҳ чексанг ҳам, Навфал билан бирга қўшин тортиб келиб, қабиламни талон-тарож қилдинг. Отам ҳам мени ўлдиришни истаб, қонимни тўкишга қасд қилди. Шундай балоларга дучор бўлсам ҳам, ёrim йўлида ҳалок бўлишдан хурсанд эдим. Одамлардан эшишимча, Навфал билан дўстлашиб, унинг қизига уйланмоқчи ҳам бўлаётган эмишсан. Бу гаплар рост эса, баҳт сенга ёр бўлсин. Лекин мен бу сўзларга ишонмадим. Шуни билки, сен нимани тиласанг, менга ҳам шу мақбулдир. Бир куни боғда юрганимда, у қизни кўрган эдим. Гўзал ва элга меҳрибон, яхшигина дилбар экан. Бу ишингни Тангри қўллаб, муборак бўлсин. У билан шодлик кунларингда мен хастани ҳам баъзан ёд айла. Инсофдан узоқлашиб, мени унугиб юборма».

Мажнун бу хатни ўқигунча, тани қамишдек заифлашиб қолди. Зайд олдида бош қўйиб, селдек ёш тўқди-ю: «Бу номага жавоб ёзай десам, асблоларим йўқ», – деди. Зайд буни олдиндан ўйлаб, керакли нарсаларни олиб келган экан, барчасини: қофоз, қалам ва сиёҳни унинг олдига қўйди. Мажнун севгилиси мактубига жавоб ёзди-да, уни олган Зайд йўлга тушиб, тез-тез қадам босиб қабила томон жўнади. Бориб мактубни Лайлига топширди. У эса ҳеч ким йўқ жойга кириб хатни ўқий бошлади. Унда шундай сўзлар битилган эди:

*Ушбу ғаму алам баёни,  
Жон сафҳасида бағир нишони.  
Мендинки ичим ғамингда қондур,  
Сенгаки ғаминг танимда жондур.*

*...Эй кишвари ҳусн подшоҳи,  
Ҳусн аҳли чу кишваринг сипоҳи.  
Эй лутф жаҳонининг баҳори,  
Юзунг бу баҳор лолазори.  
Бўлғонда саҳар ели гулафшон,  
Зулфунгнуму айламас паришон?  
Ноз уйқусидин очармусан кўз,  
Юз ноз ила элга дермусан сўз?  
Бу эрмиш иродай Илоҳий,  
Ким сиррини билмас эл камоҳи.*

Бехосдан юзингга бир нигоҳим тушганга мен гуноҳ-  
корманми? Бошимга шунча бало келиб, диёру хонумо-  
нимдан ажралиб, оламда девона бўлиб юрибман. Ҳар куни  
ватаним бошқа бир водий, ҳар тунни одамлар ташлаб  
кетган вайроналарда ўтказаман. Дўстларим ёввойи ҳай-  
вонлар бўлса ҳам, гоҳида улар билан ҳам ором топол-  
майман. Ваҳший жониворлар менинг хунук кўринишим-  
дан ҳайратда бўлсалар, қушлар чекаётган азобларимни  
кўриб изтиробга тушадилар. Шундай үқубатларда алам  
тортар эканман, ёдинг билангина тирик эканман, сенинг  
гавҳар сочувли номанг менга етиб келди. Сўзларини ўқиб  
рух, ҳар ҳарфингдан юзроҳат топдим. Лекин ундаги икки  
сўз жонимга ўт солди. Сен Навфал қилган ишлар ҳақида  
ёзиб, «Икковингиз қабиламга тиф тортиб келдингиз»,  
дебсан. Бу, арқонни аждаҳо дейишдек бир гап. Паشا  
фил бўлишни орзу этиши, чумоли шерлик даъвосини  
қилиши мумкинми? Аслида иш мана бундай бўлган эди.  
Бир куни атрофимни турли ҳайвонлар ўраб турганда ўша  
саркарда менинг беҳоллигим, ишқингда bemadorligim-  
ни кўриб, олдимга келди-да, бир қанча сўзларни айтди.  
Мен гоҳ ўзимда, гоҳ бехуш ҳолда унинг гапларини тинг-  
лаб, нима деб жавоб берганимни ҳам билмайман. У мени  
уйига олиб кетди. Кейин сен айтган ишлар бўлиб ўтди.  
Мен унинг ўч олиш мақсадида қон тўкаётганини кўриб,  
қўлимдан келганча урушни тўхтатишга ҳаракат қилга-  
нимдан сўнг, у ханжарини қинига солиб уйига қайтди.

Мен билан сўзлашган чоғда уйланиш ҳақида ҳам сўз очган экан, мен унинг гапларини ҳам, унга берган жавобимни ҳам англамадим. Бу сўзлар ёдимдан ҳам чиқиб кетган эди, хатингни ўқиганимдан сўнг эслаб қолдим. Мен беҳад ғам чекиб вафо қилиб юрган бўлсаму, сен бундай хаёлларга борсанг? Лекин ёзганларингни рад қилолмайман, ким хушидан жудо бўлган эса, шундай ишларни ҳам қилас! Жиннилик дардига мубталоман, бошимдан оёғимгача хатоман, кўнглум ҳам, кўзим ҳам номангга фидо бўлсин. Лекин сенга айтадиган битта сўзим бор. Сен Навфал қилган ишлар ҳақида ёзар экансан, мен жиннилик ҳолатида эканимда юз берган ҳодисалар, хусусан уйланиш ҳақида менга айб қўйдинг. Лекин бундай ишни ўзинг қилган эдинг. Ибни Салом сенинг висолингни тамаъ қилганида, отанг унинг сўзларига рози бўлди. Сен розилик бердингми, йўқми, билмайман, шунинг учун бу ҳақда сенга тухмат ҳам қилолмайман. Ҳушимни жиннилик шамоли учирив олиб кетган, ақл билан сўзлай олмаяпман, шундай экан, эй парисифат хур, мени маъзур тутгайсан, сенинг ғамингда нобуд бўлдим, ўлган одамнинг сўзларини ҳам йўқ деб билиш керак. Йўқлик мени йўлдан урган экан, сен бор бўлу бу йўқ инсонга ёр бўл. Иқболу баҳт ёринг бўлсин, жонлар бойлиги бошингга сочилган нисор бўлсин».

Лайли бу мактубни ўқиганча, кўп изтироб чекди, ундаги ҳар бир сўз устида фикр юритар экан, неча бор ўзини ўзи койиди, алам чекди. Ўз мактубидан хижолат чекиб, бу номадан кўнгли тўлди-ю мактубни Мажнунга ўхшаб ўзи учун тумор қилиб олди.

Мажнуннинг ғамгин отаси, юз аламга мубтало бўлган онаси ўғлидан айрилгандан бери унинг дардига изтироб чекишарди. Отаси бир куни фарзандини излаб топиш, унинг олдига зор йиғлаб, насиҳат қилиш ва уйга қайтишга кўндириш ниятини дилига туғиб саҳро сари йўл олди. Даشتни бир неча кун кезиб, охири уни бир вайронга ичидан топди.

Мажнунга бу вайрона уйидан кўра афзалрок бўлиб, ўзи эса ундан ҳам хароброқ эди. Девоналиги ҳаддидан ошиб кетган, гоҳ чумоли тутиб ўлдирав, гоҳ тупрокдан гўр ясар, гоҳ бошига тупроқ сочиб, гоҳ тиши билан тирног олар, гоҳ эски девор устига миниб олиб от чоптиргандек ҳаракатлар қилар, гоҳ юзларини чимдир, гоҳ енгларини чайнар, гоҳ бойқуш сайроғига қўшилиб куйлар, гоҳ бойўғли юзидағи чангларни артар, қонли кўзини тикан билан чўп босиб кетган, улар киприкларидан ҳам кўпроқ эди.

Отаси бу ҳолатни кўргач, ҳайратдан қотиб қолди. «Субҳоноллоҳ, бу қандай аҳвол? Одамга ўхшамайдиган бундай кимсани ким кўрган экан?» – деб сўйланар экан, ўғлининг олдига қараб юрди. Мажнун отасини кўргач, уни танимади-да, ўзини панага олди. Отаси ёқасини йиртиб, фарёд чекди-да, сўнг Мажнунга мурожаат қилди. «Эй юз яраги бағрим пораси, нега мендин ўзингни четга оляпсан?» Мажнун унинг ўз отаси эканини билиб, оҳ уриб олдига йиқилди. Отаси унинг бошини кўтариб, бағрига босди, икковлари бир-бирларини маҳкам қуchoқлашди. Анча вақтдан бери кўришмаганлари учун ачиф-ачиф йиғлашди. Иэтироблари бироз таскин топгач, Мажнунга қараб шундай деди: «Эй алам чеккан фарзандим! Кўксим ярасини тирнаб, бағрим қонини бунчалар тўкмагин. Сенни танинг ғамдан яраги бўлса, менинг жигарим аламдан пора бўлган. Сен дунёга келмаган пайтда Худодан сени тилаб, садақалар бериб, дуолар қилдирдим. Очларни тўйдириб, яланғочларни кийинтирдим ва ўлдим деганимда сени топдим. Уч-тўрт ёшга етгунингча, мен тортмаган алам қолмади. Сен бир қатра сут эмгунингча, мен юз қатра қон ютардим. Товонингга бир тикон кирса, менинг жигаримга ханжар санчилгандек бўларди. Илм ва адаб ўрганиш учун мактабга қатнай бошлаганингда, сенниг бориш-келишингдан бир дам ғофил бўлмай, илму ҳунар, фазлу камолот эгаллашингга мададкорлик қилдим. Вақти келиб нарига дунёга жўнаш фурсати етганда,

қошимда бўлиб, гоҳ менинг бошим устида, гоҳи оёғимда бўлсанг, ҳаётим шамъи бенур бўлганида, сен парвонадек изтироб чекасан, умримни давом эттирувчи бўлиб, сен туфайли қабилам яна ёрийди, эл ичидан отим ўчмай, молу дунём бегонага қолмайди», – деб орзу қилган эдим. Энди шу ишлар бошимга тушди. Ичимга юз ғам юз қўйиб, бу бир ғаму, сенинг аламинг яна юз ғам бўлди.

Ишқ ўти қалбингга тушганда, сен беихтиёр эдинг, лекин ҳар дарднинг бир давоси бор-ку! Жаҳонда ошиқларни кўп кўрганмиз-ку! Бундай ҳолатда мағлуб бўлиш ақлга тўғри келмайди. Ким ўт ичига тушган бўлса, қўл-оёғи билан ҳаракат қилиб ундан чиқишга интилади. Чўкиб бораётган одам талпинмаса, ҳаракат қилмаса, ўлмай қолмайди. Бошингга шундай бало тушган экан, сен ҳам ўзингни қўлга олиб, интилишинг керак. Биллур қадаҳ ичига тушиб қолган чумоли ундан чиқиш учун куч ишлатиши эмас, тадбирини топиши зарур. Тангри одамга ҳар дардни берган бўлса, унга ўзи даво беради. Яратган сенга шу балони раво кўрган экан, давосини беришга ҳам ожиз эмас. Сен ҳам бу аламлардан узоқлашгин-да, ўз дардинга бирон чора қидир. Давосини дарҳол топиш қийин бўлса ҳам, қадам-бақадам яхши натижага эришиш мумкин. Ахир бола ҳам аста секин билимдон бўлади, қамиш ҳам бора-бора қандга айланади. Ўзига юз йил умр тилаган киши юз йил сабр қилиши ҳам керак. Минорага бир хил зинадан чиқиб тушилади-ю, чиқиш осон, лекин тушиш қийинроқ бўлади. Сен ишқ ўлида шунча йўл босиб ўтдинг, қайтишинг учун ҳам шунча йўл босиб ўтишинг лозим. Энди бу сафарингдан қайт. Мен сенсиз зору маҳзун бўлсам, онанг сенсиз доим бекарордир. Оқшомдан тонгра қадар жони изтиробда, тонгдан оқшомга қадар гулгун ёш тўқади. «Ўғлим!» дея чеккан оҳувойи чарх ўқининг қаддини букади. «Бўтам» дея азоб чеккан дам руҳидан асар ҳам қолмайди. Йиғлаб бошига тош ураркан, тош унинг аламига чидамай азоб чекади. Бу ўт унинг димоги ни шундай қизитганки, оқ сочи юзига оқ ранг сочади.

Сенинг дардингда шунчалик ғам чекканидан, бир-икки кунлик умри қолган. Мен ҳам ниҳоятда заифлашиб қолдим. Кел, иккаламизга чора қил. Ҳаётимиз умиди сўниб, кетиш пайтимиз келибди. Бегонани уйимизга йўлатма, иссиқ ўрнингни совутма. Иккаламиз сенинг ғамингда ўлсак, сен ўлмай туриб мотамингдан ҳалок бўлсак, бу ишда Тангри хитоб қилса, ўйлаб кўр: нима деб жавоб берасан?»

Отасининг бу сўзларини эшитган Мажнун йиғлаб отасининг оёғига бошини қўйди. Киприклари билан йўлини супуриб, унинг сўзларига шундай жавоб қилди: «Эй қиблагоҳим, айтган сўзларинг билан куйган кўнглим ўтига сув урдинг. Сенинг гапларингга жавоб айтишга ҳам ҳаддим йўқ. Сенинг ҳукминг менинг жоним орзусидир. Лекин сенга яширин эмаски, тақдир менинг бошимга бу ташвишларни солиб, бутун оламга расво қилган экан, менинг ихтиёrimни қўлимдан олди. Сенинг буйруфинг кандай бўлса ҳам, мен унга қарши сўз айта олмайман, чунки мен Мажнунмену Қайс эмасман. Сен сарв деб ўйлаганинг хас-хашакка айланиб бу дам кул бўлган. Бу ерга етиб келиб мени қўрганингда сендан қочганим танимаганимдан эмас, балки танишингга арзимаслигимдан эди. Менинг мақсадим сенинг итинг бўлиш эди, лекин бунга ҳам қобилиятим йўқ. Ит бирорвга бевафолик қилмайди, бошини олиб бир томонга кетиб қолмайди. Мен эса эгасига вафо қилмай, бу даштда телба бўлган итман. Шуннинг учун мени кечиришингни сўрайман.» Шундай деди-ю, тuya томон тез юриб кетди. Унинг жиҳозлари ичидан бир аргамчини олди-да, уни ўз бўйнига маҳкам қилиб боғлади. Аргамчи учини отаси қўлига топширди ва: «Менга нима десанг, қўлингдаги бўйни боғлиқ итингман», – деди-ю, тўрт оёғлик итга ўхшаб қолди. Отаси унинг бўйнидан аргамчини ечди-да, ўғлини етаклаб ватани бўлган ўз қабиласи томон ўйл олди.

Мажнун ўз уйига етиб келгач, у ердаги барча ғамгин одамлар шодликка тўлдилар. Отаси ҳам соғайиб, онаси

жисмига янгидан жон киргандек бўлди. Унга тоза ипак матолардан тикилган безакли кийимларни кийдиришиди. «Қайснинг ҳуши ўзига қайтибди», — деган хабар ҳамма ёқка тарқалди. Барча бу сўзларга ишонч ҳосил қилди. Бу хабар Навфалга ҳам етиб борди. У ҳамиша Қайс ғамини еб, номини тилидан қўймай, ҳамиша унинг ҳақида ўйлаб, у билан қўришган чоғларини эсидан чиқармасди. Ошик йигит ҳақидаги охирги сўзлардан хабар топгач, хурсанд бўлиб, уни қўришни истаб Мажнун қабиласи томон ўйл олди. Қабила аҳли бундан хабар топишиб, меҳмонни очиқ юз билан кутиб олдилар. Мажнун билан Навфал бир-бирлари билан қучоқлашиб қўришдилар. Зиёфат оқшомгача давом этди. Осмонда юлдузлар юз очганда, Навфал мезбонлар билан хайрлашиб ўз манзилига ўйл олди. У ўйлда хурсанд бўлиб борар экан, уйда қолган Мажнун ношод эди. Лекин унинг отаси ғоятда хушнуд эди. Чунки Навфал унинг қабиласига ташриф буюриши билан уни шоду хуррам қилибгина қолмай, аҳоли олдида уни азиз қўришини ҳам намойиш этганди. У, Навфалнинг олдин ҳам Мажнун билан қўришиб, уни мақсадига эриштириш учун Лайли қабиласи билан уруш қилгани, ўғли ғамини ер экан, унга ўз қизини бермоқчи бўлганини, бугунги ташрифи ҳам Мажнунни қўришдан кўра, тўй ҳақида ўйлаганидан далолат беришига ишонч ҳосил қилдида: «Энди мен ҳам қабилам билан бирга унинг манзилига ташриф буюриб, иложи бўлса тўй сўзини орага солсак, рози бўлишса, бахтидан қувониб, йўқ деса уйимизга қайтсак яхши бўлади», — деб ўйлади. Кейин элининг улуғларини чақириб, улар билан маслаҳатлашди. Улар қабила бошлиғи фикрини маъқуллашгач, бориши заруриятга айланди. Мажнун куёв бўлувчи йигит эканини ҳисобга олиб уни олиб боришини маъқул топишмади. Ҳамма нарса тайёр бўлгач, ярим кечада гуруҳ Навфал уйи томон ўйл олди. Даштдан ўтиб қўзланган манзилга етиб келгандарида, уй соҳиби уларни иззат-икром билан кутиб олиб, дам олишлари учун жой кўрсатди. Мехмонларни

хурсанд қилиш учун борини аямади. Фурсатни ғанимат билган меҳмонлар тўй ҳақида сўз очдилар. Навфалга уларнинг гаплари ёкиб тушди. Шунинг учун бу таклифларига: «Мен Мажнун учун ғам чекканим туфайли уни фарзандликка раво кўрган эдим. Ҳозир ҳам ўша сўзимда турибман. Сизлар қабилангиз томон йўл олган чоғдан бошлаб тўйга тайёргарликни бошлайман. Сизлар ҳам шундай қиласизлар, деб ишонаман. Мен ортиқча нарсаларга орзуманд эмасман. Сизлар куёвни олиб бизнинг манзилимизга етиб келсангиз, ҳозирги фурсатни қўлдан чиқармасангиз бўлди. Шундай шарт билан Мажнунни ўзимга фарзанд қиласин», – деб жавоб қайтарди. Никоҳ муддати тайинлангач, меҳмонлар шод бўлишиб ўз манзиларига қайтишди. Замона қиласиган ишлардан улар бехабар эдилар.

Қайснинг отаси танлаган одамлар Навфал манзили томон йўл олишган тунда Мажнун қўзидан гулранг кўз ёшлирини тўкиб ўтиради. Бир пайт ҳажр ўти уни бекарор қилди-ю бехуд бўлиб уйдан чиқди-да, дашт сари югуриб кетди. Оҳ-фарёд уриб борар экан, олдидан бир сурув кўй чиқиб қолди. Уларни ҳайдаб келаётган чўпон ҳам танишроқ кўринди. У, Мажнунни кўргач, мулойимлик билан аҳволини сўради. Мажнун: «Эй қутлуғ чехрали инсон, Мажнун сени каерда кўрган эдики, юзинг ошно кўриняпти, сўзларинг унга даво бўляпти? Сен унга меҳрибонлик кўрсатиб, ардоқлаяпсан?» – деб сўради. Чўпон унинг оёғига бошини кўйиб, шундай жавоб берди: «Менинг ишим чўпонлик бўлиб, кўю кўзиларни парвариш қилишдир. Ўзим Лайли қўйларини боқаман. Сени мактабда ўқиётган вақтингда кўргандим. Ишқинг аламларидан ҳам хабардорман».

Мажнун унинг товонига бош уриб, этикларига қошлирини суртди-да: «Сенинг сўзларинг танимга жон бағишилади. Сен Исодек бўлиб ўлукни тирилтириб яхши мўъжизалар кўрсатар экансан. Йўқ, йўқ, чўпонликда Мусо бўлиб, қўлингдаги таёқ ҳам аждарга ўхшайди. Мусо

нима бўлибди, сен ғам зулматида паноҳим бўлдинг. Энди мени ҳаёт суви томон бошла: Лайлимни узоқдан бўлса ҳам кўрайин. Ҳажрида жуда bemorman, раҳм айлагин, кўп bemadorman», деб илтижо қила бошлади. Чўпон дедики: «Оқшомгача менга суҳбатдош бўлгин, бирон чора излаб топиб сенга ёрдам кўрсатай.» Мажнун унинг айтганини қилиб, бир йилдек бўлиб кўринган ўша кунни чўпон ёнида ўтказди. Қуёш ғарб томон юз қўйган чоғ чўпон қўйларини қабила томон сурди. Бир қўй терисини олиб келиб, Мажнунга: «Буни устингга ёпиб ол. Қўйга ўхшаб бу терини ўзингга кийим қилгин-да, қаддингни эгиб юр. Лайли қизлар билан бирга қўйларни соғишини томоша қилиш учун келади. Сенга яқинлашганида, қанча хоҳласанг, шунча кўраверасан», – деди.

Мажнун терини устига маҳкам қилиб ёпти-да, қўйлар ичида қаддини эгиб, тўрт оёғлаб борар экан, қабилага етишгач, қизлар худди юлдузларга ўхшаб югуришиб чиқиб келишди. Лайли улар ичида ойдек бўлиб кўриниб турагар, ёри ишқида кўп изтироб чекканидан сочлари паришон, ҳижрон ўтидан юzlари қизарган ҳолда эди. У Мажнун турган жойга яқинлашганди, Мажнун қаттиқ бир оҳ тортиб, қўйлар ичида йиқилди. Бундан кўрқиб кетган қўйлар ҳар томонга қочишиди-да, унинг ўзи ёлғиз қолди. Лайли бу ўтли оҳни эшишиб, ичи ўртаниб, ким эканини билиш учун унга яқинлашди. Кўрсаки, қўй териси ичида ўзининг севгили ёри ётибди. Уни кўрган Лайли ҳам оҳ уриб, ҳушидан кетди-да, ерга йиқилди. Бу ҳолатни кўриб турган қизлар қабила аҳали билиб қолса, икковига ҳам ёмон бўлишини англашди-да, Лайлини кўтаришиб, уйига олиб кетишиди. Кўрган воқеалардан ҳайратда қотиб қолган чўпон нима қилишини билмай тураркан, тяяларини тез юргизиб келаётган икки кишига кўзи тушди. Улар Мажнунни кўриб тяяга ортишиди-да, оёқларини маҳкам боғлаб қўйиб, тяяларни тез юрғазиб, йигит қабиласи томон йўл олишди.

Қайсни уйга олиб киришгач, у ўзига келди. Отаси яна йиғлаб панд-насиҳат қилишга тушди. У эса хижолат бўлганидан отасининг юзига ҳам боқолмасдан, юзини ерга қўйганича – отасининг оёғини ўпид туриб, меҳрибони сўзларини эшитиб: «Гуноҳимни кечир, сенинг яхшилигинг менинг паноҳимдир», деб илтижо қилди. Унинг узр сўраётганини кўрган ота: «Қилган барча ишларингдан қайтиб, нима десам, шуни бажарсанг, шариат амрини қабул этсанг, мени рози қилган бўласан», – деди. Мажнун олижаноб, эҳсону муруват соҳиби бўлган одамлардан бўлиб, ҳуши ўзида бўлган онларида ҳеч қачон одоб доирасидан ташқари чиқмасди. Шунинг учун Тангри ва ота-онаси ризолигини тилаб дедики: «Сенинг розилигингга қараб иш қиласман. Ҳукмингни айт: уни бажариш шиорим бўлади». Отаси унинг сўзларидан хурсанд бўлиб, Навфал ҳақида сўз очди. Унинг араблар орасида, фақат Арабистонда эмас, ҳатто оламда ягона зот эканини айтгач; «У сен учун кўп аламлар чекди, тақдир бўлмагани учун олдин бу иш бўлмади, энди ундан кечирим сўраб, тилагини бажариш сенга қарзди. Навфалнинг ҳам, отангнинг ҳам илтимоси сенинг унга фарзанд бўлишингdir. Соҳибжамол, бошидан оёғи гўзал ва дилкаш, одобу ҳаёли қизи бор экан, қабиласи ҳам унга зору шайдо экан. Унинг висолига етишини истаганларнинг сон-саноғи йўқ экан. Менинг розилигимни истасанг, шу қизга уйланишга рози бўлгин», – деди. Мажнун сукут сақлаб, сўзламай турар экан, отаси буни ўғлиниң розилигига йўйиб хурсанд бўлди-да, қабила улуғларини уйига чақиртирди. Никоҳ учун барча нарсаларни ҳозирлаб, Мажнунни ясатишиб фурратни бой бермай, Навфал қабиласига қараб йўл олишиди. У ҳам тўйга тайёрлик кўриб, хешу акраболарини чақиртиргач, катта базм уюштириб, куёв томонни кутиб олди. Барча шодликка юз буриб, хурсандчилик қилар, кечаю кундуз тинмай ичкилик ичишарди.

Тўй зиёфати тугагач, куёвни келин билан қовуштиришди; тахт ясад, унинг устига кўрпа-тўшак солинган

уйга иккала ёшни олиб киришди. Навфал уй яқинидан одамларни четлаштирди, атрофда хеч ким қолмади. Барча уйқуга ётган маҳал Навфалнинг ўзи узокроқда ўтириб май ичаркан, бир пайт хаёлига турли фикрлар келиб, уй ёнига яқинлашиб, кигизини астагина кесиб, қараб турса, қизи ўрнидан туриб, Мажнун олдига келди-да, унинг қошида ер ўпид сўз бошлади: «Ишқ ичра ягонаи замона бўлган йигит, юзингда меҳри сафо, эгнингда нури вафо кўриниб турибди. Лайли ишқида нотавонлигинг, унинг ишқида жаҳонга достон бўлганлигингни эл ҳам билади, менга ҳам равшан, кўнглингдан у қизнинг фами мустаҳкам жой олгани, бу ишқ дилингдан ўчмаслиги аён. Унинг борлигига бошқа ёрга, менга уйланаётганинг кўнглинг ўтини совутмоқчи бўлганингдандир.

Оталаримизнинг розилигини олиш учун сен бу нижкоҳга йўл бердинг. Сен ишқ мамлакатининг шоҳи, ишқ ахли ўтининг огоҳисан. Менинг ҳам бир дардманд ошиғим бор, у ҳам дардим ўти билан куйиб юрибди, мен ҳам уни севаман. Лекин қалбларимиздаги ишқ ўти яширин бўлиб, менинг ҳам, унинг ҳам шайдолигимиздан эл behabar. Ўзинг ўйлаб кўр: у йигит мен билан сенинг бирга эканлигимизни эшитса, бу кеча аҳволи қандай бўлади? Унинг ҳалок бўлиши аниқ-ку! Сенга ўз сирларимни очдим, энди сен менинг ҳам, бечора ўша йигитнинг ҳам ҳолимизга раҳм қилиб, халқ ичидан мени шарманда қилмай, бу ердан чиқиб кетсанг. Бу воқеадан хабардор бўлганлар ҳам сиримиздан огоҳ бўлишмаса, мен халқ тилига тушмасам, эл менга таъна қилмаса. Менга шундай яхшилик қилсанг, пок Тангрим Лайлини ҳам пок сақлаб, васлини сенга насиб этади, деб умид қиласман».

Мажнун дилига бу сўзлардан озор етиб, ошику маъшуқалар аҳволига зор йиғлаб шундай деди: «Эй покиза ишқ сохибаси! Ишқу маҳаббатингга хурсанд бўлавер. Ёрингга вафо шиоринг бўлсин, Тангри ҳамиша ёринг бўлсин. Менинг ичимга ғам-алам тушиб водиу тоғларни кезиб юрардим. Мен ҳам бўлаётган бу ишлардан хур-

санд эмасдим. Сен менга яхшилик қилдинг, кетиш менинг ниятим эди, кетсам ҳам сенга миннатим йўқ», – деди-ю, қиз билан оға-сингил бўлишни ваъдалашиб, синглисидан узр тилаб дуолар қилгач, ўрнидан турди, эшикдан чиқди-да, ғам даштига қараб йўл олди.

Навфал бу ажойиб ҳолатни кўргач, май ичиб масти бўлган кишилардек ўён-бу ён тебраниб, уйга қараб юрди, кўрганларини ёдига келтирас экан, уялиб, воқиф бўлган ишларни кўнглида асрашга ҳам, айтишга ҳам иложисиз бўлиб, ғам чекарди. Уйнинг нариги томонида эса қизнинг ошиғи бекиниб, қўлига ўткир ханжар тутганича, куёв билан келин қовушадиган бўлса, иккаласини ўлдириб, ўз кўксини ҳам чок этишни пойлаб туради. Унинг ишқи ҳам пок бўлиб, ишқ унга ўтни гулзор қилди. У Мажнуннинг ҳимматига офаринлар айтди, дилбарининг вафодорлигини кўрган ошиқ йигит шодлигига чидай олмай, келин турган уйга кирди-да ёри билан қовушди. Икки ёр тонгга қадар висол оғушида бўлишди. Тонг қуши нола қилиб, кун ёриша бошлагандан, йигит ёри билан хайрлашиб чиқиб кетди. Никоҳга келганлар шодлик билан қизу куёв қошига қадам қўйғанларида уйда фақат қиз ёлғиз ўтирганини кўрдилар – куёв йўқ эди. Мажнун қабиласидан бўлган кишилар уялганларидан ўлимга ҳам рози эдилар. Бор аҳволдан хабардор бўлган Навфал эса гапиришга тили лол бўлиб, Мажнун элига узр айтиб: «Бу Тангрининг тақдири, тақдирга эса тадбир қилиб бўлмайди, ҳеч ким тақдирни ўзгартира олмайди. Бу иш биздан ҳам, сизлардан ҳам эмас, ўғилдан ҳам, қиздан ҳам эмас», – деб барчани узатди-ю, ўзи ётиб қолди.

Ҳийлакор фалак ҳазил қилгандек, ҳазил ҳам эмас, беҳаёлик қилиб Мажнунга куёв бўлишни буюрганида, Ибни Салом ҳам уйланишни ният қилиб, керакли барча нарсаларни муҳайё айлаб, Лайли қабиласига от сурган эди. У ердагилар Ибни Саломни уйда ором олишга таклиф қилиб, у билан келган одамларнинг ҳам ҳурматларини бажо келтиришди: базм тузиб, ичкиликлар келтириб зиёфат

қилишди. Мәхмөнлар бир неча күн айшу ишрат қилишиб, куни билан, ҳатто тунларда ҳам майхұрлик билан банд бўлишди. Никоҳни бошлаш муддати етиб келгач, қабиланинг барча аҳли жам бўлишиб имом хатиб куёв билан келинни никоҳлаб қўйди. Сўнг барчалари Лайли уйи томон йўл олишди ва ойни аждаҳога топширмоқчи бўлишди. Ибни Салом Лайли қўлини тутган заҳоти ажойиб бир иш юз берди – куёв юрак ўйноғи касалига мубтalo бўлган экан, ичкиликни кўп ичган пайтларда жисмига изтироб тушиб, нафас олиши қийинлашиб қоларкан. Тўй чоғи ҳаддан ташқари кўп май ичгани туфайли шу дарди яна қўзғаб қолиб хушидан кетди-ю, ўлик каби йиқилди. У худди ҳаёт билан видолашаётган ахволда ётар экан, тўй мотамга айлангандек бўлди. Одамлар уни ўлган деб ўйлашиб, бир уйга олиб кирдилар. Ҳамма куёв бошига йиги-либ, келин билан ҳеч кимнинг иши йўқ эди. Бечора келин лол бўлиб ўтирас экан, ҳаёли юз хил фикр билан банд эди. Ўзини ўлдиришга аҳд қилиб заҳарли ханжарни қўлида яшириб турарди. Рақиб ўз муддаосига етишмоқчи бўлса, сўзсиз ўзига ханжар уришга тайёр эди у. Аммо бу кечада фалак хайратланурли иш қилди: икки севишганни ажратиб, ҳар бирини бирор билан жуфт қилмоқчи бўлди-ю, ҳеч бир дурни тешмади. Яна бир хайратли иш шу бўлдики, бу икки ҳодиса бир кечада юз берди. Алқисса, куёв беҳол бўлиб йиқилгач, Лайли балодан озод бўлиб кўнгли шодликка тўлди ва олдида ҳеч ким қолмаганидан хурсанд бўлиб, ташқарига чиқди-да, қумлар устидан юриб кетди. У аста қадам ташлаб, лекин дам олмасдан бораркан, оғзидан Тангрига шукронга сўзлари тушмасди. Анча йўл босиб қабила кўринмайдиган жойга етди.

Бу чоғ Мажнун ҳам шу томон келарди. Бир-бирлари га яқинлашишгач, иккаласининг кўнглига изтироб тушди. Лайли ўз севгилисини унинг ноласидан англаб таниган бўлса, Мажнунга дилбари насими эсиб, фироқ хавфидан қутулди. Бир-бирлари томон югуришиб етишдилар. Ҳайҳот, бундай висолни ким кўрди экан? Бир-бир

ларини таниган чоғданоқ рухлари бадан уйидан жой олди, яъни баданлари зору мажрух (яраланган) бўлса, маълумки ўша баданга рух бўлади.

Икки гуҳар<sup>1</sup> ўрни бўлди бир дурж<sup>2</sup>,  
Икки куёш авжи<sup>3</sup> бўлди бир бурж<sup>4</sup>.  
Бир согар<sup>5</sup> аро тушуб ики мул<sup>6</sup>,  
Бир фунча аро бутуб ики гул.  
Бир жисмда икки рух ўлуб гум,  
Бир кўз аросида икки мардум<sup>7</sup>.  
...Бу қанд эди, ул зулол<sup>8</sup> монанд.  
Жазб айлади<sup>9</sup> ул зулолни қанд.  
Бир сув эди ул ҳубоб<sup>10</sup> ҳосил,  
Бир оҳ ила бўлди анга восил<sup>11</sup>.

Фалак бир лаҳза уларга меҳрибонлик кўрсатиб, икковлари васл билан шод бўлишлари учун зарур шароитларни яратиб берди. Барча ҳайвонлару қушлар уйку оғушида ором олишарди. Сайёralару юлдузлар икки севишганинг шодлик кечасини ҳимоя қилиб, улардан кўзларини узишмас, субҳ совуқ нафасини урмас, бутун олам уйқуда эди.

Икки вафодор эса бир-бирларига тану жон мисоли чирмашишиб, бир-бирларининг юзу қўллари, оёқларини ўпишиб, бири қулочини очса, иккинчиси қўлига ёр сочларини чирмаб лаззатланишарди. Аммо не иш юз берма-

<sup>1</sup> гуҳар – гавҳар

<sup>2</sup> дурж – қутича

<sup>3</sup> авж – энг юқори нуқта

<sup>4</sup> бурж – куёшнинг йиллик доирасидаги ўн икки нуқтанинг бири

<sup>5</sup> согар – май қадаҳи, май пиёласи

<sup>6</sup> мул – май, шароб

<sup>7</sup> мардум – қорачиғ

<sup>8</sup> зулол – тип-тиник сув

<sup>9</sup> жазб айламоқ – тортиб, шилиб олмоқ

<sup>10</sup> ҳубоб – сув юзидағи пұфак

<sup>11</sup>. восил бўлмоқ – етишмоқ

син, у покликдан узоқ эмасди. У икки дилбанд висол оғушида шундай шод эканлар, тонг ёриша бошлади. Лайли: «Бу ерда бўлишни истасам ҳам, уйга боришим тўғрироқ бўлади», – деди-да, бир-бирларининг оёқларини ўпид хайрлашиши.

Икки дилором бир-бирининг васлига етишиб муродлари ҳосил бўлгач, бири қабилага йўл олиб кетди, иккинчиси эса даشتда ёлғиз қолди. Лайли ҳеч кимга сездирмай ўз уйига кириб олди. Унинг ёри билан топишганидан ҳеч ким хабардор бўлмади. Бемор куёв кўзини очиб боши устида турган одамларга амори, яъни кажава келтиришини буюрди, улар бу фармонни бажаришгач, унга ўтириб ўз уйи томон жўнаб кетди. Куёв ўз касалидан тузалгач, яна келиб никоҳ ишига киришишини билдириди. Лайли эса уйда қолиб, яна ҳажр аламини торта бошлади. Димоги ёр исидан баҳра топгани учун унинг роҳати бузилган, беҳоллиги янада кучайган эди.

Васл давлатига етишган Мажнун шу чоққача висол лаззатини тотмаган, ғам ўтида куйиб васл отинигина эштарди холос. Васл билан жони янгилангач, ҳаёт сувини мўл-кўл ичгандек бўлди. Лекин замона бу ҳаёт сувини тўкиб ташлаб, яна заҳар тўла юз жомни унга тутди. Яна ҳажрга мубтало бўлган ошиқнинг ҳоли аввалгисидан ҳам оғирлашиши. Кўнглида юз хил изтироб пайдо бўлди-ю, яна Нажд тоғи томон йўл олди. Нажд тоғини ер устидаги иккинчи осмон деб аташ мумкин эди. Чўққилари фалакка етадиган бу баҳайбат тоғ устида дарахту кўкатлар ҳам ўсмасди, фақат тошлардан иборат бўлиб, ошиқлар учун ғам-алам тоғи эди. Мажнун унинг устига юрганича чиқиб борди. Бу тоғнинг чўққисини у ўзига маскан қилиб олган бўлиб, у ердан Лайли қабиласи кўриниб турарди. Кўзи доимо шу қабилада бўлиб, у ерни томоша қилиш билан ўз дардига чора топар, у ерда кўтарилиган тутунни кўзларига сурма деб биларди. Тоғ чўққисидаги ўз манзилига олов тезлигида югуриб чиқди-ю, яна қабилага кўзини тикканича, ўз-ўзи билан сўзлаша бошлади.

Атрофида ваҳший ҳайвонлар, қушлар пайдо бўла бошлади. Улар ичида Мажнун ёқтирган бир жайрон бўлиб, кўзи билан бўйни нозик, жисми чаққон, девона йигитга ёру ошно эди. У Мажнунга меҳрибонлик кўрсатиб, бўйнидан қучар, юзларига юзини суртиб эркаланаар, қулоғи билан кўз ёшларини артиб; туёқлари билан жисмини қаширди. Жафокаш йигит эса уни эркалар экан, қулоғига шундай деб сўзларди: «Сенинг кўзларинг Лайли кўзи-дек сеҳрли, нозик оёғинг учи ёрилган қамиш қаламнинг ўзгинаси, туёғинг эса қалам учидаги сиёҳга ўхшайди. Худди хат ёзиш учун бандлик қамиш қаламни йўнгандексан. Ушбу қаламинг билан Лайли қабиласи томон йўл олиб, агар ёrim баҳор чоғи сайрга чиққан бўлса, сен томонга йўли тушиб қолса, узоқдан туриб атрофидан айлангин-да, ҳар ўн қадамда тупроққа юзингни қўй. Мен юзимни сенинг юзингга суртай, кўзимни ҳам кўзингга суртай. Сайрда у билан бирга бўл, қай томон йўл олса, гулу лолалар орасида бекиниб, у етиб келганида, оёғига юзингни, қадами тупроғига икки кўзингни суртгин. Ҳазин йиғлаб, менинг ғамимни унга ошкор қил, дил дардларими ни мунгли кўз ёш тўкиб унга баён қил!».

Мажнун кийик билан шундай сўзлашар, қушлар билан бошқачароқ сухбатлашар, ҳар бир ҳайвонга шу тарзда ўзининг ғамгин қиссасидан ҳикоя сўзларди. Кўнглида ёр висолига орзу ҳавас яшар, лекин бу ҳавас хаёлгина эди. Лайли билан бўлиб ўтган висол онларини ёдига олар экан, дили шодликларга тўларди.

Мажнуннинг ярим кечада Навфал уйидан чиқиб дашт томонига кетганини билган ота-онаси эл олдида уялишганидан ғам остида қолишли. Ўша заҳотиёқ уй томон йўл олиши, етиб боришгач, отасини иситма тутиб, тўхтовсиз терлаб, тушакка михланиб қолди. Ҳар хил муолажалар қилишса ҳам, фойда бермади. Табибларнинг маҳорати ҳам кор қилмай, иситмаси пасаймади. Дарди оғир бўлгани сабабли, аҳволи борган сари ёмонлашиб, охири жон омонатини топшириб, қоронғи маскан сари

йўл олди. Қабила аҳли аза тутиб, оҳ-фарёд чекдилар. Бундан хабар топган кекса онаси бир томондан ўғлиниг дарду ғами, иккинчи томондан ёстиқдошининг ала-ми билан изтироб чекиб эри ортидан боқий дунёга юз тутди. Эл унга ҳам аза тутиб, қора кийди. Уларни ўша қабиланинг гўристонига дафн этдилар.

Нажд тоғини ўзига маскан қилиб олган Мажнун ота-онасининг вафотларидан бехабар эди. Бир куни ичини қайғу босиб, кўзи уйқуга кетди. Тушида ажойиб бир воқеани кўрди: иккита капитар бир уйда бола очибдилар, жўжага қанот чиққач, у бирдан ҳавога парвоз қилибди. Буни кўрган иккала капитар уни уясига олиб келиш чун осмонга парвоз этишибди. Жўжани толган бўлсалар ҳам, у ўжарлик қилиб уйига қайтмас эмиш. Икковлари ноумид бўлиб инларига қайтаётгандарида, юқоридан иккита бургут учиб келиб, икковини еб қўйибди. Бу тушни кўргач, Мажнун кўзини очди-ю, қонли кўз ёшларини тўка бошлади. Тушига таъбир истаб, уни ўз ҳолатига қиёслади-да, ота-онаси ўлганини, ҳаёти қуёши қора бўлганини билди. Тоғдан пастга қараб сел сингари шошилиб, селдек кўз ёшларини тўкиб, қабиласининг мозоригача оҳ-фарёд уриб югорди. У ерда янгигина ясалган икки қабрни кўриб, жисми зорини чақин ургандек бўлди. Бошига тупроқ сочиб, кўкрагига тошларни ура бошлади. Отасининг мозорига бошини қўйиб фифон чекди: «Эй сахро аҳлининг азизи, фақат дашт эмас, Маккадан Шомга қадар барча эл сенинг раҳматинг дастурхонидан баҳраманд эди. Арабларнинг энг улуф кишилари ҳам сенинг дастингдан шикаст топарди. Лекин сен мендан шикаст топдинг. Кўнглинг ғамимда ношод бўлиб, умринг мен туфайли барбод бўлди. Мени шодлик учун тилаган эдинг, лекин мен туфайли ёруғ чироғинг ўчди. Мени тилаб қанча дирамлар<sup>12</sup> сочдингу, мен туфайли аламдан бошқа нарса

<sup>12</sup> дирам – кумуш танга

кўрмадинг. Қайси тил билан сендан узр сўрай, сенинг айтганларингни қилмадим, руҳингдан нечук кечирим сўрай? Мени ташлаб кетиб, устимга ғам тоғини қўйдинг. Сўнгакларимни бир-бир ушатиб, танимни тупроқка қориштирдинг. Юлдузим ҳар қанча қора бўлиб, толеим баҳтсиз бўлса ҳам, саховат кўрсатиб, мени кечиргил, руҳингни кечиравчим қилгин!».

Кейин Мажнун онаси қабри олдига бориб, ёқаси ўрнига кўксини пора қилиб, ерни кўз ёшлари билан денгизга айлантириди. Баҳор булутидек ўкириб, ўз юзларига ура бошлади. Сўнг алам билан шундай деб фарёд урди: «Эй жоним қибласи, қибламнинг нури! Жонимнинг шодлиги, кўзимнинг чироги, кўнглимнинг роҳатию, фикри хаёлим ороми! Сен Каъбам эсанг-да, мен майхонани истаб, тавоғ қилмадим, атрофингда айланиб сайр этмадим. Қалбингга ҳар доим изтироб солиб, Каъбамни ҳароб айладим. Менинг Каъбам ҳароб бўлди, энди Тангрига не деб жавоб бераман? Мехримга кўнглингдан жой бериб, бешигимни қўлларинг билан тебратдинг. Ҳар кун мени ўйлаб қайғу чекдинг, мени деб тунлари уйқунг ҳаром бўлди. Кечалари тинмай йиғлаб фифон қилганим қўзларингга уйқу бермасди. Кундузларию кечалари менинг дардимда тинмай, емак-ичмакни ҳам унутиб қўярдинг. Бир луқма нон еганингда ҳам, унинг менга сут бўлишини ўйлардинг.

Кошки эди чеккан бу азоблардан қаддинг эгилиб, кўрпа-тўшак қилиб ётганингда, мен қаддимни эгиб қошингда турсам эди, қул каби ўғиллигингни қилсам эди. Бундай оғир кунларда бошингда ҳозир бўлолмадим, шафқат билан қўлларингни силаб, қўзларим билан йўлларингни супуролмадим. Сендан туну кун жудо бўлиб, бевафолик қилдим, дардингга даво бўлолмадим. Жаннатдан жой олган руҳинг мендан шод эмаслигини биламан, шу зулмнинг ўзи менга етиб ортади. Бечораман, бошқа нима қиласай, дардимга қандай чора топай?!». Шундай фифон қилганича, бошини ерга ураркан, яна хушидан кетиб йиқилди.

Ҳаёт куйи, гўзаллигидан маҳрум бўлган Мажнун энди ота-онасидан ҳам жудо бўлди. Уни ёр доғи ўртаб келаётган бўлса, улар устига икки меҳрибонининг дарди ҳам қўшилди. Алам устига алам ичida қолган бечора гўристонни ватан қилиб олди. Ётадиган жойи хилхона бўлиб олам унга гўё қоронғу гўрдек туюларди. Ҳар куни хушини йўқотиб нолаю фифонлар қилас, ўзини юз ғамга дучор этарди. Ўз жонига жафолар қилиб, ўз-ўзига аза тутарди. Ота-онадан айрилиш икки доғ бўлса, хижрон ушбу икки ўт устига қўйилган ёғ эди. Мунча ғаму бало йигилгач, Мажнун ётиб қолди. Дарди шунчалар кучли эдики, у ўзи ётган жойидан қўзғаломасди. Боши устига ёввойи ҳайвонлару қушлар, кийиклар тўпланиб туришарди.

Бу пайт Лайли ҳам ғам-алам ичida изтироб чекарди. Мажнун висолидан шодликка тўлган қиз яна хижронга дуч келди. Мажнуннинг ота-онаси вафот этганини эшитган Лайлининг дардига дард қўшилди. Чунки юз берган барча воқеаларга ўзи сабаб бўлганини яхши билар эди. У тинмай йиглар экан, шундай сўзлар била нола қиласарди:

«Эй кажрав<sup>13</sup> сипехри<sup>14</sup> худрой<sup>15</sup>,  
Зулмунгдин вою юз туман вой!  
Жонимға неча ситам қилурсен,  
Кўнглумга насиб алам қилурсен,  
... Лайлийи заифу бенавони,  
Юз дарду балоға мубталони  
Ўлтурмак ила ҳам этмайин бас,  
Ҳажр ўтиға солмоқ ўйлаким хас.  
Бу Лайли эди, недур хаёлинг,  
Эрмас эди ҳийлапеша золинг<sup>16</sup>.  
Соврулғасиз, эй раванда<sup>17</sup> афлок,

<sup>13</sup> кажрав – тескари юрувчи

<sup>14</sup> сипехр – фалак, осмон

<sup>15</sup> худрой – ўзбошимча

<sup>16</sup> ҳийлапеша золинг – ҳийлагар кексанг

<sup>17</sup> раванда – кезиб юрувчи

Қўзғалғасиз, эй нужуми<sup>18</sup> бебок<sup>19</sup>.  
Жисмимни қатил<sup>20</sup> қилдингизла!  
Жонимни залил<sup>21</sup> қилдингизла!  
Жисмим гардин учурди оҳим,  
Эй чарх, аримадиму<sup>22</sup> гуноҳим?!

Бу қайғу азобларим етмагандек, ёримнинг изтиробла-ри ҳам бошимга тушди. Унинг ота-онаси ўлиб, мен ҳам мотамда қолдим. Агар у қаттиқ алам чекаётган бўлса, менинг дардим униқидан икки баробар кучлироқдир. Унга ота-онасининг ғами етган бўлса, бу – менинг ҳам ғамим-дир. Лайлани фурқат балоси қийнаётган бўлса, бунинг устига икки Мажнунча машаққати ҳам бор. Унга умр зарурияти қолмади, шунинг учун жондан кечсам ажаб эмасдир».

Шундай сўзларни фарёд уриб хитоб қилас экан, нола ўти ҳаддан ошиб, жисмида иситма пайдо бўлди. У ўт худди қуёшнинг ботар чоғидаги ҳароратига ўхшарди. Гулдек юзи терга ботиб иситма ўтидан қизариб кетди.

Онаси қизининг бу аҳволини кўриб изтироб чекарди, жигари кабобга ўхшаб куярди. У, Лайланинг отасини хабардор қилгач, қизининг ҳолатидан у ҳам қаттиқ ташвишга тушди. Ота-онаси, дугоналари табиблар чақириб келдилар. Исо нафасли ҳакимлар ҳар қанча даво қилишса ҳам, иситма пасаймасди. Кундан кунга дарди кучайиб, бош оғриғи дам-бадам зўрайиб бораради. Шу ҳолда ётар экан: «У мотам асири (Мажнун) дард туфайли ўлим олдида эмиш. Гўристон ичидан зору беҳол бўлиб ўлган кишидек ҳаётдан узоқлашаётганмиш. Гоҳ ўзида, гоҳида беҳуш бўлиб, кўзлари ўликдек нурсиз экан, ўз мотами

<sup>18</sup> нужум – юлдузлар

<sup>19</sup> бебок – бепарво

<sup>20</sup> қатил – ўлдирмоқ

<sup>21</sup> залил қилмоқ – хўрламоқ

<sup>22</sup> аримоқ – пок бўлмоқ

билан жисми заифу, сенинг дардинг бу жисмидан жонини тортиб олаёттандек. Унга ғам устига мотам күшилиб, сенсиз иши мотам устига мотам экан, жони ғам билан дардан поймол бўлиб, ҳоли ҳаддан ташқари хароб экан», – деган сўзлар қулогига чалинди. Бу гапларни эшитган Лайлиниңг бир ўти минг бўлиб, ўлими яқинлашарди.

Куз шамолининг оҳи етиб, бўстонлар юзини сарғайтиради.

Япроқларнинг юzlари сариф оғриққа учраган кишиларнидек сариф тусга кирди. Ҳар қайси барг беморлардек ер тӯшагига ётиб оёғини узатиб олди. Даражатлар ҳам титрашга тушиб, кучли шамоллар чаманларни талон-тарож қилишга киришди.

Лайли ҳусн боғи бўлиб бошидан оёғигача жаннат гули эди. Унинг дарди насими тезлашиб, бўстоннинг барглари тўкила бошлади. Касаллик ҳусни шоҳини ғамгин қилгач, у ўз тутқунларини озод қилиб юборди. Фақат битта кабутаргина учиб кетмади. Бу оламни тарк этиш онлари яқинлашганини сезган париваш уйни ҳоли қолдиришларини сўради-да, сўнг хузурига онасини чақиртириб унга шундай мурожаат қилди:

«Эй жонингни менга бағишлаган онажоним! Бу хаста жоним сенинг жонингга садқа бўлсин. Менинг бор машиқатларимни ўз устингга олиб, кўп дарду аламимга қолдинг. Минг йил тирик бўлиб хизматингни қилсан ҳам, бу яхшиликларингни қайтара олмайман. Энди гулим ҳazonга учраб, гулистонимга совуқ куз шамоли етишди, бу чаманин тарк этиш зарур бўлиб қолди. Видолашиб чоғи етиб келган экан, дилимдаги дардларимни сендан яширишим тӯғри бўлмайди. Билганларингга сен мадоро, чора қилдинг. Энди мен сенга сирларимни очай. Омонашимни топшириб, тупроқ сари йўл олар эканман, аза очма, кўз ёшларингни кўп тўкма, юзларингга уриб яралаб, руҳингга азоб берма, деб айтишим бефойда. Шунинг учун сендан буларни эмас, бошқа бир нарсани илтижо қиласман. Мотам кунлари қаттиқ азоб чекиб, юзинг

ни тирнаб қонга ботирма, күп қора кийим кийма, иложи борича, сабр қилишга интилгин, ўзингга далда, таскин бер. Тангри сенга сабр берсин». Онасига кўплаб дуолар қилгач, яширинча бу сўзларни таъкидлади: «Бу мотам элга ошкор бўлгач, дашту саҳро аҳлига ҳам етиб боради. Шубҳасизки, менинг тофу даштларда шамолдек ке-зиб юрган ғариби зоримнинг қулогига бу сўзлар эши-тилгач, ҳодисадан хабар топиб, руҳи менинг руҳимни истаб, тезда буёққа келади-ю, қуёш каби менинг бошимга етади. Айрилиқ дардидан кутулиб, элга ишқ қандай бўлишини кўрсатиб тупроғимга тупроғини қўшади. Руҳини менга топшириб, тани жонсиз бўлиб ерда жисми зори ётса, ҳурматини қилиб ёнимга ётқизгил. Унинг ша-риф жисми пок бўлгани учун кўз ёшларинг билан ювсанг ҳам арзиди. Гинани унутиб, унга яхшилик ва меҳ-рибонлик кўрсатгинг-да, жон пардасидан кафан қилгин ва ана шу кафанг мени ҳам ўрагин. Унга фарзандинг-дек муносабат кўрсатиб, фарзандинг билан бирга уйқуга ётқизгин-да, икки руҳ бир-бири билан қўшилгач, бир то-бутга солгин».

Лайли ушбу сўзларни тугатди-ю, «Мажнун» деганича жон берди. Онаси бу кунни кўриб бир овоз чиқардики, у осмоннинг бағрини тешиб ўтгандек бўлди. Қизининг бошидан айланиб, товонига кўзларини суртар, гўёки кип-риклари билан уни қитиғлаб, «Уйқу вақти эмас-ку ҳозир, кўзларингни оч, оёқларингни қимиirlатиб, сўзлагин», дегандек уйғотмоқчи бўларди. Титраб, йиғлаб қизини маҳ-кам бағрига босиб, юзларини юзларига қўяр, кўз ёшла-ридан унинг рухсорига сув урар, гўё сув билан сеска-ниб, зора уйқусидан уйғониб кетса, дегандек бўларди. Лекин унинг барча ҳаракатлари зое кетди, ой юзли гўзал қизи уйқудан кўз очмади. Уйғонишидан умиди узилган она опоқ соchlарини ёйиб оҳ-фарёд кўтарди, соchlарини юлиб, ёқаларини йиртар, тирноғлари билан юзини ўяр, ўйилган яралар ўрнидан оққан қонлар кўз ёшларига қўши-либ булоқ сувларидек оқарди. Нола қилас экан: «Жуда

қаттиқ ухлаб қолдинг-ку, бұтам! Күзингни оч, ҳаво мұсаффо, қызлар гулшанда саир қилиб юришибди, барчалари боғда айланиб сени кутишмоқда. Турли тақинчоқтар тақиб ясанған дугоналаринг сенинг йўлингга боқиб туришибди. Жингалак соchlарингни очиб, ифорларини оламга тарқатай, кўзингга сурма суртиб, юзларингни қизил элик билан гулгун қилай, шакардек лабларинг остига, юзингга хол қўяй, устингга гулранг кўйлаклар кийдириб, гулшанга юборай, қызлар билан у томонга боргин. Сенга Мажнун ҳам интизор бўлиб, бое ичида фифон чекиб турибыди. Сен кечга қолгач, у сени истаб бу томон келиб сени сўраса, нима деб жавоб бераман? Ҳам мени, ҳам уни зор қилма, унинг олдида мени шармсор этма».

Она бу сўзлари билан жаҳонни ғам-ғуссага ботирди-ю, охи билан осмонни қоронғи қилди. Ташқарида отаси бошланг ҳолда ёқасини йиртиб, кўксига тошларни урар, ёлғиз отаси эмас, қавму қариндошлари, бутун қабила аҳли аза тутишиб, оҳ-фарёд чекишарди.

Бу пайт Мажнун яланғоч ҳолда бир қабр ичида ётарди. Лайли оғир бетоб бўлиб қолгач, у ҳам касал бўлиб ийқилган эди. Маъшуқ бемор бўлганда, ошиқ ҳалок бўлади. Мажнун беҳол бўлиб ётаркан, Лайли гоҳ тушида, гоҳ хаёлида намоён бўларди. Лайли ажал кўлидан қадаҳ ичган, яъни бу олам билан видолашган чоғда кўнгли бирдан симоб каби титраб кетди-да, қулоғига шундай бир овоз эшитилди:

«Эй дарду бало аскарларининг подшоси! Ҳозир ётишнинг вақти эмас, ўрнингдан тур. Покиза боғингга куз келди, чироғинг тонг шамолига учради. Булбуллигингни кўрсатмоқчи бўлсанг ҳам элга кўрсат. Ёринг сафарга тайёр ҳолда ҳамроҳини кутиб турибыди. Ҳамроҳлигингни кўрсатасанми ё у ой сенсиз сафарга йўл олаверсинми?»

Девона бу сўзларнинг маъносини дарҳол англаб етди-ю, тани ниҳоятда беҳол эканлигига қарамай, ётган жойидан қоплон каби сакраб туриб, қабила томон тез югуриб кетди.

Чақмоқ каби елиб бораркан, висол қуйини қуйлаган ҳолда күз ёшларини ёмғирдек сочарди. Меҳри ўти жаҳонни ёритар, кўнглида ўлим хавфи ҳам йўқ эди. Унинг атрофида ёввойи ҳайвонлар ҳам сакраб боришар, одамларнинг баъзилари Мажнун ҳолатидан, баъзилари эса ҳайвонлар оғатидан қўркувда эдилар. Мажнун Лайли эшигига қадам қўйгач, ҳайвонлар ташқарида қолишли. Девона йигит остоңадан дадил кирди ва уй ичида ётган севгилисига кўзи тушди, унинг олдига бориб ёнига ётди-ю жон таслим қилди. Уйга кирган қабила аҳли бу ҳолатни кўриб ҳайратдан қотиб қолишли. Уларни дафн этиш зарурияти туфайли бу ҳолатда қандай иш тутиш ҳақида маслаҳатлаша бошладилар. Барчалари дедиларки:

«Бу икки ғамнок,<sup>23</sup>  
Ҳар шойибан<sup>24</sup> фасоддин<sup>25</sup> пок,  
Ким умрларида ишқи қотил,  
Қилмай нафасе аларни хушдил.  
Ҳажр ичра тўюб рамида<sup>26</sup> жондин,  
Армон била бордилар жаҳондин.  
Чун руҳларигадур ниҳоний,  
Жаннатда висоли жовидоний<sup>27</sup>.  
Нетгай қўшулуб ики бадан ҳам,  
Гўр ўлса аларға бир, кафан ҳам.  
Васл ўлди чу руҳларға ҳосил  
Туфроққа туфроқ ўлса восил»<sup>28</sup>.

Бу фикр барчага маъқул тушди. Лайлининг васияти ҳам шундай эканлиги уларга аён эди. Сўнг керакли ҳамма

<sup>23</sup> ғамнок – ғамгин

<sup>24</sup> шойиба – камчилик, нуқсон

<sup>25</sup> фасод – бузуклик

<sup>26</sup> рамида – хурккан

<sup>27</sup> жовидоний – абадий

<sup>28</sup> восил – этишган

нарсани тайёрлаб, марҳумларни машҳур кишилардек яса-тишиб, икковларини – жонсиз келину ўлик куёвни бир тобутга солишди. Икки жисм бир кафанга, йўқ, йўқ, икки рух бир баданга кирди. Бир тобут ичидаги икки дилором дугона бодом каби, йўқ, йўқ, икки дона эмас, битта дона каби эди. Дугона икки бадан бўлса, ҳар бирининг кафани бошқа-бошқа бўлса, бу дона икки бўлакдан иборат бўлган, шундай бир аъзо эдики, донадек икки бадан дона қобиги каби бир кафанга ўралган эди.

Шундан сўнг тобутни қимматбаҳо чиройли гулдор матолар билан безатишиб, мозоргача бошлари устида кўтариб боришди, сўнг тобут билан икки дилрабони қабр ичига олиб кириб тупроққа қўйдилар-да, қоронғу уйдан чиқдилар. Ой билан кун юзини булат яширди, гўр битта эди, шунинг учун битта қабр ясашди. Ишқ аҳлига умид шамъи ўчди, чунки ой билан хуршид ер ичига киришди. Ишқ элига шоҳ ҳам қолмади, ҳусн қўкида ой ҳам қолмади. Лайлининг ота-онаси, қабила аҳли ва қариндошлари билан ҳар куни икки маҳал йифилишиб бу қабр бошида йифи-сифи қилишарди. Йиллар ўтиб, улар ҳам бирин-кетин тупроқдан ором топишди.



# САБЬАИ САЙЁР



**Ш**ох Баҳром Рум билан Чинни ўзига бўйсундиргач, Чин хоқони билан Рум қайсари унга тобе бўлиб қолдилар. Кейинчалик етти иқлим шоҳи унга бож тўлайдиган бўлди. Фармонга кўра хирож тўлаши керак бўлган ҳар бир ҳукмдор зарур маблагни ҳар йили тўплаб пойтахтга ўз вақтида юбориб туришлари шарт эди. Тобе мамлакатларда олинган ҳосилдан ҳам тўхтовсиз совғасаломлар келиб турарди. Шоҳ Баҳром эса эртадан кечгача айшу ишрат билан банд бўлиб, мусиқа ва ашула тинглаш билан ором оларди. Унинг саройида энг машхур созандою ҳофизлар тўпланган бўлиб, улар ҳамма жойда ҳукмдорга ҳамроҳлик қилишарди.

Шоҳ Баҳром кунлари овсиз ўтмас, кечалари эса хилма-хил соз, жонбахш ашуулаларни тинглашни ёқтиради. Ов вақтида қайси томонга ўқ отса, албатта бирор ҳайвонни қулатар, уларнинг қонига ҳамранг май ичишдан роҳат оларди. Ов қилиб бораркан, қаерда бирон гўзал манзил дуч келса, ўша ерда дам олиб қадаҳ ичар, чангуб руబоб куйларидан ҳузур қилиб, ўзи ўлдирган ҳайвонлар гўшидан кабоб тановул қиласди.

Бир куни шоҳ ов маҳали бир майдонда базм тузиб ишрат билан банд экан, хонанданинг сўлим ашуласи билан ўз кўнглини хуш этаркан, ўзининг бутун оламга қиблагоҳ эканидан шодланиб: «Худойим мени аҳли олам ҳукмдори қилган экан, бунинг шукронаси учун элни шод айлаб, адолат билан иш юритишим, муҳтоҷларга меҳрибонлик кўрсатиб, бева-бечоралар дилларини хушнуд этмоғим зарур», деб хаёл сурар экан, чор атрофни томоша қилиб баҳра оларди. Шу пайт дашт бўйлаб тез-тез юриб бораётган бир одамга кўзи тушди. Яёв йўл босаётган бу инсонга ачинган шоҳ унга яхшилик қилмоқни

истаб бир мулозимга: «Тезда отингга мингин-да, яна бир отни етаклаб, ху анави мусофири тұхтатиб, отга миндиргин ва уни ҳузуримга олиб келгин», деб буюрди. Хизматкор йигит шоҳ ҳукмени бажо қилиб, йўловчини ҳукмдор олдига бошлаб келди. Шоҳ Баҳром уни очиқ чехра билан кутиб олиб, ҳол-аҳвол сўради. Биёбонда кезиб юрган киши ер ўпиб, таъзим бажо келтирди-да, ўрнидан туриб ниҳоятда ёқимли сўзлар билан шаҳаншоҳга шундай мақтов ёғдирди-ки, эшитганлар «Офарин!» деб юбордилар. Ҳукмдор уни ўтиришга таклиф қилди. Мулозимлар дарҳол хилма-хил таомлару, май тўла идишларни келтиришиб, меҳмонни зиёфат қилишга киришишди. Мусофириң боши майдан қизиб борар экан, шоҳ унга кетма-кет саволлар берар, у эса ўзининг доно жавоблари билан мезбон кўнглига шодлик бағишларди. Даشت кезувчи бу одамнинг ақлу донишига қойил қолган Баҳром унга мурожаат қилиб: «Сени кўп илмлардан хабардор эканлигинг сезилиб туриди. Бу маконда кезиб юришинг сабабини, ўзингнинг касбу корингу қилган ишларингдан сўзлаб бергил, биз ҳам улардан баҳравор бўлайлик», деди. Меҳмон ер ўпиб шундай жавоб қилди: «Мен бу даштда мусофиirlардек кезиб юрган бўлсам ҳам, ўз ишимда замонанинг ягонасиман. Дўсту ҳамроҳларим йўқ, ҳеч кимсага юрагимдаги сирни ошкор қилмаганман. Ўзими ҳам, ҳозир айтиб берадиган сиримни ҳам одамлардан пинҳон тутиб юрдим. Бу даштда кезиб юришимдан мақсадим жаҳон подшоси бўлган шоҳ Баҳром ҳузурига етиб бориб, унга яширган сирларимни сўзлаб бериш эди. Ўша манзилга етмасимдан бу сўзни сўраб қолдинг. Айтмай десам, мақсадим ҳосил бўлмай қолади. Сен ҳам шоҳга ўхшайсан, Баҳром бўлмасанг ҳам, мақоминг уникидек баланд. Сен унга жуда ҳам ўхшаб турибсан.

Кўнглимни фамга солиб қўйдинг: айтмасам ҳам ёмон, айтсан ҳам». Шоҳ бў сўзлардан боғ каби очилиб кеттида, чироғ шуъласи каби сўз бошлаб, шундай деди: «Эй даштда шитоб билан кезиб юрган банда, сен ўз мақса-

дингга етганингдан бехабарсан. Агар Баҳромни қидириб юрган бўлсанг, гапиравер: мен сен излаб юрган шоҳ Баҳромман».

Мусоғир бу сўзни эшитиб, севиниб кетди-да, шукро-насига сажда қилиб, мўл-кўл дуо айлади, ер ўпиб, одоб билан ўтириб сўзга киришди: «Шоҳ мендан аҳволим ҳақида сўзлаб беришни сўраган эди. Мени жаҳон эли Моний деб атайди. Кўпгина билимларни биламан, лекин сурат чизишда шухрат қозонганман».

Шоҳ худди шундай одамга талабгор эди, Моний сўзла-ридан қувончга тўлди, ўлган одам яна тирилгандек, хурсанд бўлиб кетди. Меҳмонни қучоқлаб, хурмат кўрса-ди, кўп лутфу эҳсонлар қилиб, у айтмоқчи бўлган сир мазмуни ҳақида савол берди: «Мен етти иқлимини кезиб чиқканман. Жаҳондаги бор ажойиботларни кўрганман. Бир маҳал Хитой томонга йўлим тушди. У ерда бир сав-догар билан танишиб қолдим. Унинг молу дунёси сон-саноқсиз, пули юз минг тумандан ҳам кўпроқ бўлиб, дуру лаъллари денгизу кондек эди.

Аммо унинг шундай бир бебаҳо дури бор эдики, ҳар бир базмни ой каби ёритарди. У қиз асли хитойлик бўлиб, ниҳоятда гўзал ва хушвовоз эди. Қўлига чангни олиб, наво чекса, уни кўриб, эшитган ҳар бир одамнинг жони мингта бўлса, биттаси ҳам қолмасди. Мендек кимса юз минг тил билан юз минг йил мақтасам ҳам унинг таърифини туга-толмайман. Қизнинг хожаси унинг гўзаллигини халқдан асраш учун сандал ва уд дараҳатларидан кажава ясаттирган, унга хилма-хил қимматбаҳо матолардан ёпиб, лаълу дурлар билан безаган. Мен айтган гўзални ўша кажава ичида олиб юради. Унга атаб сандал ва уддан чанг ясаттирган бўлиб, уни гўзал қиз чалиб туради.

Хожа у Зухраваш парипайкарни сотмоқчи ҳам бўлган эди, юз минглаб харидорлар чиқди-ю, биронтаси ҳам сўралган нархни беролмади, чунки унинг баҳоси Хитой мамлакатининг хирожига teng эди. Аввалига уни Хитой хоқони сотиб олмоқчи бўлди, лекин аъёнлар бунга қарши

чиқдилар. «Бор давлатингни бериб, у қизни сотиб олсанг, шоҳ Баҳромга юбориладиган хирожни қандай тўлайсан? Қўшин юборса, сипоҳинг йўқ, қуролларинг йўқ, унда ҳолинг не кечади? Яхшиси бу истагингдан воз кечгин, нафс деб изтироб чекма, мамлакатингни хароб этма», дейишиди улар. Шундан сўнг хоқон ўз муддаосига эришиш тилагини унутди. Мен эсам у гўзал ҳақида сенга хабар беришга аҳд қилдим-да, ҳузурингга совфа билан борай деб, у қизнинг суратини чиздим», деб тоза хитой ипагига ишланган расмни унга узатди. Шоҳ у пари тасвирини қўрибօқ девона бўлди. Ҳеч кимга биронта ҳам сўз айтмай оқшомгача расмдан кўзини узмади. Ишқ шоҳни бечорага айлантириди. Моний бу ҳолатни кўргач, Баҳромга: «Ўз ишингга бирон тадбир ўйлаб топ. Токи бирон ҳодиса юз бериб, у пари қўлдан кетиб қолмасин. Бундай ҳол юз берса, иложини ким топа олади?» деди. Шоҳ унга: «Мени бу сурат шайдо қилди. Бу дардимга ўзинг даво топгин. Айт, унинг висолига етишиш учун нима қиласай?» деб илтижо этди. Моний деди: «Ишибилармон, ақли расо кишилардан юбориб, қийматини тўласанг, ўзингга Хитой хоқони юборадиган хирождан воз кечсанг, муроду мақсадингта етишасан. Ё Хитой хирожидан кеч, ё у париваш хаёлини унут».

Шоҳ Баҳром буни эшиштагач: «Бу ҳолда қизга етишиш учун Хитой молигина эмас, жаҳон молидан ҳам воз кешишга тайёрман», деди-да, донолик ва поклик билан танилган юзтacha кишини, кўплаб хизматкорлар, канизларни тезлик билан Хитой томон йўллашга амр қилди. Хоқон номига ҳам хат ёзиб берди. Уларнинг барчаси жўнаб кетишгач, Баҳром қўлидаги сурат, қошидаги Моний билан жони нотавон бўлганича қолди.

Шоҳ Баҳром ҳукмига кўра Хитой сари йўл олган карвон ўзлари кўзлаган манзилга етиб боргач, донишмандлар хоқон саройига бориб, номани ҳукмдорга топширидилар ва олампаноҳ мақсади ҳақида унга сўзлаб бердилар. Хон қўлини кўксига қўйиб, хизматга киришиди ва у гўзал

қизнинг хожасини ўз ҳузурига чақиртириди-да, шоҳ Баҳром муддаосини баён қилди. Хожа хоқондан ўзи талаб қилган баҳони – Хитой мамлакатининг бир йиллик хирожини олгач, қизни саройга олиб келиб, Баҳром юборган элчилар қўлига топширди. Улар фурсатни бой бермай, қизни кажавага ўтқазиб, юртлари томон жўнадилар. Карвон даштлардан илдам юриб бораради.

Бу пайт Дијором ишқи билан ўртанаётган шоҳ Баҳром ҳижрондан оҳ тортиб, ўз севгилисини орзиқиб кутарди. Ишқ дарди уни беҳол қилиб қўйған, ҳар бир кун кўзига бир йилча бўлиб кўринарди. Туну кун фифон чекиб, ёри висолига интизор бўларди. Сабру қаноати тугаб бораётган шоҳ дилдор суратига қайта-қайта боқиб, гоҳида бехуш бўлиб ўзини йўқотар, бир жойда бирон соат ҳам тинчиб ўтира олмай, қасрда ҳам, боғда ҳам кезиб ором топа олмас, қаср устида базм уюштириб, у ердан йўлни тинмай кузатар, бирон чанг ё қора кўриниб қолса, танига титроқ тушиб, ҳушидан жудо бўлар, ўзига келгач йўлга мулоғимларни чиқарап, севгилисидан нишон топилмагач, яна ўтли фифон чекар, саройда кутишга тоқати тоқ бўлиб, ов баҳонасида отга миниб, дашт томон йўл олар, Хитой йўли томон юриб, ёридан хабар топиш учун дуч келган кишиларни саволга тутар, Хитойдан келаётган одамлар учраб қолса, қайта-қайта мурожаат қилиб дилбари ҳақида бирон хабар эшитишга орзуманд бўларди.

Моний шоҳнинг бу аҳволини кўриб, уни юпатишга, кўнглига таскин беришга интилиб, турли афсоналар сўзлаб берар, лекин Баҳром унинг ривоятларига эътибор ҳам бермасди. Хуллас, шоҳ анча вақтни шундай беоромлик билан ўтказди. Ниҳоят, бир куни шоҳга у орзиқиб кутаётган париваш келаётгани ҳақида хабар етказишиди. Баҳром у қуёш ўзининг ҳажр шомига нур сочишидан қувончга тўлиб, жисмига изтироб тушди. Хитой сари йўл олган карвон шаҳарга етиб келгач, шоҳ йўлланган кишилар Хитой хонининг мактубини, юборган совфа-

саломларини, гулчехра гўзални топширишди. Шоҳ уларни қимматбаҳо эҳсонлар билан сийлади ва »Сарви раъони ўзи учун ҳозирланган ҳарамдаги хос ҳужрага олиб боринглар», деб буюрди.

Дилором шоҳ тайинлаган ўйга жаннат боғига қадам қўйган хурдек кириб келди. Бироздан сўнг шоҳ Баҳром тез-тез қадам босиб унинг хузурига ташриф буюрди. Шоҳнинг жисми бетоб бўлиб, кўнгли ҳароратга тўла, ўзи ишқдан маству бодадан сархуш эди. Дилоромга кўзи тушган шоҳ жаннатда безакдор қасру унинг ичидагина бир жаннатни кўргандек бўлди. Бу жаннат жонли хур, йўқ, хур эмас, балки нур сочувчи қуёш эди. Юзи ёнидаги қоп-қора узун соchlари гўё Чин мамлакатидан мушк олиб келган карвонга ўхшар, юзи гулзордек гўзал бўлиб, икки лаби ажойиб икки гулбаргни эслатарди. Бу лаблар сўзлаш учун очилганида, ҳар тарафга дурлар сочиларди. Ранги лаъл (ёқут)ни эслатувчи бу икки лаб гўёки жон бўлиб, «жон» сўзи охиридаги нун ҳарфининг доираси унинг бақбақасига ўхшаб кетар, гўёки тақдир котиби «жон» сўзини ёзиш чоғида «нун» ҳарфи сифмай қолиб, уни пастга жойлаштиргандек кўринарди. Тишлари лаъл ичидаги дурлар тизмаси ёки оби ҳаёт (ҳаёт суви)даги шудрингга ўхшарди. Қошлиари пайваста-туташ бўлиб, икки қулогидаги икки ялтироқ дур икки юлдуздек нур сочиб турар, қадди жаннат ниҳолидек, бели эса хаёл ипидек бўлиб, бу ипни топиш жуда қийин эди. Устида гулгун ипакдан тикилган кўйлак бўлиб, юзига яшил рўмол ёпинган, бинафшаранг тўни хилма-хил қимматбаҳо тошлар билан безатилганди. Ушбу кўринишдаги Дилором хур эмас, башар офати бўлган пари каби гўзал эди.

Шоҳ кириб келганида, у ўрнидан туриб ер ўпди. Шоҳ унга назар ташлаб, қизнинг суратдагига қараганда юз бора латофатлироқ эканига ишонч ҳосил қилди. Қоғоздаги тасвирни кўриб, жисму жонидан айрилган шоҳ унинг аслига боқа олгаймикин, боққанида ўз ҳушидан айрилмасмикин? Хуллас, шоҳ ўз муддаосига – Дилоромига

етиши. Хонада икковидан бошқа ҳеч кимса йўқ бўлиб, Баҳром ўз севгилиси билан бирга эди. Бу манзилда не ишлар бўлиб ўтганини баён қилишга эса ожизман.

#### XIV

Муродига етишган шоҳ Баҳром яна айшу ишратга берилиб кетди. Гоҳ жаннатмисол гулшандга, гоҳ жаннатга намуна бўларли қасрда шоҳона базм уюштиради, гўзал Дилором у боғни парихонага айлантиради. Гул юзли сарви қомат дилдорига шайдолик билан боқаркан, шоҳ дам-бадам ақлу ҳушидан айриларди, қиз чангини қўлига олиб куй бошлаганида, жон ипларини узар, эшитганларни ақлидан жудо айларди. Чанг торларидан тараалаётган оҳанглар қақнус деган афсонавий қушнинг тумшуғи тешикларидан чиқаётган ажабтовур куйлар сингари бутун элни ўзига мафтун этар, наволардан бор олам ўртанарди.

Шоҳ Баҳром ўз дилбари чехрасидан кўзини узолмас, навосини тинглаб тўймасди.

Бўлубон жонсиз, ўлмайин онсиз,  
Онсиз ўлғон замон бўлуб жонсиз.  
Тун кун лаҳ<sup>1</sup> ни бирла бода ютуб,  
Юзидин базми айшини ёрутуб,  
Кўрмаса они қолмайин жони,  
Кирибон жони кўргач-ўқ они.  
Шах тузуб базм ул пари бирла,  
Чарх хуршиди ховари<sup>2</sup> бирла.  
Ул наво чекса, бу фиғон тортиб,  
Чу ул рухсор очиб, бу жон тортиб.  
Гах сахро наварду, даштхиром,  
Ичибон сайднинг нишотига<sup>3</sup> жом.

<sup>1</sup> лаҳн – овоз, куй

<sup>2</sup> хуршиди ховари – шарқ қуёши

<sup>3</sup> нишот – шодлик

*Онда ҳам ҳажрин иттифоқ этмай,  
Они ўздин даме йироқ этмай.*

Шоҳ саҳро кезиб ов қилиб, ўз кўнглини хурсанд этар экан, бундан Дилором ҳам ҳузур топарди. Шоҳ сайд этса, ойга ўхшаш пари шоҳни сайд қиласади. Шоҳ бирон ҳайвонни ҳалок этса, Дилором ўз ашуласи билан жаҳонга ғавғо соларди. Куй билан нағмадан лаззатла-наётган Баҳром севгилиси қўлидан май ичишни истар, бу билан гўё ўз кўнглидаги ўтни пасайтирмоқчи бўларди. Дилором висоли унинг жонига ўт солар экан, ундан айрилишни хаёлига ҳам келтирмас, ёри ҳам, дўсти ҳам, ҳамроҳи ҳам, суҳбатдоши ҳам шу пари эди. Бир дам усиз қолса, ёқаси ўрнига кўксини чок қиласади. Охири шоҳ мамлакатни бошқаришни ҳам унугиб қўйди. Давлат ишларига ҳам, сипоҳлар аҳволига ҳам эътиборсиз бўлиб қолди. Уч-тўрт йил шу ҳолда кечгач, эл бу ишлардан шикоят қилишга тушди, ҳалқ ичида турли гап-сўзлар, ҳикоятлар тобора кўпроқ тарқала бошлади. Кимки ишқ билан ошино бўлса, мамлакатда тинчлик, хотиржамлик йўқолади. Ишқ сели кошоналарни йиқитар экан, унга сарой билан вайрона фарқсиздир. Ишқ аждаҳони чумолига айлантириб, шоҳни гадо қиласади. Хуллас, жаҳон шоҳи бўлган Баҳром ишқ аскарларига асир бўлиб, соҳибжамол ёри билан айш қилишдан бошқа ҳамма нарсани унугиди. Ҳар куни янги маконда куй ва ашула эшитиб, унинг ҳусну овозидан баҳра олиб, бода ичиш шоҳнинг одатига айланди.

*Бодаким олса ихтиёр элдин,  
Не ажаб чиқса ҳар не бор элдин.  
Ишқ ҳам майға айласа имдод,  
Тонг эмас борса бору йўқ барбод.*

## XV

Шоҳ Баҳром ошиқлигу мастлик билан машғул экан, ғаройиб икки иш юз берган эди: биринчидан, у айшу ишрат билан банд бўлиб давлат ишларини унугтгач, мамлакатда бебошлиқ бошланиб, халқ ҳоҳлаганини қилишга тушди. Золимлар бош кўтариб, халқ қора кунларга қолди. Қароқчилар тобора кўпайиб, барча йўлларда талончилик қила бошлашди; ичкиликбозлик кучайиб, дин сусая борди. Даشتлар бўрилар билан тўлиб кетди, уларга қўйларгина эмас, чўпонлар ҳам ем бўла бошлади. Бу ҳоллардан огох бўлган аъёнлардан бир нечтаси мамлакату халқнинг аҳволи ҳақида шоҳни яширинча хабардор қилишди. Баҳром уларнинг сўзларини тинглагач, мулоҳаза юритиб, қандай чора топиш ҳақида ўйланиб қолди. Ниҳоят «Мен шоҳ эканман, бундай ой юзли соқийлар топилаверади, шоҳ бўлмаганимда унинг висолига етиша олармидим?» деган хulosага келди. Унинг кўнгли мулку ҳазинани танлаган бўлиб, ишқни тарж этишга баҳона изларди.

Шоҳ шу хил хаёл билан яшаса ҳам, ҳануз кунлари ов қилиш ва ёр кўлидан май ичиш билан ўтар экан, тоҷу таҳт иши уни ташвишга солиб қўйган эди. Бир куни шоҳ ширақайф ҳолда ов қиласр экан, ой юзли ёри Дилюром ҳам ёнида эди. Шу чоғ даштда тез югуриб бораётган чиройли бир ғазол-оҳуни кўриб қолди. Шоҳ ўқ отишга шундай моҳир эдики, ёнидаги ҳамроҳлари қандай хоҳлашса, ҳайвонни улар истагандек қилиб отиб ўлдиради. Сайднинг қайси тукини нишонга олса, ўқи ўша жойга бориб тегарди. Шоҳ Баҳром ёнидаги гул юзли гўзалга қараб: «Эй париваш, тез югуриб бораётган бу ғазолнинг қайси ерига ўқ отай, сен нимани буюрсанг шундай ўлдирайин», деди. Дилюром: «Олдин икки қўлинини тушовла, токи у ўрнидан қўзғалолмай қолсин, сўнгра унинг бўғзига ўқ ур», деб жавоб қилди. Шоҳ ўз ёри истагини бажо қилиш учун садоқдан ингичка бир ўқни олди-да, оҳу то-

мон отиб икки қўлини биритириб қўйди. Сўнг йўғонроқ бошқа бир ўқни шундай отдики, охунинг бўғзи кесилиб, қони оқа бошлади. Дилором нимани орзу қилган бўлса, шоҳ барчасини бажарди: ҳеч ким қилолмайдиган моҳирликнинг уддасидан чиқди. У ўз иши учун паривашнинг таҳсин айтишини кутган эди, лекин ўз ҳусну жамолидан мағрур гўзал шоҳга таҳсин учун оғзини ҳам очмади, унинг қўлини ҳам ўпмади-да: «Ҳар ким бир ишда кўп машқ қилса, шундай натижага эришади», деб қўя қолди. Шоҳга «бопладинг, баракалла!» дейиш ўрнига, унинг маҳоратини машқ натижаси деб аташ билан чекланди. Ди-лором ўз сўзини яна бир такрорлаган эди, шоҳнинг қоши чимирилди, маҳбубаси унинг жаҳли чиққанини сезиб, ўз хатосини тузатмоқчи бўлди-ю лекин:

*Дедиким: «Шоҳга не итобдуур,  
Ким бу сўзким дедим, савобдуур.  
Менки бир нағма соз қилсам чанг,  
Руҳ чиқмоқ сари қилур оҳанг.  
Йўқ эди бу мулоямат<sup>4</sup> бирла,  
Мунга етти мудовамат<sup>5</sup> бирла.  
Шоҳким бир кийикка урди хаданг,  
Десам идмонни<sup>6</sup> ишга келди батанг».*

Бу сўзларни эшитган шоҳнинг ғазаби тошди, паривашнинг иккита гапи қаҳрини келтирди-да, уни сўйиб ўлдирмоқчи бўлди. Баъзи аъёнлар «Аёл кишини бу тарзда қатл этиш яхши эмас», дейишгач, жаллодлар Ди-лоромни шоҳ амрига кўра кажавадан тушириб, бир биёбонга олиб бордилар. Атрофи неча кунлик йўл бўлиб, сув учрамайдиган бу даштда заҳарли гиёҳлардан бошқа ҳеч нарса ўсмасди. Паривашнинг узун соchlари билан

<sup>4</sup> мулоямат – мулојимлик

<sup>5</sup> мудовамат – узлуксиз машқ қилиш

<sup>6</sup> идмон – машқ

қўл-оёқларини боғлаб, ўша ерда қолдирилар-да, шоҳ: хузурига қайтиб, бўлган ишларни сўзлаб бердилар.

Бу пайт шоҳ май билан ғазабдан ўзида эмасди. Шу куни оқшомгача пайдар пай май ичса ҳам ғазаби пасайдиди. Шомда маст бўлиб ухлаб қолди. Тонг чоғи эрталабки майни ичишни истаб қараса, ёнида маҳбубаси кўринмади. «Маҳваш қаерга кетди?» деб сўраган эди, маҳрамлар кеча юз берган воқеаларни айтиб бериши. Шоҳга ёруғ олам қоронғу бўлди-ю, бошини қуий солганича қилган ишларини эслай бошлади.

Билдиким қаҳр сарсари эсмиш,  
Ўз қўли бирла ўз бошин кесмиш.  
Деди: «Ушбу замон ўзум борайин,  
Ул биёбонни бир-бир ахтарайн.  
Кайда бўлса топай нигоримни,  
Қилайин садқа жони зоримни.  
Тирик ўлса бўлай фидоси анинг,  
Берибон жон, топай ризоси анинг.  
Ўлган ўлса, ўзумга тиф урайин,  
Диятига ўзумни ўлдирайн».

Лекин тожу тахт номуси, одамлар олдидаги хижолат, ақлу фаросати бу ишларни қилишга йўл бермади. Худди бир чумоли икки аждаҳо орасида қолганидек, жони икки бало ўртасида изтироб чекарди: ўлик ҳам эмасди, тирик ҳам. Уни тирик деб бўлмасди.

## XVI

Шоҳ Баҳром йиғлашга эмас, кулишга муносиб бўлган бундай ишни қилиб қўйгач, икки кунгача ўзига келолмай, кўнглини шуъла, жонини ўқ қийнади. Учинчи куни ҳолига қайтди-ю, умрининг ёруғ куни қора тунга айланганини билди. Тамаъ унинг кўнгли мулкини барбод қилган эди: ичига чақмоқ тушиб, вужудини ўтга ғарқ қилгандек бўлди. Ҳажрдан жони оғзига етиб, ўрнидан тур-

ди-да, йўлга тушиб маҳбубаси ташлаб келинган водий томон от чоптириб кетди. Етиб боргач, дашту саҳрони кезиб чиқди-ю, ўзи излаган сарви раънони топа олмади. Маъюс бўлиб юзларига шапалоқлар урди, баланд овоз билан Ширинини топа олмаган Фарҳоддек фарёд чекди. Бемор ошиқ каби ерга йиқилиб, чала сўйилган ҳайвон-дек талпинар, кўзидан қонли ёшларини тўкиб, фалак-нинг кўнглини ҳам қон қиласди.

*Деди: «Ўз жонима не қилдим,вой!  
Бўлурин буйла иш не билдим,вой!  
Ким ўзи кўксин ўзи чок этгай,  
Ўзи жонин ўзи ҳалок этгай?  
Улча мен қилдим, айлагайму киши,  
Бу иш эрмас эди кишининг иши!  
...Найлайн бу жаҳонни жонсиз мен,  
Бул жаҳон бирла жонни онсиз мен?  
Жонни олғилки, тўймишам биллоҳ!  
Кўнгул ўлмакка қўймишам биллоҳ!»*

Даштда тинимсиз кезиб шу хилда фигон чекар экан, тахту мамлакатини бутунлай унуглан шоҳ биёбонни ўзига манзилгоҳ қилиб олди. Буни кўрган шаҳар аҳли ҳам даштни ўзларига ватан қилдилар. Оқшом тушгач, тун Баҳром дилига янада кучлироқ изтироб солиб, унинг кўзига олам гўрга ўхшаб кўринди. У тун зулмат эмас, ҳажр ўтидан жаҳонни тутун тутгандек эди. Шоҳ аҳволини кузатаётган мулизимлар саропардали оқ уй тикиб уни уй ичига олиб кирдилар-да, одамларни бу уйдан узокроққа сурдилар. Кишилар ўз хукмдорлари аҳволи ҳақида турли ривоятлар тўқишар, бири «Уни дев чалғитган!» деса, бошқаси «Бу ўша паривашнинг иши», деб афсона айтарди.

## XVII

Шоҳ Баҳром ўша тунда ҳажр ўтида ўртанар экан, бир хилват уйга кириб, ичкаридан эшикни маҳкам бер-

китди-да, шундай фифону ох-воҳ чекдики, гүё жаҳон ичра шовқин-сурон кўтарилиб, бало тушгандек бўлди. Аввал ёқасини чок қилиб, ўзининг барча аъзоларига зулм кўрсатиб тишлаб ташлади, бошини ерларга уриб ёрди. Ярим кечага қадар баданини тишлаб, нолаю фарёд қилди. Ўзига шунчалик кўп озор етказдиди, охири жисми ҳолсизланаб қўли толди ва мадори кетиб йиқилди. Лекин яна ёри ёдига тушиб, унинг қоп-қора сочи-ю қошлари, кўзи-ю киприкларини эслар экан, оҳу нола қилганида кўкдаги қўёш ҳам, ой ҳам ўртанди. Холи-ю лаблари, оғзи-ю тишлари, дилрабо чангি-ю, жонбахш наволарини хотирлар экан, фифони кўкдан ошди. Ўзининг олдинги савлати-ю қудратини хотирга олар экан, ҳозирги заифлиги-ю бекарорлигидан нола қилиб, саркарда-ю мулоzимларига қараб:

*Тиф или қўкрагимни чок айланг,  
Бир-ики зарб или ҳалок айланг.  
Қутқаринг жони нотавонимни,  
Биҳил эттим бориға қонимни.  
Ўлдурууб ғаврима етинг охир,  
Минг ўлумдин халос этинг охир!*

деб илтижо қиласди. Тонг отгач, жисми заифлашиб ҳушидан кетди. Барча аъёнлари бекарор бўлиб йиғлашга тушдилар, кейин ўзаро маслаҳатлашдилар-да, бу даштда даволашни муносиб кўрмай, шоҳни кажавага ётқизиб шаҳарга олиб кетдилар ва гулшанга туширдилар. Баҳром шомгага қадар ҳам ўзига келмай ўртаниб ётди.

Тун бошлангач, мушк исидан ҳушига келди-ю, кўзини очиб бироз хомуш бўлиб ётди, кейин яна ёрини эслаб ох-фарёд қилишга тушди. Кечаси билан ҳижрон ўтига қоврилиб азоб чекиб чиқди. Тонг ели жисмини беҳол қилгач, шомгача беҳуш ётди. Бир неча кун давомида шу ҳолат такрорланди. Охири тамоман заифлашиб, ўларга яқинлашди. Бехудлик бошланиб, гоҳ ўзида бўлса, гоҳ ҳушидан кетар, жинниларча сўзлар, фифон чекишга дар-

мони қолмаганидан, сўзларини одамлар ҳам эшита олишмасди. Гоҳ-гоҳида нолаи зор қилса, жисми озор топар, ўзи айтаётган гапларни ҳам англамасди.

Бу аҳволни кўриб турган билимли аъёнлар кўзёш тўқар эканлар, шоҳдан қўлларини ювиб қўйгандилар. Тўрт юз табиби ҳозиқлар уни даволаш чорасини излаб топишолмасди. Улар дердиларки: «Ишқ дардига мубтало бўлган кишини даволаб бўлмайди, унга Яратгангина шифо бериши мумкин». Шундан сўнг, барча аъёну мулозимлар тоат-ибодат қилишиб, назрлар беришга, шоҳнинг тузалишини тилаб Худога ёлборишга тушишди. Юз киши эса жинлардан халос қилиш учун ҳар хил дуолар ўқиб, турли тадбирларни кўришар, яна бошқа ҳакимлар тиб тарихи китобларини варақлаб, тажрибалар ўтказиб, даво излашарди. Шу тарзда тўрт юз аллома икки йил давомида ейиш-ичишни, уйқуни унугиб ўз ишларини ниҳоясига етказдилар. Оқибатда шоҳнинг беҳоллиги-ю жинниликлари камайиб, овқатлардан жисмiga қувват етиб, ақлу ҳуши равшанлаша бошлади. Булардан таскин топган табиблар «Энди шоҳ аламларини унугашга ёрдам берадиган тадбирларни кўришимиз, масалан, иморатлар куришга киришишимиз керак. Токи шоҳ уларни томоша қиларкан, ўз дардларидан қутула борсин. Моҳир муҳандислар хилма-хил шакллардаги иморатларни ижод қилсалар, айни муддао бўларди», деб маслаҳат беришди.

Амалдорлар тезда бу ишга киришиб, керакли барча нарсани муҳайё қилдилар. Шоҳ Баҳромга тобеъ бўлган етти иқлим хону хоқонлари ва уларнинг барча аъёнлару мулозимлари олампаноҳ соғлигини сўрашга йигилгандилар. Табибларнинг маслаҳатларидан сўнг уларнинг ҳар бири биттадан қаср қуриб, безатишга киришишди. Улар туну кун ишлашиб, иморатларни мумкин қадар тезроқ қуриб тугатишга ҳаракат қилишарди.

Шоҳ тахтидан ўзига тобеъ бўлган етти иқлим томон олиб борадиган кенг кўчалар – шоҳроҳлар яратилган бўлиб, улардан одамлар юрарди. Етти иқлим хону хоқон-

лари ўз диёrlари томон олиб борадиган йўлларда етти улкан қаср бунёд этдилар. Уларнинг ҳар бири бир жаннатга ўхшарди. Ушбу хилма-хил шаклдаги биноларни қизиқиб томоша қиласкан, шоҳ Баҳромнинг соғлиги кун сари яхшиланиб борарди.

Муҳандислар ишларини тугаллаб, биноларни битка-зишди. Қурилиш чоғида усталарнинг маҳорати-ю, биноларнинг салобатини томоша қилиб, ўз дардига шифо топаётган Баҳром бунёдкорлик ишлари тугаллангач, томоша қилиш имкониятидан маҳрум бўлиб қолди. Табиблар бу ҳолатдан огоҳлик топгач «Энди тезда моҳир нақшбанду санъатпардозларни топиб, қасрларни хилма-хил рангларда безатишга киришиш лозим. Ҳар бир қасрнинг ичи билан ташқариси бир хил рангда бўлишига алоҳида диққат қилиш зарур. Шунда уларни томоша қиласар экан, шаҳаншоҳ тузала боради», деб маслаҳат бердилар. Аъёнлар Монийни чақириларда «Эй моҳир устоз, сен олдинги ишларинг билан шоҳни хурсанд қилган эдинг, энди бу қасрларни зийнатлашга киришиб, етти қасрни етти рангга бўягин-да, шоҳни шодмон айлаб сиҳатига мадад қилгин. Нақшларни ўзинг танла, кўнглинг тилаганича безат. Сенга «Ундай қил, бундай қил», деб айтмаймиз», дедилар.

Наққош бу сўзларни эшитгач, бармоқларини кўзига кўйиб «Ундай бўлса, сизлар керакли нарсаларни келтириб берсангиз бас», деди-ю ишни бошлаб юборди. Мамлакатдаги бор наққошларни чақиририб, ҳар қайсисига бир ишни топширди. Усталарни нақшбандлик, заркорлик каби соҳалар бўйича етти гуруҳга ажратиб, уларга ишбошилар тайинлади. Ўзи эса ишлар режасини тузиб, наққошлар ишини кузатиб турарди.

Шоҳ Баҳром эртадан кечгача иморатларни сайр этар экан, ҳар қайси тимсолни кўрганда, унга мафтун бўларкан, хаёл оғушига чўмар экан, кўнглидаги ташвишлар ҳам ун тутилиб борарди. Кўп фурсат ўтмай, қасрларни беза० ишлари ниҳоясига етди. Етти қаср етти рангда

зийнатланган эди. Уларни томоша қилған шоҳнинг күнглида ишқ ўтининг баъзи учқунларигина қолган эди. Табиблар кўп маслаҳат қилишиб, «Энди бу етти қасрнинг ҳар бири ичига биттадан ҳурдек гўзал қизни келтириб қўйсак, шоҳнинг бутунлай тузалиб кетиши, қувват то пиши мумкин. Қайси шоҳнинг хурваш қизи бўлса, уни шаҳаншоҳга никоҳлаб берсин», деган қарорга келишди. Шоҳлар фикр юритишиб бу муаммони ҳам ҳал қилишди. Етти шоҳнинг еттита паримисол қизлари бор эди. Ҳар бири ҳам гўзал, ҳам оқила бўлиб, поклик пардасида олам қуёши, хусн буржида равshan юлдуз, лутф дуржида пок гавҳар бўлиб, шаҳаншоҳ никоҳига муносиб эди. Шоҳона базм уюштириб, етти гўзал шоҳ Баҳромга никоҳланди-да, тўйдан сўнг келинларнинг ҳар бири ўз отаси томонидан қурдирилган қасрни манзил қилди.

Табиблар шоҳ Баҳромнинг қасрларга бориб ором олиш вақтини белгилашиб, ҳарамларга ташриф буюришни юлдузлар амрига кўра шанба кунидан, мушкин (қора) рангли қасрдан бошлашга маслаҳат беришди.

Шанба куни эрта тонгда Баҳром мушкбў гўзал билан май ичиш учун қора қасрга йўл олди. Бу ердаги ҳамма нарса мушк рангида бўлиб, қопқора, мушкин тахтда Чин ғазоли ўтирап, қора рангдан зулмат тусини олган уйда ой юзли гўзал зулмат ичидаги ҳаёт суви каби кўринарди. Қора кийимлар кийиб олган Баҳром қасрга киргач, маҳваш томон юрди. У тахтга чиқиб ўтиргач, ёнидан қуёш рашкини келтирадиган соҳибжамол маҳбуба жой олди. Соқийлар икковларига мушк ранги қадаҳларга мушк ҳиди анқиб турган май тутишди. Шом мушк сочиб, олам юзини мушк рангига бўяганига қадар қасрдаги аъёнлар ишрат қилишар экан, бу шанба Баҳром учун азали кун бўлди. Ҳакимлар шоҳга бўсадан бошқа ишлардан узоқ бўлишни буюришган эди. Буни маҳбуба ҳам билар, шунинг учун ўзини шоҳдан йироқроқ тутарди. Шоҳ кундузлари ишрат билан банд бўлиши, кечалари эса кўпроқ ухлаши зарур эди. Лекин кўнглидаги алам-қайғу кўзи-

дан уйқуни ўчирғанди. Маҳваш ўз пардаси ичига кириб ётди, лекин ҳижрон шоҳ кўзига жаҳонни қоронғу қилди. У ўз Дилоромининг узун соchlари хаёли билан тўлғанарди. Фам туни азоб бераётгани, уйқусизлик ўзини хароб қилаётганини сезган шоҳ «Бир-икки ходимни қаср олдидаги йўлдан бориб, бирон одам йўлиқса уни ҳузуримга олиб келишга буюринглар, токи у одам ўзи кўрган-билган воқеаларни ёки афсоналардан менга сўзлаб берса, шояд кўзимга уйқу келиб осойиш топсам», деб амр қилди. Йўлга тушган ходимлар кўп ўтмай шоҳ олдига бир сайёҳни олиб келдилар. Парда олдига келиб, ер ўпиб кўрпа-чага ўтирган мусофири шоҳнинг бирон қисса айтиб бериши ҳақидаги ҳукмини эшитди ва уни дуо қилгач ўзи билган афсонани сўзлашга киришди.

### **Биринчи иқлим йўлидан келган мусофириning афсонаси**

Бир бор экан, бир йўқ экан, Ҳиндистон мамлакатида бир шоҳ бўлган экан. Унинг аскарлари чексиз, ҳазинаси беҳисоб бўлиб, Хитой ҳам, Кашмир ҳам унга тобеъ экан. Сарандиб шаҳри унинг пойтахти бўлиб, исми Жасрат, лақаби эса Хон экан. Ҳашаматни севувчи бу шоҳни жаҳон эли Жасратхон деб аташаркан. Унинг донишда ягона, ҳуснда нодири замона бир ўғли бўлиб, отаси кўнглининг сурури, ҳинд халқининг кўз нури экан. Унинг лутфу хулқи фоятсиз, фаҳму идроки ниҳоятсиз бўлиб, илму камолда ҳам моҳир экан. Ҳеч кимга озор бермайдиган бу шаҳзоданинг исми Фаррух бўлиб, олам эли унга банда экан. Қирқ йил сultonлик қилиб, ёши саксонга яқинлашган шоҳ ўғлига мулку тоҗини, Ҳиндистоннинг бор молу дунёсини ҳам, Хитой мамлакатининг хирожини ҳам беришни ўзига фаҳр деб ҳисоблар, лекин Фаррух салтанатни эмас, фақирикни хуш кўрар, шу туфайли отасининг таклифини рад этиб келар экан.

Бир кеча ибодат пайтида саждадан сўнг кўзига уйқу келиб, бир туш кўрди: шаҳзода бир биёбонда беҳисоб одамлар орасида юрганмиш. Кишиларнинг барчаси бир тарафга қараб кетишарди. Ўша орада устига қора мато ёпилган бир маҳмил – кажава ҳам бўлиб, бир маҳал тонг шамоли эсди-ю, кажава пардасини кўтариб юборган эди, унинг ичидаги пари, паригина эмас, балки шарқ қуёши ўтиргани кўринди. У қуёшнинг алангаси шаҳзода жисмини кўйдирди. Бундан беҳол бўлган Фаррух кажава томонга боққан эди, дилини ўртаган париваш бошқа кўринмади: парда унинг чехрасини тўсиб турарди. Қулоғига одамларнинг «Бу Кудс ери» деган овозларигина эшитилди холос.

Фаррух чўчиб уйғонди-ю, кўзидан уйқуси ўчди. Борган сари ҳарорати кучайиб, кўнглидаги изтироби ортар экан, бирон чора топмаса, ишқ зулмидан ўзининг ҳалок бўлиши муқаррарлигини англаб етди. Сўнг Қуддус дашти томон сафар қилишга бел боғлаб, тонг отгач отаси ҳузурига йўл олди-да, ер ўпиб ўз муддаосини баён қилди:

«Ким жаҳонгардлиг эрур ҳавасим,  
Йўқ ани манъ этарга даstrasим.  
Хирадим қилди бу ҳавас бехуд,  
Чун ҳавас ғолиб ўлди, кетди хирад.  
Бу азиматда ихтиёrim йўқ,  
Азм то қилмоғум қарорим йўқ.  
Бўйла ишким манга таваллодур,  
Шоҳдин рухсат ўлса авлодур.  
Бўлмаса рухсат ўлгуча оғаҳ  
Кетгудекман бошим олиб ногаҳ».

Отаси бу сўзларни эшитгаёт, юрак бағри куйиб, ҳар қанча илтижо қилмасин, ўғлини сафардан воз кечдира олмади. Кўз ёшларини тўғондек оқизса ҳам, орзуси ушалмади. Охири шаҳзоданинг ишқ ўтига мубтало бўлганига ишонч ҳосил қилиб, қўшинининг ярмини ажратиб, хазинасининг ярмини ҳам берди-да, ўғлига рухсат қилиб, шод этди ва у билан хайрлашиди.

Фаррух йўлга равона бўлиб, ҳеч ерда дам олишга тўхтамай, туну кун юриб, шаҳарма шаҳар кезиб борарди. У замонда одамлар Каъба ўрнига Куддусни тавоф қилишарди. Фаррух у шаҳарга етиб борганида юз минглаб ибодатчиларнинг тавоф қилиш учун йиғилишаётганини кўрди. У ҳам пок кўнгли билан тавоф этиб, туфроққа бош қўйди-ю, шам каби йиғлар экан, Яратгандан ўз муродига етказишини илтижо қилди. У ўзи излаётган гўзал маҳбубасини учратиб, висолидан мурод ҳосил қилишга шошиларди. Бир неча кун ҳаммаёқни айланиб чиқса ҳам соҳибжамол дилбардан хабар тополмади. Бир неча кундан сўнг тавоф учун бу ерга келган одамлар ўз ватанларига қайта бошлишди. У ғамгин ҳолда уйқуга кетган эди, тушида бир кишининг «Муродингга етмоқчи бўлсанг, бу ерда турмай, эрта тонгда Ҳалаб томон йўл ол», деган овозини эшилди. Уйғонгач, тоқати тоқ бўлиб, Ҳалаб сари йўлга тушди.

Ҳалаб томон бораётган йўловчилар ғоятда кўп бўлиб, йўлда сув жуда оз эди. Шунинг учун ўзи билан икки-уч юз кишини олиб қолди-да, қолган сипоҳларга Ҳиндстонга қайтишни буюрди. Улар истар-истамас ватанлари томон йўлга тушдилар. Шаҳзода Ҳалаб томон кетаётган одамларга ҳамроҳ бўлиб бораркан, сирдоши дарди, дўсти ох эди. Йўлда бир неча бор дам олиб, анча йўл юриб, ниҳоят шаҳарга яқинлашдилар. Ҳалаб яқинидаги дашту шаҳар кўчалари одамлар билан тўла бўлиб, ҳамма ёқдан шовқин сурон эшитиларди. Фаррух улар орасида ўзи тушида кўрган қора пардали кажавани изларди. Бир маҳал кўзи шаҳар дарвозаси томон юриб бораётган тuya устидаги қора рангли кажавага тушди. Шу дам шамол эсди-ю кажава пардасини кўтариб юборди-да, унинг ичидага қуёш мисол гўзал бир париваш кўринди. Тушда кўрган соҳибжамолни топганидан шодликка тўлган Фаррух уни қайта кўрмоқ учун боққан эди, парда ёпиқлигини кўриб жаҳон унинг кўзига қоронғи бўлиб кетди. Кўзида нур қолмай, ҳушини йўқотган шаҳзода ўзига келганида дашт-

ни барча тарк этган бўлиб сафар аҳли ўз ватанлари бўлмиш Ҳалаб ичига кириб кетгандилар. Фаррух изтиробга тушиб яна ҳижрон аламини торта бошлади. Буни сипоҳларга сездирмасликка интилса ҳам, унинг ҳолатидаги ўзгаришни кузатган одамлари ҳайрон бўлиб, шивирлаша бошлашди. Улар шаҳар ташқарисидаги бир манзилга тушдилар. Ҳаёлга ботган Фаррух ўз сипоҳлари сўзларини ҳам, ўз сўзларини ҳам англамасди. Шаҳзода ҳолидан ташвишланаётган ходимлари уни ўраб олишди, у эса ўзини уйқуга солиб ётаверди. Буни кўрган сипоҳлар хотиржам бўлиб уйқуга ётишди. Одамларининг қаттиқ уйқуда эканликларига ишонч ҳосил қилган Фаррух ўрнидан турди-да, қўлига қофозу қалам олиб шундай мактуб ёзди: «Бу олам турли ҳодисаларга тўла, тақдирда ёзилганин кўрмасликнинг иложи йўқ. Менинг тақдиримга оворалик, ишқу бечоралик ёзилган экан, бу дардларни тортиш мен учун заруратдир. Сизлар эса бу фурбатда турмай, мени ҳам излаб юрмай, ватанга қайтинг, тирик бўлсам, сизлар билан ўша ерда учрашамиз». Бу хатни ўз ўрнига қўйдида, шоҳона кийимларини ечиб, устига қора рангли бир матони ташлади ва уйдан оҳиста чиқиб, шаҳарда кўчамакўча кеза бошлади. Телбасифат ҳар томон югурад экан, бир гулханни топди-да, устига қора палосни ёпганича, яна ишқ ўтида изтироб чека бошлади.

Эрталаб тонг отгач, шаҳзоданинг одамлари уни топишомлай ҳар томонга югуриб уни излай бошладилар. Икки кеча-кундуз қидирсалар ҳам, ҳаракатлари бекор кетди. Нихоят ўзган мактубни топиб олишди-да, йиғлаб-сиқтаб ватанлари томон йўлга тушдилар.

Фаррух шоҳликдан гадо ҳолига тушгани, юз балога гирифтор бўлаётганини, ўз ишига чора тополмаётганини ўйлаб ғам чекар экан, бир неча кун сув ҳам ичмади, овқат ҳам емади, охири «Бу аҳволда юраверсам, ишим битмайди, яхвиси оёқقا туриб, ётиб қолгунча ёримни излай», деб шаҳар ичига қараб йўл олди. Бир-икки кун кўчама-кўча севгилисини излади-ю, ундан дарак ҳам то-

полмай, беҳол бўлиб, бир вайрона ичига кириб ётиб қолди, ҳаётдан тўйиб, ўлар ҳолатга етишди.

Ҳалабда бир бой хожа бўлиб, меҳмондорчилик унинг одати эди. Эл орасида обрў-эътибори юксак бу одамнинг молу давлати ҳисобсиз бўлиб, уйи меҳмонхонага ўхшар, ошнаю бегоналар учун бу уй доим очиқ эди. Раҳмдил ва сахий бу хожанинг исми Ахий бўлиб, баъзи-баъзизда от суриб, йўл бошларию вайроналарни кўздан кечириб юраркан, мазлум ва хасталарни кўриб қолса, дарҳол унинг кўнгли захмига малҳам бўларди, шу туфайли ҳам шаҳар аҳли уни ғоятда ҳурмат қиласади.

Бир куни шу одатига кўра шаҳарни кезиб юрган Ахий Фаррух беҳол бўлиб ётган вайронага назар ташлар экан, уни кўриб қолди-да, отидан тушиб, хастанинг олдига келиб: «Эй раҳму шафқатга муҳтоҷ одам, кимсан, аҳволингни менга маълум қилгин», деб мурожаат қиласди. Фаррух юзини очиб, салом берди ва ўтириб: «Эй хожа, йўлингдан қолма, мендан ҳол-аҳвол ҳам сўрама, токи кўнглингга ғамим асари юқиб, жонингга ўтим учқунлари тушмасин», деб жавоб қиласди. Унинг покиза юзини кўриб, таъсиран сўзларини эшигтан Ахийни:

Ҳам юзи они бекарор этди,  
Ҳам сўзи они ашкбор этди.  
Не кўруб эрди уйла турфа жамол,  
Не бу янглиғ эшиитмиш эрди мақол.  
Билдиким, бас азиз пайкардур,  
Англадиким шариф гавҳардур.

Кейин қийинчилик билан уни отга миндириб, уйига олиб кетди-да, азиз меҳмондек эҳтиром кўрсатиб таом ва шарбат билан меҳмон қиласди. Фаррух ҳам меҳбонлик одобини намойиш этиб, мезбон саволларига оқилона жавоблар берар экан, Ахийни лол қолдиради. Меҳмонга бир ҳужрада жой ҳозирланганди. Лекин Фаррух туни билан ишқдан нола қилиб, ғам-андуҳ чекар, кундузлари

хомуш бўлганича меҳмонхонада ўтиради. Ахий унга хилма-хил либослар таклиф қилса ҳам, меҳмон ўз пало-сидан айрилмасди.

Хожа ўз меҳмони ётган ҳужра атрофига бир неча му-лозимни қўйиб, унинг аҳволидан хабардор бўлиб туришни тайинлаганди. Бир кеча улар Фаррухнинг яширин оҳу кўз ёшларидан огоҳ бўлиб, бу ҳақда Ахийга хабар етказдилар. Хожа барча одамлар ухлаётган маҳал ҳужра ёнига келиб қулоқ солди-да, меҳмоннинг дарду аламлари ҳаддан ошиб унинг кўнглига ажиб бир ўт туташгани, элнинг эшитишидан андиша қилиб, паст овоз билан оҳ-фарёд чекаётганини, гоҳ дилбари, гоҳ сипоҳу мамлакатини эслаб нола қилаётганини англаб, кўнгли бузилиб кўзидан ёшлар оқиза бошлади. Меҳмоннинг шоҳ эканлиги, лекин бир нарса уни изтиробга солиб, бу ерларга келиб қолганини сезди-да, унга бирор чора топиб ёрдам кўрсатишни дилига тугиб қўйди. Бунинг учун эса аввало дарди сирини билиш керак. Бундай ҳолларда ишқ ўтида қоврилаётган ошиқлар аҳволини уни маст қилган ҳолда билиб олиш мумкинлигини эслаган Ахий шу йўлни тутишга қарор қилди. Тонг отиши билан хожа меҳмонхонага йўл олди, кетма-кет у ерга Фаррух ҳам кириб келди. Егуликларга мўл дастурхон атрофида икковлари тушга қадар қизғин сухбатлашиб ўтиридилар. Қуёш ботиши яқинлашгач, хожа май келтиришни ва хонандаю созандаларни чақириб келишни буюрди. Базм бошланиб мусиқаю ашуналар янграй бошлагач, ичаётганлар сархуш бўлдилар. Шунда хожа қўлига май тўла жомни олиб, таъзим билан шаҳзодага тутди-да, ўзи ҳам қўлига жом олиб, икковлари кўтаришди. Соқий барчага қадаҳ тутгач, ўзга бир соқий яна қадаҳларга май тўлдириб узата бошлади. Шу тарзда қадаҳлар бир неча марта айлангач, базм аҳлининг кайфи оша бошлади, ҳамма гапга тушиб кетди. Хожа эса Фаррухни хонага таклиф этиб, сухбат бошлади. Шаҳзода ҳам кайфи ошгани учун мамлакату давлати, амалга ошмаган орзуларини эслаб, кўзларидан,

ёш оқиб, ўз бошидан ўтганларни сўзлашга тушди. Майни оз ичган Ахий хилма-хил саволлар бериб, меҳмоннинг насаби-ю давлатини, Жасратхондек отаси борлигини, тушида бир паривашни кўриб, ошиқ бўлганини, у париваш шаксиз Ҳалабда яшашини билиб олди. Ҳожа меҳмон мафтун бўлган гўзалнинг кўриниши қандайлиги ҳақида савол бериб, Фаррух жавобларини эшитар экан, жисмига ҳарорат, кўнглига изтироб тушди. Чунки меҳмон айтган белгилар унинг аёлига хос эди. Демак, бу ошиқ йигитнинг кўнгли унинг ёстиқдошига тушиб қолган экан. Ўзича «Бу ғариб ошиқ шоҳлигу давлатидан воз кечиб, ўлимга ҳам рози бўлиб, оғир аҳволга тушиб қолган экан, ҳижрон дардида ҳалок бўлиши ҳам муқаррар. Унинг дардига менгина чора қила оламан.

*Килмасам, ўлса ул мурувват эмас,  
Они яхши мурувват аҳли демас.  
Киши бу ишга чора қилмасму,  
Манга аҳли ҳарам топилмасму?»*

деб ўйлади-да, меҳмонга қараб: «Эй мусоғир йигит, ғам ема, мен бу дардингга даво қила оламан, сени хонумонингдан айириб сарсон қилган соҳибжамол бизнинг элдан бўлиб, менинг қариндошимdir. Сени мақсадингга етказаман, лекин сен менинг айтганларимни қилишинг керак», деди.

Фаррух шодликдан кўз ёшларини оқизиб, Ахий оёғига бош қўйди-да: «Агар менинг дардимга дармон қиладиган бўлсанг, нимани буюрсанг, албатта, бажараман», деди. Икковлари келишиб олишгач, маст ҳолда уйқуга кетдилар. Тонг отгач, шаҳзода ҳожага боқиб: «Агар ваъдангни унутмаган бўлсанг, менга не ишни буюрсанг, тайёр турибман», деди. Ҳожа меҳмонни ҳаммомга, танини чиркидан тозалашга йўллади. Қайтиб келгач, унга шоҳона кийимлар кийдиришди-да, қора палосидан озод этишди. Фаррух шоҳона отга миниб, қасрдек зарнигор уй томон юрди.

Уни эшик олдида қолдирган Ахий ҳарамига кирди, гулчехра аёли ниёзу ноз билан кутиб олди. Икковлари ўтиришгач, хожа аёлига мурожаат қилиб: «Тангри тақдири билан икковимиз шу пайтгача шоду хуррам яшаб келдик, сенинг ишларингдан менгина эмас, балки худо ҳам хушнуддир. Лекин бу айём айрилиш пайти келди», деди-да, ҳайратдан қотиб қолган паривашни талоқ қилди. Ахий аёлига ҳисобсиз молу пул, кўпдан-кўп лаълу дурлар берди-да, сўнг: «Сени бир шаҳзодага никоҳ қиласман», деди. Париваш ҳар қанча фарёд кўтариб, ялиниб ёлборса ҳам, хожа ўз фикридан қайтмади, ниҳоят розилиқдан бошқа чора йўқлигига тан берган гўзални шоҳона тўй қилиб Фаррухга никоҳлашди. Кейин Ахий ўз меҳмонига кўплаб яхши кийинган қулу чўрилар, қимматбаҳо матолар ёпилган туяю хачирларни ҳадя қилиб, йўлга узатди-да, бир манзил йўлга ҳамроҳлик қилгач, улар билан хайрлашди-ю, ёдгорлик бўлсин деб Фаррухнинг қора палосини сўраб олди.

Шаҳзода йўлда борар экан, Ахийнинг қилган ишлари ҳақида фикр юритар, унинг хайрлашиш чоғидаги ғамгинлигидан изтироб чекарди. Дилидаги ҳижрон ўти алангаси пасайгач, Фаррух ўз гўзали ҳузурига кирган эди, ёри кўзлари ёшли экани, юзларини тирноқлари билан мажруҳ қилганини кўриб ҳайрон бўлди. Шаҳзода унинг ғамгинлиги сабабини сўраган эди, гул юзли маҳбуба: «Ҳар кимни талоқ эмас, никоҳ хурсанд қиласи», деб жавоб қилди. Фаррух ҳайратга чўмиб: «Эй париваш ҳур, сўзларингга тушунмадим. Талоқ сўзини нега тилга оляпсан, васл ичида фироқ ҳақида гапиришинг нимаси?», деб сўраган эди, ой юзли соҳибжамол кўзларидан ёш тўкиб шахзодага ўз саргузаштини сўзлаб берди. Унинг гапларини эшитган Фаррухнинг ўзини ҳалок қилишига оз қолди. Кейин у ҳам тушда кўрган ёри висолига етиш йўлида чеккан азобларини тўла-тўқис сўзлаб берди. Сўнгра:

Деди: «Дардимға гар даво кўрмон,  
Буйла зулми санга раво кўрмон.

Айлабон лутф беҳисоб асру,  
Килди бизни Ахий ҳароб асру.  
...Гар анга бу қадар мурувват бор,  
Бизда ҳам шаммана футувват бор.  
Сен ҳам энди шукуфта дил бўлғил,  
Манга икки жаҳон сингил бўлғил»

деди-да, паривашни хурсанд қилиб чиқиб кетди. Улар туну кун йўл юриб Ҳинди斯顿га етиб бордилар. Бу вақтда Жасратхон вафот этган бўлиб, ўғлини ўзига валиаҳд деб эълон қилган экан. Шунинг учун ҳалқ унинг истиқболига чиқиб кутиб олди. Фаррух отаси тахтига чиқиб ўтиргач, ўзига сингил бўлиб қолган паривашни хурсанд қилиш учун унга Ахий ҳузурида бўлганидек қаср ва боғ барпо қилишга буйруқ берди: «Юзта моҳир ҳунарманд ўзларининг бор маҳоратларини ишга солиб гўзал қаср билан боғни тугалласинлар», дейилган эди фармонда. Кўп ўтмай қаср билан боғ тайёр бўлди. Улар Ахий даргоҳидаги шаклга эга бўлиб, ғоят гўзал эди. Гўёки Ҳалаб Ҳиндга кўчиб келганга ўҳшарди. Сўнг паривашга шу қасрга кўчиб ўтиш ҳукм қилинди. Уйни ва боғни кўздан кечирган соҳибжамол ўзини худди ўзининг олдинги манзилидан чикмагандек сезди. У шоҳга сингилдек азиз бўлиб, юзта гўзал қиз хизматида эди. Нозу неъматлар эса беҳисоб эди.

Ҳинд диёрида ана шундай ишлар қилинаётган вақтда Ҳалабда қолган Ахийнинг ҳоли не кечди экан? Ўзининг гул юзли ёридан кўнгил узган Ахийнинг толеъ юлдузига зарар етиб, экинлари офатга учради, савдоси ҳам зиён кўрди, қилган чоралари фойда бермай, аҳволи тобора ёмонлаша бошлади. Душманлари буни кўриб, шаҳар шоҳига: «Ахий мамлакатни ҳароб қилиш учун бошқа бир шоҳнинг хизматини қилиб, унга кўплаб молу дунё бериб Ҳалабдан жўнатиб, душманларимизга қўшилди», деб арз қилдилар. Ҳукмдор уларнинг сўзларига ишониб, ғазаб билан Ахийни тутиб, бор мол-дунёсини тортиб олди

ва уни ўлдирмоқчи бўлди. Ҳақиқий аҳволдан хабардор бўлган зинданбоннинг унга раҳми келиб, қочириб юборди. Шоҳ одамлари тутиб олмасликлари учун Ахий кийимлари-ю кўринишини ўзгартириб, яланғоч бўлиб, гулханлар атрофида девоналардек кезиб юрди. Фаррухнинг қора палосини топиб уни устига ёпиб олди-да, Фаррух диёри томон йўл олди. Бир қанча муддатда тоғу даштларни босиб ўтиб Сарандиб тахтига етиб келди. Узок сафар уни ҳолдан тойдирган эди, у бир вайронадан жой топиб, фарёд урганча йиқилиб қолди.

Фаррух Ҳалабга қилган сафаридан қайтгач, Ахий ишини ўзига одат қилиб олиб, катта бир меҳмонхона қурдирган, ғарибу мусофиirlар у ердан ўзига нажот топарди. Шоҳ гоҳ-гоҳ от миниб, шаҳар атрофини кезар ва муҳтоҷ бечораларни топса, уларга меҳрибонлик кўрсатарди. Ахий бу шаҳарга келиб, вайронада йиқилган куни ҳам Фаррух шу мақсад билан шаҳарда кезиб юради. Бир вайронага кўзи тушган шоҳ қора палос ёпиниб ётган беҳол одамни кўриб қолди-да, ўзининг Ҳалабдаги аҳволини эслаб «Бу ғариб ким экан, қандай машаққат билан у бу ерга келиб қолди экан?» деб ўйлар экан, палосни таниб қолди-да: «Эй ғариб ўрнингдан турақол», деб унга мурожаат қилди. Ахий уйғониб, бошини кўтарди-ю, шоҳни дарров таниди. Фаррух ҳам уни таниб, отидан оҳ тортиб тушди-да, икковлари қучоқлашиб кетдилар. Зор-зор йиғлашиб, бир-бирларидан ҳол-аҳвол сўрашишга бошлидилар. Шоҳ аъёнларию сипоҳлар бу учрашувдан ҳайратда эдилар. Кейин барча шоҳ саройи томон йўл олди. Фаррух Ахий қилган ишни эслаб, аввал уни ҳаммомга юборди. Ахий у ерда йўл чангларидан поклангач, ўзига тайёрлаб қўйилган қимматбаҳо кийимларни кийгач, мулизимлар уни шоҳ қошига олиб келдилар. Фаррух азиз меҳмонга атаб шоҳона базм уюштириди. Зиёфат бир неча кун давом этди. Бир куни шоҳ бор давлат арконларини тўплаб, Ахийнинг Ҳалабда ўзига кўрсатган беҳад яхшиликларини сўзлаб берди. Сарой аҳли бу фаройиботларни

эшитиб, хожага офаринлар айтдилар, оёқларини ўпид эҳтиром изҳор қилдилар. Шоҳ дедики: «Мен подшо бўлсан ҳам, хожанинг қилган яхшиликларига муносаб жавоб бера олмайман. Менинг қариндошларим ичиди иффатли бир қиз бор. Ўша гўзални хожага никоҳлаб беришни истайман. У ўз жуфтини мени деб талоқ қилган эди, шу синглим энди унга жуфт бўлса, мен баҳтиёр бўлардим».

Бу сўзлар барчага маъқул бўлди. Шундан сўнг шоҳона тўй бошланди. Шоҳ Ахийга меҳрибонлар кўрсатиб, бор-йўғини, ҳатто ўз мамлакати ихтиёрини унга тақдим қилди. Хутба ўқилиб, шоҳ ўз синглисини Ахийга никоҳлаб бергач, хожани келин ўтирган уйга бошладилар. Хожага бу ердаги барча нарсалар: осмонўпар қаср, дарвозаю эшиклар, нақшлар – барчаси таниш бўлиб кўринди. Келиннинг уйига оёқ, кўйган замон барча халқ, ташқари чиқдилар. Келин ўз юзидан пардани олгач, икковлари бир-бирларин кўриб, оҳу-фарёд уришиб беҳуш бўлиб йиқилишди. Ўзларига келишгач, кўзларидан ёш тўкиб, яна беҳуш бўлиб йиқилишарди.

Ҳижрон изтироби таскин топгач, хожа ўз дилбаридан: «Мен ҳайратланганимдан ўзимга келолмаяпман. Бу холатни ўзинг тушунтириб бергин», деб сўради. Шунда париваш хожадан айрилганидан сўнг бошига тушган воқеаларни, шоҳ Фаррухнинг илтифотию муруватини Ахийга муфассал сўзлаб берди. Шундан сўнг икковлари баҳт нашидасини сура бошлишди. Икковлари ҳам ўзларини Ҳалабдаги уйларида юргандек ҳис қилишарди. Ахий зарбоф тўн кийиб шоҳ ёнида турса ҳам, уйга кирганида сафардаги қора палосга ўраниб юрарди. Қора полосни кийиб олган Ахий: «Бор яхшиликлар шу палос туфайли юз берди, уни ташлаб юборсан тўғри бўлмайди», деб шу кийимда ибодат қиласарди. Унинг бу ишини кўрган шоҳ ҳам қора кийим кийиб юрадиган бўлди, шоҳ шу йўлни тутгач, халқ ҳам қора кийишни одат қилди.

Бу афсонадан хушҳол бўлган шоҳ Баҳром мусоифирнинг қаерлик экани, аждодлари кимлигини суриштирди.

«Менинг ватаним Ҳиндистон, ўзим Ахий авлодиданман, бу ерга кўнглим амри билан келдим, муддаом эса шоҳга хизмат қилмоқдир», деб жавоб берди. Шоҳ уни муҳтоҷликдан халос қилиб, ўз саройидаги хос надимлик мансабига тайинлади. Ҳикоядан шод бўлган шоҳ яхши қайфиyat билан уйқуга кетди.

## XXII

Якшанба куни қуёш ўзининг зархал байроғини кўтаргач, осмон зарбоф кийимини кийди. Кўкнинг келини тўни ни заркаш қилиб, ой юзли гўзалдек чиқиб келди. Шоҳ Баҳром ҳам қуёш мисоли бошидан оёғигача олтинга фарқ бўлиб, қуёш каби беҳад олтинлар сочиб сариф гумбазни манзилгоҳ қилди. Рум шоҳининг қизи сариф олтин ичидаги қуёш монанд бўлиб, олтин қадаҳдаги сариф майни шоҳга тутди. Қадаҳга қадаҳ уланиб, сарой аҳли оқшомга қадар базм қилишди. Қоронғу тушгач, барча тарқалиб, румлик гўзал ўз пардасидан ўрин олди. Заррин тахтда ором олаётган шоҳнинг уйқуси келмай кечагидек йўлга чиқиб бирон мусоғирни топиб келтиришни, унинг афсонаси ёки бошидан кечирғанларини эшитиш истагини билдириди. Мулозимлар йўлга чиқишиб, тез-тез юриб бораётган бир йўловчини тўхтатишида, шоҳ хоҳишини унга айтишди, у розилик билдиргач, қасрга, Баҳром ҳузурига олиб келишди. Шоҳни узундан-узоқ дуо қилгач, мусоғир ўз ҳикоясини бошлади.

### Иккинчи иқлим йўлидан келтирилган мусоғир ҳикояти

Шоҳ Жамшиднинг замонида Рум мамлакатида моҳир бир заргар яшарди. Унинг нодир ишлари халққа маълум эди. Шоҳ саройида хизмат қилувчи бу заргар олтин-кумушнинг соғлиқ даражасини аниқловчи соҳиб иёрлик ҳамда хазинадорлик вазифаларини бажаарди. Кондан

олинган ҳар олтину кумуш унинг олдига олиб келинарди. Шу хунари туфайли уни Зайди заҳҳоб деб аташарди. У табиблик, муҳандислик билан ҳам шуғулланарди. Туну кун шоҳнинг яқин сухбатдоши ҳам, пойтахтнинг асосий табиби ҳам у эди. Зайднинг кунлари айшу ишрат билан ўтар, шоҳ молини ўз моли ҳисоблар, лекин омонатга инсофсиз бўлиб, шоҳ мулкига хиёнат қилишдан ҳам тоймасди. У кўп хунарларга моҳир бўлгани учун шоҳ кўп яхшиликлар қилиб турар, Зайдни мақтагани мақтаган эди. Ҳеч ким унинг айбини айта олмас, бирон гуноҳи шоҳга ошкор бўлганида ҳам, унга эътибор бермасди. Мабодо эътибор қилса, Зайд ўз хунарини ишга солиб, ажойиб асбоб-ускуналар ясад, шоҳни тезда жаҳлидан туширарди. Юз хил макр-ҳийла билан шоҳни алдамай туролмасди.

Бир куни Зайд шоҳ ҳузурига кириб, шундай деди: «Олампаноҳ, шоҳнинг бошқа шоҳлардан фарқи аввало унинг тахтидадир. Кўп шоҳларнинг тахти ёғочдан ясалган, сизники ҳам шундай бўлиб, қимматбаҳо тошлар билан безатилган, холос. Аслида сиз каби баҳтиёр шоҳлар олтиндан ясалган тахт устида ўтиришлари керак. Бундай тахт турган маскан кўзни ҳам равшан қиласди. Ҳазинангизда олтин жуда кўп бўлиб, миқдори кундан-кунга ортиб бормоқда. Бу олтинларнинг ҳазинада ётишидан ҳеч қандай фойда йўқ. Бу ерда турса, фойдали ҳам бўлади, шоҳга ўзгача савлат ҳам беради». Бу сўзлар шоҳга маъқул келиб: «Бу ишнинг хаёлингга келиши яхши бўлибди, энди тезда ишга киришиб, ўз хунарингни кўрсатгин», деди. Зайд бу тахтни ясаш учун икки минг ботмон олтин керак бўлишини айтганида, шоҳ рози бўлди. Уста бу олтинларни олиб, ўз ишхонасига элтиб, ишга киришиди. Зайд туну кун ҳаракат қилиб тахтни бир йилда битказишга тиришарди. Шу фурсат ичидаги тахт тайёр бўлди.

Бу фаройиб тахт саккиз пояли бўлиб, тўрттаси юқори роқда, яна тўрттаси пастроқда эди. Пастроғи тўрт поядаги тўртта гапирадиган тўти, баланд поялардан эса тўртта

товус ўрин олган эди. Дуру лаъллар билан безатилган бу тахтнинг зинаси ҳам саккиз пояли бўлиб, шундай ишланган эдикি, шоҳ тахтга чиқмоқчи бўлганида, у поялар пасайиб устма-уст тахланар, қадам босгач, у поялар кўтарилиб, шоҳ тахт устига чиқар, ўтирганида эса тўрт тўти: «Шоҳ ўз мақсадларига етсин, бу тахт унга абадий бўлсин», деб гапиради. Шу пайт тўрттала товус ҳам патларини ёйиб, Ҳумо қуши каби шоҳ бошига соя соларди. Шоҳ қайси томон юрмоқчи бўлса, тахт салгина ишорат билан юра бошларди. Одамларнинг «тахти равон» – юрувчи тахт деганлари шу бўлса керак.

Ушбу тахт тайёр бўлгач, шоҳ катта бир базм уюштириди. Ўз ўрнига чиқиб ўтирган шоҳ моҳир устага кўпдан-кўп совфалар бериб, унинг обрў-эътиборини янада кўтарди. Лекин Зайднинг қилмишларидан хабардор бўлган баъзи ҳунармандлар тахтни фақат олтиндан ясалиши керак бўлган ҳолда олтин билан бирга кумуш ҳам ишлатилганигини билардилар. Фирибгар уста эса шоҳ ўзининг хиёнатини сезиб қолганида ҳам бу ажойиб тахтни бузиб ташламаслигига ишонарди. Душманларининг ёмон мақсадларини англаган Зайд қўрқаётган бўлса ҳам, шоҳнинг ўзига бўлган эътиборига ишонарди. Бу пайт душманлари сирни шоҳга етказиш йўлини ўйлаб топишиди. Тахт устидаги тўтиларга ўхшаш иккита тўти топдилар-да, улардан бирига: «Тахт қалбакидир», иккинчисига эса «Устаси хиёнатчидир», деб гап ўргатдилар. Тахтни асраб турувчи кишига кўп пул бериб, ўзларига шерик қилиб олдилар-да, эрта тонг маҳали икки тўтини алмаштириб қўйдилар.

Эрталаб шоҳ тахтга чиққан чоғда ўргатилган тўтилар ҳалиги сўзларни айтдилар. Шоҳ бундан хайрон бўлиб «Бу ишни ким қилган бўлса ҳам, у Зайд ишидан хабардор одамdir. Устадан қўрққанидан унинг айбини қушлар тили орқали менга етказган. Бу ишнинг ҳақиқатини аниқлаш эса жуда осон», деган фикрга келди-ю, қўлига эгов олиб тахтнинг бир поясини озгина эговлаган эди,

олтин тагига кумуш ишлатилгани аён бўлди. Бу хиёнатни билган шоҳ Зайдга бўлган меҳр илларини узиб ташлаб, унинг молу дунёсини тортиб олиб, ўзини занжирбанд қилди-да, зинданга ташлади. Ушбу зиндан оғзи тор, лекин туби кенг бўлган чуқурдан иборат эди. Ундан қочиб кетиш эса мутлақо мумкин эмасди.

Зайдга ҳар куни иккита кулча билан бир обдаста сув беришарди. Қаллобликка қўйлурган уста бир куни зинданга ташланиши мумкинлигини ҳам ўйлаб, олдиндан тайёргарлик қилиб қўйган, яъни қўйлаги остида ичига эгов солинган ханжарни доимо ўзи билан бирга олиб юарар эди. «Занжир ҳар қанча оғир бўлса ҳам, тушкунликка тушмай, кутулиш чорасини ўйлаб қўришим керак», деб фикр юритган Зайд зиндандан қочиш йўлини топди. У ҳар куни нон билан сувни олар экан, нонни бир чеккага қўйиб, ханжари билан туфроқ қазиб, олган суви билан лой қилиб ундан зина ясар эди. Эгов билан оёқларидаги занжирни кесиб ташлаган уста ноннинг иси билангина яшарди. Ҳар куни сувга интизор бўлиб кутар, уни олгач эса зина ишини давом эттиради. Кун сайин мадори қуриб борса-да, зина ҳам ҳар куни баландлашиб борарди. Бир неча ой давомида шу хилда қийинчилик тортгач, охири зина зиндан оғзидаги туйнукка етди, унинг устига эса оғир бир тош бостириб қўйилганди. Зайд ханжари билан тош тагини ўйиб, одам сифадиган тешик очди-да, чуқурдан чиқиб қочди. Шоҳ билиб қолса тутиб олиб ўлдириши муқаррарлигига қўзи етган Зайд тез-тез юриб Франг диёргига йўл олди.

Зинданбонлар маҳбуснинг қочиб кетганидан хабар толишгач, бу воқеани шоҳга ҳам етказишиди. Унинг қандай қилиб зиндандан кутулиб кетганини англаған ҳукмдор Зайднинг макру ҳийлаларидан ҳайратга тушди. Бу пайт Зайд жонини қутқариш учун фаранглар мамлакати томон тўхтамай йўл босар экан, кўп қийинчиликларни бошидан кечирди. Бир неча кун машаққат чекиб, Қустантания шаҳрига етиб борди. Шаҳар ташқарисида бир бут-

хона бўлиб, одамлар билан гавжум эди. Унинг ичига кирган Зайд ҳамма нарса олтину ложувард билан безатилганини, заркор тоқларига кўплаб олтин бутлар қўйилганини, ҳамма деворлари қимматбаҳо тошлар билан безатилгани, баланд пўлат эшиклари қулфлари ҳам олтиндан ясалганини, улар кечаси беркитилиб элнинг ибодат қилиши учун очилишини билиб олди-да, бутхонани бошдан оёқ, айланиб чиққач «Бу ерда шунча текин олтин бор экану, мен бўлсам шоҳнинг олтинига кўз олайтирибман», деб ўйлади-да, ўзини бутпараст қилиб кўрсатиб, кофирлар бажараётган ибодатлару расм-руссумларни оз фурсатда ўрганиб олди. У кеча-кундуз ибодат қилар, ҳар бир бутга ихлосини изҳор қилиб, ўз эътиқодининг мустаҳкамлигини намойиш этарди. Унинг бу хил маккорлиги бутхона аҳлини шайдо қилди, барчалари мурид бўлиш истагини билдириб, унинг амри билан ибодат қила бошладилар. Кўп ўтмай Зайднинг мақоми янада кўтарилиб, бутхона ихтиёри тамоман унинг қўлига ўтди, эшикларнинг калитлари ҳам унга топширилди. Шундан сўнг Зайд ўзи ўйлаб қўйган маккорликни амалга оширишни бошлади.

У кечалари одамлар уйқуга кетган пайтда селдек югуриб ҳар томонни кезиб чиқар экан, денгиз соҳилидаги тоғ ичида бир ғор борлигини кўрди. Сафар чоғида биринки диндоши билан дўстлашган бўлиб, бутпараст бўлгач, ҳамроҳлари ундан узоқлашишган эди. Зайд икковини излаб топди-да, ғор ичини ўзларига манзил қилишга буюриб: «Заргарлик учун қандай асбоблар зарур бўлса, уларни тезда топиб яширин ҳолда ғор ичига олиб келинглар», деб топшириқ берди. Ҳамроҳлари бу асбобларни келтиришгач, Зайд эл ухлаган чоғда ғорга келиб ҳамроҳлари билан бирга ибодатхонадаги бутларга, лагану қандилларга ўхшайдиган шаклларни темирдан ясад, устини олтин билан қоплашар, рангли шишалардан жавоҳирлар тайёрлашар, сўнг кечалари яширинча бутхонага кириб ўzlари ясаган буюмларни бирма-бир алмаштири-

шар, олтин бутлару асл жавоҳирларни, олтин лагану қандилларни эса форга элтиб яширишарди. Бир неча муддат шу хил ишларни бажаришди, бутхона аҳлидан ҳеч ким бу маккорликлардан хабар топмади. Бор олтин буюмлар шу тарзда алмаштириб бўлингач, Зайд бутхона аҳлидан ўзининг ватанига қайтиш учун рухсат беришларини илтимос қилди. Улар бундай табаррук зотнинг ўзларини ташлаб кетаётганига оҳу фарёд кўтаришди. Зайд эса «Мен ҳам сизлардан ажралишни истамас эдим. Афуски, онам вафот этиб ўзидан кўп молу давлат қолдирибди, мендан бошқа ворис йўқ. Бориб у мол-дунёни қабул қилиб оламану, яна бутлар олдига қайтиб келиб, барча бойликларимни бутхонага сарфлайман», деди. Бутхона аҳли унинг оёқларига бош қўйиб «Сен ўз юрtingга эсон-омон бориб кел», дейишиб унга кўпдан-кўп совғасаломлар йифиб беришди. Зайд уларни олиб, фор ичидаги бутларни қопларга жойлаштиришга киришди. Ҳар икки бутни бир қопга солар экан, жами эллик қопни бутлар билан тўлдирди. Олтин лагану қандилларни ҳам қопларга солиб, ораларига матоларни жойлаб мустаҳкамлади. Бир катта кемани кира қилиб, фор ичидаги тўпланган барча бойликларни яширин равишда кемага ташиттирди. Бутхона аҳлининг совғаларини ҳам кемага орттириди. Сўнг ҳамманинг кўнглини шод қилиб, қавми билан хайрлашди. Айрилиқ ўтида куяётган бутпарастлар уни қулоқлашиб, зор-зор йиглашарди. Зайд кемага қадам қўяр экан, уларга боқиб: «Бир хат ёзиб бутхонага яшириб қўйдим. Уни Лот бути олдидан топасизлар. Унда сизлар ҳақингиздаги гаплар бор. Барчаси сизлар учун фойдали», дедида, кемани юргизишга буйруқ берди. Кема кетиб борар экан, бутхона аҳли йиглаганларича хатни топдилар-да, қўзларига суртиб ўқишига киришдилар. Мактубда Зайд ўзи қилган барча ишларни бошдан-оёқ ёзиб қўйган эди. Ўқиганларнинг бошлари қотиб, бутхонадаги нарсаларни кўздан кечиришган эди, хатдаги барча сўзлар ростлиги аниқ бўлди. Кофирлар орасида тўс-тўполон бошланди.

Бу пайт Зайд денгизда ўз кемаси билан елиб борарди. Бир неча кундан сўнг кема Рум мамлакати соҳилига етиб келди. Рум шоҳи ўзининг кези-кезида қўзғаб, жисмига изтироб соладиган касалига чалиниб беҳол ётарди. Бу касал хуруж қилган олдинги йилларда унга Зайд ўзи тайёрлаган доридан бериб тузатарди. Табиб қочиб кетгач, бир неча фурсат ўтиб, шу касаллик шоҳни яна азоблай бошлади. Унга ҳеч ким даво топа олмас, шоҳнинг дарди эса тобора кучайиб борарди. Зайдга берган жазосидан пушаймон ҳукмдор оғриқ кучайган пайтда ўз табиини эсга оларди.

Зайд соҳилга чиққач, бу воқеани эшиитди ва барча молларини уйига элтиб қўйди-да, шаҳар ичиди яширинча юриб, қочиш пайтида ўзи кесиб ташлаган занжирларни қўлу оёғига солди-ю, ўша чукур зиндан ичига тушиб ётаверди. Зинданбон Зайднинг пайдо бўлиб қолганини билиб қолиб, тезда шоҳга хабар етказди. Буни эшиитган ҳукмдор ўлик қайта тирилгани каби хурсанд бўлиб кетди ва «Уни тезлик билан ҳузуримга олиб келинглар», деб буюрди-да, унга мўл-кўл эҳсонлар, қимматбаҳо кийимлар ва ўзининг отини йўллади. Буларни Зайдга олиб келишгандা, у зиндандан чиқмай «Мен шоҳ ғазаби туфайли шу чоҳ ичиди жуда кўп азоб чекдим. Ўша хиёнатни қилганим учун ундан ўн марта кўпроқ олтин тўлайман. Яна бир арзим шуки, шоҳ фарангларнинг бутларини синдиromoқ, дин ишида ўз кўнглини қондиromoқчи бўлиб, икки марта қўшин тортиди-ю, ўз мақсадига эриша олмаган эди. Мен уларнинг бутларини парчалаб, олтинларини шоҳ хазинасига топшираман, бор жавоҳирларими ни унинг бошидан сочаман, оғир дардини тезда тузатаман. Фақат бир шартим бор: шоҳ душманларим оёғига занжир солиб менинг олдимга олиб келсин-да, муродимга етказсин. Чунки мен ҳозир шоҳ саройига борадиган бўлсан, улар менга қасд қилишлари аниқ. Шунинг учун бу мақсадимга эришмасам, чоҳдан чиқмайман», деб жавоб қилди. Бу гапларни шоҳга етказишиди. Зайднинг душ-

манлари кўп жиноятлар қилишганидан шоҳнинг кўнгли қолиб, уларни зинданга ташламоқчи бўлиб турганида касалликка чалиниб, бу мақсадини унуган эди. Энди Зайднинг сўzlари баҳона бўлиб уларнинг барчасини қўлга олиш ва зинданга ташлашни буюрди. Зайд чоҳдаги ўз ўрнини уларга бўшатиб берди-да, ташқарига чиқиб шоҳ юборган ранг-баранг кийимларни кийди, саройга бориб шоҳ остонасини ўпиб, эҳтиром кўрсатди. Сўнг ҳукмдор ўтирган хонага кириб ерга тупроқ каби бош қўйди. Шоҳ уни қучоқлаш учун тахтига чиқарди-да, бағрига босиб ҳолини сўради, кейин унга қўлини узатди. Одатга мувоғиқ Зайд унинг қўлини ўпгач, томир уришини кўрди-да, касалига қандай даво қилишни англаб, тўрт-беш кундаёқ уни дардидан халос қилди. Шоҳ бутунлай тузалиб кетгач, ўзи олиб келган олтину жавоҳирларнинг барчасини унинг олдига тўкди. Ҳайратда қолган шоҳ кўзларига ишонмасди. Кейин «Бўлган ишларни ҳикоя қилиб бергин», деб сўради. Зайд барча воқеаларни сўзлаб берди. Шоҳ унинг ҳикоясидан мамнун бўлиб, келтирилган бойликларни хазинага йўллади ва унга шунча кўп эҳсон бердики, бу бойликларни шарҳлашнинг ўзи осон эмас. Шоҳ ҳукми билан бутларнинг ҳар бирини юз пора қилиб, дин аҳлига тақсимлаб берилди. Шундан сўнг шоҳ барчага олтинранг кийим кийиб юришини буюрди. Чунки олтин заъфарон каби элни кулдиради. Бир неча вақтдан сўнг шоҳ буйруғи билан зиндан аҳли ҳам озод қилинди. Кутулиб чиққанлар ҳам эл кийимига боқиб кула бошлилар. Уларнинг устидан эса халқ қаҳ-қаҳлаб куларди.

Баҳром бу ҳикояни эшиггач, шод бўлиб, мусофири нинг ватаниию аждодларини сўради. «Ватаним – Рум мулики, ишим тиб билан ҳикмат. Мен айтган Зайднинг ўғли менга ота бўлади. Бу томон келишимдан мақсад эса сенинг хизматингни қилишdir. Шукрилиллоҳ, бу мақсадимга етдим», деб жавоб берди мусофири. Шоҳ буларни эшиггач, уни надим этиб тайинлади, ҳикоядан хузур топган Баҳром уйқуга кетди-да, қуёш чиққунча кўз очмади.

## XXIV

Душанба куни тонг отиши билан шоҳ Баҳром бўстон сарви каби райхон ранг кийимлар кийиб, яшил қаср сари қадам ташлади. У ерда шоҳни яшил рангли кийим кийган маҳбуба кутиб олди. Қизнинг ўзи яшил сабзага, табассуми эса шакарга ўхшарди. У ноз билан шоҳга яшил жом тутди. Баҳром ўз дилбари қўлидан дам-бадам зумрад рангли қадаҳни олиб ичар экан, кўзини уйқу босди, лекин хаёллар ичидаги қолган ҳукмдор яна ухлай олмади, шунда мулозимлар олдинги кунлардагидек йўлга тушиб, биёбонда кетаётган бир мусофири шоҳ ҳузурига бошлаб келдилар. Баҳром «Парда ташқарисида ўтириб, афсона бошлисин», деганидан сўнг мусофири аввал олампаноҳга мадҳусано айтди-да, сўнг дуо қилиб, ўз ҳикоясини бошлади.

### Учинчи иқлим йўлидан келган мусофири айтган афсона

Бундан анча муддат аввал Мисрда бир бадавлат ва сахий хожа яшарди. Молу дунёси сероб, ўзи ҳожатбарор ва меҳмоннавоз бўлган бу бойнинг жаҳонда тенги йўқ, барча фазлу ҳунарларга моҳир фарзанди бўлиб, жамоли Юсуфи мисрийдек гўзал, моли-дунёси ҳам Миср шоҳиникидек беҳисоб эди. Отасининг моли ҳам унинг ихтиёрида бўлиб, илму фазл аҳли уни ғоятда ҳурмат қилишарди. Унинг ҳашаматли бир меҳмонхонаси бўлиб, у ерга танишлару бегоналар йиғилишар, мусофиirlар келиб қолса, Саъд уларни турли неъматлар билан сийлаб, муродларига етказар, касбу корлари, кўрган-билгандарини суриштириб, ўзига номаълум нарсаларни эшитса, уларни ўрганиб олишга интиларди. Шу усул билан хилма-хил илмларни касб этган, ҳатто сеҳру найрангни ҳам, кимё билимини ҳам ўрганиб олганди.

Бир куни яшил кийимлар кийган икки мусофири шу манзилга кириб келди. Саъд уларни очик чеҳра билан

кутиб олиб, зиёфат қилди. Мезбоннинг ўзларига кўрса-таётган ҳурмату саховатини кўрган меҳмонлар ҳайратда эдилар. Бир куни Саъд уларни хурсанд қилиш учун базм ташкил қилди-ю, май ичиб ширакайф бўлган икки мусо-фир билан хилма-хил мавзуларда сухбатлаша туриб «Ўзингиз қайси мамлакатдан бўласизлар, нима сабабли яшил либос киясизлар?» деб сўраб қолди. Меҳмонлар: «Ватанимиз жуда гўзал бўлиб, оти Шаҳрисабз ёки Каш-дир. Ҳаммаёқ ям-яшил, ўту ўланлари ҳам суви рангид. Ана шу диёр юртимиз бўлгани учун яшил рангли ки-йим кийиш одатимиздир», деб жавоб қилдилар. «Энди ўз ҳаётингиз давомида кўрган ажойиб ҳодисалардан га-пириб берсанглар», деб илтимос қилди мезбон. Меҳ-монлардан бири сўзга киришиб, шундай деди: «Бизнинг диёrimиз томонда бир ажойиб ўлка бўлиб, уни одам-лар Китвар деб атashади. У ерда баланд бир бутхона мавжуд бўлиб, ичию ташқариси турли-туман жонивор-лар суратлари билан тўла. Бирон киши у бутхона ичи-да кечаси билан қолиб, ухласа, албатта бир туш кўра-ди, тушда унинг олдига ғалати қиёфадаги икки сурат келиб, унинг юзига кўзларини тикиб туриб, биттадан гап айтади. Бири уйқудаги кишининг келажакда кўра-диган яхшиликлари ҳақида хабар берса, иккинчиси унинг бошига келадиган ранжу аламлар ҳақида сўзлайди. Мусофири уларнинг сўзларини эшитиши биланоқ уйқудан сесканиб уйғонади-да, ўрнидан тура солиб яхши иш сари шошилади, ёмон ишдан эса ўзини ҳимоя қилишга интилади».

Биринчи мусофири шу сўзларни айтгач, иккинчиси да-вом эттириди: «Ўша бутхона ичиди ёруғ юзли бир мўйса-фид пир ҳам ўтиради. Ким тушида кўринган ишларга йўл тополмаса ёки машаққатга чораси бўлмаса, у пир бу аҳволдан хабардор бўлади-да, ўша ондаёқ унга тадбир кўрсатади. Шарт шуки, туш кўрган одам бу пир олдига бориб ўз ҳолини унга баён қилиши ва у кўрсатган мас-лаҳатпрага амал қилиши зарур».

Бу афсонани эшитган Саъд ўша ибодатхонага бориб, айтилган сирларни ўз кўзи билан кўриш орзусида хушидан айрилди. Кечаси билан савдойи бўлиб ётди-да, охири Шахрисабз томон сафар қилишга бел боғлади. Тонг ёришгач, отаси олдига бориб, ўз муддаосини баён қилди. Хожа уни ўз орзусидан қайтаришга ҳар қанча ҳаракат қилмасин, фойда бермади. Сўнг йиғлаб, ўғли фамида ох урди-ю, уни тангрига топширди. Олдига бор молу пулларни тўкиб: «Кўнглинг истаганича ол», деб мурожаат қилди. Саъд сафар учун лозим бўлган нарсаларни тайёрлашга буюрди. Ишчилар ўн кун ўтиб тиним билмай ишлаб, ниҳоят сафар ҳозирлигини тугатишиди. Шоҳона бу карвонда қатор-қатор нор туяларга ортилган беҳисоб олтину кумушлар, камарлари лаълу гавҳарлар билан безатилган тўрт юз қулдан ташкил топганди. Сафар учун зарур бўлган ҳамма нарса муҳайё эди. Саъд икки яшил кийимли мусофири ўзига ҳамроҳ қилиб, икки кўзларидан ёшларини тўкиб отаси билан хайрлашди. Карвон манзилга тезроқ етиб бориш учун ҳар икки манзилда бир тўхтаб борарди. Унинг яшил кийимли ҳамроҳлари Саъдга Хизр мисоли йўл кўрсатиб боришарди. Анча муддат биёбонни босиб ўтишгач, истаган манзилларига етиб келишиди. Икки мусофири Саъдни ўzlари тасвирлаган бутхона томон бошлишиди. Ибодатхона яқинида отларидан тушишган Саъд ва ҳамроҳлари, хушҳаво жойда ўтириб овқатланиб олишгач, бутхона аҳлига кўп эҳсонлар тарқатдилар. Сўнг Саъд бутхонани тезроқ кўришга шошилди-да, икки ҳамроҳи билан ичкари кирди. У сайд қилиб, ҳаммаёққа назар ташлар экан ҳар қадамда ҳайратланарди. Қоронғу тушгач, Саъд ғана бутхона ичига киришга интилди. Бундан хабардор булган карвон аҳли одамлар бундай қизиқишидан кўп зарар кўрганларини айтиб, уни қайтаришга ҳаракат қилишиди. Лекин ҳаваси зўрайиб бораётган йигитга бу хил маслаҳатлар ёқмади.

Шундан сўнг Саъд бутхона ичига кирди ва унинг бир чеккасида ухлашга жой топди. Бараҳмон эшикни маҳ-

кам қилиб беркитгач, унинг кўнглини ваҳм босиб, чиқиб кетишни ҳам ўйладио, лекин ўз мақсадига етишни афзал билди. Унинг кўзига тонгга қадар уйку келмади, эрта тонгдагина кўзлари юмилиб ухлаб қолди. Тушида унга шу ибодатхона кўринди, ўзи шу ерда сайр қилиб юрганиш. Бир маҳал ўзи қушга ўхшаган, лекин яшил рангли икки ёқимли сурат сайраб баланд кўтарилилар-да, учеб келиб, унинг бошидан айланиб ўтишгач, олдига қўнишиди. Бири «Сенинг насибанг юзи шарқ қуёшидек гўзал пари бўлади», деди. Иккинчиси эса қўрқинчли қилиб: «Сени дев асир қилиб икки оёғингга занжир солади», деб айтди. Бу ажойиб ишлардан ҳайратга тушган Саъд сесканиб уйғонди-ю, фифон чекиб, ҳар тарафга боқар экан, тонг отиб, ҳар томон ёришиб кетганини кўрди. Ўрнидан тура солиб, эшик томон ютурган эди, баражман эшикни очди. Саъд ташқари чиқди-да, ўзи ҳақида ғам чекишаётган ҳамроҳларини кўрди. Тушида юз берган ҳодисалардан савдоий бўлаёзган йигит кечгача бекарор бўлиб, фифону зор қилди. Мулозимлар яшил кийинган мусофирларга мурожаат этиб: «Сўзларинг рост бўлиб чиқди, хожамиз телба бўлиб қолди, энди ўзингиз чора топиб беринг», дейишли. Иккинчи мусофир эса: «Мен сенга: «Пир чорасини топиб беради, деган эдим-ку. Турақол, унинг олдига борайлик, шояд дардингга даво топилса», деди. Саъд ҳамроҳлари билан бирга пирни излашга тушди. Баланд тоғ томон йўл олишиб, тоғ ичидаги қоронғиғор ичига кирдилар. Фор ичига бир айвон бўлиб, уни тоғ қазувчининг тешаси ҳозирлаган эди. Унинг тўрида мўйса-фид пир ўтиради. Унинг танаси соchlари ичига яширган, гўё жаҳон тун зулмати ичига эди. Кўнгли ичига илмлар яширган, мисоли кон ичидан жавоҳир кони ўрин олгандек эди. Етти юз йилдан ошиқ умр қўрган, ҳаётдан умиди ҳам, қўрқинчи ҳам қолмаган бу кекса отини ҳалқ Пайлақус ҳаким деб атарди. Кирган одамлар ҳайратдан қотиб қўлларини қовуштирганларича жим туришарди. Улар кириб келганларини қўрган пир соchlаридан.

рини очиб юзини кўрсатгач, юзининг нури давронни қуёш нури ёритгандек равshan қилиб юборди. У меҳмонларга илтифот кўрсатди. Пирнинг шукухини кўрган мусофирилар туфроққа юзларини қўйишиди. Пир Саъдга бокиб: «Эй баҳтиёр фарзанд, жамолингни кўрибоқ барча ҳолингни фаҳмлаган эдим. Сўзларингни ўзинг бошидан охиригача айтасанми ё мен айтиб берайми?» деб сўраган эди, меҳмон ер ўпиб: «Ҳикматни Луқмон айтгани яхшироқ», деб жавоб берди. Донишманд табассум билан бошини эгиб ёқимли сўз бошлади-да, Саъд билан бўлиб ўтган барча воқеаларни бирма-бир айтиб: «Юзингни кўриш орзум эди. Тушинг таъбирини ҳам айтиб бераман ва уни амалга оширишга ҳам тадбир кўрсатаман, лекин сенга ҳозир айтишим керак бўлган гапларим бор», деди-да, ўзининг азалда шу бутхона пешвоси бўлганини, бир кеча шу ерда қолиб туш кўрганини, ундан кўнглига ғулфула тушиб, ҳар қанча изласа ҳам тўғри таъбир айтувчиларни тополмагани, охири бир Хизрга ўхшаган мўйсафида маслаҳати билан «Жомоспнома» китобини ўқиб, у ерда ўз тақдири ёзилганидан хабар топиб, юз йилдан бери шу маконда ибодатхонада кўрилган тушларга таъбир айтиш билан шуғулланаётгани, китобдаги таъбирга қўра Саъд исмли йигитни кутиб интизор бўлгани, ниҳоят унинг висолига эришганини батафсил сўзлаб бергач, кейин ўз меҳмони тушини изоҳлаб, биринчи қуш башорат қилган пари яшил кийингланлар шоҳининг қизи бўлиб, ниҳоятда гўзал ва шириңсўз экани, унинг баланд бир қасрда яшashi, қаср атрофини уч осмонўпар қўрғон ўраб туриши, олдинги қўрғонни Қатрон деган девсифат занги қўриқлаши, иккинчи қўрғонда бир кучли олим бўлиб, унинг саволларига тўла жавоб берган инсонгина кейинги, сехрли қўрғонга ўтиши мумкинлигини, у ерда эса сехр сирини фош этиш зарурлигини айтди.

Саъд пирдан шуни ҳам билиб олдики, малика васлига муштоқ бўлган ошиқларнинг қайси бири ана шу уч қўрғондаги тўсиқларнинг биронтасида мағлуб бўлса, дар-

ҳол қатл этилиб боши қўрғон кунгираси устига қўйилар экан. Шу пайтгача кўплаб бошлар кунгиралар устидан жой олган экан. Пир ўз сўзининг охирида Саъдга боқиб:

...Лек сен ҳеч навъ қайғурма,  
Ваҳм даштиға маркабинг сурма.  
Ким ани ҳақ санга насиб этмиш,  
Васли топмоққа вақт ҳам етмиш.  
Ҳар не қилғумдурур санга таълим,  
Андоқ этмак керак сен, этмай бийм»

деди-да, бир неча сўзларни айтиб: «Буларни ёдингда тутишинг керак», деб тайинлади. Сўнг чўнтағидан бир мунҷоқни чиқариб, қўлига тутқазди, бир мактубча ёзиб уни ҳам Саъдга топширди ва «Энди тезроқ йўлга туш, бу икки ҳамроҳинг сенга раҳбарлик қилишсин. Шахрисабз томон юриб, йўлда тўхтамай у диёрга етгин. Шу пайт икки ҳамроҳинг шоҳ олдига бориб, сен ҳақингда унга сўзлаб беришсин. Шунда шоҳ сенинг кимлигингни билгач, аввал Қатрон билан жанг қилишга буюради. Сенга ёзиб берган бир неча сўзимни тинмасдан такрорлаб юргин. Муҳра-мунҷоқни оғзингга солиб, унинг сувини душманинг томонга қараб туфла. Шунда у сўзлар сенга қувват бериб, душманингнинг қувватини кеткизади ва унинг уйқусини келтиради. Зангини мағлуб қилгач, биринчи қўрғонни эгалладим, деб ҳисоблагин-да, иккинчисига қадам қўй. У ердаги Масихо нафаслик пири комил ўз сўровларини бошламай туриб, хатни унга тутқаз. Уни ўқигач, пир сенга эъзоз билдириб, ишингни битказади, чунки у менинг шогирдим ва фарзандимдир. Сенга фамхўрлик кўрсатиб, афсунга қарши чора топиб беради. Сеҳрлар очилгач, сенинг барча муродинг ҳосил бўлади», деди. Шу сўзларни айтгач, қучоқлаб манглайидан ўпди-ю, шод бўлиб «Бизни обод қилдинг, обод бўлгил, ҳозироқ ўрнингдан туриб кунни кеч қилмай йўлга туш ва юриш-

да түхтай күрмә», деди-ю хайрлашди, пир шод бўлганича қолиб Саъд яхши кайфият билан йўлга равона бўлди.

Саъд ўз ҳамроҳлари билан водийларни туну кун бошиб ўтар экан, ниҳоят Каш шаҳрининг деворлари кўринди. Яшил кийимли икки дўсти саройга бориб, шоҳга ўз хожалари ҳақида сўзлаб, унинг камолоту фазилатларини мақтадилар. Шоҳ уларни яхши танир эди, чунки улар аслида шоҳнинг маҳрамлари бўлгандилар. Шунинг учун уларнинг сўзлари чинлигига ишонди-ю «Эртага уни хузуримга олиб келинглар», деб буюрди. Эртаси Саъдни ўз саройида кўрган шоҳ у билан кўришиб, ҳурматини жойига қўйди ва ўтириш учун тахт олдидан жой кўрсатди. Шоҳона таомлар тортилгач, танишлару бегоналар Саъдининг сухбатларидан баҳраманд бўлдилар. Ҳамроҳлари ўз дўстларининг муддаосини шоҳга айтган эдилар. Шу туфайли у Саъдга «Йўлдан чарчаб келгансан, бугун дамингни олгин-да, эртага қўргон томон боргин», деб буюрди. Саъд ер ўпиди, ўрнидан турди ва ўзига ажратилган манзилга бориб, базмни давом эттириди. Ўзи етишмоқчи бўлган маҳбуба ёди билан анча май ичди, кайфи ошиб, ёри кўчаси томон йўл олди. Ҳамроҳлари маст бўлиб ухлаб ётар эдилар. Саъд севимли дилдорини кўриш истагида қўргон ичига кирмоқчи бўлиб, деворлар атрофида маст ҳолда гоҳ туриб, гоҳ йиқилиб кезиб юрар экан, унинг овозини эшитиб қолган занги Қатрон келиб тутиб олди-ю, аввал ўлдирмоқчи бўлди, кейин кечаси билан уни занжирбанд қилиб эрталаб одамлар олдида ўз кучини кўрсатиб, душманларини қўрқитиб қўйишга қарор қилди. Сўнг уни қалъа ташқарисидаги фор ичига қамаб, оғзини катта бир тош билан беркитиб қўйди. Эрталаб ўзига келган Саъд кеча юз берган ишларни эслаб, тушида қўрган қуш сўзларини ёдига келтирди, сўнг кекса пир берган хатни ўқий бошлаган эди, танига қувват кириб, қўл ва оёғидаги занжирларни синдириди-да, фор оғзидаги тошни ҳам олиб ташлади, ханжарини қўлига тутганича Қатрон билан жанг қилиши керак бўлган майдон томон

йўл олди. У ерда барча ҳамроҳлари маъюс бўлиб туришарди, Саъдни соғ-саломат кўриб, кўнгиллари таскин топди.

Жанггоҳда баҳайбат занги ўзини шоҳлардек тутиб мағур турар, шоҳ қизи ўз отаси билан қасрнинг маҳсус майдончасида ўтириб томоша қилишар, чор атроф юз минглаб аҳоли билан тўла бўлиб, барчалари Саъд ғалабасига тарафдор эдилар. Занги фордан ўз тутқинини олиб келиш учун кетган чоғда майдонга Саъд кириб келди. Форга кирган Қатрон ўз бандисини тополмай ғазабланниб, майдонга қайтиб келди-ю, Саъдга ҳамла қилди. Кучкүвватда иккала паҳлавон тенг эди. Шу пайт Саъд пир берган мунҷоқни оғзига солди-да, сувини зангининг кийимига туфлади. Шунда Қатроннинг кўзига уйқу келиб, у беҳол бўлиб қолди. Саъд зангини ердан кўтариб олиб боши устида тутиб турар экан, халқ қий-чув қилиб юборди. Йигит рақибини боши устида айлантириб туриб, ергашундай урдики, у тупроққа нақшлангандек бўлиб қолди. Томошибинларнинг таҳсин овозлари осмону фалакка етди. Шундан сўнг Саъд «Яна нима қилай, айтинглар», деган эди, мулозимлар уни донишманд олим томон олиб боришиди.

Биринчи қўрғонни босиб ўтган Саъд иккинчи қалъага кириб борганида, уни кўрган ҳаким ҳайрат билан боқар экан, йигит Пайлақус ҳаким ёзиб берган мактубни унинг қўлига тутқазди. Донишманд хатни очиб, устозининг отини кўрди-да, ўлиб ерга бosh урди. Устози ўзининг аҳволи ва Саъдинг муаммолари ҳақида ёзган, хусусан, учинчи қалъадаги сеҳрни фош қилишда ёрдам беришини илтимос қилган эди. Аллома «Зол аталган у сеҳрни мен ясаганман. У ерда бир тимсо.. бўлиб, унинг атрофида кўзга ташланиб турадиган турли нарсалар аслида мавжуд эмас. Сен у ерга боргач, қўрғон ичидаги зол-кампир тимсолига бир ўқ отсанг, мақсадингга эришасан», деди. Саъд шоҳ олдига йўл олди-ю «Энди қайси ишни бажарай?» деб сўради. Мулозимлар уни учинчи қалъадаги

кампир тимсоли томон бошладилар. Саъд киргач, орқасидан кўплаб одамлар томоша қилиш учун эргашишди. Майдонда бир кампир тимсоли ваҳимали қилиб ишланган бўлиб, унинг атрофида бир неча аждаҳо оғзидан ўт сочиб турарди. Саъд қўрқув билмай илдам юриб бордида, кампир кўкрагига зарб билан тепди. Тимсол ўз еридан тебраниб, кейин бутун аъзоси бирма-бир тўкилиб тушди. Унинг кўриниши одамга ўхшаган бўлиб, латталарни бир-бирига ёпишириб ясалган экан. Атрофидаги аждаҳолар ҳам қалбаки бўлиб, оғзидан отилаётган ўтлар қизил ипак матолар экан.

Саъд сеҳрларни ўй қилгач, шоҳ қошига борди. Ҳуқмдор уни қучоқлаб, юзидан ўпди-да, фарзанд деб қабул қилгани, ўзини ота сифатида билишини айтиб, «Яшил жаннат» деган гулшанга бошлади. У ерда «Яшил қаср» деган қаср мавжуд бўлиб, шу ерда тўй башланди. Унга Шахрисабзнинг барча халқи қатнашди. Сўнг фаришта билан пари қуёш билан тонг юлдузи каби висолга етишишди. Орадан кўп ўтмай, шоҳ оламдан кўз юмди-ю, шаҳзода унинг тахтини эгаллади. Саъд кийимлари ва тожу тахтини яшил рангли қилгач, яшил кийимли икки дўстини вазир қилиб тайинлади. Бўйтон сарвига ўхшаган гул юзли маҳбубасининг барча кийимлари ҳам раён рангидаги ипакдан эди. Икковлари шодликда ғам билмай яшадилар, уларнингadolатидан мамлакату халқ ҳам хурсанд эдилар. Яшил ранг-баҳор ранги, сабзаю ўтлоқлар рангидир. Хизрнинг абадий ҳаётга эришганлиги сабаби ҳам унинг шу рангдан нишон топгани бўлса, не ажаб!

Мусоғир ўз қиссасини тугатгач, шоҳ Баҳром ундан ватани ва аждодларини сўраган эди, у: «Мен Шахрисабзнинг таниқли одамлариданман, Саъднинг сулоласидан бўламан», деб жавоб берди. Шоҳ унинг кимлигидан ха- бар топгач, шаҳарга волий этиб тайинлади-да қайфулари унутилиб, уйкуга кетди.

## XXVI

Сешанба куни тонг отгач, шоҳ Баҳром гулранг киёймларини кийиб, гулгун таҳт турган гулгун уй ичиға кириб, гулгун қасрда май ичиш истагини билдириди. Гулгун ипак киёймли, гул юзли сарвдек гўзал маҳбуба шоҳни таъзим билан кутиб олиб, икковлари гулранг таҳтга чиқиб ўтиришди-да, лаъл қадаҳларда гулгун май ичиб, юzlари ҳам гулгун бўлди. Куни билан базм давом этиб, қоронғи тушгач, шоҳ кўзи майдан қизарган бўлса ҳам, уйқу келавермади. Мулозимлар ҳар кунгидек йўлга чиқиб сўзга чечан бир мусофири бошлиб келишиди. Баҳром «Парда орқасида ўтириб, бошидан ўтган воқеалардан гапириб берсин», деб буюргач, меҳмон олдин шоҳга ҳамду сано айтиб «Шоҳнинг бахти беҳисоб бўлиб, юзи иқбол жомидан гулгун бўлсин», деб дуо қилгач, ўз афсонасини бошлади.

### Тўртинчи иқлим йўлидан келган мусофирининг ривояти

Бундан бир неча йиллар муқаддам Дехли шаҳрида жуда бадавлат шоҳ ҳукмронлик қилар, унинг мулку давлати, қўшинидаги сипоҳлари беҳад кўп экан. Жўна отли бу шоҳ ўзининг саховати билан машҳур бўлиб, халқини мўл-кўл молу давлат бериб хурсанд қилар экан. Юзлаб, минглаб мұхтоҷ одамлар унинг эҳсонига сазовор бўлган экан. Бир куни бир меҳмон шоҳга ажойиб бир кўзгуни совға қилди. Унинг рўпарасида ўтирган ҳар бир киши рост сўзлаётган бўлса, юзи нурли бўлиб кўринар, ёлғон сўзлаётган бўлса, юзи қора тусга кираарди. Кўп киши кўзгуга боқиб туриб сўзлар эканлар, шу ҳақиқатга гувоҳ бўлдилар. Бу совғадан мамнун бўлган шоҳ меҳмонга кўпдан-кўп молу давлат бериб хурсанд қилди. У билан суҳбат қилиб туриб: «Сен оламда кўп ўлкаларни кезиб чиқсан, минглаб одамлар билан суҳбатлашган инсон экансан. Айтчи, менга ўшаган сахий кишини эшитганмисан

ёки ҳузурига бориб хизматини қилганмисан?» деб сўраб қолди. Бу саволдан гангиб қолган меҳмон қандай жавоб беришни билмасди. «Ҳа» деса, шоҳнинг кўнгли ранжиши муқаррар, «йўқ» деса, ёлғон гапирган бўлади. Охири ёлғон бўлса ҳам «Йўқ, кўрмаганман», жавоб қилди. Шоҳ «Шу гапинг ростми?» деб сўради, меҳмон «Ҳа рост», деб таъкидлади. Шоҳ «Унга ҳалиги кўзгуни тутиналар», деб буюрган эди, меҳмоннинг юзи қора бўлиб кўринди. У хижолат чекиб нима дейишни билмай тураркан, шоҳ «Эй покиза инсон, сен мен туфайли шу ҳолатга тушдинг. Ёлғон сўзлаганинг учун юзинг шундай кўринди, энди рост гапиргин, шунда юзинг ҳам пок бўлиб кўринади», деди. Меҳмон «Кўрганман», деган эди, шоҳ унга яна кўзгуни рўпара қилди, бу сафар унинг юзи оқ бўлиб кўринди.

Шоҳ меҳмонга яна мурожаат қилиб «Мендек саховатпеша инсон ким экан, айтиб бер», деб сўради. Меҳмон «Ҳақиқатни айтишдан бошқа чорам қолмади. Фақат менинг узундан узок ҳикоямни бир ўзинг эшитсанг, дуруст бўлади, деб ўйлайман», деди. Аъёнлару мулоғимлар уларни ёлғиз қолдирдилар. Меҳмон сўз бошлади «Ҳиндистонда жаннат боғидек гўзал бир шаҳар бор. У сенинг мамлакатинг ичida жойлашган бўлиб, хазинангга ҳар йили мол юбориб туради. Мақтовга арзирли бу шаҳарнинг номи Тароз бўлиб, ўзи мажозий ишқ каби дилкашdir. Балки у ерда сен ҳам бўлгандирсан, ҳеч бўлмаса унинг мақтовини эшитгандирсан?». Шоҳ «У шаҳарни зиёрат қилмаган бўлмасам ҳам, халқдан васфини эшитганди. Сен ўз ҳикоятингни давом эттириб, кўрганларингни баён қилавер», деб буюрди. Меҳмон ўз сўзини шундай давом эттириди «Тароз жаннатмисол шаҳар бўлиб, туби каби дараҳтлари осмонга етай дейди. Кавсарсимон сувлари ҳар томонда оқиб туради. Ҳавоси жаннат боғидаги каби жонпарвар ўрмони боғдан ҳам яхшироқ, у шаҳарда боғ-бўстонсиз киши йўқ. Ҳар бир кишининг боғи гўзалликда бетакрор. Шоҳ адолати туфайли халқ бой яшай-

ди. Шаҳару кўчалар жаннатдек обод, уйлари билан одамлари қасрлару ҳурларни эслатади. Халқининг молдунёси шунчалар кўпки, бойлигини қўйишга жой топмайди.

Мана шу шаҳарда ажойиб бир йигит яшайди, унинг мақтовини мингта сўзамол ҳам айтиб тугатолмайди. Ҳуснда осмон қуёшига, лутфу эҳсонда ҳаёт сувига ўхшайди. Ўзи ёш бўлса ҳам, илму камолоти чексиз. Ҳар бир фани шундай мукаммал эгаллаганки, кўп олимлар унга мулизимлик қилишади. Баҳт юлдузи бўлган бу йигитнинг оти Масъуддир. У ҳар куни гулзорда кезиб, гулранг бода ичишни ёқтиради. То гул бор экан, гулзорда дўстлари билан базм қилишади. Бошларидан оёқларигача гул сочишиб, гул ичига ғарқ бўлишади. Гул фасли тугагач эса базм гулранг қасрда давом этади. Гулранг кийимлар кийган барча одамларнинг айш гули очилиб, бошларидан гуллар сочилади. Унинг базми фирдавс боғига ўхшайди. Менинг бу гапларим унга хос фазилатларнинг юздан биригина, холос. Унинг саховатини эса мен эмас, юзта Хотамтирилса ҳам, айтиб адо қилолмайди».

Бу сўзларни эшитган шоҳнинг сабру қарори қолмай, ўша соҳибкарам йигитни кўриб, унинг ҳаёти билан танишишга аҳд қилди-да, сарой аҳлига: «Мен бир ҳафта ҳарамада ором олиб май ичмоқчиман. Ҳизмат аҳлини ҳам бир ҳафтага ишларидан озод қиласман, улар уйларида роҳат қилиб шод бўлсинлар», деб фармон берди-ю, ҳарамини маҳсус одамларга топшириб уларга зарур вазифаларни юклиди.

Жўнанинг ерда тез юрувчи бир улови бўлиб, уни «Сари ус-сайр» деб аташарди. Бир ҳафталик йўлни бир кунда босиб ўтишга қодир бўлган бу уловга тез юришда чақмоқ ҳам бас келолмас, осмондаги қушлар ҳам унга етолмасди. Шоҳ унга минди-да, юз ёғочлик йўлга икки кунда етиб борди.

Тароз шаҳри беҳишт боғига ўхшаб, туфроғидан атириси уғуриб турар, ўз меҳмони тасвирлаганидан юз мар-

та гўзалроқ эди. Шоҳ одамлардан сўраб, Масъуд яшайдиган манзилни тезда топди. Унинг рўпарасида баланд бир дарвоза туар, унинг олдидаги майдон эса халқ билан тўла эди. Эшик олдида мусофиirlарни кутиб олишга кўйилган ходимлар ҳозир туришарди. Улар Жўнани мусофиirl деб хаёл қилдилар-да, ҳол-аҳвол сўрашгач, меҳмонхонага бошлидилар. Отини отхонага боғлаб, ўзини қасрга таклиф этдилар. Меҳмонхона бир қаср бўлиб, ундаги барча нарсалар шоҳона кўринишга эга эди. Бу ерда Жўнага ором беришди-да, олдига хилма-хил таомларни тортишди. Кўп ўтмай меҳмон қошига мезбон кириб келди. Унинг хулқу камоли Жўнани ҳайратда қолдирди. Масъуд сўзларини тугатгунча, меҳмон таомланиб бўлди. У ўз меҳмонидан «Мизожингиз бода тилайдими?» деб сўраб, сўнг бода келтиришни ва базм тайёргарлигини кўришни буюрди. Қаср ёнида бир ҳаммом қурилган бўлиб, ундаги ҳамма ашёлар қимматбаҳо тошлар билан безатилган, ҳовузларда сув ўрнига гулоб тайёрлаб кўйилганди. Масъуд меҳмонни ҳаммомга таклиф этди. Шоҳ ҳам ҳаммомга кириб йўл гардидан тозаланишни истаб турган эди. Мезбон таклифини қабул қилиб ҳаммомга кирди-ю, у ердаги нарсаларни кўриб ҳайратланди. Бундай ҳаммом унинг саройида ҳам йўқ эди: зарҳал тослар қуёш каби ялтирас, кумушдан ишланган дасталари ҳилолга ўхшар, лунгилардан мушку анбар ҳиди таралар, уларни тикишда ип ўрнига заррин иплар ишлатилган эди. Хизматчилар янги очилган гулга, йўқ, йўқ, ҳаммом ичидаги париларга ўхшашарди. Бу ерда йўл чангидан фориғ бўлган Жўна ҳаммомдан чиқар экан, унга гулранг ипакдан тикилган кийимларни кийдиришди. Шу хил рангдаги кийимларни кийиб олган Масъуд билан икковлари базмгоҳ томон йўл олишди.

Базм жаннатни, ҳур ва соқийлар кавсар билан бодани эслатишарди. Масъуд ўз меҳмонини ўтқазиб, кейин ўзи ўтирди. Мажлис аҳлининг барчаси гул юзли бўлиб, кийимлари гулнорий рангда эди. Мезбон ҳукм қилган эди,

хушбичим бир соқий келиб, меҳмонга гулгун бода тутди. Қадаҳлар пай-пайдарпай айланар экан, май мажлис аҳлининг бошига чиқди. Шоҳ ҳам бодадан боши қизиб, ихтиёrsиз ҳар хил гапларни сўзлай бошлади. Унинг тўхтовсиз сўзлашини кўрган мезбон ҳам ҳайрон бўлиб қолди. Жўна унга қараб: «Эй баҳтиёр йигит, қиёфанг ҳам исминг каби масъуд экан. Мен Ҳинд мамлакатини кезиб чиқкан одамман. Лекин тангри шу қадар донишу салоҳиятни, мунча жамъияту рафоҳиятни насиб этган бошқа бир кишини кўрмаган эдим. Буларнинг барчасига қандай қилиб эришдинг? Шу саволимга жавоб бериб, менинг ҳайратимин бартараф айлагил», деб илтимос қилди. Масъуд унга: «Эй муборак юзли азиз инсон, саволингга жавоб бериш менинг бурчимдир. Буларнинг барчаси Яратганинг неъматлариdir. Бизнинг шоҳимиз олам аҳли бошидаги тангри соясидир. У ниҳоятда одил, ўз адолати билан олам аҳлини ҳайратга солган ҳукмдор. У адолатни қарор топтириб, зулм торларини шундай узib ташлаганки, натижада бутун мамлакатда тинчлигу омонлик ҳукм суради. Юртда тинчлик бор экан, мамлакат ҳалқи аҳилликда яшайди, илму ҳунар ҳам ривож топади. Бошқаларга қараганда мол-дунёнинг кўпроқлигига эса икки ишим сабаб бўлган деб биламан. Бири Яратганинг шукрини адо қилмоқ бўлса, иккинчиси шоҳни доимо дуо қилмоғимдир. Ана шу икки ишдан ғофил қолган одамлардан нимани кутиш мумкин?» деб жавоб қилди.

Бу сўзлар шоҳни шундай хурсанд қилдики, фарёд уришига оз қолди. Унинг кўнглидан Масъудга бўлган меҳр жой олди. Хушҳол бўлганидан ҳар хил воқеаларни ёқимли, равон қилиб сўзлаб берар экан, базм аҳлини лол қолдирди. Масъуд ўз меҳмонининг фазлу донишда замонанинг ягонаси эканлигини кўриб, унга жонини фидо қилгиси келарди. Ҳар тарафга кетган савдогарлардан бири шу куни ҳисобсиз фойда билан қайтиб келган эди, Масъуд мамлакатнинг бир йиллик хирожига тенг бўлган шу фойдани ўз меҳмонига тортиқ қилди.

Мезбон базмни янада безатиши учун «Үнта ҳур шоди-  
ёна кайфият билан раҳба (шодлик уйларининг) эшигини  
очсинларда, халойик бошига гуллар сочсингилар», деб бу-  
юрди. Куз фасли бўлишига қарамай, эсиб турган шамол  
гулларни соча бошлади. Ясалган барча гуллар ёқимли  
ҳид таратиб, базмни беҳишт гулистонига айлантириди.  
Масъуд бир томонга қараб имо қилган эди, бир гул юзли  
гўзал келиб, табассум билан қуёшдек порлаб турган бир  
жомни тўлдириб шоҳга тутди-да, уйни қуёшдек ёритиб  
юборди. Мезбон шоҳга қараб «Бу жомнинг хосияти шун-  
даки, бир тўлгандан сўнг, хеч қачон майдан бўшамайди,  
у ўнг томонга қараб айлантирилса, ичган билан ундаги  
май асло тугамайди, тўлдирилгач, чап томонга қараб ай-  
лантирилса, оз-оздан ичилса ҳам камайиб боради. Буни  
ясаган олимлар унга ана шундай тилсим боғлашган». Шу  
заҳотиёқ уни синаб кўришган эди, мезбон айтган фикр-  
лар тасдигини топди. У жом шоҳни бодапараст айлади-ю,  
ичмасдан туриб маст бўлди. Масъуд уни ҳам меҳмонига  
ҳадя қилди. Шоҳ шодлик ичига сифмай ундан май ичар  
экан, ақлу хушини ҳам йўқотди. Базм тугагач, барча  
ухлаб ором олди. Тонг отгач, гулгун қасрда яна кечаги-  
дек базм бошланди. Масъуд шарофати билан ажойиб  
бир соз ва уни чалувчи дилнавоз гўзал кириб келди.  
Сознинг номи «чанг» бўлиб, созандо юзига гулранг ипак  
парда ёпиғлиқ турарди. Масъуд: «Созини кўлига олиб,  
юзини очсин-да, ўтириб чалишга киришсин», деган эди,  
хур ўтириб, пардасини юзидан олди-ю, элни ақлу хуши-  
дан жудо қилди. Чанг торларининг фивони ўтирганлар-  
нинг жонини олгудек янгарди. Ҳур ва унинг кўйига  
асир бўлган шоҳ фарёд чекарди. Мезбон уларни ҳам  
шоҳга армуғон қилиб берди. Масъуд шу тарзда туну кун  
Жўнага хилма-хил нарсалардан тортиқ қилиб турди. Бу  
кун шу хилда ўтиб кеч бўлгач, базм аҳли уйқуга кетди.

Эртаси куни тонгдан аввалги икки кундагидан ҳам аъло-  
роқ базм бошланиб, май ичиш, гул сочиш, чехраларни  
қизартириш давом этди. Зебу зиёфату айшу ишрат ол-

динги кундагидан күпроқ эди. Саховатли мәхмөн яна амр қилған эди, бир мулозим тезда бориб чақмоқдан ҳам тез-роқ югурувчи, номи «Гулгүн» бўлған гулгүн рангли биро отни келтирди. Юриши бошқа отлардан ўн марта тезроқ бўлған бу от бир кечакундузда юз ёғоч йўлни босиб ўтар экан. Масъуд бу отни ҳам шоҳга тухфа қилди. Жўна барча совғаларга қараганда бу отдан күпроқ хурсанд бўлди. Мезбон унга олдинги икки кундагидек тортиқлар қилиб, мәхмомининг кўнглини олди. Шом бўлгач, базм аҳлининг барчаси маст бўлиб ухлаб қолишиди.

Эрталаб бўлгач, Жўна кўз очиши биланоқ мезбон ўзи мәхмоми томон шодликка тўлиб кириб келди. Икковла-ри суҳбатлашиб ўтиришаркан, шоҳ Масъудга қараб: «Эй гўзал чехрали дўстим, кўнглимизни жуда хурсанд қил-динг, сен қилған мәхмомдорчиликни ўлгунча ҳам унута майман. Сендан айрилиш ҳар қанча оғир бўлса ҳам, рух сат берсанг, биз йўлга тушсак», деб қолди. Айрилик сўзини эшитган Масъуд

Деди: «Эй раҳнаварди кор огох,  
Не ҳадис эрдиким, дединг ногоҳ.  
Суҳбатинг бирла бор эдук хушҳол,  
Бизга ҳажринг қилур мушавваш<sup>7</sup> ҳол.  
Хизматингда гар айладук тақсир<sup>8</sup>,  
Сен карам бирла топмагил тағийир<sup>9</sup>.  
Шод эдук меҳрваш жамолингдин,  
Мутаматтиъ<sup>10</sup> чучук мақолингдин.  
Неча кун турсанг ўлғабиз масрур<sup>11</sup>,  
Йўқса тақсиримизни тут маъзур»<sup>12</sup>.

<sup>7</sup> мушавваш – ташвишли

<sup>8</sup> тақсир – айб

<sup>9</sup> тағийир – ўзгариш

<sup>10</sup> мутаматтиъ – лаззат, баҳра олиш

<sup>11</sup> масрур – шодмон, хурсанд

<sup>12</sup> маъзур – кечирмоқ

Шоҳ унга ўз узрини айтиб, хайрлашди-да, пойтахти томон йўлга тушди. «Гулгун»га мингган Жўна ўша куниёқ Дехлига етиб келди. Масъуд шоҳга берган инъомларини ўзининг ишончли мулизимларидан бериб юборди. Бир неча кундан сўнг бу тортиқлар ҳам шоҳ саройига олиб келинди. Шоҳ Масъуднинг қилган ишларидан, сон-саноқсиз берган совғаларидан ҳамон ҳайратда эди. Уни эсига олиб гулранг тўн кийди-да, гулгун жомга май қўйиб ичди.

Тароз шаҳрида ҳиммати пасту, мансаби юқори бўлган бир одам волийлик қиларди. У Жунпур деган шаҳардан бўлиб, оти Жайпур эди, ўз зулми билан Ҳинд мамлакатида машҳур бўлганди. Унинг устидан Жўнага кўп шикоятлар келиб тушган бўлиб, шоҳ қанча-қанча гуноҳларидан ҳам хабардор эди. Шунинг учун шоҳ «Ҳозирнинг ўзида фармон ёзиб Масъуд томон йўлланглар: Масъуд Тароз шаҳрига волийликни қабул қилиб олсин», деб буйруқ берди. Лекин бу фармондан олдин ушбу хабар Жайпурга етиб бориб, уни изтиробга солди. Салтанати қўлидан кетгани, шоҳ адолатни қарор топтирадиган бўлса, ўзининг кўплаб айблари очилиши ва ҳукмдор уни жазолаши муқаррарлигига кўзи етган золим волий Маллу деган ўзидан ҳам золимроқ ноибини чақириб, шоҳ фармони ҳақида маслаҳатлашиб «Энди бу фармонга қарши қандай чора топамиз», деб мурожаат қилди. Маллу: «Бу ишларнинг барчасига сабабчи Масъуддир. Шоҳга унинг сахийлиги ҳаддан зиёда эканлиги, элга қилаётган яхшиликлари ҳақида хабар етиб борганга ўхшайди. Шундан кейин у Масъудни сендан афзал кўриб, сен айтган фармонни эълон қилган. Уни йўқотсан, ҳамма нарса ўзингда қолаверади. Масъуднинг ўлимидан изтиробга тушган шоҳ ҳам ўлиб, мамлакат сеники бўлади», деб жавоб қилди. Жайпур: «Бу ишни қандай қилиб амалга оширамиз», деб сўраган эди, Маллу: «Олдин унга ўзингни дўст қилиб кўрсатиб, уйингга чақириб меҳмон қил, кейин унинг уйига ҳам бор, икки орада дўстлик қарор топгач, у ёғини менга қўйиб берасан», деди. Жайпур бу маслаҳатдан хур-

санд бўлиб, Масъуд билан яқинлашишга киришди, юз хил ҳийлаю найранг ишлатиб, сирдош дўсти бўлиб олди. Бир неча бор уйига чорлаб меҳмон қилди-да, ўзининг садоқатли дўст эканига ишонтириди.

Бир куни Масъуднинг уйига меҳмон бўлиб борган Жайпур шомгача уни маст қилди-да, ўзи ҳам кўп ичиб, гулзор ичида ётиб қолдилар. Бу ҳолатдан Масъуднинг ходимлари бехабар эдилар. Бир пана жойда бекиниб турган Маллу бир неча ҳамроҳлари билан мезбонни боғ ичидан топдилару қўл-оёқларини маҳкам боғлаб, бир муттаҳамга кўтартириб яширинча йўлга тушдилар ва Масъудни қоп-қоронфи чоҳ ичига ташладилар.

Тонг отгач, Масъуднинг мулоzимлари ўз хожаларининг фойиб бўлганидан огоҳ бўлиб, ҳаммаёқни изладилар-у ҳеч қаердан тополмадилар. Барчанинг изтироби ошиб фифон кўтардилар. Волий ўзини ғам чекаётгандек қилиб кўрсатса ҳам, бу воқеадан жуда хурсанд эди. Етти оши берилгач, Масъудни азоб билан чоҳдан тортиб бир уй ичига олиб киришди, сўнг Маллунинг амри билан унинг кийимларини ечиб, яланочлаб, икки киши ушлаб туриб, яна иккитаси калтаклашга тушди. Масъуд ҳар қанча ёлвориб, мол керак бўлса, беришини айтса ҳам, тўхтовсиз калтаклашда давом этишарди. Иккала ёғоч синиб, икков калтакловчи чарчагач, Маллу: «Уришни бас қилинг, уни азоблаб ўлдиришимиз керак», деб буюргач, боши ва оёғини босиб турган икки золим уни қўйиб юборишди.

Азоб чекаётган Масъуд туриб ўтириди-да, деди:

Ки: «Гуноҳим недур, мусулмонлар!  
Қилмади буйла зулми ёронлар!  
Зулму бедод расмидин қайтинг,  
Гуноҳе айлаган эсам, айтинг.  
Одами жойизул хато бўлмиш,  
Бу хато барчага раво бўлмиш.  
Ўткарай ҳар не таржумон десангиз,  
Молдинким десунки, жон десангиз».

Лекин ҳар қанча илтижо қилмасин, золимлар парво қилмай, уни яна боғлаб, ўша чоҳ ичига ташладилар. Неча кунгача Масъуд шу хилда азоб чекди. Юзида ранг қолмай, кўз ёш тўкиб, жонидан умидини узган бегуноҳ йигит «Менга раҳм қилиб, тиф уриб, ўлдиринглар», деб фифон қиласди. Охири зулмгар жафо қилишдан тўйиб, эртаси куни уни ўлдиришга қарор қилди. Маллу чоҳ бошига бир кишини қўйиб, Жайпур хузурига хурсанд бўлиб бориб, Масъудни ўлдиришга рухсат олди-да, уйига келиб базм тузди-ю, кетма-кет ичкилик ичишга киришди.

Маллунинг гул юзли бир қизи бўлиб, Масъудга ошик эди. Бу ажойиб йигитнинг фазилатларини эшитган, узоқдан туриб уни кўрган ҳам эди. Ўз севгиси ҳақида ҳеч кимга айта олмай, пинҳона куярди. Қиз уйда экан, бир мазлумнинг қоронғи чоҳ ичидаги ётганини эшитган эди-ю, унинг кимлигини сўрашга қўрқарди. Бу кеча отаси ҳам, қариндошлию мулозимлар ҳам, маст бўлиб ётишганини кўриб, чоҳ олдига борди. Қараса, чоҳ қоровули ҳам мастилик уйқусида экан. Маҳваш нозанин чоҳ бошини очиб ёқимли овоз билан «Эй ғам чекувчи инсон, сен қайси мазлумсан, отинг нима, бу пайт ўликмисан ё тирикмисан?» деб сўради. Бу овозни эшитган Масъуд жисмига жони қайтиб келгандек, нола қилиб: «Отим Масъуд, юз туман бало остида азоб чекяпман. Сен айт: одаммисан ёки фариштамисан? Овозингдан танимга жон келди, кўлингдан келса, кутқариш фикрини қилгин, бўлмаса, мени ўлик деб билгин», деб жавоб қилди. Қиз унинг отини эшитгач, ҳаяжонга тушиб, кўнгли ишқ ўтида ўртанди. Кўпдан бери унинг ҳажрида қон ютиб юрган, неча кун давомида мотам тутган, фойиб бўлганини билса ҳам, ўлганини эшитмаган бу қиз отасининг бешафқатлиги, пасткашлигини яхши биларди. Кўнглига гумон тушиб, маҳбуста яна саволлар бериб, унинг чиндан ҳам Масъуд эканига ишонч ҳосил қилди-да, кутқариш чорасига киришди. Иккита маҳрам канизи париваш севгисидан огоҳ эдилар. Учовлари имконлари борича ҳаракат қилиб, йи-

гитни чох тагидан чиқариб олишди. Унинг танида рухдан нишон ҳам йўқ эди. Қўл-оёғини ечдилар-да, ҳолини сўраш маҳали эмаслигини, бу ерда узоқ қолиб кетиш фойдасиз эканини англаб, икки каниз кўтариб яширинча уйга олиб кирдилар. Масъуд бу ерда қанча ётса ҳам, ҳеч ким гумон қилмаслигига ишонардилар. Тагига бир неча қават тўшак солиб ётқизишди-да, гоҳ шарбат, гоҳ таом бериб, меҳрибонлик кўрсатиб, атрофида парвона бўлишарди.

Тонг отгач, Маллу Масъудни ўлдириш учун чох томон йўл олди. Қараса, зиндан боши очик, посбон эса маст бўлиб ухлаб ётибди, банди эса йўқ. Посбонни дарҳол ҳалок қилган Маллу ўз жонини омон сақлаб қолиш мақсадида волий олдига қараб югурди ва бўлган воқеани сўзлаб берди. Икковлари ғамга чўмиб, Масъудни қидиришга тушишди. Шаҳардан тополмагач, тоғу даштдан излашга киришишди. Ўн кун тўхтовсиз қидирсалар ҳам, ундан нишон тополмадилар. Бу вақт ичида Маллу қизининг меҳрибонлиги туфайли Масъуд ҳам нотавонликдан кутулди. Қиз иккита от олиб келди-да, икковлари тун коронфусида қочиб кетишди. Маллунинг одамлари эртаси бу ишдан огоҳ бўлишиб, уларни қувишига киришишди. Қувувчилар билан уларнинг ораларида бир ёғоч ма-софа қолгач, икки бечора қўрқувга тушишди. Шу пайт денгиз қирғоғида бўш бир кема турганига кўзлари тушкиди-ю, эгаси билан ижара ҳақини келишиб денгизда тезлик билан сузиб кетишди. Икковлари сувда ўн кеча-кундуз сузишгач, ниҳоят қирғоққа тушишди ва отларига миниб, шаҳар томон йўл олишди. Кечаси билан йўл юриб шаҳар чеккасига етиб келишганда, бир эски қалъа ичидан чиқиб келган қароқчилар уларга ҳужум қилиб, оту тўнларини тортиб олишди-да, ўз қароргоҳларига қайтишиди. Икковлари кийимсиз қолиб ҳайрон бўлиб туришаркан, бир тўда отлиқлар ўтиб қолишди. Масъуд уларга юз берган воқеани сўзлаб берган эди, раҳмлари келиб, бир-икки эски кийимни ташлаб кетишди. Уларни кийиб

олган икки мусофири бир жайронада кечани ўтказишиди. Йўлда толиқанлари учун шу ерда бир оз дам олишмоқчи бўлишиди. Овқатсиз қийналиб, очлик азоб бера бошлагач, Масъуд беҳол қизни жайронада қолдириб, бирон егулик топиб келиш учун шаҳар томон йўл олди. У бозор ичига кириб борган эди, шоҳ базми учун мевалар сотиб олаётган мулозимларга кўзи тушди. Улар мева ва қўкатлар солинган саватларни саройга элтиб бериш учун ҳаммоллар ёллашаётган эди, Масъуд ходимнинг ҳар бир сават учун икки дирамдан тўлаши ҳақидаги сўзларини эшитди-да, битта саватни кўтариб ҳаммоллар сафига кўшилди ва сарой томон йўл олди. Йўл анча узоқ бўлганидан, у ҳолдан тойган ҳам эдики, шоҳ чорбоги кўринди. Масъуднинг кўзи гулшан ичиди мусиқа тинглаб май ичиб ўтирган Жўнага тушди. Шоҳ Масъуд билан бўлиб ўтган воқеалардан хабар топиб уни эслаб, май ичиб зорзор йиғларди. Боф ичиди эса Масъуд отбоқар олдида турган «Гулгун»ни кўрди, унинг тамғасига боқиб, ўзи меҳмонга тақдим этган оти эканига ишонч ҳосил қилди, лекин «У меҳмон бу ерга келиб, отни шоҳга совға қилган экан-да», деган хаёлга борди. Сал нарироққа юрган эди, қулоғига Жўнага ўзи тақдим қилган созанда қизнинг куйи ва ашуласи эштилди. У Масъудга яхши таниш бўлган шеърни куйларди. Кўнглига изтироб тушган ҳолда «Меҳмон бу қизни сотиб юборган экан-да», деб ўйлади.

Масъуд шоҳона асбоблар орасида турган сеҳрли жомни ҳам кўриб, ичи қонга тўлди. У ўзи берган гулранг тўнда, гулранг таҳт устида, гулранг тож кийиб ўтирган шоҳнинг ўз меҳмони эканини дарҳол англаган эди, лекин ўзини танитиш масаласида ўйланиб қолди. «Агар ўзимни ҳозир танитсан, қилган яхшиликларим учун совға кутгандек бўлиб кўринаман», деган хаёлда эди Масъуд. Саватни унинг бошидан олишгач, кўзлари ёшга тўлиб боғдан чиқиш учун дарвоза томон бораётган чоғда ҳузурига шоҳ билан ҳамроҳ бўлиб борган мулозимлар уни таниб қолишиб оёғига таъзим қилдилар-да, йиғлаб кўриш-

дилар. Масъуднинг ҳам беихтиёр равишда кўзларидан ёшлар оқа бошлади. Бу ғала-ғовури шоҳ ҳам эшиитди ва воқеани англаб ичкаридан югуриб чиқиб келди. Дўстини бу аҳволда кўриб, ёруғ жаҳон кўзига қоронғи бўлди. Бўйнини қучиб, ёш тўқар экан, Масъуд шоҳ оёғига бош қўйди. У тарафдан эса чиний канизак кўз ёш қилиб чиқиб Масъуд бошидан айланиб ўргиларди.

Изтироблари таскин топгач, шоҳ унга бир неча мулоғимни тайинлаб: «Уни ҳаммомга элтинглар», деб буюрди, лекин Масъуд ўз ҳамроҳига жони ачиб, у ҳақидаги гапларни шоҳга баён қилди. Жўна бу сўзларни эшигтгач, бир неча аёлга гулранг кийимлар ҳозирлаб, қизни олиб келишни буюрди. Мулоғимлар ва гулчеҳра ходималар уни вайрона ичидан топдилар-да, бошидан оёғигача гулранг кийимлар кийдиришиб, кажава ичига ўтқазиб шоҳ турган гулшанга етказдилар ва қаср ичига олиб кирдилар.

Масъуд иссиқ сувда ювиниб чиққач, ўзига тайёрлаб қўйилган гулгун либосларни кийди-да, шоҳ ҳузурига йўл олди. Жўна уни ўғлидек кўриб, бошидан ўтган воқеаларни сўради. Мехмон ўз саргузаштини сўзлаб берар экан, шоҳ тинмай кўз ёшларини тўқар эди. Ҳукмдор уни ўзига дўст тутиниб, туну кун ҳамдаму мусоҳиб эди. Сўнг кўпдан-кўп ҳазиналар бериб, Маллу қизини унга никоҳлади ва Тароз, Дарбаст шаҳарлари ва бир неча ўлканинг волийлигини унга топширди. Шоҳ амри билан Маллу ва Жайпур қатл этилди.

Хушдуур бояни коннот гули,  
Барчадин яхшироқ ҳаёт гули.

Мусоғирнинг бу афсонасидан шоҳ Баҳром хурсанд бўлди. Мехмон ҳам Тароз шаҳридан бўлиб, Масъуд наслидан экан. Шоҳ уни ўзига ҳамдам қилиб олиб, бойликлар билан бирга Тароз мулкини ҳам тортиқ қилди. Шундай буйруқларни бергач, хотиржам бўлиб уйқуга кетди.

## XXVIII

35

Чоршанба куни тонг отгач, шоҳ Бахром нилуфар раинидаги кийимларни кийиб, нилуфар қасрини ўзига манзилгоҳ этди. Кўлига феруза жомни олиб, ундан лаъл рангли май ичишга киришди. Нилуфардек либос кийган ой юзли дилдор қуёшдек бўлиб жаҳонга зеб берди. Баҳром оқшом тушгунча нилуфарий жомдан май ичиб, базмани тарк қилди-да, ухлаш истагини билдириди. Мулозимлар унга жойни ҳозирлаб бердилар, сўнг ҳар кунгидек йўлга чиқиб бир саёҳатчини учратдилар-да, қасрга олиб келдилар. Парда ичидан «Мусофири афсона айтишга киришсин», деган овоз келгач, мусофири шоҳни дуо қилиб, ўз ҳикоясини бошлади.

### Бешинчи иқлим йўлидан келган мусофириңинг достони

Адан мамлакатида бир қароқчи бўлиб, одамларга кўп ёмонликлар қиласади. У денгиз қирғоқларини ўзига манзил қилиб олган бўлиб, фақат соҳиҳлардагина эмас, балки денгизда ҳам йўлтўсарлик билан шуғулланарди. У янги ойга ўҳшаган бир неча тез юрар кемачалар ясатган бўлиб, улар доим жангга тайёр бўлиб туради. Қароқчи бу кемачаларни яширин жойларда сақлар, ҳар қайси кемага бир нечтадан йўлтўсарни бириттириб қўйган бўлиб, улардан биттаси баланд дарахт устига чиқиб олиб, денгизни доимо кузатиб тураган, кўзи бирон кемага тушса, дарҳол пастдаги кема ичидан кутиб турган қароқчиларни огоҳлантиради, улар эса кемача билан тез сузиб кетар, кўринган кемага етиб бориб, молини талар, одамларини эса ҳалок қилишарди. Қароқчилар раҳбари эса денгизда наҳангдек, ўрмонда эса шеру йўлбарс каби жанг қилишга моҳир бўлиб, ҳалқ уни Жобир деб атарди.

Ўша денгиздаги ороллардан бирида «Беҳишт саро» деб аталган шаҳар бўлиб, унинг шоҳи Навдар исмли сахий

ва маърифатпарвар, ҳар ишда нодиру қодир киши эди. Унинг гўзал бир қизи бўлиб, одамзод ундан паривашни ҳаргиз кўрмаганди:

Қадиким нахли сарфароз<sup>13</sup> келиб,  
Хусн борида сарви ноз келиб,  
Зулфидин сунбул айлабон юз печ<sup>14</sup>,  
Оғзидин фунча айтмай сўз хеч!  
Орази машъали жаҳон афрӯз<sup>15</sup>,  
Партави<sup>16</sup> шуъласи келиб жонсўз<sup>17</sup>.  
Сочи айлаб каманд бўлмоқ фан,  
Меҳр бўйнига тортар эрди расан<sup>18</sup>.  
Юзига меҳр бандаву оти Меҳр,  
Үйрулуб меҳридек бошиға сипехр.  
Баҳрга ноз ила чу кўз солибон,  
Дема кўлок<sup>19</sup>, баҳр қўзғолибон.  
Бу сифат меҳри олам афрӯзе,  
Меҳр йўқ, шуълайи жаҳонсўзе.

Ана шундай гўзал қиз бир куни денгизда сайр этиш, шамолнинг эсишию, сувларнинг мавж уришини томоша қилишни истаб, мулоzимлару дугоналарини бирга олиб кемаларга ўтиришди. Мақсадлари ўzlари яшаб турган орол атрофини айланиб чиқиш, зиёрат қилиш эди. Ногаҳон бир тескари ел эсиб, кемаларни денгиз томон суриб кетди. Шамол тобора кучайиб, денгизда тўфон кўтарилиди. Кемачилар «Яратганинг ўзи ёрдам бермаса, ҳалок бўлишимиз муқаррар», деб ёқаларни йирта бошлашди. Шу тарзда шамол бир неча кеча-кундуз давомида кема-

<sup>13</sup> сарфароз – мағрур

<sup>14</sup> печ – буралиш

<sup>15</sup> жаҳон афрӯз – оламни ёритувчи

<sup>16</sup> партав – нур

<sup>17</sup> жонсўз – жонни ўртовчи

<sup>18</sup> расан – арқон

<sup>19</sup> кўлок – тўлқин

ларни денгизда суреб, Жобир қароқчилари яшайдиган оролга яқинлаштириди. Кузатиб турган нозирлари кемаларни күриши билан оқ Жобирга хабар етказиши. Жобир дархол бошқа қароқчилар билан тез юрар кемачаларга ўтиришиб, улар томон елдек сузис кетиши. Етиб бориб, кемалар устига чиқиб кўп одамларни ҳалок қилишиди. Кемаларни ўз манзилларига олиб келиб, тирик қолган одамлару мол-дунёларни қирғоққа тушириши. Қизлар ичидаги Меҳрга кўзи тушган Жобир ҳушини йўқотиб йиқилди, бир дам ўлик каби ётиб ўзига келди-да, Меҳрни кўргач, яна ҳолидан кетди. Бу ҳолат бир неча бор юз берди. Охири қиз юзига боқишга мажоли йўқлигини англаб, паривашни боғ ичидаги қасрға олиб киришга буюрди. Унинг олдига бир неча қизларни қўйишиди. Кейин омон қолган барча одамларни бир кемага ўтқазиб: «Жонингиз керак бўлса, тезлик билан ўз юртларингизга кетинглар», деб буюриши. Меҳрнинг ҳамроҳлари дархол йўлга тушиб, денгизда кўздан фойиб бўлишиди. Маҳваш оролда қолди. Жобир унинг хаёли билан хурсанд бўлиб, висол умиди кўнглига келмасди.

Шу денгиздаги ороллардан яна бирида жаннат монанд, дарёси эса Салсабилга ўхшаган, ҳавоси жаннат боғидагидек бир шаҳар бўлиб, мамлакати обод ва ҳикмати юксак бўлган Нўъмон деган бир шоҳ ҳокиму волий эди. Мамлакатининг оти эса Яман бўлиб, шоҳ адолатидан гулистону чамандек эди. Унинг одамизод ичра тенги йўқ бир фарзанди бўлиб, юзидан гул хижил, қаддидан эса сарв уяларди. Барча фазилату ҳунарларда унинг тенги йўқ эди. Юзи қуёшга ўхшаган бу йигитнинг оти Суҳайл бўлиб, Меҳрга кўнгил қўйган, Меҳр ҳам уни севар эди. Ўз ёрига волаю зор, васлига харидор бўлган ошиқ ҳижрон доғида куярди. У бир боғни ўзига манзил қилиб олган бўлиб, у ерда хилма-хил дарахтлар ва нибуфар гуллар сероб эди. Нибуфар гулини севгани туфайли ҳам Суҳайл ўз кийимларини шу рангдаги матодан тикитиради. Кунларнинг бирида Суҳайлнинг отаси Меҳр билан

ўғлининг никоҳ тўйини ўтказишга аҳд қилиб бир неча кемаларга хилма-хил совғаларни ортиб Суҳайлни Меҳрни олиб келишга буюрди. Йўл қирғоқдан юрилса йироқ бўлиб, дengиздан бориш яхшироқ эди. Тўфон Меҳр кемасини дengизга сурib кетган жойга етганларида, худди ўшандагидек кучли довул эсиб, Суҳайлнинг барча кемаларини бир-биридан ажратиб ташлади. Тўфон Суҳайл тушган кемани Жобир қароқчилари манзили сари сурарди. Дараҳтлар устидаги нозирлар кемани кўра солиб, Жобирни огоҳлантиридилар. У эса дарҳол тезюрас кема-часига ўтириб Суҳайл кемаси томон сузиб кетди ва кўп ўтмай ундаги одамлар билан жангга киришди. Суҳайлга дуч келган Жобир рақибининг ўзига қараганда ҳам кучлироқ эканлигини, енгилиши муқаррарлигини кўриб ҳийла йўлига ўтди-да, кийимларини ечиб, ўзини сувга отди ва кема остига бориб ёнидаги ханжар билан уни теша бошлади. Тахтани ўйиб, сув кириши учун йўл очди. Суҳайл кема остидан кираётган сув тобора кўтарилаётганини кўриб, сув йўлини тўсишга уринса ҳам фойда бўлмади. Охири кемага сув тўлиб кема аҳли билан бирга чуқур дengиз остига ғарқ бўлди. Шаҳзода жонидан умидини узиб, сувда ҳалок бўлишга ҳозирланди. Жобир балиқ ютишга интилган наҳангдек, Суҳайл олдига сузиб борди-да, аввалига уни ўша ерда ўлдирмоқчи бўлди, лекин унинг бир тахта пора устида беҳуш ётганини кўриб, қўлидан тортиб ўз қайифида солди-ю, қўл-оёғини боғлаб, ўзманзилига қайтмоқчи бўлиб турганида, ногоҳ шаҳзода ўзига келиб қолди ва ўзининг ҳолатини кўриб, нотавонлигидан афсус чекди.

*Деди Жобирки: «Эй қўлумда асир,  
 Разму кўшишда<sup>20</sup> қилмадинг тақсир.  
 Мен бу заврақни<sup>21</sup> сувға то сурдум,*

<sup>20</sup> разму кўшишда – жанг ва шижоатда

<sup>21</sup> заврақ – қайиқ

Минг сенингдекни сувда ўлтурдум.  
 Бирида сенча күрмадим журъат,  
 Журъатинг бўлди маҳласингға<sup>22</sup> жиҳат.  
 Ким тенгиз ичра бошинга еттим,  
 Ўларингдин сени халос эттим.  
 Қатлинга гарчи табъ роғиб эмас<sup>23</sup>,  
 Лек қўймоқ доғи муносиб эмас.  
 Ким агар банддин халос ўлғунг,  
 Бир шаҳи комронға хос ўлғунг.  
 Бўлмак ўлмас халос домингдан  
 Бўлмагум эмин интиқомингдан<sup>24</sup>.  
 Иш хисобин шумора қилғунгдур,  
 Катлу кинимға чора қилғунгдур.  
 Ўлмак авло санга каманд ичра,  
 Тирик ўлмоқ валек банд ичра.

Суҳайл ҳар қанча илтижо қилмасин, Жобир уни қўйиб юборишни истамади. Кемасини маскани томон сурди-да, қасри ёнидаги чоҳга ташлашга ҳукм қилди. Унга тушган маҳбус ҳеч қачон қайтиб чиқмасди. Суҳайлнинг аъзосидаги арқонларни ечдилар-да, банд билан унинг қаърига туширдилар. Ким у чоҳга тушса, унга ҳар куни иккита нон ва бир обдаста сув бериларди. Юқорида дилбар-у, қўйида бедил бўлиб, икковлари бир-бирларининг аҳволларидан ғофил эдилар.

Жобир Мехр кемаларидаги одамларни озод қилиб, ўз юртларига қайтариб юборгач, улар бир неча кундан сўнг манзилларига етдилар-да, барчалари нибуфар рангида кийинишиб, шоҳ саройига боришди ва мотам изҳор қилишиди. Мехрнинг отаси ҳам жигаргўшасидан айрилгани учун ўзи шу рангли кийим кийиб, сарой аҳлига ҳам шу тарзда мотам кийими кийишни буюрди. Денгиз сафарига кетганлар қайтиб келишгач, шоҳ улардан бўлиб ўтган воқе-

<sup>22</sup> маҳласингға – халос бўлишингга

<sup>23</sup> табъ роғиб эмас – истамайман

<sup>24</sup> интиқомингдан – қасос олишингдан

ајар, қизининг аҳволини батафсил суриштириб, фифон кўтарди, унинг кўзига жаҳон қоронғу бўлиб, иқболи қуёш ботгандек кўринди. Аччиғ-аччиғ йиғлар экан, ўз-ўзига «Бу хил йиғидан фойда йўқ. Унинг ўрнига қизимни золим қўлидан қутқариш чорасини кўрмоғим лозим», деганича, қўлига қоғозу қалам олиб, бўлиб ўтган ишлар баён қилинганд мактуб ёэди-да, шоҳ Нўъмонга жўнатди. Хат ичиди яширинча мана бу гаплар ҳам таъкидланган эди: «Бўлиб ўтган воқеаларнинг барчаси қазодан. Чорамиз эса қасос олишдан иборат. Мехр менинг жоним пайванди бўлса, сенга ҳам фарзанд бўлиб эди. Унинг душман қўлида бўлиши иккаламиз учун ҳам номусдир. Энди бу ишнинг чорасини кўриб, лашкар тўпласак-да, ўғлинг Суҳайл ўз қўшинини соҳилдан бошлаб борса ва Жобир манзилига етиб келса, мен эса сипоҳларимни денгиздан ўша манзилга олиб борсам, икки қўшин қароқчиларни икки ёндан қамалга олиб, золимларни енгсак-да, Мехрни озод қилиб, Жобир ва унинг қароқчиларини жазоласак. Агар бу фикримга қўшилмасанг, ўз таклифингни тезроқ ёзиб юборсанг, ёлғиз ўзим чорасини қилсам».

Шоҳ Нўъмон бу мактубни ўқигач, воқеадан хабардор бўлиб, ўғлининг ҳам ўз мақсадига етиша олмаганини билди-да, бу икки иш мотам устига мотам бўлиб, Суҳайлнинг тақдиридан хабар тополмай, изтироб чекиб, Навдар номасига шундай жавоб ёэди: «Мехр аҳволи баён қилинганд мактубингни ўқиб, ғамга тушдим. Куйиб ўртанишимдан фойда йўқлигини ҳам билдим. Суҳайл ўз қўшини билан соҳил бўйлаб ёв маконига йўл олсин, деб ёзибсан. Аввал айт-чи, қани Суҳайл? Бундан олти ой муқаддам ўғлим сизнинг мамлакатингиз томон йўл олган эди, ҳалигача қайтгани йўқ. Шунинг учун хавотирда эдик. Энди маълум бўлдики, у кўзлаган манзилига етиб бормабди. Энди сен қуруғлиқдан йўл олсанг, мен эса денгиз билан бориб, ўғлимдан нишон топсам. Ундан бирон хабар топмасам ҳам сен айтган манзилга етиб бораман. У қароқчидан қасосимизни олиб, жазосини берамиз. Энди фалон

куни, фалон соатда йўлга тушишга аҳдлашсак. Сен ҳам ўз ваъдангга кўра юришни бошласанг. Нўймон белгилаган мулозим бу мактубни Навдар қўлига топширди. У эса хатни ўқигач, сафар муддатидан хабардор бўлиб сипоҳ тўплашга кириши ва кўрсатилган муддатда икки қўшин йўлга тушди. Навдар сипоҳлари Жобир қароқчилари худудига яқинлашар эканлар, қалин ўрмонга дуч келиб қолиши. Шоҳ ёвларнинг пистирмалардан ҳужум қилиши олдини олиш учун қалин буталарни кестириб, қўшин билан бирга илгарилар эди. Бу ўрмон ичи кийикларга тўла бўлиб, овни яхши кўрадиган Навдарнинг ҳавасини келтиради. Ҳар тарафда кўзга ташланётган оху кўзли кийиклар яқинлашиб келганда, шоҳ улардан кўзларини олиб қочар, хаёли фақат сипоҳларда эди.

Ногаҳон бир гулранг оху Навдар олдидан ўтиб қолди, шу чоғ шоҳ чидай олмай, унинг кетидан қува бошлади. Оху чангаличига ўзини урган эди, йўл тор ва чирмаш бўлгани учун шоҳ ўта олмай қолди-да, ўқ отишга тушди, бир-икки ўқи хато кетди. Ўзини йўқотиб душман маконида юрганини ҳам унутиб қўйди. Яна оху кетидан қувиб қароқчилар пистирмаси қўйилган жойдан чиқиб қолди. Жобир бир неча жойга пистирма қўйган бўлиб, қароқчилар бирон кишини тутиб олсалар, дарҳол унинг хузурiga олиб келишарди. Қароқчилар бир чиройлик кийик кетидан қувиб келаётган отлиқни кўрдилар-да, отларини қамчилаб, унинг кетидан югурдилар ва ерга туширдилар. Навдар овқилмоқни орзу қилиб, ўзи сайёдлар қўлига тушиб қолди.

Шоҳ тилар бўлса шоҳлик қилмоқ,  
Сипоҳидин керакмас айрилмоқ.  
Шоҳин дерлар сипоҳ бирлан шоҳ,  
Шоҳ эмасдур йўқ эрса анда сипоҳ.  
Шоҳга хайл ўлса фатҳ анинг ишидур,  
Бир киши Рустам ўлса бир кишидур.

Навдар душманларига асир бўлиб қолгач, унинг барча кийимларини ечиб олишди-да, шоҳ эканини билишиб, бир шерикларини суюнчи олиш учун Жобир ҳузурига чоптиришди. Қароқчилар раҳбари: «Унинг кўзларини боғлаб кемага ўтқазинг-да, қасрга элтиб қамаб қўйинглар. Бу ишни шундай яширин бир тарзда бажарингларки, бирон киши фаҳмламасин. Уй эшигини фалон кишига топшириб, қилган ишингиз ҳақидаги хабарни менга етказинглар», деб буюрди. Шоҳни қасрга олиб келиб, Жобир ҳукмини тўла-тўкис бажо қилишди. Навдар қандай ерга келиб қолганини билмас, сипоҳлари эса у билан не воқеа юз берганидан бехабар эдилар.

Бу вақтда Нўъмон ўз қўшини билан денгиз бўйлаб келар экан, кўзлаган манзилига икки кунчалик йўл қолганида, шамол кўтарилиб тўфон мавж урди-да, кемалар ҳар томонга тарқалиб, кўп киши ҳалок бўлди. Шоҳ тушган кемага тўфондан унча зарар кўрмади-ю, аммо шамол уни қароқчилар ороли томон суриб кетди. Жобир қўйган нозирлар кемани кўриб дарҳол хабар етказишиди. Жобир кемага тезда етиб борди-ю, ундаги кўп одамларни ўлик ҳолида кўрди. Тирикларидан бўлган воқеаларни суриштириб, аҳволни билди-да, кемани ўз оролига олиб келди. Шоҳни ҳам қирғоқча олиб чиқишиб, кемадаги молларни хазиналарига элтишиди, Нўъмонни эса яширинча бошқа бир зинданга ташлашди. Кеманинг тирик қолган одамларига ўз диёrlари томон кетишига рухсат беришди. Улар кўзда ёшлари билан оролни тарк этишди. Навдар сипоҳлари ҳам шоҳни излаб тополмагач, ўз ватанларига қайтишдан бошқа чоралари қолмади.

Қароқчи Жобир шодликка тўлиб, ҳар куни боғ ичидагазм уюширилар ва Мехр ёди билан кетма-кет қадаҳ ичар, лекин у гўзалнинг юзига назар сололмас, нурли рухсорига боқишига юраги дов бермасди. Мехр эса гулдек ёқасини йиртиб, нилуфарзор ичидаги ғамнок кезар экан, денгиз мавжи каби кўз ёшларини тўкар, ёри ҳажридан кутулищни ҳар қанча истамасин, бунинг чорасини тополмас-

ди. У чоҳ ичида бир бандининг азоб чекиб ётганини биларди. Бир куни «Чоҳдан ўша бандини қутқариб олсан ва унга Суҳайл олдига боришини илтимос қилиб, зорзор йиғлаб ёлборсам, зора Суҳайл аҳволимни англаб, мени қутқариш учун бу томонга йўл олса», деб ўйладида, ўзининг икки канизи билан қоронфи уйга яширинча кириб, чоҳ бошига келди ва пастга қараб: «Эй машақат чекаётган асир, мен ҳам сенга ўхшаган бир бечораман, сен каби нотавон асирман. Ҳаракат қилиб, сени бу қоронфи зиндандан қутқарсан, менинг илтимосимни қабул қилиб бажарасанми?» деди. Бу чоғ Суҳайл чоҳ ичида бетоб ётар, касаллик унинг ҳолини хароб қилган эди. Бунинг устига севгилиси ҳажрида ўртанарди. Нотаниш қизнинг овозини эшитгач, изтироби ошди-да, ўзига тасалли бериб, нозанинга: «Эй фариштасифат инсон, сен шундай яхшилик қилсанг, танимда жоним борича буюрган ишинингни бажарайин», деб жавоб қилди. Мехр бу сўзни эшитгач, канизлари билан арқон ташлаб бандини қоронфи уйга чиқардилар. Мехр яширинча унга кўп меҳрибонликлар кўрсатди, занжиру бандлардан озод қилди. Фам чекиб беҳол бўлган йигит ер ўпид «Эй фариштасифат маҳбуба, қиладиган ҳукминг ҳақида озгина сўзлаб бергин», деб сўради. Мехр ўзининг ҳаёти, отасию мамлакати, Суҳайлга бўлган муҳаббати, денгизда чеккан ташвишларию, Жобир қўлига асир бўлиб тушгани, унинг қўлидан омон қолиш сирлари ҳақида сўзлаб берди. Бу сўзларни эшитар экан, Суҳайл гоҳ-гоҳида ўзидан кетиб қоларди.

Мехр ўз ҳикоясини «Мен бу янглиғ асир бўлиб қолдим. Суҳайлдан бошқа бирон одам мени қутқаришга келломайди. Сен Яманга етиб борсанг-да, Суҳайлга аҳволимни арз этсанг. Лекин бу ерда яширин бир сир ҳам бор. Биз сени бу ерда бир неча кун асрар, парвариш қилсанг-да, сен ана шу сирни айтиб, қасам ичиб Суҳайлни ишонтиранг. Бу сирнинг мазмунни эса шундан иборат: «Мен Жобир қўлига асир бўлгач, узоқдан менга назари тушди-ю, хас-хашак каби ерга йиқилди. Қачон

мени күрмоқчи бўлганида, шу ҳолат тақрорланаверди. Бу ерда қанчадан бери яшаётган бўлсам, у билан муносабатимиз шундан нарига ўтган эмас». Буни эшитган Суҳайлнинг кўнгли таскин топди, севгилисининг барча сўзларига ишонч ҳосил қилди-да, қанча ҳаракат қилмасин, ўзини асрай олмай димоғидан ўт чиқиб, дилбари-нинг оёғига йиқилди ва фарёд уриб ҳушидан кетди. Бу ҳолатдан ҳайратга тушган Мехр унинг юзига тикилиб қараб, беҳуш ётган бу йигит Суҳайл эканини англади, кейин у ҳам нола қилиб, ҳушидан кетиб йиқилди.

Иккала канизак уларнинг бошларини кўтариб, меҳрибонлик кўрсатишгач, Мехр ўзига келиб, қоронғи тушгунча Суҳайлни шу уйда сақлашди. Уйқу маҳали ўзига келган йигит ўз маҳбубаси билан жисм билан жондек ёки сарв билан ишқечондек бўлишди. Суҳайл бир неча кун қасрда яширинча Мехрнинг меҳмони бўлди. Таом билан шарбатдан тани сиҳат топиб, беҳол жисмига кувват кирди. Шу ерда яшар экан, Жобирнинг Мехрдан айрилиққа чидаб юрганини билди. Бир куни Жобир боғни саир қилиб юрар экан, Суҳайл тўнғиз билан олишишга чиққан шердек унинг рўпарасида пайдо бўлди ва:

Дедиким: «Паҳловонлик эрмас ул,  
Ким киши макр бирла ургай йўл.  
Тешиб эл кемасини ҳийла била,  
Фарқ этиб сувга бу васила била.  
Қолмагон чорда кимсанинг жони,  
Тутубон баңд айлагай они.  
Сен агар зоҳир эттинг итликни,  
Мен санга қўргузай йигитликни»

деди-да, душманига қараб ҳамла қилди. Ҳайратидан кучи қолмаган Жобир у билан олишишга ҳар қанча тиришмасин, Суҳайл уни кўтариб ерга урди. Ўзини боғлаган арқон билан қўлларини маҳкам қилиб боғлади-да, ўзи ётган чоҳ ичига ташлади. «Ҳар киши бирорвга чоҳ қазиса, унга ногоҳ ўзи тушади», деб бекорга айтилмаган-да!

Сұхайл ўз мақсадига эришгач, Меҳр билан түй базмiga тайёрлана бошлади. Жобир хазинасини құлға кирилди. Барча халқ шодмон бўлишиб, шоҳга таъзим қилишди. Базм тузиб, қўлига қадаҳ олган Сұхайл «Жобир банд этган барча одамларни озод қилдим. Уларни бу ерга олиб келинглар, мен қадаҳ билан шод этай», деб фармон берди. Боф ичидаги икки чоҳда фақат иккита банди борлигини кўриб, уларни базмга бошлаб келишди. Буларнинг бири Навдар, иккинчиси эса Нўъмон эди. Икки ота, икки фарзанд бир-бирлари билан йиғлашиб кўришдилар, сўнг ўтириб бир-бирлари билан сўрашиб кетдилар. Икки шоҳ худо йўлига кириб, мамлакатларини Сұхайлга топширдилар. Барча халқлар шукр қилишиб, ўз шодликларини изҳор этишди. Сұхайл билан Меҳр ўз мақсадларига етиб, васл топиши. Меҳр ҳам, ёри ҳам нилуфар рангидаги кўйлаклару тўнларни кийиб юришарди, нилуфар рангини хуш кўрган қуёш ҳам ўз либоси учун шу рангни танлади.

Хар пари чехраки, маҳваш эрур,  
Мовий ўлса либоси дилкаш эрур.  
Меҳр ким гулрухи самовийдур,  
Нилуфарваш либоси мовийдур.

Мусофири ўз ҳикоясини тугатгач, пардадор мовий пардан очди, шоҳ Баҳром кўп инъомлар бериб мусофирини хурсанд қилгач, ором топиб, уйқуга кетди.

### XXX

Пайшанба куни шоҳ Баҳром сандалранг кийимлар кийиб, сандалранг қасрга қадам қўйди. Уни сандалранг кийимларидан сандал ҳиди анқиб турган маҳбуба кутиб олди. Базм бошлангач, қадаҳлар давра бўйлаб айлана бошлади. Кеча ичган майидан боши оғриётган шоҳ қадаҳга қўлини ҳам узатмади. Лекин соқий бош оғриғига қизил

сандалдан дори ҳозирлаб қўйган эди. Базм кечга қадар давом этди. Қоронғи тушгач гул юзли гўзал ўз пардаси ортига кириб кетди. Шоҳ яна уйқу келтирадиган афсона эшитиш истагини билдириди. Мулозимлар йўл бўйига чиқиб, сўз денгизининг кемачиси бўлган бир сайёҳни бошлаб келишди. Мусофир шоҳ истагидан хабар топгач, аввал уни яхшилаб дуо қилди-да, афсонасини бошлади.

### Олтинчи иқлим йўлидан келган мусофириңнинг ривояти

Бохтар диёридан икки киши Ховар томон йўлга чиқишиган эди. Улар туну кун сайд қилишарди. Бирининг оти Муқбил<sup>25</sup>, яна бириники Мудбир<sup>26</sup> эди. Муқбил пок, омадли, ҳалқ эътиборини қозонган йигит бўлса, Мудбир қаерга борса, юзида бахтсизлик чанг пайдо бўладиган инсон эди. Йўлда боришаркан, қўрқинчли бир водийга дуч келишди. Уни биладиган одамлар бу ердан, юрмасдилар. Ушбу водийнинг сабзаю боғи тикону шўра, сувию тупроғи эса нефту олтингугурд эди. Тупроғидан бадбўй буғ кўтарилиб, ўтдек шамоли киши танига урилар экан, уни кулга айлантириб, кўкка совуради. У ерда жониворларнинг яшашига имкон ҳам йўқ бўлиб, кириб қолган ҳайвон дарров ҳалок бўларди. Одамлар уни «Водий ҳамим», яъни «Жазира мақоми» деб аташар, ҳарорати бу номни исботлаб турарди. Булардан огоҳ бўлмаган иккала ҳамроҳ йўл азоблари, бало даштининг уқубатларини кўриб, чексиз бу даштни босиб ўтишдан бошқа чора топишолмади. Ҳар қандай бало дуч келса ҳам, чидашга аҳд қилиб, таваккал қилдилар-да, даштда ўз сафарларини давом эттиридилар. Ҳарорат алангаси кучайиб борган сари Мудбирнинг бесабрлиги орта борарди. «Бу

<sup>25</sup> Муқбил – иқболли, баҳтли

<sup>26</sup> Мудбир – бадбахт.

қандай ҳаво бўлди? Бундай даштни яратишнинг нима кераги бор эди?» деб шикоят қилар, беҳуш мастлар каби. «Бу ерда сув яратиш қийинмиди?», деб нола чекар, ҳар бир сўзи тангрига эътирооздан иборат эди. Бунинг устига доим ҳамроҳига «Мен бечорага сендеқ йўлдош ҳамроҳ бўлмагани яхшироқ эди. Қандай шум кунда сенга йўлиқдимки, шундай ёмон хосиятларга дучор бўлдим», деб таъна қилгани қилган эди.

Муқбил эса худо ёди билан машғул бўлиб, зикру тасбиҳдан бўшамасди. Мудбирга насиҳат қилишдан чарчамас, лекин бу пандлардан фойда йўқ эди. Муқбил барча азобларга бардош бериб, даштдан чиқиб олди. Дашт кўздан йўқолгач, улар дарду бало денгизига дуч келдилар. Ҳамроҳидан безор бўлган Муқбил ундан айрилишни истаган эди, Мудбир қилган ишлари, гапирган сўзларидан тавба қилиб, ҳамроҳини бундан бўён сабрли бўлишига ишонтирди. Муқбил унинг қилган ишларини, нотўғри сўзларини унутди.

Икковлари денгиз қирғогига келиб, у ерда бир кемани кўрдилар, ҳар тарафни излаб, кема эгасини топдилар-да, ҳақини тўлаб кема ичига кирдилар. Кемачи икковларига битта сандал берди. Бир неча кема бир томонга қараб суза кетди. Кема қушдек тез сузид бораркан, Мудбир яна оҳ-воҳ қилиб, бемаъни сўзларни айтишга тушди. Муқбил бўлса тасбиҳу ибодат билан банд эди. Ҳамроҳига яна насиҳат қила бошлади. Мудбир эса унинг гапларига парво ҳам қилмай, куфр сўзларни айтишдан тинчимасди. Унинг бу сўзларидан қаттиқ ғам чекиб, азобланар экан, Мудбир Тангрига хитоб қилиб «Ишларингда ҳеч тартиб йўқ. Қуму даштингда одам сувсизликдан изтироб чекса, баҳр ва тўлқинларингда бу қадар бебошлиқ. У ердаги етишмовчилиг-у, бу ердаги ортиқчаликдан ақлу ҳушини йўқотмоқда», деб нидо қиласди. Унинг бу хил шум сўзларидан янада кўпроқ чайқалиб, тўфон янада кучайди. Тўлқинлар баланд кўтарилиб, каттаю-кичик кемаларни ҳар томонга суриб ташлади, анчаси сувга ғарқ бўлди.

Икки ҳамроҳ бир қайиқда қолишиди. Муқбил тавбатазарруй қилиб, тангридан ўз паноҳида асрашини илтижо қилар экан, унинг бу дуолари таъсир қилиб, шамол тинди ва денгиз таскин топди. Қайиқ денгиздә тинч сузиб бораркан, бир манзил күзга ташланди. Унинг ранги осмондек күк бўлиб, у томондан ёқимли бўй эсиб туради. Бу сандал ҳиди бўлиб *Масих* нафасидек жонларга оро берарди. Ундан роҳатланган Муқбил шукронга саждасини адо қилди-да, қайиқни ўша қирғоқ томон сурисиб, кўл ўтмай, у ерга етиб борди. Қирғоқда баланд бир дарахт ўсар, барглари кенг майдонга соя солиб туради. Унинг танасида катта бир кавак бўлиб, у ерда тиниқ бир чашмадан сув чиқиб, денгизга қўйиларди. Икки ҳамроҳ ўша манзилда ором олмоқчи бўлиб, қайиқни бир илдизга боғладилар-да, Муқбил дараҳт кавагига кўзи тушгач, қизиқиб унинг ичига кирди. Сув ичмоқчи бўлган Мудбири ҳам унинг ортидан кириб келди. Чашма бошида бир тош бўлиб, унга хат ёзиб қўйилганди. Икковлари у хатни ўқишга тушишиди. Унда «Кимки бу манзилга келиб, ушбу ажойиботни томоша қилса, шуни билсинки, бу дараҳт сеҳрлидир, уни «Сандали симиё», яъни, «Сеҳрли сандал» деб аташади. Чашмадан сув ичган ҳар қандай одам ўз чанқоғини қондиради. Агар у киши тўғри, пок инсон бўлса, бир ойгача хурсанд бўлиб, еб-ичишга муҳтож бўлмай юради, ёлғончи бўлса, уч кун ўтгач, сув ва таом истаб қолади. Бу чашма сувидан баҳраманд бўлган одам кейинчалик ёлғон сўзласа, ўша ондаёқ қорни ёрилиб, ҳалок бўлади. Бу айтилган сўзлар сув ичиш ҳақида эди. Чашма ичига тушишнинг ҳам ўз хосиятлари бор: ёлғончи бу сувга тушса, ўша ондаёқ оёғи куяди. Ростгўй одам тушиб, кўзини юмиб, қулоғу бурнини ушлаб шўнғиса, бошини чиқаргач, шундай нарсалар кўрадики, уларни айтиб ҳам бўлмайди. Лекин бир шўнғиган одам ўзи кўрганларини яна бир кўрмоқчи бўлиб, яна шўнғиса, сув пасайиб кетади-да, шўнғий олмайди», деб ёзилган эди. Хатни ўқиган Мудбири бир-икки ҳовуч сув ичиб,

ёлғон ва беҳуда сўзлашни бас қилмоқчи бўлди. «Бундан кейин ёлғон сўзлашни тарк этдим. Шу аҳдимни бузсам, ўлимга ҳам розиман», деди-да, чашма сувидан ичди.

Муқбил Яратганга шукронга айтиб сажда қилди-да, кейин сувдан ичди-ю, чанқоғини бостирди. Мудбир сув ичига тушмоқчи бўлиб, оёғини тиққан эди, қайноқ сув оёғини куйдирди. Муқбил лунги боғлаб, сув ичига тушди-да, унда ўз аксини кўриб, сув ичига шўнгиди. Бошини чиқариб қараган эди, чашма сувини эмас, балки зилол сувга лиммо-лим тўлган ҳовузни кўрди. Унинг ичлари тартиб билан терилган сандалранг соф тошлардан бўлиб, атрофи Эрам боғини эслатар, у ерда эса, ҳарам каби чиройли бир бино қурилган эди. Ҳовуздан чиқиш учун оёқ қўйган Муқбилни бир неча кумуштан қизлар қўлларида топтоза матолар, тан қуритиш учун эса ипак сочиқлар олиб келиб йигитнинг қўлига беришди, сочиқлар билан танасини қуритишди. Устига сандал ҳиди келиб турган хилма-хил кийимлар кийдиришиб, бошига салла ўратишида, қўлидан ушлаб, сандал қасрга олиб бордилар. Муқбил атрофга ҳайрат билан боқаркан, ўзини бошқа бир оламга келиб қолгандек сезарди. Эс-ҳуши оғиб қаср ичига киргач, ҳамма ёғи сандалдан ишланган, ёқимли атири ҳиди уфуриб турган кенг хонага қўзи тушди. Сандалдан ишланган тахт жавоҳирлар билан безатилган бўлиб, унинг устида қуёш юзли бир пари пайкар гўзал ўтирганини, атрофида эса саҳар пайтидаги юлдузлар каби соҳибжамол канизлар тизилиб туришганини кўрди. Муқбилнинг қўзи у дилорога тушгач, қони қуриб, ранги сарғайди-ю, йиқилиб ҳушидан кетди. Гул юзли сарвқомат гўзал унинг олдига келгач, ёқимли атридан ўзига келди-ю, яна кўриб ўзини йўқотди. Маҳбуба ширин сўзлари уни хурсанд қилгач, йигитнинг кўнгли қарор топиб, ўзига келди. Гўзал қиз унга ёндашиб ўтирганида, Муқбилнинг шавқ ўти белидан ошиб, яна сабру қароридан айрилди-ю, кўксини пора қилишига сал қолди. Маҳваш уни қўлидан тутиб тахти томон олиб бориб, ўтиришни таклиф этди. Муқ-

бил ер ўпид «Бундай жойда ўтиришга ҳаддим йўқ», деса ҳам, париваш таҳтда ёнма-ён ўтириб, таом еб, шарбат ичдилар. Кейин базм бошланиб, жомларда бода келтирилди. Бир дилоро париваш сандал ҳиди анқиб турган жомни уларга узатган эди, маҳбуба бир-икки қултум ичиб, кейин жомни Муқ билга тутди. У ўзини зўрга қўлга олиб майни охиригача сипқорди. Қадаҳ даврада тўхтамай айланар экан, Муқ билнинг кайфи ошиб девоналарга ўхшаб беҳижобона сўзларни айта бошлади, кейин эса ножоиз ҳаракатларга ўтди. Гул юзли гўзал Муқ билга қаршилик қилмай, қўлидан қўлини олмай ўтиради. Йигит охири чидай олмай қизга «Мени қийин аҳволга солиб қўйдинг, раҳм қилиб дардимга даво қилгин, васл билан ҳожатимни раво қилгин!» деб илтижо қила бошлади. Париваш бу сўзларга «Бугун шунча май ичиб, хуши мизни йўқотгудек маст бўлдик. Эртага катта бир тўй қилиб, никоҳ ўқитайлик. Кейин ўз муродингга эришсан», деб жавоб қайтарди. Муқ бил унинг бу сўзларига эътибор бермай, қандай бўлса ҳам ўз мақсадига эришмоқчи бўлиб, ножўя қиликлар қила бошлади. Шунда маҳбубаси «Агар ўзингни тўхтата олмаётган бўлсанг, бирон сарви қомат канизимга айтай, тонггача сенинг ёринг бўлсин», деди. Муқ бил ўз мақсади ҳақида бошқа оғиз очмади. Париваш унга бир канизагини ҳамоғуш этди, икки эшик оғасига ишора қилган эди, йигитни аранг туризиб, алоҳида хонага олиб бориб ётқиздилар.

Куёш нурлари ёйилиб кетганда уйқудан уйғонган Муқ бил ўзининг кечаги қилган ишларини эслаб, хижолат чекди-да, ҳовуз олдига бориб, чўмилмоқчи бўлди, сандалранг лунгини белига боғлаб сувга тушиб шўнгиди, кейин бошини кўтариб атрофга қаради-ю, ўзининг сирли булоқ ичидаги турганини кўрди. Кўзларига ишонмай, яна бир неча марта сувга шўнгиди, лекин ҳар сафар бошини кўттарганда ўзини яна ўша булоқ ичидаги кўраверди. Ўз маҳбубаси висолига етиша олмаганидан изтиробга тушган Муқ бил нима қилишни билмас, Мудбирга эса ўз аҳво-

лини айтишни лозим кўрмасди. Шу пайт кўзи яна булоқ устидаги тошга тушди. Унинг бурчагида яна бир хат ёзилган бўлиб, Муқбил олдин эътибор бермаган экан. Унда «Кимки бу симиёни кўриб, сувга шўнғигач, юз балога дуч келган бўлса, қайтиб чиққанидан кейин бу ерда турмай, тезда сув орқали жўнаб кетиши керак. Акс ҳолда уни дев ёки наҳанг ўлдидари», деб ёзилганди.

Муқбил хат мазмунини англаб «Ҳаётим хавф остида қолса ҳам бу ерда қоламан, бунақа ҳаётдан ўлганим яхшироқ», деди. Аммо яна фикр юритиб, жонининг азизроқ эканини ўйлади-да, кетишни лозим топди. Қайиқни ечиб ҳамроҳи билан бирга денгизда суза кетишиди. Мудбир ҳамсафарининг ҳолатидаги ўзгаришларни кўриб, унинг сабабини билишга интилса ҳам, Муқбил унга ҳеч нарсани ошкор қилмади. Қайиқда ўй суриб ўтираверди. Икковлари Ҳақдан паноҳ сўраб, қайиқни ҳайдаб боришаракан, Муқбил ҳажр ўтида қийналар, Мудбир ҳолини сўраса жавоб қилмас, чунки унинг фами шарҳ этардек эмасди. Баъзида унга қараб: «Эй дўстим, бу саволингга жавоб беришимни кутмагин. Ҳолимни сенга айтмаётганимнинг сабаби уни ўзим ҳам билолмаётганимдандир. Ҳолимдан малолат чекаётган бўлсанг, сен ҳақлисан, мен эса бундан хижолатдаман!

Қилса бехудлуғум сени ранжур,  
Не дейин, чунки борсен маъзур.  
Нафасингни менга дилосо қил,  
Лутф ила нечаким мувосо қил.  
Бахтдин ком агар бўлур ҳосил,  
Бўлса бир кун мақомимиз соҳил.  
Ҳажрима хотирингни шод айлай,  
Ўпиб илгингни хайрбод айлай»

дерди-да, қайиқ ичида яна фифон қиласди. Мудбир ҳамроҳининг бу ҳолатини кўргач, «Чашма атрофига турли жинлар бўлади дейишарди. Муқбилнинг мажнунларча

хатти-ҳаракатлари уларнинг таъсири оқибатимикан», деб ўйларди. Шу чоғ денгизда катта бир кемани кўриб қолишиди. Шамол қайиқни ўша кема томон суриб кетди. Унинг ёнига етиб бориб, икковлари тўлқинлар хавфидан ғам чекмаслик учун кемага чиқишиди. Кема аҳлининг барчаси ўлган бўлиб, биронта ҳам тирик одам қолмаган эди. У сандал дарахти ёғочлари билан тўла экан. Воқеа шундай бўлган эдики, Ховар Хусравининг парига ўхшаш бир қизи бўлиб, шоҳнинг ҳаёти у билан баҳтиёр эди. Унинг бир дарди бўлиб, табиблар ҳар қанча даво қилсалар ҳам шифо топишолмаганди. Фақат сандал исигина унга фойдали бўлиб, бош оғригини қолдиради. Шунинг учун шоҳ қизига атаб сандал ёғочидан қаср қуришга буюрганди. Токи фарзанди у уй ичидаги яшаб, унинг соғлиғига даво етказсин. Бу фармон оламга тарқалиб, савдогарлар Хиндстонга сандал ташиб билан банд бўлишиди. Ўша хушбўй сандалли иморат битгач, савдогарлар кечасию кундузи шу иш билан машғул эканлар, денгиздаги бир гирдобга дуч келиб қолиб ундан чиқиб кетолмай, овқатлари таоммом бўлиб барчалари ҳалокатга юз тутган эдилар.

Бу маҳал денгизда кучли шамол кўтарилилди-да, денгизда тўфон бошланиб, шу жойни ел раққосдек ўйнатиб, кемани гирдобдан чиқариб юборди.

Кема ичидаги икки ҳамроҳ ҳам ўз ишига машғул бўлди. Муқбил ўз дарди билан банд бўлиб, бир чеккада оху фигонини давом эттирса, Мудбир ўлганларни кемадан сувга ташлаш, кема молини ўз ихтиёрига олиш билан банд эди. Кема молини ҳам, кеманинг ўзини ҳам ўзиники деб билиб, ҳамроҳи ҳолига эътибор ҳам қилмасди.

Шу пайт узоқда соҳил кўринди. Кема соҳилга етиб боргач, Ховар диёрига кириб келганлари аён бўлди. Мамлакат шоҳи шу куни томошага чиқсан бўлиб, дарёни кузатарди. Янги келган кемага назари тушиб, аъёнларига «Кема аҳлидан бирон кишини хузуримга олиб келинглар, кимга тегишли эканлиги, қандай моллар келтирилганини билайн, сўнг уй томон кетайин», деди. Муло-

зимлар кемага күтарилиб унда бири шод, иккинчиси эса ғамгин икки кишини учратиши. Шоҳ сўзини эшитган Мудбир у томонга тез-тез юриб кетди. Шоҳ қошига келиб ер ўпиб, дуо қилгач, ҳукмдорнинг ўз ҳолати ҳақида ги саволига «Ўзим савдогарман, ишим тижоратчилик, бу сафарда ҳеч ким омон қолмади. Барча ходимларим вабо касалига учраб ҳалок бўлишди. Бу соҳилга эса бир мен-у, бир Муқбил отлиқ қулимгина етиб келдик», деб жавоб берган ҳам эдики, қорни шиша бошлади. Ундан либоси йиртилиб, кўкси ҳам чок бўлди-ю, йиқилиб жон берди.

Шоҳ бу ҳолатни кўриб ҳайратдан қотиб қолди. Бундай ишга ҳеч ҳам дуч келмаган эди. Нотавон Муқ билни олиб келишларига фармон берди-да, уни кўрибоқ кўнглини шодлик эгаллади. Жон берган ҳамроҳини ундан яшириб туриб, Мудбирдан сўраган саволларини Муқ билга ҳам берди. Муқ бил ўзининг кўрган-билганларини бирмабир шоҳга гапириб берди. Шоҳ дедики, кема ва ундаги юклар давлат хазинасига берилади. Муқ бил айтган барча гапларнинг чинлиги шоҳга маълум бўлди. У дедики: «Сенинг ростгўйлигинг кўнглимизни мафтун қилди, нимани истасанг, айтгин», деб сўради. Муқ бил деди: «Эй шоҳ:

*Шоҳнинг умру жоҳин истарман,  
Чарх авжида комин истарман.  
Яна матлуб халқ ибодатидур,  
Ким улус муджиби саодатидур.  
Шоҳ агар қилса, бандасин озод,  
Туну кун айлагум дуо била ёд».*

Муқ билнинг бу оқилона ва ёқимли сўзлари хуш келиб, зебо чехрали ва хушсўз бу йигит шоҳ кўнглида меҳр уйғотди. Унга шоҳ вазирлик унвонини берди. Бир неча вақт хизмат қилгач, давлат ҳумойи бошига соя солиб, унинг қизини никоҳлаб берди-ю, уни фарзанд қилиб олди. Муқ бил бунга эътиroz билдирган бўлса ҳам, уни

ўз ихтиёрига қўймай, катта тўй қилиб, кўз қорачигини унга жуфт қилиб берди. Бошдан оёқ сандалбўй кийимлар кийдиришди, чунки париваш шуни истаган эди. Кеъин уларни қасри сандалга олиб бордилар-да, гули сумансони ўз маҳбубига топширдилар.

Муқбил келин чеҳрасига боқиб, ҳайратга чўмди. Чунки у ўзи чеккан азобларнинг сабабчиси эди. Қаср ҳам, сақфу остона ҳам, тахту офати замона ҳам айнан сув остида кўрганларининг ўзи эди. Ҳайрат ўти димоғига тутун етказиб, бу ўт унинг вужудини нобуд қилиб, оҳу афон чекиб йиқилди, жони эса чиқай деб турарди. Шу чоғ димоғига сандал иси эсиб кўзи чароги ёриди. Кўзини очгач, яна аҳволни кўриб нола чекиб беҳол бўларди.

Унинг бу ҳолатини кузатаётган маҳваш ҳам унга меҳрибонлик кўрсатиб, кўнглини оларди. Охири ўзига келиб маҳваш висолига етишди. Лекин гўзал маҳбуба кўрганларидан лол бўлиб юрарди, бир куни «Сенинг ҳайратли ишларингдан мен доим лолман. Вокеалар сабабини айтиб бергил», илтимос қилди. Муқбил рост сўзлашдан бошқа чораси бўлмагани учун бор кўрганларини бекаму қўсташархлаб берди. Буларни эшитган париваш табассум қилди-ю, шундай деб сўз бошлади: «Тақдир мени гўзал қилиб яратгач, ҳусним ҳақидаги сўзлар жаҳонга тарқалди. Менинг кошонам олдидан ўтиб қолган жинлар шоҳи ҳуснинг шайдо бўлди-ю, қасрда жинлар шовқин-сурони бошланиб, мен девона бўлиб қолдим. Шоҳ буни кўргач, табибларни чақиририб, деву париларнинг сехру зиёнидан мени холос қилишга киришишди. Улар дафъ бўлди, лекин эшитшимча, «жинлар шоҳи ғамимда яна девона бўлиб, денгиз ичидан сехрли манзара бунёд этибди. Сандалий қаср атрофига боғ яратиб, ундаги сандалий тахт устида менинг тимсолимни ўтқазиб қўйибди. Сен ҳовуз ичидан кўрган нарсалар нақшлардан иборат бўлиб, уни кўрган хаста одам ором топар экан. Сен у ерда бўлган чоғингда менинг тасвиримга шайдо бўлгансан. У ерда тимсолимга ошиқ бўлган эдинг, бу ерда Ҳақ сени висолимга етказди».

Шу сўзларни эшитгач, Муқбилинг мушкуллари бартараФ бўлди-да, маҳбуба хаёлидан кўнгли яйраб, сандалий қасрда баҳтли бўлди, кийимини ҳам сандалий ранг қилди.

*Сандал осойиши равон англа,  
Атри онинг ҳаёти жон англа.  
Сандал исинда тек туруб бўлмас,  
Мушкни кимса ёшуруб бўлмас.*

Донишманд мусоғир ўз афсонасини тугатгач, шоҳ сандал бўйли насимдан ором олиб уйқуга кетди.

## XXXII

Жума куни шоҳ Баҳром оқ ипакдан кийимлар кийиб, нурафшон қуёш мисол оламни меҳри нури ёритиб, оқ гумбазли сарой томон йўл олди. У ерни манзил қилган чинлик гўзал ҳам шу рангдаги кийимларда уни кутиб олди. Шоҳ фил суягидан ишланган оппоқ тахтга чиқиб ўтиргач, дилбари ҳам унинг ёнида ором топди. Базм-ишратга йиғилган мажлис аҳлининг барчаси ҳам оқ либосда эди. Бир гул юзли паризод келиб, чиний қадаҳда май тутди. Шоҳ оқшомга қадар ҳар кунгидан кўпроқ май ичди. Қуёш ўз нурларини яширгач, шоҳ уйқу истагини билдириди. Оқ уй ичига жой солингач, мулозимлар йўлга чиқиб бир мусоғирни бошлаб келишди. У шоҳ Баҳромни дуо қилгач, ўз ҳикоясини бошлади.

### Еттинчи иқлим йўлидан келтирилган мусоғирнинг ҳикояси

Мен ўз кўрганларимни ҳикоя қилиб бермоқчиман. Хоразм мамлакати менинг диёрим бўлади. Санъатим соз чалмоқ бўлиб, ҳеч ким мусиқа илмини менчалик билмайди. Доимий ишим элга таълим бермоқ бўлиб, ҳозир-

да устозлик қилаётган күпгина кишилар менинг шогирдларымдир.

Ногаҳон халқ ичида «Хоразмга бир хитойлик савдо-гар ҳурваш канизи билан келаётган эмиш. Хожанинг молу дунёси эл гумон қылганидан ҳам кўп эмиш. Унинг канизи эса ниҳоятда соҳибжамол бўлиб, барбат асбобини қойиллатиб чалар ва ғоят ёқимли ашулалар куйлар экан», деган хабар тарқалди. Бу хабар халқни бекарор қилди. Бир неча кундан сўнг эса хожа ҳам етиб келди. Хоразм аҳли ўз эшитганларининг қанчалик тўғри эканини ўз кўзлари билан кўришни истаб унинг истиқболига чиқишиди. Хожа айтилганидек бой бўлиб, зуҳду тақвони шиор қилиб олган экан. Аслида хожага фарзанд саналган ой юзли гўзал канизак эса парда ичида, юзига оқ никоб тортиб ўтиради. Фақат юзидаги ниқобигина эмас, балки кийимлари ҳам оқ бўлиб, шу рангдаги кийимларни хуш кўраркан.

У канизак ҳар куни икки қатла, субҳ ва шом пайтларида парда ичида ўтириб чанг чалиб, куйга ҳамоҳанг ашулалар куйлар, уларни тинглаётган одамлар ўзларини йўқотиб оху нола қилишар, ҳар куни бир ғамнок шу тарзда ҳалок бўларди. Бу гаплар шоҳга ҳам етиб борди. Уларни ўз саройига таклиф этишга журъат қилолмаган шоҳ ўз кийимларини ўзгартирди-да, одамлар орасида туриб куй ва ашулаларни тинглади-ю, у ҳам канизакка шайдо бўлиб қолди. Қизнинг кую навосидан унинг хусну жамолини англаган ҳукмдор маҳвашга уйланиб, хожага фарзанд бўлишни истаб хомтамаъ бўлар экан, орага даллолаларни қўйиб хожага ўз истагини билдириди. Лекин хожа «Шоҳ ўз орзусини баён қилиб, бошимни кўкка етказди, лекин бу борада менинг толеъим йўқ экан. Гап шундаки, бу маҳваш санам турмушга чиқиши асло истамайди, Ҳақ уни жуфтидан тоқ қилиб яратган», деб жавоб қилди. Шоҳ ўз истагини яна бир неча бор изҳор этди, лекин хожа ҳар сафар олдингидек рад жавобини берарди. Охири ишқдан ҳалок бўлишига ишонган шоҳ

бекарор бўлиб, ғазабланди-да, зулм қилишга бел боғлади. Бир қанча сипоҳларини хожа уйига бориб канизакни бор юклари билан саройга олиб келиш учун юборди. Улар шоҳ фармонини бажариб, канизакни саройга олиб келиб, қаср ичига туширдилар. Шоҳ хурсанд бўлиб, гўзал санам ҳузурига йўл олди. Бундан хабар топган канизак чангини қўлига олиб, шундай ашула айта бошладики, уни эшигтан шоҳ ўзидан кетди, кимнинг қулоғига эшигтилган бўлса, йиқилиб уйқуга кетаверди. Сарой аҳлининг барчаси шу тарзда маст бўлиб, ухлаб қолгач, канизак ўз уйи томон йўл олди.

Шоҳ ва унинг сипоҳлари уйғонгач, аҳволдан огоҳ бўлиб, канизакни яна саройга мажбурлаб олиб келишиди, у эса яна чанг чалиб ва ашула айтиб, барчани ухлатиб қўйди ва яна ўз уйига бориб, парда ичидаги ора бошлади. Шоҳ яна бир неча бор шу ишини тақрорлади, лекин ҳар сафар шу ҳолат юз бераверди. Охири шоҳ ўз ишидан пушаймон бўлиб, хожа ҳузурига келди-да, узр сўраб у билан ота-ўғил тутинди, паривашдан ҳам кечирим тилаб, оға-сингил тутинди. Шундан сўнг хожа жаннатмонанд бир боғ ясад, унга баланд бир қаср солдирди. Унинг ёнига эса ибодат қилиш учун бир ҳужра қурдирди. Гул юзли гўзал у ерда оппоқ кийиниб ибодатга машғул бўлар, тонг отгунча тангрига муножот айтиб, бирорнинг умиди билан яшар, лекин у одамнинг кимлигини ҳеч кимга аён қилмасди. Субҳ бўлгач, фироқ ҳақида куй чалиб, ашула айтиб, эшигтаңларни зор йиғлатар, шомгача тоат-ибодат қилиб, шомда яна ўз кую ашуласини давом эттиради. Парда ташқарисида ўтирган одамлар нолаю оҳ чекар, шоҳ ҳам гоҳ-гоҳида шу ерда ўтириб куй ва ашуладан ҳушини йўқотар эди. Хожа дастурхон тузаб, имкони борича шоҳга тақаллуф кўрсатар, зиёфат қилиб кўнглини хушларди.

Мен у шаҳарнинг нағмасози, базмларнинг достоннавози эдим. Кунларим куй ва ашула билан ўтарди. Мен айтган канизак ўз куй ва қўшиқларини бошлагач, ишла-

рим юришмай, элнинг эътиборидан қола бошладим. Шунда ўз аҳволимга чора ўйлаб топдим-да, хожа даргоҳига йўл олдим. У маҳваш ҳузурида экан, узокроқдан фарёд чекдим. Икковлари овозимни эшитиб, фарёдим сабабини сўрадилар. Мен «Сизлар менга зулм қилдинглар», деб жавоб қилдим. Улар яна «Эй мазлум, бизга тухмат қилма, биз зулм қилишга ўрганмаганимиз. Балки бизни кимлар биландир адаштираётгандирсан?» дедилар. «Ундоқ эмас, сўрасангиз, нима қилганингизни айтиб берай, инсоф қилсангизлар, бирон чора топиб берарсиз, бўлмаса сўзимни ёлғонга чиқарарсизлар», дедим. Улар «Айт!» дейишгач, дуо қилиб, кейин ўз аҳволимни шошилмасдан бирма-бир айтиб бердим. Улар сўзларимни кулимсираб эшитдилар. Сўнг мен ўз истагимни баён қилиб «Рухсат берсангизлар, мен бир неча фурсат ҳузурингизда бўлиб таълимингизни олсам. Мен ожиз бўлиб кўринсан ҳам, мусиқа илмида анча машҳурман. Бу мамлакатдаги кўплаб таниқли созандаю ҳофизлар менинг шогирдларимdir. Афлотун ҳам соз чалишда менга teng келолмайди. Мен бу ерда сизлар аён қилган ишларнинг моҳиятини айтиб беришга ожизман. Бу тарзда ашула айтиб, эшитувчиларни гоҳ ўлдириб, гоҳ тирилтиришни ҳеч ким кўрмаган. Шу туфайли менинг ишларим касод бўлди», дедим.

Хожа ва унинг қизи менинг сўзларимни тинглаб, хору зорлигимга ачиндилар шекилли, менга яхшилик қилишибди. Хожа менга қараб «Биз билан ҳамкорлик қилишинг, соз билан меҳрибонимиз бўлишинг яхши, албатта. Лекин бир масала мушкулроқ: гул юзли сарвимга номаҳрамнинг хизмат қилиши ҳам, яқинроқ бориши ҳам мумкин эмас», деди. Мен унга «Хунар умиди билан мен ўзимни маҳрам айлаганман, сизни бу хил ғамдан қутқазиш учун эркаклигимдан воз кечганман», дедим. Икковлари ҳайрат билан боқишли-да, менинг рост гапираётганимни тафтиш қилиб ишонч ҳосил этишди. Кейин менга кўпдан-кўп илтифот кўрсатишиди. Мен парда олдида хожага ҳамдам бўлиб, парда ичидаги эса у маҳбубага сирдош бўлиб

хизматларини қилиб, уларнинг кўнглини олардим<sup>1</sup>. Ой юзли гўзал куйлар экан, мени бир нарса ҳайрон қўолди-рарди: унинг барча ашулалари айрилик дардига бағиши-ланган эди. Яна бир ҳолатдан ҳам хабардор бўлдым: у баъзан парда ичидаги яширинча йиглар эди. Фами кучнайиб кетган пайтларда мен билан маҳрам сифатида сухбатла-шиб, хәёлига келган айрим сўзлар маъносини мөяндан сўрарди, мен эса билганимча жавоб берардим. Баъзида уйқуси қочса, менга «Афсона айтиб бергун», деб илти-мос қиларди-да, ривоятда айрилик ҳақида гап борсан, бе-ихтиёр йиғлашга тушарди. Бу ҳолат ҳақида фикр юри-тиб, паривашнинг бирор ишқида мажнун эканлигига, унга зору маҳзунлигига ишонч ҳосил қилдим. Ичига ғботиб азоб бераётган ҳажр тикани зардоларини ашуласи би-лан ташқарига чиқариб ташлар экан. Туну кун куййлама-са, аланга уни пинҳона куйдирар экан. Ішуларни аңчиқла-гач, паривашни қийнаётган дарднинг мөҳиятини бўилиш-га интилдим. Ҳар хил мавзууларда у билан сухбатлашар эканман, бир куни савол беришга руҳсат олиб, унинг бирор ишқида ёниб, ҳажрида ўртанаётганини сезганим-ни айтдим-да:

«Манга бу ғами ошкор этсанг,  
Мени бу сирда роздор этсанг.  
Токи бўлғай ҳаётим имкони,  
Кимса мендин эшитмагай они.  
Лек мумкиндуур даво қилурум,  
Саъй этиб ҳожатинг раво қилурум»,

дедим. Сўзларимни тинглаган гулруҳ бироз ўйланиб қолди-да, сўнг: «Менинг ҳолатимни тўғри англабсаён. Фа-қат илтимосингни айтмасанг яхшироқ бўларди. Чунки уни эшитишдан сенга фойда йўқ. Юрак сирларимни англашга жуда ҳам қизиқаётган бўлсанг, икки ишданчи бирига рози бўл: ё бу ишдан воз кечгил ёки дардимдаён огоҳ бўлгач, бу ердан бош олиб, бошқа мамлакатга қешишга

рози бўлгин», деди. Бу сўзлардан ваҳимага тушиб бир неча кун ғамгин бўлиб юрдиму, кейин сабр-қарорсиз бўлиб, уни ўз хонасида ёлғиз учратдим-да: «Сен чекаётган дардни билишга бўлган қизиқиш менга тинчлик бермай, девона қиласай деяпти. Майли, сўзларингни эшишиб бўлгач, бошимни олиб қаёққа десанг кетишга аҳд қилдим», дедим. Маҳваш «Бу сўзларинг қизиқ бўлдику, чунки сен ўз-ўзингга бало тилаяпсан. Аҳд қилган бўлсанг, шаҳарда турмасдан бош олиб кетишингга қасам ичгин», деди. Мен унинг айтганини бажо қилдим. Шундан сўнг маҳваш ўз ахволини ҳикоя қилишга тушди:

«Мен чекаётган дард сабабларини сўраяпсан. Сўзни аввалидан бошламасам, ғамим сенга яхши аён бўлмаслиги мумкин. Билгинки, менинг диёrim Чин мамлакатидир. Ўша ерда туғилиб ўстганиман. Болалик пайтимда икки шоҳнинг ўзаро уруши туфайли мен асирга тушиб қолдим. Мени чўриликка сотишаётган пайтда хожа харидор бўлиб сотиб олди. У мени яхши кўришининг сабаби шуки, мен унинг сотиб олган канизиман. Хожанинг фарзанди ўйқ эди, шунинг учун у мени ўз фарзандидек эъзозларди. Менинг овозим ёқимли, сўзларим мулоим бўлиб, дилкаш қўшиқларни куйлардим. Бундан хабардор бўлган хожа мусиқа илмининг атоқли уламоларини, моҳир со занда ва хонандаларни уйга чақириб, бир неча йил давомида менинг иқтидоримни камолотга етказди. Санъатим овозаси жаҳонга тарқалиб, чангимнинг шуҳрати осмонга етди. Бунинг устига беқиёс ҳусним овоза устига овоза бўлди. Қанча-қанча бадавлат кишилар менга эга бўлиш учун беҳисоб молу хазиналар таклиф қилишди, шунчалар кўп маблағлар тўқдиларки, оқибатда хожа ўз фарзандини канизга айлантирди. Харидорларим кўпайгани сайин бозорим ҳам шунчалик қизирди.

Шу пайларда Чинда моҳир бир наққош бўлиб, исми Моний эди. У менинг суратимни яширинча чизиб, сафар чоғида бир шаҳаншоҳга кўрсатибди. Шоҳ суратга шайдо бўлиб, канизакни сотиб олиш учун Чинга бир неча удда-

бурон кишиларни жүннатибди. Улар хожа истаганча Хитой хирожини түлаб, мени үз юртларига олиб кетдилар, ва йўлда тез юриб шоҳ ҳузурига етказдилар. Висолимга эришган шоҳ бениҳоя хурсанд бўлди.

Андок ўлдики, менсизин бир дам,  
Тийра эрди анга ёруғ олам.  
Умридин ҳосили жамолим анга,  
Балки умри абад висолим анга.  
...Менсизин йўқ эди даме коми,  
Ком йўқ, хотирининг ороми.  
Бўлмасам ҳамроҳ урмай ул бир гом,  
Мен наво чекмай, ичмай ул бир жом.  
Мен қаю нағмаким, адо айлаб,  
Ул чекиб оҳу жон фидо айлаб.  
Олмайнин кўз даме жамолимдин,  
Тўймайнин бир нафас висолимдин.

Шоҳ қанчалик менга мойил бўлса, менинг кўнглим ҳам унга шунчалик мойил эди. Оқибатда шоҳ давлату сипоҳларини унута бошлади. Бир куни у май ичиб, бир кийикни кўрди-да: «Қандай қилиб ўлдирай?» деб мендан сўраб қолди. Мен: «Олдин кўлини боғлаб, сўнг узоқдан туриб ўлдиргин», дедим. Шоҳ уни мен айтганимдек қилиб ўлдирди. Унинг бу ишини ҳеч ким бажо қилолмасди. Бу маҳорати учун жонимни фидо қилсан арзирди. Мен баҳтиқаро эса бунинг ўрнига шундай бемаъни сўзларни айтибманки, бунинг учун юз парча қилдирса ҳам ҳақли эди. Шунда ҳам ўлдирмай, мени бир биёбонга ташлатибди ва қаҳрланиб маст ҳолда шаҳарга йўл олибди.

Икки кеча-кундуз ўтгач, сотиб олган хожа мени соғиниб, кўриш учун Хитойдан сафарга чиққан экан. У Хоразмга тезроқ етиб бориш учун иккита қули билан кечасию кундуз йўл босар экан, тун пайтида оти йўлдан чиқиб мен ётган дашту биёбонга бориб қолибди. Хожани уйқу босиб, отдан йиқилибди-да, ухлаб қолибди. Кўзини очганда атроф ёришиб кетган экан. Ёнидаги юз қадамча

йўлга назар ташласа кўзига бир қора кўринибди. У қўл-оёғи боғланган одамга ўхшаб ётганмиш. Хожа яқин келиб қараса, соchlари билан боғлаб ташланган бир аёл экан. «Ўликмикан, тирикмикан?» деб, қўл-оёғини ечиб қараса, юзида қони қолмаган бу аёлнинг бўю басти, кўзу қоши менга ўхшармиш. Оёғига тушган соchlарию, зақани ва лабларидаги холи ҳам мени эслатармиш. Хожа ўзининг соғ ёки мастилигини-ю, уйқудами, уйғоқлигини билмай ҳайратланиб, хаёл суриб ўтиаркан, узоқда бир карвоннинг қораси кўринибди. Бир қулини ўша томонга йўллаб карвонни чақиртирибди-да, одамларни шу ерга туширибди. Карвон ахли ичидан мени кўриш учун келаётган бир неча дугонам ҳам бор экан. Хожа уларга мени кўрсатган экан, нишоналаримдан мени танишибди ва ёқаларини йиртиб, оҳ-фарёд ура бошлишибди. Мени ўлган деб ўйлаган хожаю дугоналарим мени кўз ёшлари билан ювиб, қимматбаҳо ипакдан кафан бичиб, унга кофур (оқ хушбўй модда) сепишиб, ипак билан ўраб гулоб билан хушбўй қилишибди. Гулоб ҳидидан ўзимга келганимда, ҳамма юзларини иягимга суртишиб, димофимга яхши ислаҳ тутишибди. Кўзимни очсан уларнинг ҳар бири бошим устида ҳар хил сўзларни айтиб туришарди. Шунда мен уларга қараб «Бунда турмай тезлик билан жўнаб кетинглар, чунки бу водий оғат манзилидир», дедим. Шунда мени бир кажавага ўтқазиб, оғзимга шарбат тутишиб, хушбўй кўкатлар билан қувват беришеб, икки кечакундуз йўл юрдилар. Менинг ҳам сиҳатим яхшиланди. Туялар чарчагач, хожа бир чашма олдида карвонни тўхтатди. Кўм-кўк яйловда кошона ясаб, тахт қуриб, унинг устида менга ором бердилар. Хожа олдимга келиб бошимдан ўтган воқеаларни сўради, унга барчасини айтиб бердим. Хожа бирдан бошини ушлаганича жим ўтирида-да, яна бир он бошини қўйи солди.

Мен унинг аҳволларини сўрадим. У ҳам ўз қиссасини айтди ва мендан «Энди нима қилмоқчисан?» деб сўради. Мен «Гарчи шоҳ ўз канизига ғазаб қилган экан, мен

бунга сазовор эдим. Шоҳ қаҳр қилган бўлса ҳам, у ўлдирган одамни тангри асрари. Киши ўлганга тиф урмайди, бир ўликни икки бор ўлдирмайди. Сизлар менинг үраган кафанин кийиб, унинг даргоҳига борсам-да «Мен қилган гуноҳларимнинг жазосини тортдим. Худо менга янгидан жон ато қилди, уни ҳам шоҳга фидо қилишни истаб, бу ерга келдим. Қатл қиласиган бўлса ҳам, авф қилишни истаса ҳам, мен бандасиман. Айбим бўлса, ўзи паноҳим, унинг караму лутфи эса менинг орзуйимдир», деб айтсан, ҳеч шубҳа йўқки, шоҳ авф этиб, бениҳоя яхшилик кўрсатади», деб жавоб қилдим. Бу сўзларимни эшитган хожаю ҳалқ фарёд уриб «Бу хоҳишинг хатодир, ё эсингдан айрилдингмики, бўлмағур гапларни айтяпсан. Биргина сўзинг учун қонингни тўккан шоҳга жонингни фидо қилишинг нимаси? Шоҳ куйдирувчи бир шуъладир. Ҳар кимга бу шуъла тегса, унинг куйиб кул бўлиши муқаррар. Ўз ихтиёри билан ўт ичига кирмоқ эса ўзини куйдиришдан бошқа нарса эмасдир. Бирон нарсадан ранжиб, разаб ўтида ёнаётган шоҳдан қанча узоққа қочилса, шунча оғат камроқ бўлади. Разаби тинчигач, сенга раво кўрган ишидан пушаймон бўлганлиги ҳақидаги хабар ҳар тарафга тарқалади. Афсусланаётган бўлса, унинг ҳузурига бориш осон бўлади. Қилган ишини тўғри деб билаетган бўлса, жонингни қутқарган бўламиз, холос», дедилар. Хожа бу сўзларини тугатгандан сўнг барчалари маслаҳатлашиб: «Ҳозирча бирон томонга қочиб бормоқ кепрак», деган фикрда тўхташди. Энг узоқ манзил Хоразм эди, шунинг учун ўша тарафга қараб йўл олдик. Мен бу шоҳдан шу тарзда айрилгач, ҳажрида тирик қолмаслигимни билдим, ўзимни ўлган деб гумон қилдим, зеро ҳажр ўлим билан тенгдир. Шу туфайли менга либос бўлган кафанин кийиб юришни одат қилдим. Висолидан айрилганим учун кафаним оқ либосдир.

Бу шаҳарга етиб келгач, шу ерга тушдик. Сен бўлиб ўтган барча ишлардан огоҳсан. Бу ернинг шоҳи олдида ёлғон сўзлачим, унинг дилига юз хил изтироб солганим-

ни күнглим хоҳиши деб билмагин. У валинеъматимга вафо ифодаси эди. Сенга сирларимни ошкор қилдим. Сен ҳам менга берган ваъданг устидан чиқкин-да, бу диёрда турмай тезроқ кетгил».

Мен бу хил сўзларни эшитгач, сарви гулрух билан хайрлашдим-да, мамлакатма-мамлакат юриб, қадам ба қадам йўл босган бўлсам-да, бу сирни ҳеч кимга айтмадим. Шоҳ: «Афсона айт!» деб ҳукм қилгач, бундан яхши афсонани тополмадим. Ҳусусан, бундай кофурий ранг (оппоқ) қасрни кўриб, фироқ ичида изтироб чекиб, оқ кийим кийиб олган, йўқ, кийим эмас, оппоқ кафан кийиб, унга кофур сепиб олган ҳурваш гўзал ёдимга келди. оламнинг ажойиботи бўлган у соҳибжамол бу қасрга жуда муносибдир».

Қисса айтиувчи мусофири ўз сўзини тугатгунга қадар фойиб бўлган маҳбубасидан нишон топган Баҳром юз марта ҳушини йўқотиб, юздан ортиқ ўлиб тирилган эдию ушбу афсонадан ўлиб, шу афсонадан тирилган эди. Ҳикоячи ўзининг фифонидан огоҳ бўлиб қолса ва бир нафас афсонасини тўхтатса, бошқа воқеага ўтиб кетиши мумкин, деган хаёлда нола қилишдан ўзини зўрға асраб турарди. Мусофири афсонани охиригача айтиб тугатгач, шоҳ оташин фифон тортиб, ўз олдига уни чақирди-да, қаттиқ қучоқлади-ю, руҳининг булбули учгандек ўлган кишига ўхшаб ўзидан кетди. Бундай афсонани эшишиб беҳуш бўлган одам яна ўзига келиб нима ҳам қила оларди?!

#### XXXIV

Шоҳ Баҳром ўзининг фойиб бўлган маҳбубасидан нишон топгач, сахаргача бекарор бўлиб, чала сўйилган ҳайвондек азоб чекди. Шавқ ўтида ўртанаётган шоҳ сабр қилишга чидай олмай, изтиробда ўзини у ёқдан бу ёққа уради. Сал тинчланса, мусофири ўз қиссасини такрорлашга ундар, хажр дардида қийналса ҳам висол умиди

билан ором топарди. Шу тарзда оқшомни тонгга улади. Субҳ кулгуси оламга ёйилиб, қүёш шұълалари жағонни ёритгач, шоҳ аввалига Дилором манзили – Хоразм томон дарҳол йўлга тушиш истагини билдириди. Лекин давлат арконлари бўлган амалдорлар бир неча кун сабр қилиш зарурлигини уқдириб: «Шоҳнинг заифлиги давом этаётган бу кунларда узоқ сафарга отланиш тўғри бўлмайди», дейишди. Табиблар ҳам: «Тоғ қанча улуғвор бўлса ҳам, виқору сокинликни одат қилган. Агар у ҳаракатга тушса, қиёмат ошкор бўлади. Шунинг учун бир неча кун бу ғамга чидаб, ором олгинда, оламни бузмагин», деб маслаҳат беришди. Кейин хожага:

«Ким бу янглиғ хабар эшиттук жазм,  
Ки бор эмиш маконингиз Хоразм.  
Бу хабардин агарчи бўлдук шод,  
Етти юз навъ бандимизга кушод.  
Лек ҳолатни англаган ҳангом,  
Тутмангиз анда бир нафас ором.  
Кеча-кундуз демай хиром қилинг,  
Уйқуни биз каби ҳаром қилинг»

деган мазмунда мактуб ёзиб, тезкор чопарлар қўлига топширишди. Шоҳ ушбу хат ичига ўзининг дил сўзлари битилган мактубни ҳам яширинча қўшиб қўйди. Унда Баҳром ўзининг Дилоромга бўлган самимий муҳаббатини изҳор этиб, тезроқ келишини илтимос қилганди. Шоҳ ўзининг Хоразмга боролмаётганини манманликка йўймаслик, балки ўзининг оғир бетоблиги туфайли сафарга чиқа олмаганини тушунишини илтижо қилиб:

«Буйла мажруху нотавондурман,  
Нотавон жисму хаста жондурман.  
Келу ўлғон танимга жон бўлғил,  
Жисмима мояи равон бўлғил»

каби таъсирчан сўзларни ёзган эди.

Яна Хоразм шоҳига ҳам мактуб ёзиб, унда хожага Хоразмнинг бир йиллик молини бериб уни тезлик билан ўз томонига жўнатиши буюрилган эди. Чопарлар шамолдек тез юриб Хоразмга етиб бордилар-да, хожанинг боғини топиб мактубни қўлига тутқаздилар. Хожа уни олгач, сажда қилиб, Дилоромга йўлланган хатни ҳам эгасига топшириб, икковларининг бошлари осмонга етди. Хоразм шоҳи эса ўзига юборилган мактубни ўкиб, дарҳол Баҳром буйругини бажо қилди: хазинадан тегишли маблағни олиб, хожага етказди. Хожаю Дилором янада шодланишиб Баҳром тахти томон йўл олдилар-да, тез юриб кўзлаган манзилларига яқинлашдилар.

Карвон билан шаҳар орасида бир манзил масофа қолганида шоҳ кечаси, барча ухлаётган маҳалда яширинча ўз гулчехраси томон йўл олиб, сахарда карвон қўнган жойга етиб келди. Бу пайт карвон аҳли ширин уйқуда эди. Чашма бошида катта бир чинор бўлиб ичида фордек кавак қўриниб турарди. Чашма олдига қурилган чодир уй ичида эса Дилором ухлаб ётарди. Шоҳ отини бир тошга маҳкам қилиб боғлади-да, чинор томон юрди. Кейин чинор бағридаги форга қадам босиб, у ердан Дилоромга назар ташлади. Кўп ўтмай париваш ҳам уйғониб кетди ва олдин тангрига шукронга айтиб сажда қилди-да, кейин қўлига чангни олиб ошиқона ашула бошлади. Унда Дилором шоҳ фироқидан нола қилиб, унинг иштиёқидан оҳ чекарди. Сўнг у чашма олдига бориб янги бир ашула ни куйлай кетди. Шоҳ дилдорининг ҳар бир ашуласини тинглар экан, кўзидан ғамили ёшларини оқизиб, ўзидан кетарди. Дилором эса бошқа бир ашулани куйларкан шундай фифон чекарди:

«Ки бу йўл не бало узоғ ўлди,  
Тобидин доғим узра доғ ўлди.  
Етти оғзимға ранждин жоним,  
Қолмали ғам емакка имконим.  
Умрдин ноумид бўлдим ло!»

*Меҳнати ҳажр ичинда ўлдим ло!  
Ул кун ўлғайму, эй сипехри даний,  
Ки солиб шоҳ хизматига мени.  
Кулогифа сўзумни еткурсанг,  
Аёғига кўзумни еткурсанг.  
Васлдин ҳосил ўлса дармоним,  
Бўлмагай ўлсам ўзга армоним!»*

Бу хил ашулани эшитган шоҳ ох тортиб, ёқасини йиртди. Дараҳт бағридаги ғордан юз нолаю фифон билан югуриб чиқди-да, бориб ўзини ёрининг оёғига ташлади, гўё офтобга сифинувчи киши қуёшни кўриб сажда қилгандек бўлди ва парини кўрган девонадек ҳушини йўқотиб йиқилди. Бу ҳолатни кўрган париваш ҳайратдан лол бўлиб турарди. Кейин шоҳ оёғига кўзидан дурлар тўкиб, оёғини ўпгач, у ҳам ўзидан кетди. Ер устида иккови бехуд бўлиб ўзларига келмай ётишарди. Куёш оламга ўзининг нурли ипакларини ёйгач, карвон аҳли уйғонишиб уларнинг ахволларидан хабардор бўлдилар ва икковининг боши узра тўпландилар. Хожа бу ажойиб ҳолни кузатар экан, уларнинг бошларига иқбол қуши қўнганини билди, кейин одамларни тарқатиб бир оқ чодир олиб келди-да, улар ётган ерга ўрнатди. Икки дилҳоҳ ўзларига келишгач, нималар ҳақида сухбатлашганларидан мен огоҳ эмасман, чунки уларни ўз оғушига олган ётоқхонага элгина эмас, саҳар насими ҳам сирдош бўлолмасди. Хуллас, шоҳ муродига етди, у хурсанд бўлиб хожани ўзига маҳсус вазир этиб тайинлаб, савдогарлик ишларидан кутқарди. Одамлар вақтни ғанимат билиб шаҳар томон йўлга тушдилар.

### XXXV

Шоҳ Баҳром шаҳарга қайтгач, жисми тамомила соғайиб, яна базмларга берилиб кетди. У ҳар ҳафтанинг етти кунини етти ранго-ранг қасрда ўтказиб, маҳваш

дилдорлари қўлидан май ичишни одатга айлантириди. Қасрлардаги гулчехралар унга азиз бўлсалар ҳам, у ўз маҳбубаси Дилоромни барчасидан кўпроқ севарди. Шоҳ бир неча йилни шу тарзда базмлар билан ўтказди. Лекин подшоҳ уч юз йил давру даврон сурса ҳам, барча тахтларни эгаллаб, бутун жаҳонга ҳукмдорлик қиласа ҳам, етти осмон гумбазида ором олиб Миррих (Марс) сайёраси унинг даргоҳида эшик оғаси бўлиб хизмат қиласа ҳам, ҳамма нарсани қолдириб кетиши керак бўлади. Шоҳ Баҳромнинг ҳам барча муродлари ҳосил бўлгач, ҳаёти шундай натижা билан тугади. У етти қасрда тўхтовсиз май ичар экан, қайси манзилда бўлса ҳам гул юзли сарвдек гўзал ёри Дилором унга ҳамроҳлик қиласди. У ўз чангини янгратиб, қўшиқ куйлаб шоҳ кўнглини шод этарди. Баҳром овга чиққан маҳалда ҳам маҳбубаси от устида чанг чалиб, ашула айтиб бораради. Хонандаси ҳам, соқийси ҳам, умрибокийси ҳам Дилором эди. У шоҳ базмларининг безаги бўлиб ҳукмдорни хурсанд этар, Баҳром айш маҳалида ҳам, тоат пайтида ҳам севимли маҳбубасини бир соат кўрмай туролмас эди.

Бир куни шоҳ ниҳоятда кенг бир майдонда ов қилди. У ерда ҳайвонлар юлдузлардек сон-саноқсиз бўлиб, қочиш йўллари ҳам берк эди. Овчилар ҳам, овланувчи ҳайвонлар ҳам ғоятда кўп эди. Кенг ўтлоқ отлиқларга тўла бўлиб, улар бир неча қатор давра ҳосил қилишганди. Ов қилинадиган жойнинг доираси уч ёғоч, овчилар эса ўн беш саф эдилар. Ов бошлангач, кўм-кўк ўтлоқ ҳайвонлар қонидан лолазорга айланди. Бу қонлар сел бўлиб оқарди.

Шоҳ Баҳром раҳм-тағфатни унутиб, кўплаб ҳайвонларни ўлдирап экан, ёнидаги мингга яқин мерган йигитлар ҳам ундан кам оь қилмасликка тиришар эдилар. Сафдаги отлиқлар ёмирдек ўқ ёғдиришганда, ҳайвонлар қай томонга югурмасинлар, қочиб қугула олмасилар. Овчилар неча ўн минглаб бегуноҳ ҳайвонларни раҳмсизлик

билан ўлдирап эканлар, кийимлари қоп-қора қонга бўялганди. У манзилда гўё қондан бир гулистон пайдо бўлган-дек эди.

Бу манзилдаги ўтлоқнинг ости балчик ва сувдан иборат бўлган ботқоқлик экан. Унинг юзини чанг-тўзон босгач, ёмғир ёққанида, у ердан ўт-ўланлар ўсиб чиқкан, кейин ўрмонга айланган, дараҳтлар илдиз отиб, ботқоқ остини қотириб қўйган экан. Ов вақтида оқкан қонлар ўтлоқ остига сингигач, ботқоқлик сувига етиб бориб, унга қўшилди-да, балчик пайдо қилиб, овчиларнинг белигача етиб борди. Отлар ҳам балчиқса бота бошлиши. Шу пайт қуёш юзини булутлар тўсди-да, қаттиқ ёмғир ёға бошлади. Гўё Нуҳ тўфони юз берганга ўхшарди. Ов майдони одамларга тўлиб кетгач, ернинг юки оғирлигидан эгилиб, юз минг балчик остига кириб кетди. Барчалари овга бориб, ов қилиш жойида-ги тузоқса илиндилар. Шер билан жайрон, яъни Баҳром билан Дилором ҳам шу тузоқса тушиб қолдилар. Икковлари ҳам қутулиш имкони йўқлигини англаб, бир-бирлари билан маҳкам қучоқлашганларича балчик остига кириб кетдилар. Шунча беҳисоб лашкарлар чумолилардек тўполон кўтаришди-ю, барчалари чумолилардек ер остига равона бўлишди. Бу ғазабкор сипоҳлар чумолилардек ер остига киришган экан, Сулаймон ҳам равона бўлмай қолмади.

Барча олам аҳлининг оқибат борадиган жойи гўр (қабр)дир. Унинг исми ҳам Баҳроми Гўр эди. Аждарҳога ўхшайдиган бу разил дунёнинг доимий одати одамларни ютишдан иборат. У ана шу одати бўйича юта олганича халқни ютди. Лекин унинг ютишида бир қонун мавжуд бўлиб, у бир ёки ўн, юз ёки минг кишини ямларди. Лекин бу жиҳатдан қараганда, Баҳром иши бошқачароқ юз берди, яъни бу даҳшатли аждаҳо уни шунча обрў, хазина, жаҳонга сифмаган сипоҳи билан бир дамда шундай ютиб юбордики, ундан ҳеч кимса хабар тополмай қолди.

*Аллоҳ – Аллоҳ! Не аждаҳодур бу,  
Аждаҳо демаким, балодур бу.  
...Токи жондин эрур нишон кишиға,  
Аңдин эрмас даме амон кишиға.  
Жонни олғон била дағи қўймас,  
Танни ютқон била дағи тўймас.  
Жисми хокини хокисор айлар,  
Кўкка ажзосини губор айлар.*



# САДДИ ИСКАНДАРИЙ



## ИСКАНДАРНИНГ ЁШЛИГИ

**Ж**озқ тарихдан бери Эронда пешдодийлар, каёнийлар, ашконийлар ҳамда сосонийлар деб аталган сулолалар ҳукмронлик қилиб келишган бўлиб, барчасини қўшганда уларнинг ҳукмронлиги 4 336 йил давом этган. Хикоя қилинаётган вақтда, эрамиздан аввалги III асрда шу мамлакатда Доро номли шоҳ улкан Эрон мамлакатини бошқарар, қўшни давлатлар унга бўйсуниб, ҳар йили хирож тўлаб туришарди.

Рум давлати шоҳи Файлақус Искандарни бир вайрона ичида эндиғина туғилиб, йиғлаётгани, онаси эса вафот этганини кўриб, уни ўзига ўғил қилиб олади ва ҳар томонлама парвариш қилиб, мамлакатни идора қилиш салоҳиятига эга бўлган давлат арбоби сифатида етиширишни сарой аъёнларига топширади. Нақумоҳис деган донишманд аллома уни Файлақус тайинлаганича парвариш қила бошлайди.

Искандар шундай қобилиятли бола бўлиб чиқдики, устози берган таълимнинг ўн марта кўпини тез ўрганиб оларди. Кўпдан-кўп билимларни эгаллаган шаҳзода ҳарбий билимларни ҳам жаҳд билан ўргана бошлади. Унинг отган ўқлари юлдузларнинг кўзларигача бориб етар, каманди ўқлари билан фалак қальласи девору буржларини бузиб ташлар, гурзи ишлатишни машқ қилиб олгач, қаттиқ тошлардан осмонгacha гард етказа оларди. Хуллас, ҳарб соҳасида ҳеч ким ета олмайдиган даражага эришиб эл орасида машҳур бўлди.

Бу пайт отаси анча қарив қолган бўлиб, ҳаёт билан видолашиш даври яқинлашиб қолганди.

Қаддининг эгиклигидан халқ унинг тупроқ сари йўл олаётганини англарди. Жисмини касалликлар эгаллаган

чоғда Искандар шоҳлик ишларини бошлашга тайёр бўлиб эди. Файлакус ўлими муқаррарлигини сезиб, тожу таҳтини Искандарга топширди. Ўғлига таҳтини топширгач, ўзи тахта устига йўл олди. Гўёки дарахт икки шоҳ берди-ю, биридан тахта тобут, иккинчисидан таҳт йўнди-лар.

Искандар отаси ўлимини кўриб жаҳонни тарк этишига оз қолди. Отасининг қилган васияти унга далда бўлиб, бу ниятидан қайтарди. «Мулкимга бегонани қўймагил, ҳаримим аро ҳеч бир номуносиб инсон қадам қўймасин. Сени истаб топганимдан муродим шу эдикни, қачон олам билан хайрлашсам, менинг ўрнимни эгалласанг, менинг номим шухратим елга соврилмайди», деб таъкидлаган эди отаси.

Бу сўз Искандарнинг ёдига келгач, ота пардасига хурсандчилик етказишга аҳд қилди. Покиза зилол сувига хас-хашак туширишни ҳам ўзига уят билди. Отаси мотамини тугатишгач, таҳт билан муҳрли узукни муносиб кўриб, отасининг таҳтига чиқиб ўтирди. Хурсандчиликлар қилинди, жомлар кўтарилди.

Соқий, ғамни унуттирувчи жавҳарий майдан бер, ки ундан симирсам, ғамим қолмасин, ота азасидан ғамим қолмасин.

Муғаний, шодлик созини бошла, у билан шодлик навосини чал.

Файлакус ўртадан чиқиб, Искандарга тожу таҳтини бериб кетди.

### Искандар — адолатли ҳукмдор

Искандар оламнинг энг пок кишиларидан, билим ичидага ҳам ягона алломалардан эди. Унга тож билан таҳт маъқул келмай, бу ташвиши олдида фоятда малолатли эди. Агар ота васиятларига қарши бориб, ўз кўнглини шод этай деса, дилига хуш келмасди. Кўп ўйлаб фикрлаб кўргач, халқни йифиб бир анжуман тузди, унга мам-

лакатнинг барча обрўли, донишманд кишилари йигилди.  
Шунда Искандар ғоятда ёқимли сўзларни айтди:

«Эй мамлакатингиз Рум бўлган қавмим, олийжаноб, бой-бадавлат бўлсангиз ҳам, тангрига мен каби бир бандасиз. Мен сиз каби эмасман, сизларга қараганда заифроқман, чунки ёшроқман, отасиз, ғам чеккан бир кимсасизман. Аллоҳ отамни лутф айлаб, бу ўлкага подшоҳ қилган бўлса, у, бу ишга сазовор эди, бу юкни кўтаришга қуввати ҳам етарли эди. Аждодларим ҳам бу мулк аҳлига ҳукмронлик қилишган бўлса, улар ҳам тахтларига муносиб, қудратли ва баҳтиёр кишилар эдилар.

Мен эсам бағоят кучсиз, давлатни бошқариш ишига тайёр бўлмаган бир йигитман, бу ишга кучли, қудратли, мендек заиф бўлмаган киши керак. Ахир шер тортган юкни чумолига тортиши осонми? Филнинг юкини пашшага ортиб бўладими? Шоҳлик қилишга менинг ниятим ҳам йўқ, бундан воз кечсам ҳам, узриман. Мен ўз фикримни айтдим, бу ишда нималардан ташвишланаётганимни гапириб бердим.

Сиз энди ўзингизга бошқа шоҳ топинг, бу ўлкага олам-пеноҳ топинг.

У ҳар бир ишда замон ахлининг муносиби, шоҳлиғ ишига лойиқ инсон бўлсин. У қуёшдек қудратли, меҳрга бою, фикри тиниқ, адолатда фасли наврўздек, сиёсатда жаҳонни кўйдирувчи чақмоқдек, ҳар қандай душманга қарши чора топа оладиган, кези келганда қаттиққўл, айни чоғда элпарвар бўлсин. Ўшандай одамга давлатни топширинг, бошини тож билан безатинг. У эҳсон булутини ёғдириб, мамлакат бўстонини боби Эрамдек безатсин. Душманлар ҳолини паришонҳол қилиб ўтга қилич селидан сув урсин. Зўравонларнинг биронтаси раиятга ситам қилса, бундай зўравонлар қўлини қирқтирсан. Мусоғирлар учун йўллар доим очиқ бўлсин, қароқчининг қорасини кўргизмасин. Ўғриларнинг йўлларини ўтолмайдиган қилиб қўлини қисқа қилсан.

Зулм таълимини беришни мутлақо йўқотсин. Ҳақ буюрган ҳамма нарсаларни бажариб, рост сўзловчи одамлар қўлинни узайтирсин. Золимларга йўл бермай, элга тинчлиқ-тотувлик етказсин». Очиқ юзли шоҳ сўзини тугатгач, одамларнинг ҳар томондан қичқириқлари эши-тилди.

«Эй одил шаҳаншоҳимиз! Нега бизни фарёд чектирипсан? Элгаadolatингдан етар чоғда бундай зулмнираво кўрдинг? Шундай сўзларни сўзлаяпсанки, бу халқ бағрини қонга айлантиряпти. Бу сўзларни айтганингдан кўра қонимизни оқизгили, йўлингда жонимиз фидобўлсин. Сен бу эл бошиидин йироқ бўлгунингча, улар жонларидан йироқ бўлсалар яхшироқ-ку! Сенинг сўзларинг жон бағишловчидир, улар бизнинг ҳаммамизни бараварига ўлдиришига оз қолди-ку!

Сенинг салтанатни тарк этишинг ҳақида сўз бўлиши мумкинми? Сенинг ўрнингни эгалловчи зот бўлиши мумкинми? Бугун олам ичидагалаклар сиридан сен огоҳ бўлмаган илмлар топилмайди. Буни фақат Рум ахлигина эмас, жаҳон халқи ҳам яхши билади. Фалак қуёши сенинг мунааввар чеҳранг. Жаҳон сен каби шоҳни, қуёш талъат, Муштарий нурли ҳукмдорни кўрмаган. Гўёки юзинг адлидан гул билан хуршиддан атру нур ёғилиб тургандек. Сенинг вужудингда ақлга дўстлик кўриниб турибди, жамолингда эса жаҳондорлик аён. Сенинг зотинг аро бу ҳимматки бордир, санга Рум султонлифи ордир.

Биз биламизки, бу мамлакат ҳам сенга кам, умидимиз борки, бутун жаҳон сенинг қўлингга тушгай. Осмон авзоидан очиқ ва яширин Жаҳон сеникидир деган ҳукм ёзисб қўйилиби.

Яна бошқа ҳукмдорни фармон берувчи қилмагил. Жаҳон аҳлини бенаво қилмагил. Агар сен бу ишни қабул қилмасанг, бу мулк аҳли фарёдига етмасанг, меросхўрлик мулкингга бошқани қўйиб, уй ичига бегонанираво кўрсанг, бу балога не қиласаримизни билмай, баримиз ва-

танни ташлаб кетиши ихтиёр қиласиз. Ҳар мамлакатда гадоликка тушсак, бу можарони Худо сендан сўрайди».

Искандар уларнинг бу хил аломатларини, аломатлари эмас, қиёматларини кўриб, айтган гапларига пушаймон бўлиб, эл ҳолини кўриб кўнгли бузилди. Ҳам тобеларнинг яхши ниятлари, ҳам отасининг васиятлари унга кучли таъсир кўрсатдики, уни ўзгартиришнинг иложи қолмади. Кўнгли ҳаддан ташқари бузилди-ю, ҳалқ илтимосини қабул қилди.

Шаҳзода розилик бергач, Арасту тезгина ўрнидан турди-да, Искандар бошидаги тожни олиб, боши устида баланд тутди. Арасту унинг бир қўлидан, доно Балинос яна бир қўлидан ушлашиб, шоҳга мадҳу сано айтишиб, уни тахт устига чиқардилар. Искандар қадамидан тахт улуғ поя топиб, қуёш боши устига баҳт соя солди. Арасту билан Балинос эмас, гўё Хизр билан Илёс эдилар. Искандарни тахтда кўтариб олиб келишаркан, ҳамма одамлар ёнларидаги пулларини унинг бошидан сочишар эди.

Ҳалқ шодлиги ниҳоясига етгач, Искандар хурсандлик билан тахтидан тушди-да, салқин хонага кириб, кичик базм тузиб, май ичди. Шоҳ ва аҳоли ўртасида турли масалалар бўйича савол-жавоблар бўлди. Одамлар чиқиб кета бошлигач, шоҳ кўзини уйқу босди. Ярим кечада сажда учун туриб, кўзидан шодлик ёшлари оқиб ибодат қилди.

Қуёш чиқиб, чор атрофни ёритгач, юлдузлар кўздан йўқолдилар. Искандар яна тахтига чиқиб ўтириди. Чор атрофни яна одамлар ўраб олдилар. Йиғилганларга қараб шоҳ шундай нутқ сўзлади:

«Илоҳим менга ҳалқ аҳволини сўраш ҳуқуқини берди. Ичингизда кимнинг менга илтимоси бўлса, ўз аҳволини арз қилсин. Кошимда сўзини айтар экан, мени бир ўзида гумон этсин. Тахтим даҳшатидан ҳам, тожимдан ҳам асло қўрқмасин. Мени шоҳ деб изтироб чекмасин, ҳамма гапини тўлиқ сўзласин».

Ҳалқ арзи ҳол айтишини бошлади, шоҳ сахардан қорон-ғи тушгунга қадар уларнинг дардига даво қилди. Одам

ўлдирғаннинг бўйнига уриб, қўлни кестирғаннинг қўлини кестириб, мазлума-ю муштоқларга нон бериб, бечораларга раҳм қилиб, золим аҳлини ерга паст қилиб, зулм аҳлини ерга бош кўйдирди. Зулм аҳлининг бошини паст қилган шоҳ яхши қиласи: жафокор жафокорни боши эгик ҳолда кўради.

Шу тарзда ярим кунгача эл сўзларини эшитиб чоралар кўрди. Отаси замонида қайси иш халойиқа озор берган бўлса, уларни эл бошидан даф этди. Олдинги шоҳлар расм этган халқ манфаатига қарши ишлар, баъзи қонунларни бекор қилди. Ҳамма соҳада адолат билан иш кўра бошлади. Раиятнинг эҳтиёжини ҳисобга олиб, икки йил уларни барча хирожлардан озод этди. Ҳамма ходимларни қаттиқ интизом билан ишлашга ўргатиб, ёмонларни жазолаб, иш ўрнидан пасайтириб турди. Яхшиларни тарбия қилиб, ночор ва мажруҳларга ёрдам бериб турди.

Яна нархлар билан ҳам шуғулланиб, қиммат сотувчиларни танбеҳлаб турди. Тарозининг икки бошини текислаб, муҳр билан тошини темирдан ясаттириди. Қари — ўлчаш асбоби ҳам шу тарзда темирдан ишланиб, халқ газмолларни алданиб кам олишдан қутулди. Катта тарозуни ҳам ихтиро қилиб, олибсотарлар ўртасидаги жанжалларга барҳам берди. Ҳалолликни таъминлайдиган чоралар қўллаб, ўғрилик, эгрилик йўлларини тўсиб ташлади.

Йўлларга қоровуллар қўйиб, йўловчиларни ҳар турли хавф-хатардан қутқазди. Адолат қўлини шундай баланд тутдики, кийик арслондан қўрқмайдиган бўлди. Тустовуқ билан қарчиғай ёнма-ён ётарди. Оз вақт ичida Искандар шундай чоралар кўрдики, адолатдан Рум аҳли бойиб кетдилар.

*Шаҳеким, адолатдур онинг иши,  
Тенг эрмас анга шоҳлардан киши.*

Ёш, адолатпарвар шоҳ мамлакатни обод қилиш учун яна кўп ишларни бажарди. Ҳоким кўп йиллар давомида ўргатгани каби у адолат ҳавосини яхши билиб олганди. Үнга адолат ҳам, шижаот ҳам, ҳикмат ҳам ёр эди. Қуёшдек олам узра байроқ кўтариб, жаҳонда шундай ишларни қилдики, ҳеч ким бу жаҳонда бажарган эмасди. Шундай мўъжизаларни яратдикӣ, кўплаб жаҳондорлар унинг қудрати олдида мағлуб бўлдилар. У қилган ишларни айтиб тугатиш учун асрлар ҳам етмайди. Барча қилганини айтиб ҳам бўлмайди, сўз бошлаган бу айтилганларни тугатишга ҳам ожизлик қилади. Яхшиси бўлиб ўтган ҳодисаларни қисқартириб баён қилингани дуруст. Шу йўлни тутсам мақсадимни амалга оширган бўламан.

### **Искандар — буюк саркарда**

Ҳамонки, Искандар бурун Рум тахтига шоҳ бўлган эди. Душманларини ҳалок қилиб, борган ерларини душманларидан поклади. Кейин жаҳонни очмоқ, еру денгизларни ўрганиш учун қўшин билан йўлга отланди. Аввал қасос олиш учун Мағриб заминга юриш қилди. Зангибор аҳлини енгиб, кейин Доро билан тўқнашди. Ундан устун келгач, Фаранг мулкини фатҳ айлади. У мамлакат эли таслим бўлгач, Крим билан Андалус ўлкалари устидан ғалаба қозонди. Миср мулкини фатҳ этиб, тахтига ўлтириди. Бу мамлакатнинг об-ҳавосини ёқтириб қолиб, Искандария шаҳрини бунёд этди. Зардуштлар дафъига кураш очиб, уларнинг ўтларини сув билан барбод қилди. Ироқ ва Ажамга йўл очиб, у ерлар оҳангидан наво топди. Ироқи Арабга от суруб, у ўлкаларнинг халқларини ўз қадамидан баҳраманд этди.

Шому Ҳалаб ўлкаларини эгаллаб, ғалаба қозонди. Суҳайл каби Яман сари йўл олиб ақиқ тошларидан баҳраманд бўлди. Ер ўпмак мақсади билан Макка томон юрди, уни қабул қилиш учун Макка эшиги очилди. Соҳилдан анча юриб, яна Форс фатҳи учун жанг қилиб

ғолиб бўлди. Бу ишлардан сўнг шимол сари йўл олди, Хоразм мамлакатини ҳам қўлга киритди. Шундан сўнг Искандар дашти Қипчоқ, Сақсину Сақлаб, Осу Рус, Черкасу Гуржи мамлакатларини эгаллаб, барча халқларини ўзига қарам қилиб олди. Сўнг ҳукмдор Шарқ томон йўл олиб, Фархорни хароб қилиб, кейин Мовароуннаҳрни босиб олди ва бу ерда Самарқанд шаҳрини бунёд этди; Чигил билан Яғмо ўлкаларини забт этгач, Чин томон сафар айлади. Ҳинд мамлакатини ҳам эгаллаб, барча бутхоналарни вайрон қилиб, кейин Жанубга йўл солди. Синд дарёсини кечиб ўтиб, Кирмон, Кечу Мукрон юртларини кезгач, сўнг Хурросонни забт этиб, бу ерда Ҳирот шаҳрига асос солади.

Исфаҳон дاشтида Рай шаҳарини эгаллагач, шу билан жаҳонни фатҳ этиш бўйича мақсадига етиб, бамайлихотир Рум мамлакатига йўналади, бир қанча вақт у ерда яшаб, қилган ишларидан кўнгли тўлмай, улуф иншоотлар қуришга бел боғлаб яна сафарга чиқади.

Унинг гаройиб ишларидан бири работлар қуриш, ерни йиғоч ўлчови билан ўлчаш бўлди. Яъжуҷ ва Маъжужлар элида узунлиги ўн икки минг қарини бир йиғоч ҳисоблаб ўлчов сифатида қўллай бошлади.

Кейин денгиз сафарига отланиб минглаб кема ясатиб, неча йил сув ичида океанлар, денгизларни кезиб, уларни ўлчатди. Муҳит (Тинч океани) марказига йўл очиб сув остини кўриш учун махсус шиша идиш ясатди. Шишага кириб, унинг оғзини беркитдию, неча минг қари арқон учини шишага улаб денгизни томоша қилиб қайтди.

## Искандар ва Доро

Искандар билан бўлган ажойиб ишлардан бири унинг Эрон шоҳи Доро билан бўлган муносабатлари эди. Доро жаҳон шоҳи эканлигига, Файлақус Рум мамлакатининг ҳукмдори бўлиб, у ҳам бошқа ҳокимлар қатори ҳар йили зарур хирожни ўз вақтида ҳеч қандай важ-баҳона-

сиз тўларди. Хирож миқдори муқаррар бўлиб, тухум кўринишидаги минг олтин эди. Файлақус вафотидан сўнг бу хирожни Дорога ўз вақтида етказиш вазифаси ҳам ўз-ўзидан Искандарга ўтган эди.

Рум мамлакати икки-уч йил давомида Занг шоҳи билан қаттиқ жанглар олиб борганидан Дорога юбориши керак бўлган маблағи етарли эмас эди. Хирожни ўз вақтида юбормаса, Искандарга Доронинг душман бўлиб қолиши аниқ эди. Хирож юбориш вақти етганида, Доронинг маҳсус навкари келиб, олиб кетилиши керак бўлган олтинларни талаб қилди. Шоҳ уни ҳузурига чақиртириди. Кириб, таъзим қилиб, Искандарга сажда бажо қилган навкар дуо қилиб, ерга қараб ўтириди. Искандарнинг кўриниши навкарга ваҳм солиб қўйган эди. Искандар вакилдан «Доро шоҳи комрон хушмудур? Анга мулк ойини дилкашмидур (Мамлакат аҳли у кишидан хурсандмилар?)» деб сўраган эди, навкар ўрнидан туриб жавоб берди. Искандар: «Келишингдан мақсадингни айт, Доро не деган бўлса тўла-тўқис айтавер», дегач, навкар: «Эй шаҳаншоҳи олиймақом! Сўзимни сўрадинг, жавоб берсам, сенга фармон бергандек бўлиб қоламан. Малик Файлақус Рум аҳлига шоҳ бўлганда, ҳар йили минг олтин тухумни хирож қилиб тўлашга ваъда берган эди. Уч йилдан бери ўша хирож юборилмаяпти. Шу уч йиллик хирож юборилса, дўстлигимиз яна ривожланаверарди. Агар берсаларингиз, ҳисоблаб қўриб олиб кетай, бўлмаса қандай жавоб айтсаларингиз шуни етказаман», деди.

Искандарга бу сўз қаттиқ ботди, ғазаби келганидан сўзлари ҳам дарғазаб чиқди. Юзи рангидан ўт нишони кўриниб, худди бутун жаҳонни ёндириб юборадигандек бўлиб яна бир лаҳза бошини қўйи солиб, у ўтга ҳикмат сувини урди. Илми, ақлу камолининг кўплиги ғазаб аскарларининг андишасини рад қилди. Сўнг шоҳ сўзга оғиз очиб бошини кўтарди, навкарнинг сўзларига жавҳар дурданалари билан жавоб бериб шундай деди:

«Дорога мендан салом айт! Саломдан сүнг менинг ушбу жавобимни етказ! Шоҳликнинг бақоси йўқ, фано охи-ратдан бошқа натижаси йўқ. Бугун эрталик умр учун ранж чекмаки, албатта ганж узра ганж қўйгайсан, холос. Сен ҳаддан ортиқча хазиналар йиғдинг. Улар сен учун ҳаддан ташқари ранж олиб келди. Сенга ҳам, бизга ҳам бу хазиналардан фойда йўқ. Тухум тилаб кўп меҳнатга уринаверма. Тухум туғадиган қушлар аллақачон учиб кетиб бўлган.

Сенинг ишинг кучсиз шоҳлар билан тушган, менингдек киши билан тушмаган. Оқиллик хурсандлик олиб келади, зўравонлик эса бекорчи тамаъ, холос. Бекорга орамизга хусумат солмагин. Уруш бўлса, молу давлатинг менга паноҳ бўлади деб ўйлама. Сипоҳ сенда кўп, менда озроқ бўлса, озу кўпга бергувчи ёлғиз Аллоҳдир».

Бу сўзларни эшитаётган навкар сув бўлиб кетди. Ўрнидан туриб, на ўлик, на тирик бир ҳолда ватанига йўл олди. Отда тез-тез юриб, Доро хузурига етиб борди-да, Искандар жавобини шоҳга етказди. Жавобини эшитган Доро тамоман ҳайратда навкардан сўради: «Ҳар ким бу бўлмағур гапларни эшитса, девонанинг сўзлари бўлса керак деб ўйлайди. Ё бу сўзларини сўзлаётганида маст эдимиканки, гапираётган чоғда ўзини унугтан бўлса ё ҳали ақли кирмаган ёш бола у, чунки сўзларидан ақл иси келмаяти. Мен уни телба ё маст фаҳм этдим. Ё бўлмаса ақли кирмаган ёш бола деб ўйладим. Сўзлари маъносини уқиб кўрайлик. Шукуҳи билан савлатидан бирон белги тополмадим. Унинг фикри ўйламай айтилгантур».

Бу сўз Дорони шу қадар диққат қилдики, ғазаб ўти қайнаб, бу ўт давронга ўт солгандек, йўқ, йўқ, бутун фалакка ўт солгандек бўлди. Мактуб келтирган вакилни боғлаб, чуқур зиндонга ташладилар.

«Менинг неварам тенги, ота-оналари саройимда хизмат қилиб юрган бу гўдак шундай сўзларни айтишга журъат қилибдики, уларни сўз деб ҳисоблаб ҳам бўлмай-

ди. Мендан ҳам, элимдан ҳам уялмай, бу сўзларни битган экан, уни даф этишим ва унинг ким эканлигини кўрсатиб қўйишим керак. Шундай жавоб берайки, ҳар бир бузуқи бу жавобни ёдидан чиқармайдиган, уни эслаганида эс-хуши ўзига келадиган бўлсин».

Аввало, сўзамол бир одам топиб ўзининг ўткир ўроқ-дек, йўқ олмосдек сўзларини айтиб, «чавгону гўй» билан бир идишда кунжут бериб йўлга узатди-да, сабрсизлик билан кута бошлади. Доро юборган вакил узоқ масофа-ни босиб ўтиб, қизил тилини ўз бошига офат қилиб Искандарга ўзининг кимлигини баён қилди. Шоҳ буюргач, қосид әлчини саройга киритишиб, ҳукмдорга рўпара қилдилар. Шаҳаншоҳга кўзи тушган вакил айтмоқчи бўлиб турган сўзларини ҳам унудди. Жисмидаги жон заифлашиб, ер ўпиб, дуо қилди-да, хатдаги гапларни сўзлай бошлади. Шоҳ дедики: «Сўзингнинг барчасини арз қил, дилингдаги барча гапларни айтавер!»

Элчи шоҳ олдида бош қўйиб деди: «Жонингга ҳақдан минг туман мақтов бўлсин. Сенинг олдингда сўз айтишга ҳаддим йўқ-у, сенга Доро сўзларини етказишга мажбурман. У нима деган бўлса айтай. Йўқ десанг, қаердан келган бўлсан, қайтиб кетайин», деди.

Искандар унинг гапини тинглаб: «Келтирган сўзлари муҳим бўлса керак», деб ўйлади. Элчи хатни ўқий бошлади: «Хирож деган қадимги русумимиз бор. Отанг тириклигида бу хизматни ўз вақтида бажариб келди. Сен унинг ўрнини эгаллагач, отанг йўлидан боришинг керак эди. Аммо сен итоат қилишни, отанг йўлидан боришини истамадинг. Қарзингни эслатиб, қошингга одам йўлласам, ҳаддинг бўлмаган сўзларни айтиб юборибсан. Лекин ёшинг кичик бўлгани учун, бошинг ҳалигача тошга тегмагани учун, бу иш билимсизлигиндан, сенда жаҳолат кўпу ақл озлигидан, деб билдик. Шунинг учун сени кечирдик. Энди ўша пулларни олиб, қошимга келасанда, остонимни ўпасан. Агар ваҳмдан қўрқсанг, буйруғими бажармасанг ёки яна илмсизлигинг, ўжарлигини

давом эттирсанг, ўзингнинг ҳали ҳам ёшлигингни унутмаган бўлсанг, сенга муносиб нарса юбордим, ундан бўюн тоблама», деди-да, элчи бориб бир чавгон билан бир тўп келтириб шоҳ рўпарасига қўйди ва гапини давом эттириди: «Агар гўдаклигинг ҳали ҳам давом этаётган бўлса, сенга гўю чавгон муносибдур. Бу иккиси бошқаю, давлат иши бошқа иш. Агар айбингни тушуниб етиб, кечирим сўрамасанг, мен билан низо қилишни хоҳлаётган бўлсанг, жаҳлингни қўйиб, ўз жонингга раҳм қил. Сипоҳим ҳисобини шу кунжудча бил!» деб ўрнидан турди-да, элчи бориб ўзи келтирган юклар ичидан бир идишни келтириди ва оғзини очиб, ичидагиларни ерга тўкиб деди: «Шоҳдин ҳар ким қўрқмаса, сипоҳини бу кунжуддин қиёс этсин». Сўзини тугаллаган элчи жавобни кутиб ерга бокиб турарди. Унинг гапларини ниҳоний табассум билан тинглаган Искандар аста сўз бошлади: «Доройи даврон шоҳи покзод ажаб сўзларни изҳор айлабди. Сўзлашда ихтиёрини йўқотиб, ажаб ҳикматларни ошкор айлабди: шоҳларни ўзининг бандаси деб атабди улуғларнинг улуғи, бу гуруҳни Илоҳ ўз лутфи билан улусга шоҳ қилган. Уларни ўзига банда деб хитоб қилиш яхши эмас. Уларнинг қуллиғи ҳаққа одатдир, агар Тангри бандам деса чин эрур.

Яна ул мени: «Маст, телбалик занжириға пойбаст бола», дебди. Бу уч сўзга ўзи жавоб бериши керак. Чунки бу сўзлари куфрга tengdir. Бўлмаса, икки обрўли шоҳлар мамлакат учун низо этсалар, бири бўлса фарзанд улуғ бир кичик, бу сўз демас ўлса улуғда билик. Кўтонни<sup>1</sup> катта қушлар сонига киритамиз, лекин унинг сунғур<sup>2</sup> олдида не жони бор?

Яна бир нарса: шоҳ менга эҳсон қилиб гўй билан чавгон юборибди. Бунда ҳам нозик бир маъно бордир.

<sup>1</sup>Кўтон - оқ турна

<sup>2</sup> Сунғур - лочин

Ер юзини думалок деб билган шох уни гүйга (туп)га ухшатибди-да, уни менга бутунисича тутибди. Демак, Хак оламни менга бериди. Кулимга чавгонини олганим эса шох менга майдонини тутибди, очик колдирибди, деган маънени билдиради. Шоҳ юборган бу совиалардан мамнунман.

Бу кунжудки, у юборган экан. Рамзини баён айласам, уларни шох уз сипохларига киёс килибди. Менинг сипохимни эса кушларга ухшатиб, уларга раҳбарлик килиш учун хали ёш эканлигимга башорат килибди». Шундан сунг Искандар шу кунжут хисобига якин булган кушларни хайдаб шу майдонга олиб келтирган эди, улар бир пасда донларнинг барчасини бир дона хам колдирмай еб битиришиди.

Элчи Искандарнинг бу килаётган ишларини кузатаркан, хижолатдан нима килишни билмасди. Сунг Искандар буюрди: «Энди Доро кошига бориб, эшитган жавобингни еткиз, менга айтган сузларингни унга хам айт».

Элчи бу сузларни тинглагач, оёти билан келиб, боши билан чикиб кетди. Доронинг вакили уз манзилига етиб боргач, Эрон хукмдорига Искандар сузларини узундан узок сузлаб берди. Доро бу жавобни эшитиб, жисмига казаб утидан иситма тушиб, ёнар утга айланди. Тухтосиз юравериш уни чакмоқдек килиб куйди. Гоҳ давронни лаънатлар, еру кукка таънаю шитоб этарди. Бу хаяжонлар таъсирида лашкар туплашга фармон берди. Рум, Зангигору, Фарангдан, Эрону Турон, Чину Машрик замин, Жанубу Шимол жаҳоннинг турт томонидан икки йил давомида ер сатхига сигмайдиган шунча сипох йигилдики, уларнинг бу киргогидан у КИРГОННИИ куриб билмасди. Барча кушин ваъда килинган, тайинланган манзилга тупланишгач, шоҳ улар томон йул олди. Сипохлар томон назар ташлаган шохнинг уч олиш ути янада алангланиб кетди.

Э# шоҳлари, иклим валийлари кетма-кет совгаю-саломлар билан келиб туришар, барчалари Доро хизмати-

га тайёр туришарди. Доро ўзи учун солинган сароýда қурилган баланд тахтга чиқиб ўтирди. Сўнг «Мулк сultonларининг барчалари келиб ер ўпсинглар-да, салом берсинглар, бу уларнинг эҳтиромлари саналади», деган буйруқ берди.

Ярим кунгача султонлар қалин қўшин орасидан ўтиб салом беришди. Уларнинг ичидаги энг шарафли мансабдор шоҳу султонлар бўлиб, Хитойдан Мангу қоон, Ҳинд элидан Қорахон, Мисрдан Варқау Бош, Даشت элидан Темуртош, Ховарон мулкидан Фарангис, Ширвон мулкидан Давали каби юзлаб буюк зотлар бор эди. Улар олиб келишаётган совға-саломлар, қуроллар, жанг яроғларини ҳисобловчилар юз йил шитоб билан ишлаганларида ҳам уларнинг саноғига етолмасдилар.

Сипоҳларни манзилларга тарқатишгач, лашкарбошлиарни ичкарига таклиф этдилар. Атрофини шоҳу сипоҳдорлар, улуғлар ҳар томондан ўраб ўтиришгач, Доро ўз сўзини бошлади: «Бунчалар сипоҳ тўплашимизга сабаб бу эдики, Румдан Файлакус жаҳон билан хайрлашгач, унинг ўрнига мажнунваш, ўту сувдек саркаш ўғли тахтга ўтирган эди. Мана, уч йил бўлди, хирож тўламай, тожи билан хурсанд бўлиб юрибди. Хирож тўламаслик сабабини суриштириш учун юборилган вакилимизни ўсал қилиб қайтарибди. Бемаъни сўзларида бирор ақлли сўз йўқ. Яна вакил юбориб, панд-насиҳат қилдим, фойдаси бўлмади. Адабсизлик билан қилган жавоблари мени дарғазаб қилди. Беодобона сўзларини эшифтгач, унинг қулоғини бураб қўйиш мақсадида аскар тўплаш учун ҳар томон одамлар юборилди».

Шоҳлар ўринларидан туриб, ер ўпиб дедиларки: «Унинг ҳолини танг қилиш учун юриш қилиш ҳожатмиди? Шунча аскар ўрнига бир қулни юборсангиз ҳам бўларди-ку!»

Шоҳ дедики: «Шунча лашкар йиғищимиздан мақсад Румни оромгоҳ қилмоқ, унинг ҳудудига Зангибору Фарангни ҳам киритиш фикрини ўйлајапмиз. Бир неча кун бу ерларни тавоғ қилиб, кейин қайтсак ҳам ёмон бўлмайди».

Шоҳ бу сўзларни айтгач, барча рози бўлди. Ҳаммалари шоҳ сўзига амал қилиб, манзилларини аниқлаб Рум сари йўлга тушдилар.

Булар кўчма-кўч бўлиб Рум сари бораётганлари ҳақидаги хабар Искандарга ҳам етди. У ҳам ғофил қолмаслик учун ёв томонга доим лашкар йўллаб, аҳволдан хабар топиб туради. Нима зарур бўлса, фаҳм билан жойига қўярди.

Искандар ўз аскарларини шундай тайёрган эдики, олам сипоҳи келса-ю, уларнинг ҳар бири Рустам каби паҳлавон бўлса, ёв олдига сомон тўпланганида, етишиши билан совурилган сомон каби бўларди.

Доро муросаю мадоро чоfigа фурсат қолмаганини англади-ю, бутун аскарлар билан илгари юриб душман лашкарларига кўркув солмоқчи бўлди. Душманлар ораси ўн манзил бўлиб, икки ёндан ҳам қўшинлар эҳтиёт бўлиб боришарди. Уруш бўладиган жойга эса бир кунчилик йўл қолган эди. Ора ерда тоғ бўлиб, икки ёнида икки дашт ҳам бор эди. Икки даштда икки душман эли жойлашган. Ҳатто ел ҳам улар орасидан йўл тополмасди.

Искандар сипоҳ атрофини айланиб мустаҳкам ханақ қурдиарди. Кўнгли тинч бўлиб, юз тифзан камончини ўзи билан бирга олди-ю, ул лашкар билан тоғ устига чиқди ва ўша ердан ёв қўшинини томоша қилмоқчи бўлди. Қарасаки, ер юзини сипоҳ тутган, тоғу текис ер қорайиб ётарди. Одамлар ҳаракат қилишга ҳам йўл топишолмасди. Осмонни тутуну гард тутиб кетган эди. Искандар ёв аскарлари ичиди бўш жой қолмагани учун уларнинг сонини ҳам аниқлай олмади ва чукур ўйланиб қолди. Хаёлида: «Икки томон уруш бошлашса, улар зичлиги туфайли бемалол урушолмайди ҳам. Бу ердан кетишининг ҳам имкони йўқ, айланиб ўтмоқчи бўлсан ҳам фойдаси йўқ».

Донишманд шоҳ шуларни ўйлаб турганди, бир тош устида икки кабутар кўринди, улар бир-бирлари билан аёвсиз уришар эдилар. Бирининг жуссаси забардастроқ,

яна бири паст бўйли бўлиб, кучсизроқ эди. Каттасида қанча қувват бўлса, кичигида шунча заифлик сезиларди.

Искандар бу кучу заифликни кўриб, ўзи билан Дорога нисбат берди. Шу пайт ногоҳ ҳаводан бир бургут пастлаб келиб, чақонлик билан каттасини ушлаб олиб, учебкетди. Гўё у капитар бу орада йўқдек эди. Искандар бу ҳолдан хушдил бўлди, кучига куч қўшилди. Унга душманлик қилаётган ёв енгилиб, лекин ўзга ердан шикаст топишини сезди. Бу ишдан ўзига далда бериб, ёвнинг қадри паст бўлишини билиб, сипоҳи томон юрди, гўё жонсиз баданга жон киргандек бўлди.

У тоғдан наво топиб уйғонгандек, қуёш нурларини тоғ ортидан соча бошлагач, бир замон ҳамма ёқни дуд босгандек бўлиб турди-ю, нариги даштдаги Доро ўз даргоҳида фалаба шодиёнаси хаёли билан банд экан, кўзига Искандарни ҳеч илмас, қазодан не ҳол бўлганидан бехабар эди. Саркардалари:

«Гар шаҳ ҳукм этса, беваҳму бим,  
Эрурмиз анга ҳар биримиз ғаним».

Бири дерди: «Кўргач қаро қочқуси».

Бири дебки: «Үзр эшигин очгуси».

Искандар лашкарлари эса эртага ўлгунча урушишимиз керак, уларни албатта мағлуб этишимиз зарур, деган қатъий фикрда эди. Шоҳ бўлса, кўзидан уйқу қочиб, элга яхши сўзлари билан мадад бериб, фалабага ишонч ҳосил қилиб, кўрқаётгандарга умид бағишларди. Сипоҳлари эса тинмай совут, дубулға, найза каби уруш қуролларини ясаш билан овора эдилар. Иккала томон учун ҳам туннинг ўтиши қийин бўлди. Қуёш тоғлар ортидан ўз жамолини кўрсатгач, иккала майдонда ҳаракат бошланиб кетди. Сипоҳлар ҳаракатидан ер зилзилага дуч келгандек бўлди.

Доро Искандарга қарши қўшинини ростларди. Сипоҳ эмас, балки бир конхўр дарё, худди фалак денгизига ўхшаб кетарди у. Бу лашкарнинг бир чеккаси ғарбда

бўлса, иккинчиси шарқда эди. Қўшинни турли усулларда тўққиз марта қайтадан тузиб чиқди.

Қўшиннинг ўнг қанотида Машриқ замин сипоҳлари ўрин олган бўлиб, бу лашкар Чин сарҳадидан Самарқандгача чўзилган эди. Уларнинг ёнида юз минг ўзбек билан мўғул сафланганди. Юз эллик минг қалмоқ ҳам улар билан ёнма-ён турарди. Барчаси олти юз минг сипоҳ бўлиб, барчаси ҳам уруш ишини ҳунар қилиб олган эди.

Етти ранг зарбоф кийим кийган Чин сипоҳлари жангга ҳозир бўлиб турар, улар ичида кўплаб зирҳли темир кийим совут кийганлари ҳам анча эди. Улар билан сафдош бўлиб Манғит, Мовароуннаҳрдаги 10 шаҳар эли сафланишганди.

Қўшиннинг сўл қанотида Мағриб эли саф тортган бўлиб, темир кийимлари, найза-ю, қалқонлари, дубулғалари сариф рангда эди. Араб отлиқлари қирқ минг учқур от устида мағрур турар, улар қора ипаклардан кийим кийиб олишган эди. Ҳатто байроқларигача қора рангли эди. Сўл қанот ҳам 700000 сипоҳдан ташкил топганди.

Доро қўшиннининг хужумчи — илғор қисми — ҳиро-вул етти юз минг кишидан ташкил топган бўлиб, бари оқ кийимдаги дашти Қипчоқ эли, Хоразм аҳлидан тузилганди. Сўл қўшин марказидаги сафларнинг ҳар бири юз минг нафардан ташкил топган бўлиб, барчаси шоҳга яқин одамлардан бўлгани учун яшил кийим кийиб олишган, Доро ҳам улар ичида эди.

Нариги дашт томонда эса шердил Искандарнинг қўшинлари уруш тадориги билан банд эдилар. Шоҳ ўнг қанотга француз аскарларини белгилади. Улар душманнинг қалин кўп эканлигини билишмас, билсалар ҳам уларни кўзга илишмасди. Гуҳарранг кийим кийиб олган фаранглар етти баҳмал кийимга ўранишган эди. Улардан 100000 таси ғоят кучли жангчилар саналарди.

Сўл қанотини Искандар Бартосу Рус сипоҳларига ишониб топширганди. Уларнинг ўzlари ҳам, отлари ҳам темир кийимларда эди.

Хировул марказига эса ҳабаш сипоҳлар қўшилганди. Темир қалпоқларига эса ўтага ўрнида шахпарлар ўрнатилган. Қўшин маркази эса румлик паҳлавонларга топширилганди. Қизил юзли бу йигитлар ўзларини ёвга янада даҳшатлироқ кўрсатиш учун йўлбарс, қоллон, шер териларидан устиларига ташлаб олгандилар. Рум шоҳи ўз лашкарлари билан бирга Эрон қўшини турган майдонга қараб йўл олди. Қўшин жилиб бораркан, карнайлар, ногоралар оламга наъра солар, ҳилпираётган ипак байроқлар жилвагар бўлиб, ажойиб манзара ҳосил қилган эди. Икки сипоҳ бир-бирига яқинлашгач, аввал шундай сурон солдиларки, оламга ғалаён тушгандек бўлди.

Бир лаҳза сурон тингач, чанг-тўзон аста-секин пасайиб, халойиққа жанг майдони қўринди ва Доро лашкарининг олдинги қисми намоён бўлди. Энди нима бўлишини сипоҳлар икки томондан томоша қилиб туришган ҳам эдики, Искандар қўшиннинг олдинги сафидан бир паҳлавон жанг майдони сари от чоптириб кетди. Унинг ўнг қўлида узун бир найза, эгнида эса лаъл ранг қалқон осилиб турарди. Оқ ипакдан енгил тўн кийиб олган паҳлавон майдон ўртасида тўхтаб гап бошлади. У аввали ўз подшоси Искандарни дуо қилди, «Ёви устидан зафар қозонсин!» деб илтижо қилди-ю, ҳамма ёққа бир-бир қараб олгач, баланд овоз билан шундай деб ҳайқирди: «Мени Бориқи Барбарий дейишади. Бурун мен шоҳ Дорога қул эдим. У мени назарига илмай, кўп хафа қилди ва менга кўп ёмонликлар кўрсатди. Шоҳга қилган илтижоларим ҳам жавобсиз қолиб кетди. Ижозат сўраганим учунгина қаҳр айлаб таёқлатди. Доро менга шунча зулму шикаст қилган эди, мен Искандарпараст бўлдиму даргоҳига паноҳ истаб бордим. У менга кўплаб лутфу карам қилди. Мен ҳақини олиб ишини бажармаганимдан шармандаман.

Бугун бу майдонга азм қилибмен, икки иш учун кину разм айлайман: бири улким, шоҳимга бандалик қилиб ўзимдан шармандаликтин даф этай. Яна бири ўлим расми-

ни тузиб Дорога ҳам күрсатай. Қилган жангимга мойил бўлса, муродим ҳосил бўлади».

Бориқ сўзини тамом қилган ҳам эдики, Доро томонидан бир қотилваш ўт каби ловуллаб чиқиб келди. Оти-нинг жигасидан бош-оёқ кўйк темир ичидаги филга ўхшарди. Унинг қўлидаги найза ходадек келарди. Уни сипоҳлар шери даррон йиртқич шер деб аташар, одамлар эса Ҳаррон деб билишарди. У жанг майдони расм-русумини бажариб бўлгач, шоҳга дуо айлади-да, Бориқ томонга югурди. Бориқ ҳам уни чақмоқдек кутиб олди. Икки паҳлавон чирманиб анча олишдилар. Уч юз олтмиш олти марта найзалар бир-бирига тегмагач, охир Бориқ ўз найзаси билан уни уриб туширди ва жуда узоқ масофага отиб юборди. Кейин бўйнига сиртмоқ солиб шоҳ олдига етказди.

Искандарга бу ҳол шодлик келтирди. Бориқ яна ер ўпти-ю, майдон томон елиб кетди. Яна бир полвонни талаб қилас экан, бошдан оёқ темир кийинган, кичкинагина отга минган мўъжаз бир сипоҳ жангга кирди. Оти Шайдо бўлиб, Ҳарронга қариндош эди. У бекарор бўлиб Бориқнинг йўлини тўсли. Бориқ ҳам алам билан унга ташланди. Иккови ҳам найзаларини бир-бирларига рўбарў тутишиб, от устида, шамолдек елишаркан, ғалаба яна Искандар томонига ҳал бўлди. Барбари уни ҳам найзага санчиб, шоҳ олдига олиб бориб ташлади.

Барбари уни майдонга чиқиб, ўзига рақиб тиларди. Шу куни Барбари тўққиз паҳлавонни асир қилиб олди. Яна унга қарши ҳеч ким чиқмади. Бориқ ўз ўрнида турaverdi. У Дорога таъна қилиб: «Бирон одам чиқсин», деб шитоб қилган эди, Доро тарафидан бир паҳлавон майдонга қараб от суриб чиқди. У филдан ҳам зўр филтан, қомати бўлса каркидондек келарди. Икки кўзи икки олмосдек, доираси қон тўла тосдек эди. Ўзи Мағриб заминидан бўлиб, урушқоқ бир қабиладан эди. Қайси подшо оламга шоҳ бўлса, шу қабиладан сипоҳ чақириб душманларини тезгина даф этарди.»

Жангчилар Бориқдан хавотирда эдилар. Иккөв паҳлавон анча қаттиқ олишдилар. Бориқ бу паҳлавонгача түқиз кимса билан олишиб жангда енгтани учун қўли анча толиқиб қолган эди. Шу пайт белида оғриқ ҳам пайдо бўлди. Рақиби пайт пойлаб туриб, уни ўнг қўли билан маҳкам тутиб, чап қўли билан эса ғанимини кўтарганича Мағриб томон олиб кетди. Шу кетганича кўздан ғойиб бўлди. Бу ҳолни кўриб турган Искандарнинг кўнгли бузилди, лекин Доро хурсанд эди. Мағрибий ўзи енгган рақибини ўз ҳузурига олиб келиб ташламаганига ҳайрон эди у.

Қош қорайгач, яна икки томондан талоя — навбатчи сипоҳлар атрофни кузата бошлишди. Доро ўз қароргоҳида зўрма-эйр ичкилик ичаркан, эртага нима бўлишини ўйларди. Икки лашкар уйқуга кетган чоғда Искандар ибодат қилиб ўтиаркан, икки чаққон сипоҳ келиб, унинг кўлига нома тутишди. Шоҳ хатни очиб ўқиса, ўз дардининг чораси ёзилган экан. Доронинг яқин амалдорларидан икки киши унинг зулмидан тўйиб, ўлим хавфи остида экан. «Доро бизни ўлдирмасдан бурун биз уни бир ёғлик қила қолайлик», деб уни яширинча қатл этишга келишишган экан. Искандар номани ўқиб, бу душманларимнинг макру фириби бўлмасин яна, деб хатга жавоб бермади. Индамади-да, отига миниб чиқиб кетди, эртасига эрталаб қотиллар ўз ваъдаларини бажариб, Доронинг икки ёнидан қилич урдилар. Бири Доронинг бошига ҳам қаттиқ урди. Доро кесилган дараҳтдек йиқилди, Доро қўшинида нотинчлик бошланди. Тўс-тўполон кучайди, Искандар отидан тушиб Доро ёнига келди. Қараса, рақиби қоп-қора қонлар ичиде ётибди, Искандар Доронинг бошини ўз қўйнига қўйди-да, кўз ёшларини тўкиб турган эди, Доро кўзини бироз очиб, устида ким турганини кўрди-ю:

*Марҳабо, эй шоҳи навжавон,  
Жаҳон узра ҳам шоҳу, паҳлавон*

*Атодан ўгул бўлмағон сен киби,  
Адув узрини қўлмағон сен киби.*

Агар бошимни кесиш учун келган бўлсанг, мухлат бер, сенга бир-икки сўз айта олай», деди.

«Мен бу ишлардан хабардор бўлсам ҳам, розилик бермagan эдим», деди Искандар. Доро: «Менинг уч сўзим уч насиҳатdir. Аввало бегуноҳ ҳолда менга қилич санчган қотилларимни жазолагин. Иккинчиси: қариндошларимни жазолама, учинчиси, қизим Равшанакни ўз никоҳингга ол!» деб хайрлашди. Кейин мотам тутишиб, шоҳона бир тарзда Дорони дафн қилиб, урушни тўхтатиши.

Доро вафотидан сўнг тўпланган лашкарлар бирин-кетин ўз ватанларига қайта бошладилар. Искандар Доро таҳтига ўтириб, унинг васиятларини бажаришга кириши. Бурун шоҳ Дорога аза тутди, Дорони ўлдирган икки қотилни ҳам сўроқ қилиб, икки дорга оёғидан остирди ва элга уларни тошбўрон қилишга фармон берди. Кейин баданларини кўйдиришга, кулларини эса осмонга совуришга буюрди. Элга шодлик қилишга рухсат берилди. Равшанакка нома ёзилиб, азани тўхтатиши, тўйга розилик бериши сўралди.

Искандар Доро таҳтига ўтириди. Ўзигача ҳукмдорлик қилган минг уч юз йил давомида ўн тўрт олампаноҳнинг Доро қалъасидаги 180 хазинасини текширишиб, шоҳ девонидаги хазина дафтарини олиб борувчи амалдор билан ҳисоб-китоб қилдилар-да, барча хазина молини жамлаб шоҳ ҳузурига олиб келдилар. Шоҳ хазиналар ҳисобини очиқ ҳолда элга баён қилишни буюрди. Рўйхат ўқилганди, барча одамлар ҳайрон қолдилар. Шоҳ фармонига итоат қилиб уларни саройдаги асосий хазинага ташидилар. Икки йилгача шаҳардаги хазиналар мулки сарой хазинасига ташилди. Бу ҳали бор мулкнинг чорагига тўғри келарди. Кейин шоҳ фармони билан қолган мол-мулкни ўз жойида қолдириб, яхшилаб беркитдилар. Қолган мулк ҳисобчилар саноғига кўра етти юз минг туман эканлиги

аён бўлди. Сўнг шоҳ сипоҳларининг ҳар бир гуруҳи, сипоҳдорлар, наввобу ҳожиблар қанчадан ойлик олишни аниқлаб жамлашни буюрди. Уларнинг миқдори ҳам сарой белгилаганидан анча ортиқлиги маълум бўлди. Ойлик учун белгиланган пулнинг ярмигина сипоҳлар қўлига етиб борар экан. Шоҳ бу аҳволдан хабар топгач: «Маош барча сипоҳ аҳлига баробар қилиб берилсан», деган буйруқ бўлиб, улар харажатлари учун етарли маош ола бошладилар. Сипоҳлардан ташқари 600 000 ёрдамчи ишчиларнинг маошлари ҳам шу тарзда кўпайтирилди. Барча сипоҳийлар шоҳнинг «Манга ганж ҳавас эмас, сипоҳу раият манга ганж» деган сўзларидан ниҳоятда қувониб, шодланишарди. «Хазинадан элга нафъ етмаса, ундағи лаъллардан оддий тош афзалдир. Агар тош зарар келтирмаса, хазинадаги бойликлардан элга юз хатар бордир. Агар шоҳ хазинаси фойда бермас экан, жаҳон аҳли унинг сарбасар душманидир. Эл хазинадан фойдаланар экан, жаҳонни забт этмоқ ҳам осон бўлади», деди Искандар.

### Кашмирдаги Маллу сеҳрларининг фош этилиши

Шундан сўнг Искандар Эрон элини ўзидан рози қилиб белини жаҳонни фатҳ этишга боғлади. Аввал донишманд, турли соҳа олимларини тўплаб, ҳар қайсисининг фикрини эшилди. Барчалари илмдан чуқур хабардор бўлиб, ҳарбий илмларни яхши билишарди. Шунинг учун уларни ҳарбий бўлимларга бошлиқ қилиб, маълум вилоятларни эгаллашни топширди. Бири Ҳинд, бири Чин, бири Кашмир, бири Миср, яна бири Бағдоду Байтулҳарам каби қатор ўлкаларни эгаллаш учун юборилди. Ҳар бир бошлиқ қўлига махсус нома ёзиб берилган бўлиб, уларда Искандарнинг Эрон таҳтини эгаллагани таъкидланган, ҳар қайси шоҳга ўз ҳузурига келиб хирож юбориши, Искандар шоҳлигини қабул этиши, шунда унинг мамлакату

халқи бу улуғ давлат ҳимоясида бўлиши, аксинча, тақдирига ёзилганини қўриши огоҳлантирилган эди.

Жаҳондаги Шарқ мамлакатларининг кўпларига юборилган мактубларни олган шоҳларнинг аксарияти Искандар тақлифларини қабул қилиб, тобеликка рози бўлдилар. Фақат уч киши бу тақлифни қабул қилмади. Улардан бири Кашмир шоҳи Маллу ибн Мабок бўлиб, у Искандарга қуидагича мактуб йўллади: «Агар Искандар олам шоҳи бўлса, менинг мулким эса дунёда якка ягона-дир. Тангри менга уч иш насиб этган: бири улки, мулкимни ғоят мустаҳкам тоғлар, ўтиб бўлмайдиган баланд қўрғонлар ўраб туради. Унинг устига мулкимнинг чор атрофини дарёлар ҳам муҳофаза қиласи. Иккинчидан, менинг шунча афсунгарим борки, фалакдан етган ҳар қандай балоларни ҳам даф қила олади, юмонқозиқни шери жаёнга, каламушни дашт йўлбарсига айлантира олади. Агар Искандар олам элини йифиб келганда ҳам шундай қаттиқ шамол эсиб турадики, сомондек барчасини учирив йўқ қиласи. Учинчидан, у агар қасос олмоқ бўлиб юртимга бостириб келса, бу мулк ичиди шундай бир буюк тоғ борки, баланд тоғлар устига қурилган тоқقا ўхшайди. Унинг жисми мис билан қўрғошин, қалай билан биринж қотишмасидан бурунги илм аҳли ясаган тилсимдир.

Яна бир сири шуки, шаҳар ичиди ниҳоний бир нақб қурилган бўлиб, у ерга тушган шоҳ тилсим бўлган бир фанни ўрганиб чиқади. У фанни ўргангандан эл исталган душмандан ўт ва ел ўғирлай олади. Ўша маконда агар бирдан ел эсмай қолса, тезда ҳалок бўлади. Бу ўлка ичра кимсанинг жони бор экан, ел турса яшашига имкон қолмайди. Гар ўт бўлмаса, одамзод емак ҳам ҳозирлай олмаслиги аниқ. Шуларни ҳисобга олса, Искандар бошқа бир макон сари йўл олгани маъқулдир».

Хиндистон шоҳи Рой бўлса, бундай жавоб қайтарибди:  
«Шоҳ Доро Искандар билан уруш яроғини қилмоқ учун ҳамма шоҳларни чақиртирганида, йўл йироқлигига

қарамай мен Рум чегарасига эндиғина етганимда, бу фалокатлар юз берди. Биз биёбонда қолиб кетдик. Яроғу сипоҳларимизнинг бари барбод бўлди. Урушган навкарларим ҳалок бўлди, қолганлари асирилик жабрини тортдилар. Мен эса неча ой биёбонни жой қилиб юртимга қайтганимча, ҳалқим қатли омга учраб ўн улушдан бир улуси қолибди. Қаро рангни бу элда қадимдан кийиш одат деманг, ана шу воқеа туфайли мулким қаро кийиб мотам тутяпти. Искандар туфайли элим шунча азоб чекди. Энди икки-уч йил сабр қилинса, замон тинчланса, кейин хирожни тўласак. Мен ҳам у билан кўришгим бор. Лекин икки-уч йилсиз бундай таклиф айласа, мен кўп малолат чекаман. Лутф этса, бу мактубимни қайтармайди, нима бўлсаям, Ҳақнинг пешонамга ёзганини кўраман. Мен сўзимда унинг ҳурматини тутдим. Шунга кўра у ҳам иззатини асраса керак».

Чин шоҳи эса яна бошқача жавоб қилди: «Искандарнинг юборган мактуби кучли заҳардан аччиғдир, қиличдан ўткир. Ўз вакилини бу томон жўнатган куни чуқур ўйлаб кўрмай ёзибди буни. Сипоҳим қалин, мамлакатим тўқ, менинг ундан кам томоним йўқ. Шоҳ бошқа бир шоҳга ўзини «ҳакиму доно» деб ёзиши тўғри эмас. Бундай сўзлар ақлга сифмайди. Мактуб сўзларини ҳам катта-катта қилиб ёзиши шоҳга нисбатан ҳурматсизлик. Лекин мен хатимни йирик ҳарфларда битмайман. Унинг олдига боришни истамайман. Агар аскар тортиб келса, шаҳримга кириб олиб, эшикни беркитганча ўтиравераман».

Бу уч мамлакат шоҳининг жавобларини бошдан оёқ гапириб бердилар. Искандар ўз мактубига биноан хузурига етиб келган шоҳларга яхшиликлар кўрсатиб, шоҳона мажлислар тузиб, кутиб олганди. Ҳалиги уч шоҳ жавобини эшигтгач, уларга аскар тўплаб борай деди-ю, лекин қиши фасли бошланиб қолган эди. Одатда шоҳлар, қиши фаслида юриш бошламайди. Бу қиши шу ерда қолишини маъқул кўрди-да, Қорабоғи Аррон сари йўлга тушди.

Искандар Қорабоги Аронни ўзига оромгоҳ қилганидан сўнг, хаёли асосан жаҳонгирлик бўлиб қолди. Ҳикмат аҳлини қайта-қайта йифар, Худодан жаҳоннинг фатҳ этиш баҳтига мушарраф этишини тўхтovсиз тилар эди. Сипоҳлари тутган жойларни айланиб чиқар экан, уларга бардамлик тилар эди. Қуёш тобора кўтарилиб оламни иситгач, шоҳ бутун даштни тўлдирган лашкари билан яхши бир соатни белгилаб қишлоқни тарк этди-ю, Сипоҳонга қараб йўл олди, ундан ўтиб Хуросонга юз тутди. Бу пайт бутун Эрон замин унинг қўл остида эди.

Хуросон ҳавосидан шоҳ жуда хурсанд бўлди, бу ўлка жуда кенг бўлиб, ери ўзга иқлимлардан ёқимлироқ эди. Қўкаламзорларидан кўплаб чашмалар отилиб туар, дарёлар шовуллаб оқиб туар, барчаси кўнгулдаги ғуборларни қолдирмас, яна тўрт дарёсининг овози осмонгача етиб борарди. Анҳорлари худди жаннатдан чиқиб келаётгандек эди. Ҳирманд, Зобулистондаги дарё, Нимруд, Дарижаз дарёларининг ҳар бири ғоят гўзал ва жонбахш эди. Балх шаҳрини ҳам гўзал анҳори безатиб туар, бу шаҳарни Ҳушанг қурган бўлиб, Иброҳим Адҳамнинг ҳам покиза қадамлари текканди. Яна бири Мурғоб суви бўлиб, у ҳам жаннат сувларини эслатарди. «Бу ер жаҳон гулшани» экан деб баҳолаган шоҳ наҳр бўйида шаҳар яратиб унга Ҳирот исмини берди.

Хуросон бадандур, Ҳирот жон анга,  
Ҳирий жон, бадандур Хуросон анга.

Искандар Хуросондан чиқиб шимол томон манзил ба манзил юриб бораркан, жаннатмонанд, гулларга тўла, сувлари жаннатдагидек катта бир водийга дуч келди, Искандар уни Мовароуннаҳр деб атади, чунки шарқида Сайхун, ғарбида Жайхун дарёлари оқиб туаркан. Уларнинг ҳар бири Арасга teng ўн-ўн беш ўлкани сугориб туарарди. Айниқса, Кўҳак дарёси жаннат сойи эканига

шубха йўқ эди. Унинг ёнида шаҳар барпо этиб Самарқанд деб атади.

Самарқанд шаҳри қурилиши тугаллангач, Искандар Кашмир сари йўл олди. Шаҳарга яқинлашиб, даштининг барча дараҳтларини кесиб тозалашгач, олдиларида осмонга бўй чўзиб турган, тошли тоғлар орасида жуда узун қилиб ишланган йўл чиқди. Узоқлигидан унга оёқ сурмадилар. Коф тоғидек буюк тоғ олдидан йўл бор экан, Кашмир халқи шу ерда тоғни тоққа улашиб, Кашмирга кириш йўлини бекитишган экан. Ганч билан тошдан ясалган темир дарвоза тепасига шаҳарни ҳимоя қилиш учун ёпиқ бурчакли буржлар билан шинакли деворлар ишлатишган экан. Қалъа ичида икки минг афсунгар, ҳийлагарлар жойлашган бўлиб, минг қари<sup>3</sup>дан ҳеч ким дарвозага яқин келолмас, агар ўша томонга қадам қўйса, оёғи суистлашиб юролмай қолар, от билан бормоқчи бўлса, товони кўчиб тушар, шу жойда кетолмай қолиб кетар экан.

Сипоҳлар булар ҳақида эшитганларини Искандарга бирма-бир сўзлаб бердилар. Шоҳ уларнинг гапларига парво қилмай, Арастуни олиб ўша томон равона бўлди. Ишонмай, узоқдан кузатди-да, «Бу Кашмир аҳлининг афсуни бўлса керак, нима қилиб бўлса ҳам шаҳар деворлари ва буржларини бузиб ташлаш лозим», — деди. Кеъин сипоҳларини олиб келиб шаҳар девори атрофига туширди, зиёни бўлмасмикан деб юргизиб ҳам кўрди. Кўнгли хотиржам бўлгач, хузуридаги 500 олимдан ўнтасини чақириб: Фалотун, Арасту, Балинос, Арашмидус, Шаминос, Қилинмун, Волис, Фарфурнус, Сукрот, Хурмус қабиларни чорлаб, «Бу Кашмир элининг афсуни, унга қандай тадбир қиласиз?» — деб сўраган эди, улар маслаҳатлашиб, «Фам еманг, бунинг иши биз учун осон, шоҳ иқболини Тангри ярлақасин. Бу найрангларга шикаст етка-

<sup>3</sup> Бир қари — 75 см.

зиб, барини паст қилганимиз бўлсин. Икки-уч кун мухлат берилса, уларнинг сеҳрини бошдан-оёқ бузиб ташлаймиз», дейишди. Искандар уларнинг сўзларидан хурсанд бўлиб, иш бошлашга рухсат берди. олимлар шоҳни duo қилиб ишга киришиб кетиши.

Улар ишга киришиб, неча кўраю дамларни қизитишиб, аввал турли металлар: темир, пўлат, қўроғшин, мис, жез ва бошқаларни аралаштириб тўп кўринишидаги бир буюм яратдилар. Фалакка ўхшаган юм-юмaloқ бу асбонинг ичи бўш эди, унинг ичини порох каби портловчи дорилар билан тўлдирдилар. Неча хил ашъёларни аралаштириб, тўп ичига солдилар. Темир тўпдан икки тешикча орқали пилик киргизиб, одам боши ёки урушда отиладиган раъд тошига ўхшатдилар. Унинг пилтасига ўт ёқиб, осмондан туширадилар. Ўқ учиб бораркан, пилтаси ёниб бориб яширин моддага ўтади, кейин портлаб темир тўп неча парча бўлиб, шу пайт ундан кучли овоз, шуъла, ажиб тутун, ҳид чиқиб, овози сеҳр асбобини бузиб, ўти дарвозани очиб юборади. Қораси душманлар юзини куйдириб қора қилади. Исидан ҳидлаганлар эса фусун илмини унугдилар.

У ажойиб тилсим тайёр бўлгач, ҳамма олимлар яна бир бор йифилдилар, қуролнинг барча белгилари ва бўлаҗак натижаларини аён қилдилар. Шоҳ бу ажойиб ишдан шод бўлиб: «Шундай тилсимни тайёр қилдингиз, бошлишингизга нима тўсиқ бўлиб турибди?» деб сўради. Қуролни синааб кўришга шоҳ ҳам қизиқаётганини сезган донишмандлар: «Ҳукмингизни кутяпмиз, холос», деб жавоб беришиди. Шоҳ отланиб, ўзининг барча саркардаю аъёнлари билан дарвоза томон йўл олди. Раъд асбобини созладилар, тилсимни келтириб, раъд ёйига тошдек қуриб, тўп пилтасига ўт туташтиридилар, Доруга ўт етгач, у осмонга кўтарилиди ва учиб бориб душман сипоҳларининг ўртасига тушди. Айтилган тўрт иш юз берди: аввал кучли садою қўланса ҳид тарқалди, кейин ўт билан дуд кенг ёйилди ва ўти қалъани кулга айлантириди. Дуди фусун-

гарлар юзини қаро қилиб, иси уларнинг афсунларини хотирларидан ўчириб ташлади.

Ҳалиги тўп отилгач, Маллуга дарҳол хабар қилдилар. Маллу Искандар билан жанг қилиш учун кучи заифлигини сезди, дарвоза ва қальани забт этилганини англади, ўзини ҳайрон, элини паришон ҳолда кўрди. Мамлакати ичра қарор ёки манзил топа олмай, ер ости йўли билан бориладиган нақб атрофига бор бойликларини тўплай бошлади. Ўзи билган қора тог устига макон қурдириб турар экан, шу чоғда Искандар қўрғонга ҳужум қилишини буюрди, лекин олимлар: «Бугун бормаганимиз яхши, чунки олдингисидан чиққан тутун тарқамаса, у томонга яқинлашиб бўлмайди», дейишиди. Бу сўзларни эшитган Искандар ўз қароргоҳига қайтиб келди ва айш-ишрат билан шуғуллана бошлади. Олимларга кўпдан-кўп эҳсонлар бердирди. Тонг отгач, қалья ичига сипоҳнинг киришига буйруқ берди. Сипоҳлар тиқилишиб, етти кун давомида дарвазадан кирдилар. Шаҳар ҳалқи Искандарни хату шикоятномаларга тўлдириб ташлади.

«Бу диёр Маллуда бўлган замон бу кулларда ҳеч ихтиёр йўқ эди. Хизмат қилганимиз қилган эди. Унинг шавкатидан қутилдик, энди не десанг, бандангмиз!

*Ёруғ айласанг мулку вайронамиз,  
Фидодур сенга мол или жонимиз.*

Барчамиз юзингни бир кўриш армонӣ билан яшаяпмиз», деб ёзилганди у мактубларда. Искандар хат ёздирди ва вилоятларга жўнатди. «Сизлар бу ерга келишга овора бўлманг. Ўз юрtingизда фароғат қила беринг. Менинг ўзим юрtingизга бораман. Мени дуо қилиб, Ҳаққа тоат қилиб юраверинг», дейилганди мактубларда.

Искандар ўзининг ушбу мактублари тайинланган манзилларга қадар етиб боргунча қўрғон ичиди Маллу томонидан қурилган тараҳхона — шодлик, базмлар ўтказиладиган шоҳона қасрни унинг атрофига қурилган ажо-

йиб бөгни күриб, бу гулшанга «Жаннатос» деб ном қўйди. Барча лашкарлар ҳам, аъёнлару донишмандлар ҳам «Жаннатос»дан баҳраманд бўлишди. Искандарга «Жаннатос»да шоҳ манзили тайёрлатди. Халқ бу ерга оқиб кела бошлиди. Шаҳарда янги ҳаёт бошланди. Шоҳ барча одамларни шод этиб, бузилган кўнгилларни обод айлади. Шоҳ ҳукм қилдики: «Ҳеч кимнинг бирон нарсасига тажовуз қилинмасин, Искандарнинг бирон навкари ё аъёни улардан бирон нима тама қиласа, бўғиздан осилсин!»

Шаҳар халқи моли омон беришгач, бошқа муҳтожларнинг иши ҳам ҳал бўлди. Ҳеч кимдан ҳеч кимга ғам етишмас, бир киши бошқасидан асоссиз бир дирҳам ҳам ололмасди. Искандар эса айш учун тоза майлардан ичиб, Кашмир мулкини сайд этиб юради. Кўпдан кўп ғаройиботларни кўриб ҳайратланарди. Жумладан, бир май косаси кўрдики, ниҳоятда камёб. У жом худди дарёдан сув олгандек тўла турарди. Маллу қочиб кетаётган вақтда унинг бир хазиначиси мулки ичидан олишган экан. Бошқа туҳфаларни қалъага олиб киришганда бу жом қолиб кетибди. Унинг ажойиблиги шунда эдики, жомдан ҳар қанча ичган билан майнинг кам бўлмаслиги айтилган эди. Жамшидшоҳ оламни эгаллаганда ҳикмат аҳли олимларни тўплаб иккита тилсим жом ишлатган экан: бири гетинамо, бири ишратфизо. Гетинамо жом кўпчиликка маълум, шунинг учун бунисини таърифлай қолай. Ундаги май та мом бўлмайди, мазали май камаймайди эгри турганда ҳам унинг ичидаги май тўкилмайди. Уни тортиб ҳам олиб бўлмайди. Барча бу ажойиб жомни томоша қилишарди.

Маллу ўзининг тош қўрғонига қамалиб олганидан сўнг Искандар унинг таҳтини олди ва эл-улусга енгилликлар ваъда қилди, Кашмир халқи унинг лутфу эҳсонига умид қила бошладилар, шоҳ Маллу аҳволидан хабар сўраган эди, унинг Искандардан қўрқиб, фалон қалъа ичиди беркиниб, қўрқиб ўтиргани, ҳар хил сеҳрлар ҳақида ўйлаётганини айтиб беришди. Искандар яна сарой аҳлини тўплаб: «Кашмир тоза гулзордир. Ҳавоси лекин гармселли экан.

Доимо жонпарвар насим эсиб туради-ю, бу гулшанда түхталмас экан, бу ахволда унинг гули ўтга ва сунбули қоп-қора дудга айланади. Қизиқки, даҳр оташфишону, лекин кимса ўтдан нишон тополмайди. Бу уқубат бўлиб, халққа азобдур. Суҳбатгина эмас, балки умуман яшаб бўлмайди. Бунга бирон чора мумкинdir, бўлмаса бу ердан тезроқ жўнаш лозим бўлади», деди.

Донишмандлар бу сўзларни эшитгач, дуо қилишиб: «Агар шоҳга бу иш муддао бўлса, биз унинг макрини даф этамиз, унинг барча сеҳрларини биз йўқ қиламиз, шоҳ кўнгли бундан ғамга тўлмасин, чораси осон. Шоҳ ўн кунгача муҳлат берсалар бўлади». Шоҳ: «Ўн кунгача халқ ўт ва шамолдан қийналиб қолишадику!» деган эди, Афлотун подшонинг қайфураётганин кўриб: «Мен уч кун давомида бир тадбир қилиб, ахволни енгиллаштириб турман», деди. Искандар бу сўздан хурсанд бўлди. Бу ҳолатда ел тўхтаб, дўзаҳдек иссиқ бошланди. Ошхонада ишловчилар нолон бўлишиб, «Оlam аро ўтдан бошқа вужуд йўқ, не чўғ, не шуъла, не учқун, не дуд. Тошдан ўт чиқаришаркан», деб унга темир урсалар, шуъла ҳам чиқмаяпти, ўт ўрнига сув чиқяпти. Овқатни тайёрлашимизда бир сир бормикан десак, биз айборд эмасмиз».

Кейин ўту ел масаласида шундай қийинчилик бошландики, ўт иссиғ дам эрди-ю, ел совуғ оҳ. Тандир кундуз қизармайди, кечаси эса шамда шуъла қўринмайди. Озгина ел эсганди, ўчмаган бирон чироф қолмади. Уч кун давомида қўллар энгакларга сутун бўлиб қолаверди.

Тўртинчи куни Афлотун уйига шоҳ, аъёнлар ва саркардалар кириб бордилар. «Мана, уч кун ўтди, халқ ўт ва шамол йўқлигидан ниҳоятда қийналиб кетди. Яна шу хилда давом этса, эл бу азобларга чидолмай қолади», деди Искандар. Олим жавоб бериб: «Бугун ҳам берган ваъдамизга киради. Лекин эртадан ҳамма нарса ўз ўрнига тушиб, халқ қийинчиликлардан қутулади», деди. Шоҳ ва аъёнлар бу сўзлардан кўнгиллари таскин топиб оромгоҳларига йўл олдилар.

Ўтни тўхтатиш масаласи мана бундай бўлган эди: Жомосб деган донишманднинг китобида: «Искандар даврида у жаҳон фатҳига отланган вақтда олам мамлакатларини эгаллаб бораркан, Кашмирни босиб олишда бу шаҳарнинг беги Маллу берк қўргонга беркиниб олиб, одамлардан шамол билан ўтни яширади. Ўша ердаги бир тоғ ичида тошдан бир уй ясад, тилсим қилиб қўйганди. Елни шу уйга қамаса, халойиқнинг душман аскарларини даф қилиш осон бўлади. Шамол аввал бетартиб эсиб, ундан халққа зиён етарди. Шамолни ҳалиги уйда бекитгандан сўнг бу мамлакатга келганлар ҳалиги уй деразасига қарши туриб Кашмир шаҳрига тўғри боқишиша, ёқимли шамолдан баҳраманд бўлишар, деразани беркитиб қўйилса, шамол чиқа олмай қоларди.

Қалъадаги бир чоҳ — чуқур бор бўлиб, унинг оғзи тору, таги кенг эди. Чуқур тагида бир оташкада бўлиб, у Каюмарс давридан қолган эди. У ерда шундай бир тилсим мавжуд эди: одам шаклидаги бир ҳайкал доим ўтни елпиб, ҳароратни кучайтириб турарди. Унинг олдида дам била кўра ясалган бўлиб, кўра жисмида олов пуфлайдиган най ўрнатилган бўлиб, ҳалиги ҳайкал асбоб орқали ўтни доим тезлаштириб турарди. Чоҳ оғзидан учқун ваттунлар чиқиб, халқ ундан иссиғлиқ олиб турар, бу мамлакатдаги ўт манбаи, не ўтким, қуёш манбаи ҳам шу эди. Лекин бу ўтлар киши кўзига кўринмай, қуёшга ўҳшаб ер остига кириб кетарди. Бу тилсимни йўқ қилиш учун, бу иш Афлотунга ҳавола, аввал нақб бошини топиб, у ерда чодир тикиб ўтириш керак. Кейин нақб бошини очиб ичкарига қараб 17 қадам юриш даркор. Ўн ети қадамни босиш чоғида икки ёнига яхши назар ташлаб бориш керак. Ҳар томонда ел ё ўт расми чизилган тахтачалар туради. Ҳар бир лавҳни зарб билан қаттиқ тепса ва лавҳ девор ичига кириб кетса, бири ел йўлидир, бири ўт йўли. Девор бузилган замон тезлик билан ташқарига қочиш зарур. Чунки ўт билан ел қўшилишиб чирпирак бўлиб айланиб, аниқланган йўлларни ҳам вайрон қила-

ди. Икки кавакдан чиқиб келган ўт ва ел қалъа аҳлига шундай зиён кўрсатадики, кимга тегса, нобуд қилади, иморатларни пастлаштириб, тик ёғочларга шикаст етказади. Элининг ўлмай тирик қолиши бўлмаган хаёлдир.

Ўт чоҳдан чиққандан кейин, ловуллаб, қалъани куйдиришга тушади. Фақат қалъа ичига, рўпарасигагина эмас, буржу деворларига ҳам туташади. Тоши шуъладан шундай қизиб кетадики, ичкарида қолган халқ тош кабобларга айланади. Йўлдаги лавҳларни ушатган ҳаким бир қанча вақт ташқарида туриши керак.

Агар ел қалъага қараб елиб шаҳарга тез етишса, лавҳалар билан томларни тўсиш, мустаҳкамлаш керак. Ўт билан ел тинчиса, иккисидан кучу мадор ҳам кетади-да, яна олдинги ел ороми, ўт шарори қайтади», деб ёзилган экан.

Афлотун бу сўзларнинг барчасини Искандарнинг бир ўзига мукаммал сўзлаб берди. Шоҳ ҳайратда қолиб, донишмандга таҳсин айтди, эҳсонлар берди. Дедики: «Бу ишларни бажариш йўллари топилди. Энди нима қиласмиш?» деб сўради Афлотундан. Донишманд шоҳни дуо қилиб: «Сен лавҳларни биринчи бўлиб синдирасан. Бу сенинг шоҳлик, жаҳон паҳлавони сифатидаги ҳуқуқинг. Бу иш бандини ечиш сендан бошлансан», деди.

Шоҳ донишмандга тасанно айтди, кечаси бўлишига қарамай Афлотун билан бир неча сипоҳни бирга олиб йўлга тушишди. Нақб бошига етишгач, ичкари, ер ости йўлига тушиб анча юришди. Йўлнинг икки ёнида икки лавҳ осиглиқ турарди. Афлотун лавҳларни шоҳга кўрсатиб: «Вақт кетяпти, бўлақол тезроқ!», деди. Искандар лавҳларни кўриб шодланди-да, Ҳақни ёдига олиб туриб, икки лавҳни зарб билан тепди-ю, улар емрилгач, дарҳол ташқари чиқди. Икковлари кўзларини қўрғонга тикиб турардилар, бир оз ўтгач, ўт қалъадан осмонга отилди. Яна бир нафас ўтмай шамол ҳам етиб боргач, шундай кучли ел қўзғалдики, ел гўё оламни бузай дерди, икковлари яна нақб ичига тушишиб, ганжу фишт билан ел

йўлини тўсиб ташладилар. Шоҳ билан олим ташқари чиқишигач, қўрғон томондан дод-фарёд эшитдилар. Ўт билан ел қўрғон халқини ҳар томон паришон қилиб ҳалок этибди. Маллунинг фарзандлари ҳам, хотинлар ҳам ярим куйган ҳолда чиқиб келишди. Искандар сипоҳлари уларни ўтдан озод қилдилар. Ўт ва ел ҳужумидан жуда кўп одамлар ҳалок бўлибди. Фақат Маллу ибн Мабок деган кишигина омон қолибди. Яна Феруз деган ўғли ва ниҳоятда соҳибжамол бир қизи бор эди. Унинг ҳақида яна кейинрок сўзлашамиз.

Маллу Искандар қошига келиб, ер ўпиб, бош қўйди, бошини кўтаргач, ёш тўкиб илтижо қилди:

«Шоҳо, қошингда гуноҳкормен,  
Жазо ҳар не қилсанг сазовормен.  
Чу мен бандамен, бу икки бандазод,  
Алар авфин айлаб мени айла шод.

Искандар: «Бу азоблар биздан эмас. Сен ўз бошингга тез тиф тортдинг. Бу дам тупроққа юзинг суриб, кечирим сўраяпсан-у, сени авф қилдим. Тузалганингда кишварингдан хирожни мукаммал тўлаб туришингга ишонч хосил қилиб мулкингдан чиқиб кетайлик. Фарзандингни сенга ўринбосар деб тайинлайлик. Қизинг ҳам бор экан, уни ўзимизга қаллиғ қилайлик», деди.

Маллу бу сўзлардан жуда хурсанд бўлиб, жони узилди. Искандар Маллуни шоҳона дағн эттирди. Шоҳ кўпдан кўп зиёфат қилиб, бу мамлакатдаги табаррук жойлар, қадимий мозорларни кўрсатишни буюрди. Мозордаги Маллу хонадони қабрларига етишгач, у ердаги хилхона атрофига деворлар курдирди, чиройли гиламлар солдирди. Искандар Ферузни тилатиб бу олам фонийлигини уқтирди-да:

Сениким бу мулк узра шоҳ айладим,  
Бу кишварда кишварпаноҳ айладим.

Керак лутфу эҳсон шиор айласанг,  
Адолат йўлин ихтиёр айласанг.  
Раиятга сендин етиб шодлик,  
Мамоликка юз қўйса ободлик», деди.

Феруз таъзим билан Искандарнинг барча сўзларици қабул айлади.

Искандар Кашмирни Ферузга топшириб, бошига тож қўйиб, у тўлаши керак бўлган хирож миқдорини белгилагач, унга «Икки ойда ўз ўлканг ишини тўғри йўлга қўйгин, шу муддат ичидা сипоҳларни ҳам жам этиб тегишинча, зарур бўлганича йўл харжи бериб тур. Бошқа ишлар билан чалғимай, бизга, тезда Ҳиндистонга етиб ол», деб тайинлади.

### Искандар Ҳиндистонда

Бу сўзлар билан уни хурсанд қилиб, синглиси Мехрнозни ҳам тўқиз парда ичига киритиб Ҳиндистон сари йўл олди. Барчалари шитоб билан тез юриб манзил ба манзил боришар экан, унинг фатхини ҳосил қилиб, ёмонлардан оғоқни пок этиб, яхшиларни шодмон қилиб, ўжарларни бўйсундириб, даштини адлидан бўстон қилиб боришаркан, Ҳиндистоннинг барча аҳли бу воқеаларни эшитиб хабардор бўлди. Улар Искандарнинг Кашмирда қилган ишларидан воқиф бўлгац тилсимотларини фатҳ қилиб, Кашмир халқига қилгац муносабатларини эшитган эдилар. Уни енгишга кучи етмаслигини билган ҳинд шоҳи совфа-салом, тухфалар, тўқиз-тўқиз матолар, забардаст тўқиз-тўқиз, баъзи ривоятларга кўра 39 фил, ҳар бирининг тани тоғдек, катта тош учиди яна бир якпора тош, ундан бош кўриниб турар, икки томонида икки бодбон — елкан бўлиб, ҳар хартуми катта илон, йўқ аждар мисоли бўлиб, жисмига ҳар лаҳза ўралиб турарди. Чинору миборларни хартуми билан йиқита оларди. Хартуми ат-

рофидан икки тиш чиққан бўлиб, уларнинг ҳар бири фалак элига офат эди.

Ҳар бири узра ажойиб бир тахт қурилган бўлиб, ичида тўққизта баҳтиёр ҳинд ўтиради. Ҳар бирининг либоси қизил ё сариф, худди уларни баҳор билан куз шу рангта бўягандек. Ҳалиги фил юрганида, тахт ичидагиларга уйқу харом бўлади. Унинг ёнида филча ҳам бўлиб, дев боласига ўхшайди.

Отлар ҳам филлардек ясатилган бўлиб, ҳар хил матолар ёпилган, устида наизали ҳинд ўтиради. Яна қанча ширинсўз тўтилар, зумуррад ва лаъл минқорли қушлар, зебо жамолли товуслар барчаси шоҳга совға эди. Совғалардан кейин кўплаб донишманд алломалар қадам ташларди.

Шоҳ алломаларига қараб деди: «Мен шоҳга камтарин бир қулман. Унинг билан жанг қилишни ўйлаганим ҳам йўқ. Ул зотдан мактуб келганда, узрли бўлганим учун шоҳлар йиғинига боролмадим. Ўша кунлари қаттиқ касал бўлиб қолдим. Агар шоҳ лутф айлаб кўргани келса, ҳалқ ичидаги обрўйимни кўтаради. Менинг эса бошим қўкка етиб, жоним борича қули бўламан. Агар тангри кўрсатмасин, қаҳр қилиб, дўстлик майи ичига заҳар қуядиган бўлса, сиз шафоат қилингки, гуноҳимдан ўтсин!»

Нихоят ҳинд шоҳи юборган совға-саломлар, ҳурматли зотлар Искандар турган манзилга ўрдага етиб боришиди. Аввал аркони давлатлар, кейин аҳли ҳикмат ҳузурига кириб бордилар. Искандар ҳурмат-икром билан кутиб олиб, улар билан сўрашгач, тахтидан тушиб, ҳар бири билан кўришиб, ҳар қайсисига илтифот кўрсатди. Шоҳ шундан сўнг тахтига чиқмай, ерга такаллуфсиз ўтирида, ҳар бир амалдору олимга ўз лавозиму илмига мос жой кўрсатиб ўтқазди. Улар ўзларининг йўлда қийналмаганликларини айтиб бурун шоҳга дуо қилдилар ва унинг кечиришини сўрадилар. Искандар: «Сиз нимани илтимос қилсангиз, уларни бажариш бизга фарзидир. Шоҳингизнинг гуноҳи оз, кўп бўлганда ҳам унинг узрини қабул

қилган бўлардим. Ҳинд ҳалқининг гуноҳи озми кўпми, бундан қатъий назар, барчасининг гуноҳидан кечдим. Улардан жазолаш, ўч олишдан қўлимни тортдим. Иноятимга ишониб, саройимга келсин, мен унинг бошига тож қўйиб, баҳтли қиласай.

Сизлар ҳам қадам ранжида қилиб, бу ён келиб, мени хушдилу баҳраманд этдингиз. Бир мамлакатга бир шоҳ кирганда қадимий расм-русумга кўра элдан моли омон қабул қилинарди, бу элдан шуни талаб қилмасинлар. Шоҳ хизматни бошлагач, бу кишвар хирожини қабул қиласади. Ҳалойик бошидан эҳтиёжларни йўқотиш учун икки йиллик хирожни кечирдик».

Искандар ҳалққа ва подшога бу хил яхшиликларни право кўрганидан эл беҳад хурсанд бўлди ва унга узоқ умр, баҳт ва саодат тилаб, шоҳни кафан кийдириб ва бўйнига қилич остириб, олампаноҳ ҳузурига олиб кирдилар. Искандар Ҳинд шоҳининг аҳволини кўрган заҳотиёқ унинг ҳолатини манъ қилди, чунки у бу жазога лойик иш қилган эмасди. Бир шаҳар ҳалқи иккинчисидан енгилса, бутун миллат шу ҳолда келиб ғолиб ҳукмдордан узр сўраши мумкин эди. Искандар муруватли шоҳ бўлгани учун ҳам тиф билан кафани дарров олдириб ташлади. Шоҳона кийим ва қуроллар келтириб қайта кийинтиришди. Шоҳ уни ҳурматлаб қучоқлашиб кўришиди. Ҳинд Ройи Искандарнинг оёғини ўпишга интилган эди, шоҳ унга ҳурмат кўрсатиб, юқорироқдан кўтариб олди ва икковлари қучоқлашиб кўришишди. Ҳинд шоҳи олиб келган совғаларини Искандарга тутди. Искандар унинг ўтиришига жой кўрсатди ва шоҳона қонунларга кўра меҳмон билан сухбатлаша бошлади. Шу билан мезбон қўнглидаги ваҳмга барҳам берди ва андишадан қутултириди. Шоҳнинг бу хил илтифотини кўриб, ҳинд Ройи ўрнидан туриб, илтимос қилиб қолди:

«Ҳинд кишварида гаройиблар кўп. Бу ернинг қиши ниҳоят мўътадил. Иссиғ ҳам, совуқ ҳам бўлмайди. Ҳарбий юришлар вақти ҳам шу даврда мақбул бўлади», деди.

Искандарга бу таклиф хуш келиб, қишини Ҳиндистонда ўтказищга розилик берди. «Деҳлида ўтказа қолинг қишини» дейишган эди, шоҳ: «Шаҳарга сипоҳ сифмайди» деб, шаҳардан ташқарида алоҳида манзил-макон куриш учун қўрсатма берди. Ҳинд Ройи яна дедики: «Шоҳ ҳукм айласа, ишларни тезлаштириш, тезроқ тугаллаш учун қурилаётган шаҳарчани кўришга вақти-вақти билан бориб, қилинаётган ишлардан хабардор бўлиб турсам, бўлмаса кўнглим тинчимайди, дам-бадам безовта бўламан», дегач, бу сўз шоҳга ҳам хуш келди-да, тез юрувчи, карккўзли, филтан нақшли эгар отларни ҳозирлаб, Ҳинд мулкини ўзи ҳам айлануб келишга йўл олди.

Ҳинд шоҳи Рой ўз ўлкаси кўчаларидан борар экан, ахоли унинг ўлимдан қолганидан хурсанд бўлиб, беадад дуолар қилишди. Рой элни хушдил айлаб, Искандар бу юрган щаҳарчани куришга берилиб кетди.

Ўша минтақада Нигор деган ўрмон бўлиб, ҳайратларли даражада гўзал эди. Ўрмондан доим анбар насими эсиб туар, тупроғидан ҳам анбар иси анқиб туар, сандал-у, обнус, сандарус, шабаҳ каби хушбўй дарахтлар у ерда сероб эди. Насим эсганда ҳаммаёқ сандал дарахти исига тўлиб кетарди. Дарахтларнинг ҳар бири осмонга бош тегдуриб туар, дарахт барглари орасидан ҳатто куёш кўринмасди. Чинор, дорчин, зайдун, ток бир-бirlарини безаб, ўрмонга ажаб манзара бағишилар, хилмалик қуцларнинг қичқиришлари ажиб мусиқалар ҳосил этар, тўтиларнинг бир хил нави ҳар баргни кўкимтирилди, ҳар дарахтни Хизр пайғамбарга ўхшаттирсанди. Ўрмондаги қизил, яшил, гулнор ранглари бўстонларни хаётбахш қилиб безаган эди.

Ўрмон ов учун ҳам қулай бўлиб, кийиклар тоғларда минг-минглаб сакраб юришар, мараллар шакар қамишлар ўсган ўтлоқларда кўп бўлгани учун ҳар қайсининг оёғига асал ёпишиб қолганди. Дентизида бўлса оқ баликдан кўпи йўқ, ўрмон атрофида ҳар хил катта ва кичик қуцларнинг инлари мўл бўлиб, уларни истаганча ов

қилиш мумкин эди. Шаҳарча очиқ ерда барпо қилинаётгани учун гуллар мўл-кўл экилган бўлиб, дилни ўзига мафтун этарди.

Ҳамма ишлар битгач, ҳинд Ройининг ўзи Искандарни кўшини билан шу ерга бошлаб келиб доира қилиб ишланган қароргоҳга туширди. Шоҳ бу ерда чор атрофни бемалол кузата оларди.

Хинд Ройининг қилаётган ғамхўрликларидан жуда хурсанд бўлган Искандар қиши билан бошқа барча ишларни йиғиштириб, айш-ишрат билангина машғул бўлди.

Искандар Кашмирда қиши ўтказар экан, унинг ажо-йиб латофати, гаройиб иморатлари, сеҳрли тилсимлари томошасига тез-тез бориб туарди. Ҳаммомда кўпроқ бўлар, Рой қасрида созанда навозандалар иштирокида зиёфатлар уюштирас, гоҳида ўрмонни кўнгли истаб, йўлбарс ва шерларни, баъзида филу карк ўлдириб, гоҳида дарё бўйлаб қайикда сайр этиб, гоҳ оқ балиқ овлаб, дўстлари билан шўрва қилиб ичишиб, гоҳо шакар қамишзорда юриб, найшакарни газак қилиб май ичишиб, баъзан илм аҳлини саройга тўплаб, илм мажлиси қуришар, турли китоблар мазмуни ҳақида баҳс юритишарди. Китобларда номаълум, мажҳул ўринларни маълум қилиш айниқса завқли кечарди. Кеча-кундузлар шундай ўтиб, баҳор фасли ҳам бошланди. Қўёш оламни ўзининг нурлари билан муనаввар айлагач, шоҳ яна кетиш йиғинини йиғди ва бу сафар Хитой билан Чин азмини ихтиёр этди. Яна ҳарбий ҳаракатлар бошланиб, Чин чегарасига байроқ тикилди.

### Чин мамлакатидаги музокаралар

Бу вақт хоқон Искандарнинг Ҳиндан Чин томон йўл олганидан хабар топди. У кўпдан-кўп лашкар тўплаган, сон-саноқсиз қуроллар ҳам тайёрлаб қўйганди. Лекин хоқон дарҳол душманлик ишига киришмай, хусумат бошламай туриб, сулҳдан урушга сабаб бўлган масалани тинч

йўл билан ҳал қилиш, шунга рақиб томон ҳам кўнса, дўстона муносабатлар ошкор қилиб, рақибни тинчгина жўнатиб юбориш йўлини маъқул кўрарди. Иш бу билан ҳал бўлмаса, уруш бошлашга мажбур бўларди.

Шуларни ўйлаб хоқон олдин доно бир одамни элчиликка юборди. Элчига ўзи ўйлаб кўйган ишларни белгилаб келишини топширди. Қосид элчи билинтирмай келиб шоҳ саройига назар солиб кузатди. Сипоҳларнинг кўриниши, сўзлари, чодирлари оддийгина эканини кўрдида, ҳамма нарсани кузатиб чиққач, Чинга, хоқон даргоҳига қайтишни ўйлаётганда, уни кузатиб юрган сипоҳлар шоҳга хабар бердилар. Элчи ер ўпишга ўтди. Шоҳ бошқа кийимда ҳар хил ишлар билан машғул бўлган ҳолда уни кузатарди. Унинг ақлли, ҳушли одам эканини кўрди-да, хотиржам бўлиб: «Энди гапларингни гапиравер», деди. Элчи шоҳни дуо қилгач, хоқон деганларини бирма-бир баён қила кетди: «Хоқоним таъкидлашича, шоҳ бу кишвар сари қуёшдек юзи билан нур таратиб келди. Бунинг маъноси не эди?

Фикринг дўстлик эса, дўстлик бундай бўлмайди, бу хил ишни дўстлик деб атаб ҳам бўлмайди. Сен, улуғ шоҳ катта қўшин билан бизнинг мулкка кириб келиб, мамлакатимизни томоша қиляпсан. Ёки муддаонг душманликми ёки биздан ёмонлик кўриб, рақибликни маъқул кўрдингми?

Сенинг илгари хирож учун келган элчинингни узр айтаб, тирик қўйиб юбордик. Деган экансанки: «Доро ўлиб, тахт менга қолди». Деб эрдимки: «Доро билан менинг ўртамда тинчлик, келишувчилик муносабатлари барқарор эди. У мени енгган эмасди, менга тўланадиган хирожни белгилаб бермаганди. Агар сен шундай қилмоқчи бўлсанг, иккаламиз ёлғизликда ўтириб, бу масалани ҳал қилиб олайлик. Бу ишга рози бўлмасанг, қазо менинг пешонамга ёзганини кўравераман-да.

Олдин ҳам шу сўзларни айтгандим, ҳозир ҳам шу сўзлардан қайтмайман, булардан бошқа сўзим йўқ менинг.

Агар сенга ҳам сўзларим маъқул келса, сулҳ тузиб, гапингнинг ўзи сулҳ битими ўрнига ўтади. Агар ёмонликка юз буриб, душманликни маъқул кўрсанг, менинг ҳам бу ишда камчилигим йўқ. Сипоҳларимнинг сон-саноғи йўқ. Яроқларим ҳам етиб ортади. Бутун мамлакат, ҳатто аёлларгача охирги жони қадар жанг қиласди. Аммо икки томон уруш қиларкан, зафарнинг қайси томонда бўлишини билиб бўлмайди. Ким ғолиб бўлиши маълум эмас экан, пешонамизга ул ҳарф ёзилмаган экан, киши урушдан узоқ бўлгани эҳтиёткорлик жиҳатидан яхшироқдир».

Элчи бу сўзларни айтиб бўлгач, жавоб истаб ерга кўз тикди. Искандар бу сўзларни табассум билан, фикр юритиб эшитар экан, деди: «Агар шоҳлиф хурматида, жаҳондорлик расму ойинида мен билан Дорони Хоқони Чин билан тенг тутар эканлар бу унча тўғри эмас. Кимса огоҳ бўлса, биладики, мулк билан шоҳлиф агар шоҳнинг мулки билан белгиланса, менинг кишварим икки Дорониҷаалик бор. Агар гап шижоатда бўлса, бундан ҳам хабар топгандур. У билан урушишга тўғри келди, кўрдикки, унинг шавкати меникининг ўндан бирича эди. Уни шундай ожиз қилдимки, халқи уни бутунлай кўрмайдиган бўлди. Мен ғолиб эдим, оллоҳ охири менга нусрат берди.

Агар Хоқон шу сирларни, оғир сўзларни унутмоқни истаса, ўзини буйруғимга бўйсундирсин, ўзининг узри, сабабларини химоя қилсин. Иложи борича унга риоят қилай, хурматини жойига қўяй. Буни қўллаб-қувватламаса, уруш кунини бошига солай. Нима деган бўлсам, ростдир, рост сўзламак мен учун одатдир. Сўзим тугади, энди тезда қайтгил-да, унга бу сўзларимни аниқ қилиб тезроқ айт.

Сен бораркансан, мен ҳам аста юриб боравераман. Сўзларимга Хоқон жавобини эртароқ олиб келолсанг, икки томонга ҳам савоб бўлади. Буйруғимдан бўйин тобласанг, кўрамиз, фалак не ўйинлар кўрсатаркан?»

Элчи бу сўзларни эшитиши замон ҳаяжонга тушганича жўнаб кетди. Саройга етгач, Искандар сўзларини Хоқонга сўзлаб берди. Хоқон Искандарнинг ўзи ўйлаганича жасоратли эканига ишонч ҳосил қилди ва урушишга мардона бел боғлади, Искандарнинг етиб келиш вактини ҳисоблади. Етти, йўқки, етмиш отасининг юртидан, бутун Хитой мамлакатидан аскар йифмиш эди. Сипоҳи осмон юлдузларидан ҳам кўпроқ, сахродаги қумдан ҳам сони ортиқроқ эди. Тўқиз юз минг камондан ўқ отувчиши, яна шунча қиличбоз жангчиси бўлиб, барчасининг кийими зарҳалу зарбафт эди. ҳар қайси ўқчи ва ханжарбоз темир кийимларда бўлиб, шунча сипоҳлар билан Чин хоқони Чин шаҳридан чиқиб келдию, душмандан олдинроқ улгуриш учун сипоҳларни тезда тушириб, хандақ қаздиришни бошлади. Ўз сипоҳининг чор атрофича хандақ қаздирди. Унинг, хандақнинг даври 15 йиғоч бўлиб, ичи метинлар билан мустаҳкамланган. Кўпдан-кўп арава ҳам тайёр бўлиб, улар устига тўралар<sup>4</sup> ўрнатилган, аравалар бир-бирига боғланган бўлиб, уларнинг кетидан найзали ва ўқотар сипоҳлар тизилганди. Хандақлар олдига мустаҳкам мўнду санчиқлар тиқиб кўйилганди.

Чин қўшини сипоҳларни шу тариқа бекитиб, душман устига қўққисдан ҳужум қилиш усулини қўллашга тайёргарлик кўриб турарди. Қарши тарафдан аста-секин Чин қўшини томон яқинлашиб келаётган Искандар қўшини ҳам яширинча, ўзини бекитиб қадам ташларкан, узоқдан Хоқон лашкарларининг қораси кўринди. Сипоҳини тезгина тузган Искандар сурон солиб жангга киришди. Искандар қўшининг бирдан яқин ердан пайдо бўлиб, қаттиқ сурон солиб ҳужум қилиши Чин сипоҳларини ваҳимага солиб қўйди. Оқшомда икки сипоҳ ором олиб ётаркан, қоронғу тушгани учун икки томондан та-

---

<sup>4</sup> Тўралар — ҳужум қилиш учун мўлжалланган ва тўрт томони ўралган ҳарбий қурилма

лоя<sup>5</sup> қўшинлар тинчини ҳимоя қиласди. Язаклар кечакоровуллари тез-тез пайдо бўлиб, адашган ўқларга ҳам дуч келиб туришар, Искандар эртаги бўладиган жанг ҳақида фикр суреб, хилма-хил режалар тузар экан, хикмат аҳли унинг олдига бориб, «Эртаю индин сабр қилиш керакка ўхшайди, душманга сездириб туриб жангни тўхтатиб туриш лозим. Сайёраю сабоботлар вазияти шуни тақозо қиласди. Икки кун сабр қилиб, кейин, учинчи куни ҳужум қилса шоҳ, душманни мағлуб этса ажаб эмас. Искандар бу сўз билан таскин топди-ю, юрагидаги ташвишни унуполмасди. Чин хоқони ҳам кўнглидаги но-тинчликдан қутуолмасди. Иш шу ерга етдики, эл ичидан шундай ваҳимали гап-сўзлар бошланди: «Бу номи чиққан жасур шоҳ, юраги қоплон, шукуҳда бир шер жаҳон-гирликни ҳавас қиласиган бўлса, шу вақт ичидан бир неча йирик мамлакатларни фатҳ этди. Бизнинг кучимиз Дороникича эмас, унда бўлса бизга қараганда ўн баравар савлату шукуҳи бор.

У соҳибқирон ҳам, паҳлавон ҳамдир. Бундай киши билан жанг қилишга киришмоқ бемаънилик бўлади. Бирорвким, унда ақл даъвоси бўлса, ўзини ўлдиришнинг не маъноси бор? Йўқ, ўз жонига ҳам, халқ жонига ҳам, не жон, балки номусу орига ҳам зиён бўлиши турган гап. Агар шоҳга мутеъ бўлса ва хирож тўлашга розилик берса, Искандар тожу тахтни хоқонга қолдиради.

Маллу унга не ёмонликлар қиласди. Бугун эса ўғли Феруз обрўли, ўзига ишонган ҳукмдор бўлиб ўтирибди. Итоаткор бўлгани учун Ройи Ҳинднинг, Ҳиндистондай мамлакати бор. Агар хоқон ҳам унинг қошига борса, мамлакат тожини бошига қўяр. Унинг хизматини қилса, мамлакатининг барисини қайтариб олар. Бошқача йўл тутса, кейинги пушаймонлигининг фойдаси бўлмайди».

<sup>5</sup> Талоя — тунда кўриқловчи сипоҳлар.

Хоқоннинг амалдору аъёнлари, лашкарлару хизматкорлари ҳам шу фикрни таъкидлашарди. Бирор унга хос маҳрам бўлиб, Хоқон билан сирдош эди. Бир замон хоқоннинг хилват ўтирганин кўрди-да, олдига кириб зорзор йиғлади. «Элимиз бошига оғир ташвиш тушибди», деб ҳалқ орасидаги гапларни бирма-бир гапириб берди. Сўзини тугатгач, деди: «Эй шахриёр, сенга ҳамиша баҳт ёр бўлсин. Маълум бўлган гапларни сенга айтиб бердим, ионсанг, бу ҳолатга бир фикр қиласан, ишонмасанг, ўйлаб кўриб бир чора топарсан».

Хоқон бир оз ўйлаб, дўстининг сўzlари ҳақиқатга яқинлигига ишонч ҳосил қилди. Ўзи ўйлаган чоранинг тўғрилигига, ҳалқи ҳам шу хил тадбирни қўллашга ионди. Кутиласётган жанг худди чинни билан темирни уришишга ўхшайди. Чинни парчаланади. Хоқон шуларнинг барчасини ўйлаб ухлаёлмай чиқди.

Қуёш чиқмай туриб ўз фикрининг тўғрилигига яна бир маротаба имон келтирди. Ақл кўнглига бир фикр солди.

Эрта тонг маҳали бир хос маҳрамни чақиртириди-да: «Менинг оромгоҳим олдидаги одамларни узоқроққа сур. Дераза пардасига ҳам яқин келтирма. Баланд овоз билан: «Бугун шоҳ элни қабул қилмас экан!» деб айтгина, оқшомгacha бу эшикни асра. Мендан хавотир олма. Мен ярим кечада келсам керак, ўшанда чироқни ёқ. Агар келмасам, ўз ўрнингни солиб ётавер. Лекин мендан не воқеа юз берганини сўрама!» Шоҳ уйга кириб кийимларини алмаштириб элчилар кийимларини кийиб олди. Маҳрамига айтдики: «Дераза пардаси ёнига бир от олиб кел!. Отни тайёр қилиб келтиришгач, дераза пардасига яқин келиб, отга минди.

Қоронғуда сипоҳ чегарасидан чиқиб, дарвозабон олдига етди-да, муҳим бир нақшни кўрсатиб, «Мени чиқариб юборинглар, муҳим иш билан кетяпман», деди. Дарвозабонлар нишонага ишониб чиқариб юбордилар. Хоқон юз минг хаёл билан борарди. Осмондаги юлдузлар

бирин-кетин уча бошладилар, қуёш күринди, ниҳоят у Искандар қароргоҳига етиб борди. Унинг келгани ҳақида · шоҳга: «Ниҳоятда гўзал бир элчи келибди. Бошдан оёғигача нур, одам сурати билан келган фаришта», - деб хабар етказдилар. Искандар: «Эҳтиром қилиб, тахтим олдига жой солинг. Бу кеча ажойиб бир туш кўрибман. Күёшдек бир нарса нур сочиб туарар, яна бир қуёш ҳам кўриниб туарди. У келиб олдимда бош кўяр эди, киши мундоқ икки қуёшни ҳеч қаҷон кўрган эмас».

Яна ҳикмат аҳлининг китобларида:

*Наводир эди бу икки кунда кўп,  
Ки зохир бўлур дедилар мунда кўп.*

Улар айтган нодир ишларнинг бири шу бўлса, ажаб эмас. Шу сўзларни айтгач шоҳ: «Юринг, сиз айтган кимсани ичкари киритинг», деди. Мулозимлар ташқаридаги меҳмонни ичкарига олиб кирдилар. Элчи шоҳдан узокроқ туриб таъзим бажо қилди. Искандар уни ўз олдига чақириб қучоқлади. Баҳтдан бу башорат етиб, шоҳ элчиға «Ўлтири!» деб ишорат қилди. Элчи шоҳ олдида ўзига тайёрланган жойига ўтиргач, Искандар савол берди: «Қандай сўзунг бўлса, бошлайвер, не сирни айтсанг, бизга тушунтириб қўй!». Элчи шошилмай сўз бошлади: «Неким ҳукм қилсанг, жоним устига, лекин Хитой хони, Хоқони Чин тадбири ройига юз оғарин. Менга неча шариф сўз айтгандилар. Подшо билан элчи олдидаги сўзларни ҳамма ҳам эшитавериши мумкин эмас. Яна хоқоним дегандиларки, элчию шоҳгина хилватда сухбатлашишлари маъқул. Савол берилса, сен барчасига жавоб қила оласан. Шундай бўлмаса, ўрнингдан тургил-у, сени банди қилсалар ҳам, дам урмагил.

Сарой ҳалқи гумон қилишса, оёғингга банд солишин, қўлингни каманд билан бойлашсин. Искандар ўз олдига ўткир қилич қўйсину, кейин сен саволларига жавоб бер». Мендан хавфингиз бўлса, оёқ қўлимни боғлангиз».

Искандар элчининг бу сўзларидан хурсанд бўлиб, «Борингиз, ҳаммангиз чиқиб кетингиз. Шунинг учун банд айламоққа ҳожат йўқ. Попишаклар одати лочинга мос келмайди», деди. Лекин ҳикмат аҳли илтимос қилишиб, элчининг оёғини боғлаб қўйишиди, қўлини ҳам боғлашиди, шоҳ олдига қилич ҳам келтириб қўйдилар, кейин улар шоҳ билан элчидан анча нари бориб турдилар. Шоҳ билан элчи олди хилват бўлгач, шоҳ олдинги сўзларини қайтарди. Элчи айтдики: «Эй покиза шоҳ! Ҳузурингдаги элчи Чин хоқонидир. Аёғимда банду, қўлимда банд, не илгимда тифу, не кўнглимда кин. Бу иш боиси неча суръат эди, ки бу навъ келмак зарурат эди». Искандар ҳайрон бўлиб сўради: «Эй Чину Хитой сипоҳдори, нечук шоҳлар бундай хато қилишибди. Душманига ўзини бундай асир қилиб бериш, ўз оёғи билан келиб бу аҳволга тушишга нима сабаб бўлди экан?» Аввал шу саволимга жавоб беринг-чи!»

Хоқони Чин фикр қилиб деди: «Эй дунё мулкининг эгаси! Бошимга мушкил иш тушган эди, бу келиш шунинг иложи бўлди. Сенга эътиқодим, ишончим бор эди. Сен ақлли, мард, химматли паҳлавонсан. Золимлик сенинг шиоринг бўлмайди. Бошқа душманларинг сенга қарши қўшин билан чиқишиб хато қилишиди, узр сўрашганда, уларнинг ҳурматини ҳам жойига қўйдинг. Мен сенинг олдинги ишларингни ёдда тутган ҳолда ўзимни шундай камтар ва беҳол қилиб тахting олдига келдим, арзи ҳолимни айтдим.

Искандар унга офарин айтиб: «Жуда тўғри иш қилибсан. Яна сўзинг бўлса, изҳор қил», деди.

Хоқон уни яна бир дуо қилгач, дедики: «Бу ерга келишдан мақсадим, сен билан юзма-юз, ёнма-ён ўтириб, қошингда дилимдаги сўзларнинг барини айтмоқчийдим. Сўзим шуки, шоҳдан элчи келиб ҳам келгилу, ҳам хирожни қабул қил», деган, жавобимдан подшоҳ ранжиған. Шунга узр сўрагани келдим. Ортиқ сўз демайин: гуноҳкорман, ўлимга сазоворман. Айбимни билиб туриб

хор бўлиб олдингга келдим Агар авф қилиб шод этсанг ҳам, сенинг хулқи лутфингга мос иш бўлади. Агар тифортсанг ҳам жоним фидо».

Искандар: «Эй баҳтиёр шоҳ! Менга сен маъқул жавоб айтиб эдинг. Дўстларим ҳам, бегоналар ҳам аҳамиятли маслаҳатлар беришган эди, лекин мен ўзимни пухта тадбирлик санаб, жаҳонни фатҳ этмоққа азм айладим. Душманини енгган ҳар бир ғолиб шоҳ шунақа фикр юргизади. Сўзимда хатоларни энди англајпман».

Хоқон шоҳни яна бир дуо қилиб, сўз бошлиди: «Оlam аҳли сенга тобе бўлсин. Не кишварни очмоққа қадам урган бўлсанг, ўша мамлакат сенга осонликча мағлуб бўлмади. Маллу не найрангу афсунлар қилмади?! Сен эса унинг бошидаги тожни ўғлига кийдирдинг. Уни лутфингдан баҳраманд этиб, ота мулкига шоҳ қилдинг. Мени душманинг деб хаёл қиласардинг. Шунинг учун ўзимни бундай селга оёқсти қилдим. Хаёлимга келадики, бу хил ҳеч ким қилмаган иш учун нима яхшилик қилассан?»

Искандар деди: «Кўнглингни жамъ қил. Икки дунёда сен ота, мен ўғилман. Нима десанг хизматингда бўлай, сени тахтимга ўлтуртайин. Фарзанддек оёғингни ўпиб, «Файлақус тирилди», деб эълон қилай. Сен шоҳ бўлу, мен сенга сипоҳдорлик қиласайн. Буларни истамасанг, нимани хоҳласанг, мен унга ёрдам берай».

Хоқон шод бўлиб, кўп-кўп дуолар қилди, кўзидан ёшини тия олмай, шукр туфроғига бошини қўйиб, деди:

«К-еў, шаҳаншоҳи гардунсарири,  
Сарирингга йўқ авжи гардунназир.  
Ҳамиша жаҳонпаҳлавон бўлғасен,  
Жаҳон аҳлиға комрон бўлғасен.  
Бу химматки бермиш санга бениёз,  
Эрур шаҳлиғингга жаҳон мулки оз.  
Демон лойиқинг икки олам эди,  
Ки ўн бўлса эрди, даги кам эди.

Сен ота ва ўғиллик сўзини айтдинг. Мен бу сўзларни гумон ҳам қилмагандим. Мени бундай олий мақомга кўтаришингни хаёлимга ҳам келтирмаган эдим. Гарчи сенга мендек ота ярамаса ҳам, аммо бундай демоқ мен учун хато бўлурди. Садафнинг отаси гавҳар бўлса, гавҳар зотининг шарафи камайиб қолармиди? Бу эҳсонингга гарчи лойиқ бўлмасам-да, садаф билан дур ҳолидан йўқ дея олмайман.

Ва лекин бошқа сўзларни ҳам аён қилдинг, улар ҳам ҳозир айтганимизча бор. Келишдан мақсадим, сен бу сирни элга фош қилмагил, элчиларга қилинадиган мулозамат билан бугун шом бўлгач узат. Элингга: «Бу келган элчи ярашиш ҳақида гапирган эди, қабул қилдим», деб эълон қил.

Тонг отгач, қошимга элчи юбориб, мени даргоҳингга таклиф эт, мен ҳам сенинг чақириғингга амал қилган бўлиб келай. Мени кўрганда, эл кўргандек таъзим айла, ота-боболаримииздан қолган мамлакатларимиизни бирга қўшгандек бўлайлик.

Улус ичра эъзоз қилғил мени,  
Ато, деб сарафroz қилғил мени.

Хирож ҳақида сен юборган мактубда айтилган эди, шунинг учун хирож ҳақида индамай қўя қол. Хирож истамакдан мақсад мол эса, дуру лаъл бизда беҳаддур. Қачон зарур бўлса, улардан мўл-кўл тўкиб ташлайман. Неча вақт бўлса ҳам, сенинг манзилинг кишваримизнинг исталган гулзорида бўлсин. Бу ерда сен истаганча истиқомат қил, жўнаш вақтинг тайин бўлгач, узатиш одатимизга кўра сен билан хайрлашайлик. Бу яширин сўзларимни ҳам бажаргин. Бу хил ишни ўзим ўйлаб топдим», деди.

Искандар Хоқоннинг барча сўзларини қабул қилди ва шу тарзда ишни амалга оширди. Хос хизматкорларини чақириб деди: «Бурун қўлларидан арқонни олинг, кейин

оёқларини банддан бўшатинг. Яхши сўзларга уста экан. Денгиз билан кон орасига сулҳ солди, яъни менинг билан Хоқон орасига сулҳ солди. Шоҳона тўнлар кийдинг, мунча пул бериб, олдимга келтиринг».

Шоҳ буйруғи дарҳол ижро этилгач, Искандар элчига: «Кечгача шу ерда дамингни ол-да, қоронғи тушиши билан йўлга равона бўл», деди. Элчи меҳмонхонада кечгача дам олди-да, юзидан никобини олмай, Чин чегарасигача шу тарзда борди. Ой чиққач, тоғ ва дашт бўйлаб, олдин юборган элчиси билан биргаликда кетишди. Шоҳ ўз чодирига етиб боргач, отни шеригига топшириб, шоҳ парда ичига кирди.

Тонг пайти Искандар одамларни чодири атрофига йифди-да, фармонни тез бажарувчи бир навкарини: «Хоқон сари бориб, мендан салом айт ва гинани қўйиб сулҳга киришгил:

*Агар яхшибиз, гар ёмонмиз букун,  
Сенинг мулкингга меҳмонмиз букун.  
Туриб келки, биз кинадан тоқбиз,  
Бағоят жамолингга муштоқбиз.  
Яқинким бу сўзни қабул айлагунг,  
Ниёз аҳли сори нузул айлагинг»*

деб айт», деб тайинлади. Искандар сўзларини тугаллаши биланоқ элчи от чоптириб кетди. Хоқон сипоҳига яқинроқ юриб, ўзининг элчи эканини ошкор қилди ва нима учун келганини англаатди. Бу гап Хоқонга эшиттирилгач, элчини чодири ичига чақирди ва унга савол берди:

«Келмагингдан мақсадинг нимадир?» Элчи Искандар тайинлаганларини тўла-тўқис гапириб берди. Хоқон бу ҳаётбахш сўзларни хурсанд бўлиб тинглади-да, деди: «Олдин бизга қасос олмоқ мақсади билан гаплашганди, шу туфайли бизга сипоҳ тортмоқчи ҳам бўлди. Энди мулойим сўзлабди, бу сўзлар бизга ёқиб тушди. Энди ўртамиизда гинахонлик қолмади. Сен тез қайтиб борсанг,

бунга янада аниқроқ ишонамиз», деди. Элчи: «Ўзингиз борсангиз, бу сўзлар янада равшанлашади», деди. Хоқон кулимсираб, Искандар томон бориш учун от ҳозирлатди. Буни кўрган Чин силоҳи хавфдан омон топаётганидан хурсанд эди. Ҳамма йирик амалдорлар шоҳга эргашдилар. Хоқон ҳамма ўз ўрнида қолишини айтиб, юзтacha гулрўй Хитой қизлари ва мингтacha яхши хислатли қиз ва аёлларни ўзи билан бирга олиб Искандар қароргоҳи томон йўл олди.

Искандар томонидан ҳам шоҳлару донишмандлар бирга боришарди. Хоқонни ҳамма йиғилганлар қизғин кутиб олишди. Шоҳ оstonага яқин боргач, Хоқон отидан сакраб тушди, гиламга оёқ қўйиши билан Искандар ҳам ичкаридан чиқиб келди. Икки томондан қўл очиб кўришдилар, гўё хуршид билан моҳ учрашгандек бўлди. Икковлари ота-ўғилдек кўришгач, икки олам кўшилгандек бўлди. Яна қучоқлашиб кўришишгач, Искандар ўз тахти томон юрди. Бир қўли билан Хоқон қўлинни ушлаб келаркан, унга шоҳ тахт йўлини кўрсатиб бораради. Хоқон андиша юзасидан кечга қолган эди, шоҳ уни қўймай тахтга олиб чиқди. Оёгини тахтга етказиб, аввал уни ўтқазиб, сўнг ўзи ўтириб, ваъда қилишганча суҳбат қуриб, мулоийм-мулоийм сўзлаб Хоқонга баъзан ота-ўғиллик муносабатини ишлатиб қўйишарди. Бирор гап айтмоқчи бўлишса, бир-бирларининг қўлларидан тутиб гапиришарди. Сўзлар тугагач, баковул келиб шоҳона дастурхон ёзди, қуёш шаклидек нонлар қўйилди. Дастурхонларга қўйилган таом оламга сифмасди. «Чин халқи бу хил мулоқотимиздан хабар топса эди, муҳаббат тариқидаги исботимизни яхшироқ тушуниб етарди», деди Искандар. Бу сўздан хурсанд бўлган Хоқон ҳам ўрнидан туриб, Искандарни мақтаб кетди. Искандар сариф рангли майни Хоқонга узатиб, ўзи қизил майни танлади.

Кўп ўтмай Хоқон Чин шаҳрига қайтди ва узлуксиз базмларга тайёргарлик кўра бошлади. Саройда давлат

аҳлини тўплаб: «Бу баланд мартабали шоҳ олам юзини тамомила фатҳ қилди, жаҳоннинг қанча-қанча шоҳларини ўзига банда айлади, қачон бизга бундай меҳмон бўлиб келиб, мен билан тахти устида сухбат қуриб, оталикка қабул қиласди, ўғил сифатида шафиқим бўлади, деб ўйлабмиз. Биласизларки, биз билан жанг қиладиган бўлса, халқимизнинг чангини осмонга тўзитган бўларди. Уни қай тарзда меҳмон қиласиз, шу ҳақда фикрларингизни эшитсан», деди. Аъёнлар:

*Бу шоҳеки бор эмди меҳмонимиз,  
Гар олида бўлса, фидо жонимиз*

деб ихтиёрни Хоқонга топширдилар. Шундан кейин ўзаро маслаҳатлашиб, Чин халқига азалдан одат бўлган меҳмондорчилик усули тўққиз-тўққиз тақдим қилишга киришдилар. Энг яхши, чиройли, югурук, ҳар хил зарбофтлар ёпилган 9 минг тулпор от, ҳар бири филга тенг дуру, лаълу, феруза мунчоқ тақилган безакли 9 минг тuya, тез юрар, безатилган 9000 хачирда ипак, шойи кийимлар, хитойи пардалар, 1000 та энг гўзал ёноқлари гул-гулу, мижалари тикан, қобоғлари кенг-кенгу, оғизлари тор энг гўзал Хитой паривашлари, булардан ташқари яна икки ажойиб совға, бири-қуёшсимон жоми Жамшиддек кўзгу, уни оддий халқ «Оинаи Чин» деб атарди. Унинг иккала юзи ҳам кундек ёруғ бўлиб, донишмандлар унинг бир томонини шоҳ олдига икки киши даъвогар бўлиб келганида қўллардилар. Бундай чоғда жом гувоҳ ўрнига ўтар, яъни кишининг сўзи чин бўлса, унинг юзи кўриниб турар, ёлғончининг юзи кўринмай қоларди.

Кўзгунинг яна бир томонидан шоҳ зиёфатларидан фойдаланиларди. Йиғинда ичкилик ичаётган ҳар бир киши унга қараб-қараб турсалар, маст бўла бошлаган одамнинг юзи бузук, узун, қийшиқ, кичик ёки катта бўлиб кўринар, бу ҳолатни кўрган одам ҳушига келиб, дарров май ичишни тўхтатиши лозим эди.

Яна бир совға жаҳон офати, йўқ-йўқ жаҳон офати эмас, жон офати бўлган foят чиройли, гўзал канизак, унинг икки зулфи Хитой мулкида фавғо солиб, кўзи Чин диёрида бузғунлик чиқараётган, икки чиний зулфлари мушкин таноб бўлиб, уларга мушк суви сепилган, қоши мушкин ҳилол-у, ундан ой хижолатда қолар, саройда базмлар уюштирилса, элни нағмаси ақл нутқини, ўзи элни беҳол этиб куйларди. Овози билан барбат созини чалса, бири одамларни ўлдирса, иккинчиси тирилтиради. Урушларда ҳам иштирок этса, ҳамма рақибидан устун келар, бундай баҳодир қизни жаҳон тарихида ҳеч ким эслолмасди.

Айтилган тўқиз тухфани Искандарга тайёр қилгандаридан сўнг, барча шаҳар аҳли уни кузатишга чиқдилар. Хоқон ўз қасридан бир йифоч масофача энг тоза Чин гиламларини тўшатган эди. Ҳар ўн қадам юрилганда шоҳи Искандарга бир ажойиб совға ҳадя этар, дуру лаълини кўп ишлатарди. Искандар йўлига шунча мушк сочган эдики, унинг ҳиди осмонга қадар етиб борганди. Ана шундай савлату шуҳрат билан Искандар Чин диёрини баҳтиёр кезиб борарди. Йўллар райҳону бинафша, нарғис-у, лола, сабза каби хилма-хил гуллар билан безатилган эди. Йўлда тўрт бурчакли бир ажиб қасрга дуч келдилар. Хоқон шоҳга олтин тахт узра жой берди. Икковлари ота-ўғил каби яқин ўтиришиб суҳбат қурдилар. Искандар барчани қулай ер топиб ўтиришга таклиф этди. Барча ўз жойини эгаллагач, Хитой гўзали ўрнидан туриб, ўзи ичди-да, кейин кавсар сувини шоҳга тутди. Шоҳ ҳам, Хоқон ҳам у майдан ҳузур қилиб ичишди, қадаҳ давраларда уч-тўрт мартадан айлантирилгач, эл кайфи хушнуд бўла бошлади. Мусиқачилар куй бошлаб, ашулачилар ҳам ўз санъатларини намойиш эта бошлишди. Базм охирлаб қолганида газаклар олиниб, ўрнига ош келди. Ошлар тўқиз минг отнинг тўшидан пиширилган эди. Юз мингдан кўпроқ қўй гўштидан ҳозирланган маъзали таомлар ҳам меҳмонларга тақдим қилинди. Кейин

Искандару Хоқон таҳтдан туришиб, ҳадяларни олиб, жойлашиб йўлга тушишди. Хоқон Искандарга ёқиб қолган кўзгу сири ҳақида сўзлаб борарди. Кейин Искандар қўшинига етиб олишди-ю, Хоқон билан бирга Чин саройи томон йўл олишди.

Хоқоннинг Искандарга бўлган меҳри тобора ортиб борарди. Қиши мавсуми ҳам яқинлашиб қолди, бундай пайтларда узоқ масофаларга, айниқса, ҳарбий юришлар қилиш мақбул кўринмайди. Хоқон ҳам Искандарнинг шу ерда қишлишини истарди. Искандар Хоқон илтимосини қайтаролмай, қиши Чин кишварида ўтказишга қарор қилди. Худди қуёш билан ой ҳамнафас бўлишгани каби, икковлари гоҳ овга чиқишар, баъзан кўпчиликни йиғиб базму зиёфатлар уюштиришар, гоҳ олимлар билан илм-фяннинг хилма-хил масалаларида баҳлашар эдилар. Хоқоннинг ҳадяси бўлган кўзгу ҳамиша Искандарнинг ёнидан жилмасди. Таҳтда ўтирганда ҳам, кўзгуни юзига элтиб қарагани қараган эди. базмларда ҳам доимо кўзгуни ҳамма кўрадиган бир жойга қўйдиради. Искандар ўзи мафтун бўлган бу кўзгу сирини фаҳмлашга ҳар қанча интилса ҳам, уҳдасидан чиқмасди. Бир куни ўйланиб қолди: «Бу ажойиб тилсимни бу сирдан хабардор бўлган бир қобилиятли олим ясаган. Мен доройи чархи баланд, ҳикмат илмини билувчи ҳукмдор бўлсан-у, хизматимда неча юз донишманд, ҳар бир соҳанинг доноси бўла туриб, ҳар бири билим оламининг устози бўла туриб, бундан ҳам ажойиброқ асбоб ясай олмайманми?» деб ўйлади-да, бор олимларини йиғиб, уларни икки бўлакка бўлдида, Афлотуну Сукрот, бир бўлиб, Арастую Буқрот бир бўлиб, Хурмус билан Балинос, Аршимидус бир бўлиб, ишга киришдилар, Искандар доимо улардан хабар олиб турди. Ўша қиши ичиди олимлар икки ажойиб сирли асбобни битирдилар. Бутун сарой аҳлини базмга тўпладилар-да, уларга устурлобу кўзгуни намойиш қилдилар. Уларнинг бири устурлобда тўққиз чарх тақсим бўлса, иккинчисида кўзгуда етти иқлим аён кўриниб турарди.

Хоқон бу икки ажойиботни кўриб, ҳанг-манг бўлиб қолди. Искандарга ҳамду сано айтиб, дедики: «Бу кўхна фалак сендек шоҳни кўрмади. Сенсиз тож ҳам керак эмас, тахт ҳам, мулозимларнинг бари сенга лойиқ, билим ичра барчаси сенга мувофиқ. Зотингиз бу олам аҳлидак эмас, исмингиз, илоҳо, оламда мангу турсин!» Бу икки асбобни ясашга ҳикмат эли меҳнат қилган бўлса, шоҳдан кувват, молу ганж, булар етишмай қолганида, Юнонистондаги ерлардан тушадиган маблағлардан ҳам фойдаланилди. Хоқони Чин ҳам гуҳар, дурри аминни аямади.

### Нозмеҳрнинг нози

Олимлар ясаган ҳар икки асбобдан кўнгли ниҳоятда хуш бўлган Искандар ҳар куни базм ташкил қилиб, сарой аъёнлари даврасида май ичиб, ором оларди. Доронинг қизи Равшанак билан Маллунинг қизи Нозмеҳр доим унинг ҳузурида бўлиб, шоҳ шодлигига шодлик қўшишарди. Лекин Искандар давлат ишлари билан банд бўлиб, тўй қилиб, уларнинг икковини никоҳлаб олишга фурсат тополмай келарди. Шу кунларда унинг дилига ушбу орзуни амалга ошириш истаги тушди-да, аъёнларини чорлаб, шоҳона тўй тайёргарлигини кўришга фармон берди. Бундан беҳад хурсанд бўлган барча аъёнлару мулозимлар тезда ишга киришиб, бутун Чин мамлакатини беҳадду бепоён тўйхонага айлантиришиди. Бир неча кунлик шодиёналар бошланиб, Чиннинг бутун халқи роса хурсандчилик қилишди.

Искандар Равшанак ва Нозмеҳр оғушида ўз муродига эришиди. Ўша давр расм-руссумларига мувофиқ Доронинг қизи Равшанак саройдаги барча аёллар, шу жумладан, шоҳ ҳарамидаги барча маликаларга ҳам фармонраволик маҳди улё вазифасига тайинланган эди. Шу жиҳатдан у ҳар ҳафтада икки кеча ҳукмдор билан бирга бўлиш ҳуқуқига эга бўлди. Нозмеҳр мавқеъ жиҳатидан ундан бир погона паст ўринда бўлиб, Искандар билан ҳафтада

бир кечагина бирга бўла оларди. Шунинг учун ҳам у Равшанакка ҳасад кўзи билан қарап, Доро қизига қараганда ёшроқ ва гўзалроқ бўлганидан фойдаланиб, Искандар кўнглини ўзига кўпроқ жалб қилиб, унинг меҳрмуҳаббатини эгаллашга интилар эди, Искандар уни Равшанакка қараганда кўпроқ севса ҳам, лекин сарой аҳли олдида ўз муҳаббатини аён қилишдан ўзини тортиб келарди. Бундан бехабар Нозмехр шоҳ Равшанакка ҳар боққанида кўзидан ёш тўкарди.

Бир кечаси, Нозмехр навбати келганида, Искандар ўз севгисини изҳор этишни ният қилиб, унинг хонасига кириб келди. Малика шаҳаншоҳни эҳтиром билан кутиб олди-ю, лекин ички изтироби унинг чеҳрасидан, хатти ҳаракатларидан сезилиб турарди. Шоҳ ардоқли ёстиқдошининг кайфиятини қўтариш учун ҳар қанча уринмасин, Нозмехр сўзлашишни ҳам истамас, Искандарнинг меҳрибончиликлари, ширин сўзларига нози билангина жавоб қайтарарди. Бунинг сари шоҳнинг тоқати тоқ бўлиб, ишқи тобора зиёда бўлар, ўз севгили маликасининг феъли сабабларини тушунолмай, қалби ишқ ўтида ўртанаарди. Охири чидай олмай, Нозмехрга мурожаат қилди мулойимлик билан:

Тазаллум била деди: «Ки эй нозанин!  
Недин бизга қилдинг аён буйла кин?  
Не журм эттим эркин мени хоксор,  
Ки кўнглунгга ўлтурди мендин ғубор?  
Вафо айлагилким, жафокор эмон,  
Бу зулм айламакка сазовор эмон,  
Чу мен ишқ аро ўзгум, ўлтурмагил,  
Қатилингга тифи жафо сурмагил,  
Ниёзимга боқ, асрү ноз айлама!  
Таадди кўпу лутф оз айлама!»

Искандарнинг бу сўзларини эшитган Нозмехр киноя билан: «Шоҳ ўз дилбари билан айшини давом эттиравер-

син. Унинг муносиб кўргани Доронинг қизи бўпти. Канизи ҳиндлар авлодидан ёки Кашмир аҳлидан бўлса, у, шоҳга лойик бўлармидики, ўзига яқин тутиб, ўзига ҳамсұхбат айласа?» — деб жавоб қайтарди.

Деди шаҳки: «Эй хаста жон офати!  
Демай хаста жонким, жаҳон офати!  
Киноят тариқини бир дам унут,  
Килиб раҳм, бедод таркини тут,  
Менга Равшанак таънини қилма қўп,  
Ул ишта кўзунгга мени илма қўп.  
Мени анда маъзур тутсанг бўлур,  
Замирингни масрур тутсанг бўлур.  
Ки вожибдур эҳтироми анинг,  
Нединким, бийикдур мақоми анинг.  
Эрур Баҳманий тожининг гавҳари,  
Яна Кайқубодий сипеҳр ахтари».

Бу сўзлардан қониқмаган Нозмехр ўз дилидаги дардларни бирма-бир оча кетди:

«Бу сўзнинг муҳаббатга не дахли бор?  
Ки ишқ ичра шаҳликка йўқ эътибор!  
Насаб бирла бўлса, анга шоҳлиқ,  
Ҳасаб бирла етмиш манга моҳлиқ.

Унинг тожи мамлакат хирожи ҳисобланса, тож аҳллари менинг олдимда бошларини ерга қўядилар. У, Жамшид авлодидан эканлиги билан фахрланса, мен ҳуснда қуёшдан ҳам ор қиламан. Агар у ўз ақли билан афсона бўлган эса, менга юз ақлли донишманд девона. Агар у жонларни қўйдиришни ўзига одат қилиб олган бўлса, мен жаҳонга ўт қўйишни ўргангандман. Агар у дам-бадам ҳалқни ўлдирив турса, мен тирилтириш илмидан ҳам хабардорман.

Унинг зулфи илонни афсун қилолса, менинг афсуним аждаҳони беҳол қила олади. Қошим ёйини ким хаёл айласа, уятдан кўзига ҳилол ҳам кўринмай қолади.

Эрур кипригим ўқига жон ҳадаф,  
Нишона отарға магар чекти саф.  
Күзумга қачонким, бўлур уйқу ком,  
Бўлур олам аҳлиға уйқу ҳаром.  
Лабим лаъликим, жавҳари жон эрур,  
Су ул лаъл аро обиҳайвон эрур.  
Юзумда дема сиймдин ғабрабе,  
Ки ой икра хуршидваш кавкабе.

Жамолимдан қуёш ўртаниб, таним кумуши симобга титроқ солади. Лекин шунча гапларимдан не фойда, ахир менинг асалларим шоҳга аччиғ бўлиб туюлганку! Айрилиқдан азоб чеккан бир ошиқ: «Оз бахт кўп ҳусндан яхшироқ», деб жуда тўғри айтган экан. Менинг шоҳдан шикоятим йўқ, ўз йўлини тополмаган баҳтимдан шикоят қилдим, холос».

Гўзал маликанинг бу дилни ўртовчи сўzlари, унинг ишқи шоҳга кучли таъсир кўрсатди. Жонини дилбар камомига фидо қилиб, маликани қўйнига тортди-да, қўлларини унинг елкасига ташлаб, оҳуни тутиб олган шерга ўхшаб, ўз ўлжасига меҳрибонлик кўрсата бошлади.

Искандар бир неча кун шу хонада севгилиси Нозмехр ҳузурида айш-ишрат билан шуғулланди. Умри бу ерда бекор ўтаётгани хаёлига келиб, яна билим таҳтига йўл олди. Жаҳон мамлакатларини эгаллаганда, Мағриб замин олинмай қолган эди. Сипоҳларга турли неъматлар, инъомлар ҳадя айлаб, янги сафар ҳақидаги фармонни эълон қилиб жар солди. Кейин Хоқон билан хайрлашиб, унга Чин ва Хито мамлакатларини топшириб, лашкарни Мағриб мамлакатлари томон бошлади. Хоқон ҳам бу юришда иштирок этиш истагини билдирган эди, Искандар рози бўлмай, кўп яширин сўзларни айтиб, уни қайтарди!

Ҳиндистоннинг жануби томон йўл олган Искандар ҳинд. Ройига ҳам ижозат бериб, унинг иззат-икромини жойига қўйиб хайрлашиди. Рум қўшини Мағриб сари юриб борар

экан, Гажротдан ўтгач, баҳри Уммон соҳилига чиқди ва бир неча кун соҳилда дам олгач, кемаларга ўтириб Жазойир томон сузид кетдилар. У ерга етгач, соҳилда бу мамлакатни эгаллагач, яна гоҳ денгиз, гоҳ чўлу даштлардан ўтиб, охири Мағриб заминига етдилар. Бу ўлкада бир қатор ажойиботларга дуч келдилар. Улардан бири ит каби жонворлар макони бўлган дашт эди.

Уларнинг ҳар бирининг кўриниши, оёғу қўллари ҳам чумолиникига ўхшарди-ю, ҳар бирининг кучи йиртқич бир шерникича бор эди. Улар ичига кимки от суриб кирса, барчаси ёпишишиб, бир дамда парча-парча қилардилар-да, еб қўярдилар, ер устида бир қатра қони ҳам қолмасди.

Бир неча сипоҳининг шу тарзда ҳалок бўлганини кўрган Искандар: «У ёққа ҳеч ким от суриб бормасин!» дея фармойиш берди. Сипоҳлар дейишардики: «Бу бир ердирки, тупроғининг ўзи жонни титроққа соляпти. Бу водий нари борса бир йиғоч келади. Ундан кейинги водий эса покиза, Бори Эрам каби соғ водийдир. У ерда мўрлардан ором топган, уларнинг ҳисобига шодиёна қилувчи бир қавм яшайди. У қавм Тангрининг балоси, жаҳон мол-дунёсининг аждаҳоси. Ҳар бирининг қиёфаси бир пора тоғ, бу жониворлар эса улар учун чумолидек келади, холос. Уларнинг тилини ҳам ҳеч ким тушунмай, нима деганини англамай тураверасан.

Улардан кейин ўн кунча йўл юрилса, икки тоғ, икки кўл орасидаги водий келади. Осмонўпар ҳар тоғнинг тошлари, бошига авжи қўзи қўрадиган жойига кўзини хира қилувчи қизил олтинни кўзига қўйиб олган. Икки кўзидан тўхтовсиз иссиқ нур сочилиб туради. Бошқа қўзи эса кумушдан. Бу ердаги хазинани ундаги бебаҳо тошларни мўрлар аждаҳодек талашадилар.

Бу элнинг уйқуси ҳам кўп қизиқ. Улар ўн кун ухлайдилар, ўн кундан кейин уйғониб ўз ҳолатларига қайтадилар. Ўн кундан сўнг яна ухлашга киришишади, мўрлар уларни қўриқлашади. Бу мўрлар туфайли жонлари омонда, чунки мўрлар уларнинг хазинабонлари саналади.

## Искандар девори («Садди Искандарий»)нинг қурилиши

Искандарнинг лашкарлари отларини чумолисимонлар томон суриб боришгач, шоҳ атрофни кузатиб, ҳамма сирсиноатдан воқиф бўлди. Тезда донишмандларини йифдида, улар билан маслаҳатлашиб фикрни бир жойга қўйдилар. Аскарларнинг энг қўрқмас, жасурларини қўшин олдига қўямиз-да, барча чумолисимонлар уйғониши билан улар устига шиддат билан тез от чоптириб бориб, уларни қириб ташлайдилар. Кун ёришмасданоқ сипоҳ билан шаҳар жаҳон мўрдек қоронғи эканида, майдондаги қоронғи жойни топдилар. Уйқудан уйғонган чумолисимонлар тарқалишиб кетишганча, даладан бирон чуқур бўлса, талашиб, бир ерга тўпланиб қолишмасин деб, бекиниб олишди.

Қуёш кўтарилигач, Искандар томонидан пухта ўйлаб териб қўйилган сипоҳлар чумолиларга ўхшаб уларга ҳужум уюштиришди. Майдонни яна сипоҳлар суронию дўмбиралар овози тутиб кетди. Сипоҳлар шаҳд ила олишиб, кўп ўтмай барисини қириб ташладилар.

Чумолисимонлар саҳросидан ўтишгач, дашт юзида яна бошқа ваҳшийлар аскарларига дуч келишди. Бор майдонни ваҳшийлар сафлари эгаллаб олган, бари девсифат, занжирлар билан боғлаб қўйилган, ғулваш девлардек, лекин девларни ўлдира оладиган кўринишда, қуввати карқдек, ўзи филтан, гўё Аҳраманнинг ўзгинаси. Кўзи яшил, соқоли сарифу, юзи қора, барчасининг манглайидан тўнғиз тишидек шоҳ чиқиб турибди. Кийимлари қулону кийик чармидан, уларнинг эти эса доимий овқатлари. Қўлларида ҳаддан ташқари дараҳт новдалари, сутун каби оғир шоҳлар, уларнинг учига темир учликлар қопланган. Уларнинг аскарлари қатори минг ваҳший дев билан тўлди.

*Бири кирди майдон аро кин ила,  
Сўз айтиб ўзи билган ойин ила.*

У қонини түкиш учун ўзига қарши чиқа оладиган жангчини талаб қиласы. Бу ёндан тағин паҳлавон танли жангчи майдонга тушди. У шоҳ олдиде кўп жанглар қилган, шерларга аждарлардек бас келган забардаст йигит эди. Фаними ҳам унинг сари майл қилди. Катта тошга тошқин сой урилгандек бўлди. Етишишгач, бир кишига айланиб қолгандек олиша бошладилар. Бир-бирларига аямай зарба урадилар, лекин чақонлик туфайли барчаси рад бўларди. Оқибатда ўжар ваҳшийзода уни қайирилган гажаклик сутун билан рақиби бошини пастга эгиб, кейин қўлларини боғлаб, отини гажак билан тортқилағанича ўз лашкарига топширди ва яна жанг учун талабгор чақира бошлади. Яна бир йигит Искандар томонидан майдонга от сурди. Унинг лақаби Қаҳқаро, ери Қирвон, асли Машриқ заминидан эди.

Қаҳқаро жангга киргач, ваҳшийга от солди, унга Аҳраман эътибор бермади. Фазаб ўти кучайгач, қаттиқ жанг бошланди. Қаҳқаро отдан йиқилгач, тупроқ устига тушди. Қаҳқарони ҳам рақиб боғлаб, ўз лашкарига топширди, кейин янги фаним истаб бақиришга тушди. Девсифат йигит олдига ким келса, асир тушириб олаверди. Яна янги рақибни чақиргани чақирган эди. Унинг бақиришлари, сурони руммилкларни қўрқитиб қўйган эди. Бу ишлар шоҳ, кўнглига тоб солди-ю кўнглида қўрқув пайдо бўлиб, изтироб чека бошлади. Лашкарларига буйруқ берайин деса, нақ ўлимга мажбур қилган бўлади.

Бу ҳолатда юзига ниқоб тўсган бир чаққон, қуёшдек қалқон тутган, қўлида ўрилган каманд бир паҳлавон шоҳ олдига яқинроқ бориб, ўз сўзларини айтди-да, ваҳший сари от чоптириб кетди. Уни шоҳ ҳам таний олмади, сипоҳ ҳам. Фамидан эл пинҳона оҳ чекканича: «Бундай чиройли йигит ҳам, минг дариф, бу ваҳшийдан тиф ейдиган бўлди-да», деганича алам чекиб қолаверди.

Лекин у рақиб девангир билан фазабга тўлган ҳолда олишаркан, оти шитоб билан айланниб, Аҳраман жонига изтироб солиб қўйди. Рақибини чарчатиб, айлантириб-

айлантириб ерга урди ва шоҳ сари судраб кетди. Шоҳ олдига етиб боргач, шердек ерга сакраб тушди.

Шоҳ бу ишдан кўнгли қувончларга тўлди. Дилядаги дарди кўнглидан бир ондаёқ йўқ бўлди. Бу пайт ичида ҳалиги ниқобдор йигит ўз ўрнини эгаллаб, сафни тўлдирган эди, шоҳ қўлларини размгоҳ гардидан ювиб, нажоткор паҳлавонни дарҳол топиб келишга буюрди. Девкаш йигит эшикдан киргач, аввал мажлис аҳлига мадҳия айтди, Искандари Файлақус уни бўйнидан қучиб, иноят ошкор айлаб, бошига жавоҳир сочиб, кўп лутфу карамлар этди. Деди: «Эй адувбанд, ваҳшийшикор, ваҳший овловчи!

Ўзингни аён қилки, кимсан, равон  
Ки шавқинг сенинг биздин олди тавон?»

Шунда ҳалиги жангчи бошидан ниқобни олди. Бу ўша шўхи чинийнажод ўша чобуки хурзод эди. Уни шоҳга тортиқ этган Хоқон мақтовини келтириб:

Ки: Ҳусн ичра хуршиди тобон эрур,  
Яна Зуҳра янглиғ хушилҳон эрур.

Бу гапларни қўя турайлик-у, у жанг майдонида ши-  
жоатли сипоҳ ҳамдир», — деган эди.

Ўшанда мақталган бу қизнинг худди шу сифати Искандарга ёқмаган эди. Уни ҳусни беҳаду поён эди, лекин жанговар фазилати пинҳон эди. Бугун ўз кўзи билан кўрдики: гўзал жангга кириб, душманини асир этди. Тангри қудратига юз оғаринки, унинг лутфи ғалабани бизга тухфа қилди.

Дедиким: «Жамолига ёпсун ниқоб,  
Чунки тун оқшомда қўринмас офтоб.  
Коронгуда турмай, уйга жўнасин,  
Шоҳ уйқусин анда хароб айласин!»

Қиз шу заҳоти шамъ каби шабистонга кирди, гүё<sup>8</sup>  
сарв бўстонга кирди!

Шоҳ мажлис туздириб, жом қўтарди, кейин тутқунни мажлисга олиб киришни, у билан сухбатлашмоқчи эканни айтди. Кўп ўтмай қўллари боғлиқ девқушни мажлисга олиб киришди. Шоҳ буйруғи билан аввало кўп таом келтиришди, йигит тўйиб еб олди. Кейин бир неча жом қизил май билан меҳмон қилишди. У бир жомни, кейин эса яна бирини эса мезбон ичди. Бу шоҳнинг лутфидан хурсандлик ифодаси эди. Яна Кайоний шоҳ катта қадаҳларда жом тутди ва бу билан девкашни роса хурсанд қилди. Шоҳ ҳар бир инъом қилганда, асир ҳар лаҳза бош қўярди. Уни май беихтиёр қилгач, ер ўпиб, сўз бошлиди: «Мен ваҳшиймен биёбониход, атодин ато ваҳшию ваҳшзод

*Йўқ андоқ тилемким, санонг айтсам,  
Сен этгонга лойик дуонг айтсам.*

Лекин пинҳони яхши сўзлар дилимда юрибдики, деин гар десангким, «Де они манга».

Шаҳ дедики: «Ҳар не каломингни айт, каломингни, номингни айт».

Давангир асир дедики: «Сендан шунча лутф-марҳамат кўрдимки, уни эвазлашга ожизман. Лекин қўлимдан шугина иш келадики, олдингда ўлгунча иш қила биламан. Энди ёнингдан айрилмайман, зиёнингга иш қилмагайман, лекин билки, мен бу улус хониман, туну кун уларнинг нигоҳбониман. Чумолилардек беҳисоб сипоҳингни кўргач, аҳолимга, фуқароларимга қарши зўр душман келаётганини англаб, уларнинг жафосини ўзимга олиб, майдонга ўзим кирдим. Бўлиб ўтган ҳамма ишларнинг томошосини ўзинг кўрдинг.

Сенга асир бўлиб тушганим ҳам менинг баҳтим бўлди. Менга сиёsat қиличини суреб ўлдирмадинг. Яна менга шунча иноятлар қилиб бениҳоят яхшиликлар қилдинг.

Энди ижозат берсанг, борай, бирор ишинг чиқиб қолса, бир ишингга ярай. Мени соғиниб қавму элим мотамда-<sup>ж</sup> дур. Бўлган сўзларни айтиб, барини фуссадан озод қиласай», <sup>и</sup> деб руҳсат сўради. Букилиб ер ўпди, худди маст филлар-<sup>ж</sup> дек зўрға ўрнидан туриб олди. Шоҳнинг бу қилган иши-<sup>и</sup> га ҳар ким ҳар нарса деб ажабланар, ҳар ким ўз кўнгли-<sup>и</sup> да бир сўзни айтарди. Ҳикмат аҳли ҳам шоҳнинг бу иши-<sup>и</sup> дан ҳайрон эди, чунки бу иш ҳақиқатан ҳам ажойиб ишт-<sup>и</sup> бўлган эди. лекин шоҳ хандону хушхол эди.

Бир неча замон ўтгач, эшик очилиб, ул ваҳший ки-<sup>и</sup> риб келди ва ўзи тутиб асир қилган паҳлавонларнингд-<sup>ж</sup> барчасини олиб келиб шоҳга тутди. Ерга юзини кўиди. <sup>е</sup> Шоҳ унинг бу ишидан хурсанд бўлиб, яна ошкоро кўп-<sup>и</sup> илтифотлар кўрсатди. Асиirlар кутулиб, яна шоҳ базми-<sup>и</sup> га хос бўлдилар. Шоҳ асиirlарга қараб туриб, бир маҳал Бориқи Барбарийга кўзи тушди. Мехрибон шоҳ бари асиirlарни, жумладан, Бориқни ҳам қучоқлади. Ўша тун барчалари маст бўлдилар.

Искандар мағриб мулкини батамом эгаллаганидан сўнг, <sup>и</sup> ҳар хил рангдаги бу нодир эллар асир ҳисобландилар-<sup>ж</sup> Шоҳга бўйинсунуб, қул ё чўри мақомида шоҳ хизмати-<sup>и</sup> ни бажара бошладилар.

Шоҳ ўзи кўрган чумолисимонларни ҳалок қилиш учунни деди: «Отланиб ҳалқ беваҳму бок тузуб чарга солсунлари ул навъ мўр, ки ул дашт аро қолмасун мўр».

У тўданинг ваҳшийлари илтимос қилиб дедиларки: «Эй, шахи гардунасос! Эй улуғ шаҳаншоҳ! Агар улар тирик қолмасалар, биз кўриқчиларсиз қоламиз. Бизнинг уйқу-<sup>и</sup> миз оғир, ўн кеча-кундуз ҳушёр бўлсак, яна ўн кеча-и и кундуз уйқудамиз. Чу уйқуга борсак, улар бизга қўрғон-<sup>и</sup> дирлар».

Шоҳ бу сўзларни эшитиб бармоини тишлаб қолди. Чумолисимонларни қириб ташлаш ҳақидағи фармонини қ бекор қилди. Яна юриб, олтин ва кумушдан бўлган иккиж тоғни кўргиси келди. Ҳалиги қавм аҳли дуо қилиб дедилар: «Бу муддао ҳам эсдан чиқарилса яхшироқ. У тегра-

га бормоқ мумкин эмас, осон эмасгина эмас, балки им-  
кон эмас. У икки тоқقا ўн кунчалик йўлни босиб бори-  
лади. Сен сўраяпсан-у, у жой бизга яқинроқ бўлса ҳам,  
лекин кўрганимиз йўқ. Биз ҳам уни қўриб мурод топга-  
нимиз йўқ, биздан улуғлар ҳам ундан ёд қолдиришмаган,  
яъни уларнинг ҳам кўзлари тушмаган. Нединким, йўли-  
да хатар кўпдуур, юз урган кишига заар кўп турур.

Етти күнчалик йўлида сув топилмайди, битган ўтлари бари оғунинг ўзи. У ерларга иссиқ ҳаво ҳужум қилганда, насим эсгач, ҳар нарсани эритиб юборади. Аждаҳо ўз жойида бўлмаган пайтлардагина ҳаво мўътадил эсади. Ўзи кичкинагина, афъи жаъфарий, яъни заҳарли қора илон, шундоқ илонлар борки, одам бир кўз солиш билан ҳалок бўлади». Шоҳ бу сўзларни эшитгач, у ён борищдан ҳам воз кечди. Дедики: «У томонларга борищдан мақсадим, томоша қилиб хурсанд бўлиш эди. Олтин-кумуш мақсадим эмасди».

Кейин шох девкушларни уйига жүнатып юборди, бир нечасини эса эшикда шукухى маҳобат учун хизматта қолдирди-да, яна шимол томон юришга бел боғлади. Денгиз оралаб, тогу биёбон босиб Рум азми билан тез-тез юриб борарди, гоҳ йўлда Чин гўзали билан сухбатлашиб, шавқи ошарди. Руслар, фаранглар диёри Фарби шимолни қийналмай кесиб ўтди. Фарби Шимол оралиғида ўша ерда яшовчи аҳоли илтимоснома билан келди: «Жаҳон мулкига ободлиғ бердинг. Жаҳон аҳлидан адл билан шодлик етмагани бизнинг диёр аҳлигина қолди!» «У ўлка нега хароб?» сўради Искандар. Дедиларки: «Бу мулкнинг бир сари ҳамоно эрур Қирвон сарҳади».

Үша тарафларда бир буюк тоғ бўлиб, у тоғдан нари оғат, нариси эса зулмат келади. Тоғу зулмат ўртасида бир водий бўлиб, шу ерда йўл ҳам тамом бўлади. Бу жой яъжуж тўдасига макондир. Улар яъжуж эмас, балки юз туман минг балодир. Уларнинг қиласидаги ишларини тилга ҳам олиб бўлмайди. Халқа кўп зулм улардан етади.

Уларнинг қадди бўйлаб пароканда соchlари ёйилган, бири бир қариш бўлса, яна бириники ўн қулоч. Кулоклари икки ёқдан чиқиб ёпишиб қолган, тирноғлари дев бармоғининг ўзи. Юзлари ранги беҳад сариф, кўзи маймун кўзининг ўзи. Бурун ичларини тили билан тозалайди. Шу ишни қилгач, ўзи фоят шодланади.

Оғиздан тўнғиздек икки тиш чиқкан бўлиб, улар билан бемалол ер қазимоқ мумкин. Қайси ерга уларнинг тишлари текса, қиёматгача ўша ердан гиёҳ битмайди, ҳаммасининг оғзи иягида. Эркагию аёлининг икки кўкраги осилиб туради.

Улар йилда икки қатла тоғ ичидан чумолидек чиқиб, бизнинг шаҳру водий сари ёйилиб, не қилиш мумкин бўлса, беъманиликларни қилиб, бизни ватанимиздан ҳайдаб юборишишмоқчи бўлишади. Водийда нима топса талон қиласди, одамларни ушлаб олсалар ҳалок қилишади, этини талашиб ейишади. Юк ташийдиган ҳайвонларга ортиб, ўлукларни ҳам уйларига етказдиришади. Кейинроқ ейиш учун захира тайёрлашади. Ҳар қанча овқат еган билан ҳеч тўйишмайди, тўйса ҳам бир дона қолдиришмайди. Ҳамма билганларимизни, арзимизни шоҳга айтдик».

Шоҳ дедики: «У ярамас тўда қачон сиз томонга келадиган бўлса, биз улардан аввалроқ чорасини топиб қўямиз». Дедилар: Бу томонга ҳужум қилишганда бутун дунёни қоронғилаштириб юборишади. Ўша қора гард ошкор бўлганда бизнинг ҳам кунимиз қора бўлади». Шоҳ: «Қачон бу иш содир бўлади?» Дедилар: «Бир неча кун ўтгач».

Шоҳ уларни йўқ қилиш чорасини ўйлаб, тушишга манзил қидириб, ўша ўтлоқдан топди. Ўша ерлилар дедиларки: «Неча марта чора излаб тополмаганмиз, шоҳимиз маскан қилмоқчи бўляпти. Бу ерда, қилмасин, чунки улар жаҳон элидек эмас. Улардан бири етса, бир зумда не юзу, минг бўлиб кетишади. Ҳаммаси дарғазаб бўлиб бир пасда етиб келади».

Шоҳ дедики: «Сизлар қайғурмангизлар, лекин бу ўлка-да турмангизлар. Бу ердаги барча нарсаларни ташиб кетинглар, бирон аргамчи ҳам қолмасин. Тангрига тавак-кал қилиб, уларни фикрини айлай, нечукки билай».

Аҳоли ўз жойларини қолдириб кўчишди, лекин шоҳ кўчмади. У ўзи турган жой атрофига чуқур очиқ ҳандақ қаздирди. Фаранг, Рус, Шому Румга одамлар юбориб, улардаги энг уста коргарлар, мис, биринч, темир, қўро-шин, тол, кўмур олдириб келтирди. Ўзи ҳар куни қалъа атрофини айланиб юрарди. Икки минг тош терувчи ка-мар узра ўтиш учун тахта тош тайёрлади. Паҳлавонлар шаҳарнинг икки девори ичидаги Фарҳоддек қаттиқ тош кесишар, боғларни тўсиш учун тош деворлар кесиб тай-ёрладилар. Уларнинг сони ҳам саноқсиз.

Ҳамма керакли нарсалар ҳозир бўлгач, қуюқ тўзон кўринди. Бу яъжужлар келаётганининг белгиси эди. Яъжужлар ва Искандар қўшини жанг оғир кечди. Яъжужлар қирилиб, қочганларича кўплаб румликларни нобуд қилиб, жангчи ва отини ҳам едилар. Яъжужлар икки тоғ оралиғига қочиб кетишиди. Икки тоғ орасининг энг яқин ери 10 000 қари (7 км 500 м) эди. Мунажжим-лар муайян соатни топиб беришгач, шоҳ от устида ту-риб ерга ранг тўкиш ва ҳар соатда унинг рангини ўзгар-тириб туриш ҳақида топшириқ берди. Сўнг минг ўра тайёрладилар. Икки тоғ орасига қурилаётган девор тўсиқ баландлиги 150 м га етди.

Узунлигига 10000 қари (7 км 500 м) эди, эни 500 қари бўлди. Ишчилар кеча-кундуз тинмай 6 ой оғир ишни кундузи-ю кечаси бажардилар. Аҳолининг деворнинг ик-кинчи қаватига чиқиши учун икки зина қолдирилди. Қалъа устига буржлар қуриб, уларни темирлар билан боғлаб ташлашди. Чумолилар етиб келиб тишироғла-ри билан чиқмоқчи бўлдилар-у, шоҳ: «Тошбўрон қилинг», деб буйруқ берди. Жуда кўплари тошлардан ўлгач, охи-ри чидай олмай чекиндилар. Ер аҳли бошига ҳар зулм-ким сурдилар, фалақдан барига эваз кўрдилар. Шундай

қилиб донишманд шоҳ яъжуж дафъи учун ҳам сад чекди. Бир неча кун шу ерда туришгач, Рум тахти томон юрдилар.

### Искандарнинг уммон ва денгизлардаги илмий кашфиётлари

Искандар оламни тамомила ўзига бўйсундиргач, Рум шаҳрида бир неча кун ором олиб, чарчоқларини чиқарди-да, айш ишрат, ов қилиш каби майшатлар билан шуғулланди.

Искандар дам олиш билан фикран банд бўлса ҳам, унинг хаёли азалий орзусида, яъни денгиз сайрида эди. «Ер юзи-даги бор ажойиботларни, уларнинг табиатини ўргандим. Лекин ҳали денгиз сайли насиб этмади, у ерда не сирлар мавжудлиги билан ошно бўлмадим. Соҳилларда ажойиб нарсалар кўп дейишади. Баҳор ер юзида гўзалликлар кўп бўлгани каби денгиз ичидағилари сон-саноқсизdir.

Бу юмалоқ шаклни жаҳон дейишади, лекин унинг аксари сув ичидаги яшириндир. Қуруқлик ери ўндан бир ҳам эмас, лекин эл буни яхши билсалар ҳам нишон бермайдилар.

Жаҳон менга бўйсунар экан, ундаги барча нарса менинг ихтиёrimda экан, бу нарсалардан бехабар қолсам, оддий бир киши билан менинг бу соҳадаги билимим teng бўлса, фарқимиз нимада бўлади? Агар бахтим менга ҳамроҳлик қилиб, қуруқликни Хизр билан забт қилган бўлсам, бу дам Илёс билан йўлга отлансам не бўлғай? Кўнглимда уйғонган бу ҳавасни ҳеч нарса даф қилолмайди.

Шундай хуносага келган Искандар ўз донишмандларини чорлаб, илм мажлиси ўтказди-ю, яширин дил сўзларини аён қилди. Денгиз ичидаги нималарни кўриш, нималарни текшириш мақсадини бир-бир айтиб берди. Баъзи олимлар Искандарни бу хил фикрдан қайтаришга интилдилар, баъзилар жим туравердилар. Кейин барчалари Оллоҳни дуо қилишиб: «Бу муддаони кўнглингга Ҳақ со-

либдики, умидимиз, ўйлаган ишларингнинг амалга ошишига ҳам ўзи ҳамкор бўлғай». Сарой аҳли истаса ҳам, истамаса ҳам, шоҳ хоҳишини маъқуллашга мажбур бўлди. Халқининг сафар ишига розилигини билган Искандар: «Ҳамма хунарманд кишилар ўз соҳаси бўйича тез орада уч минг кема ҳозирлашга киришсин!» деб буйруқ берди. Улардан 1 000 таси фақат шоҳгагина хос, яъни фақат унинг ихтиёрида бўлади, яна 1 000 таси аркони давлат учун белгиланади. 800 таси сипоҳийлару, 200 таси савдогарларга берилади. Ўзига 1 000 тасини белгилаган эди. Яна 200 та кемага денгиз ўлчаш учун керак бўлган танобу, арқонлар, яна 200 тасига туялар, туякашлар, яна 100 тасига тез юрувчи кемачалар юкланган эди.

Ўн-ўн беш минг нажжору, бинокор, яна икки-уч минг киши ҳар куни ишловчилар барчалари Рум дарёсига тушдилар. Уч йилдан кўпроқ вақт ўтиб, уч мингдан ортиқ кема денгиз ичига кириб бўлди. Кемаларда барча керакли сипоҳлар, хунармандлар, озиқ-овқат маҳсулотлари таҳтуарарди.

Искандар от устига чиқди, аҳли Рим унинг орқасидан эргашдилар. Худди кучли сел тепаликдан дарё сари оқиб келгани каби, одамлар ўз уйларидан соҳил сайин оқиб келардилар. Донишмандлар устурлоб билан куннинг энг яхши соатини топишди-да, шоҳ ҳалқи билан хайрлашиб: «Эй қавмим, сиз барчангиз хурматимни садоқат билан қилдингиз. Энди эса мен билан айрилиш аламини чекяпсиз. Сўзларимни яхшилаб эшитинг: неча вақт менга кўз тутинг. Мулк, мол-дунёга ворис бўлиб қолувчи нарсаларни тайинлаб, белгилаб қўйдим. Менинг ёзган рақамларимдан бирор чиқа кўрмасин. Ҳадисларимни кўнглингизга жойлаб олиб, саломат бўлинг, яхши қолинг. Дуода бизни гоҳ-гоҳида ёд этиб туринглар. Ўз хизматингизни яхши бажаринглар!».

Бу сўзларни эшитган ҳалқнинг фарёди, шовқин-сурони осмонга етди. Шоҳнинг меҳрибонлик билан айтган сўзларини эшитган аҳли Рум юзларидан ёш дарёсини

оқизиб, уни күпдан-күп дуо қилдилар: «Агар баҳру бар аро қилсанг мақом, неча ким фироқингда ғам егабиз, не ёроки, яхши-ёмон дегабиз. Бисоти тараб жилвагоҳида бўл, қаёнким эсанг, Ҳақ паноҳида бўл.

*Не амр этганинг токи бор жонимиз,  
Тағофул-қилурға не имконимиз.  
Чу биздин дуо айладинг муддао,  
Не иш илгимиздин келур, жуз дую!»*

Сафар чоғи обу ҳаво етишган кунларнинг бирида Искандар Суқротга мурожаат қилиб: «Денгиз юришини бошласак, хато бўлмасмикан? Сен бу муаммолардан яхши хабардорсан, сендан илтимос қилиб сўраймиз. Сен бизга пешволик қиласан. Агар элни қаёқта бошласанг, ҳаммамиз донишинг пайрави бўламиз», деди. Суқрот уларнинг шартини қабул қилиб йўл бошлади. Бир тўда олимлар Жазойир томондан юришни маъқул қилдилар. Бир неча кун шу сувда юрилди.

Яна бир куни Искандар барча донишманду алломаларни йифиб, деди: «Денгиз кайфиятини айтингиз. Ки не вазъ иладур ер ила денгиз?» Донолар бир неча замон тафаккур денгизига ботдилар-да, дедиларки: «Суқрот баён қилсун. Чунки у ҳикмат аҳлининг устодидир, замири хирад ҳикматободидир». Кейин Суқрот бу саволга шундай жавоб бера бошлади: «Ер жисми юмалоқ шаклда. Яратувчи уни курра шаклига киритган. Лекин ул курра сув ичиди ниҳон бўлиб, очиқ қисмини жаҳон деб атайдилар. Унда шаҳарлар, тоғлар, қир, саҳро, дала, даштлар жойлашган. Аммо уни сув иҳота қилиб туради. Бироқ етти иқлим очиқ қолган. Аммо улар ҳам тамом очиқ эмас, балки ҳар тарафдан денгиз билан уралган. Муҳити чархпалаксимон бўлиб, унинг атрофида етти дарё, 16. денгиз бор. Булардан ташқари юзтacha дарё бор. Ҳар бирининг ўзгача исми, халқ шу номлари билан танийди уларни. Нечукки, Кўҳак, йўқса руди Ҳирот ва ё Нил ё.

Фурот. Улардан жахон обод бўлади, денгизлар бошла-ниши нуқтаси ҳам шулар.

Ҳалиги етти дарё кўплаб оролларни ўз ичига олади. Ҳаммаси Муҳит баҳридан айрилади. Муҳит олти юз оролли, олти дарёдан бири Баҳри Рум. Унда ҳам 600 орол бор, Баҳри Мағриб шимоли шарқиси обод, ул сувда 1 000 орол мавжуд.

Учинчиси Баҳри Зангу Ҳабаш. Минг уч юз оролни ўз ичига олади. Ҳисобда тўртингчиси Баҳри Ҳинд бўлиб, жанубида бир сой бор, оти Синд. Бешинчи денгиз келди Дарёи Чин. У сувда ҳам ороллар ва ярим ороллар кўпдан кўп. Олтинчи Нил, икки мингга яқин ороли бор. Еттинчи сув Машриқ суви бўлиб, туман минг кема сузиб юради. Унда ўн икки минг орол бор. Бунинг бирла ўн олтига, вассалом. Булардан бошқа яна Ҳазар денгизи ҳам бор, суви вахимали, айниқса шамол пайтида. Унда ҳам ороллар кўп бўлиб ҳадсиз-ҳисобсиздир. Муҳит буларнинг барчасининг манбаидир. Лекин уч томони қуруқликдадир. Улар жуда чуқур бўлиб осмон унга тушса, ботиб кетади. Лекин уларнинг ороллари йўқ. Аммо катта жуссали жонивор шу сувда сузиб юради.

Денгиз иши асосларини айтиб ўтдим, лекин унинг янада нозик томонларини сайд әтиб кўрганда пухтароқ англаш мумкин».

Искандар Суқрот сұхбатидан хурсанд бўлиб, унга миннатдорчилик эълон қилди. Олдин етти дарё ичига кириш, сўнг Муҳит сари азм қилишга аҳд қилди.

Искандар денгиз кайфияти, турлари, номлари, ороллари табиатини билиб олгач, Суқротдан сўради: «Сувда кўп сузиб, жуда ҳадисини олибсан. Илтимосимиз: бу узоқ ва мاشаққатли сафарга ҳам ўзинг пешволик қилсанг. Барча малоҳлару сайд ҳар сенинг сўзинг билан иш қиладилар. Сен бизни қаёққа бошласанг, сенинг сўзинг сўз бўлади».

Суқрот қабул қилиб йўл бошлади, улус у бошлаган йўлдан чиқмай эҳтиётлик билан сузиша кетди. Илёснинг руҳи ҳамроҳ бўлиб, кемаларни қушдек учирив кетдилар.

Үзларига маълум бўлмаган Афранжу Рум дарёсидан ҳам омон-эсон чиқиб олдилар. Ҳамма кемаларнинг аҳллари қаттиқ ҳаракат қилиб, Ороллар ўлкасини фатҳ этишга киришдилар. Бир неча кема ўлканинг худуди, қирғоқ узунлигини ўлчаш билан банд эди. Баланд тоғли ёки чўққили ороллар дуч келса, баландлигини аниқлаш анча қийин бўлар, орол атрофини эса кема билан айланиб чиқиб ўлчаб олар эдилар. Оролда йўллар бўлса, танобчилар усули билан узунлигини аниқлар эдилар. Бир кема ичидаги ўлчаш ҳисоботлари тўпланса 12 000 қари чиқди.

Денгиз масофасини аниқ қилиб ўлчаш учун бир кемани лангар тоши билан маҳкамлаб, ипининг яна бир бошини иккинчи бир кема тортиб кетар, ўлчов тугагач, унга лангарни тушириб, бу ёғидаги, ўлчов бошланишидаги кемачилар эса лангарни чиқариб, олдинги кема тез юриб, белгиланган масофада тўхтаб, яна танобни тортиб, бир кема туриб, иккинчиси тортиб шу тарзда кемалар алмашиниб, ҳар алмашувдаги масофа аниқланиб ёзилиб борарди. Бирон оролни ўргангунча, ҳисобчилар олинган маълумотларни қўшиб, кўпайтириб ҳар томонлама маълумотни тайёр қилиб қўйишар, шу денгиз, ё орол ҳақидаги тўлиқ маълумотларни ўша ондаёқ Румдан келтирилган учқур кабутарлар оёғига маҳкам қилиб боғлашиб учирив юборишар, хатлар Рум ҳалқига етиб бориб, шоҳнинг қилган ва қилаётган ишларидан мукаммал маълумот бериб турарди.

Денгиз йўлларида жами 12 000 орол ва яриморолни ҳакимлар ҳар жиҳатдан ўрганишар, ҳатто маҳаллий аҳоли тилини ҳам ўзлаштирав эдилар. Муҳит дengизи ҳам атрофлича ўрганилгач, хужжатлар хат ташувчи кабутарлар орқали яна тўхтовсиз Румга жўнатилди.

Искандар илмий ишлар билан 12 йил шуғулланди. Энди Фаранг дengизигина қолган эди. Шоҳ бир оролда макон куриб, дам олишга рухсат берди.

Ушбу буйруқдан шодликка тўлиб тошган сипоҳлар ўз ватанлари томон йўл оладигандек хурсанд бўлиб ке-

тишди. Лекин шоҳ китоблар, ҳисоб-китоблар юкланган бир кемани олиб келди. Сипоҳлар китоб ва қофозлар солинган сандиқларни тозалашди. Қофозга нам ўтса, рақамларни ўқиб бўлмай қолади деб, қўрқишган эди. сандиқларни бирма-бир очиб қарашса, қофозларга нам ўтмабди. «Олинган дафтари қофозлардаги ёзувларни ҳисобчи-лар ҳисоблаб кўришсин», деган фармон берилгач, ҳисобчилар ҳисобдан ўтказдилар. Олимлар ул ададларни яна бир текшириб, бу китобларни шоҳга таклиф этдилар. Шоҳ таваккал мисолида бир-икки дафтари ҳисобларини текшириб кўрди ва қониқиши ҳосил қилди.

Искандар ҳамма ҳисоб-китобларни кўздан кечириб, уларнинг тўғрилигига ишонч ҳосил қилгач, шундай хуносага келди:

*Ки бўлса кема сувда суръатнамой,  
Сафар қилса тўққиз йилу етти ой.  
Ҳамул баҳри аъзамни бир давр этар,  
Қаю ердаким сувга кирмиш, этар.  
Аён бўлдики уч йилу бир нима,  
Бўлур сув аро сайд қилса кема.  
Мухитига марказки беиштибох,  
Эрур баҳри аъзамга ул нуқтагоҳ.  
Яқин борур ул ён азимат чоги,  
Ики йилчилик йўлу камрак дори.  
Яна келмаги дори онча бўлур,  
Азиматда борғон замонда бўлур.*

Искандар тўрт йиллик яроқ қилиб, Мухит ўртасига иттифоқ билан сафар қилишни буюрди. Шоҳ яна анжуман тузиб, ўз халқининг сафар чогида ўзига қилган садоқати, шижоати, жонбозликлари ҳақида анчагина ширин сўзлар айтиб: «Мен уларни 13 йил қийнаб келялман. Ўтган вақт ичидаги қанчадан-қанча чиройли, ажойиб жойларни кўриб баҳра олмадик, сув оламининг қанча сирларидан воқиф бўлмадик. Денгизларнинг барчасини ташқи томондан тамошо қилдим. Ягона бир армоним

шу бўлиб қолдики, дengизда икки йил боришга, икки йил қайтишга вақт сарфласак, Олам дengзининг маркази бўлмиш Муҳит дengзининг марказига етиб борамиз. Faқat бир тилагим ҳаммаларингизни Рум сари қайтариб, бир қисм 300 тача лашкар ва донишмандлар билан гина бормоқдир. Бу ерда сизлар қиладиган ишлар қолмади», деганида бутун кемадагилар сурон кўтаришиб, ҳамиша шоҳ билан бирга бўлишга ҳозир эканликларини таъкидладилар. Шунда шоҳ бўлмаса бошқачароқ бир йўлни тавсия қилди. Шоҳ ўз элини уч гурухга бўлади. 2000 жангчи шоҳ амри билан ватанига қараб йўлга тушиди.

Шоҳ яна 700 кемани ўзи билан олиб қолади. Қолган ана шу халққа дедики: «Сизлар тўрт йил давомида мана шу оролда мени кутасизлар, Румдан кўп мол-дунё олиб келасизлар. Худо хоҳласа, 4 йил ўтгач эсон-омон сизлар билан кўришиб ватанга бирга қайтамиз. Агар йўлда менга бирон хатар етса, дengизга чўксам, дарё тўфонлари ҳалок қилса, бу ерда яна кутишни давом эттирамай, хат ёзиб қолдирасиз-да, ватанга жўнайверасиз». Искандар йўлга тушиб сувда сузиб бораркан, неча минг киши худди дengиз илми билан йиллар давомида шуғуллангандек яқдилу ҳамжиҳат меҳнат қилишарди. Шоҳ кема ичига кириб келгач, ундаги ишлар яна жонлашиб кетди. Одамлар туну кун беором, емай-ичмай ухлашни унутиб қўйгандилар. Кеча-кундуз дengизни кузатсалар ҳам, сувдан чиқиб сувга ботаётган қуёшдан бошқа нарса кўринмасди. Дарёларда кезишган чоғда баъзи ерларда сувнинг ўта чуқур эмаслиги туфайли ҳар хил балиқлар, хилма-хил балиқ кўзлари кўзга ташланар, кўзи ўтли ҳайвонлар кемаларга ҳужум қилиб келар экан, у кўзларнинг туташидан ёғочлар ёниб кетмасмикин, деб ваҳм қилардилар. Дengизда пўртана кўтарилганда, кема учи аввал кўтарилиб, сўнгра пастга иниб ваҳимали ўй уйғотарди. Аскарлар дengизнинг бетартиб ҳаракатидан ўзларини аранг тутиб туришаркан, Искандар ҳам бўш келмасликка ти-

ришар, шу тарзда гоҳ ўзига таскин бериб, гоҳ тинмайин кема ичида юриб оғир дамларни кечирарди.

Бақт бу янглиғ ўтиб бир йилу түққиз ой деганда денгиз марказига яқинлашиб қолишиди. Искандарга: «Эй одамзод, мақсадингга етдинг, унинг орзусида йиллар кезган эдинг», -деган нидо эшитилди. Кема турган сувнинг Мұхит маркази эканлиги Илёсу Сүкротга ҳам аён бўлиб дарҳол Искандар қошига етиб келишиди. Тўртовлари маслаҳатлашиб бу жой Мұхит маркази эканлигига шубҳа йўқлиги ҳақида узил-кесил бир фикрга келишиди. Кемаларни ҳараратдан тўхтатиш учун уларнинг бодбонлари — елканларини туширдилар. Искандар элига дедики: “Энди сизларнинг ҳар қайсингиз билан хайрлашаман. Мен денгиз остини кўришни ҳавас қилган эдим. Энди шу муддат келди. Муродимни томоша қилиш учун сув остига тушмоқчиман”. Бу ерда ривоятнинг шу ўрни ҳақида зиддият, қарама-қаршилик бор. Эмишки, шоҳ бир сандиқсимон шиша идишининг ичига кириб, бош томонига арқон боғлашиб кемадан тортиб туришган эмиш. Эҳтиётлик билан у шишани сув ичра солибдилар. Шоҳ шиша ичида бир неча ой қолиб, денгиз ости ҳолини: минг хил балиқларнинг кўришилари ва яашаш шароитларини томоша қилганмиш. Юз кун ўтгач кейин шишани юқорига тортиб олишибди. Бу ҳикоятгина бўлса керак, шундай воқеаларнинг юз беришига ақл бовар қилмайди. Менинг фикримча, бу ҳодиса шундай юз берган: тарихий олимлар Искандарни ҳам нафий, ҳам валий деб аташади. Унинг тани риёзат топмиш эди, саир ишлари тугаллангач, сулук иши ҳам тамом бўлди. Валийликдан ўзини хабардор топиб нубувват мақоми кўзи ни ёритди. Кўзи ул шуъладан нурли бўлғач, қаён боқди кўрди, неким бор эди қанча сирли ишлар унга ошкор эди. Сув ичида томоша қилиб юраркан, ер юзидаги жониворлар ҳам унга акс этиб кўриниб турарди.

Искандар денгиз кезаркан, баҳр шоҳи унвонига ҳам эга бўлди. Бутун жаҳон уни ҳокиму валию пайғамбару музaffer шоҳ сифатида таниди.

Кема қайтар экан, жуда тез суръат билан сузид борар, икки йиллик йўлни бир йилда босиб ўтишарди. Ўзининг жонажон пойтахти Румга эсон-омон етиб борган Искандар сув ичидя яна бир кун қолмоқчи эди, лекин жисми заифлашиб кучи қолмади. Ҳамма билан бир-бир кўришгач, жисми бетоб бўлиб, хаёлига келдики: «Кетмак керак, бу жаҳон таркин этмак керак».

Бу пайт ҳаво жуда қизиб кетган, ерларни сув сепиб ҳам совутиш қийин эди. Шунчалик иссиқ эдик, ерга оёқ қўйган одамнинг оёғи ерга етгач ёниб кетиши аниқ эди. Искандар саман отини суриб бораркан, иссиқ жисмини мадорсиз айлади. Отда юриш имкони йўқлигидан майсазор устига тушди. Ердаги шамолдан майсалараро ором олмоқчи эди у. Касаллик анча кучайган, жисмини иситма ўртар эди. Жой қилиш учун ўрин тайёрлашгача ҳам чидай олмади. Биёбон шундай қизиб кетган эдик, бирор шоҳга ўз қалқони билан соябон қилиб турди. У ҳам сипоҳдорлик қилган маҳалда қалқонни заркор қилиб яратган экан. Шоҳ тақдирни номасида унинг ҳаёти тугалланаркан, унга ер темир, само олтин бўлиб кўринади дейилгандики, иш яқинлашиб қолибди. Кўздан ёш тўкиб, қайғу билан жондан қўлини ювди.

### Искандарнинг вафоти

Бу ишлар Искандарга аён бўлгач, у ўз ҳаёти қуёшига тутилиш вақти етганини сезди. Аниқ билдики, кетмак чори етибди. Шундай маҳзун кунларда ажал жомидан, заҳарли овқат еб-ичиб тураркан, онаси ёдига тушди. Кўзини очиб элга нигоҳ ташлаб, ажал елидай бир совук оҳ тортди. Котиб чақиртириб онасига хат ёзмоқ учун қофозу қалам сўради. Котиб қофозни тайёрлагач, унга шу сўзларни ёзишни буюрди:

Ки, бу сафҳаким, номай дард эрур,  
Рақам анда ҳангомай дард эрур.

*Бирор ҳамдидиндуру бидоят анга,  
Ки йўқ ибтидоу ниҳоят анга.  
Муфизи ато, балки ҳаллоқи жуд,  
Халойикқа берган адамдин вужуд.  
Бадан ичра жон жавҳарин солғучи,  
Яна охир ўз берганин олғучи.  
Тенгиз ичра итканга ҳам раҳбар ул,  
Биёбонда ўлганга ҳам ёвар ул.  
Гадолигни шоҳлиғдин этган азиз,  
Жаҳон шоҳлари оллида бир пашиз.  
Чу ҳақ шуқру ҳамдин адо айлабон,  
Васият бу навъ ибтидоъ айлабон.  
Ки: «Мендинки, йўқ мендек озурдае,  
Ажал хайли илгида пажмурдае.*

Сенга, вайрон бўлган танимнинг жони, вужудим кумуш лаълининг кони, сўзим шуки, айрилиқлар, узоқликлар туфайли сенга кўп азоб-уқубат етказдим. Бошимга олам очмоқ деган орзу тушиб эди, у хаёлим бошдан оёқ хом экан. Аслида жасадимга ҳуш киргандаёқ, ақлим кира бошлаган болалик чоғларимданоқ сенга ўғиллик қилишни, доимо хизматингда бўлишни ўз бурчим деб билсан бўлмасмиди? Бундай баҳтга чарх ҳасад қилди, энди сўнгги чоғда ўзимни ўлдиришимдан не фойда?

Қазонинг бошимга солган ишларидан хабар топсанг, менинг розилигимни ҳам эътиборга олгин: мотамимни тутиб оҳ-фарёд кўтартмагил. Жаҳонни ғам тунидек қаро қилимагин, ичингни қуёшдек асло куйдирмагин, ёқангни тонгдек чок қилмай, оқ соchlарингни сариф юзинг узра ёймагил, бошқа оналар каби юзингни тирнамагил. Сабр қилишга тоқатинг етмаса, қувватинг чидам бера олмаса, катта бир эҳсон йиғини тузгин-да, чор атрофга хабар бериб, жамоатни чорлагил. Беҳисоб ва хилма-хил таом тайёрлагил-да, ҳамманинг олдига ош тортиргил. Мехмонлар овқатга қўл урмоқчи бўлганларида, маросимни бошқараётган кишига: «Бу ошдан оламда бирон яқини ёки қариндоши тупроқ остида бўлмаган кишиларгина

есин», деб айттирип. Шундан кейин эътибор бериб қарагин-чи, бирон кимса овқатга қўл урармикан? Ошга кимдур қўл узатса, менинг ўлимимгага йиғлаб, аза тутиб изтироб чеккил. Агар ҳеч ким овқатга қўл урмаса, таомлардан ҳамма юз ўгирса, бирон кишиси тупроқдан ўрин олмаган инсон жаҳонда йўқлиги шу хилда маълум бўлгач, сен ҳам бу ишдан воз кечгил. Бу соҳада бор олам элига ҳамдард бўлгину, менинг ғамимда андуҳ-азоб чекишидан воз кечгил. Сен ҳам улардек бандасан. Ҳақ ризосига ризоманд бўл, қазо не қилса ҳам хурсанд бўл. Мен яхши бўлсам ҳам, ёмон бўлсам ҳам, умр омон бермай оламдан кетаяпман, вақтинг бўлса бир неча кун Ҳақ ёдини кўнглингдан чиқармай:

Бу ўлган ғарибингни ёд айлагил,  
Дуо бирла руҳини шод айлагил».

Котиб Искандарнинг бу мактубини кечиктирмай унинг онаси қўлига топширди. Чунки шоҳ: «Вақтни кечиктирмай, туну кун от елдириб бу мактубни онамга етказинг. Күёшимни қора булутлар ёпганида, бошим устида кўп изтироб чекиб, жаҳонни аза билан хароб қилманг. Мени тобут ичига жойлаб, кеча-кундуз тўхтовсиз юриб, бор кучингиз билан ҳаракат қилиб, Искандарни Искандарияга етказинг. У ер тириклида ватаним бўлган эди, ўлим пайтида ҳам у шаҳар менинг мозорим бўлсин.

Агар наъшим устида тўплансангиз, у чоғда албатта бир қўлимни тобутдан чиқариб қўйингларки, одамлар ҳайрат эмас, ибрат кўзи билан боқиб, бу панжа бармоқлари саф чекиб жаҳон мамлакатларини, барча қуруқлик ва денгизларнинг лаъл ва гавҳарларини эгаллаган эди. Энди ажал қўли жўнаш ноғорасини чалиб, бўйнига ўлим арқонини согганида, жаҳондан шал инсоннинг қўли мисоли, чинор илтига ўхшаб кетиб боряпти. Кимга билим мададкор бўлса, жаҳондан қўлини ювиши ҳам шундай осон бўлади», деб тушунсин.

Шу ерга етганда шоҳнинг сўзи тугади, кейин кўзини юмди. Фоний мулкни жасурлик билан, тез эгаллаган эди, энди бақо мулкин олгали жазм қилди. Ҳикмат аҳли китоблардек қаро кийди, фалак бўлса, бу иши билан қиёмат кунини ошкора айлади. Негаки, жаҳоннинг бор халқи оҳу ноладан шовқин сурон кўтарди. Шундай қиёматки, гўё осмон ерга, ер кўкка кўтарилиди. Фалак билан ер бирдай чайқалди.

Кейин одамлар Искандарни маҳофага ётқизиб, маҳкам боғлаб, наъшини айтганидан ҳам чиройли безатишиб, жаҳоншоҳи васиятларини ёддан чиқармай, хорлик билан фарёду фифон қилиб овоз чиқармай, наъши тартибини ўзи айтгандай шаклда ясаб сарой сари йўлга тушдилар.

Бурунроқ бир кишидан номани бериб юбордилар. Онаси воқеадан хабар топиб, Рустамдан айрилган Золдай беҳол, ҳушини йўқотган ҳолда ўтирас, кўксини чокчок тилишни истаса ҳам, бу ғамдан ўзини ҳалок айлашни истаса ҳам, лекин ўғли юборган мактуб мазмунига боқиб, шу билан жони маҳзунига тасалли бериб ўтиради. Искандар ниманиким ёёса, уни эшитиш фойдали эканлигини у яхши биларди. Лекин ўзининг аламига қандай чора топишни билмай, қалбидаги ўтдан жаҳон ўрташини, жаҳонгина эмас, тўққиз осмон ўрташини тилар эди у. Лекин шоҳ сўзига садоқат, уни сўзсиз адo қилиш уни зўрға сақлаб туради.

Тобут унинг томон яқинлашиб келар экан, тоғлар, даштлар қора ранг остида қолди. Одамлар наъшни бўйинларига олишди, буни кўрган онаизор асо тутиб, белини қаттиқ боғлади-да, ичидан бир ўтлиғ оҳ тортди. Уятдан фалак бошини куйи солди. Йироқдан ўғли тобутини кўрган она фалакдан шундай фарёд эшиттики, у малика саройигача етиб борди. Зўрға-зўрға тобутга етиб олган она ун чекиб ошуфтаҳол фарёд қилди: «Хуш келдинг, эй азиз меҳмон, ушбу қариган каниз қурбонинг бўлсин. Бу сарой сенга лойик эмас эди, бизни фурбатга ташлаб кет-

динг. Жаннат боғи бўстонини мунаввар айлаб, фариштадарнинг қоронғу кечасини ёритдинг.

Манга фалак зулм қилди: бу йўлга сендан бурун туша олмадим, сенга жаннат ичидан ўрин тайёрлай олмадим. Чарх ажойиб бир ўйин кўрсатиб қуёш ботди-ю, чархнинг кекса кампири омон юрибди. Қазодан бу иш юз бергач, бало сели вайрон жисмимни ҳалок қилди. Кошки эди оқ сочимни ёйиб, гоҳ ўзимга келиб, гоҳида кетиб қўлларим билан ёқамни чок қилолсам эди. Устимга қора кигиз ташлаб, бор овозим билан нола чеколсам эди. то- бутинг олдида заиф жонимни бериб, жисмимни жисминг устига ташлай олсан эди. Фалак зулмидан кўнглимни бўшатиб, ўғил каби она ҳам борса эди. Мотам тутиб оҳ- фарёд чеколмаётганим, жонимни бериб, орқангдан етиб, боролмаётганим мен учун жоним дарди кулфату алам изтироби бўлиб қолди.

Ёзган номанг сендан бурунроқ манга етиб келди-ю, не ишларни илтимос қилган бўлсанг улар менга уқубат бўлди, лекин ҳукмингни бажармасликка ҳаддим бормиди? Чунки бу сўзлар Хоқону қайсар сўзи эмас, балки Искандар сўзлари эди. таним қутичасидаги пок гавҳар қани, куруқлик ва сувлар шоҳи Искандар қани?

Ана шундай сўзлар билан она ўз ўғлини охирги йўлга кузатди. Халойик ичida оҳ-фарёд кўтарилид. Барча аҳоли афону оҳ тортиб келардилар. Тийра тупроқ бағрини ўйиб ул тупроқ ичига қуёшни ёшурдилар. Бу оламдаги эскидан қолган расм қуёшнинг тупроққа ботмоғидир. Равшан танини қора тупроққа топшириб, мадфанини ясаб юз туман зеб ила сипеҳр атласини қабрпўш этдилар. Неча фифону оҳ айладилар. Ҳар қанча фифон қилиб осо-йиш топмай, ранжу аламларга даво тополмай, кўнгиллардаги ҳавас тиканларини синдириб, барча эл ўз кўнгилларини тиндирдилар.

Искандар ҳаётни тарқ этгач, онасиға бутун коинот қаро бўлди. Шоҳ ёзган васиятномага тўла амал қилган иффатли Бону жаҳон аҳлидан ҳеч ким бажара олмаган

иши адо этди. Бундан воқиф бўлган барча яқин кишилари унга офарин айтдилар. Дафндан сўнг барчалари ундан ҳол сўрашга келдилар. Унинг маскани Искандар мозорига айлангандек эди. Бирин-кетин етти дарё, етти денгиздек бўлиб, ўғлининг энг яқин етти ҳамроҳи олимлар ундан ҳол сўраб, насиҳат қилиш учун ташриф буюрдилар ва навбатма-навбат дил сўзларини Бонуга изҳор этдилар. Она уларнинг хурматларини жойига қўйиб, аввал уларни ўлтиртириб, кейин ўзи ўтириб сукут қилди. Олимлар ҳам бироз сукут сақлашгач, барчадан бурун Афлотун сўз бошлади: «Бону даврондан огоҳdir, билим ичida давр аҳлига шоҳdir. Бизларнинг панду насиҳатимиз Сизга ҳожат эмас. Фақат биргина дуони изҳор этмай қололмаймиз:

«Гуҳар чўмса, дарёға бўлсун ҳаёт,  
Куёш ботса, гардунға етсун сабот.

Шоҳ ўз васиятида барчани сабр қилишга даъват этган эди, уларни ортиғи билан адо этдик. Бугун у олам аҳлининг ягонаси, паҳлавонигина эмас, юзта шер қудратига эга бўлган мард сифатида машҳурдир. Шундай ўғил қазога ризоликни аён этди. Умидимиз шуки, бу дарду азобларнинг ҳар бирига Худо мингтадан мукофотини бергай».

Афлотун ўз каломини тугатгач, Сукрот шундай деди: «Эй етти иқлиминг Бонуси, ўғлингдан ажраганингдаги ҳолатингни Яратганинг ўзи кўриб турибди. Ақлдан узоқ бўлган кишигина сенга насиҳат қилиши мумкин. Лекин ақлли киши Тангридан келган барча нарсадан хурсанд бўлади.

Сенинг бу тариқинг эрур баркамол,  
Ки Ҳақ бермасун донишингга завол».

Сукрот ўзининг хикматли сўзларини тугатгач, Балиносга навбат етди. У таъзим билан дуо бошлаб, кўзлари

Ини ерга қадаганича, дуосини тугаллагач, деди: «Барча  
Олга яхши аёнки, айрилиқ дарди фоятда оғирдир.

Сенинг ройинга нури таҳқиқ әрур,  
Хақ әхсонидин онча тавфиқ әрур,  
Не шоиста ишга қилурсан шуруъ,  
Не шоиста әрмас, этарсан ружуъ».

Балинос сўзларини тугатгач, Буқрот ўз нутқини шундай бошлади: «Эй алам тортишда ҳам мулойим онажон! Сенинг зотингга мулойимлик хосдир. Ҳақ сабринг ипини узун қилган, шу узунлик доимо мўл-кўл бўлсин. Биласанки, ҳар бир изтироб чекаётган инсон охири тинчланиб қолади. Гўй чавгондан тезроқ югурса ҳам, ўйин охира тинчиб қолади. Одам ҳам шундай табиат соҳиби, оламнинг барча ҳалқи ҳам шундай хусусиятга эга. Кимга азалдан ақл ёр бўлса, унинг тўғри фикрлашига мададкорлик қилади.

Сени, юз туман шукрким, кирдиғор,  
Хирад ганжидан айлади комгор».

Буқротдан сўнг Хурмус дуо билан сўзга оғиз очди: «Эй гулидан айрилиб, кузга дуч келган боғ, ёруғ нуридан жудо бўлган чироғ! Биласанки, боғ ичида гул очилса, боғбон охири ундан кўнглини узади. Чироғ ҳар қанча мажлисни ёритса ҳам, охири қорайиб қолади. Оламнинг хосияти шундай. Бунинг учун изтироб чекиш фойдасиз, фойдасизгина бўлмай, зиён ҳам келтиради. Сенга тангри билимдонлик баҳш этган. Шунинг учун бизнинг насиҳат қилишимиз, чиройли сўзлар билан панд беришимиз ортиқча ишдир».

Хурмус сўзини тугатгач, Фарфунюсга навбат етди. У деди: «Эй ҳикмат илмидан баҳраманд она! Сўзинг гавҳар-у, гавҳаринг қадрлидир. Бугун сен дуру гавҳаридан маҳрум бўлган улуғлик кони денгизисан. Лекин Худо ўз дури-

дан жудо бўлмаган бирон дарёни яратганми? Қайси кон бағри ўйилиб, ўз гавҳаридан жудо бўлмаган?

Ақл сени шундай улуғворликка эриштирганки, феълингнинг барчаси олам аҳлига мақбулдир. Бу сенга Ҳақ бағишлаган саховатдирки, унинг учун кўпдан-кўп шукур қилмоқ зарурдир».

Олимларнинг сўзларини Арасту якунлади: У дилини тирнаётган аламлардан тинмай кўз ёш тўкар экан, шундай деди: «Бу воқеа сабабидан кўзларимдан дурлар тўкилиб, кўп сўзларимни айта олмаяпман. Сенга панд бериш хоҳишим эмас, балки менга юз киши панд бериши керак. Истагим, Сенинг дарду ғамингни сўраш, чексиз мотаминг дардкашинг бўлмоқдир».

Нетайки, сўрашга тилим лолу, аҳволим ошуфтадир. Бу ғамда Ҳақ Бонуга мадад қилдики, барча ундан сабоқ олиши керак.

*Ки бизларча ҳам изтироб этмади,  
Ўзин дард ўтига кабоб этмади.  
Ичи ғунчадек таҳ-батаҳ қон бўлуб,  
Вале халқ аро оғзи хандон бўлуб  
Демас сўз тилига мурур этмайин,  
Хаёлиға балким хутур этмайин.  
Ки Ҳақ ортуқ этсун бу иқболини,  
Хумоюн қилиб ҳар нафас фолини».*

Олимлар Бону ғамини сўраб, ўзига келтирдилар, яширин яраларига малҳам сурдилар. Дардига шу хилда даво қилишгач, Бону ўзига келиб, улардан узр сўрагандек етти кон устига шундай ганж тўқди:

«Сизлар менга қараганда ҳам кўпроқ мотам тутяпсизлар. Искандарнинг ғами сизга кўпроқ алам соляпти. Чунки унинг кимлиги сизларга яхшироқ маълум эди. камолоти ҳар бирингизга қуёшдек равшан эди. Сафар вақтида сизлар унга ёр бўлдингиз, хатарлар вақтида сиз ёруғамхўрлик қилдингиз. У сизларнинг шоҳингиз эмас, бал-

ки ардоқли дўстингиз эди. Ҳар бирингиз унинг учун икки жаҳондан ортиқроқ эдингиз. Ул ёрингиз сизни ташлаб кетганидан ғамгинмисиз, ундан айрилиб мотам қиляпсизми? Ҳақ бу ғамингиздан ўзи кутқарсинг, қаттиқ мотамингизни ўзи даф айласин. Искандардан агар барчамиз айрилган бўлсак-да, лекин бир-биримизга ҳамдардмиз.

Менинг умрим яна давом этадиган бўлса, оғзимга сукт солиб, ҳеч ҳам сўзламайман, деган эдим. Сизларнинг ҳамдардлигингиздан таъсиrlаниб, беихтиёр сўзладим», — деди.

*Навоий, жаҳондин вафо истама,  
Тутуб бенаволиf, наво истама.*

## НАВОИЙ ЎЗ «ХАМСА» СИНИНГ ТУГАЛЛАНИШИ ҲАҚИДА

Менга подшоҳ қўли етакчи бўлиб, бу панжа билан зўр имтиҳон қилди. Уни панжа эмас, қаттиқ тош деб, тош ҳам эмас, яхлит пўлат дегин. Панжа кучини синаш учун панжа солдиму, у панжага тенг келолмай азобу ранж чекдим. У, донолар, «Панж ганж» («Беш хазина») деб ном қўйган «Хамса» и ганжсанж<sup>1</sup> эди. У ноёб дурлар хазинаси, офтоб панжаси бўлган «Хамса» эди, кимки унга зўрлигини кўрсатган бўлса, кучи етмай, қўли шикаст топди.

Менинг қўлим ҳам беҳад заиф бўлиб, у панжага тенг келолмасди. Қўлимдаги қувват ҳам, панжамдаги куч ҳам панжалар беллашувига имкон бермасди. Бошлаган бу ишдан воз кечишга ҳимматим йўл бермас, кучаниб ишлай десам, қувватим етмасди. Панжамга ҳасрат билан боқиб, бу панжамни у панжамга уриб, ақлу ҳушимни йўқатиб хаёл сурар эканман: суруш — баҳтиёр фаришта<sup>2</sup>нинг тўсатдан нидоси қулогимга чалинди:

«Эй ожизлик ва ёлбориш денгизига ғарқ бўлган, дардига бир чора қилувчи топилмаган инсон! Ўрнингдан тургина-да, пир даргоҳига етиб боргин, юзингни унинг огоҳ жонига қарат ва унинг кўнглидан дўстлик, буюк ҳимматидан мададкорлик тилагин. Чунки очилиши қийин бўлган ҳар бир қулфга буюк донишмандлар дуоси калит бўла олади».

Бу сўзни эшитгач, пир остонаси томон йўл олдим. У жаннатий маконга етиб бориб, сажда қилганимда, осто-

<sup>1</sup> Ганжсанж — хазина ўлчовчи.

<sup>2</sup> Суруш — фаришта Жабройил.

наси тупроғидан күзим ҳам, күнглим ҳам ёриди. Эшикка қўлимни уришга журъат қилолмай турар эканман, у ўзидан ўзи очилиб, «Ниёз аҳли<sup>3</sup> кирсин!» деган овозни эшитдим-да, таъзим билан ичкари кирдим. Пирга дардимни қай тарзда баён қилишни била олмай, гунгу лол бўлиб турар эканман, күнглимдаги дардларимни пирнинг ўзи сўзлай бошлади: мен унинг айтганларини тасдиқ қилгач, у аввало ишимнинг битиши учун дуога қўл очди-да, сўнг барча ҳожатимни раво қилди.

Дедиким: «Бу бир иш эди қилғулук,  
Бу айтилмағон нукта<sup>4</sup> айтилғулук.  
Бу соатға мавқуф<sup>5</sup> эрди экин,  
Бу дам тенгри тавғиқ берди экин.  
Агарчи етишти малолат санга,  
Вале охир ўлди ҳаволат<sup>6</sup> санга.  
Ким ул ганжлар бошиға етгасен,  
Тилисмотини доди фатҳ этгасен.

Оlamга назар солиб кўрдикки, турклар орасида бу каби улуғ ишга қўл уриш учун зарур бўлган кишини топиш қийин. Турклар ҳам, ажамликлар ҳам бундай ишга ҳайрат билан қарайдилар. Olam аҳли ўн кун тинмай меҳнат қилганларида ҳам беш байтли бир ғазални ёзиб тугатолмайдилар. Маснавийгўйлар эса ўн йилда минг байт шеър битишининг уddасидан чиқолмайдилар.

Бу ўрмонда иккита шер бўлиб, бу денгизда иккитагина шижаотали, жасур наҳанг бордир. Ўрмонга кириш учун шерлар жанг қилиши, денгизда эса қўрқмас наҳанглар олишуви керак. Бу кунларда тез ва нозик фикрловчи

<sup>3</sup> Ниёз аҳли — илтимос билан келган кишилар.

<sup>4</sup> Нукта — маъноси чуқур ва чиройли сўз.

<sup>5</sup> Мавқуф — тўхтатилган.

<sup>6</sup> Ҳаволат — топширик.

фақат сенсан. Мусаллам<sup>7</sup> сўзинг равон, сўз ичра гўё бир паҳлавонсан. Равон қаламингга шунчалик ишонч борки, сўз айтганда шунчалик оби ҳаёт яратадики, унинг Хизрваш сувидан бутун коинот тўяди. Бу ишни бажариш сенга насиб этган экан, сен унинг уддасидан чиқа олишингга умид қиласиз. Тур энди, ишинг ҳақида ўйлагин-у ҳаёл аҳли зеби жамоли ҳақида фикр сур. Сен бу ишингда хушёрликни унутмаслигинг керак, биз эса дуо билан сенга мададкорлик қилфумиздир».

Мен нотавон бу сўзларни эшитгач, ўлик жисмимга жон киргандек бўлди. Ер ўлтим-да, уй томон йўлга тушдим. Кўнглимда ўйлаган достонларни яратишга жазм қилдим. Хонамга келгач, қаламим учини созлаб сўз хизналарини бирин-кетин тера бошладим. «Ҳайрат»<sup>8</sup>га кўнглим қизиқиб, унга эл-улус ҳайратини уйғотдим. «Фарҳод» ҳақида ўй суриб, тешавор уста бўлиб, тоғ тикисладим, «Мажнун» афсонасини қаламга олиб, барча халқни жунун шайдосига айлантиридим, «Сабъя»га таъбим яқин бўлиб, етти чархдан офарин эшитдим, тилимга Искандар номини олиб, достон отини «Садди Искандарий» деб атадим.

Бу маҳвашлар жамолларини сарв ниҳоли каби безатгач, латофатда юз аъло жаннат, ҳар бирининг ичидаги минг гўзал ҳур ўз аксини топди. Бу беш хазинани очгач, уларни қоғозга туширдим, кейин ёзганларимни жузвондон<sup>9</sup> имга солиб, ҳиммат билан менга мададкорлик қилган улуф пирим олдига олиб бориб кўрсатишни кўнглим орзу қилди. Ҳузурига бориб таъзим бажо келтириш ва ишим тугагани ҳақида ул зотга хабар етказиш тўғрисида ҳаёл суриб борар эканман, «Ҳамса» яратган қалам соҳибларининг меҳнатларини эслардим.

<sup>7</sup> Мусаллам — инкор қилинмай маъқулланган.

<sup>8</sup> «Ҳайрат» — «Ҳайратул аброр» достони.

<sup>9</sup> Жузвон — китоб, қоғозларни солиб юриладиган чарм ёки матодан тикилган папка.

Бу асарни ёзишга бел боғлаган улуғлар уни тугаллаш учун узок үмрларини сарф этдилар. Назм аҳлининг устоди бўлган Низомий ўз хазиналарини, хазина эмас, ихтиrolарини элдан узокроқда яшаб, ярим умрини заҳмат чекиб, қон ютиб яратди. Беш хазина калидини қўлга киритгач ҳам бу асарларни таҳрир қилиш учун яна анча вақт сарфлади. Кўп умрини бағишлаб, бу ажойиб ёқимли китобини тугаллади. Неча подшоҳларнинг ғамхўрлиги билан бу давр ичида у ҳалқ хизмати билан шуғулланмай, фақат шу асарни ёзишдан бошқа нарсани хаёлига келтирмай, фақат орада қирқта арбаин битиб, шу беш хазинанинг соҳиби бўлди.

Ҳиндча тахаллус олган, асли ўзи турк бўлган Хусрав ҳам Ажамдан Арабгача бўлган мамлакатларни сўз билан қўлга киритди. Бу мустаҳкам қўрғонлар эшигини очгунча, анча афсоналарни қисқароқ баён қилган бўлса ҳам, кўлгина вақтини фақат шу достонларни ёзиш билан ўtkазди. Уларга ўз ҳаётининг ўн беш, камида ўн йилини баҳшида этди.

Яна кимлар шу соҳада қалам юритган бўлсалар, улар сарфлаган вақтни юқорида айтилганларга қиёс қилиб билиб олса бўлади.

Сен эса кўпроқ заҳмат чекиши, элга хизмат қилишдан бўшамас эдинг. Тонгдан оқшомгача эл дардини тинглаш, уларга ёрдам бериш билан банд бўлардинг, баъзида одамлардан ўзингга малол келувчи сўзлар эшитардинг. Ҳалқ ғавосидан тинмас, қулоғинг ҳалойиқ шовқин-суронидан тинчимасди. Шундай қийинчиликларга қарамай, ўз асарларингни битишида файрат кўрсатиб, икки йилдан кўпроқ вақтда ўз «Хамса»нгни ниҳоясига етказдинг. Моҳир бир ҳисобчи файрат қилиб, беш достонни ёзиш учун кетган муддатни ҳисоблаб чиқса, жами олти ой ҳам бўлмайди. Бу назм тезда тугалланган бўлса, унинг яна бир томони туркий тилда яратилганидир. Лекин китобнинг ҳар қанча эътиборли жиҳатлари бўлишига қарамай, талаффузда баъзи камчиликлари ҳам йўқ эмас.

Албатта, ўзингнинг сўзингни ўзинг яхши кўрасан, чунки ўзинг ёзган сўзлар-да улар: шунинг учун ҳам олдингда қимматли бўлиб кўринаверади. Сўз худди ўзингнинг фарзандинг бўлиб туюлади, чунки фарзанд жонингнинг пайванди-да! Бошқаларга нописанд бўлган сўзлар ҳам кишининг ўзи олдида бебаҳо бўлиб кўриниши муқаррар. Бойқушнинг боласи қанчалик хунук бўлмасин, унинг олдида хушжилва товус бўлиб кўринади. Ўзингга маъқул бўлган сўзларни эл ҳам писанд қиласмикан? Дошишманд пирим ёзган китобимни назардан ўтказиб, асарим нуқсонларидан мени воқиф қиласа қани эди?

Бу китобни аввал айтган улуғларнинг юзларига ажал аллақачон ўз ниқобини ёпган. Улардан ҳар бирининг руҳи жаннат боғида шод бўляпти, деб умид қиласман. Доно пирим булардан ҳам ҳабар топиб, мени ҳам боҳабар қиласмикан? Шундай ҳаёллар билан пирим манзилига етиб бордим, остонасини ўпиб, жузвонимдан «Хамса»ни чиқардим-да, ёзганларимни кўрсатиб, барчасини унинг оёғига нисор қилдим! Кемам дарёда борар экан, пирим қўлини улардан бирига узатдию ҳар бир варагини очиб, назар ташлар экан, юзига табассум ёйиларди.

Бирон сўз ҳақида савол берса, жавобини берганимдан сўнг, завқланар, гоҳ таҳсину гоҳ дуо қилас экан, ҳар бир сўзидан шодликка тўлиб муродим ҳосил бўларди. Ёзганларим ҳақида фикрини айтар экан, мен икки кўзимни ерга тикиб турардим. Сўзимни эшитар экан, юзи бўстондек очилиб, енгини меҳрибонларча эгнимга ташлади. Шунда ўзимдан кетгандек бўлдиму, қизиқ бир ҳолат юз берди: тўсатдан ўзимни ажойиб бир бўстон ичида кўрдим, боғу гулистон аро гашт қилиб юрган эмишман. Боғи Эрамда сайр қилган ҳар бир одам ҳам ушбу жаннатмонанд боқقا орзуманд эмиш. Эл Байтулхарамни тавоғ қилган каби мен ҳам чамандан чаманга ўтиб шодланар эмишман. Боғ ичида кўлгина кишилар ҳалқа куриб, ширин суҳбат қилишар экан. Улардан бири чаманда мен кезиб юрган жойга қараб юриб олдимга

келди. Шоирона қиёфали дилкаш ва соҳибжамол бу киши салом бериб, мен билан сўрашгач, «Бу баҳтиёр ва қувноқ одамлар сенинг ҳам суҳбатимизга қўшилишингни истамоқдалар», деди. Унинг таклифини қабул қилиб, ўша томон юрдим. Йўлда борарканмиз, ҳамроҳимга ўзимни таништириб, суҳбатдошларнинг кимлар эканлигини сўрадим. У дедики:

«Улар маснавий назм қилган шоирлар гуруҳидир. Хусусан, улардан бир нечталари «Ҳамса» яратган, «Ҳамса»даги конлар хазинасини очган донолардир. Уларнинг барчалари шу ерда, сенга муштоқ бўлиб турибдилар. Сен менинг кимлигимни сўрадинг. Каминанинг оти Ҳасан бўлиб, халқ Дехлавий деб атайди».

Бу сўзни эшилгач, жисмимга иситма тушди, кўнглимни ҳам изтироб эгаллади. Узр сўраб, ҳамроҳим билан қучоқлашиб кўришдим. Йўлда борар эканмиз, Ҳасан тўдадаги шоирлар номини бирма-бир айтиб, ҳар бирларини алоҳида-алоҳида талқин ҳам қилиб берди. Уч киши мажлис раислари экан, ҳамроҳим уларнинг ишларини ҳам шарҳлаб берди. Дедики: «Ўртадаги ёқимли чеҳрали нуроний пир ҳазрати Шайх бўладилар, огоҳ бўл, ҳурматини эъзозлаб, оёғига бошингни қўй. Ўнг томонидаги донишманд унга пайравлик қилиб «Ҳамса» ёзган Амир Хусравдирлар. Яна бир ёnlаридаги эса сенинг пириңдирлар. Уларнинг икки ёnlаридагилар қавмлари дидир. Барчалари билан ҳурмат сақлаб кўришгил, сўзлаганингда ҳам одоб сақлашни унутмагил!»

Ҳамроҳимнинг барча айтганларини қабул қилдим. Мажлис кетаётган жойга юз қаричча масофа қолганда, базм аҳли ўринларидан турдилар ва мени кутиб олиш учун кела бошладилар. Мен ҳам қадамимни тезлаштириб уларга рўпара бўлдим. Ҳамроҳим бирма-бир ул тўдадагиларнинг отларини айтиб, кўришаётганимда ҳам ёнимда турди. Саъдий, Фирдавсий, Унсурий, Саноий, Ҳоқоний, Анварий... «Барча кўришганларим номларини батафсил тилга олсан, сўз узайиб кетади».

Хаммаларининг қўлларидан ўпид эъзозлагач, улар мени ёнларига олиб, келган тарафларига қараб юрдилар. Супада Шайх ва унинг пайрави, яъни Низомий билан Хусрав, шунингдек, бизнинг пири маҳдумимиз ўтиришарди. Биз яқинлашганимизда, улар ҳам ўринларидан туриб биз томон қадам ташладилар. Хусрав ва пирим Шайхдан бурунроқ юриб келишарди. Мен ҳам улар томон югурдим. Пир ўз ихтиёри билан қўлимни тутиб, ҳамроҳи билан кўриштируди. Мен қўзларимдан ёш тўкиб қўлларини ва оёқларини ўпдим. Жомий билан Хусрав икки қўлимдан ушлаб Низомий сари бошладилар. Мен, фам асири қўлимга олам тушганидан кўз ёш тўкардим. Икки қўлимга икки жаҳон кирган эди. Муборак Шайх билан кўришиб, оёқларига бошимни қўйдим, тупроғини ўпид қўзёш селини тўқдим, буни кўриб турган тўққиз фалак менга рашк қиласарди. Шайх меҳрибонлик билан бошимни ердан кўтариб қайтиб бориб ўз жойига ўтириди. Мени эса куттилмаган баҳт бехуд қилиб қўйган эди. Шайх иккала дўсти билан ўринлашди, мен эса хижолатлик билан қаддимни букиб турардим. Барча гуруҳ аҳли ўз ўринларини эгаллашгач, менга ҳам ўтиришга ишора бўлди.

Шайх мулоимлик билан сўз бошлаб, аввал аҳволими ни шафқат билан сўради, мен жавоб берарканман, хурматини қилиб ер ўпдим. Кейин яна деди: «Эй олам аҳлининг ягонаси, фалак сени эл ичра нодир айлаб, жаҳон назми соҳасида қодир қилди. Газал йўлида шундай юришлар қилдингки, шеър аҳлига сўз айтиш ҳаром бўлди. Назминг жаҳондаги мамлакатларни, жаҳон эмас жон мамлакатларини тутиб кетган эди, маснавийга шитоб қилиб, қаламингдан соғ дурлар тўка бошладинг. Шунда ажойиб иш юз бериб, назминг эл назмига шикаст бера бошлади. Сўзда менга татаббуъ қиласарсансан, неча бор илтижолар айладинг. Чунки мен «Ҳамса»да: «Ҳар кимки, мен билан беллашишга умид қилса, сўзим ўроғидан кес-кир тиф ясаб, у тиф олмоси билан бошига урай!» деб

огоҳлантирган эдим. Кўп одамлар бу сўзларимга даъво қилмоқ учун курашишди. Шу даъво йўлида бошларини фидо қилмоқчи ҳам бўлишиди. Фарзандим Хусрав Аллоҳга илтижо қилгач, у ганжлар сирини топа олди. Яна бир, икки, уч одам қийналиб меҳнат қилиб ўз насибаларига эришдилар.

Сен бу йўлга қадам қўйгач, ўзингни унугиб, бор хаёлингни шу ишга бердинг. Баланд мартабанг тоғча бўлсада, мақсадинг олдида туфроғча ҳам бўлмади. Фарзона Жомий каби пир танлаб, Низомий сингари мададкор топиб, поклик билан бу ишга қўл урган чоғингда поклар руҳи олдингда йўл очиб берди.

Саҳар вақтларида руҳимни дуо билан ёд этмай туриб, ёзувингни бошламасдинг, фақат мени эмас, балки бор назм аҳлини пок дуо билан тилингга олиб, ҳурматинг бизларга беҳисоб бўлиб, биз ҳам сенга ададсиз мадад қилиб турдик. Бўлмаса, икки йилда бир «Хамса» тутатмоқ ҳом хаёлдан бошқа нарса эмас эди.

«Хамса»нгдаги бешта хазинага тўлдирилган гавҳарларни адо қилиб бўлмайди. Улардаги дуру лаъллар барча кўздан яширин бўлиб, дуридаги ипларни ҳам, лаълларидаги тешикларини ҳам кўрмоқ иложсиз. Ҳақ таборак сенга бу дурларни берган экан, умид шуки, улар муборак бўлғай.

Ҳар бир киши сен каби киришса, эвазига шундай натижага эришиши мумкин. Лекин шунчак маънолар хазинасини Ҳақ яширинча сенга берган экан, қаерда шундай ҳолатга дуч келсанг, билгилки, унинг сабаби икки ишдир: бири шуки, сен ҳам илтижо қилишга эътибор бердинг, сирлар аҳли сени қабул айладилар ва рағбатлантириб туришга ҳаракат қилдилар, барчалари ҳиммат билан сенга мадад кўрсатдилар. Яна бири шуки, илму ҳунар аҳли ҳар нима қилса, лоф уради-ю, ишни мураббий қиласди. Ҳунарпарвар иш буюрувчи бўлса, ҳунарманд лоф ургувчиидир. Сенинг шоҳинг соҳибкамол бўлиб, олдида мулку-мол қадрсиз эди. Унга мен айтган икки иш насиб этган эди. Унинг

ажойиб замонида ажойиб ишларнинг юз бериши ажабланарли эмас. Халқа чорасоз, меҳрибон шоҳ халойиқ фозили Шоҳи Фозийдур. Тангри унинг давлатини барқарор, мартабасини етти осмондан ҳам юқори, буюк қилсин. Зоро, унинг замонида сендек киши дунёга келди. Сенинг ишинг эса одамзод қила оладиган иш эмасдир».

Сўз шу ерга етганда, мен беихтиёр ўрнимдан турдимда, «Шоҳга ҳамду сано айтдингиз, энди давлатига ҳам дуо қилсангиз», деб илтимос қилдим.

Сирлар доноси Мир Хусравга қараб: «Сен Шоҳи Фозийга мадҳ айтувчисан. Сўзингдан баъзи байтлар ёдидадир, асарларинг муборак хислатидадир. Сўзларингдан кўнгли таъсирланиб, нафасингдан дуо ҳам унга асар қилади. Дуо қилгинким, олимлару донишмандлар «омин» десунлар, биз ҳам «омин» дейлик», деди. Даврадаги шеър аҳлига мурожаат қилиб яна шундай деди: «Сизлар шоирсизлар, у эса хуштабъ шоҳдир. Фарзанд Хусрав дуо айласа, унинг тилакларини Ҳақ рало қилади. Барчангиз дилу жон билан «омин» денгиз. Кўздан оққан ёшларимиз билан дуо қилайлик».

Бу сўзларни эшигтанлар маъқуллагач, ҳамма ҳиммат билан шоҳга қилинган дуога «омин» дедилар. Сўз устаси Хусрав ўрнидан туриб, дуосини шундай бошлади: «Ё раб, то олам бор экан, одам зоти ҳам бўлади. Тахти ҳукмига олам кириб, жинси одамнинг барчаси бандаси бўлсин. Қиёматгача давлати барқарор бўлиб, кунлари ҳамиша шоду хурсандлик билан ўтсин. Адолатидан жаҳон аҳли, хусусан, фазлу камол аҳли тинч-омон яшасин». Шундай дуо тугаллангач, барча илм аҳли қўлларини юзларига суртдилар. Аҳли савоб қилган дуони ажаб йўқки Ҳақ мустажоб қилгайдир.

Дуо тугагач, қўйнимдан «Хамса»ни чиқариб, қора тупроққа ўзимни ташлаб, йиғлаб, шундай илтижо қилдим:

- «Бу зодаи хотири хастани,  
Кўнгулдин такаллумга пайвастани.

*Ки химмат тутуб эхтимом эттингиз,  
Демасменки, мен, сиз тамом эттингиз.  
Карам бирла туфроғдин ҳам олинг,  
Иноят қилиб бир назар ҳам солинг.  
Ки эл хотириға нузул айласун,  
Улус күнгли они қабул айласун».*

Бу сўзларимни эшитган Шайх туфроғ устида ётган асаримни кўлига олди-да, Мавлавий томонга боқиб: «Сен астойдил дуо қилгин. Сўнгги фарзандимиз, билим мазраъидан ҳосилимиз сўзга моҳирдир. Булар унинг зод пайвандлари, бариси фарзандларимизнинг фарзандлари дир. Санга ҳам шогирддир, ҳам мурид. Сенинг дуо қилишингга умидвормиз».

Маҳдум дуосини бошлагач, барча яна оминга қўл очдилар. Дуоси кўнглимга ёқимли, қалбимга қувончли эди. Давра аҳли «омин дейишиб, мен маҳзунни шод айладилар. Менга бундай олқиши насиб бўлгач, бу мўътабар зотларга сажда қилдим. Улар: «Шоҳингга дуо дегайсен», деб жавоб қилдилар. Бу сўздан аҳволим ўзгариб, ўзимга келдим. Қарасам, мен борган ҳужрада пиrim аҳволимга ҳайрон бўлиб турарди. Гўё бу лаҳзада у эгнимдан кўлини олган ва хаёлимни шу ерга йўллаган эди. Олдида бош эгиб, кўзларимдан ёш оқизиб турардим. Пир меҳрибонлик билан: «Не аҳвол юз берди?» деб сўради. Бошимни қуи солганча: «Менда шундай бир ҳол юз бердики, уни шарҳлаш учун тилим лолдир», деб жавоб қилдим. У дедики: «Бу дам ҳеч кимга берилмаган саодат сенга насиб бўлди. Ўрнингдан тургин-да, Тангрининг эҳсонига, беҳисоб яхшиликларига шукр қил!» деди. Мен ерни ўптим-да, ташқарига қадам қўйдим. Худди бутун олам тамоман менини эди. Мен учун «Ҳамса»ни тугаллаш бир томон бўлса, бу мақсад ҳосили яна бир томон эди. Охирида бу мақсадимга етказган Тангirimга шукримни қайси йўл билан айтай? Аллоҳ муродимга етказган бу кунда базм тузиб, бир дам хурсандлик қилсан арзиди.

Соқий, шодлик қадахини түлдир, негаки күп фикрлашдан димогим қуруқшаб кетди. Кўзимни шуъласи билан мунааввар қилай, димогимни исидан муаттар қилай.

Муғаний, сўзимни тинглагин-да, ҳазин бир нағмани созлаб хиргойи қил, бир оҳанг билан шундай куйлагилки, мен бир дам ором олай.

Навоий, Тангри мақсадингга етказиб сенга ажойиб бир навони армуғон этди. Тангри шукри навосини тилингга олиб, яна наво истасанг, шукур қил!

84

85

86

87

88

89

90

91

92

93

94

95

96

97

98

99

100

101

102

103

104

105

106

МОТ

## **МУНДАРИЖА**

БҮЮК БАДИЙ ОБИДА .....	3
НАВОЙЙ ЎЗ «ХАМСА»СИНИНГ ЯРАТИЛИШ	
ТАРИХИ ҲАҚИДА .....	12
Ҳайрат ул-Аброр .....	15
Фарҳод ва Ширин .....	91
Лайли ва Мажнун .....	175
Сабъаи сайёр .....	237
Садди Искандарий .....	331
НАВОЙЙ ЎЗ «ХАМСА»СИНИНГ ТУГАЛЛАНИШИ ҲАҚИДА ....	414

*Адабий-бадий нашр*

Алишер Навоий

## **ХАМСА**

**Мухаррир  
Маъмурат КУТЛИЕВА**

Бадиий мухаррир  
Уйғун СОЛИХОВ

**Мусаҳҳих  
Наврӯз БЕКМУРОДОВ**

Компьютерда саҳифаловчи  
Феруза БОТИРОВА

Босишига 04.07.2013 й. да рухсат этилди.  
Бичими 84x108 1/32.

Босма тобоги 13,375. Шартли босма тобоги 22,66.

Гарнитура «Antiqua Cyr+Uzb». Офсет қоғоз.

Адади 5000 та (1- завод 2000 та). Буюртма 188.

Баҳоси келишилган нархда.

«Янги аср авлоди» НММда тайёрланди.

Лицензия рақами: АI № 198.

2011 йил 28.08 да берилган.

«Ёшлар матбуоти» босмахонасида босилди.  
100113. Тошкент. Чилонзор-8, Қатортол кӯчаси, 60.

### ***Мурожаат учун телефонлар:***

Нашр бўлими – 278-30-52;

Маркетинг бўлими – 397-10-87, 128-78-43

факс – 273-00-14; web-сайтимиз: [www.yangiasr.uz](http://www.yangiasr.uz)

интернет-дўкон: [www.yangidavr.uz](http://www.yangidavr.uz)

e-mail: [info@yangiasr.uz](mailto:info@yangiasr.uz)

**«ЯНГИ АСР АВЛОДИ» НАШРИЁТ-МАТБАА МАРКАЗИ ТОМОНИДАН НАШР ҚИЛИНГАН КИТОБЛАРНИ ҚУЙИДАГИ МАНЗИЛЛАРДАН ТОПИШ МУМКИН:**

1. “Янги давр китоблари” савдо ташкилоти, Тошкент шахри, Қатортол кўчаси, 60-үй, тел: 273-42-67
2. “Шарқ зиёкори”, Бухоро кўчаси, 26-үй.  
тел.: 233-58-72, 421-50-26
3. Навоий китоб савдо растаси, Навоий кўчаси, 30-үй,  
тел: 505-11-88
4. “Мегам books”. “Ҳамза” метроси.  
тел: 473-00-35, 277-52-70
5. “Юридик адабиётлар”, Тошкент Яккасарой тумани, Бобур кўчаси, 4-үй. тел: 766-29-31, 233-73-32
6. “Акмал-Зиё”. Олмазор тумани, Талабалар кўчаси, 2-үй.  
тел: 761-61-18
7. “Эркин китоблар”, Беруний кўчаси, 12-үй,  
тел: 246-55-60.
8. “Applecar tashkent” Тошкент шаҳар, Чорсу, Навоий кўчаси, 44-үй. тел: 244-34-34, 244-30-40
9. “Илм шуъласи” савдо маркази, Тошкент вилояти, Зангиота тумани, ЧП “Азимов”, тел: 704-77-22; “Чилонзор канц”, тел: 406-72-82; “Ануш канц.савдо”,  
тел: 150-27-41; 180-38-01.
10. “Маънавият бўстони” китоб дўкони, А.Темур кўчаси, 6-үй. тел: 241-25-90. 307-28-58.
11. “Таълим манбай” китоб дўкони, Шайхонтохур кўчаси, 10-үй тел: 241-07-14
12. “Brass Trade” китоб дўкони, Магнитагор 7-тор кўчаси, 12-үй, тел: 157-47-31
13. “Sinema market”, “Ихлос” дўкони, Навоий кўчаси, 3-үй, тел: 244-44-07
14. “Ўздавкитобтаъминот”, Навоий кўчаси, 30-үй, 1-китоб дўкони, тел: 244-19-91
15. “Хусусий тадбиркор Р.Исхакова”, Андижон вил. Балиқчи тумани, тел: +99891-602-10-77 савдо маркази.
16. “Андижон китобсавдо”, Андижон ш. Истиқлол кўчаси 8-үй, тел: 8-374-258-24-79

**17.** “Одина Эшон мероси”, Хоразм шаҳри, Богоғ тумани,  
Деҳқон бозори қишлоғи, тел. +99862-704-55-88

**18.** “Қутлуг қадам”, Қарши ш. Ўзбекистон кўчаси 292-үй,  
тел: +99875-778-41-01.

**19.** “Хидоятхон савдо сервис” МЧЖ, Наманган, Фиштқўприк  
даҳаси савдо марказида китоблар дўкони, тел: 8-369-226-43-92.

**20.** “Диёнатли ҳамкор”, Жиззах ш. Иттифоқ маҳалла 12-үй,  
тел: +99872-366-76-19.

**21.** Жиззах ш. Кўкбозор китоб растваси, тел: +99872-227-99-  
27

**Мурожаат учун манзил:**

100113, Тошкент, Чилонзор-8, Қатортол кўчаси, 60.

Телефон: 128-78-43, 397-10-87

web-сайтимиз: [www.ibook.uz](http://www.ibook.uz). e-mail: [yangiasravodi@mail.ru](mailto:yangiasravodi@mail.ru),  
[yangiasravodi@mail.ru](mailto:yangiasravodi@mail.ru)

# ЖАҲОН АДАБИЁТИ ДУРДОНАЛАРИ

Янги  
авлоди  
нашрёт-матбаси Қарзаси тақдим этди  
ACP 2012

## АРТУР КОНАН ДОЙЛ, ЖЮЛЬ ВЕРННИНГ

“ШЕРЛОК ХОЛМС ВА  
ДОКТОР УОЛСОННИНГ  
САРГУЗАШЛАРИ”,  
“УН БЕШ ЁШИ САЛИТАР”

КИТОБЛАРИНИ  
МУТОЛАА ҚИЛИНГ!



Дунё миқёсінде їз асарлари билан машхур француз адаби Жюль Верннинг “Ун беш ёшли капитан” ва ағылшын Артур Конан Дойлинг “Шерлок Холмс ва доктор Уотсоннинг саргузашлари” зерттеулердің шараларынан көп үкіметтегі асарлар сирасында жарылды.

Асарлар мұтоловасыдан сүнг Дик Сенд кәбі күркес, үдәдүрөн, көткөннен бүлін хисепттери инсонийлік омының жаңайтындығынан айтауды.

Шерлок Холмс ва доктор Уотсоннинг қатар жинаяларни фош күлишдеги изқуварлық маҳорати заковатынан бойтады.

Мәзкүр асарлар китебхоналарни мекнәтсөваплик, олижаноблик ва одамийлікка ундаиди.

Муражай учун мәйест: 100113, Тошкент, Чилдизор-8, Қатортол күчеси, 60. Телефон: (+99871) 273-56-45, 128-78-43  
web-сайтимиз: [www.yangiavr.uz](http://www.yangiavr.uz) интернет-жүкөн: [www.yangidavr.uz](http://www.yangidavr.uz) e-mail: [info@yangiavr.uz](mailto:info@yangiavr.uz)

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ  
ЁЗУВЧИСИ

Янги АСР  
аудоди 2012  
нарият-матба оркази тадом этиди

# ТОҲИР МАЛИКНИНГ

“ҲАЛОВАТ”

китобини  
мутолаа қилинг!



Мазкур иктоба “Танҳидни ё машина?” “Балт орхон”, “Тоҳжондик мазбуға”, “Жондан ҳам кимматли”, “Вижон икоби”, “Сабзик таджамиу”, “Сочар нафар сўнгни андеша иштас”, “Ен күшин - яхон күшин”, “Мехлон кенса эшикни”, “Ҳаловат қўяси”, “Худо сабр берон”, “Дарор ҳангомалари” каби мавзулар билан танишсан.

- Бир хонадонда тўйга тайёрларни бошлиланган эди. Киз томони мебегни олбиз излаб ўрнатмоқен бўлганинида, кубъ томон “я, мебегъ чот зинни омас экан-ху?” дебон. Шу таг турфайти тўй бўноди...
- Кепни томонга тил оббориганди аввал бытта ҳий бериссан бўлса, саримнинг бирор дарёларномидан биси учи жуфт оюва юлди. Сунъ ёнка бўлсан кўншидни. Бугун эрда кепни томонга иккита фил куйтилса, ахоб амас...
- Битта ижонни ярмини об, ярмини ташлос образорни - икорор. Бу олинингинни курган балан одамилар танбек беради. Худу, матн-чи? Вактинги икорор борми? Сиз ўзинингда шу савонни бераб кўрганинисиз?
- Олимбек шошилтаника худини хотага чишиб, пулат сандори очиб: – “Ҳаром ултурнинг фалокати менга ҳам урасма эди. Миниса бир бураганди авлодираб берган бўлса. Тур тад! Тапла таиничдоримени ту. Хитой пилами ура. Оламинга ташшук келаман...

Бошчаторни ижонни кўнгут монандомониста фойз бўримони,  
оғозлини музнидлик таъни таъниб, мазкур анибни сиз  
важера тарзни этинсан.

*Борзакар*

Мурказатчучун макони: 100113, Ташкент, Чиланзор-2, Карақалпакстан 60. Телефон: +998 71 271-46-45, 128-78-43  
хизб-сайти: [www.yaqubdastan.uz](http://www.yaqubdastan.uz), инстаграм: [www.instagram.com/yaqubdastan\\_uz/](https://www.instagram.com/yaqubdastan_uz/), емайл: [yaqubdastan@yandex.ru](mailto:yaqubdastan@yandex.ru)

**“ЯНГИ АСР АВЛОДИ” НАШРИЁТ-МАТБАА  
МАРКАЗИ ТАҚДИМ ЭТАДИ:**

**Зокир Замонов, Диалдора Зувайтова** ж. Йикказат “  
“ТОП... ТОП... ТОПИШМОҚ”

**Бичими 84x108 1/32** 62 66 66  
120 бет.

**Юмшоқ муқова** 66 66 66

Болаларни фикрлашга, топқырлыкка ўргатадиган топишмоқлар уларни келажакда жумбоқли вазиятлардан, муаммоли ҳолатлардан қийинчилексиз чиқишига тайёрлаши шубҳасиз. Ўн бир мавзуни ўзида мужассамлаштирган мазкур тўплам болалар учун ажойиб топқырлик машқи вазифасини бажаради.

**Худойберди Тўхтабоев**  
**“ШИРИН ҚОВУНЛАР МАМЛАКАТИ ЁКИ СЕҲРГАРЛАР**  
**ЖАНГИ”**

**Бичими 84x108 1/32**

**384 бет.**

**Қаттиқ муқова**

Акромжоннинг бир-биридан қизиқ кечмишларини ўқиб мириқиб куласиз, фантастик лавҳалардан ҳайратга тушасиз, катталиги тоғдек келадиган қовун-тарвузлар, қовун ичидаги олам – ажойибу гаройиб шаҳарларга саёҳат қиласиз. Бу қаҳрамонимизга ҳам сеҳрли қалпоқча ёрдамга келади...

**ЛЕВ ТОЛСТОЙ ҲИКОЯЛАРИ**

**Бичими 70x84 1/16**

**44 бет.**

**Юмшоқ муқова**

**Ўзбек ва инглиз тилларида**

Азиз болажонлар, биз тақдим этаётган ушбу китобда машҳур ёзувчи ва дунё тан олган адаб Лев Толстойнинг энг сара ҳикоялари жой олган. Улар таққослаб ўрганиш учун инглиз ва ўзбек тилларида берилган.

Ёш китобхонлар ҳикоялардан баҳра олиб, тил кўнижмаларини бойитишиади, деган умиддамиз.

**Нашриётимиз томонидан 500 номдаги турли-туман китоблар чөп этилади. Жумладан, сиз қуийдаги китобларни ўқишингиз мумкин:**

“Тарихий мерос” рукнида “Навоий ҳақида 22 мақода”, “Навоийнинг армонлари”, “Хамса” достонларининг насрый баёни; “Муҳаммад Феруз кутубхонаси”, “Мунтажаб ат-таврих”, “Фирдавс-ул-иқబол”, “Сиёсатнома”, “Самария”;

“Заковат дурданалари” рукнида “96 мумтоз файласуф”, Жаалодиддин Румий, Афлотун, Арасту, Нитше, Конфуций, Цицерон, Платон, Гёте китоблари;

Худойберди Тұхтабоевнинг “Жаннати одамлар”, “Сариқ девни миннеб”, “Сариқ девният ўлими”, “Қасоскорнинг одтиң боши”, “Беш болали йигитча”, “Ширин қовуналар мамлакати”, “Мунгай күзлаар”, “Құйндар салтанати”;

Тоҳир Маликнинг “Ҳаловат”, “Вой, онажоним”, “Тош қалбларга назар солинмас”, “Аёвсиз илон”, “Ҳалол нимаю ҳаром нима”;

Зулфия Қуролбой қызы қаламига мансуб “Армон асираси”, “Ёвуздлик фариштаси”, “Ұдим әч нарса эмас”;

Аҳмад Аъзамнинг “Ўзи уйданмаган совчи”; Абдуқаюм Йулдошевнинг “Бир кун ва бир тун”, “Тимсожнинг күз ёшаари”; Анвар Намозовнинг “Мен – кўринмас одам” ва “Онаси ўпмаган йигит”, “Жумбок”; Нилюфар Умрзоқованинг “Бего-йимнинг турмуши”;

Жаҳон адабиёти намуналари – “Бузрукнинг кузи” (Г.Г.Маркес), “Да Винчи сири” (Дэн Браун), “Иблис ва Прим хоним”, “Портобелло жодугари” (Пауло Коэльо), “Уалис саргузаштлари” (Ж.Жой), “Финансист” (Г.Драйзер);

Дилбар аёлларимиз ва лобар қызларимиз учун “Сиз, сўзсиз, гўзасиз”, “Онадик ва ҳомиладорлик психологияси”, “Кедин бўлиш саиъати”, “Этикетнинг олтин китоби”, “Ҳадемай онда қурасиз”, “Ҳадемай она бўласиз”;

“Муваффақият калити” рукнида машхур руҳшунос Дейл Карнеги ва Наполеон Хилл китоблари, бизнес, психология бўйича “Амалий психология”, “Кўнгли олиш саиъати”, “Вақтии бошқариш”, “Буржлар ва пуллар”, “Бурж, тақдир ва феълатвор”, “Савдо саиъати”, “Рақамларда тақдираар”;

Шунингдек, сиз маърифий-оммабоп, саломатлик ҳамда турли-туман рукнларга оид бошқа китобларни ўқишингиз мумкин.

**Мурожаат учун манзиза:**

100113, Тошкент, Чилонзор-8, Қатортол кўчаси, 60.

Телефон: (+99871) 273-56-45, 128-78-43

e-mail: yangiasravloji@mail.ru